

ФАЗУ АЛИЕВА  
ТАҚДИР  
БУЛОҚБОШИ

Повестлар

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1983

Р е д к о л л е г и я

САРВАР АЗИМОВ (редколлегия раҳбари), ҲАФИЗ АБДУ-САМАТОВ, ЗИЕД ЕСЕНБОВ, ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ, ВОҲИД ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, САЪДУЛЛА ҚАРОМАТОВ, МИРМУҲСИН, МУҲАММАД АЛИ, НАЗИР САФАРОВ, ТУРОВ ТУЛА, АЛЕКСАНДР УДАЛОВ, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ, КОМИЛ ЯШИН, МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ

Русчадан

ЖУРАХОН УМАРОВА ва ШОИРА ЮСУПОВА таржималари

А  $\frac{70303-191}{M352 (04)-83}$  107-82 4702040000

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1983 й. (Тарж.)

# ТАҚДИР

---

*Оилани кўз қорачиғидек асра.*

## 1

Қоядан ажралган катта харсанг бўри чангалидан қутулиб чиққан қўзичоқ янглиғ пастга интиларди.

Эҳ, тентак тош! Қаерга ошиқяпти у?.. Ўзи парчаланди ҳам йўлида учраган ҳамма нарсани нобуд қилди. У нималар қилаётганини ўйлаб ўтирибдими дейсиз? Жойидан силжиди-ю, нохуш хабар олиб келаётган чопардек олға интилиб, жарликка қулади. У нимани нобуд қилди?.. Ёш ниҳолними? Ёки бусиз ҳам умри қисқа нозик гулними? Эҳтимол, сариқ тумшуқларини капалаб очиб турган полапонли қуш уясинидир? Кейин у пастдаги метиндек қояга урилиб қумдай сочилиб кетди.

Харсангтош инсон эмас. У ўзига йўл танламай эртага нима қиларини ўйлаб ўтирмай жойидан қўзгалаверади. Инсон тақдири тик қоядан ажралиб, пастга қулаган онгсиз харсангтош эмас, албатта. Ўзининг орзу-мақсадлари сари интиладиган инсоннинг ҳаёт араваси кескин бурилишлар, қийин сўқмоқлар, кенг ва равон йўлларни босиб ўтади. Аравадаги энг қимматбаҳо юк эса бу меҳнат, кураш ва ақл-заковатдир.

\* \* \*

Баҳорнинг биринчи ойдин тунлари келди. Овул аҳолиси уйқуга эрта ётади. Чунки юлдузлар хира тарта бошлаган субҳидамда улар далага чиқишлари лозим. Тоғлиқларда шундай одат бор: кимда-ким баҳорнинг биринчи куни ўрнидан кеч турса, у бутун баҳорни ғафлатда ўтказади. Ким баҳорда кўп ухласа, қишда кўп йиғлайди. Баҳорнинг ҳусни меҳнатда.

Гулшод бу гапларни қариялардан жуда кўп эшитган. Шунинг учун ҳам бу оқшом ишларини тезроқ битириб, эртароқ ётишга шошилди. У қатиқ ивитди, янги сузмадан солиб варақи пиширди. Варақи жуда ширин чиқди. Гулшод варақи иссиқлигида унинг ус-

тига сариёғ сурди-да, юзига шакар сепди, сўнгра идиш-га солиб қопқоғини маҳкам беркитиб қўйди. Кейин сигирнинг олдига бир қучоқ беда солиб, энди сигир соға бошлаган ҳам эдики, бирдан Солиҳатнинг овози эшитилиб қолди.

— Сигир соғялсанми, Гулшод,— дарвозанинг олди-да туриб сўради дугонаси.

— Ҳа, Солиҳат. Вақти бўлиб қолди. Қирганинг жуда яхши бўлди-да, варақи сомса пиширгандим. Нимагадир битта ўзим егим келмади. Қайнонам билан қайнотам ҳали бозордан қайтишмади. Савдолари тугама-ганга ўхшайди.

— Демак, жуда вақтида келибман-да. Иссиқ варақининг устидан чиқибман. Бизнинг уйда ҳам пишириш-япти. Бугунги кун бошқача ўзи. Баҳорнинг биринчи куни-да.

Шундан сўнг Солиҳат чўнтагидан ҳаворанг конверт чиқарди.

— Мана сенга баҳор қалдирғочи. Юсуф сенсиз яшай олмасмиш! — деди у конвертни Гулшодга узатар экан.

— Ростданми, Солиҳат? Кўзим учганди-я. Юсуфдан хат келармикин, деб ўйлагандим. Қани, бера қол.

Гулшод сутли қўллари билан хатни чангаллади... Юзлари бахтдан порлаб, кўзлари ҳаяжондан билинар-билинемас титради. «Йўлда кетаётгандаёқ ёзибди,— дея ўйлади қиз ва Солиҳатга қаради, лекин у аллақачон кетиб бўлган эди.— Майли, Юсуфнинг хати билан зерикмайман...»

Хат охиридаги Юсуф ёзган санага қараб, Гулшоднинг турқи ўзгариб кетди. Кўзларидаги қувонч — худди шамолдан ўчган шамдек, устига сув қуйилган гулхандек — сўнди-қўйди. У ўз кўзларига ишонмасди. Сут соғилган пақирга қоқилиб, ўрнидан турди. Оппоқ сут илон изи бўлиб, ҳар тарафга оқиб кетди. Гулшод хонасига отилиб кирди-да, эшикни қарсиллатиб ёпганча, уёқдан-буёққа юра бошлади. «Йўқ, Юсуф бундай хат ёзмайди. Ёзув уники, лекин сўзлар бегонаники... Нима қилиш керак? Онажон, қадрдоним! Сенинг олдинга борайми? Йўқ, унга айтиш мумкин эмас, чунки унинг юраги бундай дардга дош беролмайди, шусиз ҳам ғам уни адойи тамом қилди. Қаерга, кимнинг олдига боришим керак? Наҳотки, ҳаммаси тугаган бўлса?»

Гулшод хатни қайта-қайта ўқиркан, Юсуфнинг бундай хат ёзганига сира ишонгиси келмасди.

Юсуф Хасавюртга кетмасдан олдин иккаласи тун бўйи гаплашганди. Гўё шу топда улардан бахтиёр киши йўқдай эди. Юсуф Гулшодга ўша оқшом чиройли рўмол совға қилди. Ана, у каравотида осиглиқ турибди. Уни ёйиб кўришга ҳам ҳали улгурган эмас.

«Юсуф, мен сенинг кўзларингга қарашим керак. Қариялар тўғри айтадилар: «Ақл бовар қилмайдиган нарсага ишонма», деб. Сенинг хатингдаги сўзларга эса менинг ақлим бовар қилмаяпти. Мен бунга ишонмайман».

Гулшод шолрўмолини елкасига ташлади-да, чопиб кўчага чиқди. Овулнинг чеккасидаги боққа қандай бориб қолганини ўзи ҳам эслай олмайди. Ана, унинг юрагига яқин қадрдон олма дарахти. Унинг бахти шу ерда туғилган! «Қадрдон дарахт! Сен биласан-ку, биз бир-биримизни қандай севардик!» — шивирларди қиз, дарахтни қучоқлаб.

Бир лаҳза хаёл Гулшодни ўтмишга олиб кетди. Гулшод ўшанда мактабда ўқирди. Мана, у ўз уйида. Бутун оила ўчоқ олдида ўтиришарди. Ўшанда онаси уни бағрига босиб, меҳр билан бошини силаган эди...

Гулшод алам билан қайноқ юрагига кафтини босди. «Эҳ, ойижон, ойижон! Қалбимни даҳшат босаяпти. Қани энди бу тун ҳам ёнимда бўлсангиз, қўйхонага кирган бўрини қувиб солгандек, мени бу оғир юкдан, бу даҳшатли қайғудан халос этсангиз». Лекин онаизорга ҳам осон эмас эди. Умрида у озмунча қайғу-алам чекди-ми, ахир. Бу қийинчиликлар, бу қайғу-алам туфайли унинг қадди букилиб, сочлари оқарди. «Ойижон!..» Гулшоднинг кўз олдида Кавсаратнинг ёшлик йиллари келди...

\* \* \*

Қалдирғоч уяси янглиғ тоғ ёнбағрига қурилган мўъжазгина уйнинг деразалари жанубга қаратилган. Она иккита қизалоғини бағрига босганча айвонда ўтириб, урушга кетган эрини қўмсаб, юрак-бағри эзилиб, болаларига уларнинг оталари ҳақида гапириб бериб, ўзини оғир хаёллардан чалғитарди.

Уларнинг оиласи баҳор кезлари гуллар устида гужгон ўйнайдиган асаларилар каби ғайрат билан ишлар, аҳил яшарди. Комил соғлом, бақувват, қўли гул йигит

эди. Бир ишни бошладими — охирига етказмай қўймасди. Уйга келганда ҳам бир лаҳза тинмас, доим бирор иш билан банд бўларди: гоҳ нурай бошлаган деворларни тўғриласа, гоҳ товуқхонани, гоҳ сиигрнинг охурини тузатарди. Кавсарат эса эрига жилмайиб қарар экан: «Ҳафсала қилса, ҳар қандай ишни уддалайди», дея ўйларди. Чиндан ҳам Комил доим ўзига иш топиб юрарди.

Улар тўйларини ҳам ота-боболаридан қолган мана шу уйда ўтказишганди. Уша кезлари дераза ўрнида шифтда бир неча туйнук бўларди. Совуқ тушган уйнинг бир бурчагида ўчоқ ёнса, иккинчисида сув музларди. Келин билан куёв ҳаммасини ўзгартиришга аҳд қилишди. Комил эски иморатни бузиб, янги уйга пойдевор қурди. Уста чақиришнинг ҳожати йўқ. Чунки Комилнинг ўзи тош теришни ҳам, дурадгорликни ҳам ўрнига қўярди. Кечқурун улар эртанги кун ҳақида келишиб олишарди. Тонг отиши билан яна икковлашиб ишга киришар эдилар...

Шундай қилиб, ўртаси даҳлиз икки хонали уй қишга яқин тайёр бўлди. Бу уй қишда иссиқ, ёзда салқин бўларди. Ҳар бир хонада иккитадан дераза бўлиб, уларнинг сўналари қуёш нурларини ўзига тортиб олаётгандек, ҳаммаёқ ёруғ бўларди.

Овулда оналар — ўғилларига, аёллар — эрларига меҳнатсевар Комилни ўртак қилиб кўрсатишарди. Ҳамма унинг қўли гул усталигини, ғайрати, оилапарварлигини мақтарди.

Кавсарат ҳам эридан қолишмасди. Бутун овулда саранжом-саришталик, шинамлиқ бобида унинг олдига тушадиган бека йўқ эди. Уйнинг кўчага қараган деразалари ҳар доим ярқираб турарди...

Кунларнинг бирида Комилнинг онаси Холун Кавсаратга кичкина тугунча узатди. Кавсарат тугунни очиб қараса, ичидан чиройли қилиб кашта тикилган қўл сочиғи чиқди.

— Қизгинам,— деди она,— мана бу тумор. Мана ви каштадаги гул одамни ёмон кўздан асрайди. Ёмон кўздан худо сақласин. Гулларни қиблага қаратиб шифтнинг тагига осиб қўй.

Кавсарат қайнонасининг бир гапини икки қилмасди. Шу боисдан қайнона-келин аҳил туришарди.

Тўйдан сўнг орадан бир йил ўтгач, уларнинг янги уйларида оқ капалакдай жажжигина қизалоқ туғилди. У ўзи билан янги хонадонга бахт, шодлик, ғурур

олиб келди. Кейин эса, иккинчиси туғилди. Улар илк баҳорда очилган икки дона бинафшага ўхшарди.

\* \* \*

Бир куни кечқурун момақалдироқ қулоқларни қоматга келтириб гулдуради-да, ёмғир аралаш дўл ёғди. Момақалдироқ шу қадар қутуриб гумбурлардики, одамлар қўрқувдан қулоқларини беркитиб олишди. Чақмоқнинг ўтли найзалари қоялар орасида уёқдан-бўёққа учарди.

Эртасига эрталаб далага чиққан одамлар эндигина куч йиғиб, тўлиша бошлаган бошоқларнинг ер билан битта бўлиб ётганини кўришди. Осмону фалакдан қутуриб тушган дўл на боғлардаги бирорта мевали дарахтга, на даладаги бирорта ниҳолга шафқат қилибди. Ҳатто қушлар ҳам бу даҳшатдан жонларини омон сақлаш учун иссиқ инларини ташлаб, қоялар орасидаги тешик-теликларга кириб кетишибди.

Кавсарат эшикни очиб, тарнов тагидаги қалдирғоч инининг ерда ётганини кўрди. Ин ёнида қушчаларнинг жасадлари ётарди. Тепада болаларидан айрилган қалдирғоч чарх уриб айланарди. Кавсаратнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бояқиш қалдирғочларни эрталабдан-кечгача тумшуқларида тинмай лой ташиб, ин қуришганини бутун оила аъзолари кузатганди. Бу уяни қуриш учун улар озмунча меҳнат қилишдимиди. Иккинчи қалдирғоч қаерда қолди экан? Болаларига овқат қидириб кетганида фалокат юз бердимикин? Ёки бу бахтсизликка бардош беролмай қояларга ўзини уриб ҳалок қилдимикин?

— Комил, ҳой, Комил!—дея чақирди Кавсарат,— тезроқ бўёққа чиқ. Манави бечораларга бир қара.

— Нима гап ўзи, Кавсарат?

— Манави шўрлик қушчани кўр.

— Ҳа, жабр бўлибди,— Комил қушчаларни қўлига олди.— Ҳали совимабди-ку, тирик экан жониворлар.

Кавсарат билан Комил қушчаларни пахтага ўраб, иссиқ жойга қўйишди. Она қалдирғоч ҳамон томнинг тепасида безовта айланиб, бузилган уясига қўниб, аянчли чирқилларди.

Кавсарат бечора қушнинг аҳволига ачиниб кетди. Жувон бу мусибат ҳақида қўшниларга айтган эди, улар бояқиш қалдирғочни кўргани киришди. Қайғу-

нинг зўридан карахт бўлиб қолган бечора қушча, чамаси, ҳеч нарсани сезмасди.

Овул одамлари бу қалдирғоч қандайдир мудҳиш офатдан дарак бераётганини хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Бу офат ҳар бир хонадонга «уруш...» — деган даҳшатли сўз билан бостириб кирди.

Ёруғ дунё қоронғи бўлиб кетди. Ёз кезлари арчилган тухумдек тиниқ бўладиган фируза осмон хира тортди, далада меҳнат қилаётган колхозчиларнинг қувноқ бақириқ-чақириқлари ҳам тиниб қолди. Қушларнинг чуғур-чуғури ҳам дилларга ором бағишламай қўйди.

Комил фронтга жўнади. Кавсарат учун бир-биридан узун, нотинч, қайғули кечалар бошланди. У кундузлари тонг отиши биланоқ, гоҳ меҳнат бригадасига окоп қазишга борар, гоҳ отардаги қўйларни боқишга тоққа чиқарди.

Ҳизлар билан уйда Холун опа қоларди. Улар энди оналарини кам кўрадиган бўлиб қолишганди.

Орадан бир йил ўтди. Яна баҳор келди. Кавсарат далада ишларди. Ҳар доимгидек қушлар чирқиллашар, боғларда гуллар барг ёзиб, кўм-кўк майсалар қуёшда жилваланиб турарди. Лекин Кавсаратга қуёш нурлари олдингидай иссиқ, ёрқин эмасди, қушларнинг овози ҳам жарангсиз, яшил майсалар эса рангсиз бўлиб туюларди.

Аммо табиат баҳорнинг қуёшли, фируза кўзларини чарақлатиб яшнаб гулламоқда эди. У гўё жилмайиб: «Бундай нурафшон бўлганимга айбдор эмасман. Меҳнаткаш қўлларга мен ҳам муштоқман. Менга ишлов бериб, танамга ҳаёт бахш этинг. Барча оналар каби мен ҳам фарзандларим меҳрини соғиниб, азоб чекмоқдаман», деяётгандек эди.

Мана шундай баҳор кунларининг бирида отлиқ бир чопар Кавсаратга «Комил қайтди», деган хушxabарни олиб келди.

Кутилмаган бу бахтдан Кавсарат бир лаҳза гангиб қолди. Сўнг ўзини қўлга олиб, гўё қанот пайдо қилган қушдек овулга учди. Бу янгиликдан ҳаяжонга тушган барча қўни-қўшнилар унинг ортидан югуришди. Кавсарат орқа-олдига қарамасдан югурарди. Кулранг шолрўмоли сирғалиб, елкасига тушганича шамолда ҳилпираб борарди. Баҳор шамоли эса бевақт оқ оралаган қоп-қора сочларини тортқиларди. Йўл-йўлакай у ор-



зиқиб кутган эрининг бўйнидан қандай қучиб олиш ҳақида ўйлаб борарди.

Мана, Кавсарат уйига ҳам етди, эшикни очди-ю, тўхтаб қолди... Тумонат одам Комилни ўраб олганди. Кавсарат уларни бостириб ўтишни ўзига эп кўрмади. Унинг келганини кўриб, ҳамма унга йўл берди. Кавсарат Комилга қўл чўзди. Унинг юзи бахтдан порлаб, ёноқлари ҳаяжоннинг зўридан тонгда шабнам ювган олмадек қирмизи рангга кирди. Унинг бутун вужуди эрига нисбатан эҳтирос ва назокатга тўлиб турар, фақат аёлларга хос ибогина бу муҳаббатни очиқ-ойдин намоеъ қилишига халал берарди. Комил унинг қўлини қисди. Жувон алланечук безовта бўлиб, эрига тикилди. Тикилган сари унинг ўзгариб кетганини, олдинги Комилга ўхшамай қолганини ҳис этарди. Комил озиб-тўзиб кетганидан бўйи янада баландроқ кўринди. Бўйнидаги даҳшатли чандиқ уни хунук қилиб кўрсатар ва бошини ўгиришига халақит берарди. Унинг кўзлари алланечук нотабий чакнаб турар, чамаси, Комил одамларнинг ўзига ачинишларидан қўрқарди. Кавсарат чидаб туролмади.

— Комил!— Мунис аёлнинг кўксидан ушбу сўз ноладай отилиб чиқди. Бу ноладан уй титраб кетгандай бўлди. Кавсарат ўзини Комилга отди-да, эрининг бўйнидан қучиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди. Бу узоқ орзиқиб кутилган севинч ёшлари эди. Комил нимжон қўллари билан хотинининг сочини силаб, уни бағрига босди. Қўллар! Урушга кетаётиб хайрлашгандан бери қанчалар ўзгарган улар. Меҳнатда қотган забардаст қўллар. Ўшанда Кавсаратнинг елкасида гўё икки пўлат қанот тургандек эди. Бу қўллар Кавсаратни эркалаганида унинг баданида излари қоларди.

— Қўлларинг бунча дағал,— дегувчи эди ўшанда Кавсарат.

— Дағал эмас, меҳнаткаш қўллар,— дея хотинининг гапини тўғриларди Комил.

Энди эса жувоннинг елкасида тирноқлари кўкимтир тусга кирган ингичка, узун бармоқли нимжон қўллар шалвираб турарди.

Йўл-йўлакай: «Алҳамдулилло, алҳамдулилло», дея такрорлаганча уйга югуриб Холун кириб келди. У: «Худонинг раҳми келди бизга», дея ўғлига ташланди.

Уруш айни авжига чиққан бир вақтда Комилнинг уйга қайтиши тинч ҳаёт бошланишидан хабар бергандек туюларди. Чунки ҳали ҳеч ким урушдан қайтиб

келмаганди, фақат ҳар замонда овулдагилар қорахат олиб туришарди.

Ҳамма Комил билан суҳбатлашишга шошилларди. Тасодифан унинг акаси, укаси ёки умр йўлдошини тирик учратмадимикин? Балки келган хабарлар ёлғондир.

\* \* \*

Одамлар Комилга яхшилик тилашар, шундай ғам-хўр хотиннинг боқувида, тоза тоғ ҳавоси, булоқ сувлари, меҳрибон она қўли билан тайёрланган мазали таомлар туфайли у тез кунда кучга кириб кетади, дейишарди.

Кавсарат ҳам шундай хаёлда эди. Лекин Комилнинг аҳволи яхшиланмади. У оёғини узатиб ётишни истамас, бирор иш қилгиси келарди. Биринчи ҳафтани ҳамқишлоқлари билан суҳбатлашиб ўтказди. Саволлар жуда кўп эди. Ҳамма фронтдаги аҳвол ҳақида аниқроқ билишни истарди. У урушга кетганларнинг хотинлари, оналарини юпатди. Комилнинг ўзи уч марта яраланибди. Охириги марта уч кун зах ерда қолиб кетибди. Оқибатда сил касалига гирифтор бўлибди.

...Орадан икки ой ўтгач, Комил дунёдан ўтди. Охириги икки кун ичида у ўзини бутунлай соғайиб кетгандек ҳис этди, уйдагилар билан ҳазиллашиб, гаплашиб ўтирди. У Кавсарат билан кўпроқ қизлари тўғрисида гаплашди. Ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган етти ёшли Гулшод кулиб, отасига эркалик қиларди.

Бўлмасам отаси қайтган куни қизча бегонасираб, унинг олдига боришни ҳам истамаганди. Кейин яна узоқ вақт унга ўрганолмай юрди. Кунлардан бирида Комил чамадонини очиб, ичидан худди митти қуёшдек ярқираган кичкина медални олди. Ушанда қизалоқ унинг ёнига келиб:

— Лада, катта тангани менга беринг, — дея сўради.

— Қизим, бу танга эмас, медаль, буни мен сенга беролмайман.

— Унда бошқасини беринг.

Комил хиёл қовоғини солди. У қизини бағрига босди.

— Қизгинам, менда бошқа медаль йўқ, бўлмайди ҳам...

— Сиз буни қаердан сотиб олдингиз? — дея суриштиришда давом этди қизча.

— Буни менга фашистларни ўлдирганим учун беришган.

— Уларни кўпроқ ўлдириш керак эди, ўшанда сизга кўпроқ медаль беришарди.

— Яхши, оппоқ қизим, мен уларни яна ўлдираман.

— Буни эса менга беринг, мен ўйнайман, — деди бирдан лўппи юзли кичкина Зарифат ҳар бир сўзни аниқ айтишга тиришиб.

Гулшод дадасини ҳимоя қилишга шошилди:

— Дадамнинг медали ўйинчоқ эмас сенга.

Шу кундан бошлаб, ота-бола муносабатида самимийлик пайдо бўлди. Энди улар узоқ-узоқ бирга ўтиришарди. Ота қизчани тиззасига ўтқазиб, унга эртақлар айтиб берарди. Комилнинг дилида оталик меҳри жўш уриб, қизалоқларини ўпиб-ўпиб олгиси келарди. Лекин у касали болаларига юқишидан қўрқар, ҳаттоки уларга тасодифан лаби тегиб кетганида ҳам, худди чўққа теккандек, кўзларидан ёш чиқиб, ўзини четга оларди. Кавсарат буни сезиб, пинҳона йиғлар ва эрининг сезиб қолишидан чўчиб, кўзларидан дув-дув оқаётган ёшини шоша-пиша сидириб ташларди. У озиб-тўзиганидан ўсмир қизга ўхшаб қолди. Жувон ўзи емай-ичмай бўлса ҳамки, бир амаллаб эрини парвариш қилишни, уни оёққа турғизишни истарди. Бу борада у—кучини ҳам, пулини ҳам аямади, Турмушга чиқаётганида онаси олиб берган кўйлакни, бир вақтлар Комил унга совға қилган рўмолини ёққа алмаштирди. Сил бўлганларга энг фойдали нарса—ёгли овқат-да.

Жувон ўз кечинмаларини яширишга қанчалик уринмасин, Комил ҳаммасини сезиб турарди. Кечалари Кавсарат эрини ухлаган деб ўйлаб, қизларининг каравоти устига энгашганича юм-юм йиғлаганини Комил кўп эшитганди.

Шундай кечаларнинг бирида, Комил юз-кўзини босган совуқ терни арта туриб, хотинини чақирди. Кавсарат унинг ёнига чўкди, улар бир-бирларига термилиб, узоқ ўтиришди. Уларнинг кўзлари ҳамма гапни ошкора айтмоқда эди. Иккови ҳам йиғлаб юборишдан ўзларини аранг тийиб туришарди. Кавсаратнинг кўзидан беихтиёр оқиб тушган кўзёшлари биринкетин Комилнинг ёноқларига думалади. Бир неча ой давомида йиғилган қайғу-алам тўғонни ўпирган сел-

дай ташқарига отилиб чиқди. Комил унинг сочларини силади, қўлларини ўпди, лекин Кавсарат анчагача ўзини босиб ололмади. Комилнинг қўлига юмалаган ҳар томчи ёш, тоғлиқ аёлнинг эрига бўлган оташин муҳаббати-ю, ёвуз душманга нисбатан чексиз нафратни ўзида ифодаларди. Кавсарат бу кеча бисотидаги кўз ёшларининг ҳаммасини тўкиб, ҳолдан тойганча Комилнинг ёнида ухлаб қолди.

— Севгилим, мен сени энди охиригача тушуниб етдим. Сен чексиз бахтга, олам-олам қувончга муносиб аёлсан! Лекин начора?.. Бир вақтлар, агар юзларингга ҳам соя солса, киприкларингга ёш инса, уни бир лаҳзада қувиб соламан, деб ўйлардим. Энди бўлса, мана шу аҳволга тушдим!— Дея алам билан шивирлади Комил, ҳар сўзида хуруж қилаётган йўталдан бўғилиб.

— Комил, сен менга шундай қувонч, шундай ҳақиқий бахт бердингки, бу дунёда бошқа ҳеч ким ўз яқин одамига бундай бахт бера олмайди,— жавоб қилди уйғониб кетган Кавсарат.

Комил яна нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо йўтали қаттиқ тутиб қолди. Кўксидан хириллаш эшитилиб, нафаси қиса бошлади. Баъзан у бир оз енгил тортгандай бўлар, лекин яна йўтали тутиб, кучлироқ ҳуруж қиларди. Комил қўлини узатиб, Кавсаратнинг кафтини маҳкам қисиб олди. Пешонасини реза-реза тер қоплади.

Тоғ чўққилари тонгги шафақдан қирмизи тусга кирганда, Комилнинг кўзлари мангуга юмилди. Унинг тепасида мунис онанинг қайғудан букилган гавдаси, ёш хотинининг худди жонсиздек сурати қотиб турарди.

Оиланинг бир вақтлар бахтга лиммо-лим ҳаёти ёзиб тугалланмаган хат янглиг узилди-қўйди. Бир вақтлар гулга кўмилган асалари уясидай шодликларга тўлган хонадон эндиликда битмай қолган уйга ўхшаб мунғайиб қолди.

\* \* \*

Комилни кўмиш маросимига тумонат одам йиғилди. Қарияларнинг айтишича, овулда бундай катта дафн маросими, бундай аччиқ кўз ёшлари тўкилган аза илгари сира бўлмаган экан. Кўпгина оилаларга қорахат келарди, аммо улар мотам тутишмасди. «Ким

билади, эҳтимол қайтиб келар»,— дея умид қилишарди.

Комилнинг онаси бу жудоликдан тамоман ўзини йўқотиб қўйди. Аёллар уни ўраб олишиб, фарзандини ўзи дафн этаётганига, ўлими олдидан унга ўзи сув томизганига, ўғли ўз она тупроғига кўмилаётганига шукур қилиш ҳақида гапириб, тасалли беришарди. Онанинг фиғонига эса чидаб бўлмасди.

Аёлларнинг йиғи аралаш қайғули марсияси бошланди. Эридан бева қолган аёлга, одат бўйича марҳумнинг эғнига номуносиб кийимлар кийдиргани учун таъна қилинарди.

Улар бева қолган Кавсаратга қараб бундай дейишди:

Энди бева қолдинг сен

якка-ягона.

Мотам либосларинг ҳам

ғамдан нишона.

Бошдан-оёқ қоп-қора — кўйлак, рўмолинг,

Наҳот унутган бўлсанг ечиш маржонинг?

Кейин улар Комилнинг онасига юзланди. Йиғлаётганлардан бири онанинг номидан ушбу сўзларни айтди:

Юрагим, парчалан, парчалан!

Ўт бўлиб ён, менинг вужудим!

Ўғилни кўтариб юрганим,

Севиниб ўғилни туққаним,

Сўнг урушга кузатганим-чун.

Ўғиллар! Бизларни кечиринг,

Навқирон, покиза қонларингизни

Уруш азоблари ичгани учун.

Кўзлари йиғидан қизарган бошқа яна бир аёл уни давом эттирди:

Осмонни ларзага солсин қалдироқ,

Харсанглар ёғдирсин фашист устига.

Газанда тупроққа қоришсин тезроқ,

Утин бўлсин фашист дўзах ўтига.

Яна бир она, бошқа овулдан келган хотин, ўғлининг ўлиmidан кейин келини болаларини олиб, ота-

онасининг уйига кетиб қолганига чидолмай, қора кўй-  
лаги устидан кўксига муштлаганча фарёд қилди:

Йиртқич олов каби келиб уруш  
Тоғлиқ ўғлимизни домига олди.  
Хотин, фарзандларин ҳасратга солди.  
Ўрмонда арслондек ўқирар уруш,  
Бева келиним ҳам қўрқувда —  
Беркинар бегона бир уйда.

Кавсарат бирор сўз айтолмасди, қайнонаси эса  
Комилнинг жасадини силаганича айтиб йиғлай бош-  
лади:

Узоқ йиллар алам чекдим беваликдан мен, болам —  
отанг урушга кетиб.

Ўсдинг етим, эшитмадим бирор ширин сўз мен ҳам,  
Фарзандларинг етим қилдинг, хотининг бева этиб.

Тоғлиқ аёллар ажойиб қўшиқлар тўқишади. Улар  
севиб қолишганида фақат ўзлари учун қўшиқ айтади-  
лар. Мотам маросимларида эса бор овозлари билан  
йиғлаб, марсия айтишади. Бугунги азада ҳам улар  
кўплаб юрак-бағирни тилкаловчи ана шундай марсия-  
лардан айтишди.

Комил ўлган куни қўшни хотин иккала қизчани  
уйига олиб кетди. Ҳеч нарсадан хабарсиз қизалоқлар  
бутун кунни ўйин билан ўтказишди.

Кечга яқин қўшни аёл Гулшоднинг олдига келди.  
Уни бағрига босаркан, уйига бориб, отаси билан видо-  
лашиши кераклигини айтди. Қизча, дадам бирор жой-  
га жўнамоқчи бўлсалар керак, деб ўйлади. Улар кўча-  
га чиқишгач, Гулшод уйлари томондан келаётган даҳ-  
шатли фарёдларни эшитиб, юраги орқасига тортиб кет-  
ди. У қўрққанидан тўхтаб қолди.

— Йўқ, уйга бормайман, — дея ваҳимага тушиб,  
шивирлади қизча ва қўшни аёлнинг пинжига тиқилиб  
олди.

— Ундай қилиш мумкин эмас, оппоқ қизим, — де-  
ди бусиз ҳам дили ғам-андухга тўлган қўшни аёл кўз-  
ларида ёш билан, — бир оздан кейин отангни дафн қи-  
лишга олиб кетишади, сен уни бошқа ҳеч қачон кўр-  
майсан.

Ҳовли тўла одам, ичкарига ўтиш қийин эди. Қўш-  
ни аёл барчага Гулшодни кўрсатиб, қизча отаси билан

видолашуви кераклигини тушунтирди. Аёллардан бири қизчани кўтариб олдинда турганларга узатди. Шу йўсинда Гулшод онасининг олдига етиб олди.

— Мана, битта етимчанг келди, кўзингни очиб, ҳеч бўлмаса, шунга бир қарасанг нима қилади,— эрининг устига эгилиб йиғи аралаш деди Кавсарат.— Дадангни қучоқла,— деди у Гулшодга. Бироқ Гулшод бунга жавобан ҳўнграб йиғлаб юборди. Қизча дadasининг жасадига қараб қўрқиб кетганди. Бечора Комилнинг юзи сап-сарик, қора соқоли диккайган, бурун тешиклари ва оғзига пахта тиқилган эди. Қандайдир нотаниш чол икки кафтини олдинга чўзганича, Гулшод билмайдиган қандайдир бошқача тилда алланималарни минғирларди. Бошқалар ҳам вақт-вақти билан қўлларини кўтариб, «омин» дейишарди. Кейин чол баланд овозда деди:

— Комил яхши одам эди, илойим яратган эгамнинг олдида ҳам юзи ёруғ бўлсин. Комилнинг қандай яхши одам бўлганини барчангиз биласиз.

Ҳар томондан йиғи-сиғи ва Гулшоднинг хотирасига бир умр ўрнашиб қолган сўзлар эшитилди:

— Ажойиб одам эди Комил...

— Илойим жойи жаннатда бўлсин!

— Сиз эсангиз, сингилларим,— давом этди қария марҳумнинг хотини ва онасига қараб,— унинг ўз она ерига кўмилаётганига, атрофида душманлар эмас, дўстлари турганига шукур қилинг. «Алҳамдулилло», денгларки, уйга у қўрқоқ эмас, мард бўлиб фашистлар билан сўнгги томчи қонигача жанг қилиб қайтди. Сизлар ҳам мард бўлинглар, яратган эгам сизга бардош берсин, илойим болаларингизнинг бахтини кўринг...

Эркаклар Комилни тобутга солишди-да, қабристонга олиб кетишди. Кавсарат ҳам қизни бағрига босиб, марҳумнинг ортидан қабристон томон йўл олди.

— Бизларни ҳам ўзинг билан бирга олиб кет!— деб қичқариб юборди жувон бирдан ақлдан озган одамдек.

Шундан сўнг одамлар Кавсаратнинг қўлидан қизини олиб, ўзини уйга кузатиб қўйишди...

Баҳорнинг сўнгги оғи эди. Кавсаратнинг назарида баҳор, гуллар, қуёш, ой, ёшлик Комил билан бирга қабрга кириб кетгандек туюлди. У тепаликдаги ёлғиз дарахтдай шумшайиб қолди. Унинг учун ҳаёт тўхтади, гўё дарё устидаги кўприк янглиғ вайрон бўлди,

жувон эса на чўкадиган, на қирғоққа сузиб чиқа оладиган ўша кўприк парчаларидек аросатда қолди.

Гулшод кечалари тез-тез чўчиб уйғонарди. Қизчанинг кўз ўнгидан юзларини қоп-қора соқол босган, кўзлари ич-ичига ботган отаси нари кетмас ва қулоғида «Комил яхши одам эди», деган сўзлар жаранглар эди. Гулшод мактабдан келганда эса кўпинча Кавсаратнинг йиғлаб ўтирганини кўрарди. Шунда қизча онасини қўлидан келганча юпатарди.

## 2

Кавсарат ва унинг болалари шу йиллар давомида кўпгина кулфатларни бошларидан кечиришди. Ризқи рўз ташвиши билан кунлар кетидан кунлар ўтарди. Кавсарат шамолда учган хасдек уйдан ишга, ишдан уйга югуриб елар, болалари учун ҳар қандай ишни бажаришга тайёр эди. Колхозда одам етишмас, шу туфайли Кавсарат ўн кишининг ишини бир ўзи бажарарди.

— У бизда тезотар милтиққа ўхшайди, — дейишарди ҳамкасблари.

Баҳор кезлари омоч кетида, қиш пайти хирмонда, ёзнинг илиқ кунлари яйловда унинг қора рўмоли кўзга яққол ташланарди.

— Колхознинг иши деб қизим соғлиғидан айрилмасайди, — дея қўшнисига нолирди Холун кампир келини ишга кетганда. — Одамлар унинг индамаслигидан фойдаланади. Бояқишнинг на уйқусида, на овқатида ҳаловат бор, эти бориб устухонига ёпишди. Бу аҳволда ҳадемай йиқилиб қолади.

Кавсарат эса буни сезмас, иш билан овуниб, гўё елкасидаги оғир ғамни унутгандек бўларди.

— Дунёда ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига яраша ғам-ташвиши бўлади, қизим. Ҳаётда ҳар хил ҳодиса содир бўлиши мумкин. Шунда бир-икки кун ишга бормасликка тўғри келади. Нега сен иш деб ўзингни бунча қийнайсан? Икки-уч кун уйда қолиб, ўзингга бундоқ дам берсанг-чи, ахир. Бригадирингга қўл-оёғим оғрияпти, деб айт. Қўявер, олдин унинг ўзи яхшироқ ишласин.

— Бундай қилолмайман, онажон! Агар мен бормасам, яна бирортаси бормаса, унда ким ишлайди? Меҳнат кунига нима чиқади? Олмос Муҳаммад: «Ишга бора туриб, йўлда хоҳласанг ўйна, хоҳласанг йиғ-



ла, лекин барибир боргин», деб айтганди-ку.— Шундай деди-да, Кавсарат яна далага равона бўлди.

Кавсарат уйдан ва қизларидан кўнгли тўқ эди. Холун Комилнинг ўлимидан кейин келининикига кўчиб келди. Кампир бир нафас бўлса ҳам қўл қовуштириб ўтирмасди. Болаларни ювиб-тарар, уйни саранжом-сарихта қилиб қўярди. У кир ювар, йиртиқ-ямоқларни тикарди. У Гулшодни ҳам меҳнат қилишга ўргатди. Қизча таппи олиб келар, идишларни ювар, бувиси сигир соққунча, бузоққа қараб турар ва унга ардоб, сув олиб келарди. У ўзи кичкина бўлса ҳам, лекин ақлли, уддабурон эди. Ҳамма юмушларни елиб-югуриб бажарарди. Ҳатто овқатниям тик туриб ер, бунинг устига яна иргишлаб турарди. Шунинг учун Гулшодни Кавсарат ҳам, бувиси ҳам кўп койишар, у эса бунга парво қилмасди.

— Қачон сени қулогингга гап кирадиган бўлади,— дея уришарди уни бувиси.— Энди ёш бола эмассан-ку, ахир. Ўзингни тута билишинг лозим. Юрганда секин қадам босгин, ерга қадамнинг оғир ботмасин. Шанғиллаб гапиришга ўрганма, эшитган одам нима деб ўйлайди.

Лекин бу панд-насихатлар бефойда эди. Гулшоднинг ўзи бувиси айтгандек қилишга қанчалик тиришмасин, барибир уддасидан чиқолмасди. Зарифат эса унинг акси. Унинг оғзидан бир сўзни гўё суғуриб олишади. Гап сўрамасангиз, бойўғлидек бир бурчакда ҳурпайиб ўтираверади. Уни ҳеч ким уришмайди. Чунки у ҳамиша озода кийинади, пайпоқларига ҳам, кийимларига ҳам сиёҳ тегмаган, пешонасида Гулшодга ўхшаб ғурраси йўқ. Уни болалар «сузонғич сигир», «шумтака»,—деб масхара ҳам қилишмайди.

Начора, бувижониси неварасини кечириши керак. Ҳали Гулшод жуда ёш. Эс-ҳушини таниса, албатта қуюлиб қолади.

— Тухумдан чиқмай чирқиллаган жўжадай, бешикда ётиб тили чиққандай маҳмадона-я,— дерди Холун баъзан жаҳли чиққанида. Лекин кампир чамаси набирагинамининг тили тезроқ чиқсин, деб унга қалдирғоч тухуми пўчоғида сув берганини унутган кўринарди. Ҳали бола-да, майли, ишқилиб умри узоқ бўлсин. Қиз бола онага ёрдамчи, мададкор деганлари ҳақ. Қиз бор уйда гўзаллик бор. Баҳорги илк бойчечакдек очилиб-сочилиб юрсин, дея дилида дуо қиларди кампир.

Уруш тугашини ҳамма қуёшга интиқ майсадек, сабрсизлик билан кутарди... Кимларнинг уйлари шодликка тўлган. Эри, ака-укалари урушдан қайтган, қайтмаганларни эса келиб қолар, деб ҳамон умидвор бўлишарди. Кавсаратлар учун эса Комилнинг қабри устидаги дўнгликкина хотира бўлиб қолди, холос. Урушдан қайтган ҳар бир одам уларга Комил энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини эслатаётгандек эди. Ҳар сафар уларнинг яралари янгиланар, ҳижрон азоби тилка-пора қилган юракларида яна чуқур из қолдирарди. Лекин қанчалик бағри эзилмасин, ўзгалар шодлигидан бир оз бўлса-да, дардлари енгиллашгандай, кўнгиллари таскин топгандай бўларди.

Қорлар эриди, илк баҳор нурлари қиздирган ерларда майсалар уна бошлади. Муштипар аёлларнинг юзларида ҳам сокин жилмайиш пайдо бўла бошлади.

Қалбидаги уруш жароҳатлари аста-секин битаётганга ўхшарди. Қизлар улғаяр, оналар эса кексайиб борарди. Гулшод билан Зарифатнинг хулқ-атворидаги фарқ йилдан-йилга аниқроқ кўзга ташланмоқда эди. Уларнинг ўртасидаги фарқ гўё муз билан олов, осмон билан ерча эди.

— Катта қизингга ҳомиладорлигингга кимга суъйиб қарагандинг, Кавсарат?— дея ҳазил қилишарди одамлар,— у на отасига, на онасига ўхшайди.

— Ўғил бўлиб туғилиши керак эди, тасодифан қиз бўлиб туғилган,—деб кулиб жавоб қиларди Кавсарат.

Зарифат эса қуйиб қўйгандек отасининг ўзи. У ҳам худди отасига ўхшаб меҳнатсевар, ҳар қандай иш қўлидан келади. Шунинг учун бўлса керак, бувиси Зарифатни кўпроқ яхши кўради. Қизалоқ муштдай пайтиданоқ йигириладиган жунни ажратишни, бувиси иш тикаётганда нинага ип ўтказиб беришни ўрганиб олганди. Қўғирчоғига кўйлақлар тикишниям Зарифат бувисининг ишини томоша қилиб ўтириб ўрганганди. У қинғир-қийшиқ қилиб бўлса ҳам кўйлақларига ўзи ямоқ соларди. Шунда бувисининг «Хашак тиқилган тешиқдан кўра ёмон тикилган бўлса ҳам ямоқ яхши», деган мақолини эсларди. Мактабда ҳам Зарифат ювошлиги билан ажралиб турарди. Ундан ҳеч ким шикоят қилмасди. Дарсда ўқитувчининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглар, Гулшодга ўхшаб, «Мени биринчи чиқаринг!»—деб қичқирмасди. Ўқитувчи доскага чиқариб сўраганда эса ҳаминша аниқ жавоб

берарди. Мактабга бирор кун ҳам дарс тайёрламасдан келмасди, ўртоқлари билан ҳам сира уришмасди. Мактабдан келганидан сўнг овқатланиб бўлгач, дераза ёнига ўтириб, дарс тайёрларди-да, сўнг китоб-дафтарларини сумкасига саранжомлаб, бувисига ёрдам берарди.

Гулшод эса биронта китоб олиб, кўчага чопарди.

— Нега уйда ўтиролмайсан-а?— дея қичқиради онаси унинг ортидан.

— Уйда менсиз ҳам одам етарли,— ҳар галгидек жавоб қайтарарди Гулшод. Онаси уни ҳадеб койийвермас, етимча ўксимасин, деб аярди.

Бир куни тушдан кейин онаси қизларини ёнига олиб, сигирларига ўт ўриб келиш учун далага борди. Гулшод бор овози билан ашула айтиб ўт ўра бошлади. Бир боғ ўтни у ҳаш-паш дегунча ўриб ташлади. Сўнг қизча боғни уватга қўйди-да, табиатга мафтун бўлиб, атрофни томоша қила бошлади.

— Мана шу баланд тоғ чўққисига чиқсам-да, бор овозим билан қўшиқ айтсам! Кейин эса тоғнинг атрофида сузиб юрган момиқ булутларни қучоқлаб, бувимга олиб бориб берсам, бувим улардан ип йигирарди. Бу тоғларнинг ортида нималар бор экан-а?! Осмонми?! Мовий, зангори гумбазми? Нега энди одамлар қушларга ўхшаб осмонда парвоз этишмайди-я? Нега уларга қанот берилмаган-а?..

У ўзини учаётгандек ҳис этиб, қўлларини силкита бошлади.

— Кечаси осмонда юлдузлар гужгон ўйнаганида мен уларни узиб ипга тизаман-да, бу юлдуз мунчоқни Зарифатга совға қиламан.

Гулшоднинг мурғак қалби ана шундай улкан орзулар билан лиммо-лим эди. Эҳ-ҳе, қаерларга учгиси келмасди шу топда унинг! Орзуларининг поёни кўринмасди бундай дамларда.

Анави даранинг тубидан тоғ дарёси оқиб ўтади. Нега мана шу тўлқинларга ўтириб, олис йўлларга, узоқ ўлкаларга кетиш мумкин эмас? У Каспий денгизигача сузиб борган бўларди. Ахир, уларнинг дарёси Каспийга қуйилади-ку! Гулшод шунчалик тез сузган бўлардики, бирорта денгиз балиғи ҳам унга ета олмасди.

Гулшод дунёдаги барча гапларни унутиб, ўзини гоҳ қушдек учаётгандай, гоҳ денгизда мавж уриб сузаётгандай ҳис қиларди. Зарифат эса ҳеч нарса

билан иши йўқ. У одамлар суҳбатини тинглаб, жимгина ўт юларди. Фақат, Зарифат, деб чақириб қолишгандагина оҳиста «мен бу ердаман», дея жавоб қиларди. Қизча опасининг тентаклигига эътибор қилмасди ҳам. Гулшод шундоқ кўз олдидаги нарсани кўрмайди-ку, тоғ чўққилари, осмону гулларга бало борми? Ундан кўра бувим билан онамни севиш керак, чиройли кўйлаklar, ранго-ранг иплардан тикилаётган бежирим кашталардан завқланиш керак.

Баъзан Гулшод шундай хаёлларга берилиб, дала ўртасида тик туриб қолганида, унга ҳар томондан кесатиқ гаплар айтиларди:

— Ҳой, нега осмонга бақрайиб қолдинг? Ишласанг, эгилиб яхшироқ ишла, бўлмасам уйингга жўна!

Зарифат бундай пайтда опаси учун жуда хафа бўлиб кетарди. Опасига қарата айтилган бу гаплар унинг юрагига найзадай санчиларди. Шунда ҳам Зарифат сир бой бергиси келмас, на опасига, на ўзгаларга бу ҳақда миқ этмасди. Гулшодга эса салгина тегиб кетса бас! Гулшоднинг қалин киприклари остидаги тимқора шахло кўзлари бир лаҳзада порлаб, гўё ҳамма нарса унинг кўзида ойнадагидек акс эта бошларди.

Гулшод баҳорги кўм-кўк майсалар каби яшнаб, кун сайин эмас, соат сайин ўсиб борарди. Бўйи ҳам қоматига жуда ярашганди.

— Гулшоднинг егани Зарифатга юқяптими дейман,— дерди онаси дўмбоққина Зарифатга қараб.

— Зарифат Гулшодга ўхшаб такадай ирғишлаймайди-да,— гапга аралашарди бувиси.

Қизлар ўсиб борар, онанинг эса сочларига оқ ораларди. Аммо Кавсаратга Комилни кечагина дафн этишгандек туюларди. Фақат Комилнинг қабри устида ўсиб чиққан дарахтгина орадан қанча йиллар ўтганини айтиб тургандек эди. Унинг шохлари соя ташлаган қабр устидаги гуллар чиройли очилиб турарди.

Бу йил Комилнинг қабри ёнида яна бир тупроқ уюми пайдо бўлди. Бу қабрнинг устида ҳали на бирор гул, на майса униб чиққан. Бу меҳрибон, сеvimли бувининг қабри эди. Кавсаратга Холун тунлари ҳалиям уйда шипиллаб юргандек туюларди. Кундузи эса тинимсиз меҳнат қилиб юрганлари кўз олдида гавдаланарди. Ана унинг йигирган ипи. У қозикқа қандай

илиб қўйган бўлса, шундайлигича турибди. Ана, титиб қўйган жун, тўқиб тугатилмаган пайпоқ, ана унинг тамаки майдалаган ҳовончаси.

Гулшод ўзи учун дунёда энг яхши, меҳрибон кишидан ажралди. Бувиси борлигида уларнинг уйлари унга ҳамиша иссиқ, файзли кўринарди. Ҳамма нарса жой-жойида, супуриб-сидирилган. Онаси уришганда ҳам унинг ёнини оладиган бувиси эди. Уни меҳр билан суйиб, эртақлар айтиб берган ҳам бувиси эди. Назарида энди уларнинг уйи ҳувиллаб қолгандай. Гулшод кеч бўлишини хоҳламай қолди. Уни кечқурунлари ваҳима босарди. Анчагача бувисининг уйига ҳам киролмасдан юрди.

Зарифат бувиси ўлганида, Гулшодга ўхшаб ҳўнграб йиғламади. У бусиз ҳам қимтилган лабларини қаттиқ юмиб, қора, шаҳло кўзларини катта-катта очиб юмарди. Унинг қовоқлари кўкариб, қоп-қора кўзлари янада каттароқ кўрина бошлади. Шу алфозда у оғир касалдан турган одамга ўхшарди. У бувисига жуда ўрганиб қолганди. Зарифат доим бувиси билан бирга бўлар эди, унинг ёнида ишига халақит бермасдан чурқ этмай ўтирарди. Ваъзан ишга берилиб кетганида, у бирдан «буви», деб юборганини ўзи ҳам билмай қоларди. Шунда дарҳол бувисининг ўлими ёдига тушардию сесканиб кетарди. Зарифат бувисидан кўп эртақлар, дostonлар, масаллар эшитган!

Уни меҳнат қилишга ҳам бувиси ўргатган. Зарифат энди синфдошларига ҳам ўзи бемалол қўйлақлар тика олади. Раҳмат, меҳрибон бувижоним, бу ҳаммаси сизнинг моҳир қўлларингиз туфайли бунёд этилди! Зарифатнинг бундай чевар бўлганини бувиси кўрганда эди, қанчалар қувонган бўларди. У тиккан чоклардан ҳатто сув сизиб ўта олмасди.

Сиз набирангизга яна ширин таомлар пиширишниям ўргатдингиз. У энди мазали чучваралар, оғизда эриб кетадиган сомсаларни ҳам ўзи мустақил қила олади. Буларнинг ҳаммаси учун раҳмат, бувижон!..

### 3

Тун юлдузлардан иборат эгариди ўтирганича, қора тулпор минган чавандоздек тоғлар, водийлар узра елиб борарди. Тун шошилмоқда эди. Зеро у бутун борлиқни кезиб улгурмоғи керак эди...

Келинлардай ҳарир, оппоқ либосда, елкасига хитой-

ча қирмизи шойи рўмолини ташлаб олган тонг субҳи-дамда тоғ чўққисига кўтарилди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди: қайлиғи билан учрашувга кечикибди. Унинг кўз ёшлари думалаб, ям-яшил майсаларга тўжилди, шабнам нозик гул косаларини тўлдирди. Тонг ҳуснидан уялиб, осмондаги ёрқин юлдузлар бирин-кетин сўна бошлади. Фақат Зухро юлдузигина ҳамон порлаб турарди.

У пирпираб, «Мен ҳаммадан гўзалман ва дилрабоман, шунинг учун ҳаммангиз шайдо бўлиб қарангиз»,— деб тургандай эди.

Гулшод юлдуздан кўз узмай, бувиси айтиб берган ривоятни эслади...

...Бир бор экан, бир йўқ экан, бир хон бўлган экан. Унинг гўзалликда тенги йўқ қизи бор экан. Кўпгина йигитлар хоннинг бойликларига эга бўлиш ниятида гўзал маликага совчи қўйишибди. Аммо қиз отасига гарчи тилка-тилка қилсалар ҳам камбағал тегирмончининг довурак, паҳлавон ўғлидан бошқага турмушга чиқмаслигини айтибди. Отаси эса қизининг гапларини ҳатто охиригача эшитишни ҳам истамабди.

«Мен сени тегирмончининг ўғлига бергандан кўра, қоядан улоқтириб ташлаганим маъқулроқ»,— дебди хон ва маҳрамларига қизнинг тўйига тайёрланишини буюрибди. Хон бойваччалардан бирини куёвликка таллабди. Қизини қочиб кетишидан қўрқиб, уни зиндонга солиб қўйибди. Қиз юракдаги дардини севгилисига айтишга ҳам улгурмабди. «Севмаган одамга теккандан кўра ўзимни ўлдирганим яхши», дея қарор қилибди қиз. Шу йўсинда у кўпгина кунларни зиндонда ўтказибди.

Бир куни тонг маҳали қиз севган йигитининг «Зухро», дея чақирганини эшитиб қолибди.

Қалбини қайноқ эҳтирос қоплаган қизнинг вужудини бирдан аланга қамраб олибди ва йигит зиндон ойнасидан бу аланганинг осмонга кўтарилиб кетаётганини кўрибди. Шунда у бу ўзининг севгилиси эканлигини фаҳмлаб: «Зухро! Шошма! Тўхта!»— дея бор овози билан қичқирибди.

Ушанда қиз тўхтаб, юлдузга айланиб қолибди. Шундан буён тоғликлар бу юлдузни «Зухро», деб аташармиш.

Илгарилари Гулшодни қуёш чиқиб, кун ёйилгандан кейин ҳам уйғотиб бўлмасди. Энди бўлса у азонлаб туриб оладиган бўлди.

— Гулшод жуда ўзгариб қолди. Нимадир бўлаётганга ўхшайди,— дея ажабланарди онаси.— Бир қарасанг, питирчилаб қолади, бир қарасанг, сўлиб қолган гулдай бош эгади. Ўзини қўярга жой тополмайди.

Аввалига Кавсарат, имтиҳонлар туфайли шундай бўлса керак, деб ўйлади. Кейинчалик бундай разм солса, қизи китобни очиб ўқиётгандегу, аммо хаёли бутунлай бошқа ёқда. Ҳатто Зарифат ҳам опасининг кўзларида имтиҳонга мутлақо алоқаси йўқ нарсалар жилваланаётганини пайқади. Гулшоднинг оромини ўғирлаган кимса агроном йигит Юсуф эканлигини ҳам онасидан олдин ана шу Зарифат фаҳмлади.

Бу воқеа овулдаги мактабга дастлаб электр ўтказилган йили бошланганди. Ушанда Гулшод бешинчи синфда ўқирди. У сўнгги имтиҳонни топширишга тайёрланиб юрарди. Синфхона шифтида лампочкасиз патронлар осилиб турарди. Уқитувчи уларга тегиш мумкин эмаслиги ҳақида қайта-қайта огоҳлантирганди. Гулшод патронларнинг ичига нима жойлашганини жуда билгиси келди. У ўқувчилар олдида гўё берилиб китоб ўқиётгандек жимгина ўтираверди. Ҳамма синфдан чиқиб кетгач, Гулшод парта устига чиқди, бўйини чўзиб, патроннинг ичига темир ручкани тикди. Аввалига кимдир унинг қўлини қаттиқ чангаллаб олгандек бўлди, кейин кимнингдир кучли қўллари уни аввал тепага кўтариб сўнгра полга улоқтиргандек туюлди... Уёғига нима бўлганини Гулшод эслай олмайди. Фақат мактаб яқинидаги касалхонада ҳушига келганини билади, холос.

— Ҳа, кўнглинг жойига тушдимми энди,— деди Анна Дмитриевна қизнинг кўзларини очганидан севиниб.— Тегиш мумкин эмаслигини билардинг-ку, ахир. Яхшиям Юсуф йиқилганингни эшитиб қолиб, югуриб келибди, йўқса, нобуд бўлишинг ҳам мумкин эди бу аҳволда.

Гулшод ўқитувчисига нима деб жавоб беришни билмай кўзларини яшириб, кўрпани юзига ёпиб олди.

Гулшод касалхонада икки кун ётиб чиқди. Учинчи куни мактабга келаётиб, Юсуфни учратиб қолди. Юсуф унга қараб бир жилмайди-да, бир сўз демай ёнидан ўтиб кетди. Гулшод аҳмоқона қилиғим эсига тушди шекилли, дея ўйладию қизариб кетди.

«Ҳа, энди менинг устимдан кулиши қолувди. Мен ҳам унга ўхшаб юқори синфда бўлганимда комсомол комитетининг секретари ёки учком аъзоси

бўлиб сайланардим. Байрам мусобақасида ғолиб чиққанлигини менга ҳеч аҳамияти йўқ. Бу унга бошқалар устидан кулиш ҳуқуқини бермайди. Ҳаммадан яхши югурса ўзига, лекин кеккайгани нимаси? Кимнинг қанақа югуриши мени қизиқтирмайди».

Унинг ва бешинчи синф хоналари ёнма-ён жойлашган эди. Шунинг учун Юсуф билан тез-тез тўқнашишга тўғри келарди. Гўё масхара қилгандай Юсуф ҳар кўрганда унга жилмайиб қўярди. Баъзан Гулшод: «Менинг устимдан кулиш ҳалиям жонингга тегмадими?» — деб айтгиси келарди. Кейинги пайтларда унинг жаҳли чиқа бошлади. Якка ўзини учратса яхши бўларди. Ҳеч ким йўғида гувоҳларсиз унга бор гапни айтиб, аламдан чиқмоқчи бўларди. Худога шукур, имтиҳонлар тугагач, Юсуф мактаб билан хайрлашди. Улар бир овулда яшайдилар, лекин Юсуфларнинг уйи икки маҳалла нарида. Юсуф ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Махачқалъага ўқишга кетди. Оқ йўл!..

Қаҳратон қиш кунларининг бирида эрталаб Гулшод кўза кўтариб сувга чиқди. У булоқ бошига етгандагина юз-қўлини ювиб турган Юсуфга кўзи тушди. Қиз довдираб қолди. У гуноҳ устида қўлга тушган қизалоқдек типирчилаганича бошини эгиб, нима қиларини билмай турарди.

«У қаердан пайдо бўлиб қолди ўзи? Йўлда ўзимча гапириб, ашула айтиб келаётганимни эшитмадимикин? Эшитган бўлса-чи? Агар эшитган бўлса, бу қиз чиндан ҳам тентак экан, деб ўйлагандир. Онам ҳар вақт ёлғиз юрганингда ўзинга-ўзинг гапирма, ашула айтма, деб тайинлардилар. Буни бежиз айтмас эканлар-да!»

— Оббо сен-ей, ажойиб нотик экансан-ку! — деди Юсуф Гулшодга кинояли туюлган ўша табассум билан.

— Менинг нутқим билан сени ишинг бўлмасин, ундан кўра ўзинг лойқатаётган булоқ ҳақида ўйла,— деди жавобан Гулшод.— Сен лойқатаётган шу сувни ичишга одамлар зор бўлиб ўтирибди, деб ўйлаяпсанми? — деди ўзича важоҳат билан қиз.

Гулшод шундай гапларни айтишга журъат қилганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Шу топда у бундан ҳам қаттиқроқ гапларни айтиши мумкин эди. «Нима, бировлар устидан кулиш фақат Юсуфнинг қўлидан келадими. Нега у азонда булоқ бошига келиб юви-



ниши керак экан? Шу қадар зарур эканми бу ерда ювиниш? Овулда ундан бошқа йигитлар камми? Юсуфнинг улардан қаери ортиқ. Йигитларнинг ҳаммаси уйида тоғорага сув солиб ювинади. Ёки Махачқалъада ўқиётгани учунмикин?! Махачқалъада ўқиётган бўлса ўзига! Бир неча кунга уйига келган экан, ҳамма қачори уйида ювинаверсин-да!»

— Бу булоқ сеники эканлигини билмабман. Билганимда бу ерда ювинмаган бўлардим,— деди Юсуф ажабланиб Гулшодга қарар экан. Ўзича эса у «Бунақа заҳарлигини билмагандим», дея ўйлади.

— Совунни булутдай кўпиртирибсан-ку, сувга сачрамайди, деб ўйлайсанми?

— Агар кўпикларни сувга сачратганимни кўрган бўлсанг, нега шу сувдан олмоқчисан? Мен сенинг ўрнингда бўлганимда кўзамни кўтарардим, ўзимга-ўзим гапирганимча тоғ оралаб, янги булоқ қидириб кетардим.

— Мен бунни сигирга ардоб пишириш учун оляпман,— деди йигитнинг гапини шартта бўлиб Гулшод ва Юсуфга қарамай сўқмоқдан тепага кўтарила бошлади.

«Уни қаранг-а!— Гулшоднинг ортидан қараганча дилидан ўтказди Юсуф.— Ўзи муштдаккина-ю, мағрурлигини қаранг! Бунга йўлиқишдан худо асрасин. Кўринишидан ҳеч ким уни шунчалик заҳар деб ўйламайди».

Юсуф эгилиб, яна ювина бошлади. Аммо энди у фақат ана шу қиз тўғрисида ўйларди. Унга нуқул Гулшоднинг қўнғироқдек овози эшитилаётгандек бўлар, қизнинг дарғазаб нигоҳи, лов-лов ёнаётган ёноқлари, ҳар бир сўзни чўзиб, нозик бармоқларини силтаб гапиришлари кўз ўнгидан нари кетмасди.

Гулшод бир неча кун Юсуфни учратмади. У фақат гоҳо-гоҳо булоқ бошидаги учрашувни эслаб қўярди, холос. Майли, қора тулкидек пусиб юраверсин, Гулшод у билан учрашувга зор эмас. Аммо шундай бўлса ҳам у кўзларини Юсуфнинг уйдан узолмасди.

Яна мана бундай воқеа ҳам бўлган эди. Ёз кунларининг бирида эрталаб Кавсарат Зарифат билан картошка чопиққа чиқадиган бўлишди. Кечқурун уйқуга ётиш олдидан онаси Гулшодга эрталаб сигирларни соғиб, кейин подага қўшиб келишни, ҳўл пичанни қуритиш учун томга ёйиб қўйишни тайинлади. Гулшод аксига олиб кеч уйғонди. Кўзини очганида

аллақачон кун ёйилганди. У сакраб ўрнидан турди-да, тоғорадаги емга бир сиқим туз солиб, сигир олди-га қўйди. Уларни тезгина соғиб, подага ҳайдади. Қиз ухлаб қолганидан одамлар олдида ўзини ноқулай сезарди. Пода тоққа кўтарилай деб қолганди. У қанчалик тез ҳайдамасин, сигирлари жуда имиллаб юраётгандек туюларди.

— Ҳа, қизим, бу дейман роса ухлаб қолибсану,— истехзоли илжайиб деди унга Қози. У ҳам бир бўлак нон билан алдаб бузоқчасини подага ҳайдаб келмоқда эди.

Гулшод унга ўқрайиб қараб қўйди. У бир кўнгли, мен сизга ўхшаб тун бўйи пул санаб, бойлигимни қўриқлаб чиқмайман, демоқчи бўлди-ю, лекин индамади. Кекса одамга қўноллик қилиш яхши эмас, дея ўйлади қиз.

Гулшод энди бошқа ҳеч кимни учратмасам керак, деб ўзини тинчлантириб, йўлида давом этаётган эди, бирдан қаршисидан келаётган Юсуфни кўриб қолди. Қиз қўлида ушлаб келаётган шойи рўмолини бошига ёпиб, нигоҳини ерга қадади. Юсуф қадамини секинлатди.

— Салом, Гулшод! Бу дейман, сигирларинг бугун ухлаб қолишибдими?

— Салом. Маъраб сени уйғотворишдан қўрқишган-да.

— Мен хўрозларнинг илк қичқирғиданоқ уйғониб кетганман. Кўриб турибман, сен бўлсанг ҳозир ҳам уйқусираб, кўзларингни зўрға очиб турибсан. Подадаги сигирлар аллақачон бир ўтлаб бўлишди, сен бўлсанг, сигирларингни энди ҳайдаб чиқибсан. Бугун соғиб оладиган сутингни баракаси бўлмайдими, деб қўрқаман.

— Бизда сут ҳам, ёғ ҳам етарли, баъзи бировларга ўхшаб сарийғ сотишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз,— деди Гулшод ошкора Юсуфнинг ота-онасига теккизиб.

— Шунақа дегин-а?

— Ҳа, худди шунақа,— деди Гулшод ва афтини буриштириб, Юсуфнинг ёнидан ўтиб кетди.

Гулшод сигирларини подага қўшгач, уйга қайтаётиб, йўлда қорни очганини сизди ва эрталаб нонушта қилмаганини эслади. Очликдан унинг баттар зардаси қайнади. Бунинг устига, худди ўчакишгандек, қиз яна Юсуф билан тўқнашди...

Гулшод йўлда кета туриб оёғи остида китоб ётганини кўриб қолди. Қиз аввал уни ердан олмоқчи бўлди-ю, лекин бир оз ўйлаб тургач, атрофига қаради. Шу чоғ бир чеккада турган Юсуфни кўриб қолди. Гулшод гўё Юсуфнинг аламини китобдан олгандек, уни тепиб юборди. Китоб учиб кетди.

— Бу китобда қасдинг борми? У сенинг отангни ё акангни ўлдирдимми?— ҳайратга тушиб сўради Юсуф.

— Отам аллақачон ўлиб кетган, акам эса умуман йўқ.

— Унда, нега жаҳлинг чиқади?— энди Юсуф мулоийм гапирмоқда эди. Эҳтимол, Гулшодга унинг сўзлари қўпол туюлгандир.— Бу жуда қизиқ китоб. Уни ўқиб чиқсанг яхши бўларди.

— Агар менга китоб керак бўлса, кутубхонадан олиб ҳам ўқийвераман.

— Овулимиздаги кутубхонада бу китоб йўқ.

— Шусиз ҳам куним ўтади.

— Мен шу китобни ўқиб чиқишингни жудаям истардим.

— Нега энди сени истагинг бўйича иш қилишим керак экан?!— дея бирдан беихтиёр кулиб юборди Гулшод.

— Бирорта ҳам одам ўзича яшай олмайди. Кўпинча бошқалар истаги билан иш юритишга тўғри келади.

— Аммо мен доим фақат ўз истагим билан иш қиламан, ўзим истамаган ишга ҳеч қачон қўл урмайман. Саломат бўл, студент, мен учун ҳам ўқиб қўй ўша китобингни!— Гулшод йўл-йўлакай гуллардан узганича уйи томон югуриб кетди.

Гулшод сир бой бермаса-да, лекин Юсуфни кўрганида юраги жиз этиб кетарди. У кўчада Юсуф келатганини узоқдан пайқарди. Юсуфнинг Махачқалъадан қачон келиб, қачон кетишини яхши биларди. Айтишларича, Юсуфга амакисининг қизи Солиҳатни унаштириб қўйишган экан. Энди Солиҳат Гулшоднинг кўзига тобора хунук кўрина бошлади.

Кавсарат анчадан буён қизи билан гаплашмоқчи бўлиб юрарди-ю, аммо кундан-кунга пайсалга соларди. Қизига нима дейди, гапни нимадан бошлайди? Аёл ҳеч қулай фурсат тополмасди. Балки қизи хафа бўлиб, дилидагини айтмай қўяр. Лекин Гулшодни бундай қолдириб ҳам бўлмасди.

— Гулшод қизим, тишинг оғрияптими? Тун бўйи тўлганиб чиқдинг. Яна азонлаб туриб олибсан?

— Ҳа, ойижон, тишим оғриб, кечаси билан ухлатмади.

— Олдириб ташлаш керак, қизгинам, оғриқ тишининг давоси шу.

— Эрталабга яқин сал босилгандай бўлди, балки ўтиб кетар. Тиш зиралча бўлса экан, уни шартта суғуриб ташласа.

— Ўзингни аҳтиёт қил, қизим, сенинг бирор жойинг оғриси, менинг юрак-бағрим эзилади.

Гулшод онаси унинг юрагидаги сирни сезганини, у билан очиқроқ гаплашишни истаётганини пайқадую, ўзини тонг манзарасидан завқланаётгандек қилиб кўрсатди.

— Қаранг, ойи, қандай гўзал манзара!..

— Бу манзарани ҳар куни кўришинг мумкин. Нима, қуёш чиқишини биринчи марта кўришингми? Тундан сўнг тонг отишини энди билаётганинг йўғу.

— Ойи, мактабимиз боғининг қандай ўсиб кетганини бир қаранг. Юсуфнинг айтишича, боғдаги мевали дарахтлар бир йилдан кейин гуллаб, ҳосилга кирармиш. Бизнинг овул бирдан ёшариб, чиройли бўлиб кетади. Мева сотиб олиш учун бозорга боришнинг ҳам ҳожати қолмайди.

Юсуфнинг номини эшитган заҳоти онанинг юраги ҳаммасини тушунди-қўйди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди. У ўзини тутиб туролмай Гулшодга жаҳл билан ўшқирди:

— Сен мактабга ўқиш учун борасанми ёки Юсуфнинг юмушини бажарганими?

— Боғда кўчат экиш учун бутун синф борганмиз. Қолхозга ҳамма ёрдам бериши керак экан. Ёлғиз борибманми у ерга.

— Бошқа вақт синфдосларинг ёрдам бергани фермага борганида улар орасида сен йўқ эдинг-ку!

— Ўша куни менинг бошим оғриб турганди.

— Шу баҳонани боғда ишлаган кунларинг топсанг ҳам бўларди-ю.

Кавсарат тутақиб, ҳовлидан чиқиб кетди. У йўлда кета туриб, кеча кечқурун Гулшод роса икки соат ўзини ойнага солгани, сочларини эринмай тараб, синглизидан чиройли нафис рўмолини сўраб олгани, бир вақтлар Кавсарат Балхар атторчидан бир банка мой-

га алмаштириб олган жез узукни бармоғига таққанини эслади.

— Бекорга ясанмаган экан-да! Энди нима қилсам экан? Жигар-бағридан урганга ўхшайди, йигит ўлмагур. Қизимни узатадиган пайт ҳам келибди шекилли. Бунинг олдини олиш керак, кейин кеч бўлади.

Гулшод эса онаси Юсуфнинг номини тилга олгани заҳоти қизариб кетди. Қиз, ўқитувчиси уларнинг синфини боққа кўчат ўтқазिशга олиб борган кунни эслаганди.

Улар бақириқ-чақириқ билан чуқурчалар кавлашаркан, бир-бирларига кесак отиб, тупроқ сочиб ўйнашарди.

— Анна Дмитриевна, Анна Дмитриевна,— дея қичқирди Гулшод, керакли чуқурчани ҳаммадан аввал қазиб бўлганидан хурсанд бўлиб.

— Мен кавлаб бўлдим!

— Ана, агрономнинг ўзи келяпти. Чуқурчанинг қанақалигини ўша айтади,— одатдагидек жилмайиб, улар томон яқинлашиб келаётган Юсуфга ўгирилиб жавоб берди ўқитувчи.

Гулшод анграйиб қолди. Шу топда у Юсуфнинг ёнига келишини хоҳларди, лекин шу билан бирга бундан чўчирди ҳам. Гулшод Юсуфни кўрмагандек яна чуқур кавлай бошлади. Қиз йигитнинг товуши ўзи томон яқинлашиб келаётганини эшитиб турарди. Юсуф чуқурчаларни бирма-бир кўриб келмоқда эди. Унинг ҳазилларига қизлар қотиб-қотиб кулишарди. Гулшоднинг қалбини алланечук рашк тирнаб ўтгандай бўлди. «Ишёқмаслар, хўжакўрсинга ишлашяпти, қиқир-қиқир кулги бўлса уларга. Ҳеч кулгили жойи ҳам йўқ. Хахолаб кулдира оладиган нима гап айта оларди у?!»

— Сен, қиз, қудуқ кавлаяпсанми дейман?— Гулшод бирдан Юсуфнинг сўзини эшитди.

— Нима, сиз дарахтни қудуққа ўтқазмоқчимисиз?— бошини мағрур кўтариб, саволга савол билан жавоб берди қиз.

— Кўчатни биз чуқурчага ўтқазамиз. Сен бўлсанг, қудуқ кавлаяпсан. Бунақада кўчат чуқурга тушиб кетадию,— дея тушунтирди Юсуф қизга ҳайрон бўлиб қарар экан.

— Сен агрономсан, шунинг учун ҳам маош оласан. Мен ҳам институтни тугатай, қандай чуқур кавлашни сендан ҳам яхшироқ билиб оламан.

— Сен институтга кириш учун шаҳарга кетмақчимисан?— сўради Юсуф сергак тортиб.

Гулшод индамади. Юсуф унинг қўлидан белкурагини олиб, чуқурчага тупроқ ташлай бошлади.

— Саволимга жавоб бермадинг-ку, Гулшод, — пешонасидаги терини арта туриб сўради Юсуф.

— Ҳамма саволингга жавоб бераверишим шарт эмас. Сенга имтиҳон топшираётганим йўқ, Юсуф, — деди қиз бир оз юмшагандай бўлиб.

Гулшод уйга қайтганидан кейин ҳам Юсуф ҳақидаги ўй-хаёллардан қутула олмади. У ораларида бўлиб ўтган суҳбатни қайта-қайта эслади. Юсуфнинг ҳар замонда орқага силкитиб қўядиган тўсдай жингалак сочлари, ўт чақнаб турадиган кўзлари, қалбни ром этадиган боқишлари кўз олдидан тинимсиз ўтиб турарди. Юсуф илгарилари унга бундай қарамасди. Бу қараш унинг қалбига чўғ солди. Бутун вужудини титратди, юраги безовта бўлиб ура бошлади. Юсуфнинг кўзларидаги олов Гулшоднинг қалбини узоқдан туриб ёритгандай туюлди...

Ўшандан буён Гулшод Юсуфни хаёлидан чиқаролмай қолди. Ундан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлагиси келмасди. Юсуфни тез-тез кўргиси келарди. У билан тинимсиз суҳбатлашсам дерди. Лекин узоқдан уни кўриши билан ўзини панага олар, ўтиб кетгандан кейин эса то қораси кўздан йўқолмагунча орқасидан термулиб қоларди. Мана кеча ҳам қиз Анна Дмитриевна, эртага боққа борамиз, деб айтганида қувониб кетди. Юсуфни ўзи билан қандай қилиб гаплашишини тасаввур қилди. Юсуф нима деркин унга?

Қиз ухлай олмади, ярим тунда ўрнидан туриб, Юсуф ёнимга келганда бераман, деб бир неча хил хатлар ёзди. Лекин бирорта ҳам ёзган хати ўзига ёқмади. Қалбидаги ҳис-туйғулари ифодаланган хатни ёзганда ҳам унга бера олармиди? Бегона йигит олдида ўзининг қизлик ғурурини ерга урармиди? Майли, у қайноқ ҳислар гулханида куйиб кул бўлса ҳамки, ҳаммасини юрагида сир сақлайди. У ҳеч қачон ўзининг устидан кулишларига йўл қўймайди. Субҳидамда у кимнинг овозини эшитди? Қушлар нима ҳақида баралла куйладилар? Гулшод ҳаммасини энди тушунди. Улар севгини мадҳ этиб куйлаяптилар! Энди сен кўп нарсани билиб оласан, Гулшод! Сен билан қушлар, гуллар, тоғлар, дарёлар, ирмоқлар суҳбатлашадилар! Улар севгини олқишлаб, севги ҳақида қўшиқлар

куйлайдилар! Куйлар!.. Майсалар сенга севги ҳақида шивирлайди! Мусаффо осмонда қуёш порлайди—муҳаббат ана шу севги, булутлар орасидан ой мўралайди — бу сен учун севги! Бўлиқ бошоқлар устидан шамол елади — сен, севгимни чўчитмасмикан, дея қўрқувдан титрайсан. Шу туфайли бундан буён, кечалари киприк қоқмайсан. Алвидо, болаликдаги ширин уйқулар. Болалик ортда қолди... Беқарор, беором, бетинч ёшлик келди, қалбда ҳаяжон, севги юрак торларини чертиб, жавоб ҳам кутмасдан, тошқин селдек тўсатдан кириб келди.

Қуёшнинг ёрқин нурлари тоғ чўққиларига сингиб кетди. Аёллар кун бўйи ўрган пичанларни йиғиштириб уватга қўйишди. Моллари яйловдан келишига яқин уйларига шоша бошладилар. Кейинги ўрган пичанидан бир боғ олиб, Кавсарат ҳам бошқалар қатори овул томон йўл олди. Пичанни молхонанинг томига ташлаб, ҳордиқ чиқариш учун бир нафас супага ўтирди-да, оёғидаги кавушини ечиб, ичидаги қумларни қоқиб ташлади. Нафасини ростлаб олгач, ўридан туриб, ҳозиргина Зарифат олиб келган муздек сув билан юз-қўлини ювди.

— Гулшод қаерда? — кечки овқатга уннаётган кичик қизидан сўради Кавсарат.

— У ҳали қайтгани йўқ.

— Нега, аллақачон уйда бўлиши керак эди-ку.

— Ойи, наҳотки бугун қандай кун эканини унутган бўлсангиз. Бугун у етуклик гувоҳномасини олади-ку, ахир.

Гулшод эса бу пайтда муқоваси чиройли етуклик аттестатини олиб, газетага ўраганча уйига қайтмоқда эди. У бу кунни неча йиллардан буён орзиқиб кутган эди. Мана, энди аттестат унинг қўлида. У ўзини жуда бахтиёр, эркин ҳис этарди. Энди у озод қушдек қаерни ихтиёр этса, ўша ерга уча олади!.. Аммо шу билан бирга ниманидир йўқотгандек, атроф бўшаб қолгандек туюлди унга.

«Оқ йўл сизларга, ёшлар! Энди ҳар бирингиз ўзингиз танлаган йўлдан бориб, севган касбингизни эгаллайсиз». Анна Дмитриевнанинг бу сўзларини эшитгач, Гулшод ўзини тутиб туролмади, кўзларига беихтиёр ёш келди...

«Энди нима қилиш керак? Махачқалъага ўқишга борсам, Юсуф нима бўлади? Агар бормасам ойим

нима деб ўйлайди? Балки ўқишга борсам, уни унутарман. Ҳа, албатта, бошқа қизлар борганда, мен ҳам боришим керак. Мен ҳам агроном бўламан...»

Орқа томонидан эшитилган шарпа Гулшоднинг хаёлини бўлди. У дарҳол орқасига ўгирилганди, аттестати ерга тушиб кетди. Уни Юсуф ердан олди.

— Буни йўқотиш мумкин эмас, Гулшод. Аттестат ҳаётда бир марта берилади.

Гулшод шошилганча Юсуфнинг қўлидан аттестатини олди ва кетмоқчи бўлди.

— Тўхта, Гулшод,— деди Юсуф унга гул узатаркан. — Сени чин қалбдан табриклайман. Бугунги қувончли кун муносабати билан сенга гул тақдим этмоқчиман...

Гулшод ердан кўзини узмай, гулга қўлини чўзди. Иккинчи қўли билан рўмолининг учини гижимларди.

— Нега мен билан учрашганда кўзларингни яширасан, Гулшод?

— Билмадим, Юсуф. Сенинг кўзларингга тик қарашга ботинолмайман,— бошини кўтариб жавоб қилди қиз. Уларнинг кўзлари бир зум тўқнашди.

Кўзлар! Кўзлар ифода этган маъноларни кун бўйи гапириб ҳам адо қилиб бўлмайди. Улар гўё ер остидан кўпириб мавжланиб чиқаётган булоққа ўхшайди.

«Менинг юрагимда ёлғиз сенсан, сендан, сенга аталган севгидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қимматли хазинадай ҳаммадан, ҳатто ўзингдан ҳам яшириб, асраб-авайлаб келган муҳаббатим ҳам фақат сенга аталган. Мен бу хазинани мудом қалбимда асрайман. Сенга ҳам бу сирни айта олмайман, мендаги иффат, қизлик ғурури бунга йўл қўймайди. Менинг муҳаббатим тонг ҳавосидек мусаффо, ерга тушиб етмаган ёмғир томчисидек тоза. Менга ҳис-туйғуларим азоб бермоқда. Нима учун сен яна саволлар бериб, мени баттарроқ қийнайсан...» — дея ўйларди Гулшод.

Шу топда денгизнинг тубига шўнғишга, осмону фалакни айланиб, ойгача учишга, оловда ёнишга тайёр ошиқнинг кўзлари эса: «Сен менинг оромимни, уйқумни ўғирладинг. Нега қалбимни яна тирнайсан? Кичкина ҳуркак оҳудек нега мендан қўрқиб қочасан? Мен индамайман. Бирор ножўя сўз айтиб, сенинг мурғак, дурдай покиза қалбингга озор бериб қўйишдан қўрқаман. Наҳотки, сен менинг юрадим қандай ураётганини сезмасанг? У шундай қаттиқ урмоқдаки, тоғ-



ларнинг нариги томонидан туриб эшитса бўлади. Сен мен учун яратилгансан. Наҳотки, буни билмасанг?!»

— Гулинг учун раҳмат,— Гулшод қўлидаги гулларни силкитганича майсалар оралаб, уйи томон чошиб кетди. Юсуф унинг ортидан қараганча қолди. Гулшод эшикни очиб, ичкари кирганида, Зарифат эндигина пишган хинкал<sup>1</sup>ни қозондан сузаётганди. У қўлидаги буғи чиқиб турган косани столга қўйди-да, қувониб Гулшод томон талпинди.

— Олдингми?

— Ҳа, мана!— Гулшод қўлида ушлаб турган гувоҳнома варағини очди.

— Табриклайман, табриклайман, опажон! Илойим, сенга янги, катта бахт ёр бўлсин. Бу кунни институтни тугатганингда ҳам эслаб юр,— деди Зарифат Гулшоднинг қўлларини қисиб.

— Раҳмат, жонгинам,— Гулшод синглисини қучоқлади. Зарифат Гулшоднинг чеҳрасида ўзгача шодликни сезмай, нима гап эканлигини сўрамоқчи бўлди-ю, лекин Гулшод ундан олдинроқ: «Ойим қани?»— дея сўраб қолди.

— Тамаки туйдириш учун Қадил Фотиматникига кетдилар.

Опа-сингил стол ёнига ўтирдилар. Одатда Гулшод уйда бўлса, унинг овози тўхтовсиз жарангларди. Бу сафар эса у чурқ этмасди. Зарифат ҳайрон бўлиб, бу бежиз бўлмаса керак, дея хаёлидан ўтказди.

— Сен яқинда ўқишга кетасан, биз уйда сенсиз зерикиб қоламиз.

— Ҳа,— дея паришон жавоб берди Гулшод.

— Сен ҳар куни бизга хат ёзиб туришингга тўғри келади, мен ҳам сенга тез-тез ёзиб тураман.

— Яхши,— деди опаси ўзини ҳўнграб юборишдан зўрға тийиб.

— Сенга нима бўлди, Гулшод?— Зарифат ўрнидан турди-да, опасига яқинлашди.

Гулшод йиғлаб юборди. Эҳтимол Зарифат институт ҳақида оғиз очмаганда, ичидаги ҳаяжонини босиб олган бўлармиди? Энди эса у аламини йиғидан олаётгандек эди. Очиқкўнгил, содда бўлиб ўсгани учунми, қалбидаги сирларини узоқ вақт ўзида сақлай олмасди. Бир оз йиғлаб олса анча енгил тортади. Ўзига

<sup>1</sup> Мантига ўхшаш хамир таом.

келмагунча Зарифат опасидан ҳеч нарса сўрашга ботинолмади. Ҳозир Гулшодга савол бериш — ёнаётган ўтга керосин сепиш билан баробар эди. Гулшод бир оз тинчлангач, Зарифат унинг бошини силади.

— Нима бўлди? Сени хафа қилишдимми? Ёки бирортаси билан уришдингми? — кейин эса опасининг кўнглини кўтариш ниятида ҳазиллашиб қўшимча қилди: — Балки муштлашгандирсан?

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, муштлашишга ҳам тўғри келмади. Сенга жуда ҳавасим келади, Зарифат.

— Менга-я? Менинг нимага ҳавас қиласан?

— Сен жуда хотиржамсан. Сени ўқишга боришу уйга келишдан бошқа ташвишинг йўқ.

— Нима, сенинг бошқа ташвишларинг ҳам борми?

— Юрагим сиқилиб кетяпти. Билмадим, нима қилишга ҳам ҳайронман. Балки мен чиндан ҳам касал бўлгандирман. — Гулшод қўлларини юрагига босди. — Худди оёқларим остида ер ёнаётганга ўхшайди. Уйда ўтирсам — кўчага чиққим, кўчага чиқсам осмонга учгим келади. Гоҳи мени кимдир чақираётганга ўхшайди. Ўзимни-ўзим койийман, аммо ўша ҳақидаги ўйларимни хаёлимдан чиқариб ташлолмайман.

— Юсуф ҳақида ўйлайсанми? — оҳиста сўради Зарифат.

Гулшод сесканиб тушди.

— Сен қаердан биласан?

— Кўзларинг айтиб турибди. Мен буни анчадан буён сезиб юрардим. Тонгда сен сакраб турасану боққа қараб югурасан. Дарахтлар билан Юсуф ҳақида суҳбатлашасан. Мен эсам ўзингни бирор нарса қилиб қўйишингдан қўрқиб доим орқангдан кузатиб юрарман.

— Нега бу ҳақда менга чурқ этиб оғиз очмадинг?

Гулшоднинг синглисига нисбатан яна меҳри ошгандай бўлди.

— Мен ўзингдан эшитишни истардим. Эртами-кечми, барибир бир кун айтишингни билардим. Мен фақат одамлар сени гап-сўз қилишмасин, деб қўрқардим. Бирортаси кўриб қолсаям, гўё иккаламиз бирга юргандек қилиб кўрсатмоқчи бўлардим. Агар бир

ўзингни кўришганда, аллақачон ҳар хил гап-сўзлар тарқатишган бўларди. Иккаламиз юрганимизни кўришганда ҳеч қандай шубҳа бўлмайди. Опа-сингил сайр қилиб юрибди, балки ишга кетишяпти, деб ўйлашади.

— Қандай ажойибсан-а, Зарифат, мен бўлсам ҳеч нарсани сезмабман.— Гулшод синглисини маҳкам қучоқлаб, юзларидан ўпди.— Мен ҳеч кимга айтмоқчимасдим, ҳатто сенга ҳам. Ўзимдаги ҳиссиётни енгмоқчи бўлдим, кўрдингми, аммо удалай олмадим. Қани айт, доно синглим, энди нима қилай?!

— Юсуфни унутиш керак. Бундан бошқа илож йўқ. Унинг қайлиги бор, сенинг ҳам...

— Йўқ, Зарифат! Бундай қилишга кучим етмайди,— нола қилди Гулшод.— У мен учун ҳамма нарсадан ҳам азиз. Мен усиз бир нафас ҳам яшай олмайман. Уни унутсам дейман, лекин унутолмаяпман.

— Гулшод, ўзингни қўлга ол. Сен бошқаларниям ўйлашинг керак. Яқинда Юсуфнинг онаси Ҳалимат опа келини Солиҳатга қалин юбормоқчи. Сенинг ўзинг ҳам тўйга тайёрланишинг лозим. Сен ўзингни касалга солиб, ҳеч қаерга чиқма. Кейин эса Махачқалъага ўқишга кетгин. Шундай қилсанг уни унутасан.

— Йўқ, Зарифат. Майли, Юсуфга бўлган муҳаббатимни бутун олам эшитсин. Майли, радио орқали эълон қилишсин. Бунинг нимаси уят? Ўзим ҳам бундай бўлишни истамагандим... Лекин қалбимга бўйсундим... Энди нима ҳам қила олардим? Мен уни севаман ахир.

— Шунинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлайсанми?

— У ҳам мени севади...

— Бу қандай севги? Сени севса-ю, бошқага уйланса.

Гулшоднинг кўзларидан яна ёш қуйила бошлади. Шу пайт эшикдан Кавсарат кириб келди.

— Нима бўлди?— ҳайрон бўлиб сўради у.

— Мана, ойи, Гулшод мактабни битирганига йиғляпти. У мактабини, дугоналарини кўзи қиймаяпти...

— Ўзим ҳам бирор қилиқ кўрсатса керак, деб ўйлагандим. Охирги пайтларда у ўзи шунақа — унар-унмасга пиқиллайдиган бўлиб қолган,— онаси Гулшодга ачиниб, унинг бошини силади.

Гулшод онасига тушлик олиб бориб, бир қучоқ бедани орқасига орқалаб даладан қайтиб келаётганди. Қуёш ерга аёвсиз ўт пуркамоқда эди. Жизғинаги чиққан қуруқ гиёҳлар оёқ тегиши билан майдаланиб кукунга айланади. Қаердадир какку сайрамоқда эди. Бундан қизнинг юраги безовталанди. Гулшод қабристонни кесиб ўтгач, дам олмоқчи бўлиб, бир панжаранинг ёнига келиб ўтириб какку овозини тинглай бошлади. Бир оздан кейин какку овози тинди.

«Қизиқ, қаерда экан у?.. Кимни чақиряпти?..»

Гулшод тоғлиқларнинг какку ҳақидаги ривоятини эслади:

Икки қуш — какку ва мадина бир-бирини жуда севар экан. Аммо ғийбатчи қарға уларни бир-биридан жудо қилибди. Мадина Арабистонга учиб кетибди. У ўшандан буён зорланиб каккуни чақирармиш. Какку эса тоғнинг қаеридадир яшармиш. Энди у ҳеч қаерга учолмай, жуда қариб қолганмиш. Мадинанинг сайраб, уни чақирганини эшитиб, фақат: «Куйдим-ку, куйдим-ку», деб жавоб қилармиш. Қарияларнинг айтишича, бу дунёда улар бир-бирларининг висолига етиша олмасмиш.

Албатта, бу афсона ҳақиқат эканлигига Гулшод ишонмасди. Балки, бу афсонани, бирорта севишганлар тўқиб чиқаришгандир. Нариги дунёда учрашиш эса, умуман, учрашмаслик билан баробар. Гулшод хўрсинди-да, йўлида давом этди. Қанийди Арабистонга бориб, мадинани тутса-да, каккуга келтириб берса! У дарҳол эрталаб деразани олдидан топиб олган китоби ҳақида ўйлади. Биринчи бетдаги ҳарфларнинг тагига қизил қалам билан чизилган эди. У диққат билан уларни бирин-кетин ўқий бошлади: «Гулшод, сен менинг жону дилимсан», сўзи ҳосил бўлди. Қиз қўлига қалам олиб, «сеники, сеники, сеники» сўзини ҳосил қилиш учун у ҳам ҳарфларнинг тагига чизди.

— Салом, Гулшод. Дам оляпсанми? Чарчадингми?— Юсуфнинг қайлиғи Солиҳат овулдан кела туриб Гулшоднинг ёнида тўхтади-да, у билан саломлашди.

— Раҳмат, Солиҳат, чарчаганим йўқ, сал каттароқ боғлаб юборибман.— Гулшод Солиҳатга синчиклаб разм солди. Роса ясаниб олибди-ку! Намунча. Кўзлариям қувончдан чақнаб турибди.

— Ҳаммамиз шунақамиз. Ишни кўзимиз қиймайди. Онам ҳамиша: «Ҳолдан тойиб чўзилиб қолсанг, нима қиламан?» — деб қийидилар. Бугун ишга бормадим. Паспорт учун суратга тушгани Хунзахга кетяпман.

— Кийимларинг ўзингга бирам ярашибдики, туфлигинг ҳам, рўмолинг ҳам жуда чиройли экан. Қаердан олдинг?

— Билмадим, мен сотиб олганим йўқ, — уялган киши бўлиб, муғамбирона табассум билан деди Солиҳат. — Буларни Юсуфнинг онаси қалинда олиб келибди. Кийиб ол, деб мажбур қилишганди, кийдим. Ўзим ҳам уялиб кетяпман ясениб юрганимга.

— Сен овулда биринчиси ёки охиргиси эмассанку. Ота-боболаримиздан қолган урф-одат бу. — Гулшод сир бермай бемалол гапиришга ҳаракат қиларди.

— Сарпода чиройли кўйлакли материаллар жуда кўп. Кечқурун уйда ҳеч ким бўлмайди, чиқсанг кўрсатаман. Сендан бошқа ҳамма дугоналарим кўриб бўлишди.

— Менга ҳеч ким айтгани йўқ, энди сендан эшитдим.

Гулшод уйига шошилди. Ҳаяжондан унинг оёқлари майишиб кетмоқда эди.

«Мен яна нимага умид қиламан? Солиҳат энди унинг қайлиғи. Қалинни ҳам бериб юборишибди-ку ахир...»

Гулшод пичанни ёйиб қўйиш учун томга чиққан эди, тўсатдан қабристонни айланиб овулга қайтиб келаётган Солиҳатни кўриб қолди.

«Ҳа, у суратга тушиш учун эмас, менинг олдимга мақтаниш учун атайин ясениб чиққан экан-да!»

Онаси билан Зарифат даладан келишганда Гулшод уйда йўқ эди. Қиз бу аламларга чидаб уйда ёлғиз ўтиролмади. Кўзани кўтариб сув олиб келгани кетди. Одатда кенг жойга чиқсанг дилингдаги қайғу ҳам тезроқ тарқалади. Пешин чоғи булоқ бошига кўп одам бормаслигини Гулшод яхши биларди. У ерда бемалол йиғлаб олиш, кўп нарсалар ҳақида ўйлаб ўтириш мумкин эди.

«Нега энди шу пайтгача Юсуф устимдан кулиб юрганини тушунмаган эканман. Ойим доим: «Ҳар бир эшитган сўзингга ишонаверма», дердилар. Энди мен одамларнинг кўзига қандай қарайман? Бунинг ҳам-

ма билар экан. Солиҳат ҳам атайлаб қалбимга игна санчиш учун менинг олдимга чиққан. «Сарпо кўришга кел», дейди-я. Майли, Юсуф, сен унаштирилган қизингни ясантирибсан. Менинг ҳам унаштирилган йигитим бор, у сендан ҳам яхши ясантира олади! Унинг қалини бизникида икки йилдан буён ётибди!» — дея нола қиларди ўзича Гулшод.

Очиғини айтганда, Гулшод унаштирилган йигити унга нима юборганлигига қарагани ҳам йўқ эди, лекин бугун кўришга аҳд қилди. Гулшод нима кийса ҳам барибир Солиҳатдан чиройли кўринади. Юсуф шундай йўл тутгач, Гулшод нима қила оларди.

\* \* \*

Юсуф Гулшодларникига кириб келганда, Кавсарат билан Зарифат ошхонада уймаллашиб юришганди.

— Ҳорманг, Кавсарат опа. Ҳа, нима қиляпсизлар? — дея сўради Юсуф, худди уларникига тез-тез келиб турадиган кишидек.

— Ҳозиргина даладан келдик, ўғлим. Озгина куви пишмоқчи бўлиб тургандим, — ўша оҳангда жавоб қилди Кавсарат.

Зарифат стулни Юсуф томон суриб қўйди-да, унга кўз қири билан хўмрайиб назар ташлаганича хонадан чиқиб кетди.

Юсуф гапни айлантириб ўтирмай очиғини айта бошлади.

— Кавсарат опа, — сўз бошлади у, — мен Гулшод ҳақида гаплашиш учун келгандим. Биз бир-биримизни севамиз.

— Вой, манавининг гапига қаранглар-а! — ҳеч нарсага тушуна олмай қўлларини силкитди Кавсарат, — менга энди шу етмай турувдимми? Агар сенда озгина ақл бўлганда, менинг уйимга шундай гап билан келармидинг? Бу гапларни айтиш сенга осон туюл-япти шекилли, худди йўл-йўлакай қарз сўраб кирган ёки ишга кетаётиб, бир куни фойдаси тегиб қолар деган ўй билан қизимни сўраяпсан-а.

— Кавсарат опа, сиз олдин менинг гапимни эшитинг...

— Во оллоҳ, лўттибоз ва қўрқоқ одамнинг гапини эшитишни ҳам истамайман. Олдинги куни Қосимнинг қизига совға юбординг, бугун бўлса ёлғиз, эркаксиз уйга кириб оғзингга келганини валдирайверар экан-

сан-да. Жазосиз чиқиб кетаман, деб ўйлайсанми?.. Кўриб турибман, сен чакана йигит эмассан. Сеп бергинг келганда Қосимнинг қизига ёпишдинг, ҳусн керак бўлганда бизникига йўл олибсан. Омад тилайман сенга! Лекин мен тирик эканман, кўра-била туриб қизимни сенга бермайман. Сен унинг тирноғига ҳам арзитайсан!

— Кавсарат опа, мен ҳеч кимга совчи юборганим йўқ. Уйланаман деб ҳеч кимга ваъда ҳам берган эмасман. Мен фақат севган қизимга уйланаман. Севган қизим эса — Гулшод.

— Ҳа, шунинг учун онанг эшикма-эшик юриб, менга сепсиз келин керак эмас, деб валдираб юрган экан-да.

— Мен қизингизни ўзимга сўраб келдим, онамга эмас...

— Балки мени кўзлари тўрт бўлиб кутишяпти, деб ўйлагандирсан! Наҳотки қизим сендан тузукроқ йигитга унаштирилганини ҳалигача билмасанг! Агар қизимга яна хиралик қиладиган бўлсанг, керакли жойга арз қиламан. Сенда уят борми ўзи? Унинг отаси, акаси йўқ бўлса, ҳимоясиз деб ўйлайсанми? Хомтама бўлма, қонун барчага баробар.

— Онажон, қулоқ солинг...

— Мен сенинг онанг эмасман! Бизникига келадиган йўлни унут, орқангга қарамасдан жўна. Қизимнинг исмини ҳам унут, ноинсоф! Тоғликларда йигитнинг ўзи совчи бўлиб борганини бирор марта эшитганмисан?

— Менинг гапиришимга ҳам рухсат беринг...

— Сенинг гапларингни менга кераги йўқ, йўлингдан қолма, агроном. Уйма-уй юриб, қизларни шаънига доғ тушириб юришнинг ўрнига боғингга бориб қарасанг яхшироқ бўларди. Дарахтларинг қуриб ётибди.

Юсуф Кавсаратдан бирор яхши гап чиқишига кўзи етмай ўрнидан турди.

У дарвоза ёнида Гулшод билан тўқнашди.

— Гулшод, кечқурун боққа чиққин, — дея шивирлашга улгурди йигит.

— Анави Солиҳатингни таклиф қил, — деди чўрт кесиб Гулшод.

Гулшод эртасига қишлоқ хўжалик институтига ариза ёзди ва кетишга тайёргарлик кўра бошлади.

— Сандиқнинг калити қаерда?— дея сўради у онасидан.

— Анави ерда, наमतнинг тагида бўлиши керак... Зарифат яқинда олганди.

— Топдим!

Гулшод сандиқни олдида чўнқайиб, калитни буради. Қулфнинг жаранги эшитилди. Олдин у баланд пошнали қора туфлини, кейин пайпоқ ва кўк панбархат кўйлакни чиқарди. Онаси уни ўтган йили тикканди. Гулшод кўйлакни устидан рўмол ташлаб, онанинг олдида турганича диққат билан ўзига назар солди. Кўзлари уйқусизликдан қизариб кетибди. Худди иситмаси бордек ёноқлари қип-қизил бўлиб ловиларди. У ўзини жилмайишга мажбур қилди. «Қандайдир Юсуфни деб, ўлиб кетиш керакми? Уни хаёлимдан чиқариб ташлайман, олдингидан ҳам қувноқроқ бўлишга ҳаракат қиламан. Агар уни деб азоб чекаётганимни билиб қолса, яна димоғи кўтарилиб кетади».

— Ойи, мен Хунзахга почтага кетяпман. Институтга кириш учун ёзган аризамни жўнатиб келмоқчиман.

Она қизининг ясаниб олганини кўриб қувониб кетди.

— Бора қол, қизгинам, бора қол, жоним. Кийган кийимларинг ўзингга бирам ярашибдики, худди қўғирчоққа ўхшаб қолибсан. Бу кўйлакни аллақачон кийишинг керак эди.

— Узун эмасми?

— Йўғ-е, нималар деяпсан! Шунақа қимматбаҳо материалдан калта кўйлак тикадими? Ёшлик пайтимизда биз кийган кўйлақларни бир кўрсанг эди. Кенг-мўл бўларди. Барқутиям ўзгача эди. Ҳозирги барқутларга қараб туриб, картошканинг пўстлоғими деб қоласан киши.

— Эҳ, ойижон-ей!..

— Оҳ, қизгинам, биламан, сен бунақа содда гапларни ёқтирмайсан, лекин нима қилай, бошқача гапиришни билмайман. Менга ўргатишмаган... Энди унақа барқутлар йўқ, — тинмай гапирарди она. — Тиниқ, бунинг устига ғарчиллама. — Гулшоднинг ясанганидан қувонган она қизининг атрофидан парвона бўлиб сакрашга ҳам тайёр эди.

— Майли, бора қол, оппоқ қизим, фақат тезроқ қайтиб кел, сенсиз уйда зерикиб қоламиз.



— Тез келаман, ойижон. Мен у ерда бошқа нима ҳам қилардим?

Қизи дарвозадан чиқиши биланоқ Кавсарат қўларини фотиҳага очиб, унинг ортидан дуо қилди.

— Алҳамдулилло, алҳамдулилло, ўзингга шукур, парвардигор! Менинг қизимнинг ҳам ақли кириб қолибди.

Гулшод ўн беш ёшидаёқ Ҳамидга турмушга чиқмаслигини айтганди. Шунинг учун ундан келган қалинга ҳатто кўз қирини ҳам ташламаганди. Кавсарат қизи каттароқ бўлиб, ақли киргач, овулда Ҳамиддан яхшироқ йигит йўқлигини тушуниб қолар, деб ўйларди. «Энди ақли кирибди. Ҳамид ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, ўзи эслади. Юсуфга раҳмат. Қайлиғига сарполар жўнатмаганда, қизим ҳалиям ўшани деб юрарди. Менинг гапларим эса йигит ўлмагурнинг бир умр ёдида қолади. Гулшодга гапириш у ёқда турсин, ҳатто унинг соясига ҳам қарамайди. Ҳар ҳолда унда ҳам виждон бор-ку ахир. Ҳайронман, Гулшод унинг нимасини ёқтириб қолдийкин? Сочлари худди қалпоқ кийгандек ҳурпайган, бўйнига аллақандай чипор латтани боғлаб юради. Менга бунақа куёв керак эмас. Уларнинг оиласини ҳам овулда ёқтиришмайди. Алҳамдулилло, ўзингга шукур,— дея яна шукрона қилди она.

Юсуф ўзини худди калтаклангандек ҳис этарди. У шу аҳволда уйига келди. Унинг қулоғи остида Гулшоднинг: «Анави Солиҳатингни таклиф қил»,—деган сўзлари жарангларди. Юсуф бу аламга дош беролмай шу топда бошини деворга уришга ҳам рози эди.

Онаси айвонда қум билан мис идишларни тозалаб ўтирган экан. Кўза ва қумғонлар унинг атрофида худди солдатлардек саф тортиб турарди. Тозаланган жом ва баркашлар ярқираб кўзни оларди.

— Вой, мен бу идишларнинг дастидан қўлсиз қоламан шекилли,— деди Ҳалимат эшикдан кириб келаётган ўғлини кўриб.

Юсуф унинг гапларига эътибор қилмай сўради:

— Дадам қаердалар?

— Жунни пулини олиб келгани кетувди даданг. Ҳали-замон келиб қолади... Ҳойнаҳой қорнинг очдир. Янги картошкадан қайнатиб, хинкал пиширгандим.

— Қорним тўқ,— Юсуф эшикни қарсиллатиб, хонасига кириб кетди.

— Уни қаранг-а,— дея тўнғиллади Ҳалимат,— менинг қийналганим билан унинг иши йўқ. Бу нарсаларнинг ҳам унинг учун ҳеч қандай қиммати йўқ. «Буларингизнинг менга нимага кераги бор?»— дейди. «Менга иккита кўза етади. Биттаси сув олиб келишга, иккинчиси ювинишимга. Бошқаларидан нима фойда? Фақат хиралашиб қолганда ювиши ортиқча, холос. Шошмай тур, Юсуф, ҳали вақти келиб буларнинг қадрини шунақаям билиб қоласанки. Булар олтинга тенг идишлар. Мана манавини олинг, масалан,— жўмраги турнанинг бўйнидек қайрилган кичкина кўзани қўлига олиб деди у,— индамай ўттиз сўм беришади. Буларни ишлаган пулига сотиб олганда эди, қадр-қимматини билган бўларди».

Шу пайт эшикдан Қози кириб келди.

— Ҳалимат, анави жун саккиз кило-ю, юз грамм эдими?— деди.

— Умрингиз узоқ бўлсин, дадаси. Неча грамм-лигини билмадим, лекин саккиз килолиги аниқ эди.

— Ҳеч қанақа grammi йўқ, деб қасам ичишяпти. Борлиги менинг эсимда. Ҳақингни биров егандан ёмони йўқ. Мана сеники, мана бу меники, дейиш керак. Шундай қилинса, ҳеч кимнинг ҳақи бир-бирига ўтмайди.

— Илоё иловондо, шу жуннинг толаси қанча бўлса, уларнинг уйига ҳам шунча фалокат ёғилсин. Нима, улар бизга бойлик осмондан ёғилади, деб ўйлашадими?

— Бировга бир чақага алдангандан кўра, ўзим минг сўмни йўқотганим афзалроқ эди.

— Одам бўлгандаям майли эди-я, бўлмасам шунчаки жулдурвоқилар-ку. Бугун Юсуф нимадандир жаҳли чиқиб келганга ўхшайди,— пичирлаб қўшиб қўйди Ҳалимат.— Кечадан бери қовоғидан қор ёғади. Кўринган одамни ейман дейди. Эшикларни ҳам қарсиллатиб ёпади, оғзига ҳеч нарса олмаяпти.

— Унга нима етишмас экан? У билан ўзим гап-лашаман.

— Бошқа йигитлар бирон қизга унаштириб қўйилса, қалин жўнатиб, уйлантираман дейишса, хурсанд бўлишади, у бўлса тумтайиб, ҳайвонга ўхшаб, одамга ташланади.

— Нега у бунақа қилиб юрибди? Бизда ҳамма нарса бор, ҳатто бола-чақасигача етади. Қайлиги ҳам овулнинг олди қизларидан, бой, ишчан, эрталабдан

кечгача бош кўтармай ишлайди. Ўғлимиз жаннатда яшагандай яшайди ахир у билан.

— Сиз ўғлингиз билан эҳтиёт бўлиб гаплашинг. Мулойимроқ бўлинг. Тўй ўтгунча у билан мулойимроқ гапиришиб, кўнглига қараб иш тутиш керак. Унинг феълени ўзингиз яхши биласиз-ку, дўқ-пўписа билан уни қўлга олиб бўлмайди. Яхши гап билан ҳамма нарсаниям ҳал қилса бўлади.

— Сен кўп ўргатаверма,— деди Қози ва Юсуфнинг хонасига кириб кетди.

Юсуф тирсагини столга қўйиб, қўллари билан бошини чангаллаганча хаёл суриб ўтирарди.

— Ҳа, ўғлим, лашкари мағлубиятга учраган Нодиршоҳга ўхшаб бунча қайғурмасанг? Дилингда дардинг бўлса бизга ҳам айт, биргалашиб ўйлаб кўрайлик. Отанг билан дардлашолмасанг, унда ўзингни қўлга ол, бўлмасам тор жойда депсинган ҳўкизга ўхшаб эшикларни тарақлатма, бу ҳўволда деворлар ёрилиб кетади-ку.

— Дада, мен Солиҳатга уйланмаслигимни илгари ҳам айтгандим. Унга қалин юборишдан олдин мендан бир оғиз сўрадингларми? Буни бутун овул билибди, фақат мен билмайман. Сизлар менинг коммунист эканлигимни унутибсизлар-да!

— Сен менга бирорта оиласиз, уй-жойсиз, сўққа-бош коммунистни кўрсат-чи.

— Мен хотинини худди сигирдек сотиб олган бирорта соф виждонли одамни билмайман.

— Ўғлим Юсуф, бу дунёда қуруқ севги билан яшаб бўлмайди. Хотин деган эпчил, уй-рўзгорни уддалаб кетадиган бўлиши керак. Бу нарса виждонга халақит бермайди, обрўга ҳам путур етказмайди. Бизнинг тоғлиқлар: «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин»,— деб бежиз айтишмайди.

— Севгисиз қурилган оила ҳам яхши бўлмайди, дада.

— Сен, ўғлим, менинг жаҳлимни чиқарма. Сен ўзингни осмон деб биласан, аммо одам ерда яшаш керак.

— Нима десангиз деяверинг, лекин мен Солиҳатга уйланмайман.

— Унинг нимаси ёқмайди сенга?

— Мен унинг яхши-ёмонлигини текшириб кўрганим йўқ. У менинг амакиваччам бўлади. Биз у

билан ака-сингилдек катта бўлдик. Унга нисбатан менда бошқача ҳис-туйғу йўқ.

— Сен бемаъни гапларни гапирма. Агар сизлар бир ота-онадан туғилганларингда эди, у сенга сингил бўларди. Халқда: «Бир қориндан талашиб тушмаса, ака-ука ҳисобланмайди», деган нақл бор.

— Дада, биласиз, мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Лекин ҳозир гапингизни қайтаришга мажбурман. Солиҳатга уйлангандан кўра, ўзимни оловга ташлаб, кул бўлишни афзал кўраман. Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Мен ҳаётда бахтли бўлгим келади.

— Агар ўзбошимчалик қилсанг, мен сени бутун меросдан маҳрум этаман. Сендек ўғлим йўқ, ўлган деб ҳисоблайман. Ҳамма бойликларни сен учун йиққандик, энди ҳаммасига ўт қўяман.

— Менга ҳеч нарса керак эмас...

— Ҳа, албатта, сенга ҳеч нима керак эмас. Сени катта қилдик, ўқитдик, энди кекса ота-онанинг юзига оёқ тирайверсанг ҳам бўлаверади.

— Дада, ўзингиз биласиз-ку...

— Ҳа, энди билиб олдим ўғлимнинг қанақалигини,— шундай дея отаси хонадан чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб Юсуф уйдан вақтли чиқиб кетди. У нима қилиб бўлса ҳам Гулшод билан кўришишга аҳд қилганди.

... Овулда ким кўп, қизлар кўп. Юсуф мактабда ўқиётганида ҳам, институтда таҳсил кўраётганида ҳам уларнинг кўпчилиги билан дўстлашган. Қизларнинг аксарияти унга ёқар, йигит уларга жилмайиб қарарди. Жавобан шахло кўзлар унга табассум ҳадя этишарди. Улар йигитга бир умрлик дўст бўлишни таклиф этаётгандек туюларди. Аммо ёлғиз Гулшоднинг кўзларигина Юсуфнинг юрагига чўғ сола олди. У ҳадеб Гулшод ҳақида ўйлар, юраги ўртаниб, қалби ҳаяжонга тўларди. Гулшод унинг назарида жуда ёш нозик ниҳолга ўхшарди. Гўё кучлироқ шамол бўлса синиб тушадигандек туюларди. Юсуф доим унинг ёнида бўлишни, унинг назокатидан завқланишни истарди. Йигит бирор кун ҳам усиз яшай олмаслигини ҳис қиларди. Уни кўрмай юргандан кўра нонсиз, сувсиз ўтиргани яхшироқ. Юсуф йўл ёқалаб борарди. Балки у ҳам шу ерга келар... У Гулшодларнинг уйи ёнидан ўтаётганида уларнинг деразалари очиқ бўлиб, эшик фирчиллаб турган эди. Онаси уй ишлари билан банд шекилли. Кейин оқ рўмол ўраган Гулшод пайдо бўлди.

У онасининг олдига бориб, бир оз гаплашиб турди-да, сўнг қабристон томон юрди.

«Йўл қабристон ёнидан буёққа бурилади,— дея қувониб ўйларди Юсуф,— мана энди эса учрашишимиз мумкин. У дарё ёқалаб шу томонга юриши керак. Бошқа йўл йўқ».

Гулшод уни узоқдан кўриб қолдию, юраги орзиқиб, индамай яқинлашиб бораверди.

«У нима учун бу ерга келганикин? Шунча воқеадан кейин менга у нима ҳам дея оларди?»—дея ўйларди Гулшод. Қиз гўё уни кўрмагандек ёнидан мағрур ўтиб кетмоқчи бўлди.

— Салом, Гулшод, бунча ясаниб олибсан, қаерга кетяпсан?— унинг йўлини тўсиб сўради Юсуф.

— Нега ясанмас эканман. Аза тутишим керакми?

— Азанинг ҳожати йўқ, аммо ясаниб олишнинг сабаби нима?

— Булар қайлиғимнинг совғаси, агроном. Йўл бер, ўтиб кетай. Хунзахга, почтага шошилиб турибман.

— Демак, қайлиғим юборди дегин?— Юсуф қизнинг қўлларида маҳкам тутди. — Демак, қайлиғингми?

— Қўйвор мени деяпман!— Гулшод оёқлари билан уни тепа бошлади.

— Мен нархинг қанчалигини билмоқчиман.

— Солиҳатдан арзон эмас.

— Мен Солиҳатга уйланмайман. Унга қалинни ҳам мен юборганим йўқ. Отам билан онам ҳаммасини менга билдирмай қилишган.

— Бунинг рост эканлигини мен қаердан биламан?

— Сен ҳали бунга шубҳаланаяпсанми? Мен сени севаман, фақат сенга уйланаман,— у Гулшоднинг қўлини қўйиб юборди-да, қизнинг бошидан рўмолини олиб, дарёга улоқтирди. — Қайлиғингнинг совғасими? Қачон унаштиришган эди уни сенга? Сен ҳайвон эмасан-ку, севамаган одамнингни уйига таёқ билан ҳайдашса.

— Юсуф, қўйиб юбор мени,— йигитнинг жаҳли чиққанини кўриб хотиржам оҳангда деди Гулшод.

— Мени кечир, Гулшод, сенга қўполлик қилдим. Лекин шуни билиб қўйки, мен фақат сени дейман. Агар рози бўлсанг бир умрга бирга бўлайлик. Буни ҳозир ҳал қилишимиз керак.

Гулшод индамади.

— Нега жавоб бермайсан?

Баъзан сукут билан ҳам кўп нарсани айтиш мумкин. Унинг сукути, киприкларининг пирпираши, ёноқларидаги қизиллик ва энтикиб нафас олиши: «Агар сўзларинг рост бўлса мен розиман, бахтиёрман», — деяётгандек эди.

— Гулшод, — дея гап бошлади яна Юсуф ўзини босиб олгач, — яхшилаб ўйлаб кўр. Агар сен ҳам, мен севгандек чиндан севсанг, биз бир умр бахтли бўламиз. Иккимиз йўлимиздаги барча говларни енгиб ўтишимиз керак. Агар буни бугун қилмасак, эртага кеч бўлади. Менинг ота-онам ҳам, сенинг қариндошларинг ҳам бизни бир-биримиздан айиришга ҳаракат қилишади.

— Ўзинг биласан-ку, Юсуф, сендан бошқани... — Гулшод ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ундай бўлса кетдик!

— Қаёққа?

— Қишлоқ Советига.

Икки соатдан кейин бутун овулда шов-шув тарқалди.

— Ҳой, эшитдиларингми? Эшитдиларингми?

— Нимани, қўшнижон?

— Комилнинг қизи Гулшод Қозининг ўғли Юсуф билан қочибди.

— Йўғ-е, ростдан-а?

— Нега ёлғон бўлар экан? Қишлоқ Советида ўтиришганмиш.

— Вой ўлмасам, шунақаям шармандалик бўладими?

— Ҳой, эшитдиларингми? Эшитдиларингми?

— Ҳеч нарсга эшитмадик.

— Қаерда эдинг? Тоғда ўтирганмидинг? Қозининг ўғли Юсуф Комилнинг қизи Гулшодни олиб қочибди.

— Қўйсанг-чи, бемаъни гапни гапирма!

— Улай агар. Зубаир ханжарини яланғочлаб, уларни қийма-қийма қиламан, деб бақариб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим...

— Оҳ, бечора Кавсарат, бу дунёда бирор кун ёруғлик кўрмади. Энди бошига бу ташвиш тушибди...

— Яхшиси, индама, ачинишга арзимади. Агар қизини қаттиқроқ тутганида, у бундай ишни қилмаган бўларди.

— Астаффирулло, мен унинг устидан сира ҳам кул-

майман. Худо кўрсатмасин, ўзимнинг бошимга тушгудек бўлса, одамлар шунақа гап тарқатишади.

Қариндошлар орасида бу янгиликни биринчи бўлиб Гулшоднинг тоғаси Зубаир эшитди. Эрталаб у пичан ўраётган аёлларга ёрдамлашиб чарчагач, дам олиш учун уватга ёнбошлади. Овулдан шошилиб келаётган Хадича гўё уни тасодифан кўриб қолгандай тўхтатди-да:

— Чарчадингизми, Зубаир? Ўзингизни аямай ишлаганга ўхшайсиз,— деди.

— Чарчаганимни сезмаяпману, лекин иссиқдан бошим зирқираб кетяпти, Хадича.

— Зубаир, тўйлар муборак. Бугунги кун бутун қариндош-уруғларингизга бахт келтирсин...

— Қанақа тўй? Сен ким ҳақида гапиряпсан?— ажабланиб ўрнидан турди Зубаир.

— Нега ҳайрон бўласиз? Наҳотки опангиз қизини эрга беришдан олдин сиз билан маслаҳатлашмаган бўлса?.. Бизда бунақа қилишмайди шекилли. Бу қанақаси, туғишган укаси билан келишиб олмаса-я!

Зубаир ташвишга тушиб, мўйловини буради.

— Нима, Ҳамид армиядан қайтибдими...

— Ҳамид ҳали қайтгани йўқ. Лекин Кавсарат уни кутмасликка аҳд қилган шекилли. Бунинг сабабини билмайману, лекин бугун у Гулшодни ясатиб, Юсуф билан қишлоқ Советига юборди.

— Тушунмай қолдим, Хадича, сен нима деяпсан ўзи?— деди жаҳл билан Зубаир.

— Тушунмайдиган нимаси бор экан буни. Айтяпман-ку сизга, Гулшод Юсуф билан қочибди-да, тўғри қишлоқ Советига борибди.

— Сен, Хадича, далага ғийбат қилгани шошилаётган экансан-да! Билишим керак бўлган нарсани биламан, билишим керак бўлмаган нарсани эса опам билан қизи билади.

— Бизда, одатда, тўй-ҳашам бўлса одамлар бир-бирини табриклашади. Шунинг учун сизга айтган эдим. Агар ёқмаган бўлса, кейинги сафар ақллироқ бўлармиз. Сиз билан ади-бади айтишгандан кўра тилим кесилгани яхшироқ,— деди Хадича ва аёллар томон жўнаб қолди.

...Зубаир таъби хира бўлиб уйига қайтди. Хотини ўчоққа ўт қалаётганди. Эрининг жаҳл билан зиналардан икки-учтадан ҳатлаб тепага кўтарилаётганини кўриб, Ҳатимат эри бор гапни эшитганини сезди.

Зубаир Ҳатиматга эътибор бермай, эшикларни зарда билан ёпиб, ичкари хонага ўтди. Ҳатимат ўша ёққа қаради. Эри хонанинг у бошидан-бу бошига юрар, аламини кимдан олишини билмай, бор нарсаларни олиб улоқтирарди. Ҳатимат ҳеч нима билмагандай келиб, ундан сўради:

— Ҳа, дадаси, бирор нарса қидирыяпсизми?

— Ханжарим қани?— дея бўғилиб сўради эри.— Лаънатилар! Керак пайтда дарров олиш учун қадимда уни михга осиб қўйишарди,—дея қўшимча қилди у.

— Бирор жойда муштлашишяптими?

— Наҳотки эркакларга ханжар фақат муштлашганда керак бўлса? Нима, сен уруғимиз шармисор бўлганини эшитмадингми?.. Гулшод Юсуф билан қочибди!

— Э-э, шунинг учун қизишяпсизми ҳали?— деди жилмайиб Ҳатимат,— Гулшод катта қиз бўлиб қолган. Уни айни турмушга чиқадиган пайти. Бунинг нимаси шармандалик экан?

— Биз билан маслаҳатлашдим бу тўғрида?

— Ўзингиз-чи? Мени бошқа йигитга унаштиришганда, тоққа олиб қочиб олдидан ким билан маслаҳатлашгандингиз?..

Зубаир нима дейишини билмай хира пашшани ҳайдагандек хотинига қўл силтади.

— Мен сени севардим!

— Нима, улар бир-бирини севмайди, деб ўйлайсизми? Зубаир, ёшлик пайтимиздаги бахтли кунларимизни унутибсиз шекилли.

— Бас қил, ёшлик йилларимизнинг бунга нима алоқаси бор? Мен уруғимиз шаънини ҳимоя қилишим керак.

— Энди, дадаси, қизларни севмаганига мажбур қилиб турмушга берадиган замонлар ўтди. Фақат айрим аҳмоқларгина рози бўлади. Яхшиси, ўзингизни босинг. Ўғлингизга доим ўзингиз, «етти ўлчаб бир кес», деб насиҳат қиласиз-ку.

Зубаир бир оз шаштидан тушди.

Ёшлик лавҳалари кино лентасидек бир-бир кўз олдидан ўта бошлади.

Севгилисидан Ҳатиматни бошқага узатишаётганини эшитибок Зубаир тунда отига сапчиб минди-да, овул томон елиб кетди. У ерда йигит азонгача булоқ бўшида ўтириб, Ҳатиматнинг сувга келишини пойлади. Қиз келгач, уни эгарга ўтказди-да, тоққа олиб қочди.



Барча шов-шувлар, ханжар ўқталишлар уларга арзимаган нарсдай туюларди. Ёшлар ўзларини бахтли ҳис қилардилар.

Бахтнинг қадрини унга машаққат билан эришган кишигина билади. Ҳатимат буни тушунарди. Зубаир ҳам тушунарди-ю, аммо опаси Кавсарат учун қайғурарди.

Уша куни Гулшод уйдан чиқиб кетгач, Зарифат полиз томон отланди, онаси эса уйда қолди — жавдари бугдойни тегирмонда торттириш олдидан шопириб тозалаш керак эди.

Пешинга яқин Кавсарат Зарифатнинг ўрнига ишлаш учун далага кетди. Зарифат уйга қайтаётиб, йўлда Хадичага дуч келди. У Зарифатни опасининг тўйи билан табриклади. Зарифат ҳайратга тушиб, кўзларини катта очганча Хадичага тикилиб қолди. Кейин сигирларига олиб келаётган бир боғ пичанни улоқтирди-да, шартта орқасига ўгирилиб, онасининг олдига чопди. Бироқ онасининг олдига етай деб қолганида у бирдан тўхтади. Бу ҳақда қандай қилиб онасига айтади. Онаси бардош бера олармикин?!

Кавсарат қаддини тиклаб, саросимада турган Зарифатга кўзи тушдию нимадир бўлганлигини сизди.

— Гапир, нима бўлди ўзи?— дея қизи томон ташланди у.

Зарифат Гулшод ҳақида гапириши билан у бошини эгди.

— Оҳ, бу кунимдан ўлганим яхшироқ эмасми,— деди у инграб,— мунча пешонам шўр бўлмаса. Энди мен нима қиламан? Кимдан нажот кутаман? Оҳ, қизим, сени туғмай онангнинг кўкси тилка-пора бўла қолмасмиди. Шундай маломатга қолгандан кўра, ўлиб кета қолганинг афзалроқ эмасмиди? Неча марта айтдим сенга, неча бор насиҳат қилдим: «Ҳой, Гулшод, эсингни йиғ. Юсуфни хаёлингдан чиқариб ташла, Қозининг авлоди ярамайди дейишади, сен уларникида рўшнолик кўрмайсан»,— дегандим. Бугун кечаси ёмон туш кўриб чиққандим, кўзим ҳам бир ҳафтадан буён учяпганди...

— Балки Гулшодда айб йўқдир, ойи,— гарчи ўзининг кўзларидан ҳам тинимсиз ёш оқаётган бўлса-да, онасини тинчлантиришга уринди Зарифат.

— Ҳа, албатта, сен доим унинг ёнини оласан. Сен супурги бўлиб орқасидан унинг ахлатини супуриб юрасан ва гуноҳини туққан онангдан ҳам яширасан.

У эрталаб кўз олдимда сандиқдан Ҳамиднинг қалинини чиқарди-да, ясан-тусан қилиб олди. Ҳужжатларимни жўнатиб келаман, деб почтага чиқиб кетганди. Аслида эса мени лақиллатган экан. Э худойим, мени ҳам, ўзини ҳам бутун халқ олдида шарманда қилди! Ҳамид армияга кетган заҳоти бошқа йигитга кўнгил берди.

— Юринг, уйга кетайлик, ойи!

— Қайси юз билан бораман у ерга ҳозир? Қоронғи тушмагунча овулга қайтмайман.

— Зубаир тоғам Гулшодни ўлдириб қўйса-чи?

— Қийма-қийма қилиб ташласаям розиман, ўшанда ҳам унга камлик қилади.

\* \* \*

Қози бутун ҳафта давомида уйга кеч қайтди. У азонда далага жўнаб пичан гарамлаш билан банд бўлганди. Бугун ҳам уни кеч келади деб ўйлаб Ҳалимат далага кўзачада сув ва овқат олиб боришга аҳд қилди.

...Йўлда кета туриб у бирдан қўлларини бир-бирига ишқаб келаётган Қозига кўзи тушди. Аёл таққа тўхтаб қолди. У эрининг бу одатини яхши биларди! У ё жуда жаҳли чиққанда, ёки жуда хурсанд бўлганда шундай қиларди. Лекин бу сафар унинг вазоҳатидан хафа эканлиги кўриниб турарди.

— Сен ҳам мендан суюнчи олгани келяпсанми? — тишларини ғижирлатиб сўради Қози.

— Қанақа суюнчи? Мен сизга овқат олиб кетаётгандим.

— Ўғлинг кўрсатган қаҳрамонликни айтяпман!

— Бундай очиқроқ гапирсангиз-чи. Нима иш қилибди у?

— Нима ҳам қила оларди у қўрқоқ? Гулшодни ўғирлаб қишлоқ Советига олиб борганмиш.

— Бас қилинг! — дея қичқирди Ҳалимат. Сопол кўза унинг қўлидан тушиб, чил-чил синди.

\* \* \*

Бу воқеадан сўнг овулда аввалига шов-шув кўтарилдию кейин қариялар йиғилишиб Юсуфнинг ота-онаси Гулшоднинг уйига бориб, битимга келишишлари лозимлигини айтишди. Қози уларнинг гапини рад этди. Зубаир ханжарини қайраб турибди, дейишса ҳам чурқ этмади.

— Агар менинг қонимни тўкмоқчи бўлса, унинг баданидан ҳам сут оқмайди,— дея жавоб қилди Қози.

Аммо Қози шундай дегани билан барибир чигални ечиш кераклигини тушунарди. Ахир унинг ёлғиз ўғли фалокатга учраши мумкин. Кейин у Зубаирни ҳурмат ҳам қиларди. Қачонлардир Зубаир Қозининг жиянини маломатдан сақлаб, уни севган йигити билан бахтли бўлишига йўл очиб берганди. Йигит қизни олиб қочиб келганда гап-сўз кўпайиб кетди. Қизни шарманда қилишларига йўл қўймай, тўйни бир кунга белгилади-да, ошиқ-маъшуқларни қовуштирди. Ушанда бутун овул Зубаирга раҳмат айтганди. Энди эса Зубаирнинг бировга унаштирилган жиянини унинг ўғли шарманда қилди. Энди одамлар Қози Зубаирнинг яхшилигига нима билан жавоб қайтаришини кутишмоқда эди. Уғлини сўзига кирита олмабди деб, албатта, акаси хафа бўлади. Унга Солиҳат яқинроқ. У бегона қизнинг номуси ҳақида ўйламайди. Қози кўпроқ акаси учун қайғурарди. Унашилган қизини оёқ ости қилишса, отага ҳам осон эмас-да!

Аҳвол жуда чигал бўлиб, Қози ҳеч қачон ҳали бундай ҳолга тушмаганди. У узоқ ўйлаб ўзини бир оз босиб олгач, қишлоқ Советига боришга аҳд қилди.

— Уғлим,— гап бошлади у,— нега сен ўйламасдан бу ишни қилдинг. Шундай қилмасанг ҳам мен сени севган қизингга уйлантирардим. Наҳотки, шуни одамга ўхшаб яхшилик билан ҳал қилиш мумкин бўлмаса?

Бу гапни эшитиб, Юсуф довдираб қолди. Отасининг розилигисиз шошиб қилган ишига ўзи ҳам афсусланди.

— Юринглар, болажонларим. Данғиллама иморатни ёлғиз ўғлим қайлиғи билан кўчада қолсин, деб қурмаганман. Сен шуни хоҳлаб уйланмоқчи экансан, биз ҳам келин деб аташга розимиз...

Қишлоқ Советининг раиси билан секретарь Гулшод ва Юсуфни Қозиларникигача кузатиб қўйишди. Бу ишни яхшилик билан ҳал қилиш учун кечқурун Қози овулнинг обрўли кишиларини Зубаирникига юборди. Зубаир тоғлиқларнинг обрўсини туширишни хоҳламай, уларни яхши кутиб олди. Бир оз гаплашиб ўтиришгач, Гулшоднинг онасиникига йўл олишди.

Кавсарат кўрпага ўраниб касал ётар, Зарифат эса унга термилиб ёнида ўтирарди. Уйга одамлар кириб

келишгач, Кавсарат катта шол рўмолини елкасига ташлаб ўрнидан туриб ўтирди.

— Кавсарат қизим, Гулшод биз ўйлагандек иш қилмади,— дея сўз бошлади Қози томонидан келган оқсоқоллардан бири,— энди нима ҳам қилардик. Дунёда ҳар хил ишлар бўлади. Бу ҳали ҳеч гап эмас. Қизинг севган кишисига турмушга чиқса, бунинг ҳеч уятли жойи йўқ. Ҳаммасини кечириб, қизингни Юсуфга беришга рози бўл. Қози Гулшодни хонзодадек иззат-икром билан кутиб олди. Фақат у сизларнинг олдиларингда, ўз ота-онасига ҳам, қизнинг ота-онасига ҳам ҳурматсизлик қилган ўғлининг ақлсизлигидан уяляпти, холос.

— Уларнинг гуноҳидан ўт, Кавсарат,— қўшимча қилди бошқаси,— бунинг ўйлаб эзилаверма, бу ҳали ҳеч гап эмас. Дунёда шундай кулфатлар борки, унга куйса арзийди.

— Нега менга тасалли берасизлар?— деди Кавсарат эшитилар-эшитилмас хаста овоз билан.— Мен нимани ўйлаб, нима қилишим билан унинг иши йўқ. Агар у мени ўйлаганда эди, кўзини чирт юмиб, шу ишни қилмаган бўларди. На мен билан маслаҳатлашди, на Ҳамидни ўйлади. Мен сизларни ҳурмат қиламан, лекин қасам ичганман: токи тирик эканман, уни яқинимга йўлатмайман. Тўғри, севганига теккан қизни кўрган она хурсанд бўлиши керак, аммо менинг қизим онасига бу ҳақда бир оғиз сўз айтмади.

Ҳатимат ҳам Кавсаратнинг олдига келди-да, Зубаир билан Қозининг ярашишганини айтиб, уни тинчлантирди. Лекин Кавсарат барибир қизидан хафа эди.

Гулшод ҳақидаги гап-сўзлар ҳеч тўхтамади. Кавсарат қаерга бормасин, тегирмонгами, далагами, қаерда иккита одамнинг боши қовушса ўша ерда Гулшод ҳақида гапириларди. Айримлари уни айблар, айримлари эса тўғри қилган деб, маъқуллашарди. Ҳамиднинг онаси ҳам дарҳол Кавсаратнинг олдига келиб қалинни қайтаришини талаб қилди. Кавсарат: «Оллонинг иродаси шу шекилли»,— деб унга ҳамма нарсаларни қайтариб берди. Гулшоднинг эғнидаги ўша кўйлакка эса икки баробардан ортиқ пул тўлади.

Ҳар куни Кавсарат билан Зарифат одамлар кўзига тик қаролмай эрталаб далага жўнашар ва қош қорайганидан кейингина уйга қайтишарди.

Бир куни Кавсарат ўт ўраётиб, ўроқ билан бармоғини бутунлай кесиб олишига сал қолди. Зарифат

дарҳол рӯмолини йиртди-да, кесилган жойига отқулоқ баргини қўйиб боғлаб қўйди.

— Бундай кўзингизга қарасангиз бўлмайдими, ойи? — деди ачиниб Зарифат.

Кавсарат бирдан алам билан йиғлаб юборди.

— Ҳайронман, қандай қилиб бутун қолди бу. Кўзим ўтмаслашиб қолди, қизим, кейин қўлимда ҳам илгариги енгиллик йўқ. Гулшодга ҳам ачинаман, албатта. Менга осон деб ўйлайсанми? Қизидан кечган билан қайси она ўз фарзандини унута оларди. Мен уни ҳар кун тушимда кўраман. Ўша тунда уни сариқ кўйлакда кўргандим. Сариқ кийим касаллик аломати дейишади. Шунинг учун ҳам бутун вужудим эзиляпти. Бир пайтлар тушимда қора мушук бўйнимга осилиб олганди. Ўзим ҳам айбдорман. Мен уларнинг бир-бирини севишини билардим. Юсуф олдимга келганда яхшироқ гаплашиб, насиҳат қилишнинг ўрнига уни қувиб юборгандим.

— Ойи, мен Гулшоднинг олдига бориб келаман.

— Агар уёққа борганимизни билиб қолишса, қўшнилари гап-сўз қилишади.

— Нима, шундай қилиб мен бир умрга опасиз қоламанми? — дея йиғлаб юборди Зарифат.

— Сабр қилиш керак, қизим. Бизнинг ҳаётимиз шу билан тугамайди-ку, ахир. Тура қол, ишни тугатайлик.

— Бу аҳволда қандай ишлайсиз?

— Қон тўхтади, ҳеч нарса қилмайди, — деди Кавсарат ва ўроқни олиб, ўт ўра бошлади.

Қози ўғли билан келинини уйга бошлаб келганда Ҳалимат жавраб кетди. У ўғлига Солиҳатдан бошқани олиб беришни истамасди. Унга жуда катта сеп беришмоқчи эди. Унашилган келини яшайдиган қўшни уйда у нималарни кўрмаган эди дейсиз! У фақат қуш сути-ю, илоннинг шохини кўрмаганди, холос. Энди бўлса, бирдан мана бу — ҳатто пар тўшаксиз, қуп-қуруқ бадбахт келин пайдо бўлди.

— Энди мана шу ойимтилла елкамга ўтириб олиб, унга сочим супурги, қўлим косов бўларкан-да! — дея тўнғилларди у хонасига кириб олиб. Аммо Қози кириб уни тинчитди.

— Овқатланаётганингда оғзингни шунақа катта очасан. Кўзим тирик экан, уйни ўзим бошқараман. Севган қизига уйланиб тўғри қилди ўғлинг.

Қозининг ота-онаси қашшоқликда ҳаёт кечиришганди. Унинг отаси оилада ўртанча ўғил эди. Қонунга мувофиқ ер катта ўғилга тегди. Отаси бировнинг ерида ишлаб, ҳосилнинг ярмини хўжайинга берарди. Қози олти ёшга тўлганда онаси фалаж бўлиб ётиб қолди. Уй юмушларини қиладиган одам йўқ эди. Акасини отаси ўзи билан бирга далага олиб кетарди. Қози эса уй ишларини қилиш учун қоларди. У сув келтирар, қозонни ювар ва уни ўчоққа осиб, хинкал ташлаб қўярди. Кейин кичик укасига қарар, уни овқатлантириб опичиб юрарди. Шунинг учун ҳам овул болалари уни «энага», деб устидан кулишарди. У уйга келиб онасига, ўртоқларим мени «қиз бола», деб аташяпти, дея шикоят қиларди.

— Сен-чи, ўғлим, онамга яхши ўғил, қизлар учун яхши эр бўламан, деб уларга айтгин,— дея таскян берарди онаси.

Қозининг онаси қимирлай олмаса ҳам, лекин ишсиз ётмасди. Кўкрагига урчуқни қўйиб ип йигирар, одамларга пайпоқ, қўлқоплар тўқирди, катталарнинг эски кийимини кичрайтириб кичик болаларга тўғрилар, кичиклариникидан эса ямоқ учун фойдаланарди.

— Қози, уни олиб бер, Қози, бунини олиб бер, қайчини обер, ипларни келтир,— болакай ўқтин-ўқтин шундай буйруқ эшитарди.

Қози отасини рўмолчасига хинкал билан кувачада қатиқ ўраб, эрта тонгда далага кетаётганда ва унга тушлик овқат олиб боргандагина кўрарди. У отасининг қандай қунт билан жўяк тортишини томоша қиларди. Отаси кулимсираб сўрарди:

— Ҳа, келдингми, ўғлим? Хўш, нима олиб келдинг бизга?

Қозининг катта акаси ҳам отасидан қолишмасди. Қози уларга қараб туриб, ўзи ҳам тезроқ далага чиқиб ишлашни орзу қиларди.

Онаси саккиз йил тўшақда ётгач, вафот этди. Қози ўша йили балоғатга етди, акаси эса уйланди. Уларнинг бўлишиб оладиган ҳеч нарсалари йўқ эди. Қасёққа қарама қашшоқлик. Бойваччалар миниб юрадиган гижинглаган отлар фақат уларни тозалаш ва тақалаш керак бўлгандагина унинг ихтиёрида бўларди. Тўйтантаналарда у фақат ўтин ёрувчи, сув ташувчи, идиш-товоқ ювувчи бўлиб хизмат қиларди. Бошқалар рақс-

га тушганда, унинг ҳатто томоша қилишга ҳам вақти бўлмасди.

Қозининг қалб тўрида пинҳона орзу-ҳавас тугилди...

Кунлардан бирида кечқурун отаси уни ёнига чакирди.

— Уғлим, — деди у, — аёлсиз уй, вайрона кулбага ўхшайди. Сен энди улғайиб қолдинг. Сени ёшингдагилар уйланишяпти. Сен ҳам бу ҳақда ўйлашинг керак. Тўнга мос ямоқ танлаш керак.

Ушанда Қози юрагини отасига очди. У анчадан буён бадавлат қўшниларининг қизи Саодатни севарди. Отаси бу гапни эшитгач, оғир хўрсинди.

— Бундай қизни камбағалга беришмайди, ямоқ тўнга мос келиши керак.

Қози отасининг гапига кўнмай, қизнинг ўзига кўнглини очди. Қиз бўлса унинг устидан кулди. Бир кун кечқурун ёшлар қизларнинг ўзи йигит танлаб, унга атаб лапар айтадиган ўйин ўйнашди. Саодат Қозини таклиф қилиб шундай лапар айтди:

Тушингда ҳам, бечора,  
Тўймагансан бир бора.  
Агар менга уйлансанг,  
Айт, қаерда ухлайсан?  
Шайтонми, фариштами  
Қалин юборар менга?  
Жулдур кийимларингда  
Келма бизнинг ўйинга!

Шу кеча Қози уйига ғамгин қайтди.

— Нима учун биз шунчалик қашшоқмиз? — дея отасидан сўради у.

— Дунё шундай яратилган, — жавоб берди отаси. — Кимга қанча бойлик беришни худо билади.

— Агар одамлар худонинг қули бўлса, нима учун у ҳаммани тенг қилиб яратмаган?

— Уғлим, сен яхшиси айтган гапингга тавба қил. Худонинг берганига ҳар ким шукур қилиши керак. Худога шак келтирган одам мақсадига етолмайди. Бундай гапдан кейин кулфатдан бошқа нарса кутиш мумкин эмас.

— Қандай кулфат? Бундан ортиғи ҳам бўлиши мумкинми?

— Сен ўзингдан яхшироқ яшайдиган одамларга қизиқма, бўлмаса ҳаёт сенга қоронғи кўринади. Ўзинг-

дан ёмонроқ яшаётганларга кўз ташла, улардан яхшироқ яшаётганинг учун кўнглинг кўтарилади. Маня эшит, сенга нима айтиб бераман: бир куни аллақайси чўпон уйига қайтаётса, тоғдан одамнинг кесилган калласи думалаб тушаётганини кўрибди. Думалаб келаётган калла нуқул: «Бундан баттарроғини худо кўрсатмасин, бундан баттарини худо кўрсатмасин»,— дея қичқирармиш. Чўпон эса жилмайиб сўрабди: «Бундан баттарроқ нимани кўриш мумкин?» Шу ондаёқ калла қояга урилибдию майда-майда бўлиб кетибди. Шундан сўнг чўпон ҳаёт қанчалар сирли эканлигини тушуниб қолибди. Бизга ҳам худо шу кунимиздан ёмон кунни кўрсатмасин.

Қозининг севган қизи бошқага турмушга чиқиб кетди. Шу-шу йигит қашшоқликда яшаб, бахтга эришиб бўлмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. У тийинлаб пул йиға бошлади. Кучининг борича ишлади, тўйиб овқат емади, мириқиб ухламади. У бойлик йиғиб, уй, тўриқ саман от сотиб олишни ва Саодатнинг уйи олдидан миниб ўтишни орзу қиларди. Ана шунда қиз уни рад этганига пушаймон бўлади. Сўнгга у кумуш қиличини қани билан камарига боғлаб рақсга тушишга боради. Кумуш жаранглайди, қизлар унга мафтун бўлиб, атрофини ўраб олишади. У эса энг гўзал қизни танлайди.

У қўйнига беркитган халтачага бир тийин ташлаган куни ўзини бахтли деб ҳисобларди. Қози аста-секин дўстларидан, ўртоқларидан четлашди. У бегоналарнинг ерида ишлаб бойлик орттириб бўлмаслигини тушунди. Қози қўшни овулдаги савдогарга ёлланди. У газлама тойларини ташир, уларни ўлчар, хўжайини нимани буюрса, ҳаммасини бажо келтирар ва ундан олган пулларни халтачасига жойлаб қўярди. У ухлашга ётишдан олдин халтачасини ёстигининг тагига қўярди. Бундай халтачанинг мавжудлигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Бироқ кунлардан бирида, оғир газлама шойини ташиётган пайтда бирдан халтача боғичи узилиб, йиғилган ҳамма тангалар ерга сочилиб кетади.

— Оҳ, муттаҳам!— дея бўкирди савдогар ва пулларни апил-тапил териб ола бошади.— Мен сенга ишонгандим, сен бўлсанг буларни мендан ўғирлаб йиғиб юрган экансан!

— Бунда сенинг ҳеч қандай ҳақинг йўқ,— унга ташланди Қози.



— Ҳа, бу халтачадаги пуллар отамдан қолган мерос демоқчимисан? У бошқаларнинг ерида ишлаб, оч-яланғоч юрармиди худо унга шунча пул берган бўлса?!— ариллади бой кутилмаган ўлжага ташланган оч бўридек бақувват қўллари билан ер тимирскиларкан.

Қози кўз ёшларини тиёлмай қалбини тирнаётган бу манзарани кўрмаслик учун тескари қараб олди. Бироқ қаёққа қарамасин, сариқ ва оқ тангалар ерга сочилиб ётганини кўрарди. Хўжайиннинг очкўзлик билан тангаларни қандай териб олаётгани ҳатто унинг тушига ҳам кириб чиқарди. Савдогар унга бир тийин ҳам қолдирмади. Қози кимга арз қилмасин, ҳеч ким унинг шунча пули борлигига ишонмасди. Ҳатто отаси ҳам бунга шубҳа қилди. Қозининг камбағаллиги етмагандек, энди уни ҳамма ўғри деб атар, ҳеч бир хўжайин ишга олмасди. Аламига чидай олмаган Қози бир куни ўша савдогарниқига бориб, уни роса дўппослади. Шундан кейин Қозини овулдан ҳайдаб юбордилар. Ниҳоят Қози узоқ бир овулдан иш топди.

Унинг янги хўжайини дардманд одам бўлиб, қурт еявериб фақат пўстлоғигина қолган чирик дарахтга ўхшарди. Унинг саноқли кунлари қолгани яққол сезилиб турарди. Буни ўзи ҳам билар, шунинг учун ҳам доим ўлим талвасасида юргандек, ҳаммага захрини сочарди. Аммо Қози негадир унга дарров ёқиб қолди. У бақувват бу йигитнинг ғайрат билан ишлашини завқ билан томоша қиларди.

Касалманд хўжайиннинг бўйга етган қизи бор эди. Қози иш ҳақини олишга келганда қиз атайлаб гапни чўзар, уни кўпроқ ушлаб туришга ҳаракат қиларди. У ҳали ҳисоб-китоб тайёр бўлмади, дея баҳона қилиб, йигитни яна келишга мажбур қиларди. Кейинги сафар келганда эса, ҳазиллашгандай:

— Хўш, қанча берай? — деб сўрар ва йигитга сирли жилмайиб қарарди.

— Қанча ишлаган бўлсам, ўшани берасан-да.

— Наҳотки ортиқчасини истамасанг?

— Ортиқчасини нима қиламан?

— Қайлигингга совға оласан.

— Мендек қашшоққа тегишга қайси қиз ҳам рози бўларди?

— Ҳаётда асосий нарса бойлик эмас, менинг отам, тахтни эмас, бахтни тилаш керак, дейдилар. Отам жуда ёшлигида унга онамни олиб беришган экан. Онамнинг ёши отамникидан катта бўлган экан. Унинг сил

касали бўлиб, бу дард отамга ҳам ўтган. Онам вафот этганига анча бўлди...

Қизнинг бундай соддагина гаплашиши Қозига ёқарди. Олдинлари қиз унга ҳеч қарагиси келмаётгандек туюларди...

Бу суҳбатдан кейин Қози янада жон куйдириб ишлади. У аста-секин бу оиланинг ўз одамига айланди. Йигит билан қиз бир-бирларига кўнгил қўйдилар. Отаси бу ҳақда эшитиб хурсанд бўлди, ёшларга фотиҳа берди. Тўйдан сўнг орадан икки ой ўтгач, Ҳалиматнинг (бу ўша қиз эди) отаси оламдан ўтди.

Ҳалиматнинг амакиси шу овулда яшарди. У ўғлини Ҳалиматга уйлантириб, бутун мол-мулкка эга бўлиш пайида эди. Иш тескари бўлгач, акасининг ўлимидан кейин у меросдан ўз ҳақини беришни талаб қилди.

Шундан сўнг Қози билан Ҳалимат очкўзлик қилиб уларни талаган қариндошлари билан бир жойда яшашни истамай, Қозининг овулига кўчиб келдилар. Улар шу ерда уй қурдилар, бир умрга қолиб, илдиз ёйдилар.

Қози революция йилларида бир чеккада турди. У бирорта тўдага қўшилиб жанг ҳам қилмади, қизил партизанларга қўшилиб тоққа ҳам кетмади. Бир куни партизанларга муҳим топшириқни бажариш учун ишончли одам керак бўлиб қолди. Шунда овулдагилар Қозини кўрсатишди. Қози бу ишончни шараф билан оқлади.

Ҳалиматнинг узоқ вақт боласи бўлмади.

— Боласиз қандай яшаймиз? Қариганимизда ким бизни боқади? Пулимиз бўлмаса биров бир бурда нон берармиди?

Улар қора кунлар учун пул йиға бошладилар. Аммо уларга ҳам бахт кулиб боқди. Оилада ўғил туғилди. Уларнинг музлаган юракларини қуёш нурлари иситгандай бўлди. Бир неча ой улар пул ҳақида ўйлашмади, кейин эса яна бойлик кетидан қувишди.

— Бизнинг ўғлимиз яккаю ягона. Уни эҳтиётлаб тарбиялашимиз, ўқитишимиз керак,— дейишарди улар.

Тоғлиқлар зиқна аёлларни гап қилишмасди. Уй бекаси эпчил, тежамкор бўлгани яхши, дейишарди. Аммо эркак киши хасис бўлса, уни калака қилишарди. Бутун овул Қозининг устидан куларди. У ҳақда шундай дейишарди:

— У ўша, сичқонни соғиб, пашшани тузлаганми? Қози бекорга боймаган. Уйига келган меҳмоннинг ичаги қорнига ёпишиб, очликдан ўлади.

Қаерда меҳмондорчилик, зиёфат бўлмасин, Қозининг зиқнализини эслаб, унинг устидан кулишарди.

Айтишларича, бир куни ўғли меҳмонларнинг олдидан иккинчи хинкални олишга қўл чўзган экан, Қози унинг қўлига бир уриб дебди:

— Шундай ҳам ўзи битта хинкалдан қорнинг ёрилиб кетай деб турибди.

Шу заҳоти ўтирган меҳмонлар қўлларидаги қошиқни индамай дастурхонга қўйишибди.

Бир куни Қози йўқлигида уйига меҳмон келибди. Ҳалимат ертўлага осиб қўйилган қўй гўштидан бир бўлак қовурғасини олиб қозонга ташлатди. Қози ҳам келиб қолиб, гўштан бир парчасини қозонга солибди. «Буларнинг қизиқ одати бор экан-ку!— дея ўйлабди меҳмон.— Бу ерда ҳамма ўзи учун гўшт ташларкан. Агар мен ҳам ўзимнинг ғамимни емасам, овқатсиз қоладиганга ўхшайман». У ўрнидан туриб мезбонларнинг кўз олдига гўштан бир бўлак кесиб, қозонга ташлабди. Қози индамабди, аммо тановул пайти суяк тозалаётган хотинига худди ҳазил қилгандек дебди:

— Бу дейман, Ҳалимат, бугун қурбон ҳайит, ҳеч нима қолдирмай ҳаммасини паққос тушириш керак деб ўйладингми?

Меҳмон ўзини гўлликка солиб, кесатиқ қилаётганини тушунмагандек дастурхонда ҳеч нарса қолмагунча еяверибди, чамаси, меҳмон ҳам мезбонга мос тушган экан.

— Ойига минг сўм топиб ҳаммасини сарфлаган одамнинг бири икки бўлмайди, ойига юз сўм олиб тўқсон тўққиз сўму тўқсон тўққиз тийинини сарфлаган киши бой бўлади!— Қозидан тез-тез шу гапларни эшитиш мумкин эди. Ёки:

— Ғамлаб қўйилган нарса сендан ун ҳам, туз ҳам сўрамайди.

— Яхши сақланган нарса могорламайди.

— Ҳатто тошни уйга ташиб келишга эринма. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

Қозининг шиори ана шундай эди.

Овулда Қози билан Ҳалиматга атаб ҳатто қўшиқ ҳам тўқишганди.

Отанинг бор экан ёлғиз қизи,

Иўталиб чиқаркан тун бўйи ўзи.  
Ота ўлиб, эрга тегибди етим,  
Ҳалимат беташвиш яшайди энди.  
Эри аралашқоқ — хинкални санар,  
Ким қанча еб-ичса — барини айтар.  
Агарда чўққида қор кўрса бир дам,  
Еғ бўлиб кўринар унга ўша ҳам.  
Жарликда бир чимдим қум кўрса агар,  
Олтин деб ўйлару — жарликка сакрар!  
Шундай хасис, бахил бояқиш Қози,  
Қўллари қалтирар гар еса қазн.

Аммо Қози бунга парво қилмасди. У мўйловини бураб кулимсираб гапириб қўярди:

— Етишмовчилик туфайли қўшниникига чиққунча, зиқналик билан Грузиягача донг таратган яхши.

Уларнинг уйлари ҳам бошқаларникидан фарқ қилмасди, емишлари ҳам эл қатори эди. Қози одамларга яхши муомала қиларди. Ким бўлишидан қатъий назар, у уйига келган одамни яхши гап билан кутиб олиб, яхши гап билан кузатарди. Ундан бирор нарса сўрашса ҳамиша «хўп, хўп», дердию, лекин ўз билганидан қолмасди. Сепсиз қизни келин қилишга рози бўлиш унга оғир эди, албатта. Ўғли камбағалдан қиз ўғирлаганини эшитиб, дарҳол Кавсарат ҳақида, бу уйда ҳеч қачон ортиқча нарса ғамлаб қўйилмаслиги, улар фақат бугунги кун ташвиши билан яшашлари ҳақида ўйлади. Лекин начора? У қанча ўйлаб кўрмасин, барибир ўғли билан келинини уйга олиб келишга тўғри келди, бўлмаса одамлар яна баттар гап қилишади. Дастлабки қудаларидан айрилди, Қози акаси билан бўладиган жанжалдан қўрқмасди, лекин шунча бойликни қўлдан чиқазганига ич-ичидан куярди. Акасининг ўғли урушда ҳалок бўлганди. Бутун мол-мулк Солиҳатга аталганди.

Бола ота-онани ҳеч қачон тушунмайди. Қози ўғлига неча марта: «Юсуф, шошма, севгини сина, қўшиқни тингла», — деб бекорга айтишмаган. Бундай яшаш мумкин эмас», — деганди. Аммо Юсуф қулоқ солмади, ёлғиз ўғлидан эса воз кечиб бўлмайди. Ким билсин, эҳтимол келини яхшигина уй бекаси, қизи ўрнига қиз бўлар...

\* \* \*

Келин келиши билан Қозининг уйи чинни чироқдек ярқираб, саришта ва шинам бўлиб кетди. Ҳалиматнинг ўзи кўпроқ идиш-товоқ ювишни яхши кўрарди,

қандайдир баркаш қуёшдек ярақлаб турарди-ю, қолган хоналарда ҳамма нарса тартибсиз ивириб ётарди. Олдин уй қабристондек жимжит эди. Энди эса бу уйда баҳор чоғи гул очган боғда сайраган қушлар каби бахт куйи жаранглай бошлади. Илгари ҳамма чурқ этмай ошхонада куймаланиб юрарди. Қози ҳам оғзига толқон солиб олгандай индамай ишларди. Юсуф уйга келиши билан қўлига китоб олиб ўқишга тушарди. Агар ота-онаси бирор гап сўраб қолишса, «ҳа ёки йўқ», деб жавоб қиларди, холос.

Энди бирдан ҳаммаси ўзгарди-қўйди.

— Гулшод уларнинг оғзини очириб қўйди,— дейишарди қўшнилари.

Энди бу хонадонда дастурхон атрофида ҳазил-ҳузул гап, шўх-шодон кулги эшитиларди. Уй йиғиштиратган пайти гоҳ уёқдан, гоҳ буёқдан жарангдор овозлар қулоққа чалинарди.

— Келининг билан қандай турибсан, Ҳалимат? — сўрашарди одамлар.

Ҳалимат эса жавобан дерди:

— Келинимни ёмон дейишга тилим бормайди. Доимо юзида табассум. Кўнглимизни олишга ҳаракат қилади. Чехрасидан бахт ёғилиб туради. Бахтли одам ўзгаларга ҳам бахт келтиради, қалбини шодликка тўлдирарди. Бирор оғирроқ иш қилаётган бўлсам, дарҳол югуриб келиб қўлимдан олади, боёқиш.

Баъзилар қайнонанинг тили бошқа-ю, дили бошқа, деб ўйлашарди. Бошқалар эса, қайнона-келин бошда бир-бирига меҳрибон бўлади. Пишган қирмизи олмани иккига бўлиб ейди, лекин бир оздан сўнг бир-бирига тош отади, дейишарди. Яна бошқа одамлар Ҳалимат қизи бўлмагани учун Гулшодни яхши кўради, деб айттарди. Одамлар нима дейишса дейишаверсини, лекин бу хонадонда энди меҳр-оқибат, севги-садоқат ўрнашиб қолганди.

Гулшод биринчи марта ҳамма кирларни ювиб бўлгач:

— Ойи, дазмол қаерда? — дея сўради.

Ҳалимат биринчи бор «ойи», деб меҳр билан ёқимли айтилган сўзни эшитиб, кўзлари беихтиёр ёшланди, гўё унинг қалбини қуёшнинг илиқ нурлари эритгандек бўлди.

— Биз содда одамлар дазмол нималигига тушунмаймиз. Юсуфнинг кийимларини отасидан яширинча Солиҳатга дазмоллатардим. Дазмолланган кийимни

кўрса отасининг жаҳли чиқарди. Дазмолланса кийим тез эскирармиш.

— Мен ҳозир дазмол олиб келаман.— Юсуф хонадан отилиб чиқдию онаси бирор нима дейишига ҳам улгурмай, кўздан ғойиб бўлди. У тезда бир қўлида дазмол, иккинчи қўлида қоғозга ўроғлиқ конфет кўтариб келди.

— Мана, ол!—деди қўлидаги нарсаларни Гулшодга узатиб.— Яна бирор нарса керак эмасми?

— Узинг биласан-ку, уйда ҳамма нарсамиз бор,— жилмайиб жавоб қилди Гулшод.

Гулшод конфетдан икки дона олиб, қолганини қайнонасига узатди.

— Олинг, ойи, ўғлингиз конфет олиб келибди.

Дилдан айтилган «ойи», сўзидан Ҳалимат яна лйраб кетди.

— Бера қол, қизим, мен ширинликни жуда яхши кўраман. Қаригандан кейин одам шунақа нозик бўлиб қоларкан.

Юсуф уларга қараб туриб ўзини янада бахтиёр ҳис этарди: «Қандай қилиб яхши кўрмай бўлади менинг Гулшодимни», дея ўйларди у хотинидан кўз узолмай. Авваллари Юсуф тонг отиши билан далага отланарди. Энди эса Гулшод уни турғазиб, ишга кузатгунча вақт алламаҳал бўлиб кетарди. У кетаркан, орқасига қайрилиб-қайрилиб, хотинига ширин-ширин сўзлар айтарди. Гулшод эса уни дарвозагача кузатиб ортидан қўл силкитиб қоларди.

— Тезроқ бора қол, Юсуф, бошқалардан орқада қолсанг, одамлар гап қилишади,—аммо дилида «Яна бир бор ўгирилиб қарасайди, фақат бир мартагина», дея ўйларди.

Юсуфнинг айни кучга тўлган пайти эди. У ҳар қандай ишни қойиллатиб бажарарди. Боғдаги дарахтларга ишлов бераркан, у уйи томонга тез-тез қараб қўяр ва кўзларида бахт учқунланарди.

Айвонда оқ дастрўмол осиглиқ турса, бу: «Юсуф, мен шу ердман, сен томонга қараб турибман, қаддингни ростла, сени кўргим келяпти», деган маънони билдирарди.

Агар Юсуф бош кийимини уч марта осмонга отиб илса: «Мен сени кўриб турибман», дегани эди.

Юсуфни ишдан келаётганини кўриб, Гулшод югурганича хонасига кириб олар ва эрини ҳеч ким кўрмайдиган жойда кутиб оларди.

— Нега бунча кеч қолдинг? — ийманибгина сўради у.

— Ахир югуриб келдим-ку олдингга!

— Тезроқ овқатлана қол, сен яхши кўрадиган овқат пиширгандим.

— Сен доим мен яхши кўрадиган овқатни тайёрлайсан. Сен пиширган ҳамма нарсани доим мазза қилиб ейман.

Ҳақиқатан ҳам Гулшод пиширган овқатлар унга мазали татирди. Гулшоднинг ўзи бўлса ейишга уялиб, ерга қараб ўтирарди.

— Гулшод, ерга бирор нима ёзиб қўйилганми? — сўради Юсуф.

— Ёзилган. Бошқаларга халақит бермай, ҳар ким олдига қўйилган овқатини тезроқ есин, дея ёзилибди. Узинг-чи, нега менга бунча тикилиб қолдинг, пешонамга бирор нима ёзилган эканми?

— Сенинг пешонангга эса: «Гулшод ёмон қиз, куни бўйи соғиниб келган эрига қаролмайди», деб ёзилган. Яна, ўз эрининг уйида уялиб ўтиравериш ярамайди, дейилган.

— Мен уялаётганим йўқ.

— Унда нима учун қизариб кетдинг?

— Бўлди, Юсуф! Ундан кўра овқатингни е, биламан, қорнинг оч.

— Сен ёнимда бўлсанг, бас, сен мен учун овқат, менинг ҳаётим, тонгим, қуёшимсан...

Дастурхон устида бундай ширин суҳбат анча давом этарди.

Бир куни Юсуф тонг отмай уйғониб кетди. У ширин уйқуда ётган Гулшодни уйғотиб юборишдан қўрқиб, нафасини ичига ютди. Гулшод эрининг пинжига кириб, унинг елкасига бошини қўйганча ётарди. Икки қора зулфи ёстиқда илондек тўлғанарди. Гунча лабларидан чиқаётган иссиқ ҳарорат Юсуфнинг юзига уриларди. Бу ҳолат Юсуфга тушдай кўринди. У Гулшодга узоқ тикилиб ётди-да, кейин ўзини тутиб туролмай, хотинининг қаймоқ лабларидан ўпди. Гулшод жилмайиб кўзларини очди.

— Юсуф, бугун мен ҳам сен билан ишга бораман. Сен ишдалигингда мен ўзимни негадир нохуш сезаман. Юракларим сиқилиб кетади.

— Қандай сиқилади? — Юсуф унинг сийнасига бошини қўйди. — Вой-бўй, жуда тез уряпти-ю. Ҳозир юрагингни тинчлатиб қўяман.

— Уни ўзим тинчитаман,— деди Гулшод эрининг қўлидан ушлаб. — Сен билан бирга боққа борсам, ўша ерда ўзи тинчиб қолади.

— Буни яхши ўйлабсан, Гулшод. Сен ёнимда бўлмасанг менинг ҳам юрагим нотинч уради.

— Мен бир кун ҳам уйда ўтирмаган бўлардим, лекин дадам билан ойим чиллали келинсан, тўйдан кейин бир ойгача кўчага чиқса уят бўлади, дейишганди. Уларнинг юзидан ўтолмадим.

— Улар ҳақ гапни айтишган, Гулшод. Гап-сўзлар бир оз босилмагунча кўчага чиқсанг бўлмасди. Мана энди ҳаммаси ўтиб кетди.

Юсуф Гулшоднинг алланечук маънос тортганини сездди. Шу лаҳзада у онаси ҳақида ўйлаётганини тунди.

— Онанг билан ҳам ярашиб оласан. Қараб тур, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Қачон?— Гулшод бошини унинг кўксига босиб йиғлаб юборди. Бунгача Гулшод онаси ҳақида ҳеч нарса демаганди. Ўзини тинчлантириш учун бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга ҳаракат қиларди.

— Буни қаранглар-а, яна йиғи бошланди,— деди Юсуф унинг ёноқларидан оқиб тушаётган кўз ёшларини артар экан.

— Тезроқ тура қол, Юсуф. Қара, қуёш аллақачон ёйилиб кетибди...

Биринчи марта уларнинг уйдан ишга кетаётган Гулшодни кузатгани ҳатто Қози ҳам ташқарига чиқди. Ҳалимат эса сув тўла кўзани кўтариб булоқ бошидан уларга пешвоз келарди. Ота-онасининг Гулшодга нисбатан ҳурматини кўриб Юсуф қувониб ҳазиллашди.

— Ана, мен ҳар кун ишга кетаётганимда ҳеч ким кузатмасди, бугун Гулшод чиққанда эса, қаранглар, уни шунча одам кузатапти.

— Демак ойим билан дадам мени сендан кўра кўпроқ яхши кўришаркан-да,— дея ҳазиллашди Гулшод севиниб.

— Оқ йўл, қизим, ишинг ўнгидан келсин,— деди Ҳалимат уларга йўл бериб.

— Тушликка кеч қолмай келинглар,— қўшимча қилди Қози.

Юсуф билан Гулшоднинг бирга ишга келишаётганини кўриб, баъзи одамлар уларнинг ортидан:

— Мана бу Тоҳир-Зухрага қаранглар-а!— дея гап отишарди.



Аmmo кўпчилик, гўё уларга эътибор бермагандек, ўтиб кетаверди. Юсуф ва Гулшоднинг эса ҳеч ким билан ишлари йўқ эди. Улар бир-бирларига жилмайиб қарашганича йўлларига кетаверишди.

Улар бутун борлиққа — кузнинг бепоён осмонига ҳам, пичан гарамларига ҳам жилмайиб боқишарди. Чеҳраларидаги қуёш нурларида жилваланаётган табасум, эсаётган ёқимли шамолга, тепадан шитирлаб тушиб бошларига қўнаётган олтин ранг баргларга ўхшарди. Гўё бутун олам севишганларга кулиб боқарди-ю, улар ҳам бунга жавобан жилмаярдилар. Уларнинг бахт-саодати чексиздек эди. Ёшлар ўз кучларига ишонар, ҳар қандай иш улар учун ҳеч гап эмасдай туюларди. Улар бошларини мағрур кўтариб қуёшга тик қарашганча кечаги ёмғирдан пайдо бўлган кўлмакларнинг устидан атрофдаги ҳеч нарсани сезмай кетиб боришарди.

Дарахтларни экиш вақти бўлди. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам Юсуф колхоз раисини мевали дарахтларни экишга кўндириши анча қийин бўлди. Ҳамид боғдорчилик билан қизиқмас, бунинг устига боғдорчиликни жиддий масала деб ҳисобламасди. Юсуф боғ-роғларга ер ажратиб беришини сўраганда, раис унинг гапидан кулибди:

— Авлод-аждодларимиз ҳар ҳолда сендан аҳмоқ бўлишмагандир. Қани айт-чи, шу пайтгача ўлкамизда мева пишганини ким кўрибди?

— Мева олиш учун дарахт экиш керак, — жаҳл билан жавоб берди Юсуф.

— Дарахт ўсмаса, мева қаердан пишади?

— Дарахтни ўсишга мажбур қилишимиз керак. Қачонгача бизда дарахт кўкармайди, деб унинг меҳнатидан қочиб юрамиз.

— Жуда экиннг келаётган бўлса, отангнинг томорқасига эк. Яхшиси уруғчилик билан шуғуллан. Колхозимиз илғорлар сафида, меҳнат кўрсаткичи чакки эмас. Сенгачаям бизда агрономлар ишлаган. Лекин ҳеч қайсиси менга буйруқ бермаган, — раис босиқлик билан унга уқтирди.

— Ҳамид ака, мен ахир ўзим учун жон куйдираётганим йўқ-ку! Келинг, дарё ёқасига озгина мевали дарахт, кунгай томонига ток экиб кўрайлик. Бу ҳеч нарсага халақит бермайди. Мен колхоз қашшоқ деётганим йўқ. Боғ колхозчилар ҳаётини безайди, даромад ҳам бериши керак, албатта.

— Юсуф, бир қўлингга иккита қовоқ кўтарма, ик-

каласини ҳам тушириб юборасан. Биз чорвадорлармиз, боғдорчилик билан хандалликлар шуғулланаверсин.

Шундай қилиб, агроном ҳеч нарсага келиша олмади. Ёрдам сўраб партком секретарига мурожаат қилишга тўғри келди.

Юсуфнинг режалари улкан эди. Бошқармадан минг туп олма ва етти юз туп олий нав ҳусайни узум кўчатидан топиб беришларини талаб қилди, ўн колхозчини боғдорчилик бригадасига олди. Уларнинг ҳаммаси энди ўрта мактабни тугатган ёшлар эди. Гулшод ҳам улар билан бирга ишларди.

Юсуф билан Гулшод боққа келганда ҳали ҳеч ким йўқ эди. Юсуф Гулшоддан сўради:

— Иккаламиз қачондир учрашган жойни топа оласанми?

— Мен «қудуқ» кавлаган жойними?— Гулшод эркалиниб сўради.— Мана бу олма дарахтига қара, бошқаларидан ажралиб турибди. Шу бизнинг бекатимиз. У ўсган жойда бизнинг севгимиз туғилган!..

\* \* \*

Гулшод уларнинг уйда пайдо бўлган кундан бошлаб Қози кечалари ухламай, акаси ҳақида ўйлаб чиқарди. Юсуф унинг қизини қаттиқ ранжитди. Ҳақиқатан Юсуфда сира айб йўқ. Чунки у Солиҳатга уйланаман, деб бировга ваъда бермаган. Бу Ҳалиматнинг иши. У ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ўғлининг розилигисиз қалин беришга шошилди. «Бизга ўз ўғлимиздан розилик олиб ўтириш шартми? Ота-онасининг юзини ерга қаратишга Юсуфнинг нима ҳақи бор? Буларнинг ҳаммасига ўқитувчиси айбдор. Сал нарсага маслаҳат сўраб ота-онасига эмас, узоқ Россиядан келган аёл Анна Дмитриевнасига чопади. У нима деса шуни қилади». Биринчи синфга борган йили Юсуф ҳаммадан ўзини четга тортар, индамас эди, лекин жуда яхши ўқирди. Ўқитувчисининг ҳар бир сўзини дарҳол илғаб оларди. Дарс тугагач, ўқитувчиси: «Тушундингларми, болалар? Қани, ким айтиб беради?»—деб сўраганда ҳамма болалар: «Мен айтаман, мен чиқай!»—дея бақиршарди. Юсуф эса партасида жимгина ўтирарди. Ўқитувчи ундан сўраганда яхши жавоб бериб, аъло баҳо оларди. Бундан у мағрурланиб, қувониб кетмас, бошқаларга мақтанмасди. Бу билан у: «Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас»,—деяётгандек бўларди. Кунларнинг бирида

Анна Дмитриевна ёнида ўтирган қиз ўчирғичини олмақчи бўлганда Юсуф уни яширганини кўриб қолди. Юсуфни дарсдан кейин қолдириб дўстларига ҳамиша ёрдам бериш кераклигини айтди. Бошқа бир куни эса бир ўқувчи уйдан қалам олмай келибди. Ўқитувчи, кимда ортиқча қалам бор, деб сўради. Ҳамма индамай ўтираверди. Юсуфнинг орқасидаги партада ўтирадиган қиз унинг қалами кўплигини айтди. Ўқитувчи Юсуфдан қаламларини кўрсатишни сўради. У папкасидан бир тугунчани олди. Унинг ичида яхшилаб йўнилган ўндан ортиқ ҳар хил қаламлар бор эди. Анна Дмитриевна қаламлардан бирини олиб қаламсиз болага берди. Юсуф йиғлаб юборди. Шу лаҳзада у ўқитувчисининг унга нақадар ачиниб қараётганини сезмай иложи йўқ эди.

— Бунча қаламни қаердан олдинг? — секингина сўради ўқитувчи.

— Болалар янги қалам олишса, эскисини ташлаб юборишади. Мен ўшаларни йиғиб қўйгандим, — жавоб қилди Юсуф.

— Сенга бунча қалам нимага керак?

— Қаламим кўп бўлишини хоҳлайман.

Шу куни кечқурун ўқитувчиси Қозиларникига келиб синфдаги воқеани айтди. Қози фахрланиб деди:

— Ёшлигидан бошлаб нарсаларни қадрлашга ўргатганмиз. Мен ёшлигимда кўп қийинчиликларни бошимдан кечирганман. Уғлим қийналмасин дейман.

Ўқитувчи қанча уринмасин, унинг нима демоқчилигини Қози ҳеч тушунмасди. Анна Дмитриевна инсон учун энг катта бойлик — бу қалби поклик ва ҳалоллик эканлигини айтганда, Қози билан Ҳалимат бир-бирларига маъноли кулиб қўя қолишди.

Кейинги куни ўқитувчи Юсуфни уйига олиб кетди. Унинг Юсуф билан тенгдош Володя исмли ўғли бор эди. Болалар дўстлашди. Володя шахсий кутубхонасидаги китоблардан бирини Юсуфга совға қилди, ўйинчоқларини унинг олдига ёйиб ташлади. Юсуф ўйинчоқларни, «бу меники бу сеники бўлсин», деганди, Володя, «бу бизники», деб унинг сўзини тўғриларди. Болалар орасидаги бу дўстликка Қози қаршилик қилмади. «Майли, рус тилини ўргансин, турмушда асқатади», деб ўйларди. Ҳалимат эса керилиб дерди:

— Ўқитувчиси Юсуфни ҳаммадан яхши кўради. Уйда ҳам усиз яшай олмайди. Менинг энг яхши ўқувчим, дейди.

Ҳалиматнинг гаплари ҳақиқатдан йироқ эмас эди. Юсуф аълочи ўқувчилардан ҳисобланарди. У ҳусни-хатдан бир оз ортда эди, аммо ҳаракат қилиб учинчи синфда бошқаларга етиб олди. Ун ёшга етганда уни пионер сафига қабул қилишди, звенно бошлиғи қилиб сайлашди. Энди у ўртоқларига ўрнак бўлиши, звеноси учун жавоб бериши керак эди.

Ҳар йили ёзда энг яхши ўқувчилар мактабдан «Артек»ка юбориларди. Анна Дмитриевна Юсуфни юборишларини таклиф қилди. Юсуфнинг ота-онасини пионер лагерига юборишга кўндириш жуда қийин бўлди. Фақат энг яхши ўқувчилар боришини тушунишгач, ноилож рози бўлишди.

— Биз қандай ўғил ўстирганимизни бутун овул билиб қўйсин,— дерди Қози хотинига.

«Артек»да Юсуф янги дўстлар орттирди. У ерда кўп нарсалар ўрганди, ҳаммаси янгидан бошлангандек эди. Лагердан қайтгач ҳам дўстларига тез-тез хат ёзиб турди. Почтальон деярли ҳар куни унга гоҳ Ростовдан, гоҳ Бокудан, гоҳ Ленинграддан, ҳатто Москвадан ҳам келган хатларни берарди. Пионерлар газетасида «Болалар ёзги таътилда» сарлавҳаси остида сурат босилиб чиқди. Суратда Юсуф ҳам бор эди. Қози билан Ҳалимат бу сафар хасислик қилмай бирданига тўрттасини сотиб олишди. Ундан бирини ўчоқбошига, иккинчисини эшикка, учинчисини ойнага елимлаб ёпиштириб қўйишди.

Йиллар ўтиши билан Юсуф комсомол сафига ўтди. Уни мактаб комсомол комитетининг секретарлигига сайлашди. Унинг комсомолга ўтиши Қозига унча маъқул бўлмаганди, комсомол комитети секретарлигига сайлашгандан кейин унга ёқиб тушди.

— Менинг ўғлим кичиклигидан бошқаларга раҳбарлик қилишга одатланган,— дерди у.

— У қолоқлар ҳақида ҳам, муҳтожлар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилади, ҳаммаси унинг зиммасида,— деб мақтанарди Ҳалимат.

Мана шундай қилиб, ўрмондаги қадимий кўҳна да-рахтлар орасидан яна битта янги ёш ниҳол униб чиқди. Қози, ўғли унинг йўлидан бормаётганини жуда кеч тушунди. Энди у ўғлини бошқаларга қўшилишига йўл қўйганига афсусланарди. «Ҳаммасига ўзим айбдорман,— ўзини койирди Қози.— Солиҳатга уйланмаганига ҳам ўзимиз сабабчи. Шошмаслик керак эди». Ҳалимат ҳар куни ёшлар турмуш қургач, қандай яшашла-

ри ҳақида Хадича билан пичир-пичир қилиб гаплашарди. Бир куни Хадича ўсмоқчилаб Қозига деди:

— Қизимга жуда кўп совчилар келяпти, Юсуфга унаштирилган деб ҳаммасини қайтаряпман.

— Тўғри қиласан,— деди Қози.— Қизингга Юсуфдан яхшироқ куёв тополмайсан.

Ушандан буён улар масала ҳал бўлди, деб ҳисоблашарди. Қосим билан Хадича Қозининг бойлигига анчадан буён кўз тикиб юрардилар. Хадича: «Юсуф уқувли эмас, аммо Солиҳат уни дарров қўлга олади»,— дерди. Қози билан Ҳалимат эса Юсуфга уддабурон хотин учрайдиган бўлди, деб мамнун эдилар. Келинга шунақа сарпо қилдиларки, бундан яхшисини топиш амримаҳол эди.

Аммо уларнинг бутун режаси барбод бўлди. Энди Қози билан Ҳалимат Қосим ва Хадичанинг фиғони фалакка чиқишини кутишарди. Лекин бу узоққа бормади.

Қози, Ҳалимат, Юсуф ва Гулшодлар магазиндан уйга қайтишди. Ҳаммалари хурсанд. Гулшодга олган кўйлаклари барчага ёққанди.

Кутилмаганда қўшни уй дарвозасидан Қосим билан Хадича чиқиб келишди. Ҳалимат гангиб қолди. Хадича уларга ширинсуханлик билан:

— Ёшларга бахт тилаймиз. Бизнинг табрик сўзимиз қисқа — ёшларнинг умри узоқ бўлсин. Уларнинг ҳаёти тинч, турмуши тотув ўтсин,— деди.

Қосим Гулшод билан саломлашиб Юсуф билан дўстона суҳбатлашди. Қози уялганидан ер ёрилса киришга тайёр эди. Агар акаси уни боплаб сўкканида унга қайтанга осонроқ бўларди. У Қозини бир чеккага чақириб, унга шундай деди:

— Қози, бизнинг орамизда ҳеч қандай қудачилик бўлмаган, деб ҳисоблаймиз. Мени сенга ҳеч қандай даъвом йўқ. Биз ака-укалармиз, бир-биримизни ҳаммиша қўллашимиз керак. Юсуф севган қизига уйланиб тўғри қилди, менинг қизим ҳам эрсиз қолмас.

\* \* \*

Уша куни Солиҳат очиқ чехра билан Ҳалиматларникига кириб сўрашди. Сиртдан қараганда, гўё бу икки оила бир-бири билан олдингисидан ҳам яхшироқ яшай бошлагандай туюларди. Қози ҳаммаси осонгина

кўчганидан хурсанд, ўзини еттинчи осмонда ҳис этарди.

Бу нарса фақат Ҳалиматга ёқмасди, на Қосим, на Хадича қалин тўғрисида гап очишмасди. Гўё уларга ҳеч бир қалин берилмагандай. У бу ҳақда Қозига бир неча бор эслатганди, эри қўполлик билан жеркиб берди.

— Менинг акам бошқаларнинг нарсасига хиёнат қилмайди. Ташвишланма, қизи сен берган кийимларнинг бирортасини эгнига олаётгани йўқ. Сенинг матоҳингни дала-даштга чиқариб ташлашмайди. Уларнинг сандиғида турди нима-ю, сенинг сандиғингда турди нима. Бунинг қандай фарқи бор? Уни ҳеч ким емайди.

— Агар қайтариб беришмаса-чи? Ахир бутун йиққан бойлигимиз уларда-ку!

— Сабр қил. Сабрнинг таги олтин.

Вақт ўтиб борарди. Тунлар кун билан алмашар, гўё оқ ва қора отлар бир-бирларини навбатма-навбат қувлаётгандек, улар орасидан ҳеч нарса ўтмагандек, икки оила иттифоқ яшарди. Қосимларнинг чурқ этмаслиги Ҳалиматнинг юрагини қуртдай кемирарди. Кўча эшик ғирчилласа бас, Ҳалимат худди Хадича қалинни келтираётгандек чопарди. Аммо Хадича келганда дунёдаги қалиндан бошқа ҳамма нарсалар ҳақида гаплашиб ўтирарди. Гўё унутиб юборгандек, қалин тўғрисида гап очишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Гулшод билан Юсуф кун бўйи боғдан бери келишмасди. Гулшод ишга кетгунга қадар ҳамма уй юмушларини бажариб кетар, қайнонасига бирорта ҳам оғир иш қолдирмасди. Қайнонаси фақат жун тўқиб ўтирарди. Хадича бир куни девордан мўралаб айвонда ўтирган Ҳалиматни чақирди:

— Кўриб турибман, Ҳалимат — жуда бандсан, шундай бўлса ҳам бирпасга буёққа келиб кетгин.

— Ҳозир, ҳозир, Хадича! — Ҳалимат тезгина ўридан туриб шамол учуриб кетмасин, деб жунларини ёпди. «Худога шукур, қалин эсига тушибди», — ўйларди у Хадичаларникига етгунча. Қозининг гапи ҳақ бўлиб чиқди, улар бировларнинг нарсасига хиёнат қилмайдиган одамлар экан. Аммо қўшни уйнинг остонасидан ҳатлаши билан Ҳалимат тахтадек қотиб қолди. Сандиқдаги шамоллатиладиган нарсалар ҳовлини тўлдириб ёйиб ташланган эди. Хилма-хил атласлар камалакдай товланиб, кўзни қамаштирарди. Қизил, сариқ, ҳаворанг, пушти. Айвонга эса тахмон-

тахмон кўрпа-кўрпачалар йигиб қўйилганди. Ёстиқлар ҳам тоғдай қилиб тахланган. Деворларга, дераза ёнларига гиламлар осилган, ерга тўшалган. Ўша ернинг ўзида ичига ҳар хил нарсалар жойланган шолчалар, наматлар, кўзалар терилиб турарди. Ҳалимат куйиб кетди. Худди бу нарсаларнинг ҳаммаси уларникидан ўғирлаб келингандек туюлди унга. Ҳаяжонини билдирмаслик учун у лабини тишлаганча юқорига кўтарилиди. Унга Хадича пешвоз чиқди.

— Мана бу майда-чуйдаларни шамоллатаётгандим. Гиламнинг ўзи яхши-ю, кўтариш қийин. Кучим етмапти, қарашиб юборгин, деб чақиргандим.

— Ҳа, иншоолло, бугун ҳаво жуда яхши, нарсаларни ёйса бўлади,— тишларининг орасидан зўрға гапирди Ҳалимат.

— Бошқа хонадаги нарсаларни олиб чиқиб ўтирмадим. Бизнинг хонамизнинг деразаси катта, қуёш тушиб туради. Буларнинг ҳаммаси ҳар бурчакда тўзиб ётувди.

Ҳалимат, Хадича ва Солиҳат иккита гиламни зўрға айвонга олиб чиқишди. Уларни ерга ёйиб Хадича нарироқ бориб узоқдан томоша қилди.

— Қара, Ҳалимат, бизнинг давримизда бунақа чиройли нарсалар йўқ эди. Ҳар бир гилам гўё гўзал қизга ўхшайди, бутун бир хазина.

— Иншоолло, яхши гиламлар чиройда тенгсиз. Ҳаммаси яхшиликка буюрсин.

— Айтганинг келсин.

— Мен бора қолай, Хадича, ишларим қараб қолди,— Ҳалимат кетмоқчи бўлиб дарвоза томонга юрди. Солиҳат унинг кетидан чопди:

— Холажон, уйга кириб бир пиёла чой ичиб кетинг.

— Э, йўқ, оппоқ қизим. Яқинда ичгандим.

— Йўқ, холажон, уйга кириб, қуруқ кетказгани қўймайман,— Солиҳат унинг қўлларидан ушлаб ичкарига судради.

Ҳалиматнинг кўзига дастлаб ташланган нарса ўзи юборган қимматбаҳо матолардан тикилган сарполар бўлди. Ҳар бир кўйлакнинг рангига мос жун ёки шойи рўмоллар танланганди.

Ҳалимат уйига қай аҳволда келганини билмайди. Аламдан кўз ёшларини тия олмасди. Агар шу пайтда унинг кўзига Гулшод кўринса борми, оғзига келганини қайтармасди. Ахир у туфайли шунча бойликдан

махрум бўлиб ўтиришибди-да. Бу нарсаларнинг ҳаммаси Юсуфнинг уйига насиб қилган бўларди. Унинг кўз ўнгида хаёлан ранг-баранг шойи, атлас кўрпа ва гиламлар, шолча ҳамда наMATлар жилваланиб турарди.

Кечқурун Қози уйга келганда унга юрагини ёзиб бир оз тинчланди. Қози эса Солиҳатга шунча сеп йигиб қўйишганини эшитиб, қўлларини бир-бирига бор кучи билан ишқай бошлади. У ҳатто оғриқдан инграб юборди.

Гулшод билан Юсуф ишдан келишди. Қайнона сепсиз келинига ёмон кўз билан қараб қўйди.

— Ойижон, биз келдик,— Гулшод ҳеч нарсани сезмай, айвонга кўтарила бошлади.

Айвонда бошини қуйи солиб Қози ўтирарди. У дарҳол ўрнидан туриб, алланималарни гўлдираб жўнаб қолди.

Гулшод чучвара туга бошлади.

— Сенга ёрдамлашиб юборай-чи,— Юсуф унинг олдига келди.

Иккаласи бирпасда овқат тайёрлашди.

— Ойи, овқатга келинглар,— чақирди Гулшод.

— Ўзларинг ейверинглар, менинг егим келмаяпти,— унинг сўзини шартта бўлди Ҳалимат.

Гулшод бошини эгди. Юсуф унинг хафа бўлганини сезиб, гапни ҳазилга бурди. Аммо уни тинчлантира олмади. Улар хоналарига кирганларида Юсуф Гулшодни қучиб:

— Гуши, баъзан уларнинг ана шунақа жаҳллари чиқиб туради, сен бунга парво қилма. Турмушда шунақасиям учраб туради. Бу уларнинг эски касали. Сени улар жониданам яхши кўришади,— деди.

— Хўп, яхши, Юсуф.

Ҳалимат кечаси билан мижжа қоқмади. Эрта тонгданоқ Қосимнинг ишга кетишини пойлади. Хадичанинг эри ишга кетиши билан унинг олдига югурди. Хадича айвонда сузмасини қурут қилаётганди. Ҳалиматни ўрнидан туриб қарши олди.

— Нима қилиб ўтирибсан, Хадича?— мулойим сўради Ҳалимат.

— Ўзим, шунчаки рўзғор ишларини қилаётгандим. Кел, ўтир,— у Ҳалиматга кўрпача солди.

Қўшнилар анчагача уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди, сўнгра Ҳалимат асосий мақсадга ўтди.

— Хадича, мен сенинг олдинга қалин берганимизни эслатай, деб киргандим.



Хадича шошилмай ён чўнтагидан патрон идишини олиб ундан бир чимдим тамакини кафтига солди. Кейин уни Ҳалиматга узатди.

— Балки ҳидлаб кўрарсан. Тўғри, бу тамаки унчалик яхши эмас. Яхшилари алақачон йиғиштириб олишган, мен қолган-қутганини териб олгандим.

— Ёмон эмаслигини кўриб турибман,— Ҳалимат бир чимдим тамаки олиб бурнига теккизди.

Хадича патронни олиб кийимига ишқалади.

— Вой худойим-ей, қўшнижон, биласанми, нима эсимга тушди дегин. Шундай бўлган экан, бир одам бировни ўлдириб қўйибди. Уни жазолабдилар. Орадан анча вақт ўтгач, одамлар бу воқеани унута бошлашибди, бирдан ҳалиги одам ўлдирган киши унинг уйига бориб яқинларидан:

— Мурдани юваётганларингизда танасидаги ўқни чиқариб олмаганмидингиз?— деб сўрабди.

— Уқ ўша топда кимнинг хаёлига келибди дейсиз?— дейишибди унга.

Бу гапни эшитган қотилнинг умиди пучга чиқибди, чунки у, ўқни қайтиб олсам, бошқа сафар яна асқатиб қолади, деб ўйлаган экан.

Сизлар ҳам шундай йўл тутмоқчимисизлар? Қизимизни бошда унаштириб, сўнгра ўз аҳдларингиздан қайтиб, эл-юрт олдида шармандаю шармисор қилганларинг етмагандай, энди теримизни шилмоқчимисизлар?

— Бундай дейишга қандай тилинг борди, Хадича! Худодан кўркмайсанми? Ахир тўй бўлгани йўқ-ку... Бировнинг нарсасига эга бўлиш ҳаммага ҳам ёқади. Лекин биз у нарсаларни умр бўйи пешона теримизни тўкиб меҳнат қилиб йиққанмиз.

— Вой художўй овсиним-ей! Ҳеч нарсани билмайман, ўзимча қонун чиқазаётганим ҳам йўқ. Аммо мен бир нарсани — тоғлиқларнинг урф-одатига кўра, қиз йигитни рад этса берган қалинини қайтаришини, агар йигит қизни рад этса, ҳамма қалин қизда қолишини биламан. Қизим Юсуфни рад этгани йўқ. Менга деса, ўғлинг қизимга бугуноқ уйлансин.

— Ё парвардигор! Хадича, ҳеч бўлмаса худони эга олмайсанми? Шундай йўл тутишинг тўғрими, ахир ўзинг бир ўйлаб кўр? Бу нарсаларни ортиқчалигидан эмас, одамлар кўрсин, кейин барибир, ўзимизга қайтиб келади, деб сизларга бергандик.

— Мени худони ўртага солиб кўрқитмай қўя қол.

Бу дунёда ўлимдан баттар кўргиликлар бор, у дунёдан ҳам ҳеч ким қайтиб келмаган, қачон бўлса бир бошга бир ўлим,— босиқлик билан жавоб қилди Хадича.

— Тавба қилдим, алҳамдулилло, нафс балоси одамни не кўйларга солмайди-я! Бойлик турганда худони ҳам унутишади.

— Ҳалимат, кўп куюнаверма. Комилнинг қизига қалиннинг ҳожати ҳам йўқ. У шусиз ҳам Юсуфнинг олдига югуриб келди. Энди иккаламизнинг ади-бади айтишганимиздан фойда йўқ. Эрларимиз ҳамма нарса ҳақида гаплашиб олишган. Энди қалин тўғрисида бошқача гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Гап тамом, вас-салом.

— Бу билан нима демоқчисан, Хадича? Ҳали қалинни қайтармоқчи эмасмисизлар?

— Кечагидан қолган жуда яхши варақим бор эди, озгина еб кўргин-чи...

— Мен сеникига варақи ейишга чиққаним йўқ. Илондай авраб, кеткизаман, деб ўйлама! Бунақаси кетмайди ё нарсаларимни қайтар, ёки уларнинг пулини бер!

— Қаёқдаги бемаъни гапларни гапирасан-а, Ҳалимат! Биз сизлар билан яхши муносабатда бўлганимизга шарманда қилганимизни унутди, деб ўйлаяпсизларми? Қизини шарманда қилиб, кейин қалинни сўраш, овулимиз тарихида бунақаси бўлмаган. Қизимнинг нимаси Юсуфга ёқмабди? Солиҳатнинг қўли гул, ундан яхши уй бекаси чиқади. Гулшоддан ўлса ўлиги ортиқ!

— Эҳтимол қизинг ҳамма қизлардан яхшироқдир. Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса деяётгани йўқ. «Ўғил меники, ақли ўзиники», деган мақолни эшитмаганмисан? Ўғлим хоҳламагач, Қози билан менинг гуноҳим нима?

— Бундан чиқди, Қосим иккимиз, биз айбдормиз, деб қўл қовуштириб ўтиришимиз керак экан-да!

— Илоё, топган-тутганинг яхши кунингга буюрмасин!!

— Худоё худовондо, қарғаган қарғишинг ўзингга урсин!!

— Берган қалинимда нечта тола ип бўлса, бахтингга шунча фалокат ёрилсин. Мен берган кўйлақларни кийганда қизинг касалдан чиқмасин. Қиёматда бу қалинлар барибир бизники бўлади.

— Эшит, художон, эшит! Илоё ўттизта оқ туядаги лаънат юки бошингизга тушсин. Сен, Ҳалимат, кўпдан шуни кутиб юрганинг мендан.

— Худоё худовандо, қизингинг ёш умри хазон бўлсин! Кунларинг аччиқ кўзёш тўкиб ўтсин!

— Худоё, ёлғиз ўғлингдан ажраб ҳасратида куйиб ўлгин! Келининг бошқага тегиб кетсину сенлар унинг орқасидан қараб, аламдан юракларинг эзилиб юрсин!

— Бизга шамол тегмасдан аввал, сенлар уруғ-аждодинг билан ер юзидан қуриб кетинглар! Бирорта тирик жон сизлардан бировнинг ҳақиға хиёнат қиладиган сурбетларнинг қабри қаердалигини излаб тополмасин!

— Гўрингдан чақир тикан ўсиб чиққур, ўз айбингни бировга ағдариб туҳмат қилиб ўтирибсан! Сенга бас келиб бўлармиди,— Хадича ўрnidан туриб бошқа хонага чиқиб эшикни ёпиб олди.

Ҳалимат дунёдаги барча ёмон гапларни айтиб қарғана-қарғана уйига кетди.

Қози келганда Ҳалимат бошини боғлаб ётарди. Эри нима бўлганини сўраб улгурмасидан Ҳалиматнинг ўзи жаврай кетди.

— Қани энди акангиздан қалинни олиб кўринг-чи? Акам бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди демаганмидингиз.— Ҳалимат овсини билан бўлган жанжални куйиб-пишиб гапира бошлади. Қози қўлларини бири-бирига ишқалаб жаҳлдан мўйловини ямлагундай бўлиб Ҳалиматга ташланди.

— Мен сенга кўп шошилаверма, деб неча марта айтдим, қулоқ солмадинг. Ҳамма нарсани уларга олиб чиқиб беришга шошилдинг. Узингдан кўр. Сени бундан баттар қилиш керак эди.

— Ҳа, албатта, энди бундан бошқа нима ҳам дея олардингиз. Уша вақтда ётсангиз ҳам, турсангиз ҳам: «Акамнинг қизи, акамнинг қизи», деб пашшадай ғингиллаб ҳоли жонимга қўймагандингиз. Бугунги кунда барча калтак менинг бошимда синяпти.

— Кўзинг оқиб тушгур! Тун бўйи: «Хадича қизига фалон нарса олди, Хадича қизига писмадон олди. Бошқа совчилар келмай туриб унаштириб қўя қолайлик», деб ҳар куни тинчлик бермаган сен ўзинг эмасмидинг?

— Оҳ, бу нима кўргилик? Сизда виждон борми ўзи? Бундай дейишга қандай тилингиз борди? Мен: «Ҳасаннинг қизи Нуцалайни унаштирайлик»,— деб айтгандим. Сиз бўлсангиз: «Акамнинг қизини Нуцалайдан нимаси кам?»— деб ўзингизникини маъқуллагандингиз.

— Сен ҳақ билан ноҳақнинг фарқига бормай қолибсан. Ҳатто ўзингни-ўзинг тўқиган ёлғонга ишонтирмоқчи бўляпсан.

— Мен сизга ҳали ёлғончи бўлдимми? Бу менинг бутун умр бел букиб сиз ва ўглингизга қилган хизматларим эвазига эшитган раҳмат бўлдимми?

— Сенингча, ўғлим сенга ўғай экан-да?

Қози бошқа хонага чиқиб кетди. Ҳалиматнинг хўрсиниб йиғлагани эшитилди. Қозининг кўнгли жуда бўш эди, бировнинг йиғлаганини эшитса, чидаб туролмасди. Шундан кейин у хотинига қўпол муомалада бўлиб унинг кўнглини ранжитганини тушунди. «Нимага ўз айбим учун ўзгаларни қийнайман? — ўйлади Қози. — Бошида ўғлим номини эшитишни ҳам хоҳламаган қизга унаштиришнинг лима ҳожати бор эди ўзи? Кимга уйлангиси келса, ўшанга уйлانسин эди. Икки ўртадаги бу кўнгил қорачиликлар рўй бермасди. Биз молу дунёсига учиб, севмаган қизига мажбуран уйлантирмоқчи эдик. Ўғлимиз бизни тушуниши керак эди. Ўзимда бойлик босилиб ётибди. Лекин бу ҳаракатлар унинг учун эди. Агар ўғлим менинг гапимга кирганида биз ҳеч нарса йўқотмаган бўлардик, ўртадаги нохушликлар ҳам бўлмасди. Хўп, майли, мен билан-ку, ҳисоблашмасин, ҳеч бўлмаса, онасини ўйлаши керак эди. Энди эса унга Гулшод бўлса бўлди, бошқа ҳеч ким керакмас — на онаси, на отаси. Дунёга у Гулшоднинг кўзи билан қарайди, у ҳам Юсуфдан бир қадам нари жилмайди, худди унга ёпишиб қолганга ўхшайди».

Қози тўсатдан, Гулшод унинг кир кийимларини олиб ювганини, полда ётган кўрпа-тўшакларини каравотга солиб берганини эслади. «Каравот турганда ерда ётишнинг ҳожати йўқ», деганди ўшанда келини. Қози каравотда ётиб кўргач, сира ерда ухлагиси келмай қолди. Келинининг «дада, дада», деган мулойим овози эшитилгандек бўлди. Гулшодни айблаётганлигидан Қозини ўзи ҳам уялиб кетди. Гулшод ширинсуханлик билан тошни ҳам эрита олади!

## 5

Туман зимистон тун қўйнида ўлжа излаб тоғдан пастга тушиб келаётган бўри янглиғ овулга бостириб келди. У гўё тоғларни, чўққиларни, дўнгликларни ва бутун борлиқни оппоқ пахтага ўраб олди. Сўнгра худ-

ди гуноқкордек бурчак-бурчакларга тислана-тислана аста тарқай бошлади.

— Учиб кетяптими?— тегирмонга олиб бориладиган донларни йиғиштиришаётган одамлар бир-бирларидан сўрашди.— Намлигидан ҳатто тўдалаётганда ҳам майдаланяпти-я!

Туман тобора осмонга кўтарилиб тарқалгач, майда қор парчалари эланаётган ундек ерга ёпирилиб кела бошлади.

— Қаранглар, қор ёғяпти!— деганча айвонга чопиб чиқди Гулшод.

— Юсуф, сен кеча тезакни охиригача тахлаб қўйишимга йўл бермадинг. Энди қорнинг тагида қолиб кетса, одамлар кулги қилишади.

— Биласан-ку, бунақа мишмишларга парво қилмайман. Уй бизники. Уни қандай тутиш ўзимизга боғлиқ. Ҳовлидаги тезак қуриб қоладими, ивиб кетадими, биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмасин.

— Мен ҳозир йиғиб оламан,— Гулшод шамолдай учиб, зиналардан югуриб кетди.

— Мен сенга қарашиб юбораман, Гулшод!— деганча Юсуф унинг орқасидан югурди.

— Бу эркакларнинг иши эмас.

Гулшод тезакларни йиғиб, уюм қилиб тахлади. Юсуф жилмайиб унга термилиб турарди. Гулшоднинг тўлишгани сезилиб, сийналари кўтарилиб эгнидаги кўйлаги ҳам калтароқ бўлиб қолганди. Унинг қўллари ҳеч қандай ишдан чарчамасди, тўғри, бир оз дағаллашганди. Гулшод ҳар сафар эгилганда сунбул сочлари олдига тушиб, ерга тегарди. «Агар Гулшод бошқа одамга турмушга чиққанида,— мен ҳеч қачон, ҳеч кимни севмаган бўлардим»,— Юсуф ҳаммаси ортида қолганига, энди уларнинг бахтига ҳеч ким чанг сололмаслигини эслаб севинарди. Шу пайт, кеча ишдан келаётганларида Кавсаратнинг бир чеккада уларга тикилиб, қараб тургани ёдига келди. Юсуф шундай бир йўл тутдики, Гулшод онасини пайқамади. Агар кўриб қолганда Гулшодга оғир бўларди. Бояқиш бусиз ҳам ўз уйини соғиниб эзиляпти...

— Юсуф!— унинг хаёлини бўлди Гулшод,— ўша ердаги супургини отиб юбор, тезакнинг қолдиқларини супурмоқчиман.

— Дарҳол йиғиб бўлдингми? Бунча тез?

— Сен бўлсанг пайқамабсан. Менинг чаққон-

лигимни наҳот билмасанг?— Гулшод хандон отиб кулди.

— Ўзингни мақташга ҳам қўймайсан,— Юсуф айвондан тўғри унинг олдига сакради.

— Вой, юрагим ёрилиб кетай деди-я! Сенга нима бўлди, ақлдан оздингни, шунақа баланддан сакраб бўларканми?— У Юсуфни маҳкам бағрига босди.

Шу онда девордан Хадича мўраллади ва тиржайганча сайрай кетди.

— Тезакни энди йиғиб оляпсизларми? Меҳмон остонага келганда уй супураман, эрим уришганда— қозон осаман, дегандай ерга қор тушганда тезак йиғиштириб оляпсизларми, болаларим.

— Тўғри, Хадича хола, нима қилай, хотиним дангаса бўлса,— Юсуф атайлаб Гулшодга теккизиб гапиргани учун хафа бўлганлигини яшириб жилмайди.— У ёмон уй бекаси.— Гулшодга қараганча кулимсираб гапида давом этди.

— Агар биз иккаламиз ҳам яхши ишласак, пулни қўйишга жой тополмай қоламиз,— деди Гулшод.

— Вой худойим, ҳақ гап, болаларим,— Хадича зўр-базўр илжайди.

— Ундан кўра бошқаларнинг топганини еб ётган маъқул.

— Хола, бу ўзи нозик, таннозхон, ишлаб нима қилади?— ҳазилда давом этди Юсуф.

— Агар мени боқа олмасанг, сенинг нима керагинг бор.— Хадичага эътибор қилмай, Гулшод Юсуфни итариб, чопиб уйга кириб кетди. Юсуф унинг орқасидан югурди.

— Оҳ, қанжиқ, у Юсуфни ўзига оғдириб олибди.— Хадича улар кетган томонга қарата қўлини пахса қилди.— Унинг онасиям ҳақиқий жодугар. Фақат то-вонини тагига олиб эзмайди, холос. Шайтонга ҳам дарс беради... Бир вақтлар у ҳам Комилни ўзига оғдириб олганди...

\* \* \*

— Гулшод, ҳужжатларингни институтга жўнатадиган вақт бўлди. Бир қарорга келдингми?— Юсуф Гулшоддан сўради.

— Юсуф,— Гулшод қўлларини унинг кўксига қўйиб эрининг кўзларига термилиб жавоб берди,— бу йил сенинг ёнингдан кетгим келмаяпти, ҳозирча уйда шуғулланаман, бир-икки йилдан кейин бораман. Олдинлари кетишимни ўзинг хоҳламасдинг-ку...

— Ушанда кетиб қолсанг мени унутиб юборасан, деб ўйлардим. Ахир унда биз турмуш қурмаган эдикку!

— Кетишни хаёлимга ҳам келтирмагандим, сенга аччиқ қилиб йўлга отланувдим. Ҳамид юборган кўйлакни ҳам сенга аччиқ қилиб кийгандим. Аммо очиғини айтсам, рашкингни келтириб кўнглингни ранжитишни истамас эдим.

— Гулшод, мён институт ҳақида бекорга куйиб-пишаётганим йўқ. Ҳужжатларни бугуноқ жўнатиш керак. Бўлмаса бир йилинг яна куяди.

— Куйса куяр, ўртамиздаги севгидан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлашни истамайман. Менинг қандай бахтиёрлигимни наҳотки сен билмасанг, Юсуф? Дунёда мендан бахтлироқ одам бўлмаса, фақат онам...— Гулшод юзини дастрўмолчаси билан беркитиб, жимиб қолди.

— Яна кўз ёши! Сенга неча марта айтяпман...Биз ундан узр сўраймиз. Озгина сабр қил, онанг билан хафалашиб юриш менга ҳам ноқулай.

— Бошқа йиғламайман,— жилмайди Гулшод, аммо унинг кўзларида яна ёш йилтиллади.— Сен олдимда бўлсанг бас, ҳеч қачон йиғламайман, йиғлаб нима қиламан...

\* \* \*

Бугунги кун ўзгача бўлди. Саккиз юз туп мевали дарахт, етти юз туп ток қаламчасини экиб, боғдаги асосий ишларни тугатишди. Юсуфнинг бригадаси ҳаммадан кўп куч сарфлади. Мактаб ўқувчилари уларга ёрдам беришди. Айниқса ток қаламчаларини қуёш нури кўпроқ тушадиган ёнбағирларга экиш қийин бўлди. Бу ерларга минг йиллардан буён инсон қадами тегмаган; фақат ҳайвонларгина яккам-дуккам ўсган ўтўланларни териб ейиш учун ўтлаб келишган. Бу йил кузда янги экилган дарахтларнинг танасигача оқлашди. Кузда дарахтларни камдан-кам одам оқлайди. Бу тадбир боғдаги дарахтларни қуртлаб кетишдан сақлайди. Энди Юсуфнинг ҳам, Гулшоднинг ҳам ўзлари ҳақида ўйлашга бўш вақтлари бор. Шунинг учун ҳам Юсуф яна институт ҳақида сўз очди.

— Қани, Гулшод,— яна гап бошлади у,— ке, ариза ёзамиз. Қайси факультетни танладинг?

— Наҳотки, сен билмасанг?

— Агрономликни, тўғрими?

— Мен ҳам алоқатта агроном бўлишим керак.

— Бошқаларга тақлид қилиб касб танлаб бўлмайди, яхшилаб ўйлаб, ўзингга жудаям ёқадиганини танлашинг керак.

— Мен боғдорчиликдан бошқа касбни ёқтирмайман.

— Бўлмаса сиртдан топшир.

— Юсуф, менга тепаликлар, кўчалар, ҳовлилар, ҳув анави қоялар ҳозирданок гулга бурканган боғ-роғлар бўлиб кўриняпти. Ҳаммаси қандай гўзал бўлади!

— Бизнинг ерларимиз ҳам кундан-кунга, йилдан-йилга гуркираб ёшаряпти.

— Юсуф, кетдик.

— Қаерга?

— Боғимиздаги дарахтларга қорнинг қандай ёғаётганини кўрамиз.

— Йўқ, бугун яхшиси уйда дам оламиз.

— Юсуф, мени жудаям боргим келяпти, — у ўз сўзида туриб олди... Гулшод эрини ўзига қандай бўйсунганини яна бир бор синаб кўрмоқчи бўлганди.

— Майли, кетдик, — Юсуф ҳам ўрнидан қўзғалди.

Улар дарвозани қулфлаб, калитни катта тош супанинг тагига яшириб, боққа йўл олишди. Лайлакқор парчалари уларнинг елкаларига, Гулшоднинг рўмоли остидан чиқиб турган сочларига қўниб, биллур сув томчисига айланарди. Улар овулдан чиққач, қўлтиқлашиб олишди.

— Сен агроном бўлгач, иккаламиз мусобақалашамиз.

— Аммо бизнинг мусобақамиз бирдамлик сиёсатига жавоб бўларди, деб умид қиламан.

— Сен сиёсатчи ҳам экансан-ку.

— Сен нима деб ўйловдинг?! Тарихдан мен фақат «аъло» баҳо олардим.

— У-ҳў, жуда мақтанаверма, аттестатингга «3» баҳоларинг етарли.

— Бу математикадан, мен буни ҳеч билолмайман. Бошимга мушт билан урсанг ҳам, миямга таёқ билан итариб киритсанг ҳам, барибир, математик чиқмайди.

— Математикасиз қишлоқ хўжалик институтида ўқиб бўладими?

— Сен менга ёрдам беришинг керак, Юсуф. Тригонометрияни эсласам ҳозир ҳам қўрқинчдан вужудим титраб кетади. Буларни ким ўйлаб чиқарган экан ўзи?



— Агар сен унга қасд қилмасанг, ўйлаб чиқарган одамнинг номини айтаман,— кулди Юсуф.

— Қасд қилмайман. Уни ўпиб қўйишим мумкин.

Гулшод Юсуфнинг юзидан чўпиллатиб ўпди-да, пастга югургилаб кетди.

— Мен у одам билан бошқача гаплашаман,— Юсуф ердан ҳўл қор олиб юмалоқлаб Гулшодга отганди, у тегмади.

— Сен фақат яхшигина агроном эмас, мерган ҳам экансан!— деди Гулшод кулиб.

Улар бошдан-сёқ қорга буланиб, шоду хуррам уйга қайтишганда дарвоза очиқ эди. Бузилган қулф бўлак-лари ҳовлида сочилиб ётарди. Юқоридан Ҳалиматнинг бақирганини эшитиб Юсуф билан Гулшод зинапояда тўхтаб қолишди. Уларнинг қулоғига онасининг сўзлари элас-элас чалинди:

— Энди Гулшодни деб, кўчада яшашим қолувди. Бизнинг уйни Комил билан Кавсарат қурмаган-ку!

— Тушунсанг-чи, нимага бунча ўз-ўзингдан шовқин кўтарасан? Ёшлар балки калитни қолдиришни эсларидан чиқаришгандир,— улар Қозининг далда бераётганини ҳам эшитишди.

— Юсуф учун у ҳеч нарсани эсидан чиқармайди. Мен ўғлимни умуман кўрмаяпман. Юсуф олдимга келдими, тамом, у ҳам шу ерга етиб келади.

— Ҳалимат, ўзи турмуш шунақа. Ёш болага она, ёш йигитга эса — хотин керак.

— Агар у мени уйдан ҳайдамоқчи бўлса адашади, билиб қўй, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Бутун овул бугун менинг устимдан кулди, ўз уйимга киролмасдан кун бўйи кўчада қолиб кетишимга сал қолди. Онанни хаёлларига ҳам келтирмай аллақасдаёқларга дайдиб кетишган.

— Юсуф, ойим нима деяптилар?— сўради Гулшод.

— Билмадим, ҳеч нарсага тушунолмай қолдим,— деганча Юсуф юқорига чопиб кетди. Бир оздан сўнг Гулшод унинг овозини эшитди:

— Ойи, нима бўлди?

— Нима бўларди?!— Она ўғлини кўриб, гапни чўзмоқчи бўлганди, Қози унинг сўзини бўлди:

— Нима ҳам бўлиши мумкин, ўғлим? Онангга бўлмағур гапларни гапиришибди. Ушанга захрини менга сочяпти. Сизлар ўз хонангизга бораверинглар.

— Нима бўлганини билмоқчиман.

— Айтишга арзийдиган ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Қози шу сўзни айтиб турганда Гулшод кириб келди. Юсуф унинг ранги оқариб, лаблари титраётганини сездди. У, ҳозир Гулшод чидолмай бирон ёмон гап айтиб юборади, деб чўчиб турганди, лекин қайнонасига мулоимлик билан гапирганини кўриб ҳайрон қолди.

— Ойи, келганингизга анча бўлдимиз? Чарчаб кетгандирсиз?

— Албатта, чарчадим,— Ҳалимат Гулшоддан юзини ўгирди.

— Дада, сизнинг ишларингиз яхшими?— сўради у Қозининг олдида бориб.

— Ҳаммаси яхши, қизим,— ҳеч нарса бўлмагандай вазминлик билан жавоб берди Қози.

Юсуф ноқулай аҳволда хонанинг ўртасида туриб қолди. Гулшод уни бу аҳволдан қутқармоқчи бўлди.

— Юсуф, жуда ивиб кетибсан-ку, кийимларингни алмаштириб келсанг бўларди, юзинг ҳам ҳўл...

— Сенинг устингдан ҳам челақлаб қуйгандай сув оқяпти,— Юсуф Гулшоднинг бошини силади. Лекин хаёлида бошқа нарсани ўйларди: «Онамга нима бўлди ўзи?..»

Воқеа мана бундай бўлганди. Хадича ёшларни калитни тош супанинг остига қўйиб, ўзлари боққа кетишганини кўриб турганди. У атайлаб калитни буталар орасига иргитиб юборди. Худди шу пайтда Юсуфнинг онаси уйга келди, у калитни одатдаги жойидан тополмай, хуноби ошиб турганда, Хадича девор оша мўра-лаб, унга кесатди:

— Ҳалимат, қорда дарвозанинг олдида нима қилиб турибсан?

— Гулшоднинг келишини пойлаб турибман, калитни қолдиришни унутишибди шекилли.

— Балки кеч келишар? Совуқ қотиб қоласан, бизникига кириб тура қол.

— Совуқ емайман.

— Бу ерда турганингни одамлар кўрса нима дейишади? Онасини уйдан ҳайдаб юборишибди, деб гап қилишмайдимиз?

— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Калитни қолдирмай қаёққа кетишган экан?— Ҳалиматнинг жаҳли чиқа бошлади.

— Ҳалимат хола!— Энди унинг олдида Солиҳат чопиб келди.— Узингизнинг уйингизга кира олмасан-

гиз, унда бизникига кириб ўтиринг. Эшигимиз сиз учун доимо очиқ.

— Кирмасам бўлмайдиган кўринади,— Ҳалимат Хадичага эргашди.

Ҳалимат қўшнисиникида анчагина ўтирди. Ахири уларникида ўтириш ҳам жонига теггач, дарвозанинг қулфини бузиб, уйига кирди. «Гулшод ўзининг бу номери ўтмаганини билиб қўйсин. Мен эшик олдида унинг келишини пойлаб ўтирмайман. Ҳали у келсин, ўрни қаердалигини кўрсатиб қўяман. Агар ҳозирдан олдини олмасам, кейин бошимга чиқиб ўтириб олади».

Воқеа мана шундай бўлган эди.

\* \* \*

Гулшод, юзларини муздек ойнага босганича, зулматдай қора тун қаърига боқиб турарди. Диққат билан тикилиб қараган одамга булутларнинг орқасида пирпираб турган юлдузлар кўринади. Опноқ қор билан қопланган ерлар поёнсиз текисликларга ўхшарди. Тоғлар, тепаликлар, водийлар ҳаммаси бир-бирига қўшилиб кетгандай туюларди. Гулшод деразадан кўз узиб, стол устидаги Юсуф қолдирган хатни бир неча марта ўқиди, «Гуши, мен партия йиғилишига кетдим, келгунимча химиядан белгилаб қўйилган учта масалани ечиб қўй. Агар масалани ечмасанг бир баҳо қўяман. Сенинг Юсуфинг». У хатни биринчи марта ўқиганда, хона бўшаб қолгандай туюлди. Кейин Гулшод онаси ва Зарифат ҳақида ўйлади. Юсуф яқин-орада улар билан ярашиб олишларига ишонтирди. Ахир нима учун улар ҳозиргача Гулшодни кечиришолмайди? Севган кишисига турмушга чиқиш наҳот шунча шармандалик бўлса? Бошқа ҳеч бир гуноҳ қилмади-ку. Гулшод негадир болалигида онаси қўлларига олиб эркалаганини, сочларини майдалаб ўрганини эслади. Онаси ўзи ҳақида ўйламасди, доимо ўзининг қўйлақларини Гулшодга тузатиб бериб, уни ясантриб қўярди. Онаси ҳамиша: «Гулшод, Зарифат, сизлар бир-бирларингизни яхши кўришларингиз, бир-бирингизга ғамхўр бўлишларингиз керак. Чунки сизларнинг бошқа ҳеч кимингиз йўқ»,— деб айтарди. У онасининг ажинли сокин кўзларини, бармоқлари ёрилиб кетган қўлларини кўз олдида келтирди. Мана шу қорли тунда унинг хаёлини қандай ўйлар банд қилдйкин, қалбини қандай ташвишлар кемирмоқда экан? Балки: «Вой, энди нима қиламиз — қор ёғяпти, мол-

ларга бериладиган ем тугаб қолди!..» — деб ўйлаётгандир. У доимо ўрнидан турибоқ, ёғоч куракни қўлига олиб, томдаги қорни курайдди.

Гулшоднинг юраги соғинчдан эзилиб кетди. У елкасига катта шолрўмолини ташлаб, оёқлари остидаги қорни ғарчиллатиб, уйдаң чиқиб кетди. У аста-секин бориб, қадрдон уй дарвозасини очиб, ичкарига кирди, сўнгра хира чироқ нури таралиб турган деразага яқинлашди. У энг аввал хамир тоғорани олдига қўйиб, хинкалга хамир қориб ўтирган онасини кўрди. Гулшодга хоналари олдингидан тор ва қоронғидек кўринди.

— Қизим, тезак олиб кир, — деди Кавсарат Зарифатга.

— Ҳозир, — ташқарига югурди қиз.

Гулшод ўзини қоронғиликка тортиб, нарвоннинг панасига яширинди. Зарифат тезакни олиб, уйга қайтиб киргач, у яна деразага яқинлашди. Онаси хинкални қасқонга жойлаб бўлгач, ўтирган кўйи оғир хаёлга чўмди.

Яқиндагина тегирмонда тўқнаш келиб қолган Хадичанинг гапларини эслаб, хуноби ошиб ўтирарди.

— Одамлар айтишяптики, — у тили билан заҳарларди. — Қизи йўқ оналар қаримайдди. Йигитларнинг иши бошқа. Улар нима қилса ҳам уят бўлмайди. Бунақанги ёшларнинг касрига бутун овулдагиларни юзи шувут бўлади.

Кавсарат Хадича нима ҳақида гапираётганини туншунмагандай, сир бой бермади. Одамлар сира кўникишолмасди. Кавсаратни кўришса бас, худди уларга бошқа гап қуриб қолгандек, унинг қизини ғийбат қилишарди. Гўёки Гулшод ўзини оқлаш учун Юсуфга турмушга чиққан эмиш. Юсуф ҳам орияти учун, ҳеч бўлмаса, бирор йил бирга турармиш.

Хадичанинг сўзларини охиригача эшитишга Кавсаратнинг тоқати қолмади.

— Ургилай сендан, менинг қизим учун қайғурмай қўя қол. Яхшими, ёмонми — унинг жавобгарлиги менинг елкамда. Мен уни тўққиз ой қорнимда кўтариб, икки йил оқ сут бериб боқдим. Номуста қўядиган ҳеч иш қилгани йўқ. У суйган одамига эрга тегди, холос. Қанча вақт бирга яшаса, ўзларининг иши. Менга қолса, севмаганинг билан минг кун яшагандан кўра севганинг билан бир кун яшашни афзал, деб биламан.

— Тўғри айтишаркан, олма тўкилса остига тушади,

деб. Гулшод сенга тортибди.— Шундай дея Хадича жўнаб қолди.

Кавсарат ҳозир мана шу ҳақда ўйларди.

— Ойи, хинкал пишгандир,— қасқоннинг қопқоғини очаркан, Зарифат онасига эслатди.

— Ҳозир қарайман,— Кавсарат қасқондан хинкалнинг биттасини олиб, бармоғини теккизиб кўрди.— Суза қол, қизим, сал бўлмаса эзилиб кетаркан.

Гулшоднинг кўз ёшлари ёноқларига думаларди. «Қадрдон, меҳрибон онажоним, қанчалар ўзгарибсиз. Уйга кириб, дастурхон атрофида сизлар билан ёнмаёن ўтириб, шу хинкалдан ейишни жуда-жуда хоҳлардим. Сизнинг қўлларингиз билан тайёрланган таомларни тотиб кўрмаганимга ҳам анча бўлди». У хонага отилиб кириб: «Кечиринг мени, меҳрибон онажоним, сиз билан бундан ортиқ жудоликда яшашга чидаёлмайман»,— деб бақиршидан ўзини зўрға тийиб турарди. Фақат онамни чўчитиб юбораман, деган фикр уни бу йўлдан қайтариб турарди.

— Гуши,— кутилмаганда қиз орқа томондан таниш овозни эшитди,— бундай турма, юр уйга.

— Юсуф! Сен қаерда эдинг?

— Сени қидириб юрибман.

— Қара, ойим билан Зарифат...

Гулшод юзларини Юсуфнинг кўксига яшириб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Гуши, бас қил йиғини, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Уч кундан сўнг Юсуф билан Гулшод Махачқалъага кетишди. Қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига кириш имтиҳонлари бошланди. Махачқалъага келишлари биланоқ Юсуф Гулшодни магазинларга олиб бориб, унга пальто, кўйлак, туфли олиб берди. Кейин эса институтга йўл олишди.

— Бу нима? Буниси-чи?

Юсуф фақат эшитар, хотинининг саволларига жавоб бериб улгурмасди.

У «Гулшодни яна қаерларга олиб бориб, нималарни кўрсатсам экан?»— деб ўйларди. Кечқурун улар театр-га боришди.

— Тезроқ, Юсуф! Яхшироқ жойни эгаллаш керак,— деб Гулшод уни шоширарди.

— Билетда кўрсатилган жойимизни ҳеч ким эгалламайди. Бу қишлоқ клуби эмас-ку,— деди Юсуф.

Юсуфнинг ёрдами билан Гулшод имтиҳонларга яхши тайёргарлик кўрди. Юсуф ўзининг ишлари кўп бўлишига қарамай, Гулшодга керакли китобларни ўз вақтида топиб берар, қўлланмадаги мураккаб ёки тушуниш қийин бўлган жойларини тушунтирар, вақтида овқатланишини назорат қилиб турарди. Гулшод, ўзига ўхшаб ўқишга кираётган бошқа қизларни имтиҳонларга жиддий тайёрланаётганини кўриб, яна ҳам яхшироқ тайёрлана бошлади. У иккита имтиҳонни «3» га, биттасини «4» баҳога топширди. Шундан кейин улар яна уч кун шаҳарни айланишди, энди эса уйларига қайтишмоқда.

Гулшод тўсатдан автобустга чиқиш олдидан бугун кетгиси келмаётганини айтиб қолди.

— Яхшиси, эртага кета қолайлик, — деди у Юсуфга.

— Нимага сен шуни олдинроқ айтмадинг, мен бу автобустга билет олмаган бўлардим.

— Мен билмагандим. — У қўрқиб четга қаради.

— Нимани билмагандинг? — Юсуфнинг нигоҳи Гулшод қараган томонга тушди.

— Ҳа, мана гап нимада! Ҳамид! Биз ундан яширинмаслигимиз керак.

Ҳамид чамадонини қўйиб, ким биландир гаплашиб турарди.

Юсуф унинг олдига бориб, қўлини чўзди.

— Салом, Ҳамид! Сафаринг қутлуғ бўлсин!

— Раҳмат!

— Бутунлай қайтиб келдингми?

— Бутунлай. Бизнинг овулда нима янгиликлар бор?

— Айтарли унчалик ўзгариш йўқ.

Гулшод ҳаяжонланиб, қўрқиб, титраб, кўз қири билан узоқдан уларни кузатиб турарди. Мана, ҳозир Ҳамид Юсуфга ташланади, — деб ўйларди. Овулда кимнингдир: «Ҳамид бунга тоқат қилолмайди. Юсуф ундан кўргилигини кўради. У мард йигит...» деган сўзлари унинг ёдига келди. Гулшод шу топда ўзи ҳақида сира ўйламасди. Унга нима ҳам бўлиши мумкин? Агар Юсуфни қутқариш учун ўзини оловга ташлаши лозим бўлса, буни у бажарган бўларди.

Шундай қилиб, улар бирга кетишди. Автобус Гергеблга қайрилганда, Юсуф ҳайдовчидан тўхтатишни илтимос қилди. Чунки Гулшоднинг ранги оқариб, боши айланаётганга ўхшаб ўтирарди. Унга тоза ҳаво етишмаётган эди.

— Унга нима бўлди?— Йўловчилардан бири сўради.

— Агар боши оғриётган бўлса, айтиши керак эди, менда дори бор эди,— деди у Юсуфга.— Энди менинг врач эканлигимни унутма.

— Вой, Али, сен ҳам шу ерданидинг? Сира пайқабман-а?— Юсуф ўртоғи билан сўрашди.

— Мен бўлсам сизларни дарҳол кўргандим. Мен автобуснинг ўртарағида ўтирибман.

— Ма, манави дорини ичгин-да, юзингни совуқ сувга ювиб ол,— у Гулшодга мурожаат қилди.

— Бу синглингми?— дори ичаётган Гулшодга тикилганча сўради Али.

— Хотиним,— жавоб берди Юсуф.

Овулдошлари Ҳамидникига келиб, уни ҳарбий хизматдан қайтиб келгани билан қутлашди. Деярли ҳар бир одам дуч келганидан сўрарди:

— У эшитибдими?

— Эшитмаган шекилли. Эшитган бўлса ҳам балки сир бой бермаётгандир.

— У ҳамманинг олдида жар соладиган аҳмоқ эмас,— жавоб қиларди бошқалари.

— Жуда ўзгариб кетибди-я!

— Тўлишиб, кўркамлашиб кетибди. Гулшод кўрса, Ҳамидни кутмаганига пушаймон бўлади.

Йўқ, Гулшод ҳеч нарсадан афсусланмади, бахтидан нолимасди ҳам. Уйда ҳам ҳаммаси силлиқ кетарди.

Улар қайнонасига Махачқалъадан гуллари кенг яйловни эслатувчи шолрўмол олиб келишди. Ҳалимат бир оз юмшади. У рўмолни синчиклаб кўздан кечиргач, тоза жундан эканлигини билиш учун гугурт чақиб, рўмолнинг бир учини оловга тутиб текширди. Сўнгра шолрўмолни елкасига ташлаб, кўчага чиқди-да, қўшниларнинг ҳавасини келтириш учун овулдаги кўзга ташланадиган баланд жойга чиқиб ўтирди. Шу заҳоти Хадича пайдо бўлди.

— Нима қиляпсан, эгачи?

— Нима иш қилишни ҳам билмайман, ҳамма ишни келиним бажаради. Бекорчиликдан зерикиб кетдим.

— Ҳа, ҳалиям иш қилишинг қолувдими? Бир оёғинг гўрда турган пайтда, ишни ўйлаб нима қиласан? Мени қизим ҳам ҳеч юмуш қилишга қўймайди. Биз бир-биримизни қўлимиздан ишни тортиб оламиз. Бугун думбул қайнатгандик, сени ҳам думбул билан меҳмон қилмоқчиман. Солиҳат: «Ҳалимат холам думбулни

жуда хуш кўради, унга олиб боринг», деди. Эшитишимга қараганда, Юсуф билан Гулшод қайтишганмиш. Мен ҳали уларни кўрганим йўқ. Эшитишимга қараганда, шаҳардан жуда кўп нарса олиб келишибди.

— Қанча нарса олиб келишарди. Пуллари ҳам унчалик кўп эмасди. Хоҳласанг кириб кўр,— Ҳалимат Хадичани уйга бошлади.

— Мана бу иккита кўйлак, пальто, туфлини Гулшодга олишибди. Юсуфга костюм. Қозига кўйлак билан шим, менга эса мана бу рўмолни олиб келишибди.

— Худо ҳаққи, яхши рўмол экан. Ҳаммасини дидфаросат билан танлаб олишибди,— деди Хадича, Ҳалиматнинг рўмолини сийпаларкан.— Тугбатда ҳам шунақа рўмол бор эди, тўққиз сўм, деб айтувди.

— Йўқ, бу ўттиз сўм туради... Уники бошқачароқдир, бу рўмол тоза шерстдан тўқилган.

— Йўқ, худди шунинг ўзгинаси эди. Ҳозир шерстни ойна билан алмаштиришган. Ҳеч қандақанги фарқи йўқ. Узинг кўр, Гулшоднинг кўйлагини олдида сенинг рўмолинг оддий латтага ўхшайди. Мана буни шерсть деса бўлади. Қара, қанақа ҳам пишиқ, ҳам енгил. Нархи қанча экан?

— Мен ҳозирги нарсаларнинг фарқига бормаيمان.

— Гулшоднинг соғлиғи яхшими ўзи?

— Худога шукур. Қирмизи олмага ўхшайди. Нимага энди ёмон бўлиши керак?

— Одамларнинг айтишича, у Махачқалъага бориб, боласини олдириб келганмиш.

— Вой, худойим-эй! Ким ўйлаб чиқарди ўзи бунақа гапларни? Агар боласи борлигини билишса, қайтага хурсанд бўлишарди... Одамларга нима керак ўзи!

— Ҳа-я, одамлар бўлмагур нарсаларни ўйлаб чиқаришдан ҳеч қачон чарчашмайди шекилли. Яқинда экишга уруғ саралаш учун омборхонага борганимда Ойшани кўрувдим. У айтдики, Кавсарат қизи билан ярашса ҳам сир тутиб юрганмиш. Яна у мана бу воқеани ҳам айтиб юрибди. Хатун Жимлатга врач чақиришга кетаётганда, Чанди чўққисининг юқорисида Кавсаратни жоду қиладиган майсаларни териб юрганини кўриб қолибди. Оҳ, бу майса,— дебди у,— ҳар кимнинг ҳам қўлига берилмайди. Ойша Кавсаратга қараб анграйиб турганида бирдан унинг дуо ўқиганини эшитибди: «Мен сеники эмас, сен меники эмас, олло»,— деб қуръонни бошидан айлантириб отибди. Кейин яна майса юлиб, халтасига солибди ва яна бор овози билан дуо ўқибди.



Қўрққанидан Ойшанинг эси оғиб, жойидан қимирламай қолибди. Кейин Кавсарат гулхан ёқибди. Гулханинг устига қозон осибди, гўштга ўхшаш бир нимани қозонга ташлабди-да, тиз чўкканча: «Юсуф Гулшодни севсин, Ҳалимат билан Қозини эса кўрарга кўзи бўлма-син!» — деб дуо ўқибди. Солиҳат ҳам Кавсарат сеҳрли ўтти олиб келаётганини ўз кўзи билан кўрибди. Уни мана шунақа ўтларни бошқаларга сотиб кун кечиради, деб гапиришади. Мен унақа вайсаганларга асло ишонмайман. Астағфурилло, тавба қилдим, худойим-ей, бундай гапларни гапиришга қандай одамларнинг тили борар экан-а? Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, одамларнинг айтишича, Юсуфнинг кўзлари гўё ақлдан озгандай Гулшоддан бошқа ҳеч кимни кўрмас эмиш. Унинг чизган чизигидан асло чиқмасмиш. Одамлар, агар ёлғиз ўғли ундан юз ўгирса, Ҳалиматга оғир бўлади, деб айтишяпти.

— Ким ҳам мени хафа қиларди? Уй ҳам, нарсалар ҳам — ҳаммаси ўзимники, — кибр билан жавоб берди Ҳалимат.

— Шунинг учун ҳам сен мустақил бўлишинг керак. Ҳамма Ҳалимат овулда танҳо, бошқа бунақа аёл топилмайди, дейди. Сепсиз қизни ўғлига олиб бериб ўтирибди. Келини уйдан иш ҳам олиб келмади. Парёстиқ, кўрпа тўғрисида гапирмаса ҳам бўлаверади.

— Қанақа ўрин-тўшак, рўмоли ҳам йўқ эди.

— Тўғриси, сиз унинг нарсаларини нима қилардингиз, ўзингизнинг давлатингиз етарли. Одамлар нима деса дер. Ёлғиз ўғилга сепсиз қизни олиб берса бўлаверади. Майли, ол, совимасин, думбулдан егин. Одамлар гапирса гапирар, бизга нима? Вой эгачи, намоз вақти бўлибди, мен уйга борай. Айтганларимни ҳеч кимга айтма, ўзинг билан қабрингга олиб кетгин, гап чувалатишни жудаям ёмон кўраман.

— Мен ҳеч қачон ғийбат гапларни ташиб юрган эмасман.

Қўшнилари ажралишди.

Ҳалимат шолрўмолини бир чеккага қўйди-да, ўзининг эски рўмолини ўраб олди. «Ойнадан қилинган рўмолга кўзим учиб тургани йўқ. Уттиз сўм тўладик, деб мени алдашган. Гулшодга албатта шерсть кўйлак олиб беради-да, ахир у бизникига катта пул билан келган. Ишонаман, Хадичанинг гаплари тўғри. Кавсарат сеҳри жоду билан ўғлимнинг бошини айлантириб, қизига иситиб қўйган. Шунинг учун ҳам ўғлим «Гулшод, Гул-

шод»лаб, кўзига ундан бошқа ҳеч ким кўринмай қолган. Худойим-эй, бу нимаси экан? Ўғил ўстириб, катта қилиб, икки қўлимни бурнимга тиқиб қолавердим, бир қанжиқ келди-ю, қўлимдан юлқиб олди-қўйди. Ўғлимни мен билан гаплашишга ҳам қўймайди. Иш шунгача бориб етдики, туғсам ҳусним бузилади деб бола олдирибди-я. Оҳ, бу уйга қандай бало дориди-я!» Ҳалимат стулга ўзини ташлаб ҳўнграб йиғлади.

Юсуф билан Гулшод ишдан қайтганда ота-оналарининг қовоқларидан қор ёғиб ўтиришарди.

— Ойи, нима овқат қилай? — сўради Гулшод.

— Нимани хоҳласанг, ўшани қил. Нима сабабдан мендан сўраб қолдинг? Мен уйда кимманки, сен мендан бирор нарсани сўрасанг?

— Ловия шўрва қил, — онасини дағал сўзларни айтишдан тўхтатиш истагида тезгина буюрди Юсуф.

Хонага оғир жимлик чўкди. Уйнинг бир бурчагида жаҳл отига минган Ҳалимат кўз қири билан атрофни кузатиб турарди. Иккинчи бурчагида эса, хафа бўлган Қози ҳеч кимга қарамасликка тиришиб, кўзини ерга қадаб ўтирарди. Ёшлар жимгина овқатланишди, дастурхонни йиғиштириб, энди ўз хоналарига кетмоқчи бўлиб туришган эди, Қози Юсуфни тўхтатди.

— Сенда ишим бор, ўтир.

Гулшод ўринни солиб, Юсуфни узоқ кутди.

— Менинг оилам тўғрисида гапиришдан бошқа ташвишлари йўқ экан-да одамларнинг, — деди у чуқур хўрсиниб уйга кираркан.

— Одамлар нималарни гапирмайди, Юсуф, — дея Гулшод чироқни ўчирди...

## 6

Яна навбаҳор келди. Тўғрироғи, у жўшиб куйловчи қушлар қанотида учиб келди. У баланд тоғ чўққисига чиқиб, сирли хуржуннинг кўзини очди, унинг бир кўзидан катта-катта яшил гиламларни олиб, водийга ёпди. Иккинчи кўзидан — сон-саноқсиз ёқут ва лолаларни олиб, атрофга сочиб юборди. Одамлар даладан қайтаётиб, қучоқ-қучоқ гулларни териб олишса ҳам водийдаги гуллар сира камаймас, тугаб қолмас эди. Одамлар ҳайрон бўлишарди. Баҳорнинг саховати чексиз. Унинг онаси — қуёш. Қизи ер юзида пайдо бўлиши билан қуёш ерни яна ҳам жўшқин эҳтирос билан эркалай бошлайди.

Гулшод деразага қўниб, чуғурлаган қушлар овозидан уйғониб кетди. Ёнида Юсуф йўқлигидан чўчиб

ўрнидан турди. Шошиб кўйлагини кийди-да, бошига рўмолини ўраб, чошиб айвонга чиқди. Юсуф ҳеч қаерда йўқ эди. Шунда у Ҳалиматни чақирди.

— Ойи, ҳо, ойи!

Гулшоднинг чақирганига ҳеч ким жавоб бермади. У пастга тушди. Сигирлар бостирмада турибди. Гулшод сигирларни соғиб бўлгач, қўшнисининг ўғлидан молларини подага ҳайдашни илтимос қилди. Кейин ахлатларни чиқариб ташлаб, ҳовлини супурди. Солиҳат ўзларининг ҳовлисида сув тўла челақни ерга қўйиб, анчадан буён уни кузатиб турарди.

— Салом, опаюн! — Гулшод тўсатдан Солиҳатнинг овозини эшитди.

— Салом, Солиҳат! Ҳали жуда эрта-ку, сен бўлсанг аллақачон сув олиб қайтибсан.

— Мен эрталаб ухлай олмайман. Сувга шу билан учинчи марта боришим. Ўша ерда синглинг Зарифатни кўриб қолдим. Бирам хафаки, унга қараб раҳминг келади. Онам қаттиқ бетоб, дейди...

— Ойим бетоб, унга нима бўлибди?

— Билмадим, Зарифат, онам неча кундан бери оғзига овқат ҳам олмаяпти, деб айтди.

У Солиҳатнинг сўзларини охиригача тингламай супургини ташлаб, чошиб кетди. «Онам бетоб! Онам бетоб!» — деб ўйлагани сари юраги гупиллаб урарди.

Қаттиқ ҳаяжонланганидан кўз ёшларини зўрға тийиб, қадрдон уйига қараб чопди. Эшикдан кириб, ўзини онасининг қучоғига отди. Ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон бўлиб қолган она қизига қаради.

— Сенга нима бўлди? Нима гап?

— Ойи... сиз касал бўлиб қолдингизми? — Гулшод йиғи аралаш зўрға сўради.

— Сенга барибир эмасми, мен касалманми, соғманми? Ахир сени деб юрагим тилка-пора бўляпти-ку.

— Ойи, чидашга бошқа тоқатим қолмади... Сизнингча, мен ёмон бир иш қилган бўлсам, майли, жазоланг, ортиқ бир-биримизни бундай қийнашимиз мумкин эмас.

— Менинг сенга нима керагим бор? Хайрият, Солиҳат бор экан, агар у бўлмаганда, онанг эсингга ҳам келмасди.

— Ойи, мен сизни бирор дақиқа унутганим йўқ, ҳеч қачон унутмайман ҳам!

— Сен ҳаммага, туққан онам — Ҳалимат, отам — Қози, деб айтибсан-ку! Мен бўлсам худди бегона

қатори, ҳисобда ҳам йўқман,— алам билан жавоб қилди онаси.

— Ойи, мен ҳеч қачон, ҳеч кимга бунақа демаганман.

— Унда ким айтган? Мени сендан бошқа тентак қизим йўқ-ку...

— Ойи, бу гап ёлғон! Мен сизни соғиниб, қанча кўзёш тўкмадим...

— Нима, сенингча, Солиҳат билан Хадичанинг ўзлари тўқиб чиқаришибдими?

— Ойи, сиз уларга асло ишонманг. Мен учун дунёда сиздан азизроқ одам йўқ...— Гулшод яна йиғлади.

— Йиғлама, қизим,— Кавсарат қизининг кўз ёшларини артиб, меҳрибонлик билан сўзлади.— Мен сени ҳам синглим, ҳам опам қаторида кўрардим, ҳамма умидим сендан эди. Ҳовлисида тикан ўсгур Қози менинг бошимга қанча кулфат солди!

— Йўқ, ойи, улар яхши одамлар! Юсуфни койманг. У ҳам яхши. Яхшиси, сиз мени лаънатланг.

— Нима учун уларни деб, қизимни лаънатлар эканман. Сира ёруғлик кўришмасин илойим!

Зарифат келди. У Гулшод келганига ҳайрон ҳам бўлмади, у кўзани ерга қўйиб, секингина:

— Ниҳоят, келибсан-да,— деди.

— Нимага сен ойим касаллигини менга айтмадинг?

— Сенингча, мен Қозининг уйига чопиб юришим керакмиди?— жавоб берди Зарифат ва опасига муғамбирона кўз қисиб қўйди.

Она кичкина қизининг бу ҳийласини сезиб қолиб, опа-сингиллар учрашиб юрганини дарҳол тушунди. Алдашга ўрганмаган Гулшод бўлса довдираб қолди. Зарифат: «Мана сен қанақасан. Ҳеч нарсани сир тутолмайсан!»— дегандай унга ёмон қараб қўйди. Ҳақиқатан ҳам опа-сингиллар аллақачон ярашиб олишганди, тўғрироғи эса, улар ҳеч қачон жанжаллашишмаганди. Дастлабки пайтларда Зарифат онаси ва тоғасининг ғазабидан чўчиб, опаси билан учрашишдан ўзини олиб қочиб юрди, кейинчалик улар тез-тез кўришиб турадиган бўлишди.

Зарифат опаси ҳақида овулда тарқалган ҳар хил бўҳтонларни Гулшодга етказмасди. Ҳатто онасининг тез-тез касал бўлишини ҳам опасидан яширарди. Мабо-до айтса, Гулшодни ташвишга қўйишига ақли етарди.

Зарифат, худди шундай, онасидан яширинча, Гул-

шоднинг кийимларини, шойи ҳам жун рўмолини ва осетинча рўмолини олиб келиб берганди.

— Ойи, қаерингиз оғрияпти?— жимликни бузиб сўради Гулшод.

— Ҳеч қаерим оғримайди-ю, аммо кундан-кунга дармоним қуриб кетяпти. Бошим айланади, нимага-лигини ўзим ҳам билмайман. Бугун тузукроқдай-ман.— Кавсарат ўрнидан туришга уриниб кўрди.

— Ойи, қимирламанг. Нима керак бўлса, ҳам-масини ўзим қиламан,— уни тўхтатди Зарифат.

— Ётавериб баттар оғирлашиб қоляпман шекилли. Ётсанг бутунлай ҳолдан тояркансан. Ўрнимдан турсам, балки ҳамма касалим тарқаб кетармиди.

— Йўқ, ойи, ўрнингиздан турманг,— Гулшод синг-лисининг гапини қувватлади.

— Худо қўлласин, тураман. Дардим енгиллашган-дай бўлди. Қизим, деразани оч. Сен-чи, Зарифат, тал-қон билан асални олиб бер, олдинлари Гулшод уни яхши кўрарди.

— Мен мактабга кечикяпман, Гулшоднинг ўзи ола қолсин,— дея Зарифат китобларини қўлтиқлаб, чопиб чиқиб кетди.

Гулшод токчадан талқон билан асални олди, онаси дастурхонга қўйди.

— Ея қол, қизим. Доимо сен оч қоладигандек туюлади менга. Сени ўйласам, бир тишлам нарсани ютолмайман. Олдинлари мен талқонни яхши кўрар-дим, сен кетганингдан бери қилишга ҳам қўлим бор-майди. Гапир, яшашинг қалай, касал бўлиб қолма-дингми? Овулдагилар, Қози зиқна одам, деб гапи-ришади. Сени хафа қилишмаяптими?

— Ойи, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солманг. Юсуф-нинг ота-онаси жуда сахий одамлар. Ҳеч ким мени хафа ҳам қилаётгани йўқ. Овқат қилиш пайтида, нима овқатни хоҳлашимни доимо мендан сўрашади. Кўпин-ча ўзим овқат қиламан...

— Турмуш қурдингми, энди ҳеч нарсани орқага қайтариб бўлмайди, тинч-тотув яшанглар. Сен эринг-ни, ота-онасини ҳурмат қил. Ҳалиматга уй ишларида кўмаклаш, унга оғир юмушларни қилдирма. У кек-сайиб қолган аёл. Ёшларни иш чарчатмайди, қайтага соғломроқ бўласан.

— Ойи, Юсуф билан бирга келишга рухсат бе-ринг.

— Майли, энди нима ҳам дердим, келинглар. Фа-

қат у мендан қаттиқ хафа бўлса керак. Мен уни жаҳлим чиқиб турганда койиб берган эдим.

— Қачон уришгандингиз?

— Бундан беш кун олдин у менинг олдимга келган эди. Наҳотки сен бу ҳақда ҳеч нарса билмасанг?

— У менга ҳеч нарса демади. Нима учун келган экан?

— Сен мени соғинаётганингни, ярашиш вақти келганлигини айтди. Мен бўлсам, кўнглимдаги бор гапни унга тўкиб солдим. Уша куни ўчоқбошида хаёл суриб ўтиргандим, кимдир секингина эшикни тақиллатди. Қарасам — Юсуф. Гапларини эшитмасданоқ дарчани ёпиб қўйиб, у кетгандан кейин хўп афсусландим.

«Ушанда Зарифат уйда бўлмагандир,— ўйлади Гулшод,— бўлганда балки буларни яраштириб қўйган бўларди».

Гулшод Юсуфнинг онасиникига келганлигини эшитиб хурсанд бўлди. «У қандай меҳрибон-а, ҳамма нарсани тушунади. Онамни ўйлаб изтироб чекаётганимни кўриб, ота-онасидан қўрқмай бизнинг уйга келибди. Онамнинг ранжитганлиги тўғрисида ҳам бирор оғиз сўз айтгани йўқ». Гулшоднинг ўзи ҳам худди шундай қилган бўларди. Қайнонаси қанча вайсаганда ҳам у ҳеч қачон эрига айтиб, уни ёмонламаган. Ўзи эса хафагарчиликни тез унутарди. Агар майда-чуйда гаплар бўлса, қулоғини беркитиб оларди, каттаси бўлса, ёнидан ўтиб кетарди. Кексаларга муомалани билиш керак. Яқиндагина уйларида шундай воқеа рўй берганди. Гулшод икки кунга етар, деб ўйлаб, хинкалга кўпроқ хамир қорганди. Қайнонаси тўсатдан унинг олдига келиб, хамирдан бир бўлакчани юлиб олди-да, захархандалик билан: «Бизнинг оиламизга мана шуниси ҳам етарли!»— деди. Бошқа бир сафар Гулшод, беихтиёр стаканни синдириб қўйди. Қайнонаси унга бақариб: «Бизнинг рўзғорга меҳнатинг сингмаган, сенга қолса ҳамма нарса оловда ёнса ҳам майли!»— деб узоқ жавради. Куни кеча Гулшод идиш-товоқларни ювиб бўлгач, ювиндини ташқарига тўкиб ташлаганди, қайнонаси яна вайсашга тушди: «Сигирга берса бўладиган ювиндини қайси аҳмоқ кўчага тўкади!»

Гулшод бу воқеаларнинг бирортасида қайнонасини айбламоқчи бўлса, Юсуфнинг сўзларини эсларди: «Пуши, онам билан отам ёмон одамлар эмас, фақат ҳаёт уларни зиқна бўлишга мажбур қилган. Қашшоқ яшаб, ҳар бир тийинни тежашга ўрганиб кетишган.

Энди эски одатларини ташлаш уларга қийин. Аммо улар сени жуда яхши кўришади, сен ҳам яхши бўл!»

Гулшод яна онаси билан озгина гаплашди, идиш-товоқларини ювди, сўнг уйига жўнаб кетди. У зинадан кўтариларкан, қайнонасининг ғазабнок овозини эшитди.

— Эшикни очиқ қолдириб юрасан. Бизнинг буюмларимиз билан сенинг заррача ишинг йўқ. Хоҳлаган одам хоҳлаган нарсасини олиб кетаверсин! Қаерда эдинг?

— Ойимникига бордим. У касал экан.

— Ҳа, ана! Олдин яширинча борардинг, энди эса очиқчасига борадиган бўлибсан!

— Мен нима учун энди ўз онамни яширинча кўришим керак экан?

— Чунки ўзларингни уришгандай қилиб кўрсатсанглар, ҳеч ким онангдан сепни ҳам сўрамайди. Мабо-до бола туғилса, унга сўрғич олиб бериш ҳам керак бўлмайди.

— Менинг онамнинг сандиғида ҳеч нарса йўқ, бўлган ҳам эмас. Агар сиз учун бойлик ҳамма нарсадан азизроқ бўлса, ўғлингизни давлатманд қизга уйлантиришингиз керак эди.

— Бу сенинг ишинг, сеҳру жоду билан ўғлимнинг бошини айлантирдинг.

Гулшод бошқа ҳеч нарса демай, хонасига кириб кетди. Ҳалимат ҳовлига чиқиб, катта белкурак билан томорқадаги чиқиндиларни йиғиштиришга тутинди. Келини пар кўрпада талтайиб ётиб, қари кампир қандай ишлаётганини, майли, ҳамма кўриб қўйсин. Майли, Юсуф ҳам онаси ишлаётган пайтда келиб, хотинининг қандай дангаса эканлигига ишонч ҳосил қилсин.

— Ҳалимат хола, нега мени ҳашарга чақирмадингиз? — сўради болохонадан қараб турган Солиҳат.

— Нима, мен ҳар сафар сендан ёрдам сўраб ўтираманми? Рўзғорда иш кўп бўлса, супуришдан бошқасини билмайсан. Ёнбошлаб ётишга эса менинг вақтим йўқ.

— Қачон керак бўлса айтинг, қарашиб юбораман, — дея Солиҳат кампирнинг қўлидан белкурагини олди.

Ҳалимат ўйлай кетди:

— Шундай қизни ўғлим қўлдан чиқарди. Биз у билан тошқўрғон ичида яшагандай тинч-тотув яшардик. Сени бизлар қандай ранжитдик, сенинг сахий қалбинг эса ҳаммасини кечирди.

— Солиҳат! Ҳой, Солиҳат!— тўсатдан бригадирнинг бақиргани эшитилди.

— Нима дейсан?— бошини кўтармай жавоб берди Солиҳат.

— Бу нима деганинг? Бугун сени қаерга жўнатган эдим?

— Нега яна менга ёпишиб олдинг! Овулда мендан бошқа ҳеч ким йўқми? Хоҳлаган одамнингги юборишинг мумкин!

— Агар бошқа иложим бўлганда сенга ялинмаган бўлардим. Эсингда тут, чопиқ тугагунча унинг тракторида ишлайсан! Далага бор, Ҳамид сени анчадан бери кутиб ўтирибди.

— Сен менга эмас, уйингдаги хотинингга бақир,— қўпол жавоб берди Солиҳат.

— Менинг хотиним тонгдан шомгача бошқалар билан бирга далада. Фақат сенгина тезроқ иш тугашини кутасан.

— Ҳалимат хола, хўп, мен кетдим. Кечқурун қайтганимда яна қарашиб юборарман.

Солиҳат билан Ҳамид битта бригадада ишлашади, аммо улар узоқ вақт бир-бирлари билан гаплашмай юрди. Фақат баъзан Ҳамид унга прицеп билан қандай ишлаш кераклигини тушунтирарди. Солиҳат жимгина унинг айтганини бажарарди. Ишдан кейин худди шундай сукут сақлаб, уйга қайтишарди.

Хадича қизи ҳар куни Ҳамид билан кўришишини эшитиб, Ҳамид Юсуфдан қандай қилиб ўч олмоқчи эканлигини билишга қизиқиб, сабри чидамай бэрарди. Ахири Солиҳатни Ҳамид билан гаплашишга кўндирди.

— Амакимнинг ўғли Гулшодга уйланганига сен мендан хафамисан?— деб сўради у бир куни Ҳамиддан.— Балки шу сабабдан кун бўйи мен билан гаплашмасан. Сен мактабда бунақа индамас эмасдинг.

— Мен Юсуф билан Гулшоддан хафа эмасман, сендан бўлса сираям. Улар менга нима ёмонлик қилишди? Бир-бирларини севиб турмуш қуришибди, майли, бахтли яшашсин.

— Одамлар бўлса Ҳамид келса, бу нарсага чидай олмайди, деб юришувди.

— Солиҳат, мен фисқу фасодчи кампир эмасман, эскилик сарқитларидан аллақачон қутулганман,— деди Ҳамид юзларидаги терни артаркан,— сенга ҳам эскилик сарқитларидан узоқроқ юришни маслаҳат



берардим. Аҳмоқона фикрларни хаёлингдан чиқариб, тинчгина ишла.

Солиҳат уялганидан дами ичига тушиб кетди.

Энди Солиҳат ишга келганида Ҳамид унга бошқача кўз билан қарайдиган бўлди.

— Колхозда комсомоллар қандай ишлашаётганини кўрдим,— деди у кўзларини қизга қадаб. Бу қараш Солиҳатга жиркангандек туюлди.

Солиҳат ўзини ноқулай ҳис қилди.

— Комсомоллар, эҳтимол, яхши ишлашгандир,— секингина жавоб берди қиз.

— Сен-чи, комсомол эмасмисан?

— Худо сақласин! Бу иш менга асло тўғри келмайди.

— Шундай ҳам кўриниб турибди,— дея Ҳамид трактор рулига ўтирди.

\* \* \*

Эрта тонгда Юсуф боққа бориб, янги ўтқазилган ниҳолларнинг қандай авж олаётганини кузатди. У Гулшодни ҳам ўзи билан бирга олиб келмоқчи эди, ammo уни ширин уйқудан уйғотишга кўзи қиймади. Иш пайтида эса худди унинг назарида ҳозир Гулшод боққа кириб, бирорта дарахтнинг панасида Юсуфни кузатиб тургандай туюлди. Гулшод келмади. У Юсуфни уйда кўзлари чақнаб кутиб олди.

— Мен-чи, оймникига бордим!

— Қалай, ҳайдаб юбормадимми?

— Йўқ. Биз ярашдик.

— Нега боққа бориб гапириб бермадинг?

— Ҳозиргина сенинг олдинга бормоқчи бўлиб турувдим.

— Рост гапиряпсанми? Кўзларингдан ниманидир тушуна олмаяпман.

— Кўзларим, сени жуда соғинганини айтяпти-да! Овқат ейсанми?

— Йўқ, қорним тўқ, мен дарҳол бориб, партвзносни тўлашим керак.

Юсуф стул суянчиғидаги пиджагининг чўнтакларини кавлаб, ниманидир қидира бошлади.

— Уни қаерга қўйган эканман? Кулранг костюмимни олиб бер-чи...

— Нимани қидиряпсан?

— Партбилетни. Мана бу чўнтагимда турганди.

— Демак, ўша ерда турган бўлиши керак.

— Бу ерда йўқ.

— Кеча мен костюмингни тозаланимда чўнтагингдан тушиб кетувди, мен яна жойига солиб қўйган эдим. Сен бирор нарсани дарров тополмасанг, жаҳлинг чиқади. Қани, мен ўзим қарай-чи.

Гулшод чўнтақларни қараб чиқди.

Қизиқ! Ҳақиқатан ҳам йўқ. Қаерда бўлиши мумкин?

— Ким айтди сенга костюмингни тозалагин деб?!— Юсуф дарғазаб бўлиб, ёзув столи тортмаларини, китобларнинг орасини тита бошлади.

— Мен ахир олдин ҳам сени нарсаларингни тозалардим-ку! Яхши эсимда, ердан олиб чўнтагинга солиб қўйгандим, ёнимда Солиҳат ҳам бор эди.

— Кечадан буён костюмингни қўлимга ҳам олганим йўқ. Агар чўнтагимга солиб қўйган бўлсанг, қаерга кетади?

— Нима деб ўйлаяпсан? Мен сени алдаяпманми?

— Тушунтиришнинг ҳожати йўқ, менга партбилетни топиб бер.

Қидирув бошланди. Гулшод ҳамма нарсани титиб, ҳар бир тугуннинг ичини очиб кўрди, ҳамма китоб, дафтарларни бирма-бир варақлаб чиқди. Билет ҳеч қаерда йўқ эди.

Авзойи бузилган Юсуф овқат ҳам емай, гапирмай, деворга юзини ўгириб ётиб олди.

— Юсуф, ҳеч бўлмаса озгина овқат еб олгин,— Гулшод уни овутарди.— Партбилетинг топилади.

— Сен биласанми ўзи, нима бўлганини? Ўзим айбдор, нега уйда қолдирдим. Доимо ёнимда олиб юришим керак эди.

— Бу хонага ҳеч ким киргани йўқ. Йўқолиши мумкин эмас,— такрорлади Гулшод.

— Унда қани? Ахир биз ҳамма жойни қараб чиқдик-ку!

— Мен уни ўз қўлим билан чўнтагинга солганимни яхши эслайман. Нимагаям шу костюмни тозалардим-а?

— Тўғри, тозалашнинг асло кераги йўқ эди.

Улар тонггача киприк қоқишмади. Юсуф тез-тез хўрсинарди.

«Билет қаерда бўлиши мумкин? Нимага ёнимда олиб юрмадим? — дея ўзини-ўзи койирди. — Уни йўқолганини қандай тушунтираман?!»

Гулшод тун билан бир неча марта ўрнидан туриб, қарамаган жойларни эслаб, қаради. Уша кунги қилган ишларини бирма-бир кўз олдига келтирди. Мана, у айвонда костюм тозалаяпти. Солиҳат кириб келди. Гулшод костюмни тозалаб бўлгач, чўткани ерга қўйиб, костюмни қоқди. Чўнтагидан нимадир ерга тушди. Эгилиб уни слди, қараса, партбилет. Уни яна чўнтакка солиб қўйди.

— Худо кўрсатмасин, йўқолиб қолса, жуда ёмон бўлади. Эсимда, Нуцалай комсомол билетини йўқотиб қўйганда уни комсомолдан ўчиришларига сал қолувди. Қаттиқ ҳайфсан беришган. Партия билети йўқолса, балки ундан баттарроқ бўлар.

Кейин Гулшод костюмни олдинги жойга илиб қўйди. У уйдан ҳеч қаерга чиққани йўқ, кейинги кун эса касал онасини кўргани борди.

«Шундай қилиб, билет қаерда бўлиши мумкин?» — Гулшод ўзини гуноҳкордек сезарди.

Эрталаб Юсуф ўрнидан туриб, индамай ишга отланди. Гулшод унинг йўлини тўсди.

— Юсуф, нима учун мени қийнайсан? Ахир партбилетингни мен йўқотганим йўқ-ку.

— Сени айблаётганим йўқ. Лекин мен парткомга бориб, билетим йўқолганини айтишим шарт.

— Ҳеч бўлмаса, мен учун чой ичиб ол.

— Қайтиб келганимда овқатланаман.

Юсуф ишда узоқ қолиб кетди. Гулшод ҳам ишга чиқди. Бригадирнинг кеча нега келмадинг, деган саволига касал эдим, деб жавоб берди. Сўнгра ишга берилиб кетганиданми, дугоналарининг ҳазил-мутойибаларигами, бир оз оғир хаёллардан чалғигандай бўлди.

Боғдаги дарахтлар нимпушти либосга бурканганди. Қушлар жўшиб, ташвишсиз куйлашарди. Фируза осмон беғубор эди... Ирмоқлар, гўё сакраб юрган қўзи-чоқдек тоғдан жилдираб, шошилиб пастга чопарди. Узоқ айрилиқдан сўнг болаларини топган онаизор сингари, дарё жилгаларни ўз бағрига оларди. Навбахорнинг иссиқ, ёқимли бахтиёр кунлари келди. Замин ва дарахтлар одамларни ўзига мафтун этарди.

Даладан тракторнинг тириллаши, одамларнинг

гўнғир-гўнғир гаплари, кўзичоқнинг маъраши, болаларнинг йиғиси ҳамда кулгиси эшитиларди.

Ҳаёт мавж уриб жўшарди.

Агар ер юзида мангу баҳор бўлганида эди, қалбларда ҳам мангу шодлик бўлган бўларди! Гулшод, бошингни кўтариб, атрофга боқ! Қара, қандай ажойиб кун! Ахир, кейин чорлаб чақирсанг ҳам бундай кун қайтиб келмайди. Шамол қанчалик кучли эсса ҳам апрелда баҳорни ҳайдаб, қуёшни сўндирилмайди. Уксинма, Гулшод. Агар ҳаёт йўлингда қийинчиликларга дуч келсанг курашиб, бахтингни ҳимоя қил!

Гулшод уйга кеч қайтди. У Юсуфни тезроқ кўргиси келиб, сабри чидамасди. Гулшод ўзини овутишга қанчалик уринмасин, барибир қалбига ташвиш соя солганди. Гулшод эшикни тарақлатиб очганди, ўчоқнинг олдида чилим чекиб ўтирган Қозини кўрди.

— Юсуф келмадими?

— Келди, кейин яна қаергадир чиқиб кетди. Чарчадингми?

— Бир озгина. Ота, биз бугун яхши ишладик. Ойим қаерда?

— Хадичаникига саримсоқ пиёзга чиқиб кетувди... Хинкал қозонда. Нега у ерда ўралашиб қолди? Овқатни суза қол, қизим.

— Ҳозир, ота.

Гулшод човлини олаётганди, шу пайт Ҳалимат кириб келди.

— Эй, худованди карим! Бу қандай гап! Уйда нималар бўлаётганини мен ҳаммадан кейин эшитсам?! Ёки мен сизларга она эмасманми?

— Нима гап? — қизиқсиниб сўради Қози.

— Вой, менинг ўғлимни қамоққа олишмоқчи эмиш! Уни муҳим ҳужжатлари йўқолибди!..

— Қандай ҳужжатлар? — таажжубланган Қози сапчиб тушди.

— Мен қаердан билай? Агар болаларимиз биздан сир тутмаганларида, билган бўлардим. Ҳужжатлари йўқолганини бир биздан сир тутишганига куйиб ўлайми? Биз иккаламиздан бошқа бутун овулдагилар билади. Эл олдида уят. «Юсуфнинг ҳужжатлари топилмадими? — деб ҳар бир учраган одам мендан сўрайди. Мен бўлсам, аҳмоққа ўхшаб, буни улардан эшитиб ўтирибман.

— Ойи, Юсуфни партбилети йўқолди. Ҳозирча райкомдагилар бу ҳақда билишмайди. Бошқалар

эшитмаслиги керак. Шунинг учун у сизларга ҳам айтмаганди.

— Вой худойим-эй, у онасига эмас, бу хабарни бир соат ичида бутун овулга ёядиган одамга ишонибди-да...

Гулшод бошқа ҳеч нарса демай, ўз хонасига кириб кетди. У Юсуфнинг келганини ҳам, олдин онаси, кейин отаси унга уқтирган панд-насиҳатларини ҳам эшитмади.

— Э, худо, мени эртароқ ажал олсин!— Юсуф эшикдан кириши билан Ҳалимат ҳўнграб юборди.— Мен кимман ўзи? Гулшодга айтиш мумкин бўлган нарсалар, менга айтилмаса? Ўғлим, сен ота-онангдан яшириб, тилини тишлаб тура олмайдиган одамларга сирингни айтибсан.

— Нимани, ойи?— ажабланиб сўради Юсуф.

— Нимани бўларди?! Ҳар бир учраган одам, Юсуфнинг ҳужжати топилмадими?— деб мендан сўрайди. Мен бўлсам, нима деб жавоб беришни ҳам билмайман. Хўп, яхши, мени сариқ чақага олмас экансан, отанг билан ҳам ишинг йўқми? Ахир унинг олдига ҳамма қўни-қўшни маслаҳат сўраб чиқади-ку!

— Энди унга ота нимага керак? Отасига қабр учун жой излаш қолди, холос,— деди Қози мўйловини ямлаб.

— Ота, партбилетим йўқолди, аммо ҳозирча, бу ҳақда партком секретарига ҳам айтганим йўқ. Йўқотганлигим ҳақида ҳеч нима айтолмайман, бунга ҳаққим йўқ.

— Вой худо, эшитдингизми, отаси?— жавради Ҳалимат.— Унда Кавсарат билан Зарифат бу нарсаларни қаердан билади?

— Бас қилинг, ойи, шундоқ ҳам сиқилиб турибман.

— Яхши, яхши, бас қиламан,— ниҳоят бир оз юмшади Ҳалимат.— Хадичанинг айтишига қараганда, сенинг ҳужжатларинг йўқолган куни Солиҳат сизларни уйингизнинг олдидан ўтиб кетаётган экан, деразаларингнинг олдида икки киши турганини кўрибди. Уларни Ҳамид билан Зарифатга ўхшатибди.

«Ҳамид?!— ўйлади Юсуф.— Унга нима керак экан? Наҳотки Ҳамид, Гулшод билан ораларидаги бўлиб ўтган воқеага парвосиздек кўринса-да, қўйнида тош асраб юрган бўлса? Зарифатнинг бунга нима алоқаси бор?»

Юсуф ухлагани кетди. У хона эшигини очганида, Гулшод стулга бошини қўйиб, етимчадай ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди, Юсуф?— сўради унга пешвоз чиқиб.

— Ҳеч нарса, ўрин сол.

Гулшод кўз ёшларини зўрға тийди. Юсуфга яқинлашганида ундан ароқ ҳиди келаётганини сезди.

— Қаерда эдинг, Юсуф?

— Ухлайдиган пайт бўлди, эртага барвақт туриш керак,— эри Гулшоднинг саволларига жавоб беришни истамай, унинг сўзини бўлди.

Гулшод чироқни ўчирди. Аммо ухлай олмади. Юсуфни уйғотиб юбормаслик учун секингина ўрнидан турди. Елкасига шолрўмолини ташлаб, очиқ деразанинг олдига келиб ўтирди.

Тун ярмидан ошган эди. Қоронғи тундаги юлдузлар унга шўхчан кўз қиса бошлади. Майин сабо боғдан булбул навосини олиб келарди, дарахтларнинг барги ёқимли шитирларди. Дарё тўлқинларининг уйқусираб қирғоққа урилгани ҳамда узоқ қоялардан ҳар замон-ҳар замонда бойўғлининг қичқиргани эшитиларди. Гулшоднинг қалби ташвишдан ҳаприқарди. У негадир отасининг ўлимидан тўрт кун олдин томорқаларида бойқуш сайрагани ҳақида онаси айтган гапларни эслади.

Гулшод бошини дераза рафига қўйганча ухлаб қолди. Аммо кундузги ташвишлар туш бўлиб, унинг хаёлини бўлиб юборди... Мана, улар Юсуф билан қўл ушлашиб, боғдаги йўлакдан чошиб кетишмоқда. «Кел, дарахтимизни кўриб келамиз!» Улар мақсад сари интилишарди. Аммо Гулшод дарахтга етиб келиб бақира бошлади. Дарахт танасига чирмашиб олган семиз қора илон оғзини катта очиб, узун тилини чиқариб унга ташланмоқчи бўлиб турарди... Қорайиб кетган дарахт шохларида бирорта ҳам япроқ кўринмасди. Гулшодни кўриши билан илон аччиқланиб вишиллади.

— Юсуф, Юсуф!— Гулшод даҳшат ичра бақирар, совуқ терга тушиб кетганди. У уйғониб кетди.

Қуёш аллақачон кўтарилган... Атроф нурафшон...

— Сенга нима бўлди?— Юсуф сапчиб туриб, Гулшодни кўтариб олди.

— Билмайман, билмайман, босинқирадим.

— Нимадан қўрқдинг?

— Билмайман.

Ҳамид оилада тўртинчи фарзанд эди, унгача эса учта қиз туғилганди. Ота-онаси ўғлига бутун қалб қўрини бағишлаганди. Мазалироқ нарса — унга, энг яхши ўйинчоқ — унга. Узлуксиз қўлдан-қўлга, онасидан-отасига, отасидан-опаларининг қўлига ўтарди. Аммо четдан қараган одам боланинг шунча ардоқлаш билан ҳам нимжон бўлиб ўсаётганини кўриб ачинарди. Унинг юзлари рангпар, оёқлари ингичка бўлиб, кечалари ёмон ухларди. Тўрт ёшлигидан уни отаси ўзи билан бирга яйловга олиб чиққанди, у дарров ўзгарди. Шамолдан юзлари қорайиб, қуёш нурларида тобланган, кучли таомлар еб, яхши ўсаётган бошқа тоғлиқ болаларга ўхшади-қолди. Ҳамид қўйларни яхши кўрарди. Кунларнинг бирида у эндигина туғилиб, қалтираб турган қўзичоқни кўрди. Ҳамид уни ушламоқчи бўлганди, қўзичоқ қўлидан сирғаниб чиқиб кетди. Ҳамид уни кўтарганди, аммо қўзичоқ бу сафар ерга тушиб кетди. Отаси чопиб келганида қўзичоқ жон берганди. Бола узок йиғлади. Улимига ўзи сабаб бўлган бу кичкина жонзот Ҳамиднинг ёдида бир умрга сақланиб қолди.

Йиллар ўтган сайин бола отасининг ёрдамчиси бўла борди, уй ишларига ва томорқанинг ишларига кўмаклашадиган бўлди. Энди ойна қўйиш ёки шифтдаги тўсинни алмаштириш керак бўлса, уста қақирининг ҳожати йўқ эди. Томорқанинг ҳаммасини ўзи чопарди, Ҳамид ҳар қандай ишни жон-дили билан бажарарди. У ҳатто қўшни кампирга ёрдам беришга ҳам вақт топарди... Қишда ўзиникидан олдинроқ унинг томидаги қорни курарди.

Ҳамид мана шундай ўсди.

У мактабни тугатганида машина ҳайдовчи бўлмоқчилигини айтди ва колхоз шофёри Ботирга шогирд тушди.

У қизларга унчалик эътибор бермасди. Ота-онасининг сўзи билан овулдаги энг чиройли қиз — Гулшод унга унаштирилганлиги ҳақидагина ўйларди. «Мана буни сенинг қайлигингга олдик», «Мана буни Гулшод сенга турмушга чиққанида кияди. Уни кўрдингми?» — «Кўрдим», — қизариб жавоб берарди Ҳамид. У қанчалик улғайса, Гулшод унинг қалбига шунчалик чуқур ўрнашиб борарди.

Ҳамид армияга борадиган пайт келди. У ерда ўртоқлари севган қизларига хат ёзаётганини кўриб, у

ҳам Гулшодни эслади ва унга хат ёзишга аҳд қилди. Гулшод уни севиш-севмаслиги хаёлига ҳам келмасди. Гулшод унга унаштирилган, демак уни севиши керак, деб ҳисобларди. Шундай қилиб, у ўртоқларига кўрсатиш учун Гулшоддан сурат юборишини сўради, аммо ундан жавоб келмади. Шунда Ҳамид Гулшод уни севмаслигини тушунди. Агар севганида албатта жавоб йўллаган бўларди.

Ҳамид унга бошқа хат ёзмади. У йигит бошлаши лозим бўлган биринчи қадамни қўйди, қолгани Гулшодга ҳавола.

Ҳамид хизмати тугаши арафасида бир мактуб олди. Аммо бу хат Гулшоддан эмасди. Хат имзосиз эди. Номаълум кимса томонидан «Хизматдан қайтаётганингда аравача олиб келишни унутма, қолганларини сен учун Юсуф бажаради», — деб ёзилганди.

Бу сатрларни Ҳамид осонгина ўқигани йўқ, албатта. Бу хатни бирортаси, қайлиғига тухмат қилиб ёзган бўлса керак, деб ўйлаб, уни турли бўҳтонлардан ҳимоя қилишга уринди. Ҳамид ҳатто бир неча кунга уйга бориб келишга рухсат олишга ҳам уриниб кўрди, аммо рухсат беришмади. Кейин у уйга хат ёзиб, Гулшод ҳақида хабар беришларини сўради. «Мени суюкли ўғлимни дилини ранжитмоқчи бўлганларга лаънатлар бўлсин, — деб ўйлади Ҳамиднинг онаси ўғлидан келган хатни ўқиркан. — Уғлимга ифлос хат йўллаган кимсанинг икки кўзи оқиб тушсин». У Ҳамидга, «овулда яхши қизлар кўп. Гулшод эса севган кишисига турмушга чиқди», деб жавоб ёзди.

«Гулшод мени севмас экан, кимга турмушга чиққани мен учун аҳамиятсиз, — ўйлади Ҳамид, — ўз эркига қарши яшайдиган хотин эса менга керак эмас».

Ҳамид хизматдан қайтгач, унга амакисининг ўғли, амакиси унинг учун улардан ўч олишга шай эканликларини айтишди. Аммо Ҳамид Гулшод унга — сингил, Юсуф эса — акасидай эканлигини, уларнинг бу иши ўзига нисбатан ҳеч қандай ҳақорат эмаслигини айтди. Отаси унинг фикрига қўшилди, сўнг энди овулдаги энг яхши қизлар Ҳамидга турмушга чиқишни орзу қилди, деб ҳазиллашди.

Кавсаратнинг олдига ҳам Ҳамид биринчи бўлиб келди. У Гулшодни турмушга чиққанлигидан хафа бўлмаса ҳам Ҳамидни кўргач, қизи шундай содда, оқкўнгил, меҳнаткаш йигитни Юсуфга алмаштирганга афсусланди. Аммо шу ондаёқ: «Юсуф билан Гулшод



бир-бирларини севиб, ўз бахтларини топишди. Агар менга турмушга чиқишга тўғри келганида эди, мен албатта Ҳамидни танлаган бўлардим. У яхши одам. Мана, ҳозир ҳам у худди ҳеч нарса бўлмагандек мен билан сўрашди. Унга теккан қиз бахтли бўлади. Худо унга ҳам бахт берсин»,— деб ўйлади.

\* \* \*

Ҳамид билан бирга прицепда ишлашга Солиҳатни беришди. У Солиҳатни қанчалик яқиндан билгани сари, ёшгина қизда нима учун эскилик сарқитлари бунчалик кўплигига ажабланарди. Солиҳатнинг ҳеч нарсага қизиқмаслиги, ҳатто китоб ҳам ўқимаслиги кўриниб турарди. У билан нима ҳақида гаплашма, у ҳеч нарсани билмасди, билишни ҳам хоҳламасди. У жуда зерикарли яшар, ҳаётини ўзгартириши мумкин эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Унинг дўстлари ҳам йўқ. Онаси уни ёнига ҳеч кимни йўлатмайди. Қизини «олтиним», деб атаб, худди товуқ жўжасини қанотлари остига яширгандай асарди. Қизи эса ҳеч кимга керак-сиз, зерикарли одам бўлиб улғаярди. Ҳозирги замонавий йигитларга шунақа қизлар ёқармиди?

Ҳамид бир қадар Солиҳатга ачинарди ҳам. Шунинг учун ҳам Ҳамид у билан суҳбатлашгиси, унга шаҳар ҳаёти ҳақида, ўзи учратган ҳар хил одамлар тўғрисида гапириб бергиси келарди.

Бошида унга Солиҳат ўзи кўрмаган нарсалар ҳақида қизиқмаётгандек, унинг сўзларини эшитгиси келмаётгандек туюлди. Ҳақиқатан ҳам қиз олдинлари, «Бу гапираётган нарсаларингдан менга нима фойда?»—деб ўйларди. Аммо ўзи ҳам сезмаган ҳолда, Ҳамид бошлаган янги ҳаётга секин-аста кириб борарди.

Кунларнинг бирида у Солиҳатга:

— Бугун ишни барвақтроқ тугатамиз,— деди.

— Нега, чарчадингми?

— Гап менинг чарчаганимда эмас.

— Мен ҳам чарчаганим йўқ, нима учун эрта тугатамиз?

— Клубга бориш учун қизлар қанча вақт сарфлашларини биламан...

— Бу ерда клубнинг нима алоқаси бор?

— Бугун клубда ёшлар кечаси бўлишини билмайсанми?

— Мен ҳеч қандай кечаларга бормаيمان, шошилаётган бўлсанг кетишинг мумкин.

— Нима учун сен кечага бормаيسان?

— Бу одобли қизларга тўғри келмайди.

— Бундан чиқди, овулда биттагина одобли қиз сен экансан-да,— кулди Ҳамид.

Солиҳат нима деярини билмай қизариб кетди.

— Кечаси уйда нима иш қиласан? Балки кўп ўқирсан?

— Фақат иши йўқлар ўқийди. Бир кечада қанча жун йигирса бўлади!

— Сенга бундан нима наф? Нима, сен ҳам кампирлар қаторига қўшилиб қолдингми? Сен ҳақиқий ҳаётни кўрмаяпсан, жун калаваси сени худди ўргимчакдай ўраб олибди. Бугун клубга келсанг, дугоналаринг қандай яйрашаётганини кўрасан.

— Агар клубга бораётганимни онам билиб қолса ўлдиради.

— Сен унга йиғилишга бораман, дегин. Кимга қанча иш ҳақи берилишининг ҳисоботи бўлади, деб айт.

Ҳаммани ҳайрон қолдириб, Солиҳат ҳам клубга келди. Ҳаваскорлар тўғараги «Бир фермада» номли пьесани намойиш қилишди. Ҳамид яқинда армиядан келган йигит ролини ўйнади. Унинг севгилиси, ёш сут соғувчи қиз ролида — Нуцалай... Ҳамид саҳнада унга севги изҳор этаётганида Солиҳатнинг юраги сиқилиб кетди.

«Мана, улар бу ерда нима билан шуғулланишар экан,— ўйлади у,— бутун эл олдида бир-бирига севги изҳор қилишяпти-я?»

Кейин концерт бошланди. Қизлар саҳнада қадимги бичиқдаги узун оппоқ кўйлақларда сққушлар сингари хиром этишди.

Солиҳат олдинги қаторда ўтирган Юсуф билан Гулшодни кўрди. Ўз кийимларини кийиб олган Ҳамид билан Нуцалай ҳам залга келиб ўтиришди.

«Мен бу ерда ортиқчаман», ўйлади Солиҳат ва концерт тугашини ҳам кутмай уйига жўнаб қолди. Уша оқшом у узоқ вақт ухлай олмади. Гоҳ спектаклдаги манзаралар, гоҳ томоша залидаги жуфт-жуфт бўлиб ўтирган йигит-қизлар унинг кўз олдида намоён бўларди. Гоҳ унга севишган сут соғувчи қиз билан солдатнинг нафис пичирлашлари эшитилгандай бўларди. Солиҳатга ҳеч ким, ҳеч қачон шундай сўзларни гапирмаганди. Улар бир-бирларига қандай меҳр билан терми-

лишди! Ҳаётда асло бундай бўлмайди. Тоғлиқ қизлар севиб эмас, ота-онасининг ихтиёри билан турмушга чиқишади. Ҳаёли қиз ота-онасининг измига қарши чиқмайди. Масалан, мана Гулшод. Севганига турмушга чиқиб нима бўлди? Ҳатто туққан онаси ҳам у билан гаплашмайди. Йўқ. Солиҳат асло бундай тентаклик қилмайди. У ҳеч вақт дунёдаги ҳаммадан азиз онасидан юз ўгирмайди. Агар Гулшод халал бермаганида онаси айтгандек Юсуфга турмушга чиққан бўларди. Унинг ўзи ҳам Юсуфдан бошқа одам ҳақида ўйламаган. Унга Юсуф вафосизлик қилди. Қандай қилиб Солиҳатни шу кўйга солди? Онаси ҳар доим, биз улардан қасос олишимиз керак, шундай қилиш керакки, улар ҳаловат билмасинлар, деб айтади. Бу билан Солиҳатга яхшироқ бўлиб қолмайди, албатта...

Кейинги кун Солиҳат далага келганида Ҳамид ундан сўради:

— Қалай, Солиҳат, клубдагилар сенга ёқдимиз?

— Томошалар жуда яхши бўлди, лекин...— дея у индамай қолди.

— Нима «лекин»?

— Ўша ердагидан эшитдим, Нуцалай билан орангларда севги...

— Солиҳат, ҳозир биз тайёрлаётган пьесада гийбатчи роли бор, бу жуда сенбоп.

— Гийбатчилик билан шуғулланишдан бошқа иши йўқ, деб ўйлайсанми?— жавоб берди Солиҳат.

— Шундайга ўхшайди.— Ҳамид трактор рулига ўтирди. Улар кун бўйи бошқа гаплашишмади. Солиҳат Ҳамиддан хафа бўлди, яна ўзи айтган гапидан ўзи уялди. «Нима учун унга мана шу аҳмоқона гапларни айтдим?— деб ўзини-ўзи койиди Солиҳат. Қаерданам клубга бордим? Энди номим гийбатчига чиқади. Ҳамид Нуцалайга айтади, унинг онаси бизникига уришгани келади».

Ҳамид ҳам қовоғини солиб олди.

«Худди қовоғаридек у ердан чақади, бу ердан чақади, ўзи бўлса мамнун. Фақат ишлашга халал беради, холос».

Орадан ўн кунча вақт ўтгач, Ҳамид яна ишни эрга-роқ тугатишлари кераклигини айтиб қолди.

— Бугун байрам. Экадиганимизни экиб бўлдик. Ҳамма клубга боради.

— Концерт ҳам бўладими?— дарҳол қизиқиб сўради Солиҳат.

— Бўлганда қандоқ! Янги спектакль ҳам кўрсатамиз.

— Нима ҳақида?

Ҳамид пьесанинг мазмунини айта бошлади-ю, аммо энг қизиқ жойига келганда жим бўлиб қолди.

— Кейин-чи, уёғи нима бўлади?— тоқатсизланиб сўради Солиҳат.

— Қолганини клубга келсанг билиб оласан.

— Балки онам мени клубга юбормас. Айтиб бера қолсанг бир жойинг камайиб қоладими?

— Нима сен кичкина боламисан, «онам юбормайди», дейсан.

Солиҳат уйи томон юрар экан, қандай найранг ишлатиб, онасидан жавоб олиш тўғрисида ўйлаб борди. Онаси бўлса унинг ишдан эртароқ келганини кўриб, қувониб кетди.

— Ишдан эртароқ қайтганинг жуда яхши бўлди-да, қизим. Палос учун ип йигиришимиз керак эди.

— Ойи, нимагадир бошим оғриб турибди, шу ишни эртага қолдирайлик.

— Вой, ўлмасам, «эртага» деган сўздан ёмони йўқ. Айтишларича, эрта-эрта, деб қурбақа думсиз қолган экан. Қолган ишга қор ёғар, дейдилар. Қани овқатланиб олгин-да, ишга кириш, қизим.

— Жуда чарчадим. Қўлларим сирқираб кетяпти. Кун бўйи трактор орқасидан юрганам етмагандай, яна уйдаям ишлашим керак.

— Эксанг, отангни томорқасига эмас, колхознинг ерига эккансан! Қўлларингни қавартирмасдан ишлагин эди-да. Мана бу латифани эшитганмисан? Бир одам қўшнисидан эшагини кўлга олиб бориб келишни илтимос қилибди. Қўшниси эшакни кўл бўйига олиб бориб яна орқасига қайтибди. «Бордингларми?»— «Бордик»,— деб жавоб берибди қўшниси. Эшакнинг оғзи лоақал сувга тегмагани билан унинг иши ҳам бўлмабди. Кўрдингми, қизим. Нима, сенга ҳаммадан кўпроқ керакми? Бунча жоғингни жабборга бериб ишламанг?

— Бир одам ёнимда тер тўкиб ишласа-ю, мен қўл қовуштириб ўтирайми?

— Йўлини билиш керак-да, қўл қовуштириб ҳам ўтирмаслик керак. Номига ишлаб келсанг бўлди-да. Мана Фотиматни қара, ип йигиришни биз билан бир-

га бошлаганди, ҳозир бўлса палоснинг ярмини тўқиб қўйди.

Солиҳат онаси билан айтишиб ўтирмай ҳовлига чиқди. Қўшнилариининг очиқ деразасидан Юсуфнинг овози эшитилди.

— Аввал шойи рўмолингни, устидан осетинча рўмолингни ўраб ол.

— Майли, сен истаганингча бўла қолсин, аслида мен сариқ кўйлак кийиб, қора рўмолимни ўрамоқчи эдим.

— Гуши, мен сенга бир нарса олиб бермоқчиман.

— Нима экан, Юсуф?

— Тилла соат.

— Нимага шу пайтгача олиб бермадинг ёки ёқтирмайди, деб ўйладингми?

— Йўқ, гап бундамас.

— Бўлмаса нимада?

— Бир нарсани ният қилувдим. Соатни ўғил туққанингда олиб бермоқчидим.

Электр нури ёруғида деворга тушиб турган иккита соя бир-бирига яқинлашди-да, овозлар тинди. Солиҳат бунга кўриб, тескари қараб олди. У уйга кираётиб бир зум кўзгуга назар ташлади. Кўзгуда унинг эскириб, ранги ўчиб кетган кўйлаги акс этди. У «сандиқда қанча-қанча бахмал-шойилар тахланиб ётибди дея ўйлади.— Овулдаги қизлар ҳар куни ишдан қайтгач, ясаиб клубга боришади. Нима, менинг улардан кам жойим борми? Ҳамид ёмон эмассан, дейди-ку! Нега унда Юсуф мени севмайди? Ҳатто Ҳамид ҳам бошқани хоҳлайди? Нега уни ҳеч ким севмайди? Ҳа, агар Юсуф клубга Гулшод билан эмас, у билан борганида албатта қандай рангдаги кўйлакни кийишни айтган бўларди». Қизнинг кўксини яна аччиқ адоват ўртаб кетди.

— Қаерда эдинг, қизим?— сўради Хадича.

— Ташқарига чиқувдим. Нима, сиз мени кўчага ҳам чиқмасдан қоронғи уйда кўмилиб ўтиришимни хоҳлайсизми?

— Нега унақа дейсан, қизим, кел, яхшиси гиламга ип йигирамиз.

— Менга сизнинг гиламларингиз нимага керак! Шипга етказиб тахлаб қўйиш учунми? Ёки турган жойида титилиб кетиши учунми? Ҳанузгача мен уларнинг бирор фойдасини билганим йўқ.

— Қизим, сенга нима бўлди? Мен сени таниёлмай қолдим. Гилам ёки палос ҳар куни керак бўлмайди, ле-

кин шундай бир кун келадики, уларни эл олдига чиқариб кўрсатишга тўғри келади. Сен хафа бўлма, қизим. Сув ўзига ўзи йўл очади. Бир кун келиб сенинг ҳам бахтинг очилиб қолар. Ҳамманинг ҳам ўзига яраша қайғуси бор. Мана кўрмайсанми қўшниларимизни, Қози билан Ҳалимат неvara кўришни орзу қилади, Юсуф ўғилли бўлишни хоҳлайди. Эшитишимча, Гулшод туғмас эмиш.

— Мен бориб ухлайман,— деди қовоғини солиб Солиҳат ва хонадан чиқиб кетди.

\* \* \*

Ёмғир тўрт кун тиним билмай майдалаб ёғди. Тарновлардан оқиб тушган сув оқими кўча бўйлаб, дарёга ошиқарди.

— Эй, худойим, тошқин бўлмаса гўрга эди,— деганча Ҳалимат айвонга чиқди.

— Тагин ҳам сизларникидан чакка ўтмаяпти, бизникида оёқ босишга қуруқ жой қолмади. Ҳамма идиш-товоқларни токчага териб чиқдик,— Қозининг уйи ёнидан ўтиб кетаётган Умалхайри шикоят қилди.

— Ё парвардигор, бу ёмғир тинадиганга ўхшамайди. Ёмғир жума ёғса, шанба тинади, шанба ёғса, қачон тинади, деб одамлар тўғри айтишаркан.

— Ревзашат бугун мўрига бит боғламоқчи эди. Балки боғлагандир ҳам, боғлаган бўлса ёмғир тиниб қолиши керак. Тезроқ тина қолса, яхши бўларди. Атрофимда сув қанча кўп бўлса, мени шунча ваҳима босади.

— Нималар деясан. У битни қаердан ҳам оларди. Ҳозир дўхтирлар битни қўймайди. Битни Қоҳибдан топса бўлар, аммо мўрини қаердан олади? Ҳар қандай мўри бўлавермайди, мачитнинг мўриси бўлиши керак.

— Битни клубнинг мўрисига боғласа бўлмайдами? Аҳир у эски мачитнинг ўрнига қурилган-ку... Агар ёмғир шунақа қуяверса, доннинг ярми далада қолиб кетади. Мен турган жойимда ич-ичимгача ивиб кетдим. Серёмғир ёз куздан баттар.

— Ота-боболаримиз, майдалаб ёққан ёмғир аҳмоқларни ёқтиради, деб айтишган.

— Тўғри гап, мен ҳам нима қилиб ёмғирда ивиб турибман аҳмоққа ўхшаб. Ақлли бўлганимда шунча вақт ёмғирнинг тагида турармидим? — Умалхайри кетишга шайланиб турганида бирдан орқасига ўгирилиб сўради: — Гулшодинг туғмоқчи эмасми?

— Уйланишдан олдин ўғлимнинг ҳам, бизнинг

ҳам хаёлимиз болада эди, оиламиз кўпайишиб қолар, деб ўйловдик... Энди бўлса... — Ҳалимат қўл силтади.

— Ҳали уларнинг ўзи бола. Майли, сабр қилишсин! Қаерга шошилади?

— Гулшод худонинг ғазабидан қўрқмай, биринчи боласини олдирибди. Тўғриси, бу гапни уни ўзидан эшитганим йўқ. Ўзи бунақа бўлмаган, деб онт ичяпти. Лекин шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди. Мени ҳеч ким бола олдирган, деб гапирмайди-ку, ахир.

— Ғийбатчиларнинг гапига ишонма, Ҳалимат. Сенинг келининг нақш олмадай.

— Эшитсанг-эшитмасанг, гапирсанг-гапирмасанг, барибир бизнинг набирамиз йўқ, — Ҳалимат охириги сўзларни сидириб ташламоқчи бўлгандай, лабларини дастрўмолига артди.

— Сен ўзинг ҳам дарров туғмагансан-ку, Ҳалимат. Уларни бирга яшаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Уларнинг устидан ҳукм чиқаришга шошилма. — Умалхайри шундай деди-да, хайрлашиб йўлига равона бўлди.

Кейинги вақтларда Ҳалимат келинини жинидан баттар ёқтирмай қўйганди. Гулшоднинг ёнини олгани учун эридан ҳам жаҳли чиқарди. У Гулшоднинг ҳаракатларини рашқ билан кузатиб борарди. Очиғини айтганда, энди у келинининг туғишини хоҳламасди ҳам, агар келини туғса, уни айбситишга баҳона ҳам қолмас эди. Ҳалиматни келинига нисбатан бўлган бу адоватини Солиҳат билан Хадича иложи борича қўллаб-қувватлашар эди.

Вақт эса ўтиб борарди. Гулшод кундан-кунга кўркамлашиб, ҳусни очилиб борарди. Кўча-кўйда бир кўрган одамлар: «Гўзал», деб унинг ортидан термилиб қолишарди.

Гулшод қўлида бола кўтарган дугоналарини тез-тез учратиб турарди. Улар эса ҳар сафар кўришганда бундай деб сўрашарди:

— Гулшод, сен нега орқада қоляпсан?

— Биз ўзимиз ҳали боламиз!

Аслида эса ҳазиллашадиган аҳволда эмасди. У доим кўз олдига Юсуф билан бирга ўғлини қўлидан етаклаб кўчадан кетишаётганларини келтирарди.

Гулшоднинг тасавурида ўғли Юсуфга жудаям ўхшарди. Агар бурни Гулшодникига ўхшаса, яхши бўларди, албатта. Чунки Юсуфнинг бурни узун... Оҳ, худо-йим, бурни Юсуфникига ўхшаса ҳам майли, бурун ҳа-

ли ҳеч кимга зиён етказмаган. Барибир унинг ўгли яхши бўлади. У ўглини исмини Комил қўяди. У ўглига отасининг исмини қўймаса, кимнинг исмини қўярди? Юсуф ҳам айтган: «Комил Юсупович! Чиройли жангларга...»

Улар энди эри билан ўгли ҳақида жуда кўп гаплашадиган бўлишди. Махачқалъага борганлиги ҳақидаги бўҳтонлар унинг қулосига ҳам етиб келди. Юсуф буни нотўғри эканлигини билади. Аммо қайнонасини қандай қилиб ишонтирса бўлади? Фақатгина қайнонаси эмас, ҳатто туққан онаси ҳам бу ифлос гапларга ишонган. Бир куни онаси унга шундай деди:

— Яқин одамнинг ҳақидаги ёмон гапларни ҳаммадан кейин биласан. Махачқалъага нима учун борганингни мен бугун эшитдим. Энди бу ҳақда гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Аммо сенга айтадиганим шуки, бошинг олтиндан бўлса ҳам ўз болангни ўзинг нобуд қилсанг, сен ёмон аёлсан. Катта одамми, кичикми — қандай фарқи бор? Олдин уйни пойдевори ётқизилади, сўнгра девор урилади, бола ҳам аввал туғилади, кейин эса улгайиб катта одам бўлади. Ешлигида яхши боқмасанг, катта бўлиши қийин.

— Ойижон, сиз ҳам бу тухмат гапга ишонасизми?

— Биламан, болани олдириб ташла, деб Юсуф айтган, аммо сен нима учун уни гапига кириб қотиллик қилдинг?

— Ойи, бу ифво. Мен имтиҳон топшириш учун борганман.

— Чиндан айтяпсанми?

— Ойи, мен сиздан ҳеч нарсани яширмайман. Юсуфнинг ўзи бола бўлишини менадан олдин истарди-ю қандай қилиб мени мажбурлайди? — йиғлади Гулшод.

Унга қараб, Кавсаратнинг ҳам кўзларига ёш келди.

— Бўҳтон гапларга ишонмайман, деб неча марта ўзимга танбеҳ берганман! Мана, яна сени бекорга хафа қилдим. Бўҳтон экан-ку, қўй, йиғлама, қизим.

— Ойи, одамлар мени тинч қўйишмаётганига йиғлаяпман, ҳаммаси ниш урсам дейди... Овулдан кўчиб кетишим керакми? — Гулшод чуқур хўрсинди.

— Одамлар кўтарган шов-шув шундайлигича қолади. Аммо сен ўзингга эҳтиёт бўл, устингдан гапиришларига йўл қўйма. Шунин билгинки, агар ёмон иш қилсанг, ҳаммадан кўра кўпроқ онангга гап теккizasан. Эрингни уйдагиларга меҳр-оқибатли бўлишга ҳаракат қил. Қўшнилари, эрга тегишга тегди-ю, кейин қандай



яшаш кераклигини ҳеч ким ўргатмаган шекилли, дейишмасин. Бундай гапларни қайси она эшитгиси келди? Уйга қайтиб келишингдан бошқа ҳаммасига чидайман.

— Ойи, тирик эканмиз, бизни Юсуф билан ҳеч ким, ҳеч қачон ажрата олмайди. Биз бир-биримизсиз бирор соат ҳам тура олмаймиз.

Она қизининг гапларидан Юсуф бола истаётганини сезди, бу уни ташвишга солди.

Юсуф эса ҳақиқатан ҳам болаларни жуда яхши кўрарди. Боласиз уй унга нохуш туюларди. Юсуфнинг оғайниси ўғлини бешик тўйи зиёфатига таклиф қилди. У ерда Юсуф озгина ичди ва уйга келгач, дарров ухлаб қолди. Эрталаб уйғонганда ҳазиллашиб хотинидан сўради:

— Гулшод, биз ўғлимизнинг бешик тўйини қачон ўтказамиз?

— Вақти келиб, бизнинг ҳам ўғлимиз бўлар,— жавоб берди Гулшод,— турмуш қурганимизга ҳали уч йил ҳам бўлгани йўқ. Ойим ҳамма аёллар турмушга чиққан заҳоти туғавермайди, деб айтди.

— Мен сенга таъна қиляпманми? Шунчаки гапирдим, холос. Биламан одамлар гап қилишяпти, сен уларнинг гапига қулоқ солма. Одамларнинг нима иши бор. Бола туғилса — бизники, туғилмаса — қайғуси ҳам ўзимизники. Мана, Хабзат беш йилдан буён бола кўрмай юрганди. Яқинда болали бўлди. Бизнинг ҳам боламиз туғилади, шундайми?

— Ҳа, кеч бўлди, туриш керак,— деди Гулшод.

— Наҳотки, ҳеч бўлмаса, ёмғир ёққан куни бемалол ухлаш мумкин бўлмаса?

— Ноқулай, бирортаси келиб қолса, нима деб ўйлайди?— Гулшод ўрнидан турди.

— Гуши, сен хоҳлаганингни қил, мен ухлайман.

— Йўқ, сен турасан!

Гулшод чўмичда совуқ сув олиб келди.

— Бир, икки-уч... Агар еттигача ўрнингдан турманг бошингдан қуяман!

— Шошмай тур ҳали!— Юсуф сапчиб туриб, чўмичга ёпишди. Гулшод қаттиқ кулганича, айвонга чопиб чиқди. Айвонда Ҳалимат ўтирарди. У ғараз билан келинига қаради.

— Ойи, нима қиляпсиз?— мулойимгина сўради келини.

— Нимаям қилардим? Аҳмоққа ўхшаб, ашула ай-

тиб жун йигириб ўтирибман, бунинг учун менга ким раҳмат айтади, билмайман. Менга ўхшаганлар ҳақида: умрини бекор ўтказибди, деб қариялар тўғри айтади. Буларнинг ҳаммасини кимга қиляпман, худо билади!

— Сиз қилаётган иш албатта ҳеч кимга керак эмас. Хоҳламасангиз, қилманг.— Гулшод келин бўлиб келганидан бери биринчи марта қайнонасига қўпол жавоб берди.

— Агар мен ишламасам, нима билан яшаймиз?

— Бизнинг ишлаб топганимиз етади, сичқонга ёки куяга едириш учун сандиққа босмаймиз.

— Нима бўлди? Нимага жанжаллашяпсизлар?— йўл-йўлакай кўйлагини кияётиб сўради Юсуф.

— Сенинг хонзоданга бир гап айтиб бўладими, тили нақ қалампирдай ачитиб, гапи олмосдай кесиб ўтади. «Бизга сизларнинг ҳеч нарсангиз керак эмас», дейди. Албатта, энди керак эмас-да. Бизникига кўрпатўшаксиз келганида керак бўлганди.

— Ойи, бу гапларнинг нима кераги бор?

— Ҳа-а, тушунарли, менинг гапларим кераксиз, кўпларга ёқмайди. Ҳойнаҳой Кавсарат қизига парнинг ўрнига ҳар бирининг пахтаси кафтдек келадиган иккита кўрпа, ёстиқ, битта тўшак юбориб қизимга мол қилдим, деб ўйлаб юрибди шекилли.

— Менинг онам камбағал аёл, паркўрпа йиғишга унда ҳеч вақо бўлмаган, болаларини бир ўзи ишлаб боққан.

— Гулшод, бас қил,— Юсуф уни тўхтатишга уринди.

— Қачонгача жим бўламан, менинг юрагим ҳам бошқа одамларникидай оддий, бу гапларнинг ҳаммасига бардош беролмайди.

Шу пайт айвонда қўлида кичкина бола кўтарган Солиҳат пайдо бўлди.

— Ҳеч қачон ёзда шунча ёмғир ёққанини кўрган-мисизлар?— деди у.

— Ҳа, худо сувни қизганмайди,— босиқлик билан жавоб қилди Гулшод.

— Сизларнинг шифтингиздан чакка ўтмаяптими, Ҳалимат хола?

— Бир ой ёмғир қуйса ҳам бизнинг шифтдан чакка ўтмайди.

— Унда яхши. Биз бўлсак ҳар йили, баҳорда ҳам, кузда ҳам томни суваймиз, ҳаммаси фойдасиз, ёмғир бошланса бас, шифт шундоқ ивийди.

— Сизлар, балки, тупроқни узоқ қўрғондан олиб келсанглар керак-да. У ердаги ер нима-ю, пахта нима, бутун намни ўзига тортади. Биз тупроқни яқинроқдан оламиз, сира сув ўтказмайди,— дея Ҳалимат меҳмонга кўрпача солди.

Солиҳат болани қўлидан қўймай ўтирди.

— Бу Саиднинг ўғлими?— сўради Юсуф.

— Ҳа, эрталаб бирпасга қараб туринглар, деб олиб келишувди, ҳалигача олиб кетишмаяпти.

— Қани, болакай, менга кел,— қақирди Юсуф.

— Қандай яхши бола!— жилмайди Гулшод.

— Яхшими, яхшимасми, аммо қуйиб қўйгандек отасининг ўзи. Болани ота-онасига шунчалик ўхшашлигини мен сира кўрмагандим. Бора қол амакинга,— Солиҳат болани Юсуфга узатди.

— Қани, шер йигит, бизга ўғил бўласанми? Агар ўғил бўлсанг сенга каттакон копток ва от олиб бераман.

— Менга кела қол, мен сенга велосипед олиб бераман,— суйиб деди Гулшод.

— Йўқ!— дея жавоб берди бола ва иккала қўли билан Юсуфни бўйнидан қучоқлади.

— Сени отам, деб ўйлади шекилли,— деди Солиҳат.

Ҳалимат оғир хўрсинди.

— Буни қаранг-а, Саид Юсуфдан икки ёш кичик. ўғли бўлса, шундай катта бўлиб қолибди! Хотини яна ҳомиладор. Фарзандни қандай бойликка тенглаштириб бўлади?

— Акам ёки опам бўлишини ҳар қандай бойликдан афзал, деб билардим. Дунёда инсонга яқин одамидан қимматлироқ нарса йўқ,— деди Юсуфга қиё боқиб Солиҳат.

— Мен сизларга бир нарсани айтиб бермоқчиман,— деди Ҳалимат.— Кунлардан бирида хон бир камбағал билан тортишиб қолибди. Мен сендан йигирма марта бойроқман,— дебди камбағал. Хон унинг устидан кулибди.

— Бекорга куляпсан,— дебди камбағал.— Кел, сенинг ҳам, менинг ҳам бойлигимизни халққа кўрсатамиз, одамлар қайси биримиз бойроқ эканлигимизни айтишсин.

Хон ўзининг олтин, кумушларини, отардаги мол-қўйларининг ҳаммасини майдонга тўплабди. Қараса, камбағал қўлларини силкитиб, уни олдига яқинлаш-япти.

«Қани, сенинг бойлигинг?» — деб сўрабди хон.

«Ана! — тепалик томонни кўрсатибди камбағал. У ерда етти навқирон йигит, парвозга шай бургутлардек етти отнинг устида ўтирган экан. — Хон, мана менинг бойлигим, сенинг бутун бойлигингни кичик ўғлимни жимжилоғига ҳам алиштирмайман. Сенинг бойлигингдан нима наф, сен ўлгач, ким сени шаҳаншоҳ эканлигингни эслайди? Сени ким ёдга олади? Ҳеч ким!»

Камбағал ҳақ эканлигини ҳамма ўшанда тушунибди. Мана шунақа, болаларим, — дея ҳикоясини тугатди Ҳалимат.

— Бор, Гулшод, болага конфет олиб кел, — деди Юсуф.

Кимга — қандай, аммо Юсуф онаси учун бойлик аҳамиятлироқ эканлигини яхши биларди. Ўргимчак қандай уй тўқиса, у ҳам худди шундай, мол-мулк йиғади. Гулшодни фақат камбағаллиги учунгина ёқтирмайди. Онаси, бола-бола дейди-ю, лекин бойликни афзал кўради.

Юсуф Гулшоднинг қайнонаси айтган ҳикояни эшитиб, хаёли паришон бўлганини кўриб, унга раҳми келди.

Гулшод қайтиб келиб, қўлидаги конфетларни болага узатди:

— Ола қол, жажжи бола, — болакай конфетларни олгач, ундан сўради: — Холангни ҳам яхши кўрасанми?

— Нарса берса, ким яхши кўрмайди? — лабини қимтиб зўрма-зўраки кулди Солиҳат.

— Солиҳат! Ҳо, Солиҳат! — Холисатнинг овози эшитилди, бир оздан кейин айвонда унинг ўзи пайдо бўлди. — Ўғлим йиғламаяптими? Бегоналардан чўчийди, менга жуда ўрганиб қолган, балки совуқ егандир, кўйлагиям юпқагина эди.

— Ўғлингнинг уйга боргиси келмаяпти, — деди Юсуф, — сизларникида қоламан, деб айтяпти.

— Эркакларни-ку, яхши кўради. Отаси уйда бўлса, унинг олдидан бир қадам ҳам жилмайди. Солиҳатга қандай келганига ҳайрон бўляпман. Бувисиникида қолдириб, сувга кетувдим, келсам ўғлим йўқ. Солиҳат болани сизларникига олиб кетди, деб айтишди. Мана мен ҳам орқасидан югуриб келдим.

— Уйга борасанми? — сўради Юсуф.

— Ойимга бораман, — ҳиқиллади бола.

— Кела қол, кела қол,— деди довдираб қолган Солиҳат.

Нима учун Солиҳат буларникига бола олиб келганини Юсуф тушунди. «Солиҳат бунча ёвуз, муғамбир бўлмаса! Менинг Гулшодим ҳеч қачон шундай қилмаган бўларди. У ҳалиям тушунгани йўқ Солиҳатнинг ҳийласини».

— Гуши, юр, онангни кўриб келамиз,— деди у.

— Майли!— қувониб кетди Гулшод.— Ойи, юринг биз билан. Нима қиласиз бир ўзингиз уйда ўтириб?

— Ўзинглар бораверинглар, меҳмонга юришга вақтим йўқ,— деди-да, Ҳалимат урчуқ йигиришга тутинди.

\* \* \*

Кечқурун Гулшод дарс тайёрлашга ўтирди, Юсуф эса ота-онаси ўтирган хонага ўтди. Ҳалимат ўчоқнинг олдида ўтириб ип йигирар, тез-тез ипни тили билан ҳўлларди. Қози чориқ тикарди. Юсуф Қозининг ёнига ўтирди.

— Ота, мен сиз билан гаплашмоқчиман.

— Гапир, ўғлим.

— Ойим билан Гулшод ўзаро келишмай қолишди. Бу аҳволда қандай бўларкин?

— Ўғлим, сен хотинни ўзинг учун олганмисан ёки онанг учунми?

Бу гапларни эшитиб турган Ҳалимат қўлидаги ипни ташлаб, сайрай кетди:

— Ё олло, бутун оламини қидириб, мендан яхшироқ қайнонани топиб кўр-чи! Нега мен сизларга яхши бўлмай қолдим. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида ҳозир қайғудан куйиб ўлган бўларди.

— Ҳа, сенинг яхшилигинг қуриб кетсин,— Қози чоригини бир четга қўйди.

— Шошилманг, ойи, қизишмай менга қулоқ солинг,— сўз бошлади Юсуф.— Мен Гулшодни бир умрга севдим, унга уйландим. Гулшод сизни ҳурмат қилади, сўзларингизга қулоқ солади. Сиз бўлсангиз ҳар кунни уни ранжитасиз. Ҳар гапингизда кесатиб, чақиб оласиз. Сепсизлигини таъна қиласиз... Ота, айтинг, менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилардингиз? Буёғига бундай яшаш мумкин эмас. Гулшоднинг на отаси, на акаси бор, агар мен ҳам уни хафа қилсам, шу инсофдан бўладими?

— Нима учун уни хафа қиласан?.. Мени хафа

қил,— Ҳалимат дастрўмолининг учи билан кўз ёшларини артди.

— Жим бўл, хотин,— деди Қози,— кўзёш тўкишга сенда асос йўқ. Мен сенга неча маротаба келинни сиқишни бас қил, деб айтдим. Ўғлимиз севган аёлни биз ҳам севишимиз керак. Наҳотки, сен бошида Гулшоддан хурсанд эканлигингни унутган бўлсанг? Энди нима жин урди?

— Ота, мен сизнинг олдингизга жанжаллашгани келмадим. Келинг, энди нима қилиш кераклигини тинчгина ҳал қилайлик. Онам уни яхши кўрмаса. Ахир мен хотиним билан қандай яшайман?

Қози қошини чимирди.

— Ё олло, яна нима ўйлаб топдинг! Эркак киши хотинни фақат уч ҳолатда ташлайди: агар хотини ўғрилик қилса, алдаса, хиёнат қилса, буни Гулшодга билдирма. Сен уни севасан— демак гап тамом.

— Балки сизлардан бошқа бўлиб, чиқиб кетсак, деб ўйлайман, сизларни ҳам, ўзимизни ҳам тинчимизни бузиб нима қиламиз?

— Ҳа, мана, гап қаёқда!— дея ҳайқирди Ҳалимат.— Гижжак нима деб чалганини энди тушундим! Сизларнинг ўрнингизда бўлганимда мен, ҳатто ота-онам яшайдиган овулда ҳам турмаган бўлардим.

Қози ўрнидан қўзғалди.

— Юсуф, токи мен тирик эканман, ўғлим ҳам, келиним ҳам уйимни ташлаб кетишларига йўл қўймайман. Ҳувиллаб қолсин, деб бу уйни қурганим йўқ.

— Юсуф, Гулшодни нима учун қойишимни ўзим ҳам билмайман. Мени Гулшоддан нолийдиган жойим йўқ, аммо неварали бўлишни жуда хоҳлайман,— Ҳалимат бир оз юмшади.

— Бизнинг ҳаммамиз ҳам шуни хоҳлаймиз, лекин қўлимиздан нима ҳам келарди. Турмуш қурганимизга юз йил бўлгани йўқ, яқинда уй қилдик.

— Сенинг тенгқурларинг боласи билан юрганини кўрсам, юрагим эзилиб кетади. Болалар бувисини чақираётганини эшитсам, ич-этим ағдар-тўнтар бўлгандай туюлади. Наҳот — тиззамга неварамни ўтказиш насиб қилмай ўлиб кетаман, деб ўйлайман! Аммо жаҳлинг чиқса, бу ҳақда бошқа гапирмайман. Майли, агар мен ўлсам қабримга тупроқ тортадиган одам ҳам йўқ, деб юравераман.

— Сабр қил, Ҳалимат,— аралашди Қози,— ўғлимизни ҳам аяш керак. Худо берса, бизнинг уйдан ҳам

чақалоқ ингаси эшитилади. Юсуф, биласан, ўғлим, мен сенинг уйланишингга қарши эдим. Аммо ҳозир бизнинг чиқиша олмаётганимизни одамлар билишини истамайман. Агар онанг бирор нарсани нотўғри гапирса ҳам эътибор қилманглар, қариганда одам шунақа бўлади. Бир-бирларинг билан доим аҳил яшанглар, кўрганлар ҳавас қилсин. Агар хоҳласанглар, овқатни ўзинглар тайёрланглар. Аммо уйни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Яхши, ота. Майли, сиз айтганча бўлсин. Агар Гулшоддан ёмонлик ўтса, менга айтинглар. Лекин илтимос қиламан, бўлган-бўлмаган иғволарга ишонманглар, бу яхшиликка олиб келмайди,— Юсуф хонадан чиқиб кетди.

«Қандай одам ўзи отам?— ўйларди у.— Баъзан у менга бутунлай бегонадек туюлади. Бойиб кетиш истаги уни ҳаётдан бутунлай четга чиқариб қўйган. Унинг бутун қувончи фақат бойлик. Аммо мол-мулк унга нима учун керак? Эски латталарга ўраб сандиққа яшириб қўйган пуллари унга нима қилиб бераркин? Ўзи ёмон одам эмас. У ҳам баъзан Гулшоддан онаси сеп бермагани учун нолийди, шу нарса уни келинига қарши қўяди. Мана, бугун эса бизнинг ёнимизни олди. Бошқа одамлар билан ўзини тенг кўради. Агар биров унга тегмаса, у бировга тегмайди. Меҳмондорчиликка ҳам кам юради. У фақат тўй ва маъракаларгагина боради. Ота, умрингда бирон марта яхши кийим киймадинг, дўстлик нималигини билмадинг, фақат сандиқдангина ҳақиқат қидирдинг. Йўқ, мен бундай яшамайман. Уй — бу ҳали ҳаммаси эмас. Яна менинг овулим бор! Районим! Доғистоним! Менинг Ватаним! Ҳатто бутун олам меники! Сени-чи, ота, ниманг бор? Ўчоқ ва кулбангдан бошқа нимани кўрдинг? Ҳаёт у ўйлагандай маъносиз эмаслигини қандай тушунтириш керак? Буни олдин тушунмаганида, энди қариганида тушунамикан?»

Онаси-чи? Юсуф онаси уни қўлига олиб, эркалаб, алла айтганини эслади:

Куч-қувватга тўлган ўғлоним,  
Кишнаб турган отига минди.  
Ҳеч ким билан видолашмай, жим,  
Ўқ ёйидай кетди олисга.  
Тезоқар сой йўлини тўсганда,  
Даст кўтариб уммонга отди.  
Оти ҳориб-чарчаб қолганда,  
Тўлқин билан сағрига урди.

Онасининг қўллари уни катта тоғорада чўмилтирарди. Мактабга борадиган бўлганида эса онаси болохонада туриб, ўғлининг изидан ташвишланиб қараб қоларди. У ўғлининг сумкасига гоҳ конфет, гоҳ тухум, гоҳ чақмоқ қанд солиб қўярди. Бирорта қизнинг эғнида чиройли кўйлак кўриб қолса: «Юсуфнинг хотинига ҳам мана шунақа кўйлак олишим керак», дерди.

Юсуф бугун албатта қизишиб кетганидан уйдан кетаман, деб айтиб юборди. Кексайган чоғларида қандай қилиб улардан юз ўгириш мумкин. Бундай ғам-қайғу улар учун ўлим-ку! Энди Гулшод билан гаплашиб олиш керак. У қайнонасининг вайсашларини кўнглига олмаслиги лозим. Гулшод билан тил топиши унчалик қийин эмас.

Гулшод масала ечиш билан банд бўлиб, Юсуфнинг келганини пайқамасди. Юсуф унга ҳавас билан термилди.

Унда ҳали қанчалар маъсум болалик бор. Тўзғиган сочлари стол устига осилиб турар, зўр бериб ўйлаганидан пешонасини тер қоплаган эди. Масалани ечиш унга осон бўлмаётганди. Юсуф эса буни бир зумда ечиши мумкин эди. Лекин, майли, ўзи ишласин, кейингилари ҳали бундан ҳам қийинроқ бўлади.

— Шошилма, Гулшод, яхшилаб ўйла, химия сенинг дугонанг эмас шекилли.

— Дугонам эмасди, аммо бўлади.

— Демак, сизларни ажратиб турган деворни бузиш учун белкурак билан кетмон керак эмас экан-да?

— Агар керак бўлиб қолса, сени чақираман.— Гулшод жаҳл билан перони сиёҳдонга ботирди, сиёҳ томчилари унинг юзи билан бурнига сачради. Аммо у ҳеч нарса пайқамасди. Юсуфнинг хахолаб юборишига сал қолди.

— Тушунаман, жоним, олдинроқ келиб, ёрдам бермаганимга жаҳлинг чиқяпти.

— Ўйлаганим ҳам йўқ.

— Оҳ, менинг сарвинозим! Қани, мени кўзимга қара-чи!

— Нима, мен сенинг кўзингни кўрмаганманми?

— Қани, қарай қол!

— Мана!— Унинг катта-катта чақноқ кўзлари порлоқ қуёш янглиғ хонани ёритиб юборди.

— Энди мени қучоқла.

— Оҳ, Юсуф, сен жаҳлим чиққанига ҳам қўймайсан,— Гулшод унинг пинжигга тиқилди.



Эрталаб Юсуф кўчат олиб келиш учун Хасавюртга кетди. Ёш олма дарахтлари бу йил биринчи нишона берди. Ҳосил унчалик кўп эмасди, аммо бу болалар учун ҳақиқий байрамга айланди. Катталар ҳам болалардан қолишмасди. Энди кўпчилик уйлари олдига мевали дарахт экишга аҳд қилишди. Колхоз правлениеси кўчатзор учун ер ажратиб берди.

Ёш ниҳоллар қандай ривожланаётганини кузатиш Гулшодга катта қувонч бағишларди. Мана, дарахт шохларини кўм-кўк барглар қопламоқда, кейин куртаклар ҳосил бўлади, сўнгра куртаклар барг ёзиб, гуллар базми бошланади. Она боласига қанчалик қайғурса, Гулшод ҳам боғига шунчалик қайғуради. Агар тўсатдан шамол турса, дарахт гуллари тўкилмасайди, дея ташвишланарди, осмонда қора булут пайдо бўлса, дўл ёғиб қолмасайди, деб қўрқарди. Ваҳорда эса дарахтларни совуқ уриб кетишидан хавотирланарди, авваллари қандай қилиб боғсиз яшаганига ҳайрон бўларди.

Боғдаги гуллар! Сен Гулшодгагина эмас, ҳаммага кераксан. Кўм-кўк майсаларга, нафис гулларга бурканиб, гуллаб-яшнайвер, эй, серҳашам боғ! Майли, сенинг шохларинг ҳосилдан эгилиб, ерга таъзим қилиб турсин. Бирор кимса, сенга қарамай, ёнингдан бепарво ўтиб кетолмасин. Ҳар бир гўдак сени меваларингга интилиб, қўл чўзсин. Одамлар бахтига гуллаб, мевалар тугавер, эй боғ!

## 8

Овулнинг бир чеккасидаги бепоён дала ўртасида чархлайдиган мосламаси билан Қози турибди. Аёллар кети узилмай унинг олдига келиб, чалғи ва ўроқларини узатишмоқда. Қози чалғиларни чархлаб, эгаларига қайтарар экан, ҳар бирига ҳазил қиларди:

— Мана, шундай ўткирладимки, фақат пичаннигина эмас, хўжайиннинг соқолини ҳам олса бўлади.

— Сенинг ҳам соқолингни олса бўладими?— кулиб гапирди Умалхайри.

— Менинг соқолимга бундай ўткир устара керак эмас. Ўзингнинг бошингда синаб кўра қол.

— Бошимдаги сочим-ку, рўмолга ўралган, ҳеч кимга халал бераётгани йўқ, мана бу ҳурпайган соқолинг эса ҳар томонга диккайиб, ҳаммаёққа ёйилиб ётибди. Шунақа тасқарани Ҳалимат қандай қилиб уйга киритар экан? Унга раҳм қилиб, соқолингни олиб ташлаш керак.

— Хўп, фақатгина Ҳалиматнинг кўнгли учун бўлса, майли! Аммо-лекин сени хушомад қилаётганингни кўрса борми, балога қоласан. У мени ҳар бир қиздан рашк қилади.

— Қизларни-ку, иши осон. Ёшлигимда мен ҳам ундан қўрқардим, энди бўлса ҳаммани олдида тан олиб айтаман: сени деб озиб кетяпман, қоқсуякка айланиб қолмасам гўрга эди.— Умалхайри шундай хахолаб кулганидан каттакон қорни силкиниб кетди.

— Ҳа, қанчалик озганинг кўриниб турибди,— дея Солиҳат унинг семиз билакларини кафти билан сийпа-лади.

— Қизлар, бу, иситмалаб алаҳламаяптими?— деб қўшимча қилди Кавсарат ва Умалхайрини биқинини чимчилади.

— Менга қара, Қози,— нозланиб деди Умалхайри,— мени оласанми ёки йўқми? Сени бошқа кутиб ўтиролмайман. Менинг харидорларим кўп. Узоқ ўйлаб, кейин афсусланиб қолма.

— Кечқурун Ҳалиматдан сўрайман. Агар ўғил уйлантириб, камбағаллашиб қолмаган бўлса, майли, қалин тайёрласин.

— Эшитдингларми, қизлар, мана мен яна келин бўламан!— Умалхайри жўрттага уялгандек юзини шолрўмол билан беркитди.

— Қара, Қози, қайлиғинг қизчалардай одобли, сен ҳам унга нисбатан камсуқумроқ бўл.

Қувноқ кулги кўтарилди.

— Қози амаки, менинг ўроғимни чархлаб беринг,— илтимос қилди Солиҳат.

— Э, буни чархлаб ҳам бўлмайди-ку. Аллақачон ишдан чиққан бу ўроқ.

— Шу билан ишлашга одатланганман, янгисини олиб келишга уйга бориб келишим керак. Чархлаб бера қолинг, бир кунга амалласа бўлар.

— Солиҳат, меникини ола қол,— дея Нуцалай унга катта ўроқни узатди.— Ҳар эҳтимолга кўра, доимо иккита ўроқ олиб юраман.

— Бировни чалғиси билан ишлашим амримаҳол,— совуққина жавоб берди Солиҳат.

— Баҳорда у тракторда ишлади, энди бўлса, чалғи оғирдай туюляпти,— унга ҳазил қилди Умалхайри.

— Умалхайри хола, нега менинг устимдан куласиз, мен сиз ўйлагандай ишёқмаслардан эмасман. Ишдан юз ўгиргунча, қўлларимни кесиб ташлайман,— жавоб қилди Солиҳат.

— Бунақа қилиш ярамайди, болагинам, қўлларинг сенга керак бўлади,— мулойим гапирди Умалхайри.

— Бўлди, аёллар, ғажишганингиз етар. Чалғилар тайёр,— бригадани шоширди Симисхат.— Кетдик. Бир минут бўш қолсангиз бас, бировнинг устидан кула бошлайсиз. Қозини қўйиб, энди Солиҳатга ўтдингларми? Эҳтиёт бўлинглар, яна юлишиб қолманглар.

— Ҳа, Солиҳат ўзини ҳақоратлатиб қўймайди. Бу қизнинг тиши ўткир.

— Умалхайри, Қосимнинг қизи ҳазилга тушумаслигини билмайсанми? У подадан адашган ёввойи эчкидай, одамлардан ўзини олиб қочгани қочган.

— У бекорга одамлардан чўчийди. Кампирларга ўхшаб, рўмолга ўралиб олиб, доим одамларга хўмрайиб қарайди,— Умалхайри энди ғазаб билан жавоб берди.

— Бўлди, етарли. Қанча кавлаган билан ер тугамайди, қанча гапирса, гапнинг охири бўлмайди. Юринглар, худо ёр бўлсин,— Симисхат чалғисини елкага ташлаб, йўлга тушди. Бошқа аёллар ҳам унинг кетидан юрдилар. Солиҳат ҳаммадан орқада борарди.

«Нима учун улар мени ёмон кўришади?— ўйларди у.— Мен ҳақимда нима деб айтишди: «Қосимнинг қизи ҳазилни тушунмайди... Подадан адашган ёввойи эчки». Тўғри, мана ҳозир ҳам, подадан ажралган ёввойи эчкидай битта ўзим кетяпман. Мен ҳеч кимга яқинлашмайман, менга ҳам ҳеч ким яқинлашмайди».

Солиҳат, Нуцалайнинг кулгисини эшитиб, кўзларида ёш қалқиди. У кеча кечқурун даладан қайтаётиб, қабристон ёнида Ҳамид билан Нуцалайни учратганини эслади. Ҳамид албатта буни пайқади, аммо Нуцалай билан шунчалик банд эдики, унга кўз қирини ҳам ташламади. «Ҳа, албатта мен ёввойи эчкиман. Ҳамма мени ёмон кўради. Мана, аёллар ўзаро ҳазиллашяпти, мен билан эса ҳеч ким чин кўнгилдан гаплашмайди ҳам. Овулда энг яхши қизсан, деб онам уқтиради, унда нимага мени ҳеч ким яхши кўрмайди?»

Шундай хаёлларга фарқ бўлган Солиҳат пичан ўрилаётган майдонга етиб келганини сезмай қолди. Аёллар овқат солинган тугунларини катта тош устига қўйишди. Солиҳат ҳам нонушта тугилган қизил рўмол ва бутилкадаги сувини уларнинг нарсалари ёнига қўйди.

— Сенга нима бўлди бугун?— сўради Умалхайри.— Овқатингни бизнинг нарсаларни ёнига қўйдингми? Бирор нарсамиз юқиб қолишидан қўрқмайсанми?

— Сен жим бўл,— Симисхат уни биқинига туртди ва секингина деди:— Солиҳат ҳамма билан бирга бўлишни хоҳлабдим, уни итармаслик керак.

— Бу колхознинг участкаси, қаерга хоҳласам, ўша ерга қўяман овқатимни,— тўнғиллади Солиҳат Умалхайрига хўмрайиб қараб.

Аёллар ишга киришиб кетишди. Чалғилар бир текис ҳаракат қилар, қуруқ майсаларнинг шириллагани эшитиларди.

— Қара, у бугун бошқалар билан ёнма-ён ишлаяпти,— Нуцалай Симисхатнинг қулоғига пичирлади.

— Майли, ишқилиб охири бахайр бўлсин,— у кулди.— Урган билан эшакни от қилиб бўлмайди, балчиқда ювингани билан чўчқа тоза бўлмайди.

Солиҳат ҳатто дугоналаридан ўзиб кета бошлади. Унинг қўллари чаққон ҳаракат қиларди. Бугун умум-участкада яхши ишлаганимни онам билса, аламидан юраги ёрилиб кетади. «Ўзингга участка ажратиб олиб, бир чеккада бўлак ишла, овқатни ҳам бир чеккада егин,— қизига уқтирарди у.— Бировнинг овқати яхши, бировники ёмон. Овулда энг чиройли, энг бой бўлганинг учун ҳам сени кўришолмайди. Аламларидан заҳарлаб қўйишлари ҳам мумкин».

Онаси уни яна тежамкор бўлишга ўргатади: «Бойлигини шамолга совурадиган хотинни эри яхши кўрмайди. Рўзгорни ҳисоб-китобини билмаганликдан нечта хотин эридан ажралган».

Битта ривоятни у бир эмас, бир неча мартаба қизига айтиб берган.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, ёш эру хотин ва қайнона бўлган экан. Эри пул топиб келиш учун кетибди. Қайнона билан келин бошқа-бошқа хонада яшай бошлашибди. Уларни биттадан сигири бор экан. Орадан бир йил ўтгач, эр қайтиб келибди. Хотини таом тайёрлабди, аммо қайнонага ёқмабди.

«Ҳолва қилиб кел», дебди қайнона.

«Ёғ йўқ», жавоб қилибди келин. Шунда қайнона чиқиб кетиб, бир оздан кейин қўлида майда тошга тўла баркаш олиб қайтиб кирибди.

«Мана, қизим,— дебди у,— мен ҳар сафар ёғ чиқарганимда, бир юмалоқдан олиб қўйгандим. Бу ерда

қарийб юз юмалоққа яқин ёғ бор. Агар сен ҳам ҳар сафар озгина ёгдан нафсингни тийганинда ҳозиргача ёгинг етган ва эрингни муносиб кутиб олган бўлардинг».

Онасининг бу гапларини эшитган эр, ундан бир умрга барака топмайман, деб ўйлаб, хотинини ҳайдаб юборибди.

— Мана, кўрдингми қайнона билан яшаш қандай бўлади. У сени ёмонлигингни ўглидан сира яширмайди. Яхшисини албатта яширади. Қайнона—туққан онанг эмас. Сен мен билан доимо бирга бўлмайсан. Рўзғор тебратишни билиш керак. Сен далада ишлаётганлардан нимани ҳам ўрганардинг. Улардан узоқроқ юр.

— Қизлар, ҳой қизлар! Қаранглар! Асаларининг ини! Келинлар асал ейшга!— бақирди Нуцалай.

Ҳамма у томонга ташланди. Солиҳат ўзини эшитмаганга солди.

— Буёққа чиқариб ол, Симисхат,— дея инни кўрсатди Нуцалай.

— Нима деяпсан! Оловдан қўрққандай аридан қўрқаман! Гингиллаганини эшитсам, бир том нарига қочаман!

— Эй, сен қўрқоқ! Мана қараб тур, мен ҳозир уларнинг масаласини ҳал қиламан.— Умалхайри ари инни томонга дадил юрди. Инга яқинлашгач, қорни билан ерга ётиб ариларни пуфлади, кейин инни ўроққа санчиб чиқариб олди.

— Вой-бў, бир пуддан кам эмас!— хурсанд бўлиб ҳайқирди Сакинат.

— Қизлар, ариларга қолдирмай, асалнинг ҳаммасини олсак, яхши бўлмас!— иккиланди Нуцалай.

— Агар қолдирсак ҳам барибир болалар эртага топиб олиб, еб қўйишади. Яна асал йиғишади, ариларга гуллар ҳам етарли. Енглар, қизлар,— Умалхайри инни бўлаклаб, ҳаммага улашди.

— Сен Солиҳатни унутдинг,— деди Нуцалай.

— Баджаҳлларга берилмайди, ухлаганларга қолдирилмайди,— деб Симисхат бир бўлак асални оғзига солди.

— Йўқ, бунақаси ярамайди, қизлар,— Сакинат ўзининг улушини ярмини Солиҳатга узатди.— Ол, Солиҳат, асал е, очиққўл бўласан.

— Уя топдингларми?— ўроғини ирғитиб сўради Солиҳат.

— Топдик. Сен эшитмадингми?..

— Ма, ол.

— Раҳмат, мени эслаганинг учун. Мен асални яхши кўраман.

Солиҳат бошқаларнинг олдига борди. Бирдан Симисхатнинг қулоқни тешадиган чинқириги эшитилди.

— Вой, мусулмонлар! Мени сўйиншди!— рўмолини силкитиб, бақирарди у.

— Қўрқоқни асалари узоқдан пайқайди,— деди Сакинат.— Қаранглар, қовоғи шишиб кетди. Ўзи ҳалок бўлишини билади, аммо барибир чақади.

— Улар ўз ҳалокатлари тўғрисида ўйлашмайди, қасос олишса бас,— жавоб қилди Солиҳат.

— Асаларини заҳри оёқ оғриққа даво дейишади.

— Менда бод йўқ,— оқлади Симисхат.— Агар хоҳласанг, ўзинг синаб кўр, ёрдам қиладими, йўқми?

— Қашлама, баттароқ бўлади. Қайроқтошинг йўқми?— сўради Нуцалай.

— Менда бор!

Солиҳат чопиб бориб, қопидаги қайроқтошни олиб келди.

— Ма, кўзинг бутунлай юмилиб қолмасин, чаққан жойига қўй.

Аёллар яна ўримга киришди. Қуёш кучлироқ қиздира бошлади. Улар катта баргдан юлиб, бошларига соябон қилиб олишди.

— Эшитинглар, қизлар,— деди Умалхайри.— Менинг қорним сурнай чалапти.

— Сенинг қорнинг доим вақтидан олдин сурнай чалади. Қуёш тикка келмагунча, тушлик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирма,— деди Сакинат.

— Агар овқатланишни шунча эрта бошласак, қуёш ботгунча қорнимиз ёрилиб кетади.— Нуцалай ўроғини майса билан артиб, ўришда давом этди.

— Чарчадингларми, қизлар?— қичқирди уватдан келаётган Ҳамид.

— Агар чарчаган бўлсак, нима қилардинг?— жавоб берди Умалхайри.

— Ёрдамга келаман.

— Кела қол, бўлмаса, Нуцалай, қўлим толиб кетди, деб шикоят қиляпти,— Симисхат муғамбирона кўз қисди.

— Кўзингга нима қилди?— кулди Ҳамид.

— Эрим урди.

Дўстона кулги кўтарилди.

— Кел, кел, менга яқинроқ келиб қара. Уйланганинда хотинингни шунақа уриб юрма.

— Мен яхшиси кечқурун Саиднинг олдига ўргангани бораман. Ҳозир эса идорага почта олиб кетяпман. Ишим шошилинч.

— Менга хат йўқми?— шу пайтгача жим турган Солиҳат сўради.

— Сенга ёзишяпти. Мана, сенинг ўнг томонингдаги дугонангга телеграмма.

— Менга телеграмма?— қўрқиб сўради Нуцалай.

— Ҳа, сенга. Қуёшдай қайноқ, чақиндай тез. Нима, қабул қилмайсанми?

— Ҳозир менга ҳазил қиладиган пайт эмас. Отам қўтонда. Анчадан бери хат-хабар йўқ. Тоби қочмадимикан, деб хавотирдамиз.

— Мана, кўрдингми, Ҳамид, сен олиб келган телеграмма Нуцалайнинг кўнглидагидай. Бундан тез-тез хабар олиб келиб тур.

Сухбат пайтида Солиҳат гўё фақат иш билан банд одамдай, ҳеч кимга қарамасликка тиришди. Унинг юраги санчди. Ҳамид Нуцалайни танлабди. Ҳамма аллақачон бу ҳақда билади ва унинг гапларини маъқуллашяпти.

\* \* \*

Кечқурун Солиҳат ясаниб, уйдан чиқмоқчи бўлиб турганида, Хадича унинг йўлини тўсди:

— Бунча кеч, қаерга отландинг?

— Қизлар билан клубга бораман.

— Клуб, бу — яна нимаси? Худо ҳаққи, онт ичман, сен у ерга бормайсан. Ҳавойилар билан бирга сакрашингни кўришим етмай турувди.

— Ойи, мен аҳмоқ ҳам, тентак ҳам эмасман! Бошқа қизлар мендан ёмон эмас. Нима учун мен бошқаларга ўхшаб яйрай олмайман. Сиз мени тириклайин кўмдингиз. Мен ҳеч нарсани кўрмасам, эшитмасам, уйда на радио бор, на газета. Ишда ҳам мен йўл бўйидаги якка-ёлғиз дарахтга ўхшаб ёлғизман. Мен бунга ортиқ чидай олмайман.

— Демак, сен, мана шу саёқлар билан овулни у бошидан-бу бошигача дайдиб юрмаганингга ачиняпсанми? Яхши одамлар уларга назар солмайди!

— Улар мендан баттар эмас, қайтага яхшироқ.

— Сени ўқитган одамни билсайдим, ҳозир кўзига кўрсатиб қўярдим. Ойнанинг олдига бориб, қара. Жодугарга ўхшайсан. Қани чодра? Кийиб ол.

— Менинг тенгдошларим ҳеч қайсиси чодра киймайди. Нима, мен кампирманми?

— Улар яланғоч ҳам юраверади, улар билан менинг ишим йўқ.

— Ойи, мен кичкина бола эмасман. Мен ҳақимда бундай ташвишланманг. Кейин, мен кечки мактабга ўқишга кираман. Энди уйда бошқа ўтирмаман.

— Вой худо! Бу кунлардан ўлганим яхши мени! Ўқиш ҳақидаги гапларингни эшитгандан кўра эртaroқ ўлганим яхшироқ. Албатта, энди сен ақлли бўлиб қолдинг, нима учун уйда ўтирар экансан!

— Ўтирмайман ҳам!

— Жим бўл! Худо ҳаққи, агар яна бир марта клуб ҳақида гапирганингни эшитсам, қўтонга — отанга, қизинг қўлдан кетди, деб хат ёзаман.

Солиҳат онаси билан бошқа айтишиб ўтқилади, кечки овқатни рад этиб, ухлашга кириб кетди. Хадича тасбеҳни қўлига олиб, жойнамозга чўкди.

Бир оз вақт ўтгач, қўча эшикнинг секингина тақиллагани эшитилди. Елкасига шолрўмолни ташлаб, айвондан мўралади, у ерда Ҳамидни кўрди.

— Ҳамид, секинроқ, ойим эшитиб қолади!—пичирлаб гапирди у.

— Нима учун сен бизни алдайсан? Концертга саноқли кунлар қолди.

— Ойим мени қўймаяпти. Мен нима қилай?

— Нималар деясан? Ойингни деб концертни қолдирамизми? Ҳамидни шарманда қиласан. Менга, у билан ўралашма, унга роль берма,— деб айтишган эди. Мен бўлсам аҳмоққа ўхшаб, сенга ишонибман. Раҳмат. Ўзингга яхши номер топибсан! Эҳтиёт бўл, деразадан мўраламагин, тагин сени ўғирлаб кетишмасин!— Ҳамид ўгирилиб, клубга кетди.

Ҳамид унга ҳамма жойга бурнини тиқиб юрадиган эзма кампир ролини таклиф қилганди, аммо Солиҳат бу ролни кескин рад этиб ёш қиз ролини сўраганди.

— Агар хоҳласанг, мен сенга ўзимнинг ролимни бераман,— жон деб рози бўлди Нуцалай. У шунчаки ишонмай, Солиҳат бу ролни эплай олмайди ёки онаси рухсат бермайди, деб ўйлаганди шекилли.

Ҳамид келиб, Солиҳат бу ролни рад қилди, деганда, Нуцалай афтини қандай буриштиришини Солиҳат хаёлан тасаввур қилди. Бирортаси яна қўшимча қилди: «Мен айтувдим-ку, унга роль берманглар», деб.

Солиҳат секингина хонага кирди, энг чиройли кўй-



лагини кийди, елкасига шолрўмолини ташлади ва кўча эшикни шовқинсизгина ёпиб, уйдан сирғалиб чиқиб кетди. Йўл-йўлакай ёддан биладиган ўз ролини такрорлаб борди. Роли ёзилган дафтарни эса уйда, кўрпанинг тагига яширган эди.

Клубга етиб келгач, дарров эшикни очишга ботина олмади, устимдан кулишади, деб қўрқди. Аммо у кириб келганда, Нуцалай:

— Ана мен айтдим-ку, Солиҳат келади, деб!— деган сўзини эшитди.

— Тезроқ репетиция бошланглар. Бекорга вақт йўқотяпмиз. Сен ролингни ёдладингми, Солиҳат?

— Ёдладим, деб ўйлайман.

— Шошма, ҳозир бошлаймиз.

— Ёесани ол, Нуцалай. Агар Солиҳат адашиб қолса айтасан. Солиҳат, саҳнага чиқ. Шундай қилиб, сен бизни учрашадиган жойимизга келдинг ва олма тера бошлайсан...

Солиҳат бошидан рўмолини ечди ва ўзини худди олма тераётган одамдек тутиб ашула айтди:

Овулимиз гўзал бог бўлди,  
Боғлар ширин мевага тўлди.  
Шарбатга бой ширин олмалар,  
Мевалардан хирмон юксалар.

— Солиҳат, ўзингни эркинроқ тут, худди ҳақиқатан ҳам олма тераётгандай қаттиқроқ куйла,— уни тузатди Ҳамид.

— Яхши,— деди Солиҳат ва шу саҳнани яна такрорлади.

— Ҳамид, энди сен, у билан учрашгани кел,— деди Нуцалай.

Ҳамид чамадонни кўтариб, Солиҳатга яқинлашди. У қўлида тишланган олмани ушлаганича кулимсираб бошини қуйи эгди.

— «Бизнинг тоғлиқларда олдинлари қўл бериб сўрашишарди, наҳот сен буни унутдинг?»— дея у Солиҳатга қўлини чўзди.

— «Мен... Мен... сени танимабман»,— деди тортишиб Солиҳат ва қўли салгина унинг қўлига тегди.

— «Сен ўзингни танишларингни танимайдиган бўлиб қолибсан. Кўзойнак тақиб олгин».

— «Кўзойнак тақиб қарайдиган одамим йўқ».

— «Сен мактубингда бошқача ёзган эдинг!»

— «Хатда сен ҳам бошқачароқ ёзардинг. Ма, ўзимиз ўстирган олмадан е».

— «Шунисига ҳам раҳмат! Айт-чи, мени соғиндингми?»

— «Билмайман»,— деди Солиҳат ва ўгирилди.

Уларнинг нутқи равон кетаётганига, Солиҳат кўзлари порлаб турганига қараб: «Оҳ мен нимага бу ролни рад қилдим!»— деб ўйлади Нуцалай.

— Кампирнинг чиқиши. Тайёрлан, Нуцалай!— Қичқирди Ҳамид.

Худди шу пайт эшик очилиб, остонада Ҳадича пайдо бўлди. Бошланг, шарм-ҳаёни йўқотиб, Ҳамидни қўлидан ушлаганича унинг қизи саҳнада турарди. Ҳадичанинг кўз олди қоронғилашди. Уни кўрган Солиҳат рўмолга ёпишди.

— Солиҳат!— бегона овоз билан бақирди Ҳадича.

— Бизда репетиция кетяпти. Илтимос, халал берманг,— мулойимлик билан унга мурожаат қилди Ҳамид.

— Мен сен билан эмас, ўзимнинг беҳаё қизим билан гаплашяпман!

— Сизга нима бўлди, ойи?

— Буни сен уйга боришингда биласан. Юр уйга. Отанг келди. У сени қахрамонлигингни кўриб хурсанд бўлади.

— Сен кампир ролини мана шунақа ўйнашинг керак бўлади,— Ҳамид Нуцалайга пичирлади.

Солиҳат секин-аста ташқарига чиқди.

Онаси кўчада ғазаб билан қизининг биқинига турди.

— Сен онангнинг ўлишини хоҳлайсанми? Ҳамидни қўлидан ушлаб турганингни отанг кўрганда борми, қувониб кетарди. Улар сенга яхши иш ўргатишяпти!

— Ойи, бу ахир театр!

— Тупурдим ўша театрингга! Онаси қизгинам ухлаб ётибди, деб ўйлайди, қизи бўлса тун ярмида йигитларнинг орқасидан югуриб юрибди...

— Мен ҳеч кимнинг орқасидан югурганим йўқ. Бу менинг ролим.

— Бунинг учун сендан бошқа аҳмоқни топишолмабди-да. Сенинг бошқа ишинг йўқми? Ундан кўра урчуқ йигир!

Кейин Солиҳатнинг уйида нима бўлиб ўтгани барчага сир бўлиб қолди. Ҳаммасини тўрт девор яширди. Фақат ўшандан кейин Солиҳат жуда ўзгариб кетгани

ни кўришди. Унинг биргина чодрасини ташлагани ҳам кўп нарсаларни тушуниб етганини билдирарди.

\* \* \*

Кузнинг изгирин шамоли сўнгги олтинранг барглари шафқатсиз юлқийди. Гўё, «Ҳой одамлар, шошилинг, тезроқ дон-дунларни йигиб олинг, бўлмаса, мен бошоқларни ер билан яксон қиламан!»— деб одамларни қўрқитмоқчи бўлаётгандек эди.

Мевалар йигиб-териб олингач, боғдорчилик бригадаси аъзоларига бир неча кунга дам берилди. Олдинда эса қилинадиган ишлар жуда кўп эди. Энди боғ йигирма тўрт гектар ерга етган бўлиб, бу йил боғ майдонини яна ўн икки гектарга кенгайтириш кўзда тутилди. Энди колхозни боғ-роғларга бурканган, дейиш мумкин. Тотиб кўрмагунча асалнинг таъмини билиб бўлмайди. Бу янги ишга ишонмаган ўша овулдошлари эндиликда агрономдан миннатдор эдилар. Агрономга қолса, ўнта одамни ишини бир ўзи бажаришга тайёр. У ёш боғдорчилик тўғараги ташкил этди. Бу тўғаракка биринчи бўлиб Гулшод ёзилди.

Гулшод бугун эрталаб дарахтларнинг танасини оқлашга отланди, аммо тўсатдан қўзғалган шамол унинг режаларини ўзгартириб юборди. У дон экилган майдонга бориб, далачиларга хирмон уйишда ёрдам беришга аҳд қилди. Кўчада эса унинг олдига бир бола чопиб келди.

— Гулшод, сенч онанг чақиряпти!

Гулшод қўрқиб кетди. Онамнинг тоби қочгандир, деб ўйлаб югурди. Аммо эшикни очганида айвонда бемалол ўтирган онасини кўрди.

— Қизим, Зарифатдан хат келди, ўқиб бер,— дея она конвертни унга узатди.

Зарифат салом-алиқдан сўнг, ўзини соғлиғи яхши эканлигини, уйини жуда соғинганини, бошқа ҳеч қандай ташвиши йўқ эканлигини ёзибди. Биринчи стипендияни олибди, ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини, хатнинг охирида эса Гулшод ҳақида, унинг турмушида ўзгариш бўлган-бўлмаганлиги ҳақида сўрабди.

— Оҳ, мен бўлсам хавотирланиб ўтирибман!— Кавсарат эркин тин олди.— Чап кўзим учганига хавотирландим.— Охирги сўзлар Гулшодни гангитиб қўйганини кўриб, уни алаҳситмоқчи бўлди.

— Ойи, сен Зарифат тўғрисида ташвишланма, ша-

ҳарда уйдагидан яхшироқ, Зарифат унақа енгил қиз эмас, ундан кўнглинг тинч бўлсин.

Гулшод гапирар, аммо хаёли бошқа нарсада эди. Бугун яна Ҳалимат билан Хадича у ҳақда чайнашди, атайлаб Гулшодга эшиттириб гапиришарди:

— Сенинг келининг бўлса, кундан-кунга тўдишиб, чиройи очилиб кетяпти.

— Бўлмасам-чи! Қорнида бола кўтармаса. Туғ-маса.

«Эҳтимол, шундайдир», паришон ўйлади Гулшод. Онаси унинг хаёлини бўлди.

— Сенга нима бўлди, қизим, рангинг оқариб кетибди. Бошинг огримааяптими?

— Йўқ, огримааяпти. Ишга бораман, ойи.

— Мен ҳам боришим керак. Қизим, шавла егин.

— Уйда ҳозиргина овқатланувдим.

— Бу сени яхши кўрган овқатинг-ку. Ҳа, ҳеч бўл-маса бир қошиқ егин.

Гулшод қошиқни олиб, татиб кўрди.

— Шунақа шавлани сиз жуда ширин қиласиз. Юсуф ёмон кўради. Мен қилмайман. Гўштдан бошқа ҳеч нарсани тан олмайди!

— Деярли ҳамма эркак ҳам шунақа шавлани, варақини ёқтирмайди. Отанг раҳматли ҳам ловияли шўрваю хинкални хуш кўрарди, шу овқатлар мени бақувват тутади, деб айтарди.

— «Оз еган тоғлиқдан худо сақласин», деган мақол бор. Раҳмат, ойи,— Гулшод қошиқни қўйди.

— Бугун Юсуф билан келинглар, ёсмиқ солиб, шўрва қиламан.

— Келамиз, фақат шўрвага сур гўшт солишни унутманг.

— Эсимдан чиқармайман,— Кавсарат қизини ку-затгани чиқди.

\* \* \*

Тун яримдан ошди, Юсуфдан ҳамон дарак йўқ. Гулшод овқатни бир неча марта иситди. Ниҳоят, сабри тугаб, чироқни ўчириб, ётди. Аммо кўзига уйқу кел-мади. Миясида минг хил хаёл чарх урарди. Кейинги вақтларда уларнинг муносабати ўзгарди. Олдин улар-нинг орасида ҳеч қандай сир бўлмасди, энди эса Юсуф ўз ишлари ҳақида кам гапирадиган бўлди. Кечқурун-лари бир ўзи чиқиб кетиб, уйга кеч қайтарди. Келган-

да эса илгаригидай: «Жонгинам, мен ишда ушланиб, кечикиб қолдим. Сен нега ухламаяпсан?»—деб сўрамасди. Бундай пайтлар Гулшод ҳазиллашиб: «Энди сени ҳеч қаерга қўйиб юбормайман»,—деб жавоб қиларди. Энди эса ҳаммаси бошқача. Юсуф қайтгач, индамай ухлашга ётарди.

Бундан бир неча кун илгари Гулшод тушликка мураббо пиширди. Тўсатдан дераза олдида Юсуф билан ёш боланинг кулгиси эшитилди. Деразадан мўралаб, эри қўшнисининг ўғлини кўтариб турганини кўрди.

— Қани, эр йигит, ҳозир биламиз, бузоқ боқадиган бўлиб ўсибсанми, йўқми,—шундай деб, Юсуф болани қулоғидан ушлаб салгина кўтарди.—Ё олло, ўсибсан! Сигирларни боқсанг ҳам бўладиган бўп қолибсан.—У болани қучоқлаб, ўпди.

— Амаки, сиз самолётда уча оласизми?—бола эркаланиб Юсуфдан сўради.

— Уча оламан. Сен-чи?

— Дадам айтдики, мени самолётга ўтқазади, биз Бўйноққа учиб борамиз. У ерда дадам менга каттакон копток олиб беради.

— О, отанг сенга кўп ўйинчоқ олиб бераркан!—Юсуф бўлани ўпди.

«Мени деб Юсуф шундай қувончдан маҳрум,—ўйлади Гулшод,—у болаларга қандай талпинади-я! Унга қараш оғир. Бироқ мен нима қила оламан? Мен билан ажраш, деб айтсам-чи? Йўқ, асло бўлмайди! Мен ахир, усиз яшай олмайман-ку? Фақат боламиз йўқлиги туфайли у мени ташламайди. Аммо у жуда ўзгариб кетди. Нима иш қилмайин, доимо шу ишга таъна қилишга йўл топарди. Энди у кўпроқ онаси ёнида бўлар, у билан узоқ гаплашиб ўтирарди. У албатта пайт пойлаб, нозик жойига тегиб ўтмасдан қўймасди».

Кунлардан бирида қайнонасининг хонаси ёнидан ўтаётиб қулоғига чалинди:

— Юсуф, биз отанг иккаламизни бир оёғимиз ерда бўлса, бир оёғимиз гўрдаги одамлармиз. Набирани тиззага ўтқазадиган кунгача яшаш бизга насиб қилмайди шекилли.

Унинг сўзини Қози қувватлади:

— Худо ҳаққи. Гулшодни қизимдай кўраман. Сизларни ажралишингизни хоҳламайман. Бироқ фарзандсиз яшаш ёмон. Болахонада яхши табиб бор, деб айтишади. Гулшодни ўшанга кўрсатиш керак.

— Хотинимни унақа табибларга кўрсатишга йўл

қўймайман. Врачлар Гулшодни бутунлай соппа-соғ, деб айтди. Сабр қилиб турайлик-чи. Агар бўлмаса, бола асраб оламиз,— эътироз билдирди Юсуф.

«Ҳар ҳолда, Юсуф қаерда ушланиб қолди экан? Клубдамикан? Йўқ, клуб аллақачон ёпилган».

Юсуф бу оқшом институтда бирга ўқиган ўртоғиникида меҳмондорчиликда эди. У ерда, бахтли одамлар қуршовида ўзини яхши сезди. Икки бола уйни қувончли шовқин-суронга тўлдирганди.

Юсуф ҳақиқатан бола кўришни орзу қиларди. У хотинини ранжитишдан чўчиб, унга бола ҳақида гапирмас, аммо бу ўзи учун янада оғирроқ эди. Онаси эса, аксинча, уйда бола етишмаётганлигини унутишига қўймас, бундан бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмас эди. Гулшод унинг учун дунёдаги энг қимматли дўст бўлиб қолди. Юсуф бошқа аёлдан бола кўришни тасаввур ҳам қилиб кўрмасди. Йўқ, йўқ, унинг қалбида бошқа аёлга ўрин йўқ!

— Қара, Юсуф, бола ўйнаб-ўйнаб, қўлингда ухлаб қолибди,— отаси болани уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан Юсуфни қўлидан олди, пешонасидан ўпиб, каравотига ётқизди.

Юсуф ўртоғиникидан хайрлашиб чиққач, уйга дарров кирмади, узоқ вақт боғда айланди, сўнгра уйига яқинлашди. Деразада чироқ нури кўринмасди, у шундай бўлгани яхшироқ, деб кўнглидан ўтказди. Аммо эшикни очгани заҳоти Гулшод сапчиб турди, чироқни ёқиб, индамай олдига овқат қўйди.

— Қорним тўқ,— деди Юсуф, костюмини ечаркан.

— Энди уйдан ҳам егин.

— Менинг ошқозоним иккита эмас.

Гулшод овқатни олиб қўйди ва бир оз жим тургач:

— Бизнинг турмушимиз бундан буён шундай давом этаверади, деб ўйлайсанми?

— Мен ҳеч нарса деб ўйламайпман,— хотинига хўмрайиб қараб, жавоб берди Юсуф.

— Мен бундай яшай олмайман. Сен ҳаммадан яхшисан, ҳеч қачон мени ранжитмайсан, деб ишонган эдим.

— Энди эса аксинча эканлигига ишондингми?

— Мен турмушимиз ҳақида гапиряпман.

— Мен оиламизни обрўсига путур етказадиган нима иш қилибман?

— Нима қилиш кераклигини мен билмайман, Юсуф, лекин бизнинг муносабатимиз менга ёқмаяпти.

Сен қачон, қаерга хоқласанг, кетаверасан, баъзан маст бўлиб келасан, мен бўлсам, кечалари тўрт девор ичида зерикиб ўтираман...

— Мен сенга боғланиб, уйда ўтира олмайман. Сенингча, ўртоқларим таклиф қилганда, мени хотиним қўймайди, деб айтишим керакми?

— Сен менга ҳеч нарсани айтмаслигинг мумкин, лекин олдингидай яшашни хоқлайсанми ёки йўқми, шуни айт. Агар хоқласанг, ҳамжиҳатлик билан ширин яшайлик. Хоқламасанг, ҳозир сен мен билан ҳисоблашмаётгандек, мен ҳам сен билан ҳисоблашиб ўтирмай, ўзим хоқлаганимча яшайман.

— Сенинг тергашларинг жонимга тегди.

— Ҳа, албатта, сен кино, театрларга боришни хоқлайсан, мен-чи...

— Нега сен менинг орқамдан пойлоқчилик қиласан? Қаерга хоқласам, ўша ерга бораман.

— Сен кинога борганингда, нимага ёнингда мен йўқлигимни одамлар сўрашганда уяламан.

— Аёлларнинг вазифаси бола тарбиялаб, уйда ўтириш.

— Оҳ, мана гап қаерда? Демак, сен, мен туғмаётганимга норозисан? Агар шундай бўлса, бир талай бола туғиб берадиган хотинга уйлан! Сен ҳар куни ярамни тирнамай қўймайсан. Ҳа! Аёллар бола аллалаётганда мен қон ютиб ўтираман! — Гулшод ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Гуши, ахир ўзинг бошладинг-ку, — хотинига ортиқча гапириб юборганидан афсусланиб, Юсуф ўзини оқлай бошлади.

— Мен Гуши эмасман! Мен — битта болани ҳам эплаб туға олмайдиган аёлман.

— Хўп, Гуши, кечир мени. Ўзинг менинг жаҳлимни чиқардинг, мен қизишиб, бўлмағур гапларни гапириб юбордим, — Юсуф ёрини қучди.

— Мени тинч қўй! Муғамбирликни бас қил!

— Биласан-ку, мен сени чин қалбдан севаман.

— Дилда йўқ нарса тилга чиқмайди. Нима учун ичингдагини яширасан? Эртами, кечми, барибир сиртга чиқади-ку. Мен сендан хафа бўлиб йиғлаётганим йўқ. Мен ўзимдан нафратланаман.

— Мени кечир, Гуши.

— Нима учун сени кечирим керак, нима учун? Ҳақ гапни айтганинг учунми?

Юсуф анчагача ухлай олмади. У ўзини койирди:

«Нима учун Гулшодни юрагини заҳарлайман? Нима учун уйда ёлғиз қолдириб, ўзим кинога бориб, уни ташлаб кетаман. Биз кинога бирга борсак, у билан ёнма-ён, қўлларидан ушлаб ўтирсам ёмонми? Мен билан бирга бўлганида у шундай бахтиёр-ку. Мен ноҳақман. Мени қувонтираётган ёки ташвишга солаётган нарсалар ҳақида нима учун у билан ўртоқлашмай қўйдим? Эр-хотинни мақсади, интилиши бир эмасми? Оҳ, Юсуф, Юсуф! Агар қулунни жиловидан тортмасанг, қоядан қулаши ҳеч гап эмас! Отам Гулшодни яхши кўради, бироқ фарзандсиз оила оила эмас, деди. Онам эса ҳар гапида агар меросхўр бўлмаса, хўжалик шамолга совурилади, деб уқтиради. Отам ҳатто ажралиш ҳақида ишора қилгандай бўлди. Аммо Гулшодни ранжитишим мумкинми? Агар мен ташлаб кетсам, унинг ҳаёти нима бўлади. Йўқ, ҳатто фарзандимиз бўлмаган тақдирда ҳам уни ташлаб қўймайман».

\* \* \*

Хадича хонани у бошидан-бу бошига юрарди. Йигирма мартача кўчага чиқиб кирди, аммо Солиҳатдан ҳамон дарак йўқ. Қизини қидириб юрганини одамлар билиб қолса, кулги бўлишидан қўрқиб, ҳеч кимдан сўрамади, ўзи чопиб клубга бориб келди. Клубнинг эшигида каттакон қулф осиглиқ турарди. Нима қиларини билмай, тамаки сўраган киши бўлиб, Ҳамиднинг бувисиникига кирди. Ҳамид уйда йўқ эди.

— Ўғлингиз қаерда?

— Мен қаердан билай? У ёш бўлса, уйда ўтирмайди, Хадича синглим. Агар ишлаб келиб, уйда ўтирганда менга алам қилмасди, лекин ёшларга нима ҳам деб бўларди. Мана, клубда томоша кўрсатишяпти. Бизнинг уйдагилар ўғлини қандай рақс тушаётганини неча маротаба бориб кўриб келишди. Ишонасанми, бир сафар мени ҳам кинога судраб олиб боришди. Жуда ажойиб нарса экан. Очиғини айтсам, агар одамларнинг гап-сўзидан қўрқмаганимда, ҳар куни кеч-қурун кинога борган бўлардим. Қариганда айнибди, деб кулги қилишларидан чўчийман.

— Бизнинг ёшимизда кинонинг нима кераги бор, намоз ўқиб, уйда ўтирган яхшироқ.

— Мен сенга айтсам, Хадича, бизнинг ёшлигимиз беҳуда ўтибди. Ҳозир овулда бутунлай ҳаёт бошқача. Мана, бугун ҳам овулдаги ёшларнинг ҳаммаси Батличга кетди. Айтишларича, театр келибди. Мени ҳам



юринг-юринг қилишган эди, кетишимга сал қолди. Йўқ, батличликлар кулишади, уят бўлади, дедим. Сенинг қизинг ҳам кетди, сен нега бормадинг?

— Театр менга нимага керак?— Хадича гўё юрагига қайноқ сув қуйилгандек лабини тишлади. Аммо у титраётганини сездирмади.— Умримда бир марта овулдан ташқарига чиқиб, шаҳарга борган эдим, ўшандаям Қосимнинг акасининг ўғли армиядан қайтганди. Бу — аёллар куни — май байрами<sup>1</sup> эди. Мен ўша ерда клубга кирдим. Олдин хотин-қизлар озодлиги ҳақида гапиришди, кейин музыка бошланди. Қарасам, аёллар эркаклар билан жуфт бўлиб, бир-бирига ёпишиб, қучоқлашиб, ишонсангиз, айлана бошлашди. Ўшанда мен ёнимдагиларга: «Мени бу ердан тезроқ олиб чиқинглар, жойим бу ерда эмас», дедим.

— Бу шунақа рақс-ку, Хадича.

— Мана ўшандан бери мен ҳеч қачон ҳеч қаерга бормадим. Ҳамидга қиз унаштирибсизлар, деб эшитдим. Майли, бахтли бўлишсин,— деди Хадича нинанинг устида ўтиргандай типирчилаб.

— Одамлар гапираверишади. Биз ҳали гап очганимиз йўқ. Агар биронтасига кўнгил қўйса, бажонидил, совчи бўлиб борамиз, албатта. Бизга Нуцалай ёқади, унинг ота-онаси ҳам биз билан қариндош бўлишга қарши эмасдай.

— Илоё ўғлингизни эсон-омон уйлантириб олинг,— Хадича ўрнидан қўзғалди.

— Нега шошиласан? Ўтир, иккаламиз гаплашиб ўтирамиз, қизинг уйда йўқ-ку, ахир.

— Қизларнинг шундай жойларга борганини ёқтирмайман. Жуда ялингани учун юборувдим.

— Ёш қизлар уйда ўтириб нима қилади? Кампир эмас-ку, улар ахир.

— Хайрли тун, яхши хабарлар эшитайлик.

— Хайрли тун, синглим!

Нима қилиш керак? Батличликларни олдида шарманда бўлиб, қизини олиб келишга борсинми? Борса бўлади-я, бироқ қизи унга қулоқ солармикин? Ана, куни кеча комбайн ҳайдамоқчи бўлгани учун қизини койиди, аммо Солиҳат онасига қулоқ солмади. Гўё Солиҳат алмаштириб қўйилгандек. Қизлар комбайн ҳайдаганини ким, қаерда кўрибди? Солиҳатни бунчалик ўзгариб кетишига Ҳамид айбдор. У Солиҳатга

<sup>1</sup> Тоғлиқ кампирлар мартни шундай аташади.

трактор ҳайдашни ўргатди. Ҳзи чарчаса, уватга ён-бошлаб ётади. Солиҳат эса рулга ўтиради. Энди бўлса, мана, яна комбайн...

Ҳадича ҳақ эди. Кеча комсомол йиғилишида Ҳамид Солиҳатга комбайнни ишонса бўлади, деб айтди. Солиҳат икки йил давомида Ҳамид билан бирга ишлаб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда жуда кўп нарсаларни ўрганди. Ғийбатчи, деб аташларидан қўрқиб, энди унинг олдида бирон кимса ҳақида гапириб юборишдан ўзини тиярди. У фақат яхши томонлама ўзини кўрсатишга интилди. Ҳамид унга кечки мактабга кириб ўқишни маслаҳат берди.

Кунларнинг бирида Ҳамид ундан сўради:

— Солиҳат, нима учун комсомол сафига кирмаясан?

— Билмайман,— хўрсинди у,— менга ўхшаганларни балки комсомол сафига қабул қилишмас.

— Нима, сен бошқаларга ўхшаган эмасмисан? Агар ғийбат қилишни ташласанг, бутунлай яхши қиз бўласан.

— Сен ростдан ҳам шундай, деб ўйлайсанми?— нигоҳини ердан узмай сўрарди Солиҳат. Шу ондаёқ у Юсуфнинг партбилети ҳақида эслади...— Комсомолга кириш ҳақида менга бошқа ҳеч қачон гапирма...

— Ихтиёр ўзингда, сени ҳеч ким мажбурламайди.

Солиҳат чурқ этмай комбайн кабинасига ўтирди, аммо қалби нотинч эди. У қанчалар тентаклик қилди? Виждонидаги бу доғларни қандай ювиши мумкин? Солиҳат комсомол сафига киришни жуда-жуда хоҳлайди, аммо у одамларга қанча жафо келтирди, ундан қанақа комсомол чиқарди. Ҳамиднинг овози унинг хаёлини бўлди:

— Кўзингга қара, комбайнни қийшайтириб ҳайдаясан. Кўр бўлдингми?

Солиҳат машинани тўғрилади.

— Мен папирос олиб келишга бормоқчи эдим. Йўқ, сени ҳали ёлғиз қолдириб бўлмас экан.

— Ўй суриб қолибман, Ҳамид. Майли, сен бора-вер!

— Майли, фақат ҳушёрроқ бўл!

Солиҳат югуриб кетаётган Ҳамиднинг кетидан унга термилди ва бирдан узоқдаги гулдор рўмолга кўзи тушди. У Нуцалайнинг дуррасини таниди:

«Оҳ, мана нима учун шошилибди!— Солиҳатни

боши шилқ этиб, комбайн рулига тушиди, машина бирдан тўхтаб қолди. Лекин, орадан бир дақиқа ўтар ўтмас, Солиҳат ўзини қўлга олди, комбайн далада жавлон ура бошлади.— Нима қиламан куйиб-ёниб? Олдиндан ҳам уларнинг дўстлигини билардим-ку. Бўлди, бошқа Ҳамид ҳақида ўйламайман. Ана Усмон, неча маротаба мени рақсга таклиф қилди...» — Кейин унинг кўз олдидан Юсуфнинг чеҳраси... Ҳамиднинг юзи, кейин иккаласи ҳам биргаликда лип-лип қилиб ўтди. Қайноқ кўз ёшлар Солиҳатнинг ёноқларига юмалади.

У комбайндан сакраб туриб, салқиндаги ўтлар орасидан кўзани олди. Кўзадан икки ҳўплам сув ичди-да, юзини ювиб, уватга ёнбошлади.

Ҳамид билан Нуцалай комбайнни тўхтаб қолганини кўриб, ёш комбайнчига ёрдам керакдир деб ўйлаб, чошиб келишди.

— Солиҳат, нима бўлди? — узоқдан турибоқ қичқирди Ҳамид.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки бошим айланди. Сув ичиб олмоқчи эдим, — Солиҳат ўрнидан турди.

— Иссиқдан бошинг айланаётгандир. Бугун бошлаб қиздирыпти, — деди Нуцалай. — Кел, сояда бир оз ўтирайлик, мен ҳам дам оламан.

— Солиҳат, сен дам ола қол, комбайнни ўзим ҳайдайман. — Ҳамид рулга ўтирди.

— Солиҳат, аҳволинг ёмонга ўхшайди, рангинг оқариб кетибди. Сени уйингга элтиб қўяман, — деди Нуцалай ташвишланиб.

— Йўқ, ҳозир ўтиб кетади. Кел, овқатланиб оламиз, — деганича Солиҳат тақсимчадаги чучвара ўралган сочиқни ёзди.

\* \* \*

Дон, жавдари бугдойларнинг сарғайган чўкиртакларини қолдириб, ёз ҳам ўтди. Унинг кетидан теварак-атрофни олтинранг, қирмизи ноз-неъматларга сероб қилиб куз кетди. Ерга оппоқ қор чойшабини тўшаб, изғирин шамол ҳамда қаҳратон совуғи олиб қиш ҳам етиб келди. Кейин эса... ҳар доимгидек қишни қувиб, навбаҳор кириб келди.

— Ҳалимат, ҳой Ҳалимат! — Хадича овозининг борича чақирди, аммо ҳеч кимдан садо келмасди. У зинадан кўтарилган эди, супачада ўтириб, оёғига чоригини боғлаётган Қозини кўрди.

— Нега индамайсиз? — ажабланиб сўради у.

— Мени отим Ҳалимат эмас, — хушламай жавоб берди Қози.

— Агар Ҳалиматнинг ўрнига жавоб берсангиз, бирор ерингиз камайиб қоладими? Бугунги кунни байрам қилишяптими, йўқми?

— Мен қуёш билан ой ҳақидаги билимни ўқиманман, — деб жавоб берди Қози.

— Сен кимга жавраяпсан? — деди Ҳалимат хондан мўралаб қараркан. У қўлида арқон ушлаб турарди.

— Салом, қўшни, агар бирор жойга кетаётган бўлсанг, оқ йўл.

— Хебдадаги бозорга кетяпман, қизил сигирни сотмоқчиман.

— Бунисини болаларга бермаганмидингиз? Қиши билан боқиб, баҳорда сотмоқчимисиз? Баҳорда ким мол сотади?

— Хотинимдан сўра, — мингиллади Қози.

— Бундан бошқа кулранг сигиримиз ҳам бор, буниси сира сут бермай қўйди.

— Ҳа, аёллар яхшироқ билади. Оқ йўл, савдонгиз ўнгидан келсин. Юсуф ҳали қайтмадими? — Зинадан тушаркан сўради Хадича.

— Бир ойдан кейин келади, — жавоб берди Ҳалимат.

Хадича уйига келаркан, йўл-йўлакай: «Ўларга бир бало бўлганга ўхшайди. Сигир сотишлари бежиз эмас. Қози ҳам бугун алланечук».

Орадан бир оз вақт ўтгач, Гулшодни сўраб келган почтальоннинг овозини эшитиб, Хадича унга пешвоз чиқди.

— Буларникида ҳеч ким йўқ.

— Бўлмаса, мана бу хатни Гулшодга бериб қўйинг. — Почтальон нари кетди.

— Ё олло, бериб қўяман, нимага бермас эканман, — деди Хадича хатни олиб.

Кечқурун қизи ишдан қайтгач, мактубни унга кўрсатди.

— Ўқисанг-чи, Юсуф унга нима деб ёзибди. Кетишга улгурмасдан дарров хат. Ичкиб қолибди шекилли.

— Бу хат бизга ёзилмаган, биз ўқимаслигимиз керак. Қўлингизга қандай тушиб қолди?

— Бу сенинг ишинг эмас. Ўқи дегандан кейин ўқи.

— Ҳўқимайман. Бировларнинг ҳаёти мени қизиқтирмайди.

— Вой, аҳмоқ! Овқат билан калтакнинг фарқига бормайдиган кучукни кўришга кўзим йўқ. Сени бошлаб, тузлаб бурнингни тагидан қайлиғингни тортиб олганини унутибсан шекилли.

— Улар бир-бирларини севишади, Юсуф Гулшодга уйланиб, тўғри қилди. Энди мени уларнинг турмушига аралаштирманг.

— Шунча пайтдан бери аралашар эдинг-ку.

— Чунки аҳмоқ эдим. Хатни эса Қозига элтиб беринг.

Солиҳат хонасига кириб кетди. Хадича хатни Қозига олиб бориб бермади. Эртаси куни қизи ишга кетганда, қўшнисини қизини чақирди.

— Жоним, мана шу хатни овоз чиқариб ўқиб бер. Қизим келгунча сабрим чидамади. Бу хат эрим — Қосимдан шекилли.

Қизча равон ўқиётганларини эшитиб, Хадича оҳурди.

— Оҳ, менинг бағрим куйсин! Мен бўлсам, бу хатни бизга деб ўйлабман. Билганимда, сени ўқигин дермидим? Буни ҳеч кимга айтмагин, хўпми. Оҳ, мен аҳмоқ, тентак, на ўқишни, на ёзишни биламан. Мана бу конфетни ол, жоним, тилинг ширин бўлсин. Ўқиганларингни ҳаммасини унут.

— Ҳеч кимга айтмайман, хола,— қизча ваъда бериб Хадичанинг уйидан чолиб чиқиб кетди.

Хадича, гўё ҳўл куракдай тили билан конвертни ҳўллаб, ёпиштириб қўйди.

Солиҳат уйга қайтганида, оғир ҳовонча тагида турган мактубга кўзи тушди. Хатни Қозига элтиб берганига онасидан аччиқланди, сўнгра хатни олиб, Гулшоднинг олдига югурди. Гулшод мактубни кўриб, қувончдан сакраб юборишига сал қолганди. Ушбу мактубни кутиб, Юсуф кетгандан бери кунларни, соатларни санарди.

Гулшод хатни ўқигач, юзида ўзгариш пайдо бўлди, кўзларида ёш қалқди.

«Унга нима бўлди?»— деб ўйлади Солиҳат. У Гулшодни уялтирмаслик учун Гулшод сигир соғаётган саройдан секингина чиқиб кетди.

Гулшод қўлидаги мактуб билан тун бўйи боғда ўтириб чиқди.

Мана, Юсуф қанақанги хаёллар билан менинг ёнимдан кетган экан.

Мана, нима учун у уйдан чиқиб кетаётиб, бир неча марта орқасига қайтди. Нимадир демоқчи бўлди, айтолмади. Мана нима учун барибир сарфлаб юбораман деб пулларнинг ҳаммасини берди... Эҳтимол, бу хатни ўзи ёзмагандир? Балки биронтаси уни қўлини қилиб ёзгандир? Ахир партбилетни йўқолиши ҳам ғалати бўлган эди-ку. Балки бу хатни биронта кимсага кўрсатиш керакдир? Ёки Юсуфни келишини кутайми?.. Аввало у қачон келади?.. Йўқ! Мен уни келишини кутиб, тинчгина ўтиролмайман. Ҳозироқ Хасавюртга боришим керак».

Гулшод чопиб, уйдан чиқиб кетди. Йўлидан колхоз машинаси чиқди. Шофёр тезликни пасайтирди.

— Ҳа, Гулшод, тонг ёришган ҳамон Юсуфнинг дарахтларини тонг билан қутлагани югурдингми?

— Мен... Мен...— Гулшод нима деярини билмай, нам сочларини кафти билан силади.

Уни паришонлигини кўриб, шофёр дарҳол ҳазилни қўйди.

— Кимнинг тоби қочди?— У ҳамдардлик билан сўради.

— Йўқ. Ҳаммаси соғ. Мен, шунчаки, айлангани чиқдим.

— Мен Бўйноқга кетяпман. Балки Хасавюртга ҳам ўтарман, агар Юсуфни кўрсам, салом айтаман.

— Тўхта!..— қичқирди Гулшод.

\* \* \*

Хадича Юсуфнинг хатида нима ёзилганини билар, Қозини уйда қачон тўс-тўполон бўлишини кўришга сабри чидамай, уларнинг уйига мўралар ва қулоғини динг қилиб кутарди. Аммо ҳамон сокинлик. Солиҳат ҳам унга аччиқ қилиб жўрттага индамасди.

— Юсуфнинг хатини олганда Гулшод хурсанд бўлдими?— У мулойимлик билан қизидан сўради.

— Жонидан ортиқ кўрган кишисидан хат олади-ю, хурсанд бўлмайдимми?

— Унинг лочини нима деб ёзибди хатда?

— Билмайман, ойи, у айтмади, мен ҳам сўраб ўтирмадим.

Кейинги куни эрталаб, ўзини босиб туролмаган Ха-

дича, Ҳалиматникига йўл олди. Ҳалимат жойнамоз устида ўтирарди.

— Бирпасга буёққа чиқ,— шивирлади Хадича.

— Вой, қўрқитиб юбординг! Қаллаи саҳарда нима қилиб юрибсан? Тинчликми?

— Гулшод уйдами?

— Кечадан бери йўқ. Балки онасиникида қолгандир.

— Унга қараб юр. Тагин нарсаларини онасиникига ташиб кетмасин. Кеча унга Юсуфдан талоқ хати келди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— Ҳалимат қўшнисини тирсагига маҳкам ёпишди.— Қандай фалокат. Биз бўлсак ҳеч нарсани билмаймиз. Эҳтимол уйни ярмини кўчириб кетгандир.

Ҳалимат ёшларнинг хонасига отилди. Уни кетидан Хадича ошиқди. Бироқ хонадаги бирор нарсага тегилмаган, ҳамма буюмлар ўз ўрнида эди. Ҳалиматнинг кўнгли ўрнига тушди.

— Яхшиямки, биз вақтида билиб қолдик. Тезроқ қимирла, нарсаларни йиғиштир,— дея Хадича уни шоширарди.

— Оҳ, сен қуриб кетгур! Нега олдинроқ айтмадинг. Бутун тун бекор ўтди, кундузи мен нарсаларни қаерга қўяман? Одамлар кўриб қолишади,— Ҳалимат қўшнисига ташланди.

— Агар уйингга яширишга қўрқсанг, бизникига олиб чиқ. Қозини уйғот, ташишиб юборсин.

— У ҳеч нарсани билмаслиги керак. Кеча сизгирни сотгандим, шундан бери менга ғижиниб юрибди. Бугун бўлса, азонда туриб ҳўкизларга ем бергани кетди.

Ҳалимат шундай дея, девордаги гиламни йиғарди.

— Ҳалимат, тўйдан кейин сотиб олинган нарсаларни йиғиштир. Уларда Гулшоднинг ҳаққи йўқ.

— Унинг нималар билан бизникига келганини одамлар билишади,— жавоб қилди Ҳалимат ва сандиқни очиб, нарсаларни бўғча қилиб туга бошлади.

Ҳалимат нарсаларни йиғиб тахлар, Хадича эса уни ўзининг уйига таширди. Қуёш чарақлаб, бўм-бўш хонага хушнуд ёғду сочган маҳалда икки аёл жойнамоз устида жимгина ўтирардилар.

Ҳалимат Гулшод онаси билан нарсаларни олиб кетиш учун ана келади, мана келади, деб кутди. Бироқ ҳеч ким кўринмасди. Қизи уйга келгач, қаердалигини сўраганда Ҳалимат билмайман, деб жавоб берди.

— Гулшодсиз уй ҳувиллаб қолгандай, зерикарли, — деди Қози.

— Модомики, сен усиз яшай олмас экансан, унга уйланишинг мумкин. Энди у озод, ўглинг у билан ажралишди! — Ҳалимат эрига янгиликни баён этди.

— Нима деб вайсаяпсан? — Қози курсидан сапчиб туриб, қошиқни ерга улоқтирди.

— Ҳозиргина Хадича келиб айтди. Нега соқолингни юласан? Энди эшитяпсанми? Юсуф бу ҳақда неча маротаба айтган! Кетишдан олдин сенга ҳеч нарса демаганмиди?

— Биласанми, ўғлимизни қандай қиздан жудо қилдинг?! Кўраман ҳали, энди уни кимга уйлантирар экансан!

— Демак, сенингча, ҳаммасига мен гуноҳкорман. У билан ажралгин, деб Юсуфни кўндирган сен эмасми?

— Шум кампирсан, сенинг тилинг бўрининг тишидан ҳам ўткирроқ. «Набира, набира», деб қулоқни қоматга келтирган ўзинг-ку.

— Сен доим ҳамма айбни менга ағдарасан. Ўзингни панага олиб, бошқаларни жарга итарасан. Хўп, майли, битта мен айбдор бўла қолай. Ҳеч кимдан қўрқмайман. Яккаю ёлғиз ўғлини болали бўлишини қайси она хоҳламайди.

Қози Гулшодни хонасига кириладиган эшикни очди.

— Кетибди! — яланғоч деворларни кўриб ҳайқирди.

— Ё олло, — Ҳалимат муғамбирона куйинди. — Ҳамма нарсаларни олиб кетибди!

Ҳовлида Кавсаратнинг овози эшитилди.

— Гулшод! Гулшод!

Эр-хотин чопиб, пиллапояга чиқдилар. Кавсарат улардан сўради:

— Гулшоднинг тоби қочдими? Кеча менинг олдимга бормоқчи эди, бормади.

— Ҳаҳ, албатта! Изини супуриш учун келган. Қизи қаерга кетганини билмасмиш. Гўё нарсаларни олиб кетишда қизига ёрдам бермагандек! — бақирди Ҳалимат.

— Қандай нарсалар ҳақида гапиряпсиз? Қизим қани?

— Уни сурбетлигини қаранг-а, — Ҳалимат эрининг биқинига туртди.

— Библиб қўй: агар нарсаларимизни денгизнинг тубига ташласанг ҳам топиб оламиз. Булар ҳаммаси ўғлимники!



— Қанақа нарсалар? Қизим қани?— даҳшат ичра сўради Кавсарат. У қизининг хонаси бўм-бўш турганини кўриб, гандираклаб, юрагини чангаллади.

— Ўзи нима гап? Гулшод қани?

— Энди биз қизингиз учун жавобгар эмасмиз. У энди Юсуфнинг хотини эмас,— жавоб қилди Ҳалимат.

— У қачон уйдан кетди?— Кавсарат мушт ўқталиб Ҳалиматга ташланди.

— Кеча кечқурун кетган. Биз уйда йўқ эдик. Ҳамма нарсани олиб кетибди!

— Гулшод! Гулшод!— Кавсарат ҳўнграб йиглаб, чалажон одамдай каловланиб, зинадан зўрга-зўрга туша бошлади. Хадича кириб келди.

— Гулшод онасиникида эмас экан,— Ҳалимат қўшнисига шипшиди.

— Ҳойнаҳой, ўзини жарга ташлагандир?— Хадича лабини қимтиди.

— Бўлмаса-чи тоғда ҳар қандай тентаклик қилиш мумкин!— тараддудланди Қози.

— Вой-вой! Мен буни ўйлаб ҳам кўрмабман!— Ҳалиматнинг ранги бўзарди.— Уларни ажрашганини Кавсаратга айтмаслик керак эди. Энди ўғлимни Сибирга юборишади. Вой, нега ажралишганини айтдим!

— Қизни биз ҳалок қилдик,— деди Қози бўғиқ овозда.

— Мен ўйлаб топдим. Юсуфнинг хати тўғрисида ким билади? Ҳеч ким. Ажрашганларини Кавсаратга айтганимни ким эшитди? Ҳеч ким! Биз ҳеч нарса билмаймиз, вассалом!

\* \* \*

Гулшод самолёт трапидан тушаркан, овулдошлари алланималар дея, унинг олдига чошиб келардилар. Ниҳоят, уларнинг гаплари аниқроқ эшитила бошлади:

— Қаёққа ғойиб бўлдинг! Бутун овул икки кундан бери оёққа туриб сени қидирди. Дарёга чўкиб кетибсан, деб ўйлашди.

— Чўкиб нима зарур, яшаш жонимга теккани йўқ,— дея Гулшод қуруққина жавоб берди ва онасининг уйига қараб кетди.

Гулшод Бўйноқдан таксига ўтириб, Хасавюртдаги селекция станциясига борди. Унга Юсуф тажриба участкасида эканлигини айтишди, у ўша ерга борди.

Гулшод ёнига боргунга қадар Юсуф уни кўрмади. У қандайдир икки киши билан дарахт соясида гаплашиб турарди. Гулшод унинг қарашини кутди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Юсуф кутилмаган учрашувдан ҳаяжонланиб, ён дафтарчасини тушириб юборди. У суҳбатдошларига нимадир деди, кейин негадир бош кийимини ечди ва яна Гулшодга қаради.

Унинг рангининг оқариб кетиши, биринчи онда, кўзларини олиб қочгани Гулшодга жуда кўп нарсаларни англатди. Гулшод, Юсуф бу хатни ёзиб қўйиб, ўзи ҳам пушаймон бўлаётгандир, деб ўйлади. Мана, ҳозир у гуноҳкорона жилмайиб олдига келади, Гулшод эса, бир оғиз ҳам таъна қилмай, унинг бўйнига осилиб, усиз яшай олмаслигини айтади.

Бироқ Юсуф ҳамон жойида турарди. Шунда Гулшод ундан сўради:

— Бу хатни сен ёздингми?

— Мен,— дея у бош ирғади.

— Мен сени ҳақиқий эркак деб ўйлагандим. Сен бировларнинг чизган чизигидан чиқмайдиган продаеиз, латта экансан. Энди менга ҳаммаси равшан. Мен сендан... бошқа ҳеч нарса истамайман. Хайр...

Гулшод кескин бурилиб, нари кетди.

\* \* \*

Энди у онасининг уйига қайтиб келди. Дарҳол очишга журъат этмай, дарвоза олдида туриб қолди. Яқиндагина онасининг, қайтиб уйга келишингдан бошқа ҳаммасига чидайман, деб айтган сўзларини эслади. Аммо нима қилсин, Гулшод учун бошқа йўл йўқ эди. У шахт билан қадрдон уйи остонасига қадам қўйди.

Уй одамларга тўла эди. Онаси оҳ уриб додлаганча, қизига отилди.

— Ҳасратингда ўлишимга сал қолди. Наҳотки, Қозининг ўғли ташласа, онам ҳам сиғдирмайди, деб ўйлading?!

Гулшод бу воқеа тўғрисида ҳеч ким билмайди, деб ишонган эди, бу ҳолни кўриб ажабланди. Одамлар дарров уй-уйларига тарқалишди. «Бахтига тирик экан,— дейишди кекса аёллар.— Турмушда ҳамма нарса бўлади. Ажралишганларга гўр кавланмайди, марҳумларга кавланади».

— Боққа у-бу сотиб олиш учун колхоз машинасида Хасавюртга бордим. Икки кун уйда бўлмаганимга демак ўлдига чиқарибсизлар-да?!

Она-бола ёлғиз қолишганда Гулшод унга бор ҳақиқатни сўзлаб берди.

— Қози, доим менинг кўнглимга ёқмасди,— қизига эслатди Кавсарат.— Бошқа ҳеч нарса қила олишмайди. Юсуфдан хат олганинг замон менинг олдимга келишинг керак эди. Аммо энди бўлар иш бўлибди. Юр, ҳеч бўлмаса ўзингнинг кийимларингни олиб келайлик.

Улар Қозининг уйига йўл олишди.

Гулшод чўкиб кетган деб ўйлаган Ҳалимат уни кўриб, қўрқиб кетди ва овулни бошига кўтариб бақира бошлади:

— Оҳ, суюкли келиним, қаерларда юрибсан?

Аммо келини топилгани Ҳалиматни қувонтирмади, аксинча, ўғлим қарорини ўзгартирмаганмикан, дея ташвишланарди.

Гулшод кириб, хоналар бўшаб ётганини кўрди-да, нарсалари қаердалигини сўради.

— Билмайман. Мен уйда йўқ эдим, қаердан билай,— жавоб берди Ҳалимат.

— Бўлмаса ким олиши мумкин?

Қўни-қўшнилар йиғилишди. Ҳалимат уларга арз қила кетди.

— Уни қаранг-а, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим нима иш қилиб қўйибди. Мен Гулшоддан яхши келин тополмайман. Ўғлимиз бизни ранжитди. Ундай боланинг бўлганидан бўлмагани яхшироқ. Биз эрим билан ярим аср яшаб, бир-биримизга сира ёмон гапирмаганмиз.

— Бу ерда бир сир бор... Улар бир-бирларини жуда севардилар. Юсуфнинг келишини кутиш керак.

Қўшнилар гап нимада эканлигини тушунолмай гаранг эдилар.

— Биз бошқаларнинг олдида ўзимизни ерга урмоқчи эмасмиз.— Чамадондан Гулшодни кийимларини оларкан, гапирди Кавсарат.— Олтин ерда қолмайди, кумушни занг босмайди. Қизимнинг ҳам тенги топилади. Ҳалимат бугун нарсаларини олиб чиқиб кетибди, эртага баттарроғини қилади. Қизим беш йил шу рўзгорга хизмат қилди, барибир буларга камлик қилди.— Кавсарат қўлига илинган яхшилаб дазмолланган Юсуфни кўйлагини олиб отди.

— Ойи, чанг бўлади-ку!— Гулшод кўйлакни ердан олмоқчи бўлди.

— Чанг бўладими, йўқми, энди бу билан ишинг бўлмасин!

— Йўқ, ойи, бундай қилмаслик керак. Юринг, кетдик.— Гулшод кўйлаklarини чамадонга солиб, эшикка йўналди. Улар чиқиши билан Ҳалимат қичқирди:

— Бошқаларни айблагандан кўра Гулшод нима билан келганини эсланг яхшиси. Бу ерда Юсуфнинг сира айби йўқ, у фарзанд кўришни хоҳлайди, Гулшод бўлса, пуштсиз.

— Тиззанга набира ўтиргизиш ҳеч қачон насиб қилмасин! Бола янги келинингнинг қорнида тиқилиб ўлсин! Қизим сенлар билан ажрашганига парво ҳам қилмайди,— деди Кавсарат унга жавобан.

— Ойи, бас қилинг! Бу гапларни нима кераги бор? Гулшод бирдан тўхтаб қолди.

— Ойи, чамадонимни ушлаб туринг, ойнани орқасида битта қоғозимни унутибман.— У чопиб зинадан кўтарилди. Юсуф қисқа муддатга бўлса ҳам уйдан кетган пайтларида ёзиб юборган хатларини олиб кетмоқчи эди, аммо хатлар жойида йўқ. Ерда ётган Юсуфнинг кўйлагига кўзи тушди. Гулшод кўйлакнинг чангини қоқиб, эҳтиётлаб тахлаб, каравотга қўйиб, ўстини қоғоз билан ёпди.

\* \* \*

Юсуф билан Гулшоднинг ажралишганлиги ҳақидаги хабарни Солиҳат ҳаммадан кейин эшитди. У эрта тонгда онаси жойнамоз устида ўтирганда далага кетганича, кечқурун чарчаб-ҳориб қайтди.

Қўшнилари уни таассуфли хабар билан қарши олишди:

— Юсуфдан талоқ хати келди. Гулшод йўқ, ўзини дарёга ташлагандир, деб айтишяпти.

Солиҳат қўрққанидан бақириб юборди. Кейин эса Гулшод қайтиб келмадимикин, деб тун бўйи мижжа қоқмай қулоқ солиб чиқди.

«Нега мен уларнинг ҳовлисига тош отдим?! Онамни унга туҳмат қилишга йўл қўйдим?!» Гулшоднинг ишонч билан самимий кулиб турувчи чехраси кўз олдига келди. Солиҳатнинг унга қандай пасткашликлар қилаётганини у хаёлига ҳам келтирмасди. Ранжитганим учун энди мен унинг олдида бир умр гуноҳқорман. Юсуфдан хат олганда қанчалар қувонганди. Хатни ўқибоқ синган новдадай, боши эгилди! Агар нималар ёзилганини билганимда, унга хатни бермаган бўлардим.

Ҳаққоний, тўғри сўзли йигит — Ҳамид эсига тушди. Солиҳатнинг ўрнида бўлганда, у қандай йўл тутарди.

Энг даҳшатлиси эса қип-қизил муқовали партбилет воқеаси... Унда Юсуфни кулиб тушган сурати... Йўқ, партбилет йўқолганда Юсуф кулмади. У лабларини қаттиқ қимтиб, қовоғини солиб юрди. Парторгни жиддий қилиб:

— Қатъий ҳайфсан! — деган сўзлари Солиҳатнинг ёдига тушди.

Юсуфга ҳайфсан! «Йўқ, менга ҳайфсан берилиши керак эди! Ҳаммасига мен айбдорман, мен, мени лаънатланг!» — дея Солиҳатни ҳайқиргиси келди. Аммо одамлар ҳеч қачон ушбу сўзларни эшитмайдилар, чунки шундай деб айтишга у сираям журъат эта олмайди.

Ҳозир ҳамма сокин уйқуда. Фақат Солиҳатгина кўз юммайди. Виждони нопок одамни уйқуси беҳаловат бўлади. Тўғри йўлдан шахдам одимлаб кетаётган покиза виждонли, оқкўнгил одамларга ҳаваси келади.

Солиҳат бемор одамдек титрарди. У чироқни ёқди, ўчоқ олдида тўзиб ётган қандайдир хатларни кўриб қолди. Хатлардан биттасини олиб ўқий бошлади:

«Севиқлим!..» Солиҳат ўзини тутиб туролмай, мактубни охиригача ўқиб чиқди. Кейин бошқасини олиб ўқиди. Юсуфнинг қўли билан ёзилган, ҳар бир мисрада ифодаланган севги ҳақида на қўшиқда куйланган, на эртақда сўйланган, бирор кинода кўрилган. «Маня, дунёда қандай севги бўларкан! — ўйлади Солиҳат. — Бундай севги менга насиб қилармикин?»

— Бу хатлар қандай қилиб бизникига келиб қолди? — Шунда бирдан ўйлаб қолди Солиҳат. — Бу онаминг иши бўлмаса эди...

Солиҳат хатларни авайлаб тахлаб, газетага ўради. «Мен бу мактубларни Гулшодга қайтариб бераман... Бироқ у қаерда?»

— Гулшод! — қиз кутилмаганда бирдан бақририб юборди ва овозидан ўзи чўчиб кетди.

«Овулдаги ҳамма одамлар Гулшод учун ташвишланыпти. Агар менга бирор кори ҳол бўлса, ҳеч ким бунчалик қайғурмасди. «Битта гийбатчи камайди», деб қўя қолишарди. Бассалом. Мен нима учун дунёда яшяпман?»

Эрталаб Солиҳат Кавсаратнинг олдига борди.

— Гулшод қайтиб келмадими? — сўради у.

Жавоб беришга онанинг мажоли етмай, бошини тебратди. Солиҳат унинг ёнига ўтириб, қўлидан келганича тасалли бермоқчи бўлди. Лекин эплай олмади. У кетишга отланиб турган пайтда Ҳамид кириб келди.

— Мен суриштирдим, колхоз машинаси кеча Хасавюртга кетган экан,— деди у.— Гулшод ҳам шу машинада кетган бўлиши керак. Хола, сиз кўп хавотирланманг.

— Вой, ўғлим! Машина эрталаб кетган, Гулшод эса кечасиям уйда бўлмаган.

— Гулшоднинг ақли бор, бемаънилик қилмайди. Ундан ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Пешингача ҳаммасини билиб келаман.

Ҳамид чиқиб кетди.

«Мени ҳатто пайқамади,— ўйлади Солиҳат,— қизиқ, ўзига унаштирилиб, кейин бошқага турмушга чиққан аёл ҳақида мунча қайғуряпти. Ҳақиқий инсон мана, қандай бўлиши керак! Ҳамид, нима учун мен сени илгарироқ билмадим? Билганимда, эҳтимол одамларга шунча ёмонлик қилмаган бўлармидим. Балки сен зерикканингдан Нуцалай билан учраша бошлагандирсан. Агар Юсуф ҳақиқатдан ҳам Гулшод билан ажрашса, Ҳамид Гулшодга уйланади. Оҳ, лаънати! Мунча кўнглим қора бўлмаса! Ҳатто шундай пайтда ҳам яхши одамларни қоралашни билади. Ҳамид Гулшодга худди синглисидай, яхши дўстдай ғамхўрлик қилиши керак».

Солиҳат ўрнидан қўзғалди.

— Кавсарат хола, куюнаверманг. Гулшод келиб қолар, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.— У қайрилиб чиқиб кетди.

Солиҳат Гулшодни қайтиб келганини эшитиб, ичидан қувонди. Ҳатто Гулшодни қучоқлаб, ундан узр сўрамоқчи ҳам бўлди. Бироқ Солиҳат бундай қила олмади...

Юсуфнинг мактублари қандай қилиб уларникига келиб қолганини онасидан сўраб билишга аҳд қилди. Онаси, ёқиш учун бошқа қоғозлар билан бирга кўчадан териб келганлигини айтди. Балки Гулшод бу хатларни тасодифан тушириб қўйгандир. Солиҳат онасининг сўзларига ишонди ва хатларни олиб Гулшодникига равона бўлди.

— Вой, Гулшод, қаерларда қолиб кетдинг?

— Акангнинг олдига бориб келдим. Бутун овул оёққа туришини қаёқдан билай? Яхши иш бўлмади.

— Кечир мени, Гулшод...

— Нима учун? Сен фақат хатни келтириб бердинг, сени ўрнингда бошқа одам бўлганда ҳам бу ишни қилиши мумкин эди.

— Гулшод, сен мана бу хатларни тушириб қўйиб-

сан, ойим кўчадан териб олган экан, ёқиб юборишига салгина қолибди.— Солиҳат унга бир даста хат узатди.

— Мен фақат шуларни олмоқчи эдим. Қайнонам нарсаларни ташиётганида тушириб қўйган бўлса керак. Мен ҳар бир мактубни авайлаб асрадим.

— Сен нарсаларингни олмадингми? — ажабланиб сўради Солиҳат.

— Нарсаларни оладиган аҳволда эмасдим.

— Сен қандай аҳмоқсан-а? Қандайдир қоғоз сенга бор бисотдан қимматлироқ! — Кавсарат кесатиб гапирди.

— Дунёдан энг азиз нарсамни йўқотган пайтда латтага ачиhib нима қиламан? — Гулшод кўз ёшларини зўрға тийди.

Шу пайт Ҳамид кириб келди.

— Гулшод, ҳаммамизни қўрқитиб юбординг-ку.

— Чанга ботиб кетибсан, Ҳамид. Қаердан келяпсан?

— Зокирдан мотоциклини олиб, Бўйноққа бордим. Шофёримиз Гулшод Хасавюртга кетганини айтди. Гулшоднинг соғ-саломат эканлигини билиб мен орқамга қайтдим. Бу бўлса, шу вақт ичида уйга етиб келибди.

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат! Агар мотоциклда кетганингни билганимда қўрқиб юрагим ёрилиб кетган бўларди.

— Пиджагингни ечиб, ювиниб ол,— дея Гулшод унга тоғорада сув келтирди.

— Раҳмат, мен уйга борай. Биринчи галда кийимларимни алмаштиришим керак.

\* \* \*

Бир неча кундан кейин Гулшод бетоб бўлиб, ётиб қолди. Унинг иссиғи кўтарилиб, алаҳлай бошлади. Кавсарат тез-тез деразадан кўчага мўралар, бирортаси ўтиб қолармикин, деб қулоқ соларди. Уйни ёнидан ҳеч ким ўтмас, Гулшодни ёлғиз қолдиришга эса кўнгли бўлмади. Кавсарат қўшнисини чақирмоқчи бўлиб, томга кўтарилди.

— Фотимат! Ҳой, Фотимат!

Девор ортидан Фотиматни боши кўринди.

— Нима гап?

— Болаларингдан бирортасини врачга юбор, Гулшоднинг тоби қочиб қолди.

— Нима деяпсан? Шўрлик Гулшод! Ҳозир бирпасда ўзим чошиб бориб келаман!

Тез орада врач етиб келди. Бу Юсуф билан Гулшод Махачқалъадан келаётганда йўлда учраган Али эди.

— Эри қаерда?— сўради у.

— Мен қаердан билай? У бизникига келмайди!  
Анчадан бери борди-келдимиз йўқ.

— Асаблари қўзғалган. Бирор гап ўтдими?

— Бунга келган бало, майли, менга келсин, қизим тирик қолса бўлгани,— Кавсарат фақат шундай деди.

— Укол қиламиз.

— Нима қилиш кераклигини сен яхшироқ биласан, ўғлим.— Она кўз ёшларини артди.

— Хавотирланманг, опа, қизингиз бир неча кундан кейин тузалиб қолади.

Али тун бўйи беморнинг ёнида ўтириб, қизининг оғир қисмати ҳақида Кавсарат гапириб берган ҳикояни эшитди.

Гулшод алаҳлаб, Юсуфни чақирарди.

— Азизим, қачон келдинг? Дарахтлар аллақачон гуллади!

«Нима учун Юсуф Гулшод билан ажрашди, ахир Гулшод уни шунчалар севса!»— ўйларди Али.

Эрталаб врач беморларни қабул қилиш учун касалхонага кетди. Гулшоднинг ҳарорати пасайди, бироқ ҳадеганда ўзига келолмади. Чамаси уч соатлардан кейин Али навбатдаги уколни қилишга келди. У Гулшод то соғайиб кетганга қадар ҳар кун келиб турди.

Юсуф келганлиги ҳақидаги хабарни эшитган Ҳамид, уларникига йўл олди. Эркаклар ичкари хонага кириб кетганда, Қози, Ҳамиднинг қуроли бор, деган ўйдан ташвишга тушди.

Ҳамиднинг келиши Юсуфни ҳам қувонтиргани йўқ. Аммо Юсуф сирли тарзда йўқолган партбилетни олиб келмадимикан, деган хаёлга борди. Уни Ҳамидга нисбатан шубҳаси ҳали тарқалгани йўқ эди.

— Юсуф,— гап бошлади Ҳамид,— биласан, мен сен билан ҳеч қачон айтишмаганман, агар Гулшод воқеаси бўлмаганда эди, энди ҳам олдинга келмаган бўлардим...

— Сен нима ҳақида гапиряпсан?

— Нима иш қилиб қўйганингни тушунмаяпсанми?  
Эҳтимол ўйлаб кўрарсан?

— Сен яхшиси ўзингни ўйла, мен бўлсам бир амаллаб оилам ҳақида ўйлаб кўрарман,— Юсуф жаҳл билан жавоб берди.



— Ахборотинг учун Гулшод менга бегона эмас. Биз тоғлиқларда жуда ёмон одат бор: арзимаган майда-чуйда учун ёки кўролмаслик туфайли бир-биримизни ҳалок қилишимиз мумкин. Бунга қарши курашиш керак. Уйланмасингдан олдин қанча шов-шув кўтарганингни эсла! Гулшод бу азоб-уқубатларнинг ҳаммасини босиб ўтиб сенга турмушга чиқди. Энди бўлса, сен уни ташладинг. Ўзинг ўйлаб кўр, бу қалинга, аниқроғи — олди-сотдига қаршилиқ қилиб, ўз тақдирларига ўзлари эга бўлиши учун тиришяётган қизларга қандай таъсир этади. Кеча Ранганат қизига: «Болалар отонанинг гапига кирмаса, мана оқибати нима бўлади. Агар Гулшод тақдирга тан бериб, онасининг айтганини қилганда бошқаларга ўхшаб тинчгина яшяётган бўларди. Севги яхшилиқка олиб келмайди», деб айтаётганини эшитиб қолдим.

— Ҳамид, дўстим, турмуш доим биз айтгандек текис кетавермайди. Фарзанд кўриш истаги мени кемира бошлади. Ҳа, Гулшод билан ажралишга ўзим аҳд қилдим. Менга ҳозир шундай туюляпти. Гўё юрагимни суғуриб олиб, тошларга уриб парчалаб ташладим. Унга ўша бир неча мисра хатни ёзгандан кўра ўзимни оловга ташласам — енгилроқ бўларди. У билан инжиқлиги туфайли ажрашди, деб ўйлаяпсанми?

— Нима учун ажрашдинг, бунинг аҳамияти йўқ, муҳими, сен уни ташладинг!

— Вой, худо! Ҳамид, нима қилай, фарзанд кўриш истагини енга олмадим. Бу истак қалбимни эза бошлади. Ўзимни қўярга жой тополмадим. Агар билганингда эди, мен бу қарорга келгунча ўзим билан олишиб, қанчалар қийналдим. Энди бўлса, худди гуноҳкордек, одамларнинг кўзига қарашга ботина олмайман. Гулшодга нисбатан яхши иш қилмадим. Лекин Гулшоддан устимдан шикоят қилиб, аризалар, ҳақоратомуз хатлар ёзишини кутмагандим. Ўзинг ўйла, бизнинг уйдан ҳамма бисотини олиб кетган, тагин бўлса, аризасида ёзибдики, мен уни талаган эмишман!

— Юсуф, мен сенинг ўрнингда бўлганимда севги, оила дарз кетган бир пайтда бундай майда-чуйда нарсалар ҳақида ўйламасдим. Жаҳл устида ўшандай аризаларни ёзган бўлиши мумкин, ахир сен уни жуда қаттиқ ранжитдинг. Бу можарони унутиб, биринчи қадамни қўй — уни уйга қайтар. Арзимаган гапга оилани бузиш ярамайди. Кейин кеч бўлади.

— У менинг олдимга қайтиб келади, деб ўйлайсанми? Унинг қандай мағрурлигини сен билмайсан. Агар бутун Доғистон аҳли унинг қаршисида тиз чўкса ҳам у энди мен томонга қайрилиб ҳам қарамайди.

— Лекин у сенинг олдинга — Хасавюртга борибди-ку!

— Хатни мен ёзган-ёзмаганлигимни билиш учун борди, билган ҳаманоқ қайтиб кетган.

— Юсуф, кейин жуда пушаймон бўласан, деб қўрқаман,— деди Ҳамид кетаркан.

— Мен ҳозир ҳам афсусланаман, аммо нимаям қила олардим,— Юсуф аччиқ хўрсинди.

## 9

Қози қўлларики бир-бирига ишқалаб уйга хурсанд кириб келди. Ҳалимат буни ўзича тушунди, ўғлим Солиҳатга уйланишга энди қарши эмас, деб ўйлади. Олдинроқ уйлантириб қўйишмоқчи эди, аммо ЗАГСда никоҳни бекор қилинишини кутишди. Гулшод ажралишга рози эканлиги ҳақида хат юборди. Энди ҳаммаси ортда қолди. Келинни узоқдан қидиришмайди. Уйнинг ёнида турганда, олисдаги булоқдан сув ташиб юришадими? Қалин ҳам бекор кетмайди.

Ҳалимат унаштириш ҳақида гап бошлаганда, Хадича ўзини худди эшитгиси келмаётгандек қилиб кўрсатди. Уларсиз ҳам қизнинг харидори кўп эканлигини айтди. Кейинги сафар, эри Солиҳатни Юсуфга беришга сира рози бўлмаслигини уқтирди.

— Ўйлаб, маслаҳатлашиб кўринглар,— Ҳалимат уни кўндиришга уринди.— Биз ахир қизингизни зўрлаб олмоқчи эмасмиз. Бош эсон бўлса, дўппи топилади. Ўғлимизни уйлантиришга қиз йўқлигидан келганимиз йўқ.

Аммо Ҳалимат кейинги сафар келганида, Хадича ҳамма удумлар бажарилди, энди розилик берса бўлади, деган қарорга келди.

Солиҳат хирмондан қайтиб келганида, онасининг Ҳалиматга айтаётган гапларини эшитиб қолди.

— Пайсалга солиб нима қиламиз. Энди улар кичкина бола эмас.

— Тезроқ ўша бахтли соатлар кела қолса эди, елкамдаги оғир юк ағдарилган бўларди. Хадича, тезроқ ҳаракатингни қилавер.

Солиҳат хонага отилиб кирди.

— Сизлар кимни узатяпсизлар?

— Узимнинг қизимни албатта,— мулойимлик билан жавоб берди Хадича.

— Бу ҳақда унинг ўзидан сўрадингизми?

— Керак бўлса сўраймиз, бор, ишингни қил.

— Демак, сизнинг ўғлингиз энди мени севиб қолибди-да? Сизни ҳам у юбордимми?— Солиҳат меҳмондан сўради.

— Мен ундан сўраб ҳам ўтирмайман. У отасига, кимга уйлансам ҳам барибир, деб айтибди.— Ҳалимат очигини айтиб қўя қолди.

— Сиз ўғлингизга бориб айтинг, агар унга барибир бўлса ҳам менга барибир эмас. Мен акамга тегмайман. Менинг севган кишим бор, ўшанга турмушга чиқаман.

— Кераксиз жойда шовқин солма, оғзингни юм...— дея Хадича қизининг лабларига шапиллатиб урди.

— Гапимни эшитдингизми? Устимдан керосин қуйиб, ўтда ёқсангиз ҳам мен сўзимдан қайтмайман.

У қўшни хонага кириб кетди ва орадан бир зум ўтмай катта тугундаги нарсаларни кўтариб қайтиб чиқди.

— Ҳалимат хола, бисотларингизни олинг. Энди бу нарсалар ҳеч кимга керак эмас.— У шундай дея, тугунни ерга ташлади.

Ҳалимат сапчиб ўрнидан турди. Хадича уни тинчлантиришга киришди.

— Ҳалимат, жаҳлинг чиқмасин, қизимни ёмон пашша қақибди шекилли, ўзи шунақа бўлиб туради, эси ўзига келганда афсусланади.

Икки аёл нарсаларни йиғиштиришга тушди.

— Ойи, нарсаларга қўлингизни ҳам теккизманг! Булар сизники эмас. Бу — Юсуфнинг қалини, агар булар бизнинг уйимизда қолса, ўт қўяман! Бисотингизни тезроқ олиб кетинг!— У Ҳалиматга бақирди.— Юсуф менга ака, фақат ака, тушундингизми?

Ҳалимат нима қиларини билмай, каловланиб турарди. Хадича эса, қутурган қизини босишга уринарди. аммо унга ялинишнинг фойдаси йўқ эди.

— Қари қиз бўлиб, ёлғизликдан бағринг қон бўлиб ўтираверасан, бадбахт!.. Ҳамма бало клубдан келяпти! Сени ўша ерда айнитишяпти. Шошмай тур, ўзинг пушаймон бўласан ҳали!— дўқ урди онаси.

Гулшод даладан келиб, ювиниб, сочини ўриб турганди, уни парторгнинг олдига чақириб қолишди. «Нима учун мен унга керак бўлиб қолибман? Эҳтимол боғдаги ишлар ҳақида сўрамоқчидир. Агар у мени Юсуф билан бирга ишлашга юбормоқчи бўлса, сираям рози бўлмайман. Майли, мени кўчатзорда қолдиришсин, боғни эса Юсуфга топширишсин. Йўқса, овулдан кетаман! Юсуф билан учрашишимнинг ҳожати йўқ».

Гулшод бир оз ўйланиб қолди. У қириб келганда идора тўла одам ўзини кутиб туришганини тушунди. Юсуф ҳам шу ерда эди. Гулшод уни пайқади ва кираётган жойида қотиб қолди. Кейин ўзини тезда қўлга олиб, ҳамма билан саломлашди ва Нуцалайнинг ёнига ўтирди.

— Гулшод, олдинга ўт, ҳозир сенинг аризангни муҳокама қиламиз.

— Қанақа ариза?

— Партия ташкилотига ёзган аризанг ҳақида гапириб бер, ўртоқлар гап нимада эканлигини билишсин.

— Нима ҳақда гапираётганингизни тушунмадим...

— Олдин Юсуф билан ораларингда нима ўтганини айтиб бер, нима учун ажрашдингиз, у сенга қандай муносабатда эди?

— Бу нарса иккаламиздан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмаслиги керак.

— Партия мажлиси сендан гапириб беришингни сўрайди.

— Мен нимани гапиришга ҳайронман.

— Сени у қандай қилиб алдаб, кейин эса ташлаб кетди. Биз сени ҳимоя қилишимиз керак.

— У мени алдагани йўқ. Мен уни севиб тегдим. Хафа ҳам қилган эмас.

— У сени урардими?— сўради қишлоқ Советининг раиси Ҳожи.

— Юсуф! Бирор марта бармоғини ҳам теккизган эмас,— деди Гулшод бошидаги шойи рўмолини тўғриларкан:— Юсуф мени ўқишимга ёрдам берди. Агар у бўлмаганда, мен ҳеч қачон институтга киролмаган бўлардим. Боғда ишлашни ўргатди.

— Унда нега ажрашдинглар?— сўради парторг.

— Болам бўлмагани учун. Тушундингизми?— деди Гулшод деярли бақириб, кўз ёшларини зўрға тийиб.

— Ҳозирги гапларингнинг ҳаммаси аризангда ёзганларингга тўғри келмайди,— деди ўқитувчи Ҳатимат.

— Қандай ариза ҳақида гапиряписизлар ўзи? Мен ҳеч қандай ариза ёзган эмасман.

— Агар унутган бўлсанг, мана, қара.

— Ёзган одам ўқисин,— деди Гулшод қоғозга ҳатто кўз қирини ҳам ташламай.

— Сенингча, ким ёзган? Қўрқмай гапиравер.

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Буни эса ким ёзганини билмайман.

— Аризани сенинг онанг олиб келди,— деди парторг.

— Унда ким ёзиб берганини ойимдан сўранглар. Ажрашганимизга Юсуф айбдор эмас. Кетсам бўладими?

— Марҳамат, кетишинг мумкин.

Гулшод иштирок этаётган пайтда Юсуф бошини қуйи солиб ўтирди. Гулшоднинг ортидан эшик ёпилгач, у хўрсиниб, бошини кўтарди-да, чўнтагидан дастрўмолчасини олиб, тер босган пешонасини арди.

Мажлисдан кейин унинг уйга боргиси келмади. Оғир хаёлларни тарк этиш мақсадида овулнинг нариги чеккасига бориб келмоқчи бўлди.

«Чик!» Унинг оёқлари остидан зўрға қулоққа чалинадиган овоз эшитилди. Юсуф эгилиб қаради. Бу топталган бўтакўз эди. Этиклари остида эзгиланган бу гул унга Гулшодни эслатди. Юсуф Гулшод кўзларини катта-катта очиб, нозик қўллари билан бўйнидан қучоқлаётганини тасаввур қилди. Уни хафа қилиш осон эди, аммо кайфиятини кўтариш учун ҳам бир оғиз ширин сўз кифоя эди. Мулойим боқишларга жавобан у сирли жилмаярди. Юсуф Хасавюртга кетишдан олдин қандай хайрлашганларини эслади.

— Сенсиз бир ойни қандай ўтказаман?— деганди Гулшод ўшанда. «Гулшод! Гулшод! Сени қалбингни мана шу бўтакўздедек эзгилаб, севгимизни барбод қилдим!»

Юсуфнинг кўзларидан ёш томчилади.

Бу кўзёшлар гўдак болани ёки ўсмирни эмас, етук эркакнинг аччиқ кўзёшлари эди.

Бирдан гул кўтарила бошлагандай туюлди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди! Гул япроқлари қайтадан тўғриланди! Бўтакўзнинг мулойим кўзи Юсуфнинг

чеҳрасига қадалди! Гулшод унга мана шундай боқарди!

— Гулшод!— бақирди Юсуф ва шу ондаёқ ўзига келди. Теварак-атрофга боқди. Тоғ тепасида ой сузиб юрибди. «Ой, ой! Сен қаерга ошиқяпсан? Сен кетсанг, ер юзига зулмат чўкади. Шошма, само ҳилоли! Ой! Мовий денгиздай кенг, бепоён фируза осмонда сузиб юриш ёмонми? Сенга ким халал беряпти? Уёқдан буёққа судралиб юрган беғам булутларми? Аммо улар сендаги гўзалликка тенглаша олармикин? Улар сенинг нурларингни тўсмоқчи бўлишади, бироқ қанчалик қийин бўлмасин, самони тарк этма!— Юсуф хаёлан ойга шундай мурожаат қилди. — Агар сен зиё таратмасанг шу лаҳзанинг ўзида ерда на гуллар, на майсалар, на дарахтлар қолади...».

Юсуф қайтишида Гулшодларнинг уйи ёнидан ўтди. Икки кишининг паст овозда суҳбатлашаётганлари очиқ деразадан унинг қулоғига чалинди.

— Али, Фази ўғил туғдими ёки қиз?— сўради Гулшод.

— Ўғил.

Алининг овозини таниб, Юсуф хўрсинди. У бу ерда нима қилиб юрибди?

— Қийналди деб айтаётганмидинг?.. Бечора!

— Умалганат билан мен уч сутка олдидан кетмадик. Ўзини ҳам, боласини ҳам зўрға асраб қолдик.

— Боланинг сочи жингалакми?

— Ҳозирча билиб бўлмайди.

Юсуф ўзининг жингалак сочларини сийпади.

— Али, кўзлари-чи, қанақа, қорами, кулрангми?

— Ё худо, билмайман, кўзини ҳам, рангини ҳам, бир неча ҳафтадан кейин аниқлаш мумкин.

Гулшод унга: «Бизнинг ўғлимизни сочи худди сеникидек жингалак, кўзлари кулранг бўлади», деган гапларни эслади Юсуф.

— Гулшод, сен менга қачон жавоб берасан?— Секин сўради Али.

— Али, ўтинаман, мени тинч қўй. Тош-шағал ташланиб, яхши тозаланмаган булоққа ўхшайди юрагим.

— Кўриниб турибди. Юсуф сени одамларга бўлган ишончингни йўқотган.

— Али, қалбимдан нималар кечаётганини билмайман. Гоҳо олдинги севгим жўш уради, гоҳо нимадир юрагимни безовта қилади. Илтимос, менга бошқа ҳеч нима дема.

— Ҳайлаб кўр, Гулшод, мен сени шошилтирмайман. Аммо ҳеч бўлмаса, озгина умидвор этсанг, шу билан ўзимни бахтли ҳис этардим.

Али хайрлашиб чиқиб кетди. Аввалига Юсуф унга етиб олиб, бирор нохуш гап айтгиси келди. Аммо шури йўл бермади. «Бу ерда Алининг нима дахли бор? Хазинамни ўзим рад этдим».

У овоз чиқармай деразага яқинлашди. Гулшод Юсуф билан деярли ёнма-ён туриб, осмондаги сузиб юрган булутларга термиларди. У Юсуфни пайқамади. Шунда Юсуф дераза рафида осилиб турган рўмолини секингина тортди. Гулшод қўрқиб ўтирилди.

— Юсуф,— деди бағри эзилиб.

— Гулшод, сўзимга қулоқ сол,— соғинч билан деди у.

— Бир пайтлар сенинг гапингга кирганим учун энди жуда афсусланаман. Ўзинг биласан, синган кўзани ямаган билан бутун бўлмайди.— Гулшод деразани ёпди.

\* \* \*

Юсуфнинг онаси сабрсизлик билан кутиб ўтирарди.

— Солиҳат сени сўраб, беш марта келди. Ана, яна келяпти.

— Юсуф, сенда ишим бор,— деди Солиҳат унинг кўзларига қарамай.

Онаси бошқа хонага чиқиб кетди.

— Нима ишинг бор эди?— Солиҳатнинг лаблари титраётганини кўриб, мулойимлик билан сўради Юсуф.

— Юсуф, фақатгина сендан битта илтимосим бор: ўлдирсанг ҳам майли мени, аммо кечир! Мана, ол,— у лол бўлиб қолган Юсуфга партия билетини узатди.

— Қаерда эди?

— Мен... Мен... олувдим. Ана, хоҳласанг ўлдир, ўлдир!

Солиҳат ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Сен олдинг? Нима учун?!

Солиҳат анчадан бери билетни Юсуфга беришга аҳд қилар, аммо ҳар сафар қўрқинч голиб келарди. Билетни қўлтигига яшириб қистириб, неча бор Юсуфнинг деразаси ёнига келди. Охириги пайтларда уни чақиришга журъат этолмади. Ҳаммасидан кўпроқ ўзининг бу қилиғини Ҳамид билиб қолишидан чўчиди. Бироқ виждон азоби унга тинчлик бермади. Йўқ, унинг

қандайлигини, майли, одамлар билишсин! Майли, Ҳамид ҳам, унинг орқасидан соядай эргашиб юрган бригадир Усмон ҳам билсин. Доимо виждон азобида яшагандан кўра, яшамаган афзалроқ.

Солиҳат, Юсуф урса керак, деб ўйлаганди. Лекин у фақатгина раҳмат, деди, ҳатто уйига кузатиб ҳам қўйди. Эртага нима бўлади? Бу ҳақда парторгга айтиши керак. Энди одамларнинг кўзига қандай қарайди?

Солиҳат ечинмасдан ўзини каравотга ташлади. Аммо ухлай олмади.

Бу кеча Юсуф ҳам киприк қоқмади. У қанчалар кўр, кар, тентак экан! Мана шу партбилет туфайли Гулшодга неча бор таъналар қилганди. Лекин Солиҳат-чи, унга нима дейиш керак? Келишга иродаси етибдими, демак, ҳаммасини ўзи тушунган. Балки парторгга кимдир ташлаб кетибди, деб айтиш керакдир. Албатта, бундай деса, ҳаммага қулайроқ бўлади.

\* \* \*

Эрталаб ота-онаси ўз ишлари билан кетишди. Юсуф ёлғиз қолди. Шу пайт Хабсат келиб, айвонга кўтарилди. У рўмолга ўралган қандайдир бўғчани ушлаб турарди.

— Юсуф, ёлғиз ўзингмисан? Ойнинг қани?— Хабсат тугунни столга қўяркан сўради.

— Билмайман.

— Мана бу гиламнинг пули. Манави шолрўмол билан кўйлакни сотолмадим, чунки Ҳалимат нарҳини жуда ошириб юборганди.

— Бу қандай рўмол?— Юсуф қотиб қолди. Унинг кўз олдида Гулшоднинг оппоқ шолрўмоли ётарди. Буни унга ўзи олиб берганди. Рўмолнинг тагида жим-жимадор яшил кўйлак кўринди.

Юсуф бошини чангаллади. Тақдир уни мана қандай жазога маҳкум этди. Нима учун нодон одамлардан ўз севгисини ҳимоя қилолмади? Баҳор пайти боғда эғнида худди мана шу кўйлаги билан унинг ёнида турган Гулшод кўз ўнгидан ўтди.

Юсуф онасининг хонасида турган катта сандиққа ташланиб, уни очмоқчи бўлди. Аммо сандиқнинг бурнида катта қулф осиглиқ турарди. Болтани олиб, қулфни бузди. Сандиқ лиқ тўла эди. Юсуф узук, тақинчоқ ва бошқа Гулшодга тегишли ҳамма буюмлар-



ни қидира кетди. Қўлига илинган бир даста ўн сўмлик пулларни иргитиб юборди. Қизил қоғозлар хона бўйлаб ҳар томонга учди.

Нарсаларни унча катта бўлмаган бир чамадонга жойлаб, Гулшодларнинг уйига югурди. У эшикни тақиллатмай, Гулшод ўтирган хонага отилиб кирди. Гулшод дераза олдида хат ўқиб ўтирарди. У хонада Юсуфнинг пайдо бўлганини кўриб, сапчиб турди, стул тарақлаб полга учиб тушди.

— Гулшод, мана буларни ол. Кийимларингни беришмаганини нима учун менга айтмадинг?

— Бу нарсалар менга керак эмас,— дея Гулшод ўгирилди.

— Йўқ, булар сенга тегишли,— Юсуф қўлидаги нарсаларни каравот устига қўйди.— Гулшод, менга қара.

— Мен бўлсам, кийимларимни кейинги келинга қолдиришди, деб ўйловдим,— унга қарамасдан жавоб берди Гулшод, кўзларидаги ёшни Юсуф кўриб қолишидан чўчиди.

— Бу дунёда сендан бошқа хотиним бўлмайди...

— Ширин гапларинг учун раҳмат, энди эса жўна.— Гулшод эшикни ланг очди.

Юсуф кетди. Унинг келиши қалбидаги бита бошлаган ярани қайтадан тирнади. У нима учун бу нарсаларни олиб келди? Ҳаётининг бахтли ўтган онларини эслатиш учунми? Хотираларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилни илитавермайди. Кўпчилиги қалбни музлатади.

Гулшод кийимларини йиғиштириб, шкафга қўйгач, Зарифатдан келган хатни охиригача ўқиш учун яна дераза олдида ўтирди. Зарифат озгина бўлса ҳам опасига тасалли бериш учун деярли ҳар куни хат ёзарди. У опасининг бошига тушган қайғуни яхши тушунар, ҳеч бўлмаса бир неча кунга Махачқалъага келиб кетишга Гулшодни таклиф қиларди. Гулшод қўлидаги хатга тикилар, кўз олдида эса Юсуфнинг чеҳраси намоён бўларди.

## 11

Гулшод боғдан кеч қайтди.

— Қалай, меҳмонларни кузатдингларми?— Кавсарат ундан сўради.

— Кузатдик,— хўрсинди Гулшод, у камзулини ечиб ўтирди.

— Роса чарчадингми?

— Ҳеч қачон бугунгидай чарчамагандим. Қўшни колхозга минг тул кўчат бердик.

— Текингами?

— Йўқ, нима учун текинга бўлади. Биз қанча меҳнат сарфлаб етиштирганмиз. Мана бу қандай дори?— Гулшод стол устидаги шишачани кўрсатиб сўради.

— Али олиб келиб берди. Оёғим оғрияпти. Шу доридан сурса енгиллашади, деди. Биласан-ку, кузда оёқ оғригим қўзийди.

— Кўриниб турибди, Али билан жуда тил топишиб қолибсиз,— кулди Гулшод.

— Яхши одам. Худо бахтини берсин. Кеча биттасини қорнини операция қилиб, ўлимдан олиб қолибди.— Кавсарат қизига қаради.

— Операция қилиш докторларнинг вазифаси. Зарифатимиз ҳам институтни битирса, операция қиладиган бўлади.

— Гулшод, қизим, сенга бир гап айтмоқчиман. Илгариги ёввойилигингни ташла, тинчгина ўтириб қулоқ сол. Сенга қараб туриб, онангнинг қалби қонга тўлади. Мен сен ёлғиз яшашингни хоҳламайман. Бундай яшаш ёш аёллар учун оғир. Менга Зарифатнинг ташвиши ҳам етарли. Алидан яхши одамни тополмайсан, деб ўйлайман.

— Ойи, яна адашишдан қўрқаман.

— Бахт қуши баъзиларга ҳаётининг бошида, баъзиларга охирида келади, дейишади. Бизда аёллар бола бўлмаса, айбни ўзларига олиб ўрганиб қолишган. Ахир доктор соппа-соғсан, деб айтди-ку. Юсуф бекорга шошилди.

## 12

Куз кечаларидан бири. Юсуф елкасига пижама-сини ташлаб, уйдан чиқди. Нега у ярим тунда, ўғри одамдай изғиб юрибди?

Юсуф ўз қалби билан узоқ олишди, аммо, ақл ёрдам бермади. Унинг фикри ёди овулнинг нариги чеккасидаги уйда эди. Хаёли ҳаворанг дарвозали, кичиккина ҳовлидаги пастаккина уй томонга учди. Бу дарвоза энди ўзига умрбод ёпиқ эканлигини у яхши биларди. Лекин барибир шу тарафга юрди. Мана таниш дераза. Юсуф беихтиёр тўхтади... Атроф сукутда...

Юсуф икки йил Москвада аспирантурада ўқиди. Дўстлари овулдаги ҳаёт ҳақида унга батафсил ёзиб туришди. Ҳатто Ҳамид билан Нуцалайнинг тўйида Ҳожиакбар маст бўлиб, папахини йўқотиб қўйганлигигача ёзиб юборишди. Онасидан ҳам мактуб олди. Кимгадир айтиб туриб ёздирибди. У, Солиҳатнинг Усмонга унаштирилганини хабар қилишни унутмабди. Аммо ҳеч ким Гулшод ҳақида бирор гап ёзмас эди. Юсуф боғдорчилар муваффақиятга эришганлигини газетадан ўқиганда, бу муваффақиятда Гулшоднинг ҳам меҳнати, ҳиссаси борлигини тушунди.

Юсуф бугун кечқурун Москвадан қайтиб келди. Қалби яна Гулшодга, унинг уйи томонга талпинади. «Азизим Гулшод! Кечир мени! Мен қаттиқ янглишдим. Машаққатлар эвазига эришган бахтимизни асрай олмадим».

«Шошма, Юсуф,— унга жавобан кимнингдир овози эшитилди,— тўхта. Қаерга кетяпсан, коммунист Юсуф! Сен яна бир оиланинг бахтини барбод этишинг мумкин! Орқангга қайт, бирор кимса кўрмасин, қайт!»

«Нима учун мен севикли ёримни кўришдан маҳрум бўлишим керак?— эътироз билдирди Юсуф.— Мен Гулшоддан кечирим сўрагани кетяпман. Мен унга: «Сен айбдор эмассан, сен дунёдаги энг ажойиб аёлсан», деб айтиш учун кетяпман».

«Кечикдинг, Юсуф. Орқангга қайт. Қайт тезроқ!»

Юсуф дераза қаршисида узоқ турди, сўнгра секин, судралиб уйига кетди.

Юсуф эрталаб шошиб ишга кетаётганди. У чорраҳага етганда қаршисидан Гулшод чиқиб қолди. Юсуф тўхтади. Гулшод жуда яқин келгандагина унга кўзи тушди. Гулшод қизил шойи кўрпачага ўралган гўдакни бағрига босиб келарди.

«Оҳ, худо! Қўлида бола! Унинг боласи!..»— Юсуфнинг юраги санчиб кетди.

Гулшод чаққон ҳаракат билан боланинг юзини ёпди ва бошқа томонга ўгирилиб кетди. Унинг қалбида Юсуфга нисбатан шафқат ҳисси пайдо бўлди.

\* \* \*

Юсуф унинг изидан термилиб, йўлнинг ўртасида турарди.

Қуёш мўралаб боқди. Офтобнинг илиқ нурлари, Юсуфнинг кумушсимон чаккаларига тегиб, ғамгин чеҳрасига тарқалди, аммо у илиқликни сезмади. Унинг бир пайтлар ишқ оташида ёнган қалби энди парча музга айланганди, қалбдаги музни эриши учун эса жуда кўп йиллар керак бўлади.

## БУЛОҚБОШИ

---

### ҲУРМАТЛИ КИТОВХОН!

Сен, албатта, бизнинг бепоён Ватанимизда, Кавказнинг кичик бир парчаси — Доғистон номли ўлка борлигини яхши биласан.

Унинг бир томонини Каспий сувлари ювиб туради, иккинчи томони тоғларга чиқиб кетади. Бу тоғларда яланғоч қоялар, кўм-кўк ўтлоқлар, тиниқ булоқлар ва чуқур жарликлар мавжуд. У ерда, баланд тоғ яйловларида, барра ўтлар бағрида қўю қўзилар ёйилиб юришади. Сал пастроқда, қалдирғоч уялари янглиғ тоғлиқларнинг уйлари қоялар бағрига ёпишиб туради.

Доғистон халқ шоираси Фазу Алиева қиссасининг қаҳрамони Сидрат худди ана шу ерда яшайди. Сидрат, муаллифнинг ўзи сингари шу тоғларда туғилган. Шу ерда елкасига кўза кўтариб булоқ сари сувга борган, тезоқар, муздек тоғ дарёларида кир чайган. Шу ерда юлдузларни томоша қилган: улар эса тоғда қўл етгудек яқин. Шу ерда қўшиқ айтган: Доғистон эса қўшиққа жуда бой. Шу ерда қалбига биринчи бор озор етган, шу ерда биринчи муҳаббатини учратган. Шу ердан илиқ ва ғамгин ёз кечаларининг бирида болаларнинг шафқатсиз одатларидан қочиб кетган. У қаерга боришини ўзи ҳам билмаган: лекин фронтда бўлиш, концлагерга тушиш ва бу ерга яна қайтиб, республикада хизмат кўрсатган врач бўлиш тақдирида бор эди.

Ахир, сен чинакам Инсон бўлсанг, қаерга бормангин, она юртинг доим ўз бағрига тортиб туради-ку.

Бу китоб тоғ қизи тақдиридан, Совет ҳокимияти ҳуқуқ, илм ва севимли иш, ҳурмат ва обрў берган аёл тақдиридан ҳикоя қилади.

Тоғ дарёси! Сен тоғлиқлар тақдирини унутганинг йўқми? Агар унутган бўлсанг, мен айтиб берай. Қара, қишлоғим, сен томон Сидрат бораётир. Сўзларимга қулоқ бер, эй жўшқин дарё, уни яхшилаб кўриб ол.

Дарё сўзларимга қулоқ солаётгандек бир зум тўхтаб турди-да, сўнг яна пишқириб қоялардан ошди.

«Сидрат шошилаётир,— дейди у гўё.— Ҳозир унинг мен билан сўзлашишга вақти йўқ. Мен ҳам шошяпман. Сидрат ҳақидаги ҳикоянгни эшитишга вақтим йўқ. Яхши қол. У ҳақидаги қиссангни ортимдан ошиқиб келаётган ўзга дарёга айта қол. У менга етиб оладиганга ўхшайди. Шовуллаши қулоғимга чалиняпти. Мен тўхтаб туrolмайман. Ха-ай-й-йр».

Дарё йўлида давом этиб денгиз томон ошиқади. Сидрат эса ботаётган қуёш нурида товланиб турган торгина тоғ сўқмоғидан тез-тез одимлаб ўтди. У қаёққа шошилаётган экан? Беморникигами? Лекин бу қандай товуш бўлдийкин? Сурнай овози шекилли? Ҳа, тоғ сурнайининг овози. Буниси эса ноғора. Сурнай ва ноғора. Демак, овулда тўй бўлаётир. Қизиқ, бугун, баҳор кунларининг бирида ким келину ким куёв бўлди экан?

Тўй! Тоғлиқлар удумига кўра илгари тўйни фақат кузда, ҳосил йиғиб-териб олингач, ёз бўйи боқилган, семирган қўйлар тоғдан қайтганда ўтказиларди.

Энди кўп ғалати одатлар унут бўлиб кетди. Лекин ростини айтганда, баҳорги тўйлар ҳам ёмон эмас. Офтоб илтиб туради, ҳаво ҳам унча иссиқ эмас. Дастлабки қуёш нурида сал қорайган чўпонлар қишлоқдан қайтишади.

Ёзда-чи? Унинг нимаси ёмон экан? Таътилга чиққан студентлар овулга қайтишади. Ёз кечалари илиқ, юлдузлар эса қўл узатсанг етгудек. Уйқунг ҳам келмайди. Шундай пайтда тўй қилмай бўладими? Бугун

қишлоқ врач Сидратнинг қизи ўқитувчи Мажидга тегаётир.

Эрталаб Сидратни қўшни овулдаги касални кўргани олиб кетишди. Уйда шундай тантана бўлса ҳам йўқ дея олмади. Бирпасда бориб келарман, деб ўйлаган эди, қараса қоқ пешин бўлиб қолибди. У машинани кутиб ўтирмай, энг қисқа йўлдан, дарё бўйидаги сўқмоқдан яёв қайтаверди.

Дунёнинг ишлари шунақа экан. Бу ерда тўй, у ерда касаллик. Бу ерда шодиёна — у ерда қайғу. Мана, ўзининг ҳам лабида табассум, кўзларида ёш. Бир томони қизи Розага қараб севинади, Мажид яхши йигит. Иккинчи томони эса... Ахир кўзининг оқу қораси шу қизи-ку. Папахлаб ўстирган эди. Қариганимда овунчоқ бўлар деб ўйлаганди. Кундузи қуёшим, кечда оловим бўлар деб умид қилган эди. Мана энди қизи ўзга хонадонга кетяпти. Ҳа... қанот чиқаришса бас. Қушчалар инларини тарк этиб учиб кетишади. Табиат қонуни бу. Ҳаммаси тўғри. Лекин барибир қийин. Ҳозир ҳувиллаган уйга қандай кириб боради. Буёғига қандай яшайди энди? Нимадир ўйлаб топиш керак. Лекин нимани? Фақат ёшлиқдагина ҳаётни ўзгартириш осон. Сидрат эзилади-ю, лекин кўз ёшини тияди. Шундай кунга доғ солиш яхши эмас.

Сидрат бошини солинтириб, сўқмоқдан аста юриб борарди. Оёғи тагида эрта баҳор майсалари. Атрофда ҳеч ким йўқ. Фақат қушлар ва гўё унга тасалли бермоқчидек қуёш хиёл илитаётир.

Сидрат овулга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Бу ерда энди у аламини ичига ютиши, бошини тик кўтариб юриши керак, ҳамқишлоқлари учраб қолиши мумкин.

Худди шу пайт Сидрат қизи билан яшайдиган уй олдига ўнқир-чўнқирда сакраб-сакраб енгил машина келиб тўхтади. Ундан Мажид тушди ва эшикни шахт билан очиб ҳовлига кирди. Сидрат уйга яқинлашиб қолган эди, Роза Мажидга пешвоз югуриб чиққанини кўрди. Шундай покиза, денгиз кўпигидек оқ ҳарир кўйлақда. Сидрат тўхтаб қолди, сўнг ўзини қўлга олиб, очик чирой билан уйга кирди.

— Ойим келдилар! — Роза унинг бўйнига осилди.

Роза энди қаёққа боқмасин, кўзларида меҳр ёнар, сўзласа овозидан атрофга бахтиёрлик тараларди.

«Ойи», дейди-ю, «Мажид», дегандек эшитилади-я, — рашк-ла ўйлади Сидрат.

— Ойи,—ўзга, йўгон, бегона ва қандайдир юракка яқин овоз эшитилди.

— Бахтли бўлинглар, болаларим,— деди Сидрат.

У бурро, беташвиш айтмоқчи эди, лекин овози бўғилиб чиқди.

— Ойи, қўйинг.

— Сизга нима бўлди, ойи?

Икки овоз, нозик қиз товуши ва дағал эркак овози уни овутишга уринарди. У эса юзини ўгириб ёшларини тиймоқчи бўларди. Ниҳоят, ўзини қўлга олди. Икки ёшни бағрига тортди.

Шофёр сигнал берди. Улар учалалари эшикдан чиқишди. Сидрат ёшларнинг машинага чиқишларини кузатиб турарди. Аввал Роза париллаб, учиб кирди машинага. Сўнг Мажид ўтирмоқчи бўлди-ю, лекин тўхтаб қолди.

— Ойи, юринг сиз ҳам...— уялиб сўзлади у.

— Энди бораверинглар,— деди Сидрат кўз ёшини артиб,— мен кейин...

Машина моторини юргизиб, ўрнидан қўзғалди ва Сидрат ҳам улар ортидан юриб кетди. У аста, хаёл оғушида овулнинг қинғир-қийшиқ кўчаларидан, сурнай ва ноғора овози сари юриб борарди. Мажиднинг уйи томон, бундан буён унинг Розаси яшайдиган, Сидрат эса фақат меҳмон бўладиган уй томон борарди. Қизиникига меҳмонга борарди.

Албатта, овул одатига кўра у ҳозир уйда ўтириши керак, тўйнинг биринчи куни қизнинг ёнида онаси эмас, яқин қариндоши бўлиши лозим. Лекин Сидрат эски одатни бузди. У бугун қизини ўз кўзи билан кўришни истарди. Унинг ял-ял ёнган чеҳрасини, денгиз кўпигисимон ҳарир кўйлагини, тимқора жингалак сочларини кўриши, қўнғироқдек овозини эшитишни истарди.

Мажиднинг уйи олдида бутун овул тўпланган. Ҳатто қўшни овуллардан ҳам келишибди, ахир Сидратни ҳамма танийди-да. Одам шундай кўпки... Зич давра ўртасида «Лезгинка»га рақс тушишарди. Рақсга асосан ёшлар тушишяпти, кексалар эса пастак курсиларда ўтириб олиб, қарсак чалиб, лабларини чапиллатишади. Оёқлари ҳам тинч турмайди. Ўтирган жойларида ерни тапиллатишар, ўйинга тушиб кетишларига сал қоларди.

Деворларга, қўшни томлару дарахтларга болалар чиқиб олишган. Ахир шундай дамни бой бериб бўла-



дими, ўйин ҳам, тўй ҳам майли-я, энг муҳими, куёвнинг онаси сочқи сочадиган пайтда шай бўлиб туриш керак. Бу келин-куёв ўртага тушган пайтда бўлади. Ҳозирча улар аста шивирлашиб, ёнма-ён ўтиришибди. Эски одат бўйича эса алоҳида ўтиришлари керак эди.

Сидрат одамлар орасига тиқилиб, узоқдан, бошлар орасидан Розага тикилди. Кампирларнинг ўзаро суҳбати эса қулоғига чалинди.

— Қандай замонлар келди-я,— деди биттаси. (Унинг ўтган замонни ёмонлаётганини ҳам, ўтиб кетганига ачинаётганини ҳам билиб бўлмасди.)— Келин билан куёв ёнма-ён ўтирибди. Бизнинг пайтимизда келин куёвни тўйгача кўрмасди. Ҳаммасини ота-оналарнинг ўзлари ҳал қилишарди.

— Ҳа,— унинг сўзини илиб кетди бошқаси,— ахир тўйда юз бекитиб ўтириларди-ку. Эсимда, мени унинг ёнига кечаси киргазиб қўйишган. Фақат эргалаб бир-биримизни кўрганмиз. Ёқадими, ёқмайдами, яшай-верардик. Энди-чи, ёқадиганини топиб беришинг керак.

— Шуям тузук,— деди тагин биринчиси,— вой, шунақаям ҳавасим келадики. Қара, қара, улар бирам ёқимтой, бахтлики! Эсиз, бечора Субайбат бу кунларга етмади. Қандоқ севинарди шўрлик.

— Бечора,— қўшилди учинчи кампир,— орзуси кеч ушалди.

Сидрат бу сўзларни бехос эшитди-ю, юраги ачишди. Субайбат кампир ажойиб инсон эди. Одамни тириклигида қадрига етмаймиз, деб тўғри айтишади.

Сидратнинг уйига кетгиси, эшикни ичидан қулфлаб олиб, бошини кўрпага буркаб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

«Энди бир умр дарахтда унутилиб қолган мевадек ёлғиз ўтаман,— алам билан ўйлади у,— вақт нақадар тез ўтади-я. Розани биринчи синфга олиб борганимга кўп бўлдимиз? Вақт, вақт! Мисли асов бедовсан, югурганинг югурган».

Унинг фикрларини кимнингдир бўғиқ овози бўлди. Сидрат дарҳол ўгирилди. Орқасида Ҳусайн турарди. Одамлар орасидан роса қидирган шекилли, унинг ёнига ўтишга уринарди.

— Бахтли бўлишсин. Бутун умрлари шу бугунгидек ширин ўтсин. Бир-бирларига муҳаббатлари Тоҳир-Зуҳраларникидек кун сайин ортиб борсин,— деди у.

Сидрат унинг овозидан меҳр ва ғам оҳангларини туйди.

— Раҳмат, Ҳусайн,— деди у таъсирланиб.

Назарида Ҳусайн ҳозир унинг аҳволи руҳиясини тушунгандек эди. У бундан чексиз миннатдор бўлди.

— Раҳмат, Ҳусайн,— такрорлади у,— сенинг болаларинг ҳам бахтли бўлишсин,— сўнг унинг оппоқ сочларига қараб, ўзича ўйлади: «Сенинг ҳам ташвишинг ўзингга етиб ортади. Ахир қандай хушрўй йигит эдинг-а, неча-неча қизлар кўйингда ўртанарди».

Шу пайт одамлар қимирлаб, шовқинлаб қолишди. Утирганлар ўринларидан туришди, чапак чала бошлашди. Ҳар қаер, ҳар қаердан «Бахарал!», «Бахарал!» деган овозлар эшитила бошлади. Бу болаларнинг овози эди. Ниҳоят гал уларга келган, сакрашга шай турар эдилар. Йигитлар эса, «биз қачон шу кунларга етар эканмиз», деб Мажид билан Розага ҳавас-ла қарашарди. Кексалар уларга тикилиб ўз ёшликларининг тоғдан юмалаган олмамисол тез ўтиб кетганига ўкиниб, хўрсинишарди.

Музика бир оздан сўнг янада кучлироқ янграш учун тин олди. Мана, янада кенгайган даврага келин-куёв тушдилар. Майин кўклам шамоли уларнинг юзларини сийпарди. Розанинг чеҳрасида сал нотабийроқ табассум қотиб қолган: у ҳозир ҳамма унга қараётганини ҳис этар, шундан қисилиб-қимтинарди. Мажид ҳам ўнғайсизланарди. Тепадан, очиқ айвондан эса, Мажиднинг онаси сахийлик билан уларнинг бошидан турли конфетлар ва кумуш тангалар сочарди. Тангалар ерга тушар, ғилдираб оёқлар тагига кириб кетарди. Ёшлар уларга парво қилмай, рақс тушардилар. Болалар эса оёқ остида ўрмалашиб, зумда тангаларни топиб олишарди.

— Бой-бадавлат бўлишсин, ҳаётлари ширин ўтсин,— дейишарди одамлар.

Афтидан, ҳозир бутун борлиқ, баҳордай жўшган, шилдираган ариқлар, тошқин тоғ дарёлари ҳам шуни тиларди. Ҳатто қоялар, овул узра бош эгган, атрофини ўраган минг йиллик ғамгин қоялар ҳам тошлардан-тошларга сурнайнинг шодон навосини, қарсақлар садосини етказарди. Қудратли акс садо тўлқинлана-тўлқинлана овулдаги тўй хабарини узоқ-узоқларга олиб кетарди. Демак, бу бахт.

Бахт... Сиз унинг нималигини биласизми? Агар уни келин-куёвлардан сўрасангиз, бахт, бу муҳаббат-

дир, дейишади. Умри деҳқончилик билан ўтаётган Хусайндан сўрасангиз, у: бахт — буғдой экиб, ўстириш, дейди. Агар қурғоқчилик бўлмаса, ёмғир кўп ёғиб, уруғ чириб кетмаса, қуёш ҳам, нам ҳам меъериде бўлса, ҳамма — эркак ҳам, аёл ҳам далага чиқса, бахт ана шу. Болалар, майли, ўқишин. Ишқилиб, уларнинг — унинг болаларининг — қулоқсиз қора кўз Мусанинг, уятчан соҳибжамол Осиётнинг, дўмбоқ Алининг, олтин соч Жамиланинг, қўни-қўшниларнинг болаларининг, бутун овул болаларининг, бошқа овул болаларининг ҳам, шаҳардаги болаларнинг ҳам — бутун дунё болаларининг қорни тўқ, эгни бут бўлса бас.

Агар бахт нима, деб Сидратдан сўрасангиз, у бунга бир сўз билан жавоб беролмайди. Уйлайди, бош чайқайди. Ахир ҳамма донни баравар териб, қопни бирдан тўлдириб бўлмайди-ку. Бир умр қилинган, зарра-зарра тўпланиб, бахт яраладиган хайрли иш, айтилган ширин сўзларни бирдан эслаб бўладими?

— Бахарал! Бахарал! — яйрашарди болалар.

Роза давра бўйлаб оққуш каби сузади. Этаклари денгиз кўпиклари қирғоққа урилгансимон шамолда ҳилпирайди. У куёвнинг муҳаббатли боқишларини сезиб турибди.

Розанинг бахти Сидратнинг ҳам кўнглини кўтарди. Қизига қараб, унинг навқирон, очиқ чехрасини кузатиб, бояги нохуш хаёлларини, кўз ёшини ҳам унутди. Юзига табассум югурди. Ахир қизинг бахтли бўлганида сен хафа бўлишинг мумкинми?

Уйин энди авжига чиққанида кимдир Сидратнинг енгидан тотди. Сидрат юзидан табассум аримай, фикрлари ҳали келин-куёв ёнида кезиб юрар экан, биров табрикламоқчи шекилли деб, истар-истамай ўгирилди. Лекин офтоб ва чангдан қорайган, мўйлови маҳкам юмилган оғзи ёнида аянчли осилиб турган бегона тоғлиққа кўзи тушди. «Тўйга бу кўринишда келмайдилар. Уни қандай бахтсизлик етаклаб келдйкин?» — бехос хаёлидан кечди Сидратнинг.

— Узр, доктор. Шундай кунда сизни безовта қилмоқчи эмас эдим, — деди у гуноҳқорона, қоракўл телпагини қўлида ғижимлар экан, — кечирасиз, доктор, — у бошини эгди. Сидрат унинг бутун қони бўйнига тўплангандек қизариб кетганини кўрди.

— Нима бўлди? — дея сўради Сидрат юзидан табассумни зўрага қувиб.

— Хотиним уч кундан бери қорин огриғидан қийналяпти.

— Уч кун дейсанми?

— Ҳа, доктор.

— Шу маҳалгача қаерда эдинг?— зарда билан сўради Сидрат. Сидратни доим мана шундай хотир-жамлик жиғибийрон қиларди.

— Мен тоғда эдим,— деди эркак,— яйловда. Онам ўтиб кетар деб ўйлабди.

— Қани, юр бўлмаса, кетдик.

— Машина бор,— деди эркак суюниб.

Йўл-йўлакай касалхонага кириб ўтишди. Сидрат асбоб-анжомлар, дорилар олволди. Машина дам у ёнига, дам бу ёнига оғиб тоққа ўрмалаб кетди. Анча пайтгача, улар тоғ ортига ўтиб кетгунларигача сурнай ва ноғора овози қулоқларига эшитилиб турди.

Унинг тўйдан кегиб қолганини ҳеч ким сезмади. Келин-куёв ўзлари билан овора, ёшлар рақс тушишар, катталар эса Содиқ хўжайинлик қилаётган қозон атрофига тўпланишган ва унинг фиғони ошаётганини кўриб хахолашар эди.

Лекин Содиқнинг куладиган ҳоли йўқ эди. Бирпас ўчоқ тепасидан нари кетган эди, кимдир қозонга чўмич тиқибди. Содиқ қопқоқнинг ўрни қўзғалганини, буг бошқа ёққа қараб чиқаётганини, шўрва шопирилганини ва куёвга аталган катта бўлак гўштни кимдир олиб қўйганини дарров пайқади.

Содиқ хафа бўлганидан терлаб кетди. Шундоқ ҳам чақчайган кулранг кўзлари наф қошидан юқорига чиқиб кетай деди.

— Агар от йўлда қоқилса, унинг тизгинини тутган айбдор. Ҳеч ким унинг туёғи тагига тош ташлаган аҳмоқни айбламайди. Шўрвани ичишгач, қозонга тумшугини тиққан тентакни эмас, Содиқни айблашади.— Содиқ дам чап, дам ўнг мўйловини тишлаб бақирар эди.

Меҳмонлар кулишдан тўхтаб, Содиққа ачина бошлашди. Улар у ишониб топширилган ишни нақадар юрагига яқин олишини билишар эди.

Содиқ овулда ошпазликда ном чиқарган эди. Бирор тантана: фарзанд туғилиши ёки тўй усиз ўтмас эди.

Аммо Содиқ ўзининг қадрини билар эди. Агар уни қўй сўйишга таклиф этишмаса-ю, нимталашга чақиришса, у тўғридан-тўғри рад этар эди.

— Кабобни бу расво қилинган гўштдан бошқа одам тайёрлай қолсин, мендан одамлар кулишларини иста-

майман.— Уни кўндиришга қанча уринишмасин, барибир кўзларини чақчайтириб тураёвэрар эди.

Одамлар қўйни ким сўйган деб сўрашмайди, шўрвани ким пиширган деб сўрашади. Илтимос билан келган одам ҳовлисидан чиқиб кетар экан, ўзини қўйгани жой тополмас эди. «Гўшти расво қилишади, худо ҳаққи, расво қилишади. Тўй ҳам тўй бўлмайди». Сўнг бўйини чўзиб: «Эшик яна тақилламаяптимиқан?»— деб қулоқ солаверар — иккинчи марта илтимос қилиб келишларини кутар эди. Келишар эди ҳам. Содиқ яна маҳкам туриб олар эди. Келганларга қарамас эди ҳам. Бутун туриш-турмушидан норозилик ёғиларди, одамни безовта қилиб нима қилишади-я...

Илтимосларга жавобан у бутунлай жим турар, гўё бир нарсани ўйлаётгандек лабларини қимирлатиб узоқ пичирлар эди. Сўнг бирдан кўнар эди. Кейин танани нимталар экан, тўнғиллар эди: «Ахир қон нотўғри оқизилган-ку, шунинг учун гўшт диркиллаб турмаяпти, кабоб ҳам қаттиқ бўлиб қолади. Шўрва мазали бўлмайди», шунинг учун у ҳозир қўлини ювиб қўлтиғига уради.

Шундан кейин уни қўй сўйишга таклиф этадиган бўлишди. Ана энди Содиқнинг кўнгли жойига тушиши керак эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. У чақчайган кўзларини катта-катта очиб, хафа бўлиб деди: «Мен шу қўлларим билан қўйни ўлдиришим керакми, унинг бадбахт танаси менинг қўлимда типирчиласинми...— сўнг қатъий қилиб қўшиб қўйди,— Содиқ қўй сўйишни яхши кўрмайди. Содиқ тайёр нимтани пиширишни ёқтиради».

Ҳамма гап Содиқнинг одамлар иззатига зорлигида эди: тўй эгаси эринмасин, тортинмасин-да, аввалроқ маслаҳатга келиб: «Шунақа-шунақа. Тўй қилмоқчиман. Ёрдам бер, Содиқ. Сенсиз биз нима қиламиз»,— десин.

Содиққа ана шу керак эди.

Агар бугун қандайдир олғир қозонга қўлини тиқмаганида Содиқ ҳозир яйраб ўтирган бўлар эди: бунинг устига, куёвнинг отаси эски қадрдон. Унчамунча одам эмас, колхознинг донгдор чўпони. Содиқни ҳурмат қилади. У Содиқни тоққа олиб борган, Отарнинг қоқ ўртасига қўйиб ҳурмат билан: «Мана қўйлар, Содиқ. Ёққанини танлаб ол», деган. Содиқ жуда таъсирланиб кетганди. Бошидан қоракўл телпагини олиб, негадир қўлида эза бошлаганди, кейин

юзини ўгириб: «Анчадан бери тоғда бўлмаган эдим. Кўзимга офтоб тушяпти»,— деган эди.

Овулдагилар буни эшитиб: «Бизга ҳам уни тоққа қўй танлагани олиб боришга тўғри келади энди», деб бир-бирларига кулиб гапириб юришди.

Лекин бу ғалати қилиқларига қарамай Содиқни овулда яхши кўришар эди. Унга ҳазил қилишганида кўнгилларида сира кир бўлмас эди. Содиқнинг ўзи ҳам ҳазилни яхши кўрарди-ю, лекин қозон тепасида ҳазиллашмасди. Бу ерда у жиддий, инжиқ, талабчан бўлиб келиб қолган, ҳазил-мазахга ҳуши йўқ эди. Узини тўйнинг боши ҳисобларди.

Ҳақиқий тўй тантанаси эса, товоқларга шўрва сузилгачгина бошланар эди. Унинг чўмичини овулда барча танир эди. Содиқ уни эҳтиёти шарт доим ёнида олиб юрар эди. Узиям бу жуда аломат чўмич эди-да. Бир ботирганда бир товоқ тўлаверар эди.

Содиқ фақат пиширишга эмас, ейиш ва ичишга ҳам ўч эди. Лекин тўйларда столга энг кейин келиб ўтирар эди. Бўза билан мўйловини сал ҳўлларди-ю, яна қозони тепасига йўл олар эди. Ўша ердан туриб, бировнинг товоғи бўшаб қолмаганмикан, бирор янги меҳмон келмадимикан, деб диққат билан кузатар эди.

Содиқ ўз ишини ҳеч кимга, ҳатто хотинига ҳам ишонмас, қозон тепасида ясовулдек қамирламай турар, лекин тўйда бўлаётган воқеаларни аниқ кўриб, эшитар ва ҳамма билан бирга хахолаб кулар эди.

Одамлар, у ёшлигида бутунлай бошқача, мана шу қоялардек бақувват, худди улар каби вазмин бўлган, дейишади. Қоя кесиб иморат соладиганларга тош тайёрлаб беришнинг ўзи бўлмаса керак. У оилада катта ўғил бўлиб, етти укаси бор эди. Икки оёғи чўлоқ отаси тоғда чўпонлик қилар эди. У кам топар, оила нону сув билан кун кечирар эди. Мағрур ва кучли Содиқ бу қашшоқликка чидай олмади. Тоққа бориб, қоя кеса бошлади. Тезда отасини ҳам бу ишга тортди. Буюртмалар етарли, ота ва ўғил эса қўлларини ҳам, кучларини ҳам аямас эдилар. Шундай қилиб оила қашшоқликдан чиққанди.

Овулда Содиқни кам кўришарди: у бутун вақтини тоғда ўтказар эди. Эрта турар, кеч ётарди. Бошдан-оёқ чангга ботган, соқол-мўйлови ўсган ҳолда у овул бўйлаб оғир қадам ташлаб борар, қизлар уни кўрганда қўрқиб қочишар эди. У эса улар билан қизиқмасди ҳам.

Лекин бир куни шундай воқеа бўлди. Қиш эди. Кеч тунда у уйига қайтаётиб, бирдан ҳўнграб йиғлаётган овозни эшитиб қолди. Йиғи дарё томондан эшитилар эди. Содиқ ўша ёққа югуриб борди, музлаган дарё ўртасида турган ўсмирга кўзи тушди. У ўгил болами, қиз болами, ажратиб бўлмас эди. Содиқ яқинроқ бориб қўшнисининг ўгай қизи Ҳалиматни таниди. Эшагининг оёқлари муз устида икки ёққа сирғалиб, на орқага, на олдинга юролмаб қолган эди. Содиқнинг Ҳалиматга раҳми келди, лекин йиғлаётган қизни овутишга ҳеч қандай сўз тополмади. Шунинг учун у қизнинг ёнида индамай турар, ичида эса: «Бечора Ҳалимат, ўгай отасиникида шундай ҳам азоб чекади. Айтишларича, у яна урар эмиш», деб ўйлар эди.

Қиз эса йиғидан тўхтаб, унга умид билан қараб турар эди. Шунда Содиқ лунжини шишириб пуфлади (у ҳал қилувчи онларда шундай қилар эди) ва бир қўли билан эшакка ортиб боғланган қопни ушлади, бир қўлини эса унинг қорнига қўйди. Ҳалимат кўз очиб юмишга улгургани ҳам йўқ эдики, Содиқ эшакни кўтариб, қирғоққа қўйди. Қиз «вой», деб юборди, кейин кўнглида бирдан бу ғалати йигитга нисбатан ишонч пайдо бўлиб, тегирмонда қандай ушланиб қолганини, ҳатто у ерда тунаб қолмоқчи бўлганини, лекин бир ўзи қўрққанини, қоронғиликдан қандай қўрқишини гапира бошлади.

Содиқ йўл бўйи бир оғиз ҳам гапирмади. Ёнма-ён боришар экан, қиз ўғринча қараб-қараб қўяётган бўлса ҳам Содиқ қизга ҳатто кўз қирини ташлашга ҳам ботинмади. Агар ундан «Чиройли эканми?» — деб сўрашса ҳам жавоб бера олмас эди. Фақат қизнинг жажжигина, ўсмирлардек ихчамгина эканлигини эслаб қолди ва юрагида унга нисбатан қандайдир ачиниш пайдо бўлди.

Қизнинг эшиги олдига етишганида, у тўхтади ва беҳосдан қизнинг юзини, унга қараб порлаб турган икки қуралай кўзини кўриб қолди. Худди қоядан тушиб кетганидаги каби унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Лекин у ўзини қўлга олиб, тезгина хайрлашиб, жўнаб қолди. Йўлда борар экан, ҳамон боладек кичкинагина, ихчамгина бу қизга меҳри товланар, унга ёрдам бериш иштиёқида ёнар эди.

Шу-шу, уйга қайтар экан, у яна Ҳалиматнинг эшаги тўхтаб қолмаганмикан деб, дам-бадам дарёга қарайдиган бўлиб қолди.

Ҳалимат эса дугоналарига Содиқнинг қандай қилиб эшакни устида қопи билан, бир қўллаб кўтариб олиб қўйганини сўзлаб берди. Уни уйигача кузатиб қўйганини ҳам айтди. Қизлар эса Содиқни кўришганида қизиқиб қарайдиган бўлиб қолишди. Ҳалиматга эса, «у сенга бекорга ёрдам бериб, яна кузатиб қўймаган», деб шама қилишди. Ҳалимат бу гапдан ҳам суюниб, ҳам қўрқиб кетди. Угай отаси ва унинг қариндошлари қизни доим турткилашарди. У ўзини ҳаммадан ёмон деб ҳисоблашга ўрганиб қолган ва шунинг учун ҳам кимгадир ёқиши мумкинлиги хаёлига ҳам келмаган эди. Айниқса қиз бўйининг пастлигидан ўксинарди: у Содиқнинг аранг белидан келар эди-да.

Лекин бир куни тунда шундай воқеа содир бўлдики, эрталаб бутун овулда шов-шув бўлиб кетди.

Бу воқеа мана бундай содир бўлган эди. Уша тун Содиқ тоғда ушланиб қолди. Уйга қайтаётиб, ҳар доимгидек дарёга қаради. Дарёда ҳеч ким кўринмаганиданми, ой жуда ҳам ёрқин ёритаётганиданми, у бирдан Ҳалиматнинг уйига югуриб борди. Дарвоза ёригидан молхонада чироқ кўринди ва шу заҳоти қўлидаги саватда таппи кўтариб Ҳалимат чиқди. Содиқнинг юраги уриб кетди. Нима қилаётганини ҳам англамай, оёғи билан эшикни очиб, ҳовлига кирди. Ҳалимат «вой», деб саватини тушириб юборди. Содиқ қизга томон бир қадам ташлади. Унинг қандайдир, яхши, ширин гап айтгиси келди, лекин бунинг ўрнига ерга қараб туриб, қовоғини уйиб деди: «Мен сени опқочиб кетмоқчиман».

Ҳалимат тўкилган таппиларни йиғмоқда эди. Бу сўзларни эшитиб, юзини қўли билан беркитди-ю, йиғлаб юборди.

Содиқ қизнинг елкасидан силаб овутгиси келди-ю, лекин бунинг ўрнига уни даст кўтарди-да, ҳовлидан олиб чиқди. Шу аснода бўм-бўш кўчалардан, тўлин ой нури ёруғида овулнинг деярли ярмини босиб ўтди. У қизни бесўнақай, ўзидан нари тутган ҳолда кўтариб борар эди.

У хотинини умри бўйи севди ва кўп оилалар уларнинг бахтига ҳавас қилишар эди.

Содиқ яна виждонлилиги билан ном чиқарганди: ишда на қариндошларини, на танишларини тан олар эди.

Кўпинча даврада ичиб олишгач, Содиқ ҳақида бирор қизиқ воқеани ҳикоя қила бошлашарди. Айниқса мана бу воқеани эслашни яхши кўришар эди.



Бир куни Содиқ амакисининг қизи Савдат ҳамма ухлашини пойлаб туриб, сигирларини сулизорга ҳайдаб юборишини сезиб қолибди. Содиқ унга ҳеч нима демабди. Лекин кечаси синглизиги сигирларини далага ҳайдаб қўйиб, тинчгина ухлаб ётган пайтда, у сигирларни Савдатнинг барқ уриб яшнаб ётган буғдойзорига ҳайдаб юборибди. Эрталаб у деразасининг тагига бориб бақириб Савдатни уйғотибди: «Тур, сингилжон, буғдойингга иккита сигир тушиб кетибди. Сен ухлаб ётганингда ҳамма буғдойни еб қўйишган бўлса ҳам ажаб эмас». Албатта, Савдат қандай сигир ҳақида гап кетаётганини ва бу ишни ким қилганини дарров тушунибди. Тушунибди-ю, индамабди. Нима ҳам дерди? Кўзидан дув-дув ёш тўкиб, ебтўймас сигирларини уйига олиб кирибди, оғаси эса ортидан, ўзингга эп кўрмаган ишни бировга раво кўрма, деб қичқириб қолибди. Шундан кейин қўшнилари бир неча кунгача тунда сигирларнинг чўзиб-чўзиб, нолиб маърашларидан ухлай олишмабди. Молхонага қамалган сигирлар, нега бекалари кечаси уларни сулизорга чиқармаётганига ҳайрон эканлар.

Содиқ бир маҳаллар танасига сиғмаган кучини урушда бутун умрга қолдириб келди. Лекин у ердан бошқа нарсани, овқат пиширишни ўрганиб қайтди. Энди одамлар илгари овулда Содиқсиз тўй қандай ўтганига ҳайрон эдилар.

Мана, Мажид билан Розанинг тўйида ҳам Содиқ буғи кўтарилаётган қозон тепасида ҳунарини кўрсатар эди. Дўмбира ва сурнай овози тингач, ҳамма унга ўғирилди. У виқор билан эҳтиёткорона ўз чўмичини қозонга ботирди, кейин аста биринчи товоққа қуйди. Шу заҳоти хушбўй, ёқимли, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган ҳид димоққа урилди.

Шунинг учун меҳмонлар Сидратнинг кетиб қолганини сезишмаганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади.

Фақат тун сокинлигида уни Раҳимат холаси эслаб чақирди: «Сидрат, қаердасан, қизим?» Унга Ҳусайннинг овози: «У касал кўргани кетди», деб жавоб берди.

\* \* \*

Сидрат кабинада шофёр ёнида ўтирар, чамадонини маҳкам бағрига босиб олган, хаёлини эса хотиралар банд этганди.

... Ұшанда уруш энди тугаган эди. Қишда бу йўллардаги қор уюмидан юриб бўлмасди. Олис овул гўё дунёдан ажралиб қолгандек ҳаёт кечирар, аҳоли ёздаёқ қишга деб керосин, шакар ғамларди.

Бир куни Сидрат шу томонга бетоб чўпонни кўргани келди. У шундай совуқ тақиллаган қишда довон ошиб, яёв борарди. Аввалига юриш осон бўлди, қўрққанга қўша кўринган экан, ўйнаб-ўйнаб етиб оладигандек туюлди. Лекин борган сари юриш қийинлаша бошлади. Совуқ жон-жонидан ўтиб кетди, йўлнинг эса охири кўринмасди. «Энди юролмаيمان»,— деб ўйлади у. Сўнг, қизиқ, ҳеч қўрқмасдан уни музлаб, қотиб қолган ҳолда бирор тоғлиқ кўриб қолишини ёки баҳорда қорлар эриб, йўллар очилганда топиб олишларини кўз олдига келтирди.

Ұша куни у етиб борди, аммо уйга кириши билан худди Қор Одамдек йиқилди. Лекин чўпонни қутқарди. Энди бўлса бу томонга машина ҳам юради, қоялар устидан йўл солинган.

Улар етиб келишди, чўпон аввал ўзи сакраб тушди, Сидратга қўлини узатиб, машинадан тушишига кўмаклашди. Сўнг у чўпоннинг кетидан, ҳовлидаги майда гишт ётқизилган йўлкадан юриб кетди. Беморни кўрганида эса вужудини қўрқув эгаллади. Баланд ёстиқларга суяниб ётган аёлнинг юзи қорайиб кетган, жонсиздек эди, лаблари қон, оғриқ зўридан лабларини тишлаб олган шекилли. Ана шу жонсиз чехрада фақат кўзлар ёниб турарди. У ялинар, илтижо қиларди. Кекса онаси қизининг устида энгашиб йиғлар, оёқ томонида катта-кичик учта қизалоқ тик туришарди. Олти кўз, олти қора нуқта гоҳ оналарига, гоҳ врачга тикилишарди. Сидрат беморни кўрди, кечиктириб бўлмасди.

— Печкани ёқинглар. Тез,— буюрди Сидрат,— оқ мато топиладими?

— Вой, худойим-ей, албатта топилади,— куймаланди кампир.

— Иккита тоза чойшаб керак. Уларни қайнатамиз. Кампир билан болалар қўшненикига чиқишсин. Сен эса менга ёрдам берасан,— деди у чўпонга,— операция қиламиз.

У на ўйлаш, на ширин сўзга фурсат қолмаган ҳал қилувчи онларда буйруқ бераётган командир каби жиддий ва кескин сўзларди.

— Операциясиз мумкин эмасми?— сўради беморнинг эри. Сидрат унинг қўллари титраётганини пайқади.

— Боламини кестирмайман! Кестирмайман!— додларди кампир қизини қучоқлаб, қўллари билан уни ҳимоя қилиб. Қизчалар ҳам чинқириб йиғлашарди. Шу он, дод-вой орасида беморнинг қатъий ва аниқ овози эшитилди.

— Ойи, докторга халал берманг, бўлмаса ўлиб қоламан.

— Вой, болагинам, сенсиз мен қандай яшайман, етимларингни нима қиламан. Эй худо, қизимга раҳм қил...

Ниҳоят у чиқиб, қизларни ҳам олиб кетди. Шунда Сидрат чўпоннинг кўзларига тикилиб туриб сўзлади:

— Унинг ичаги буралиб қолган. Операция унча осон эмас. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Касалхонага олиб бориб бўлмайди. Менга кеч хабар берибсизлар. Ҳозир сен менга ёрдам берасан.

Чўпон унинг сўзларини бўлмайд тинглади, гўё қотиб қолгандек эди.

— Ойим турли дориларни ичираверибди-ю, врач қақириш хаёлига келмабди,— деди у айбдорларча.

Сидрат скаल्पель билан аёл устига энгашганида эса бу жасур чўпон ҳушидан кетишига сал қолди. Фақат врачнинг талабчан овозигина уни ўзига келтирди. Бу операция давомидаги бирдан-бир айтилган қаттиқ сўз эди. Умуман, операция бутунлай сукутда ўтди. Сидрат буйруқларни лаб учидагина берар, у эса нима қилиш кераклигини билмоқ учун бу лабларга тикилиб турар эди.

Сидрат бу уйда икки кеча-кундуз қолиб кетди. Тўй ва ҳувиллаган уй ҳақидаги фикрлари аллақаяқларга ғойиб бўлди. Гўё бу бир замонлар бўлгандек эди. Ҳозир Сидрат фақат бемор ҳақида ўйлар эди. Ниҳоят, хатар ўтгач, асбоб-анжомларини чамадончасига жойлаб, ортига қайтди.

Беморнинг эри уни овул четигача кузатиб қўйди.

— Баракалла,— деди хайрлашув чоғида унга қўлини узатиб,— сенга миннатдорлигимни қандай билдиришни ҳам билмайман. Раҳматдан бошқа ҳеч нарса дея олмайман.

— Бундан юксак мукофот бўлмайди,— жавоб берди унга Сидрат.

Мижжа қоқмай ўтган икки кеча-кундуздан сўнг унинг яёв юргиси келди. Бу ерда, довондан ўз овули кўриниб турарди. У пастда кафтдек очилиб ётарди.

Оқшом туша бошлаган, тоғлар қоронғи осмон бағридан зўрға ажралиб кўринарди. Фақат пастда, водийда чироқлар милтиллаб турибди. Тоғ четидан аста сузиб ой чиқди. Каттакон, юмалоқ нурли ой ерга осойишта ва оромбахш зангори шуъласини соча бошлади.

Сидрат кумушсимон йилтираётган дарё бўйига етиб келди-ю, бир тош устига ўтирди. Шу заҳоти унинг оёқлари тагига, сувга ой тушиб кетди. Сув чайқалди. Ой эса титраб, бўлак-бўлакларга парчаланди. Унинг кумуш парчаларини тўлқинлар тутиб олиб, оқизиб кетди.

Сидрат ўйга толиб ўтирарди. Бу ердан, ҳар баҳор янги либосга бурканадиган бу гўшадан у нимани излаётир. Балки у шу ердан пастда чироқлари милтиллаётган овулига тўйиб-тўйиб боқмоқчи ва ёлғиз эмаслигига қатъий ишонмоқчидир. Балки ҳаёти бошланган қадрдон сўқмоқни излаб топмоқчидир.

Сидрат ой шуъласида сутдек оқариб кўринган тоғ чўққиларига тикилди. Булоқлар ўша ерда пайдо бўлади. Дарёлар ўша ердан баланддан бошланиб, пастга оқиб тушади. Инсон ҳаёти сўқмоқларининг ҳам ўз ибтидоси бор. Фақат у пастда туғилади ва аста-аста юқорига, яшнаётган ўтлоқлар ҳам, тиканзорлар ҳам учрайдиган тепаликка кўтарилади. Агар инсон виждонли ва жасур бўлса унинг сўқмоғи албатта тоққа олиб чиқади.

Сидрат дарё ёнида ўтирар экан, оёғи тагидан ўтаётган бетиним тўлқинлар гўё: «Айт-чи, сенинг сўқмоғинг қаердан бошланган эди?» — дея сўроқлар эди. Тоғ қизи эса ой нури ёритган, оёқлари тагидан аллақайёқларга таралиб кетаётган тўлқинларга қараб, аста жавоб берарди:

— Шошма, тоғ дарёси, бир оз ўйлаб олай. Сўнг сенга ўз сўқмоғим ҳақида сўзлаб бераман. У шу ерда, тоғ бағрида бошланган эди ва бу ерга яна қайтиб келмоқ учун узоқ-узоқларга, ўт-олов ичига кириб кетган эди...

## ИККИНЧИ БОБ

Иигирма тўққизинчи йилнинг кузи келди. Шу йили овул камбағаллари бўлак-бўлак ерларни яхлитлаштириб, бирга ҳайдаб, биргаликда экмоқчи бўлишди. Молларни ҳам бир подага тўплаб жамоа даласида

боқишга аҳд қилишди. Шундай қилиб ҳамжиҳатлик пайдо бўлди. Сидратнинг отаси чўпон бўлиб тоққа мол хайдаб кетди.

Беш ёшли Сидрат кечгача дугоналари билан мачит олдидаги сердарахт боғда ўйнар эди. Пайт-пайти билан куз шамоли эсар, дарахтларнинг сариқ баргларини узиб болаларнинг устидан сочар эди. Боғ ортидан, яланғоч шохлар орасидан дала ва ундаги янги уйилган ғарамлар кўринарди. Бугдой билан арпа яқинда ўриб олинган, баланд ва қалин ўсган маккажўхори барглари шамолда шитилларди.

Сидрат ёнгоқнинг шохини эгиб, бир нечта ёнгоқ узиб олди. Уларнинг яшил пўстлоғи ҳали ажралмаган эди. Қизалоқ уни тишлаб-тишлаб тозалади. Сидрат тўкилаётган баргларни илиб олишни яхши кўрар, уларни ёнгоқ пўчоқларини арчаверганидан сарғайиб кетган қўлчалари билан тутиб, этагига соларди. Кейин эса йиғиб туриб яна сочиб юборар, сўнг чапак чалиб, қувнаб чир айланарди. Шунда барглар гўё у эркинлик ҳада этиб учириб бораётган қушларга ўхшаб кетарди.

Оилалари бошига кулфат тушган ўша куз кунда ҳам у шундай ўйнамоқда эди.

Ўша кун у югуриб ойисининг олдига келаётган эди. Тўсиқ ортидан онасининг ёш ювган ёноқларини кўрди-ю, этагини тушириб юборди — барглар сочилиб кетди. У онасининг бағрига отилди.

— Юр уйга, олтин қизим, — онаси эгилиб Сидратни қучоқлаб ўпди, — тезроқ, қўзичоғим, тезроқ, — шошилтирди у.

Онасининг кўзлари нам эди.

— Нега йиғлаяпсан, ойи? — сўради қўрқиб кетган Сидрат.

— Ўзим шундоқ. Олтин қизим, шундоқ, — ойиси кўз ёшларини артиб юзини ўгирди, — юр, тезроқ.

Сидрат итоаткорлик билан онасига қўлини узатди. Ойиси шундай тез юрар эдики, қизалоқ унга зўрга етиб улгурарди. У дам-бадам бошини кўтариб, қўрқув акс этган кўзлари билан ойисига қараб қўярди. Онасининг бу томонларда тез-тез ёғиб турадиган ёмғирдан ҳўл бўлган сўқмоқдан шошилиб, халқобларни ҳам четламай сув кечиби боришидан, ғалати чеҳрасидан ва гоҳ-гоҳ хўрсиниб қўйишидан Сидрат нимадир бўлганини сезар, лекин сўрай олмас эди.

Мана, ўзларининг кўчаларига бурилиб, ҳовлилари-

га киришди. Айвондаги тиргакда қора бурка осиглиқ: ундан чак-чак сув томяпти. Демак, отаси яйловдан қайтибди.

Лекин қачон? Нима учун бундай эрта? Худди шу пайт отаси айвонга чиқиб қолди. Сидрат, «Дада!»— деб унга отилди. Лекин отаси қўполлик билан уни четлатди. Сидрат йиглаб юборай деб ҳайрон бўлиб аввал онасига, сўнг отасига қаради. Онаси қўрқиб кетган, отасининг кўзлари эса аламли ялтирарди. Ҳали ҳеч нарсага тушуниб етмаган Сидрат онасига ёпишди ва унинг этагига юзини яширди. Лекин отаси уни қўлидан силтаб тортиб олди.

— Қизинг ҳам керак эмас сенга! Уз қулоқларингни бир умр кўролмаганингдек уни ҳам кўрмайсан,— деб бақирди у.

— Умар! Сен менинг ҳаётимни барбод этдинг. Жуда бўлмаса, менга ачинмасанг ҳам болага раҳм қил. Қизимизни менга бер,— аста йиглади онаси.

— Сени энди қизинг йўқ! У сен учун ўлган. Эшит-япсанми, худди сен биз учун ўлганингдек, у ҳам сен учун ўлган,— бақирди Умар.

— Қизим ҳаққи, Умар... Уни нобуд қилма. Сен ғийбатларга ишондинг, менинг ҳаётимни издан чиқардинг. Лекин қизинг! Унинг айби нима? Уни онасидан айирма. Шу қизингга берган оқ сутим ҳаққи, онт ичман. Алибулат билан менинг ўртамада ҳеч қандай гап бўлгани йўқ.— Онаси ёлворди.

— Етар, қайта бу номни менинг уйимда тилга олма. Бўлганми бўлмаганми, менга барибир. Одамлар гапиришяпти. Мен ахир эрақман!— Умар қаддини мағрур ростлади,— сен эса...

— Қизимни бер, Умар. Э худо, одамларга нима ёмонлик қилдимки, мени шундай гап қилишади? Нима учун? Э, худойим! Сенинг олдингда қандай гуноҳим бор эдики, бошимга шунча кулфатлар ёғдирдинг?— ойиси гўё ўзини ташламоқчи бўлгандек панжарадан пастга энгашди.

— Ойи! Ойижон!— Сидрат кучининг борича отасининг қўлидан чиқмоқчи бўлиб қичқирди.

Лекин отаси бир дўқ билан уни бувисининг хонасига олиб кириб қўйди. Бувиси тиз чўкканича, қўлларини кўкка чўзиб, илтижо қиларди. Ўғлини кўргач, сакраб турди ва унга ташланди.

— Худо ҳаққи, ўғлим, бу тентакликни қўй, тинч

уйингни бузма! Ғийбатларга ишонма. Одамлар пашшадан фил ясашни яхши кўрадилар.

— Ишинг бўлмасин, ўтириб дуоингни ўқийвер,— итариб юборди Умар.

— Ўйлаб иш қил, ўғлим.— Ялинди кампир унинг энгига осилиб,— кейин пушаймон қиласан. Аммо кеч бўлади. Эркак киши хотинларнинг ғийбатига қулоқ солмайди. Хотининг чизган чизигингдан чиқмасди, тилинг билан тенг айланарди. У ҳалол, Умар! Худодан қўрқ! Хотинингни хўрлама.

— Кесилган дарахтни қайта экиб бўлмас. Афтидан, мен чириган дарахтни кесиб ташладим.

— Дарахтни кесиш осон, лекин илдизи-чи? Сен қизингни ўйлаяпсанми, ўғлим?— деди бувиси Сидратни бағрига босиб, сочларидан ўпар экан.

Лекин Умар беҳад шафқатсиз эди.

Ана шундай қилиб, Сидратнинг июнь осмонидек беғубор қалбида биринчи момақалди роқ гумбурлади.

Чиранчоқ хўроз каби такаббур Умар ғийбатлардан кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қизалоғини ғам дарёсига қандай отганини сезмади.

Баджаҳл, бемеҳр Умар хотини билан ажрашгач, яна ҳам одамови бўлиб олди. Илгарилари хотини мисоли офтобдек бу хонадонни ёритиб турарди. Энди уйлари ғамгин, сира қуёш тушмайдиган дахма сингари совуқ бўлиб қолди. Илгарилари гоҳ гугурт, гоҳ туз сўраб кириб турадиган қўшнилари ҳам бу уйни четлаб ўтишарди.

Сидрат отасидан бирон оғиз ширин сўз эшитмас эди. У қизига қайрилиб ҳам қарамасди. Тоғдан қайтганида бувиси жимгина олиб келиб қўйган овқатни миқ этмай ўтириб ерди-да, ётоғига кириб кетарди.

Сидрат унинг кўзига кўринмасликка уринар, бурчакда ўтириб олиб, узоқдан отасининг столёнида ёлғиз овқатланиши, оғзидаги нонни истамайгина чайнаши ва қўлида қошиқни тутганича аллақаяқларга тикилиб туриб қолишини ҳам қўрқиб, ҳам ачиниб кузатар эди.

Ҳатто унинг юриши ҳам ўзгариб кетди. Аввалги пайтлардаги каби ғоздек ва мағрур юришлари йўқ, гўё орқасидан биров масхаралаётгандек бошини ҳам қилиб, елкаси узра атрофга ўғринча назар ташлаб юрар эди.

Мабодо уйда тўсатдан қизига дуч келиб қолса, ғўё унга «Онанг нима эди-ю, сен нима бўлардинг?» — дегандек таъна билан тикилар эди.

Ёлғиз бувиси Сидратни эркалар, лекин у ҳам бунга фақат ўғли тоққа кетганидагина журъат этарди. У борида қизчанинг ёнига йўлашга ҳам қўрқарди. Фақат бурчакда ўтириб олиб, дуо ўқий-ўқий, қўрқа-писа қизчани кузатарди.

Сидрат отасининг олдида онаси ҳақида умуман гапирмас эди. Лекин кўз олдида доим олтин соч, қўй кўз, майин жилмайиб турадиган, тортинчоқ аёл қиёфаси намоён эди. Сидратнинг назарида у оқшом чоғлари эшик очилиб кириб келадигандек, тепасига энгашганида эса олтинранг сочлари юзига тегиб қитигини келтирадигандек туюлар эди. Шунда Сидрат йиғлаб юборар ва йиғлай-йиғлай ухлаб қоларди.

Сўнг тушига ойиси кирарди. Улар дарёга кир чайгани боришарди.

Ойисининг бир қўлида катта тоғора, иккинчи қўли билан Сидратни етаклаб олган. Унинг сочлари қалин, олтинранг сочлари маккажўхори попилтириғидек кўкраклари узра ташлаб қўйилган. Сидрат қўлидан чиқиб дарё томон югуриб кетади, тошдан-тошга сакрайди. Ойиси эса эркалаб сўзлайди:

«Сидрат, олтин қизим, эҳтиёт бўл, дарёга тушиб кетма тагин. Кейин сенсиз мен нима қиламан».

Шунда дарё бирдан лойқаланади, шамол туради ва оёғи остидаги тош қаёққадир йўқолади. Сидрат асов тўлқинлар уни оқизиб кетаётганини ҳис этади. «Ойи!» — деб қичқирмоқчи бўлади, лекин оғзи сувга тўлиб қолади.

«Қизим!» — қичқиради қирғоқдан ойиси ва кир тоғорани ташлаб юборади.

Шу ерга келганда Сидрат уйғониб кетади. Сўнг шундай ўксинадики, ўрнидан тургиси ҳам келмайди. Яхшиси, яна ухлаш керак. Ушанда яна ойисини кўради.

Бир куни Сидрат ўтлоқда дугоналари билан ўйнар эди, бирдан кимдир орқасидан келиб маҳкам қучоқлади. Ҳали кўрмай туриб, ёқимли исидан, илиқ, енгил нафас олишидан қизча онасини таниди.

— Қизгинам, қандай соғиндим-а, сени, — ойисининг кўзлари ҳам йиғлар, ҳам кулар, ҳозир қизчасини кўриб турганига ишонмаётгандек унинг сочлари, юзларини силар эди.



Шу-шу, Сидрат отасининг тоққа кетишини пойлай-  
диган бўлиб қолди. Отаси кетиши билан эса онасининг  
ёнига югурар эди. Онаси ҳам шу овулда, фақат нариги  
четида, туғилиб-ўсган ота уйида яшарди.

Бир куни шундай келганида зинадан чиқаётиб  
Сидрат онасининг овозини эшитиб қолди. У бўлиб-  
бўлиб сўзлар, афтидан ҳаяжонланарди.

— Менга эр керак эмас. Умуман, қизимдан бошқа  
менга ҳеч ким керак эмас. Мени тинч қўйинг,— дерди  
у алам билан отасига.

— Агар ўша бизни шарманда қилганнинг қизини  
олиб келар экансан, ўзингни ҳам уйдан ҳайдаб чиқа-  
раман,— дўқ қиларди буваси,— эрга тег!

— Ота, менга эр керак эмас. Қизимни ўзим катта  
қиламан,— ёлворарди ойиси.

Сидрат титраб-қақшаб зинада тўхтаб қолди. Шу он  
югуриб бориб ойисини қучгиси, қулоғига ширин-ши-  
рин сўзлар айтгиси келди. Лекин яна бобосининг ово-  
зи эшитилди.

— У ҳақида Умар ўйласин. Менга унинг қизи ке-  
рак эмас.

Сидрат гўё уни биров хивич билан саваб қолган-  
дек, зинадан югуриб пастга тушди. Фақат бу ердан  
кетса бас. Бу уйдан, ҳеч ким уни яхши кўрмайдиган,  
унинг кераги бўлмаган уйдан тезроқ кетса бас. Кўз  
ёшлари эса ўз-ўзидан оқиб, этақларига тома бошлади.

— Сидрат, сени ким хафа қилди?— орқасидан та-  
ниш овоз эшитилди.

Бу қўшнининг ўғли Рашид эди. У болалар билан  
ўйнаётган коптогини ташлаб, қизчанинг ёнига келди.

— Йиқилиб тушдим,— кўз ёшларини артиб алда-  
ди Сидрат.

— Шунга йиглаб ўтирибсанми,— ҳуштак чалди  
Рашид ва катталардек қўшиб қўйди,— тўйгача туза-  
либ кетади. Юр бизникига, самолёт кўрсатаман.

— Қанақа самолёт?

— Мана бундай, кичкина,— Рашид қўли билан  
кўрсатди,— лекин ростакамига ўхшаб учади,— кейин  
фахр билан қўшиб қўйди,— ўзим ясадим.

— Худди ростакамига ўхшаб учадими?

— Ҳа-да. Юр,— у қизчанинг қўлидан тортиб олиб  
кетди.

Улар қишлоқ йўлини чангитиб, сакраб югуриб  
кетишди. Боланинг кўз ёши майсадаги шудринг том-  
чиси мисол тез қурийди. Мана, орадан дақиқа ҳам ўт-

гани йўқ, юзидан оқиб тушган ёш томчилари қуриб, излари оқариб қолган Сидрат, шодланиб, гугурт қутиси ва китоб муқовасидан ясалган самолётни томоша қилиб ўтирарди.

Сидрат Рашидларникида кечгача ўйнади. Бутун хафагарчилигини, онаси йўқ ғамхона уйини, қўрс отасини унутди. Агар бувиси чақирмаганида кеч бўлганини, овқатланиши кераклигини ҳам унутарди.

— Сидрат, чирогим, қаёқларда қолиб кетдинг-а? Ке, овқатингни е!

Қизча тўйиб-тўйиб ўйнаб олгач, кетар экан, Рашид деди:

— Эртага ҳам кел. Сенга китобларимни кўрсатаман. Келасанми?

— Китобларинг ҳам борми?— севиниб кетди Сидрат.

— Албатта. Мен ахир мактабга бораман.

— Унда сен газета ўқишни ҳам биласанми? Менинг дадамга ўхшаб-а?— ҳайратланди Сидрат.

— Қизиқ экансан-ку,— кулиб юборди Рашид,— мен ахир учинчи синфда ўқийман.

— Мен ҳам ўқишни... хоҳлайман,— уялиб секингина деди Сидрат.

У уйига шод-бахтиёр қайтди. Айвондаги қозиқда отасининг қора буркаси осиглиқ турар эди. Сидрат бирдан ҳамма нарсани эслаб, севинчи ичига тушди. Дадаси столда унга орқа ўгириб ўтирар ва овқатланарди. Эшик ғийқиллашини эшитиб ўгирилди ва қуюқ қошлари тагидан қизига жимгина тикилди. Бу қарашдан Сидрат ғужанак бўлиб олди ва гуноҳкордек қисилиб-қимтиниб, ўз хонасига кирди-ю, ўрнига ётди.

Эшик қаттиқ тақиллаганида у ҳали ухламаган эди. Сидрат чўчиб тушди. У энди ҳамма нарсадан қўрқарди.

Қия очиқ эшикдан айвонга қўлида хипчин ушлаган новча бир эркак кирганини кўрди. Бу қўшни овулнинг ўқитувчиси Алибулат эди.

Чоригини ямаб ўтирган Умар оёқ товушини эшитиб, ишини курсига қўйди-да, ўрнидан турди. Қуюқ қошлар остидан қийиқ кўзлари меҳмонга бўридек тикилди. Алибулат хипчин билан тўпиғига уриб туриб сўзлади:

— Умар, эшитишимча, мени деб сенинг оилангда жанжал чиқибди. Агар мен тоғлиққа номуносиб бирор иш қилган бўлсам, эркакларча ўзим билан гаплаш.

Хотинларнинг гийбатига ишониб бу нима қилганинг...

— Шошилма. Сендан ўч оладиган куним ҳам келади,— хўмрайиб ваъда қилди Умар,— қарз унутилмас, қон қотмас. Эскиларнинг гапини эшитганмисан?

— Умар, сенинг мендан қарзинг йўқ. Агар хотинингга кўнглимда бирон гап бўлса, онам берган оқ сут ҳаром бўлсин. Мен уни йўлда оғир юк кўтариб бораётганини кўриб, қопини отимга ортиб олдим, холос. Агар менинг ўрнимда бўлганингда сен ҳам шундай қилган бўлардинг.

Умар масхараомуз тиржайди:

— Ахир қопни хотинлар ва эшаклардан ўзга ким ҳам кўтарсин,— у хахолаб кулди, сўнг кулишдан тўхтаб, дағдаға қилди:

— Етар. Мен уни ҳайдаб юбордим. Агар ачинсанг, олишинг мумкин. Буни қара-я. Оғир юк кўтарганмиш... Балки сен уни маликалардай тахтга чиқариб қўярсан. Марҳамат!— Умар Алибулатнинг юзига юзини яқинлаштириб гудранди.

— Жинни бўлибсан!— Алибулат орқага тисланиб бақириб юборди ва яна тўпигига хипчин билан урди.

— Ҳечқиси йўқ, ақлни сендан қарз олмайман,— масхара қилди уни Умар.

— Хотинингни айби нима? Ахир шундай енгилтаклик билан оилани бузиш мумкинми?— бўш келмасди Алибулат. Лекин энди товушида гангиш оҳанги бор эди.

— Мен унинг айбини суриштириб ўтирганим йўқ. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, оловсиз тутун ҳам бўлмайди. Бир кун келадики— сен билан ҳам ҳисоб-китоб қиламан. Ҳозир бўлса, қимматли меҳмон, эшикни нариги томонидан ёп.

— Нима бўпти,— хўрсинди Алибулат,— агар сен хоҳласанг, мен ҳам сен билан учрашишга тайёрман. Лекин Зулҳишатга ачинаман. Унинг ҳеч қандай айби йўқ.

— Айби йўқ, дейсанми?— Умарнинг юзи қийшайиб кетди, кўзи қонга тўлди,— у мен ва ўзини бадном қилди.

— Лекин сен бемаъни гийбатларга ишониб уни шарманда қилмоқчисан.

— Унда, бор, унинг айбини юв. Бу ерда нима қилиб турибсан?

— Нима ҳам дердим. Шундай қилишга тўғри

келади, — жавоб қилди Алибулат, — аслида бундай гап хаёлимнинг кўчасига кирмаган бўлса ҳам, — у шу сўзларни айтиб чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг Сидрат узоқлашиб бораётган от туёқлари товушини эшитди. Отаси эса жаҳл билан эски чоригига бигиз тикди. Девор ортидан бувисининг дуо ўқигани эшитилди.

## УЧИНЧИ БОБ

Онадан ўзга ким ҳам ўглининг феълени яхши билсин. Сайгибат ўғлида унинг болалик чоғларидаги, шу билан бирга марҳум эрининг ҳам хусусиятларини кўрарди.

Ўгли қайсар бўлиб ўсди. Шу билан бирга у жуда ор-номусли эди — ёлғонни сира ёқтирмасди. Бир куни, ўшанда у олти ёшда эди, отасининг деворда осиглиқ турган ханжарини олиб, ўйнаб туриб ерга тушириб юборди. Ханжарнинг дами тошга урилиб, ўтмас бўлиб қолди. У қўрқиб ойисининг ёнига югурди. Бўлган воқеани қандай бўлса шундай айтиб берди. Эрининг жаҳлини яхши билган Сайгибатнинг ўзи ҳам қўрқиб кетди.

«Ханжарни жойига осиб қўй, — деди у, — отанг балки сезмас. Бордию сўраса, билмадим, олганим йўқ», дегин.

Умар ойисига кўз тагидан қаради-да, жимгина нари кетди. Кечқурун отасига ҳаммасини ўзи айтиб берди.

Агар Умарни қайсарлиги учун жазолашса, у тишини-тишига қўйиб чидарди. Отаси эса алаmidан бақирарди.

«Қамчи билан савасанг ҳам кўзидан томчи ёш чиқмайди-я», — дерди, сўнг гўё қўшнилари гувоҳликка чақиргандай атрофга олазarak алангларди.

Сайгибат эса ўғлига ачиниb, эрига эса бир нима дея олмай ҳовлининг бир бурчагига бориb ўтирарди. Деворлар эса баланд. Эшитсалар эшитардилару, лекин гапира олмасдилар.

Отаси ура-ура чарчаб стулга ўтирарди.

«Тошдан қон чиқармиди».

Умарнинг авлоди ўзининг букилмас гурури ва қайсарлиги билан ном чиқарган эди. Бу хусусиятларни ўғлида ҳам кўрган отаси хафа бўларди. Аммо ич-ичидан бу билан фахрланарди ҳам.

Лекин отаси доим, ҳамма билан ҳам шундай қўпол муомалада бўлавермасди. Ўғлининг тарбиясида қаттиққўл, хотинига мудом дағал муомалада бўладиган бу одамнинг қалбида онасига нисбатан ажойиб меҳр яшар эди. У шол бўлиб ётиб қолган онасини қандай ғамхўрлик билан парвариш қилганини Умар кичкиналигида кўп кўрган. У онасига ўзи овқат сузиб берар, ўзи энг яхши гўшт бўлакларини танлаб едирарди. Хотинига ишонмай ҳар куни уни ўзи юиб-тарар, кийимларини алмаштирар эди.

Умар бундай пайтларда отасини кўриб кўзларига ишонмас, унинг қандай қилиб шундай меҳрибон, ғамхўр бўлиши мумкинлигини тушунмас эди. Наҳот бувисининг тўшаги ёнида ўтириб, унинг оппоқ сочларини силаётган одам отаси бўлса...

Умар бундай пайтларда жуда ҳам отасининг юзини кўргиси келар, лекин у орқасини ўгириб ўтирар, бувисининг хонасига киришга эса боланинг юраги бетламас эди.

Отаси бир куни унинг кузатаётганини сезиб қолиб, ўгирилиб қаради-да, қўли билан имлаб чақирди.

— Мана, ўғлим, қарзимни тўлаяпман,— деди у гўё ўғлининг фикрини уққандай.

— Қанақа қарз, ота?— сўради Умар ҳайрон бўлиб.

— Ота-онамнинг қарзини, ўғлим,— деди у. Сўнг бир оз жимликдан сўнг яна қўшиб қўйди,— инсоннинг энг мўътабар қарзи унинг она олдидаги бурчидир. Уни қанча тўласанг ҳам адо бўлмайди,— отасининг овози тантанали янграрди.

Умар унинг бундай сўзлаганини сира эшитмаган эди.

— Мен ҳам қариб, шундай ҳолдан тойганимда сен ҳам қарзингни узишдан қочмасанг керак-а?

— Албатта, ота!— деди ҳаяжонланиб Умар. Унинг юраги уриб кетди. Шу он отасига бирор яхшилик қилгиси келарди.

Лекин қарз тўлаш унга nasib қилмади. Кекса отасини боқишга ҳам тўғри келмади. Отаси ёш ўлиб кетди. Тасодифан фожиали ҳалок бўлди. Аравага пичан ортаётганида, пичан сочилиб-тўкилмасин деб, устидан арқон билан боғламоқчи эди. Арқонни араванинг бир томонига боғлаб, иккинчи томонидан туриб торта бошлади. Лекин арқон узилиб, у аравадан отилиб кетди. Бу вақт ҳўкизларнинг тизгинини ушлаб турган Умар югуриб отасининг ёнига келганида у жон бераётган эди.

Отаси ўғли билан камдан-кам гаплашар, унга нисбатан доим қаҳрли эди. Лекин ундаги бор меҳр-оқибат ўғлига ўтган эди. Умар ҳам онасига меҳрибон чиқди. Уни асраб-авайлар эди. Отаси рўзгорда исрофгарчиликка йўл қўймасди. Ҳар бир нарсани ўрнида ишлатар эди. Умар ҳам шундай яшади. Агар онаси бирон нарсани ташлаб юбормоқчи бўлса у бир кун асқатади, деб бунга йўл қўймас эди.

Отасининг вафотидан кейин қўшнилар бу уй энди хонавайрон бўлади, деб унга маслаҳатлар бера бошлашди. Лекин Умар бировнинг сўзига кирадиганлардан эмас эди. Доим ўз ақли билан иш кўрар эди, онасига отасининг сеvimли сўзларини эслатиб турар эди.

«Шамол фақат шохдан узилиб тушган барглари гина учириб, хоҳлаган томонига олиб кетиши мумкин».

Сайгибат эса ўғлига қараб: «Отасининг ўзи», деб ўйлар, лекин бундан сира хурсанд бўлмасди. Шафқатсиз эридан куйган бу аёл ўғлининг меҳру саховатли бўлишини истарди. Лекин отасининг барча хусусиятлари унга ўтиб, маҳкам ўрнашиб қолган эди.

Оилада майда-чуйдаларгача тежаб-тергайдиган Умар аслида қизганчиқ эмас эди. Айниқса ичганида жуда сахий бўлиб кетарди. Ўртоқлари эса худди шундан фойдаланишар эди. Агар ундан бирор нарса олишмоқчи бўлса, илтимос қилиб, ялиниб ўтиришмасди. Яхшилаб ичиришарди. Бундай пайтларда Умар кўйлагигача ечиб беришга тайёр эди.

Овулда анча маҳалгача бир ҳангома тилдан-тилга кўчиб юрди. Бир куни Умар уйланмоқчи бўлибди. Келиннинг ота-онасига қалин бериш керак. Шунинг учун Сайгибат урбач<sup>1</sup> тайёрлаб, уни икки бочкага солиб, Умарни бозорга жўнатибди. Шаҳарда Умар Содиқ исмли дўстини учратиб қолибди. У ҳам шаҳарга иш билан тушган экан. Умар нима учун шаҳарга тушганини эшитган Содиқ сеvиниб, мўйловини буриб қўйибди. Лекин шошилмабди. Фақат Умар урбачнинг ҳаммасини сотиб бўлганидан сўнггина уни винохонага таклиф қилибди. Винони Содиқнинг ўзи сотиб олибди ва катта-катта кружкаларга қуйиб, дебди:

— Овулимизда кимки иморат солса, албатта унга эшик қуради. Эшик ўрнатар экан, албатта: «Эй худо, ишқилиб эшигимни меҳмонлар тез-тез очиб туриш-

<sup>1</sup> доғистонликлар сеvиб ичадиган ичимлик.

син», — дейди. Мана мен ҳам бугун: «Эй худо, биз бу қазноқнинг эшигини тез-тез очиб турайлик», дейман.

— Омин, омин, — деб қичқиришди йигитлар. Фақат Умар индамади, Содиққа ёқтирмайгина қараб қўйди.

Лекин Содиқ нима қилаётганини яхши билар эди. У стол устидан чўзилиб, дўстининг қадаҳини яна тўлдирди. Иккинчи қадаҳдан сўнг Умар қўлини чўнтагига олиб борган эди, Содиқ уни тўхтатди.

— Умар, Умар, — деди у ўлкалаб, — сен тоғлиқлар одатини бузаяпсан. Ахир мақол бор-ку, энг ландавур меҳмонгина мезбонни меҳмон қилади, деган. Биз шаҳарга сендан олдин келганмиз, демак, сен бизнинг меҳмонимизсан.

Шундай деб Содиқ стол атрофини айланиб ўтди ва яна Умарнинг кружкасини тўлатди. Учинчи марта ичишди.

Энди Умарни тўхтатиш қийин эди. Тўғриси айтганда, бунга ҳеч ким ҳаракат қилмасди ҳам. Стол ёнига бегона одамлар ҳам келишар — Умар уларни ҳам меҳмон қиларди. Охири у шу аҳволга тушдики, кўчага югуриб чиқиб, ўтиб кетаётганларни ҳам ертўлага чақира бошлади. Айниқса, авар тилида сўзлайдиганларни нақ қўлидан тортиб олиб туша бошлади.

Эртаси кун Умар бўм-бўш бидон ва қуп-қуруқ чўнтак билан уйга қайтди.

Сайгибат чапак чалганича қолаверди. Кейин секин-аста нима бўлганини суриштириб билмоқчи бўлди. Лекин Умар фақат: «Дарахт ҳам ҳар йили мева бермайди. Ҳар сафардан ҳам тўла хуржун билан қайтилмайди», деб жавоб берди.

Лекин, айтадиларки, икки киши билган сирдан, албатта барча воқиф бўлади. Шаҳарда бўлган воқеанинг дараги тезда овулга ҳам етиб келди. Бу воқеани сўзлаб булоқ бўйида сувга келиб ҳам роса кулишарди. Албатта, бу ҳангома Сайгибатнинг қулоғига ҳам етиб борди. Алам қилганидан онанинг кўзларига ёш келди. Бу ноинсофлар ўғлининг пулини лақиллатиб олишгани олишган, яна бутун овулга масхара қилгани ортиқча.

Сайгибат Содиқнинг ота-оналари олдига борди ва шундай деди:

— Тўй бўлай деб турганида пулини қоқиб олиш учун одамни шундай ичириш гуноҳ-ку.

Содиқнинг ойиси ҳам жим тургани йўқ.

«Нима,— деди у,— вино ичганида сенинг ўғлинг маст бўлса, менинг ўғлим ҳушёр тортадимми?»

Сайгибатнинг ўрнидан туриб, чиқиб кетишдан бошқа иложи қолмади.

«Майли, у пуллар худо йўлига садақа,— деб ўйлади йўл-йўлакай,— фақат бу гаплар келиннинг қулоғига бориб етмаса бўлгани».

Нимадан қўрқсанг, ўша воқеа содир бўлади.

Умар дарёга отини суғоргани борган эди, қизлар Зулҳишатга ҳазиллашишгаётганини эшитиб қолди. «Куёв бола қалин учун шаҳарга бориб, бўм-бўш хуржун билан қайтибди, дейишяпти».

Зулҳишат эса уларга майингина жавоб берди: «Мен қалинга сотилмайман». Умар ҳатто отини суғоришни ҳам унутди. Ўгирилиб, уйига жўнади. Зулҳишатнинг жавоби унга ёқиб тушган эди. Эртаси куни бир буқа, уч қўйни бозорга олиб бориб сотди ва келинга шундай совғалар жўнатдики, бу қиз дугоналарининг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмасди.

Овул йигитлари эса Умардан хафа бўлишди. Ахир энди улар ҳам ўз обрўлари учун курашишлари керак эди-да. Келинларнинг оналари эса куёвларнинг оналарига: «Бизнинг қизларимиз ҳам Зулҳишатдан кам эмас»,— деб шама қилишди.

Шундай қилиб, Умар уйланди. У Зулҳишатни қаттиқ, ич-ичидан, унсиз ва оғир муҳаббат билан севарди. Узга аёлларни у пайқамас, кўрмасди ҳам. Ҳар бир аёлнинг табассумида Зулҳишатни кўрарди. Қалбининг тубида уни доим азоблайдиган рашк яшириниб ётарди. Гурури муҳаббатини ошкор этишга йўл қўймасди. Зулҳишат қизлар даврасида ўйнаб-кулишни, қўшиқ айтишни, суҳбатлашишни ёқтирарди. Лекин Умар бунга йўл қўймасди. Энди ҳеч ким унинг қўшиғини эшитмасди. Ҳатто у камгап ҳам бўлиб қолди. Одамлар орасида Умар у билан кам гаплашарди, биринчи бўлиб мурожаат этишга эса хотини қўрқарди.

Одамларга кам аралашарди. Ҳатто ота-онасини тез-тез бориб кўролмасди. Умар хотинининг уйдан чиқилиши ёқтирмасди. Унинг сутга чайгандек оппоқ ёноғида юлдузчалардек ўйнаб турадиган кулгичларини биров кўришини хоҳламасди...

Сайгибат келинидан жонини ҳам аямас эди. Лекин юрагида доим бир қўрқув яшарди: ишқилиб ўғли келинини бирор эҳтиётсиз сўз билан хафа қилиб қўйма-



син-да. У шундай эъзозлаб келаётган нарса вайрон бўл-масин-да. Лекин Умар хотинини уйдан ҳайдаб чиқарган-да бу зарба унга жуда оғир тушди, лекин тишини-тишига қўйиб чидади. Гўё шундай бўлишини у илгаридан билар ва қўрқа-қўрқа бу дамни кутгандай эди...

\* \* \*

...Алибулат келиб кетганидан кейин Умар яна тунд бўлиб қолди.

Бир куни эрталаб Сидрат бувисининг ўрнида маза қилиб ётар экан, дадасининг бақирганини эшитди.

— Эшитдингми? Бундан кейин ойисининг олдига бормасин!

— Вой, ўғлим-ей!— ялинди бувиси. — Худодан қўрқмайсанми? Бола бечора ойда-йилда онасини бир кўрса нима қилибди. Сал яйрасин. Гуноҳдан қўрқ.

— Ҳечқиси йўқ. Елкам кенг, кўтараман. Бу гуноҳни ҳам кўтариб юра оламан,— онасини ортиқ гапиргани қўймади Умар.

— Агар сенинг елканг кенг бўлса бундан бошқалар азоб чекиши керакми? Уғлим, майли, Зулҳишат айбдор бўлсин. Лекин қизини у тўққиз ой юрагининг тагида кўтариб юрган, икки йил оқ сут бериб эмизган. Наҳот қизини кўриб туришга ҳаққи бўлмаса?

— Энди одамлар уни кўрсатиб, «ана Умарнинг қизи, Алибулатнинг эса ўғай қизи», деб кўрсатишлари қолдимиз. Сен шуни истайсанми?

— Алибулат виждонли одамнинг ишини қилди,— бўшашиб қаршилиқ билдирди бувиси.— Сен ўз бахтингни асрай олмадинг, энди бировдан хафа бўлма. Бахт қушинг учиб кетди, энди қайтиб келмайди.

— Учиб кетса кетар. Менга бундай бахтнинг кераги йўқ,— бўш келмади Умар,— қизимга айт, бугундан бошлаб онаси унинг учун ўлган. Бу менинг сўнгги сўзим,— у шарт ўгирилиб, чиқиб кетди.

— Э, худойим,— йиғлади бувиси.— Бу кунларни кўргунча ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди. Гийбатнинг уйи куйсин, бизни хонавайрон қилди. Қандай келинимдан айрилдим-а! Уғлим эс-ҳушини йўқотган. Энди набирам ҳам бунинг азобини тортади. Гуноҳи нима ахир, бечоранинг онаси тирик бўла туриб, етим қолди-я...

Отасининг сўзлари қизнинг юрагига ўқдек қадалди, гўё уни тиканли сим билан савалади. Энди қизчани онасини кўргани юборишмайди. Бу қувончини ҳам

тортиб олишди. Бир неча кундан кейин эса ойиси бутунлай бошқа овулга жўнади: уни Алибулат ўз уйига олиб кетди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Сидрат аввалгидек ўртоқлари билан эски мачитнинг боғида ўйнарди. Бошқа қизларнинг оналари уйга чақириб: «Овқат маҳали бўлди, неча марта айтиш керак сенга», деганларида ҳаваси келарди ва секингина мўлтираб атрофга қараб қўярди: бирдан бурчакдан унинг ойиси ҳам чиқиб қолса-чи, скамейкага ўтириб, сочлари билан юзларини қитқлаб эркаласа-чи... Лекин яшаётган овули жуда яқин бўлса-да, ойиси келмас эди.

Сидрат тез-тез хаёл сурадиган бўлиб қолди. Ўйин энди қизиган пайтлари у бирдан кетиб қолар, бирор бўш скамейкага ўтириб олиб, ботинкасининг тумшуги билан нималарнидир чизиб ўтирарди. «Қотти-қотти» ўйнаётган пайтлари қаёққадир қочиб кетиш керак бўлганида эса бирдан тўхтаб қолар ва шу турганича тура-верар эди.

Ҳамма нарсани тушуниб етишга боланинг мурғак қалби қийналарди. Мана, буваси — ойисининг дадаси... Яқин-яқингача у набираси ҳақида эшитишни ҳам хоҳламасди. Энди бўлса келиб олиб кетади, боққа етаклаб кириб, энг чиройли олмаларни узиб беради. Гоҳида эса тиззасида олиб ўтиради-да, бошини узоқ силайди. Сидрат хижолат чекади. Бобосига қандай муносабатда бўлишини билмайди. Лекин негадир унга ҳам худди отасига ачингани каби ачинади.

Бир куни у кўза кўтариб, булоқ бўйига сувга борганида, бувасини учратиб қолди.

— Мен сени атайлаб қидириб чиққан эдим, — деди у хурсанд, — қани юр бизникига.

Бобосининг кўриниши қандайдир тасодиф юз беришидан дарак берарди. Сидрат бундан қўрқиб кетди, унинг кичкина ҳаётида ҳаддан зиёд кўп ўзгаришлар юз берди, у энди улардан чўчиб қолган эди.

Чиндан ҳам Сидрат бувасининг уйига кирганида ойисини кўрди. Ойисини ҳеч қачон бунчалик чиройли ва башанг кўрмаган эди.

Унинг меҳрли кўзлари бахтдан порларди. Лекин қизининг тортиниб кириб келишини кўриб, кўзлари намланди. Сидрат онасининг бағрига отилиб, бўйнига осилиб олди.

— Мени ҳам ўп, қизалоғим, — эшитилди унга қандайдир овоз. Сидрат титраб кетди, орқасига ўгирилди.

Унинг юзидаги қувонч шамол учирган хасмисол зумда йўқолди.

Тахта сўри устида Алибулат ўтирар, унга вақтичоғ қараб турарди.

Нима қилишини билмаётган буvasи эса, уни елкасидан астагина итариб: «Ана, Сидрат, сенинг янги данданг. Бор унга, қўрқма, у сени хафа қилмайди»,— деди. Сидрат гўё устидан қайноқ сув қуйилгандек қипқизариб кетди.

— Менга бошқа дада керак эмас. Ўзимнинг дадам ҳаммадан яхши,— деди ва яқинда отасидан эшитган сўзларини қўшиб қўйди,— унинг елкалари кенг, бўйи баланд.

Сидрат шу сўзларни айтди-ю, уйдан ўқдек отилиб чиқиб кетди. Ойиси унинг кетидан югурди, қизини чақирди, лекин у қайрилиб қарамади. У шундай тез югурдики, ойиси қизини қувиб етолмади.

Сидрат ҳозир биров кўришини сира истамасди. Шунинг учун ҳовлисига етиб келди-ю, билинтирмай молхонанинг томига чиқиб, у ердан аста пастга тушди. Молхонада хашак ва нам ҳиди анқирди. Сидрат тешикдан, пичан орасидан кўринаётган осмонга мўралади. Кейин бошини ерга эгиб, ҳеч нима кўрмаслик учун юзини қўллари билан яширди. Лекин ўша заҳотиёқ кўз олдида бобосининг уйи ва тахта сўрида хўжайинлардек ястаниб ўтирган Алибулат пайдо бўлди.

«Ҳаммасига ўша айбдор,— алам билан ўйлади Сидрат,— агар у бўлмаганида ойим ҳозир ҳам биз билан бирга бўларди». Энди отаси унинг назарида меҳрибон ва адолатли, бекордан-бекорга таҳқирланган бўлиб туюлиб кетди. У отасининг уни ўтган йили тоққа олиб борганини, қўтондан юнглари жингала қўзичоқларни олиб келиб берганини, қўзичоқлар эса Сидратнинг тиззасига суйкаланиб, маърашганини эслади.

Ўтган баҳор бутун овул билан бирга чўпонларни қишловдан қандай кутиб олганлари ёдига тушди. Ўша кунни улар алламаҳалгача ухлашмади. Ойиси ўзига ва қизига ялтироқ ипакли матодан тикаётган кўйлақларини битказишга шошиларди. Ўша кунги ойисининг чеҳраси ҳамон кўз ўнгида. Итоаткор, аллақандай сирли. Негадир унинг кўзларида табассум ўйнар, бу кўзлар устидаги учиб турган қайрилма қошлари қалдирғоч қанотига ўхшарди.

Ўша тонг улар қишлоқ ортидаги ялангликка ҳаммадан олдин келишди. Одамлар кўпая бошлади. Ҳам-

ма ортидан чўпонлар чиқиб келадиган тоққа кўз узмай тикила бошлади. Сидрат эса негадир тутун ҳалқасига ўхшаб кўринадиган шаршарага қарагани қараган эди.

«Келишяпти, келишяпти»,— деб қолди одамлар орасидан кимдир. Сўнг Сидрат баланд қоя бўлақларини кесиб, чўпонларнинг бошларига кийдириб қўйилганга ўхшаган тик папахларни кўрди. Ана, тоғ устида қўйлар ҳам кўринди. Энди гўё тоғ одамларга қараб сурилиб келаётганга ўхшади. Ҳар бир отарнинг олдида катта-катта серкалар бошларини тик тутиб келардилар. Уларнинг шохлари худди ёнғоқ дарахтининг шохлари каби буралиб-буралиб кетган. Отарнинг чет-четида эса тўқ, семизлигидан ялтираган итлар эринибгина қадам ташлайдилар. Одамларни кўргач, уларнинг қулоқлари динг бўлиб, ғазаб билан вовиллай бошладилар. Лекин чўпонлар уларга секингина нимадир дейишди-ю, итлар гуноҳкордек думларини қисиб, тинчланишди.

Энг олдинда Умар ўз отари билан келарди. Уйда тез-тез эслаб гапириб юрадиган Казбек исмли ити уч оёқлаб зўрға судралар, бинт билан боғланган тўртинчи оёғини кўтариб олган. Мана, отар овул чегараси бўлган дарёдан ўтди. Ҳамма ота ва акаси, қайлиғига пешвоз югурди.

Сидратни кўтариб олган Зулҳишат ҳам эрининг олдида келди. Унинг кўзлари порлайди-ю, лекин тортинадди. Жимгина, ёниқ ва интиқ кўзларини зимдан эрига тикиб, қизини узатди. Умар Сидратни қўлига олиб, осмонга отиб, бағрига босди, унинг ўсиб кетган соқол-мўйлови қизчанинг юзини тирнади. Зулҳишат уларга боқар экан, чеҳраси оромбахш бир қувончдан очилиб кетган эди.

Колхоз раиси қоя устига чиқиб, чўпонларни табриклайди. У бу йил қиш айниқса оғир келгани, лекин чўпонлар уни мардона ўтказганлари ҳақида гапирди. Колхозчилар номидан уларга ташаккур билдирди ва совғалар топширди, энг қимматбаҳо совға Умарга тегди. Бу Кубачи усталари кумушдан ўйиб ишлаган, тилла суви юритилган ханжар эди. (Ўшандан бери ханжар уларнинг деворларида осиглиқ туради.) «Бу сенга, жасурлигинг учун,— деди раис,— колхоз отарини бўрилардан қутқарганинг учун». Ҳақиқатан, бу йил колхоз отарига бўрилар бир неча марта ҳужум қилган, етти марта жароҳатланган Казбек шунинг учун ҳам оқсарди.

Кейин чинакамига шодиёна бошланиб кетди. Яланг-

ликда байрам учун ҳамма нарса тахт эди: қозонда шўрва қайнар, ҳаммаёқни қийнинг ўткир ҳиди тутиб кетганди. Буг осмонга баланд кўтарилади ва булутларга қўшилиб кетади. Ялангликда болалар югуришади: ҳаммадан ҳам улар яйрашади. Мана сурнай садоси янгради ва шовқин-сурон аста тина бошлади. Шундай бўлдики, ўз-ўзидан Умарнинг атрофида давра пайдо бўлди ва кимдир уни зўрлаб ўртага олиб тушди. Умар ўзини йўқотиб тўхтаб қолди, кейин силлиқ чўпон таёғини баланд кўтариб, давра бўйлаб бетўхтов юриб кетди. Шу он мадад парисидек, гўё «сен қаерда бўлсанг жуфтинг ҳам ўша ерда» дегандек даврага Зулҳишат сузиб кирди.

Раис бошидаги қалпоғини осмонга отди ва қичқирди: «Нима бўлди, мудраяписизларми, қизлар? Ёки Умар отарни қандай қутқарганини эшитмаганмисизлар?»

Унинг овози акс садо бериб тоғларга таралиб кетди. Шу заҳотиёқ ўқ овози чўчитган каптарлардек қизлар даврага учиб киришди.

Умар бир эркак билан бир неча қизнинг рақсга тушиши натта ҳурмат эканлигини яхши биларди. Одатда ботирни шундай қарши оладилар. У уялиб, янглишиб кетди ва тўхтаб қизларга қарсак чала бошлади. Шу ҳолатда, соқол-мўйлови ўсган, қорайиб кетган, басавлат, гавдали эркак ўзини йўқотган ҳолда давра ўртасида туриб қолди, атрофида эса қизлар майда қадамлар билан сузиб юришар, этакларидан кўтарилган шабада юзига келиб уриларди.

Кейин «Шох» ўйинига мусобақа эълон қилинди. Узун ёғочга катта шох тиқишди. Икки эркак жарнинг икки чеккасига туришди. Ҳар бири кучанганидан қипқизариб ёғочни тортиб олишга уринади. Кимки ёғочдан шохни биринчи бўлиб суғуриб олса, ғолиб саналади. Ўйин қийин ва жасурликни талаб қиларди: жар четида қимирламай туриш учун анчагина куч ва абжирлик керак эди. Ахир бири ходани тортаётганда, иккинчисининг жарга йиқилмай туриши жуда қийин-да. Ҳар бир ўринсиз ҳаракат одамларнинг бақириб-чақиршига сабаб бўлар ва ҳар бир моҳирлик қийқириб қарши олинарди. Сидрат оғзини очганича қараб турарди. Агар дадаси жар чеккасига келиб қолса қўрқувдан кўзларини юмиб олар, сўнг аввал биттасини, кейин иккинчисини секин очарди. Отаси қўлидаги шохни ҳаммага кўрсатиб баланд кўтарганида эса Сидрат шундай қаттиқ чапак чалдики, кейин кечгача қўллари оғриб юрди.

Оғилхонада, юмшоққина, иссиққина пичан устида ўтириб Сидрат бошқа бир байрамни ҳам эслади. Фақат у баҳорда эмас, кузда, чўпонларни кутишаётганларида эмас, аксинча, уларни қишки яйловларга кузатишаётганда бўлган эди. Бу байрам «чўпон куни» деб аталар эди.

Эрталаб ҳаво булут, ёмғир ёғай-ёғай деб турарди. Лекин барибир жуда кўнгилли эди. Сидрат ҳамма билан бирга тоғ бошланадиган жойга келди. Тоғдан оғир қора булутлар босиб келаётган, тоғ чўққилари қуюқ туман бағрига яширинган бўлса ҳам бу ер овулга нисбатан ёруғ эди, сабаби, ўртада катта гулхан ёниб турарди. Ундан атрофга учқунлар сачрар, узоқдан юлдузга ўхшарди. Қўйлар гулхан атрофига тиқилиб келар, чўпонлар уларни ҳайдар эдилар. Ҳамма чўпонлар бир хил кийиниб олишган — эғниларида тескариси ўгирилган тоғлиқлар хибарчаси. Шунинг учун Сидрат отасини дарров таний олмади. Ҳамма тўпланиб ҳар бир чўпонга биттадан қўй келтирилгач, бош чўпон телпагини осмонга отди. Бу мусобақа бошланишига ишора эди. Ким қўйни тез сўйиб, терисини шилиб нимталаса ўша голиб чиқиши керак эди.

Сидрат онасининг тиззасида ўтирар, отасининг сержун қўли қўй терисига тобора чуқур кириб бораётганини, ўзи эса ҳуштак чалмоқчидек лабини чўччайтириб, лунжини шишириб, нафасини ичига ютиб, тана устида энгашганни киприк қоқмай кузатарди. Ёғли оппоқ тана қора туман ортидан кўринган кўпиксимон булут сингари тери остидан чиқиб келарди.

Ҳамма жим ва кўзлар фақат чўпонларнинг қўлида. Ниҳоят, Умар қаддини ростлади: бир қўлида тана, бир қўлида тери. Сидрат қийқириб отасига ташланди. Унинг кетидан бошқалар ҳам югуришди. Улар Умарнинг ёнига етиб келишди ва кимдир унинг бўйнига шох терилган маржон осди.

Тўғриси айтганда, Сидрат ҳозир ўшанда отаси чиндан ҳам голиб чиққанмиди, тантанали равишда шох маржонни унга тақишганмиди ёки йўқми, эслай олмайди. Лекин ҳозир ўша одамни отаси деб ўйлашни жуда-жуда истарди. Алибулат ёки бошқа бирор бегона эркак эмас, овулдаги кучли, энг абжир эркак унинг отаси.

Кейин яна ўша баҳордаги каби рақс бошланди. Гулхан атрофида темир дастага тиқилган қўй таналари осилиб турибди. Гўштлар шу ернинг ўзида қозонларда пиширилмоқда.

Сидрат отасини бундай ҳаяжонда кам кўрган. У гоҳ даврага тушиб ўйнар, гоҳ «чарс» дея ўзгаларга қарсак чаларди. Зулҳишат гулхан олдида куймаланарди.

Бирдан Умар унинг олдига келди, қўлидан торгиб одамлар орасига олиб кирди. Кейин бир қўлида хоғинини ушлаб туриб, иккинчи қўлини эса кўтариб қичқирди: «Энди менинг хотиним бизга қўшиқ айтиб беради,— энгашиб секингина қўшиб қўйди,— мен яхши кўрадиганимни айт. Айтганингда, сени севиб қолганим бор-ку, ўшани». Сидрат ойисининг дадасига қўрқиб боққани, кейин бош чайқаб рад этаётганини кўрди.

«Қандай ашула айтади?— ҳайрон бўлди Сидрат.— Ахир у ҳеч қачон қўшиқ айтмаган-ку». Сўнг шу заҳотиёқ бир куни онаси қўшнисига Умар унинг куйлашини ёқтирмаслигини эзилиб сўзлаганини эслади.

Чиндан ҳам турмушга чиққанидан бери ҳали ҳеч ким унинг ашуласини эшитмаганди. Ҳозир эса Зулҳишат ҳеч нарсани тушунмас эди: наҳотки Умарнинг ўзи қўшиқ айтишини таклиф этаётган бўлса?

Зулҳишат эрига ишонқирамай қарарди.

— Айтолмайман,— бошини чайқади у,— сўзларини ҳам унутганман.

— Йўқ, эслайсан, мен учун эслайсан,— туриб олди Умар.

Шунда Зулҳишат эгилиб, катта отқулоқни юлиб олди, унга қўлини артиб, қадини ростлади-да, қўшини бошлади:

Эмиш, анов тоғ ортида  
Ям-яшил ўтлоқ ётар,  
Уша яшил ўтлоқда  
Йил бўйи кўкат ўсар.  
Лекин қўю қўзилар  
У эллардан оч қайтар.  
Гиёҳга ҳам зор-зор,  
Эмиш ўша водийда,  
Чашма қайнар гаройиб,  
Қуриш нима, билмайди,  
Зилол сув милтиллайди.  
Фақат қизлар гуссада  
Қайтар ўша водийдан.  
Оёқлари нам бўлмай,  
Қултумин тотиб кўрмай.

Тўғриси айтганда, Сидрат қўшиқнинг маъносига тушунмасди.

Лекин онасининг майин, соф овози таъсириданми ёки бу тушунарсиз маънос сўзлар таъсириданми, унинг юраги ғаш бўлиб кетди ва югуриб бориб, ойисининг этакларига юзини яширди.

Бу воқеа ўтган кузда бўлган эди, лекин худди кечагидек Сидратнинг ёдида. Энди бўлса ойиси ҳам йўқ, отаси ҳам унга қайрилиб қарамайди. Ҳаммасига Алибулат айбдор.

Сидрат жунжикди: пичан ғарами ичига суқилди ва қандай ухлаб қолганини сезмади.

\* \* \*

Шундан кейин у бобосиникига бормади, лекин ҳар куни бир неча марталаб нарвон қўйиб томга чиқиб, бувамнинг айвонида ойимнинг оппоқ, нозик чурмандоси кўриниб қолмасмикан, деб тикиларди. Лекин ойиси жуда кам келарди шекилли бу ерга.

Илиқ тунларнинг бирида Сидрат бувиси билан айвонда ётарди ва тун сокинлигида бирдан икки кишининг гаплашаётганини эшитди. Бу Сайгибатнинг гуноҳкорона ва онасининг ўксик овози эди. Аввал буни туш деб ўйлади, лекин бир кўзини секин очиб қаради-ю, дарров яна юмиб олди, ўзини ухлаганга солди, негаки унинг каравотчаси ёнида ойиси турар ва рўмолчасининг учи билан кўз ёшини артиб унга тикиларди.

— Агар илгари ҳатто тушимда қизимни биров олиб қўйса, юрагим ёрилиб ўлардим,— дерди у Сайгибатга,— лекин мана шундай бўлса ҳам яшаяпман. Ўзим ҳам қандоқ яшаётганимни билмайман, лекин тирик юрибман.

— Вой, қизгинам. Айтадилар-ку, тилнинг суяги йўғу суякни тешади, деб. Ёмон одамлар ўғлимнинг уясини бузишди. Э, худо, уларнинг ҳам бошига шундай ташвиш солгинки, токи ўзганинг ҳаёти билан ишлари бўлмай қолсин,— деди Сайгибат қўлларини кўкка чўзиб.

— Йўқ, мен ақлдан озсам керак,— алам билан нидо қилди ойиси,— бошқаларнинг боласига қарайману ўзимникини кўраман. Бола товушини эшитсам йиғлагим келаверади. У қизимни менга беради. Тўғрими, беради-а? Алибулатнинг айтишича, қонунга биноян уни мен олишим мумкин экан.

— Зулҳишат, жоним болам, наҳотки судлашсангизлар? Қандай номус. Шундоқликча, у сира ҳам бер-



майди. Сен ахир унинг тентакона ғурурини биласан-ку. Бунинг устига, қариган чоғимда набирамсиз мен нима қиламан? Эй худо, уйимга келин эмас, қизим келди, деб қандай суюнган эдим-а.

— Мен ҳатто бу ерга келишга ҳам қўрқаман,— яна йиғлади ойиси,— бугун ҳам унинг уйда эмаслигини билсам-да, жуда қўрқдим. Алибулат менинг қийналаётганимни кўриб бошлаб келди. Мана, унга кўйлак тиккан эдим, ахир у яқинда мактабга боради, папка, китоблар ҳам келтирдим,— унинг овози титраб, бўғилиб қолди.

Сидрат гоҳ исир, гоҳ музларди. Унинг ўрнидан сакраб туриб ойисини қучоқлаб олгиси келди, лекин Алибулатнинг номини эшитиб, жунжикди. Кўзидан ёш сирқираб чиқа бошлади, буни ойим сезиб қолади, деб қўрқиб, девор томонга ўгирилиб олди.

— Уйғотмай қўя қолай,— хўрсинди онаси,— майли, ухласин. Кейин, ойинг бериб юборибди, деб айтарсан,— ойиси эгилиб, қизини астагина ўпди.

Сидратнинг қўллари кўтарилиб, уни қучишга тайёр эди, лекин шу он онаси Сайгибатга шивирлади: «Энди борай, Алибулат кўчада кутиб қолди».

Сидрат титраб кетди. У Алибулатнинг ёнига шошилаётир. Унга фақат ўша керак.

...Ана шу йўсин Сидрат болалиги билан хайрлашди. Шундай қилиб у ўқувчи бўлди. Ана шу тарзда унинг иккинчи отаси пайдо бўлди.

\* \* \*

Биринчи сентябрь куни бувиси уни мактабга олиб борди. Шу кундан бошлаб Сидрат бошқача бўлиб қолди. Ёввойи олма эски мачитнинг боғида қолиб кетди. Бутунлай янги, чаққон муаллимасининг ҳамма айтганларини дарров илиб оладиган Сидрат болаларнинг барча ўйинларида бош-қош эди.

Ўқтин-ўқтин бувисининг оҳ-воҳи эшитилиб қоладиган, дадаси гоҳ-гоҳ қўпол эркалаб қўядиган шумшук уйдан кейин бу ёп-ёруғ озода синфлар ва муаллимасининг ойисиникига жуда ўхшаб кетадиган меҳрибон ва сокин овози, танаффусдаги қувноқ ўйинлар...

Мактабда Сидратни яхши кўриб қолишди. Айниқса у қўшниларининг ўғли Рашид билан ўртоқ бўлиб олди. Мактабга улар бирга боришарди. Қизча эшигидан чиқиб, то девор ортидан Рашиднинг қора сочи кўрин-

гунча кутиб турарди: девор паст, у эса ёзда анча ўсган эди. Агар Рашид олдин чиқса, айвондан турибоқ уни чақириб, йўлкадан папкасини силкитиб югуриб чиқарди.

Бир куни Рашид томорқада ойиси билан картошка қазирди. Қўшни айвонда кимдир йиғлаётганини эшитиб қолди. Бола қулоқ солди: йиғи ингичка ва мунгли эди. «Яна Сидратни уришишибди шекилли», деди Рашид ва ўйлаб ўтирмай девордан ошиб қўшни ҳовлига тушди. Худди шундай — Сидрат йиғларди. У ҳиқиллар, мушти билан кўзларини ишқалар, нўхатдек-нўхатдек кўз ёшлари юзидан юмалаб дафтарига тушар, ҳарфлари ёйилиб кетарди. Дафтар бетининг қоқ ўртасида катта, қоп-қора сиёҳ доғи турарди.

— Агар шу дафтарни деб йиғлаётган бўлсанг мен сенга янги дафтар олиб келиб бераман. Майлими? — сўради Рашид унинг олдига келиб, Сидрат ўгирилди.

— Ҳаммасига мушук айбдор — сиёҳдонни ағдариб юборди, — деди у куюниб, қоп-қора, нам кўзларини Рашидга тикди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у парво қилмай, — агар мен ҳар бир доғ учун йиғлайдиган бўлсам, кўзимнинг ёши ҳам етмас эди.

Сидрат овунди ва Рашид олиб келган дафтарни авайлаб очиб, кўчиришга киришди.

— Нима? Сен бутун дафтарни кўчирмоқчимисан? — ҳайрон бўлди Рашид ва ўзича: «Қойил... Мендақа эмас», деб ўйлади.

— Сен нима деб ўйловдинг? — ҳайрон бўлди Сидрат ҳам, — сенингча, шундай ифлос дафтарни ўқитувчига кўрсатаманми?

— Ке, мен айтиб турай, — таклиф қилди Рашид. У Сидратнинг ёнига ўтириб, машқни аста бўғинма-бўғин ўқий бошлади.

Ўз ишлари билан банд бўлган болалар айвонга биров кирганини сезишмади. Бу Умар эди. У сездирмай келди-да, уларнинг орқаларидан қараб турди.

— Си-гир ўт-лоқ-да э-ди, — ўқиди Рашид. — Ёздингми?

— Ут-лоқда, — унинг кегидан такрорлади Сидрат, ҳарфларни аниқ ёзар экан. Азбаройи тиришганидан бурни маржондек тер билан қопланди.

Бирдан у бошини кўтарди-ю, чўчиб тушди: деворга улкан соя тушиб турарди. Қизалоқ қўрқиб ўгирилди. Унинг қаршисида, катта-катта бармоқларини ка-

марига тиққанича отаси ўқрайиб турарди. Сидрат шошиб ўрнидан турди. Сиёҳдонни ағдариб юборди, лекин Рашид чаққонлик билан дафтарни тортиб олди.

Стол устидан сиёҳ ариқча бўлиб оқиб кетди. Стол четига етгач, бир оз қаёққа юришини ўйлагандек тўхтаб қолди, сўнг оппоқ қилиб, теп-текис рандаланган полга тома бошлади.

Умар Рашидни қулоғидан тортиб стулдан турғазди.

— Биласанми, болакай, биз кичкиналигимизда сенга ўхшаш чала туғилган болаларни мишиқи деб атардик. Билиб қўй, бундан кейин бу уйга қадам босма.

— Сидрат йиғлаётганини эшитиб чиқувдим,— деди Рашид қизариб.

— Дада, у яхши бола,— қаршилиқ билдирди Сидрат,— у менга арифметикани ўргатаётган эди. Мана, дафтар ҳам берди.

— Сен гадоймисан, ундан дафтар сўрайсан?— баттар газабланди Умар,— ёки отаининг пули унинг отасиникидан камми?— У қўшни ҳовлига менсимай ишора қилиб бош силкиди.

— Агар сени яна шу бола билан бирга кўрсам, ўзингдан ўпкала. Нима, у сенинг акангми?

— У яхши,— қайсарлик билан такрорлади Сидрат бошини эгиб.

— Яхши бола қиз бола билан ўйнамайди,— чўрт кесди Умар,— топган ўртоғингни қара-ю. Мен унинг калласини узиб ташлайман...

Рашид ўгирилиб, эшик томон юрди.

— Ундан яхши эркак чиқмайди,— хулоса чиқарди Умар,— чопқир от тойчоқлигидан маълум. Бекорга айтишмаган: беванинг уйдаги мушук сичқон овлашни ҳам уддалай олмайди, деб.

Бу сўзлар Рашидга тошдек тегди, у шартта Умарга ўгирилди. Оғир-оғир нафас олиб, дилозорга қараб бостириб кела бошлади: унинг лаблари учар, қўллари мушт бўлиб тугилган, мускуллари ўйнаб кетган эди. У муштини ёзди. Сўнг югуриб ҳовлига чиқиб кетди.

Умар уни сукутли ҳайрат билан кузатиб қолди.

Бола бир неча кун мактабда ҳам, кўчада ҳам Сидратнинг ёнига яқинлашмай юрди. Кўрганида ҳатто юзини ўгириб оларди.

Бир гал танаффус пайти Сидрат дугонаси Чакар билан рангли шишаларни ўйнашарди. У кўзига зангори шишани тутар ва атроф мовий тус оларди. Мактабнинг жигарранг эшиги ҳам, кулранг ғиштдан те-

рилган девор ҳам, тагида турган дарахт шохи ҳам шу рангда кўринарди. Копток тепаётган бола ҳам. Мактабдан ўқитувчи билан бирга бир тўда болалар чиқиб келишди. Улар ҳам шундай мовий тусда эдилар. Шунда Чакар бирдан қичқирди:

— Ана, янги даданг. Бор унинг олдига.

Маълум бўлишича, мовий тусдаги ўқитувчи Алибулат экан.

Сидрат қотиб қолди. Шиша ушлаган қўлини пастга туширди, бутун мактаб ҳовлиси ғариб ҳамда хунук бўлиб қолди.

— Менинг дадам уйда,— иложи борича босиқ жавоб берди у,— балки у сеникидир, ўзинг бора қол.

— Менинг дадам битта, сеники эса иккита. Буни ҳамма билади. У сенинг ойингни ҳам олиб кетган,— қичқирди Чакар. Сидрат унга ташланди.

У худди мушукдек дугонасининг юзига чанг солди. Чакар додлай бошлади. Унинг дод-войига опаси югуриб келди ва Сидратнинг сочидан торта бошлади. Агар Рашид бўлмаганида Сидратнинг ҳолига маймунлар йиғларди. У бир ҳатлаб, уларнинг ёнига етиб келди ва Сидратнинг сочини Чакарнинг опасидан ажратиб олди.

Шу кундан бошлаб Рашид билан Сидрат яна дўст бўлиб қолишди. Аввалгидек бирга дарс тайёрлашар, бирга мактабга қатнашарди. Рашиднинг ойиси бунга қаршилиқ қилмасди, бу тортинчоқ, уятчан қиз унга жуда ёқарди. Умар уйда кам бўларди: кузда отларни ҳайдаб, қишки яйловларга кетар, баҳор ва ёзни тоғда ўтказарди. У илгари ҳам уйига меҳмондек келиб кетарди, энди эса ҳувиллаб қолган кулбасига сира қайтгиси келмасди.

Мана, бугун ҳам Сидрат бувисидан тоққа, қишки гулханга бориш учун рухсат сўраган эди, Сайгибат рози бўлди. Унинг ўзи ҳам ёшлигида бу байрамни, қиш бошланишига бағишланган байрамни севарди. Тоғлиқлар одатига кўра қишнинг биринчи тунида уларнинг томларида гулхан ёқишади. Энг катта гулхан тоғ чўққисида ёқилади. Унга ўтинни бутун овулдан тўплашади. Гулхан ҳаммаёқдан кўринади, осмон эса унинг алангасидан ёришиб кетади. Илгари Сидрат уни пастдан, овулдан туриб томоша қиларди. Бугун унинг учун алоҳида кун.

Байрам оқшом чўкиши билан бошланди. Сидрат эрталабданоқ томга пичан олиб чиқиб қўйди: ҳеч қа-

чон оқшом тушишини шундай интиқиб кутмаган эди. Дам-бадам айвонга чиқиб, вақт бўлмаганмикан, деб қарарди. Қачонки кўкда биринчи яккаю ягона юлдуз пайдо бўлса, гулхан ёқиш мумкин. Ана, бепоён осмонда ёруғ бир нуқта пайдо бўлди. Шу заҳотиёқ томларда бирин-кетин гулханлар гуриллади. Сидрат қарсақ чалиб, ўз гулханининг устидан уч марта сакради, бу-виси эса нималарнидир пичирлаб, ҳовучи тўла ёнғоқни мўрига ташлади. Чор атрофда хотинларнинг овози янгради:

Эй худо, қишда кунлар  
Қаттиқ совуқ бўлмасин.  
Қор кўрпаси остида  
Кўкатлар олсин ором.  
Омон етсин ёмғирга,  
Илитсин ер уларни  
Асраб изғирин елдан  
Она каби гўдакни.

Кейин болалар мактаб ҳовлисига тўпландилар. Шу ердан овул бўйлаб юриш бошланди. Уларнинг ҳар бирининг қўлида ёқилган машғала. Сидрат ҳам машғала кўтариб олган ва ҳамма қатори «Салом сенга, оппоқ қиш!» — деб куйларди. Дастлабки совуқдан таранглашган қаттиқ ҳавода томлардаги гулханларнинг чарсиллаши эшитилади. Шамол деярли йўқ, шунинг учун гулханлар тик ва баланд ёнарди. Сидрат машғала қаршисида ёноғи қизиб кетганини сезиб турарди.

Бирдан ҳаммалари қийқириб, турли томонга тарқаб кетишди. Томдаги аёл уларга сув сепган эди.

Одат бўйича шундай бўлиши керак эди. Кейин аёллар томдан тушишар, машғала таёқчаларига турлитуман ипакли мато қийқимларини боғлар эдилар. Болалар овул бўйлаб юриб, тоққа кўтарилишганида ярим кеча бўлган эди.

Энди «мактаб боласи» бўлган Сидратга биринчи марта бу ерга чиқишга рухсат беришди. У биринчи марта бу гулхани яқиндан кўраётир. У қандай улкан, ҳатто даҳшатли-я. Унинг учқунлари бутун овулни ёндириб юборадигандек туюлади. Лекин овул паст ва узоқ, унинг учқунлари кўкка учиб чиқиб ўчади.

Ҳамма гулхан атрофида рақс тушишарди. Қўрда картошка пиширишар, у қўларидан-бу қўлларига ташлаб, сўнг бир-бирларига узатардилар. Гулхан алангаси

сусайиб кичрая бошлагач эса, кимдир югуриб келиб гулхандан сакради. Кейин иккинчиси, учинчиси... Сўнг гулхандан сакрамоқчи бўлганлар қатор бўлиб кетди. Ахир кимки биринчи қиш кечаси бутун овулдан ўтин тўплаб ёқилган гулхандан уч марта сакраса, барча дардларидан фориғ бўлади, деган ақида бор эди-да. Ҳатто пакана одамнинг бўйи ўсиб, кўрнинг кўзи бургутникидек ўткирлашади, кар бойқушдек аниқ эшитадиган бўлади, дейишарди.

Сидрат гулхандан сакраётганларга қараб турарди. Ҳар гал сакраганида эса, оловга йиқилиб тушса-я, деб қўрқиб кетарди.

Рашид унинг ёнида турар ва қўлидан тортарди. Лекин у чўчирди.

— Қўй, Рашид. У ҳали кичкина. Худо асрасин бир кори ҳол бўлмасин?— Тўхтатди уни онаси. У ҳам якка-ягона ўғлидан хавотир олиб бу ерга келган эди.

Шунда Рашид ўзи сакрашга шайлана бошлади. Шу он Ҳусайн қизчани кўтариб қўлтирига қисиб олди-ю, у билан бирга уч марта гулхандан сакради. Сидрат ҳатто қўрқишга ҳам улгурмади.

— Эҳ, Ҳусайн, қойил, Ҳусайн,— ҳаммалари, энди Сидрат ҳам барча дардларини тоғда қолдириб кетишидан севишиб чапак чалиб юборишди. Бундан фақат Рашид ранжиди. Сидратни Ҳусайн кўтарганига унинг гаши келар, у эмас, Ҳусайн уни гулхандан олиб ўтгани алам қилар эди.

Эс-ҳушини йиғиб олгач, Сидрат ҳам Ҳусайндан хафа бўлди. Бу ерда отаси бўлмаса ҳам майли эди. Уни бегона боланинг қўлида кўриб нима деб ўйлаган экан ҳали у?

Рашиднинг хўмрайишини кўриб, Ҳусайн ҳам ўн-гайсизланди. У Сидратни қўлидан етаклаб олиб келиб, унинг ёнига қўйди ва гуноҳкорона деди:

— Энди Сидрат ҳам касал бўлмайди.

Рашидга Ҳусайн Сидратни ёнига қўйгани ёқиб кетди ва жилмайди.

Гулхан ўча бошлагани учунми ё тонг яқинлиги учунми, совуқ турди. Лекин гулхан кулга айлангунча тарқалиш мумкин эмасди. Гулханнынг асов қизғиш тиллари кул бўлиб ерга қўнғач, ҳаммалари совиб бораётган кул атрофида ашула айтиб айлана бошладилар:

Қўр эмас, кул ҳам эмас

У олтин бошоқлардир.

Кейин ҳали совимаган кулни ҳовучлаб олиб, тоғларга соча бошлашди: «Илоё хонадонимиз донга тўлсин, суюнчли-қувончли кунлар бўлсин, лаблардан табассум аримасин».

Шу тарзда қўшиқ айта-айта, қояма-қоя ялангликка тушишди, яланглик нақ тоғ этагидан бошланар ва бургутнинг ёйилган қанотига ўхшарди.

Сидрат катта тошни кўриб қолди. Унинг олдида бир талай шапкалар ётарди. Улар орасида эскилари, офтоб ва шамолда оқарганлари, яп-янгилари ҳам бор. Уларнинг яқинда қўйилгани кўриниб турибди. Улар ҳали чанг бўлиб, ёмғир ёки қорда ивиб улгурмаган.

— Бу қандай тош? — ҳайрон бўлди Сидрат, — бу ерда шапкалар бунча кўп?

— Эшитмаганмисан? — ҳайрон бўлди Ҳусайн. — Бу ерда Нодиршоҳ бизнинг ҳамқишлоғимиз Жавгаратни ўлдирган. Бизга ўқитувчимиз айтиб берган. Ҳув, анави шапкани кўряпсанми? Уни мен қўйганман.

— Нима учун, Ҳусайн? — аста сўради Сидрат.

— Сенга нима десам экан? Бу билан биз унинг мардлигига ўз ҳурматимизни билдирдик.

— У нима қилган? Айтиб бер, Ҳусайн, — илтимос қилди Сидрат.

Уларни болалар ўраб олишди.

— Рост, айтиб бер, — ялинишди улар ҳам.

— Агар хоҳласанглар, майли, — деди Ҳусайн катталардек.

У, умуман, турли воқеаларни сўзлаб беришни яхши кўрарди. Фақат сал муболаға қиларди.

— Хўш, — тантанали равишда бошлади у, — бу ерда қирқта душманни бир ўзи енгган Жавгарат ётибди.

— Ҳа-ҳа, қирқта эмиш-е, — болалар ишонмай кулиб юборишди.

— Нимаси кулгили? — Ҳусайн ўзини йўқотиб қўйди.

— Яна нимаси кулгили, деб сўрайди-я. Вой ичгим... вой, ўламан, — болаларнинг энг каттаси қотиб қуларди.

— Балки қирқта бўри ҳақида айтиб берарсан, — қичқирди кимдир.

— Нимага ёпишиб олдинглар, — Ҳусайннинг жаҳ-

ли чиқди,— ахир мен унда кичкина эдим-да. Ҳали мактабга ҳам бормасдим.

У қип-қизариб кетди, болалар нега кулаётганларини тушунган эди.

У кичкиналигида шундай воқеа бўлган эди. Ойиси уни тоққа отасига овқат олиб боргани юборган эди. У чўпонлар ёнида ётиб қолиб, эрталаб саҳар чоғи овулга қайтаётган эди, йўлда тоққа мева тергани бораётган болаларни учратиб қолибди.

— Қаёқдан келяпсан?— сўрашибди болалар.

— Вой, болалар,— дебди Ҳусайн.— Мен чўпонларнинг олдидан қайтаётиб, адашиб қолдим. Қоп-қоронғи ўрмонга кириб қолибман. Шундай қоронғики...

Болалар ҳуштак чалиб юборишди.

— Балки тушингда адашгандирсан. Ахир кечаси ой чиққан эди-ку.

— Аввал айтиб бўлай,— хафа бўлди Ҳусайн,— сизлар нимани билардинглар. Дарахтлар осмон баравар ўсган бўлса, улар ойна тўсиб қўйишган-да. Хуллас, кетавердим, қоқилиб кетмай деб чўпон таёғи билан пайпаслаб боравердим. Бирдан ғалати увиллаш эшитилди. Гўё ер ёрилгану барча дарахтлар ағанаб кетаётгандай... Бундоқ қарасам, дарахтлар орасидан бўрилар галаси чиқиб келяпти. Нақ қирқта... Оғзи очиқ, сўйлоқ тишлари ялтирайди, юнглари тикка. Бошқа одам бўлса юраги ёрилиб ўларди. Йўқ, чиндан ҳам ўларди. Мен эсам бундай ўйладим: агар шу қирқта бўридан қўрқадиган бўлсам қандай эркакман. Бошимдан шапкани олдим-да, бўриларга улоқтирдим. Улар шапкамга ташландилар. Мен эса ана шу пайт уларни таёқ билан савалай кетдим.

— Яхшиси, ёлғонни бас қил,— тўхтатишди уни болалар,— барибир гапингга ишонмаймиз. Жудаям ақмоқ эмасмиз. Қирқта бўри эмиш-а..

Ҳусайннинг қовоқ-тумшуги осилиб, жим бўлиб қолди.

— Майли, қирқта бўлмаса бўлмас,— деди у келишувчан оҳангда,— лекин, ўлай агар, ўттиздан кам эмас эди.

— Опқочма, опқочма,— яна қичқиришди болалар.

— Онт ичаман, йигирмата эди.

— Ол-а, гапир, гапир.

— Чин сўзим, ҳар ҳолда бир-иккита бўри бор эди,— деди Ҳусайн. Сўнг ҳафсаласи пир бўлиб қўшиб



қўйди: — Мен қайтиб келаётганимда тоғда нимадир увл  
лади.

— Бу бўри бўлмаслиги ҳам мумкин, — изоҳ бериш  
ди болалар.

— Лекин бўри деб ўйладим-да, — Ҳусайннинг йиғ  
лаб юборишига сал қолди.

Шу-шу, болалар уни «қирқ бўрини ўлдирган бо  
тир», деб атайдиган бўлишди ва унга буни тез-тез  
эслатиб туришарди. Бугун ҳам Жавгарат ҳақида гапи  
риб бермоқчи бўлганида, шуни эслашган эди.

— Агар хоҳламасанглар, майли, — хафа бўлди  
Ҳусайн.

Ғафат шундагина болалар тинчиб, эшитишга шай  
ланиб, атрофини ўраб олишди.

— Шундай, — бошлади Ҳусайн, — Жавгарат ўн  
олти ёшга тўлганида, бир тўйда кимдир унинг отасини  
ўлдиради. Уларнинг авлодида эркак киши қолмаган  
ва унинг хунини оладиган одам йўқ эди.

Отасини дафн этаётганларида, нималар деб йиғ  
лашганини қиз эшитган эди.

Қозикда қалпоғинг ғариб,  
Уни кияр ўғлинг йўқ.  
Чакмонинг куялар ер  
Уни кияр ининг йўқ,  
Душманинг қўрқмас ўчдан  
Ўтаверар кўчангдан.  
Унга қилич солгали  
Уруғингда эркак йўқ.

Шунда Жавгарат онасидан яширинча қурол ишла  
тишни ўргангани ва душманини ўлдиради.

Бурчакдан, пусиб туриб эмас, орқадан ҳам эмас,  
қўл жангида ўч олади. Шу куниёқ рўмолини ташлаб,  
сочини отасининг папахи тагига яширади. Отасининг  
буркасини кийиб, йилқи боққани чиқиб кетади. Бир  
куни у тоғда номи чиққан Турчилав полвоннинг одам  
ларига дуч келади. У қаршисида қиз бола турганини  
билмай яккама-якка олишади ва енгилади. Ўзини ҳа  
қоратланган ҳисоблаган Турчилав ортга қайтади ва ўч  
олишга бир йил тайёгарлик кўради.

Турчилав иккинчи марта келиб, енгганида Жавга  
рат бошидаги папахини ечади ва уни муносиб куёв деб  
тан олади.

Улар бахтли ҳаёт кечирадилар. Қанча яшаганлари  
номаълум, лекин Доғистонга Нодиршоҳ уруш эълон

қилади. Турчилав тоғлиқларга бош бўлади ва унинг номи душманларни даҳшатга солади. Жангда Турчилав ҳалок бўлгач эса унинг ўрнини Жавгарат эгаллайди. У ўз душман қароргоҳига келади. Эрини ўлдирган жангчини яккама-якка олишувга чақиради.

У ҳам бу аёл эканлигини билмай, жангга чиқади. Жавгарат унинг бошини танасидан жудо қилади. Шунда унга бутун бошли отряд ташланади. Улар қирқ киши эди. Тасаввур этинг-а, бир аёл қирқ эркакка қарши,— Ҳусайннинг овози титраб кетди.— Бизнинг ҳамқишлоғимиз ана шундай аёл эди. У мана шу ерда ҳалок бўлди...

— Наҳотки ҳалок бўлган?— деди ҳаяжонда Сидрат ўпкаси тўлиб.

— Шундан сўнг тоғлиқлар қоядан манави тошни кесиб, шу ерга қўйдилар,— Ҳусайн тош олдида тиз чўкди. Бошқа болалар ҳам шундай қилишди ва шу аҳволда узоқ сукут сақлаб туришди. Сидрат ҳам бошидан қизил рўмолини олиб қаттиқ, биринчи совуқдан музлаган тош устидаги папахлар ёнига қўйди.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

Умар қанча уринмасин, хўмрайиб қизини қанча кузатмасин, онасига қанча тайинламасин, барибир Сидрат билан Рашид орасидаги дўстлик мустаҳкамланаверди.

Рашид бирор қизиқ китоб топса, кечаси билан ўқиб туширади-ю, Сидратга беради. У ҳам ўқисин, дейди. Кейин ўқиганлари ҳақида баҳслашадилар. Гоҳо Сидрат томорқада ишлар экан, Рашид қуёшда қизиган ғишт девор устида оёқларини осилтириб ўтириб олиб, уни тепадан кузатади. Лекин узоқдан таниш бурка кўриниши билан ё бута, баъзан эса ачитқи ўт орасига ўзини уради.

Сидрат уй супураётган ёки идиш-товоқ юваётган пайтлари қўшни ҳовлидан Рашиднинг овозини эшитиб қолса, қувончдан юраклари тўхтаб қолгудек бўларди.

Ҳатто диққинафас уйлари ҳам сал нарида Рашид яшаётгани учун кўпинча шодон бўлиб кетарди.

Бу фақат дўстлик эди. Соддагина, болаларча дўстлик. Лекин қачон у чегарадан чиқди? Қачон ўзгача, дунёдаги энг муҳим нарсага айланди экан?

Рашид ўнинчи синфни битириб, уни армияга чақирганларида Сидрат саккизинчи синфда ўқир эди.

Бир куни қоқ пешинда Сидрат полиздан қайтарди. Уларнинг полизлари ҳам ҳамманикига ўхшаб овул ташқарисида, тоғ томонда эди.

Ўша ерда, тоғ этагида улар чопиқ қилишаётган эди. Иссиқдан бўғриқиб, оқ дуррасини пешонасига танғиб олган Сидрат аста борарди.

Лекин қуёш рўмолидан ҳам ўтиб қиздирар, у кўчани чагитиб борарди. Қўлида ловия солинган халтани кўтариб, орқасида сигирига ўт орқалаб олган. «Каникул тезроқ тугай қолсайди», — деб ўйларди у бўш ҳовлиларга мўралаб. Уйда шундай зерикарлики, ҳамма қизлар ё далада, ё полизда. Гаплашадиган одам ҳам йўқ».

Ўйлари аввалгидек ғамхона. Сидратнинг суянгани ёлғиз бувиси. Лекин у ҳам кутилмаган ташвишдан бевақт кексайган, кўзи яхши кўрмас, қулоғи яхши эшитмас эди. Отаси чурқ этиб оғиз очмасди. Онда сонда айтадиган гаплари худди буйруқдек қисқа ва қўпол.

Тўғри, уларнинг оилаларида ҳар ҳолда баъзи ўзгаришлар юз берди. Сидратнинг ўғай онаси пайдо бўлди. Унинг исми Раҳимат, очиққина, кек сақлашни билмайдиган кўнгилчан аёл.

Раҳимат бу уйга келиб, қўлидан келганича файз киритишга уринди. Қизчанинг кўнглига қарар, отаси у билан юмшоқ муомалада бўлишни истарди. Лекин ювош ва итоаткор бўлгани учунми, Умарнинг жоҳилона терслигини енга олмасди. Ўғай қизи билан иноқлашишига эса унинг онасини яхши эслаши халал берар эди. Олтин соч, қўй кўз, момиқдай юмшоқ қўлди мулойим аёл қиёфаси қизчанинг кўз ўнгида доимо турар эди...

Шунинг учун ҳам Сидрат ўзи фарзанд кўрмаган бу аёлни «ойи», дея олмас эди. У Сидратдан шу сўзни кутаётганини билар, Раҳиматга ачинар эди. Шу билан бирга у отасига ҳам, бобосига ҳам ачинар эди. Лекин ўзини бошқача тутолмасди.

Ўша ёз куни уйлари олдига келганида, у бехос қўшни ҳовлига назар ташлади-ю, айвонда солдат кийимидаги йигитни кўриб қолди.

— Бу ким бўлди экан? — аввалига ҳайрон бўлди қиз. Сўнг бирдан қизариб кетди ва айвондаги йигит кўриб қоладигандек шошиб орқасига ўтирилди. Эшикни очаётиб эса яна ер тагидан нигоҳ ташлади, назарида йигит ўгирилиб унга қарагандек бўлди.

Сидрат уйга югуриб кирди ва оёқ учида юриб, уйни айланиб чиқди. Сўнг гўё ўзини энди кўраётгандек тошойна олдида тўхтаб қолди. Ойна қаъридан эса унга бўйи етган қиз тикиларди: қоп-қора сочлари товланар, пешонаси, ёноқлари, бўйнининг оқи оқ, қизили қизил. Катта-катта кўзларида нур порлайди. Фақат унинг энг тубида қайғу яширинган. Бу ташқи гўзаллик эмас, худди табиатнинг ўзи каби содда ва камтарона бир чирой эди.

Шу пайтгача Сидрат ўзининг ташқи гўзаллигини пайқамас, чиройлими, йўқми, билмасди. Шунинг учун ҳам ҳозир кўзгу олдида туриб, у бехос жилмайди. «Лекин кўзларим ғамгин»,— ўйлади у.

Сидрат айвонга югуриб чиқди-ю, тўхтаб қолди: унинг қаршисида Рашид кулиб турарди:

— Хўш, Сидрат, эски дўстларингни унутмадингми?

Лекин қиз ўзини тутиб олган эди.

— Яхши келдингми, Рашид,— деди у осойишта ва қўлини узатди.— Мен полизда эдим.

— Кўк ловия егим келганини билибсан-да,— ҳазиллашди Рашид. У тоғорадаги ловиядан озгина олиб оғзига солди. Сидрат кулди:

— Утирсанг-чи,— у энди ўзини анча босиб олган, енгил ва эркин ҳис этарди.

— Қалай, яхши юрибсанми, Сидрат?

— Ёмон эмас, Рашид.

— Институтга икки йил қолдимми?

— Унингчини битирсам бўлди, кейин ишлайман,— хўрсинди Сидрат.

— Институт-чи? Сен врач бўлишинг керак,— қизгин қаршилик билдирди Рашид.

— Мен ҳам шуни орзу қиламан. Лекин отам рози бўлмайди,— тўғриси сўзлади қиз,— у мени еттинчи синфдан кейин ҳам зўрға мактабга юборди.

— Лекин юборди-ку...

— Юборди. Ўқитувчимиз билан Раҳимат холам бўлмаганда... Улар отамни йўлга солишди.

— Институтга ҳам юборади,— деди Рашид ишонч билан,— мана кўрасан. У фақат кўринишидан шундай шафқатсиз...

Рашид сўзлашдан тўхтаб, Сидратга тикилди. Нигоҳлар тўқнашди. Икки қуюқ булут шундай тўқнашса керак. Момақалди роқ гулдуради. Чақмоқ чақди. У Рашиднинг юрагига тушди. У Сидратнинг юрагини ўт ол-

дирди. Шундай қилиб уларнинг муҳаббатлари туғилди.

...Аввал Сидрат кўзларини яширди. Яна ҳамма нарса аввалгидек бўлиб қолди. Айвон, тоғорада кўк ловия... Сидрат шу он гўё қаёққадир, олис-олисларга учиб борди-ю, яна қайтиб келди.

— Бўлмайдиган ишни орзу қилиб нима қиламан, Рашид,— деди у.

— Аввал мактабни тугат-чи, кейин кўрамиз.

— Ол, е, Рашид,— Сидрат тоғорадаги ловияни унинг олдига сурди.

Шу пайт девордан Рашиднинг онаси Субайбатнинг боши кўринди.

— Рашид, уйга чиқ, ўғлим. Одамлар келишяпти, сен эса йўқсан.

— Ҳозир, ойи,— Рашид уларнинг ҳовлиларини ажратиб турган девордан енгил ошиб ўтди.

Сидрат унинг кетидан югурди.

— Субайбат хола, Субайбат хола, манави ловияни олинг. Рашидга. Сиз бу йил экмагансиз-ку.

— Раҳмат, қизим,— жилмайди Субайбат девор оша қўлини узатиб,— нариги қўшним ҳам янги картошга олиб чиқибди.

— Рашид кўлга келибдими?— уялиб сўради Сидрат.

— Бир ойга, дейди. Вой, қизим-е, кетишини ўйласам бугунги севинчим ҳам татимайди.

Шу пайт биров жаҳл билан итаргандек тарақлаб эшик очилди-ю, Субайбатнинг опаси Обидат кириб келди.

Сидрат унинг дарғазаб овозини эшитди.

— Ўзини сийлаган бировни сийлайди. Сен Субайбат, на ўзингни сийлайсан, на ўзгани. Туғишган опанг ўғлингни келганини ҳаммадан кейин эшитса-я. Айтадилар-ку, иши тушса салом беради, иши битса тескари қарайди, деб. Сенга энди опанг керакмас шекилли.

— Тепамда худо турибди, Обидат,— Субайбат уни юпатишга уринарди,— шундай кунда хафа қилма мени. Суюнганимдан ҳалиям эсим ўзимда эмас. Тўсатдан келиб қолди. Хати ўзидан икки соат кейин келди. Сенга сира даво йўқ. Ойим тўғри айтган экан, агар худо сени жаннатга юборса ҳам барибир у ерда молдунё йиғишга сандиқ йўқ экан деб, норози бўласан, деб. Дўзахга ташласа ўтин ҳўл экан, яхши ёнмайпти,

деб ҳам жанжал кўтарасан,— Субайбат опасининг ортидан уйга кириб кетди.

Сидрат айвонга қайтди. У нимага қўл уришни билмас, ҳайрон бўлиб турар эди.

\* \* \*

Ёз ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди... Тунда қаердадир момақалдироқ гулдурагани эшитилди: тоғда ёмғир ёғди.

Сидрат эрталаб булоқ бўйига сувга борганида, дарё тошганини кўрди. У қорайиб, кўпириб, йўлда нимаики учраса, барини суриб даҳшат соларди. Кичик ниҳол буталарни илдизи билан суғуриб кетарди. Кекса ёнғоқ дарахтини эса эгиб-букар, чайқатар, гўё унинг мағрур осойишталиги гашига теккандек ағдариб ташламоқчи бўларди.

Сидрат дарахтнинг қудратига қойил қолгандек унинг олдида тўхтади. У бу ерни яхши кўрар, қадимий шохларнинг соясида ўтириб, ана шу дарё бошланадиган тоғларни томоша қилгани тез-тез келиб турарди. Неча марта у шу ерда қуёшнинг дастлабки нурларини қарши олган.

Бугун эса ёмғирдан кейин айниқса ёқимли: атроф нам ва мусаффо эди. Мана, тоғ ортидан қуёшнинг ёйиқ нурлари кўринди. Улар аввал қояларга пушти, заррин ранг бериб чўққиларни ёритди, кейин тоғ ёнбағирларига ёйилди. Ундан далаларга йўл олди. Мана улар Сидратнинг елкаларига ҳам етиб келди. Минглаб томчиларга айланиб, маржонининг ҳар бир донасида товланди. Узоқдан қизнинг бўйнидаги маржон бир талай кичик қуёшчалардан иборатга ўхшарди. Нур унинг узугига ҳам тушди ва шаффоф тошда яна бир қуёш пайдо бўлди. Қуёш Сидрат елкасида кўтариб бораётган кўзачага ҳам кўтарилди.

У нега эрта саҳарлаб ёнғоқ тагига келди? Ахир илгари у булоқ бўйига бошқа, яқинроқ йўл билан борар эди-ку. Нега унинг чеҳрасида умидворлик бор?

Сидрат кимнидир излагандек атрофга аланглади. Ўгирилди-ю, овчини пайқаган тустовуқдай чўчиб тушди. Тоғ тарафдан, кунчиқар томондан Рашид келарди.

— Келмайсанми деб қўрққан эдим,— деди у гўё уларнинг бу учрашувларида ҳеч қандай маъно йўқдай оддийгина. Сўнг уни қўлидан олди.

Сидрат уялиб жилмайди ва қўлини тортиб олиб пастга, дарё бўйига оҳудек югуриб кетди.

— Сидрат, кўзанг эсингдан чиқди,— унинг орқасидан қичқирди Рашид.

Қиз тўхтаб, муғамбирона қараш қилди:

— Сен олиб кела қол.

— Мен қиз бола эмасман-ку, кўза кўтариб юрсам.

— Илтимос қилсам-чи?

Рашид кулиб юборди:

— Илтимос қилиб овора бўлма. Барибир ўзинг чақасан менинг олдимга.

Сидрат жойидан жилмай, унга узоқдан қараб турарди.

Кўкда осмон. Унинг ортида ҳам осмон. На дов-да-рахт, на булут бор. Фақат осмон ва тепалик.

Тепаликда эса гўё шу заминнинг эгасидек йигит турибди. Гўё қуёш унинг ҳукми билан бош кўтаради, қушлар унинг учун сайрайди, гуллар унинг учун очилади.

Дарё эса гўё жиловланган тойчоқдек унинг оёқларига итоаткорона бош уради.

Сидрат бўйсуниб, аста унга томон юрди. Лекин у энди тепаликка чиқиши билан Рашид эгилиб кўзани олди-ю, бир сакраб пастга тушди ва ҳозиргина Сидрат турган жойда дарё қирғоғида пайдо бўлди.

— Шунақами ҳали,— қиз айёрона чимирилди-да, югуриб дарё бўйига тушди.

Қуёш тобора юқори кўтарилмоқда эди. Гул ислари гупиллаб тарала бошлади. Тоғлар узоқларда ним кўк товланар, гўё шундоқ ёнгиналарида турганга ўхшарди. Дарё қирғоқ бўйидаги тошларни юварди. Сув бўйида эса икки киши турарди. Тўлқинлар уларнинг оёқларига интилиб чайқаларди.

Сидрат эгилиб ҳўл тошни олди ва кафтида тутиб, уёқ-буёғига қаради-да, сувга ташлади.

— Сидрат!

— Ҳа, Рашид!

— Эртага кетаман.

— Биламан, Рашид.

— Сидрат, мен сенга бугун энг муҳим нарсани айтмоқчиман,— гўё борлиқдан керакли сўзларни излагандек у атрофга кўз ташлаб қўйди, агар хоҳласанг, ҳув, анави тоққа чиқиб, номингни ёзаман,— Рашид тоққа чиқмоқчи бўлди.

— Тентак,— тўхтатди уни Сидрат,— ҳамма менинг исмимни ўқишининг нима кераги бор. Яхшиси у фақат сенинг учун бўлсин, сенинг юрагингда... — шивирлади у.

— Сенинг исминг шундоқ ҳам менинг қалбимда. Доимо. Ёки ишонмайсанми? — ташвишланиб сўради у.

— Ишонаман, Рашид.

— Сенга ҳар куни ёзиб тураман.

— Мен ҳам.

Йигит гўё бутун дунёни қучмоқчи бўлгандек қучоғини очди.

— О, Сидрат, қани энди, бугунги кун тугамаса...

Улар қўл ушлашиб, энг яқин тоққа чиқдилар ва осмонга қарата баралла сўзладилар:

— Бугунги кун абадий бўлишини истаймиз.

— А-ба-дий,— акс садо уларнинг товушларини илиб кетди.

Товуш аста-секин сўниб бориб, тоғларга сингиб тинди. Сўнг тоғлар яна савлат тўкиб сукутга чўмдилар. Ҳаво очиқ. Гўё табиат «бу менинг қўлимдан келмайди, ҳаммаси сизларга боғлиқ, одамлар», деяётгандек эди.

Ёқимли шабада Рашиднинг кўйлагини шишириб, сочларини тўзитади.

— Сидрат, мени кузатгани келасанми?

— Отамни биласан-ку,— қиз шу заҳотиёқ ғамгин бўлиб қолди,— мен ҳатто сенинг мактубларинг учун ҳам қўрқаман.

— Хатларни Ҳусайн тарқатади. У менинг дўстим. У хатларни сенинг қўлингга беради. Хавотир олма,— Сидратга йигитнинг кўзлари жудаям қора эмас, тўқ ҳаворанг кўринди: унинг ҳар қорачиғида эса Сидрат бор, фақат у бу ерда жуда кичкина эди.

Сидрат ҳали ўзини ўнглаб олмасиданоқ, Рашид уни ўзига тортди-ю, қаттиқ ўпди.

— Нима қилиясан?— Сидратнинг жаҳли чиқди. Бир сакраб қочиб қолди-ю, нарироққа бориб, тўхгаб, орқа ўгириб олди.

Рашид қизариб кетди.

— Ахир мен эртага кетаман. Кечир...

— Вой, менга кетишинг ҳақида гапирма. Юрагим ёнади,— йиглаб юборди қиз.

— Сидрат, сенинг йиғлашингга тоқат қилолмайман. Сўз бер, ҳеч қачон йиғламайман, де. Агар сени шу аҳволда ташлаб кетсам, доим шундай йиғлаяпсан, деб ўйлаб юраман. Кейин ўзимнинг ҳам йиғлагим келади... Қани бир кул-чи...

Рашид энгашиб унинг ерга тикилган кўзларига пастдан қаради.



— Уйга бориш керак,— ҳорғин сўзлади Сидрат,— ҳали-замон отам яйловдан қайтади...

\* \* \*

Сидрат ярим кечагача айвонда иш тикиб ўтирди. Ярим кечагача ўз айвонида Рашид китоб ўқиди. Вақти-вақти билан Сидрат бошини кўтариб қараб қўяр ва нок шохлари орасидан Рашидни кўрарди. Рашид ҳам бу томонга қараб-қараб қўяр ва Сидратнинг тикаётган иши узра эгилган бошини кўрарди.

Сидрат унинг ўзи ҳақида ўйлаётганини биларди. Йигит билан хайрлашгани кирган қўшнилар билан гаплашаётиб ҳам, китоб ўқиётиб ҳам, барибир Рашид қиз ҳақида ўйларди.

Гишт девор уларнинг ҳовлиларини ажратиб турар эди. Лекин бир-бирига интилган икки юракни ажратиш мумкинмикан? Гўё шу қоронғи боғ узра, фарқ пишган мевалар шивири, шохлар силкиниши узра икки айвон оралигида кўзга кўринмас кўприк солинган эди. Қоп-қора осмонда юлдузлар паст-паст жимирлайди. Уларга икки айвондан тўрт порлаган кўз умидла тикилади.

Айвонга қараган деразадан Раҳимат мўралади.

— Кеч бўлиб қолди, қизим, ухлай қол.

— Ҳозир,— итоаткорона жавоб берди Сидрат ва ишни йиғиштира бошлади.

Рашидга бу сўзлар: «Хайр, жоним. Мен ухлагани кетяпман», деяётгандек туюлди.

Рашид ҳам ўрнидан турди, хўрсинди, айвонда уёқдан-буёққа юра бошлади. «Шундай тун-а... Ухлагинг келмайди... Сен бундай тез кетишга қандай журъат этдинг, яна бир оз ўтир, суюклим».

О, минг хил тилни ҳам тушуна оладиган, фарзандинг кўнглини топишга моҳир она қалби!

Субайбат ўғлининг аҳволини тушунар, Сидратнинг ҳолини ҳам сезиб турар эди: «Болалар, эҳ, болаларимей!»

Сидрат ётиб, Раҳимат эшикни занжирлаб бўлганидан сўнг биров чақирди.

— Раҳимат, оч, бу мен. Ҳали ухлаганинглار йўқми?— Субайбатнинг овози эшитилди.

Сидрат ҳушёр тортиди.

— Йўқ ҳали,— деди Раҳимат эшикни очаётиб.

— Сизларни чақиргани чиқувдим. Ўғлим эргалаб кетади. Мен эса тайёргарчилигимни кўриб улгурганим

йўқ, нон ҳали ёпилмаган. Агар Сидрат иккалангиз қарашиб юборсангиз эди...— У умид билан Раҳиматга тикилди.

Сидратнинг юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. Раҳимат нима деркин? Қиз унинг жавобини кутарди.

— Ташвишланма, Субайбат. Учаламиз бирпасда ҳамма ишларингни битказамиз,— ҳозиржавоблик билан деди Раҳимат,— Сидрат, ҳали ухлаганинг йўқми, қизим?

— Йўқ,— қувончини зўрға яшириб, шошиб ўз хонасидан овоз берди қиз.

Аёллар ошхонага нон ёпгани кетишди. Ёшлар эса айвонда чамадонга ғилоф тиккани қолишди. Улар ҳаммасини Субайбат аввалдан тайёрлаб қўйганини, уларни деб бу ишларни яна қайта бошлаганини билишмас эди. Сидрат қалин матодан ғилоф бичди-да, машинада тика бошлади.

— Бундай тез тикма,— шивирлади унга Рашид,— эрталабгача чўз.

— Вой, машина юрмаяпти,— Сидрат Рашидга ҳайрон бўлиб қаради:

— Ке, мен тузатиб бераман,— у стол устига энгашди,— иш эрталабгача етади,— у қизга айёрона кўз қисиб қўйди.

Рашид машинани очди. Улар ёнма-ён ўтирдилар. Сидрат исиб кетди. Кафтини муздек клеёнкага қўйди. Шу заҳотиёқ ёнгинасида, лекин унинг қўлига тегмай Рашиднинг қўли пайдо бўлди.

— Сидрат...

— Ҳа, Рашид?

— Бирор нима де...

— Ҳаммасини унутганман... Ойинг жуда яхши-да. Унга сен айтдингми?...

— Айтганим йўқ, лекин...

— Нима, «лекин»?

— Сидрат...

— Рашид...

## БЕШИНЧИ БОБ

Бу йил баҳор эрта келди, унинг очиқ ҳаволи кунлари ва илиқ оқшомлари кўп эди. Май охиридаёқ ўтлоқлар чечаклар билан қопланди, маккажўхори биринчи чопиққа етилди.

— Анчадан бери бундай баҳор бўлмаган эди. Илоё,

ёз ҳам шундай яхши келсин-да. Фақат ҳосилни дўл уриб кетмаса бўлгани,— дейишарди кексалар тоза, оқариб бораётган осмонга қараб.

Шунинг учун ҳам Акранинг чўққилари устида булут тўплана бошлагач, одамлар тоғларга хавфсираб қарай бошлашди; ишқилиб дўл ёғмасин-да.

Мана, булутлар тоғдан тушиб, аста овул устига сузиб кела бошлади. Улар тиқилишиб, бир-бирининг устига сузиб чиқа бошлади. Шунда момақалдироқ келатганидан дарак бериб, бирдан чақмоқ чақди. Булутлар бирлашиб, қуёшга қарши бораётган улкан бир қора тўдага айланди. Ям-яшил тоғ ёнбағирлари зумда қорайди. Бирдан оқшом чўккандек ҳаммаёқ қоп-қоронги бўлиб қолди. Шамол дарахт баргларини юлиб буғдой бошоқларини учира бошлади.

Одамлар қий ва хашакларни йиғиб олишга шошилдилар, томларнинг дарзларини супургилар билан ёпа бошладилар. Шу маҳалгача осойишта турган овул тўзитилган ари уясидек гувиллаб кетди. Раҳимат билан Сайгибат ҳам оҳ-воҳ қилиб айвонга чиқишди.

— Э, худо, дўлдан асра, ишқилиб,— Сайгибат қўлларини тоғ томонга чўзиб илтижо қилди.

— Худо бундай кулфатга йўл қўймас,— деди Раҳимат.— Бугун даладан қайтаётиб, бундоқ қарасам, дарахтларнинг баргидан меваси кўп. Туф-туф, ёмон кўздан асрасин.

— Раҳимат, ҳў, Раҳимат, кўрмаяпсизми, дўл кел-япти-ку,— қичқирди ўз ҳовлисидан Субайбат. У қўлида болта билан зинадан кўтарилар эди.

— Кўряпмиз. Лекин қўлимиздан нима келарди,— жавоб берди унга Раҳимат.

— Вой, дўлга қарши кул сепиш керак эди.— Субайбат эски одатни эслади. Сўнг шоша-пиша кулни қисимлаб: «Эй худо, дўл шу кулдек сочилиб кетсин», дея шамолга соча бошлади.

— Болтани нима қиласан?— сўради қўшнисидан Раҳимат.

— Ойим раҳматли дўл ёғаётганда болтани силки-тарди. Бунинг ҳам хосияти бор,— деди Субайбат.

Ҳар бир ҳовлидан аёлларнинг қий-чуви эшитиларди. Осмон эса, уларга раҳм қилгандек, ёриша бошларди. Қора булут ёйилиб, томга бир неча томчи такиллаб урилди.

— Омин, омин, оллоҳ илтижомизни эшитди,— деди

севиниб Субайбат болтани янада қаттиқроқ силкитар экан.

— Чиндан ҳам дўл йўқ,— деди Раҳимат ҳам панжарадан энгашиб.

Мана, гўё осмон дарз кетди-ю, ёмғир қуйиб берди. Сўнг кўнгиллари хотиржам бўлган аёлларнинг шукур қилиб, «алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ, дўл четлаб ўтди», деган овозлари ҳар бир ҳовлидан эшитила бошлади.

Шунда бирдан шариллаб ёғаётган ёмғир шовқини орасидан Раҳимат от туёқлари товушини эшитди. Товуш тез яқинлашиб келарди.

— Наҳотки Умар бўлса?— хавотирланди Раҳимат ёмғир орасидан йўлга тикилиб,— нега уйга қайтдийкин?— ўйлади у.— Ҳайронман, шундай ҳавода отарни ташлаб-а?

— Сенинг ишқинг оҳанрабодек тортса керак-да,— унга ҳазиллашди Субайбат, у ҳам от туёқлари товушини эшитган ва бу қўшниси эканлигини сезган эди.

— Бўлмасам-чи, албатта ишқ, бошқа нарса эмас,— Раҳимат ҳазил билан қутулмоқчи бўлди-ю, лекин овози хавотирини сездириб қўйди: «Агар Умар бўлса, келиши билан қизини сўрайди. Аксига олиб у уйда йўқ». Туёқ овозлари тобора яқинлашиб, ҳовлига Умар кириб келди. У бир қўлда отни тизгинидан ушлаб, бир қўли билан осилган ҳўл дарахт шохларини итариб келар, унинг қора буркасидан шариллаб сув оқарди.

Раҳимат билан Субайбат бир-бирларига хавотирланиб қараб қўйишди. Раҳимат ёмғир қуяянти демай эрига пешвоз югурди.

— Вой, Умар, момақалдиरोқни қара. Агар сен шундай ҳавода келаётганингни билсам юрагим ёрилиб ўлардим,— деди у отнинг тизгинини эрининг қўлидан олар экан. Отни қозиққа боғлаб, у айвонда тезда эрини қувиб етди, елкасидан буркасини олиб, қозиққа илди.

— Момақалдироқ нима бўпти? Кўриб турибсан-ку, мен қуп-қуруқман,— ўз-ўзидан мамнун бўлиб деди Умар.

— Ҳа, ўғлим, бу бурка эмас, хазинанинг ўзи,— деди эркалаб Сайгибат унинг нам ёнбошини силар экан.

Умар тахтага ёнбошлади.

— Ҳозирги буркалар аввалгилардақа эмас,— деди у афсусланиб.— Илгари уларнинг юнги ичида қушлар яшириниши мумкин эди. Қанақа буркалар эди... Авлоддан-авлодга ўтар эди. Уч авлод кийса ҳам янги тураверар эди.

— Учоққа олов ёқдим, ке, исин,— чақирди ошхонадан Раҳимат,— ҳозир чуду қизийди.

— Қатиққа қара,— деди Сайгибат.— Ивигандир. Сузма ёғоч сандиқда.

— Аҳволинг қалай, ойи?— сўради Умар унинг ёнига келиб сочларини силар экан,— Ҳожи огадан бериб юборган дорим ёрдам бердими?

— Баракалла, ўғлим. Сен соғ бўлсанг бўлгани. Менинг соғлигим ўша. Доринг яхши экан, фақат момақалдироқ олдидан сал белим зирқиради. Ҳаво очиқ кунлари эса белим борлигини ҳам унутаман.

Сайгибат эркалаб ўғлининг қўлини силади.

— Том қалай, чакка ўтмадими?— Умар шифтни кўздан кечириб туриб сўради,—зах ҳиди келяпти. Деразаларни очмайсизларми дейман-да.

— Йўқ,— эътироз билдирди Раҳимат,— деразалар туну кун очиқ. Фақат момақалдироқ пайтида, ойналарни дўл синдирмасин, деб беркитдим. Том бўлса, худога шукур, темирдек мустаҳкам. Ҳайронман, зах қайдан пайдо бўларкан? Анов хонадаги шифтда, нақ сенинг ўрнингни устидан ўзим қўзиқорин топиб олдим. Ишқилиб, тўсин чириб кетмаса бўлгани. Мен-ку, ўчоқда гишт қиздириб ўша қўзиқорин чиққан жойни роса ишқаладим,— деди Раҳимат Умар ўтирмақчи бўлаётган уч оёқли стулга парёстиқни чаққонлик билан қўйиб.

— Энди то том қуригунча кутиш керак. Кейин ўша ерни очиб, тўсинни яхшилаб қуритиш керак. Сўнг қуруқ тупроқ билан ёпиш даркор. Фақат Долахаранинг эмас, балки Талаоранинг тупроғидан солиш керак,— йўл-йўриқ кўрсатди Умар.

— Ҳа, шундай қиламан, бўлмаса том бутунлай ишдан чиқади. Сенинг келишингни кутган эдим, Умар. Бош қашишга вақтим йўқ. Эртадан кечгача тиним билмайман. Кейин нима иш қилдим ўзи, деб ўйлайман: бир тайинли иш қилганимни эслай олмайман,— ҳасрат қилди Раҳимат.— Бунинг устига яна бир ташвиш. Айтмоқчи эмас эдим, майли, ўтиб кетди энди. Тўғри айтишган экан, қаерда момақалдироқ бўлса, чақмоқ ҳам ўша ерда чақади деб. Тарғил сигиримиз олд оёғини синдирган эди: буни қараки, устига-устак яраси қуртлаб кетибди. Шундай қийналдимки. Ишқилиб тан-жони соғ бўлсин, Содиқ парвариш қилди. Бугун биринчи марта уни подага қўшиб юбордим.

— Нега менга хабар бермадинг,— қўрқиб кетди Умар,— дарров етиб келардим. Бу йил шунақа бир чў-

понни топишибдики, дангаса... Чўпоннинг иши фақат пўстинга ўралиб олиб, най чалишу ҳар ой чўпон ҳақи йиғишга хотинни юбориш, деб ўйлайди шекилли. Агар яна уялмай хотинини юборса, пул ҳам, дон ҳам берма,— борган сари қизишарди Умар. У ҳатто жойида ўтиролмай хонада уёқдан-буёққа бориб келарди.

— Уялмайди, уялмайди,— унинг сўзларини тасдиқларди Сайгибат,— хотини мисоли ерда юрмайди-ю, нақ осмонда учади. Эрини чўпон эмасу районнинг хўжайини деб ўйлайди шекилли.

— Тоғда ишларинг қалай, Умар? Ўт кўпми?— Раҳимат суҳбатни бошқа ёққа бурди.

— Мўл. Бу йил мол ҳам тўқ, чўпонлар ҳам хурсанд. Мен тузга келган эдим. Бир-икки кун дам ҳам олиб кетаман. Қизинг қани?— сўради у қўшни хонага мўралаб.

Раҳимат турган жойида қотиб қолди.

— Бечора, шундай қийналиб кетдики... Бу имтиҳонларни деб рангида ранг қолмади...— деди у шошилиб.

— Бугун эрталабдан бери Чакарларникида. Бирга дарс тайёрлашяпти,— қўшиб қўйди Сайгибат.

Худди шу он эшик тарақлаб очилиб, йўлакда устига қалин адёлни ёпиб олган Чакар кўринди.

— Шунақа селни кўрганмисизлар-а,— деди у бошидан адёлни олар экан қувноқ. У турган жой зумда халқоб бўлиб қолди.

— Оллоҳнинг марҳамати бу. Ҳосил мўл бўлади,— Сайгибат кўринишдан осойишта шундай деди-ю, лекин ичида «шу пайтда келмасанг нима эди-я», деб ўйлади.

— Сидрат қани?— парвойи фалак қиз пардани очиб хонага мўралади.

— Сен билан дарс қилгани кетувди-ку,— деди муздек терга ботиб Сайгибат. У ўрнидан туриб уларнинг олдига келган Умарга қарашга ҳам қўрқар эди.

— Менинг олдимга?— ҳайрон бўлди Чакар,— мен уни бугун умуман кўрганым йўқ-ку.

Умар ғазаб билан бир онасига, бир хотинига қарарди.

— Бор, қизимни топиб кел,— деди ниҳоят хотинига.

— Уғлим, ёмғир тинишини кутиш керак,— ялинди Сайгибат.

— Бор, ҳозироқ қизимни олиб кел,— такрорлади Умар.

Раҳимат лом-мим демай, бошига рӯмолини ёпиниб, югуриб ҳовлига чиқиб кетди.

У Сидратсиз уйга қайтганида қоронги тушган, ёмғир ҳам тинган, фақат дарахт шохларидаги томчилар чак-чак томарди. Унинг қалин рӯмоли ёмғирда ивиб кетган, ҳўл этаклари оёқларига ёпишар, кўзлари қўрқув ва илтижо аралаш боқарди.

— Ҳеч қаерда йўқ,— зўрға гапирди у,— эрталаб уни дарё бўйида қўлида китоб билан кўришган экан. Лекин ҳозир у ерда йўқ.

— Нима?— қичқирди Умар,— ҳаммангизнинг абжағингизни чиқараман. Ҳеч қаёққа юборманглар, деб неча марта айтганман сизларга.

У буркаси ва фонарини олиб, даҳлиздан қоронғилик қўйнига сакради. Унинг кетидан боришга Раҳиматнинг юраги дов бермади.

\* \* \*

Сидрат пешинда мактабдан қайтаётиб, Рашиднинг дўсти ва овул почтальони Ҳусайнни кўриб қолди. У ҳар доим Рашиднинг хатини берарди. Ҳозир ҳам у район маркази томонидан келарди. Албатта почтага борган бўлса керак. Шунинг учун қиз уни кутиб турди.

Ҳар гал уни кўрганида қизнинг қалбига илиқ тўлқин урилар, бундан у ҳам қувонар, ҳам қўрқарди. Рашиддан хат келмаган кун кам бўлар, лекин Сидрат ҳар гал ҳаяжонланарди: борди-ю... Бу гал ҳам Ҳусайн уни кўриб узоқдан жилмайиб қўйди: демак, ҳаммаси жойида. Чиндан ҳам яқинлашгач, семиз сумкасининг ичини кавлаб катта пакет олди.

— Катталигини қара... Юрагини солиб юборган-ов..

— Сени қара-ю, Ҳусайн. Ҳазиллашмай туролмайсанми? Хатни бер, тезроқ,— Сидрат пакетни тортиб олди.

— Афсуски, Рашиднинг ўрнида эмасман-да. Бўлмаса аллақачон сени олиб қочиб кетган бўлар эдим. Лекин энди иложим йўқ: кеч қолдим. Фақат дўстимга ҳавасим келади. — У эркин овозда гапирар, кўзлари ғам билан боқарди. Ҳазиллашгаётганини ҳам, жиддий сўзлаётганини ҳам билиб бўлмас эди.

— Шундай ботир бўлсанг, Чакарни ўғирла,— шартта гапирди Сидрат. У қўлидаги хатни тезроқ ўқигиси келар, лекин ўтиб бораётган одамлар уларга қизиқиб қарашар, улар қизнинг Ҳусайн билан бирга тур-

ганини ҳам, қўлида каттакон пакет борлигини ҳам пайқаган эдилар. Ахир овулда янгиликлар жуда кам бўларди-да.

Сидрат ёлғиз қолиш ниятида ёнғоқ дарахти тагидаги ялангликка қараб кетди. У ерда конвертни очди: ичидан хат, дафтар ва расм тушди.

У фотосуратни авайлаб қўлига олиб, қадрдон, лекин энди қандайдир бегона аломатлар пайдо бўлган чеҳрага тикилди. Рашид бир йил ичида улғайибдими ёки Сидрат уни фотосуратда кўрмаганмиди.

Рашид, унинг хизмат муддати тугашига атиги уч ой қолгани, кейин бирга шаҳарга ўқишга кетажаклари ҳақида ёзган эди.

Дафтарда эса шеърлар бор эди. Сидрат ҳаяжонланганидан ўтириб ўқий олмади. У ялангликда айланиб юриб ўқир эди.

«Буларнинг ҳаммаси иккаламиз ҳақимизда-ку,— деб ўйлади у кафтларини юзига босиб,— қизиқ, ўзи тўқиганмикин ёки Маҳмуддан кўчирганмикин?»

Дафтарнинг охирида ёзувлар бор эди. Сидрат ўқир экан, суюклиси унга яна ҳам азиз туюлар, гўё шу ўт-ўлан устида ёнма-ён ўтиришарди-ю, у қизга энг эзгу нарса ҳақида сўзларди.

«Агар сен тош бўлсанг, уйга айлан; дарахт бўлсанг, мева бер; агар одам бўлсанг, сев».

Осмонда қуёш битта бўлганидек инсон муҳаббати ҳам битта бўлиши керак. Ҳеч қандай булут қуёшга ўз нурларини таратишга халал бера олмайди».

«Мен илгари қушлар тилини тушунмас эдим. Билсам улар сенинг ҳақингда куйлар эканлар».

...Думи узун кичкинагина бир қушча жуда яқин жойга қўнди-да, бошини ён томонга ўтириб, Сидратга қаради. Қиз хўрсинди, қуш эса чирқиллаб, учиб кетди. У ерда, ўтлар орасидан нимадир топди шекилли, бир оз алаҳсиб, сўнг шодон, мақтангандек «чирқ-чирқ», деб қўйди. Чиндан ҳам қушлар нима ҳақида куйларкан-а? Унга Рашиднинг тортинчоқ овози эшитилгандек бўлди. У шундоққина ёнида, болалигидаги, кўз бойлоқчи ўйинидаги каби кўзини юмса-ю, қўлини чўзса бас, қўллари йигитнинг илиқ сочларига етади...

Қиз тоғдан булут сузиб келиб қуёшни тўсиб қўйганини ҳам сезмади. Фақат кучли шамол қўлидан хатни юлиб олиб, ўт устида учириб кетаётгандагина, чўчиб сакраб турди.



Ҳаво бирдан тундлашди. Чақмоқ чақди. Сидрат дароҳт баргидек титрарди. «Вой, вой, нега бундай узоққа келиб қолдим-а? Қаерга яширинаман энди?»

Тоғларда яна момақалдироқ гумбурлади, чақмоқ чақди, булутлар парчаланиб, ёмғир қуйди. Қиз бир зумда дарёдан чўмилгандек бошдан-оёқ ҳўл бўлди.

Қоп-қора сочлари бўйнига ёпишиб, ундан ёқаси ичига сув оқиб тушар эди. Сидрат ҳарсиллаб йўл устида осилиб турган катта қоятошга етиб борди ва ўша ерга яширинди.

«Шу ерда кутаман. Қаттиқ ёққан ёмғир узоқ давом этмайди»,— ўзига-ўзи далда берди у.

Бирдан шундоқ ёнгинасида чақмоқ ялтиради. Назарига, у худди шу қояга урилгандек бўлди. Сидрат қичқириб юборди-ю, ҳушидан кетди.

Ёмғир қанча давом этганини ҳам, у бу осилган қоя тагида қанча ётганини ҳам билмайди. Сидрат маҳкам юмилган қовоқларига тушган ўткир нурдан ўзига келди. У буни айвондаги чироқ кўзимга тушяпти деб ўйлаб, «буви, эшикни ёп», демоқчи эди, лекин кимдир елкасидан қаттиқ силкитди. Қиз истамайгина кўзини очди: қаршисида отаси турар ва юзини фонарь билан ёритарди.

...Умар қизини тирик кўриб, жуда севиниб кетди. У қутурган ҳайвондек пишқирган дарё Сидратни оқизиб кетган, деб қўрққан эди. Энди чехраси юмшаб, кўзлари мулойимлашди. Қизининг устига деярли меҳр билан энгашди. Шунда унинг кўзи Рашиднинг сурагига тушди. У ивиб, шундоққина Сидратнинг оёқ томонида ётар, ёнида гижимланган хат бор эди.

— Юр, уйга, лаънати, мени шарманда қилмоқчимисан!— қичқирди у аллақандай бегона овозда,— худди онангнинг ўзи бўлдинг.

Сидрат ҳали ҳеч нарсани тушунмай чўчиб тушди. Шу он отасининг қўлида Рашиднинг суратига кўзи тушди. Лой ва ўт ёпишган ҳўл қоғозда ҳеч нарсадан хабари йўқ Рашид кулиб қараб турар эди. Сидрат отасининг қўлидан чиқиб, лойдан, ҳўл ва тийғаноқ ўт устидан югуриб кетди. У қоқилиб йиқилар ва яна ўрнидан турарди. Йўлда туфлиси тушиб қолди, лекин буни сезмади ҳам.

У бувиси ва Раҳимат холаси олдида ивиган, ҳаммаёғи лой, сочлари ёйилган, фақат бир оёғида туфли билан пайдо бўлди.

— Вой, худойм,— бувиси қувончданми ёки даҳшатданми бақриб юборди.

— Тез кийимингни алмаштир,— Раҳимат унинг атрофида парвона бўла бошлади,— Сайгибат, чой қўйиб юбор.

Умар кирди, хонадан индамай ўтиб, эшикни берки-тиб олди.

Уша ерда керосинчироқ ёруғида у Рашиднинг хати билан шеърини ўқиди. Умрида аёл зотига ширин сўз айтмаган Умар ҳайратда эди.

«Мишиқи. Сендан ҳақиқий эркак чиқмаслиги болалигиндан маълум эди»,— дерди у ўзига-ўзи. Лекин негадир Рашиднинг сўзлари таъсир қилар, ўртантирар, тинчини бузарди. У уларни ўзидан ёпишқоқ пашшани қувгандек қувар, лекин бу сўзлар қулоғи тагида жарангларди: «Илгари мен қуш тилини тушунмас эканман. Билсам улар сенинг ҳақингда куйлашар экан». Шунда қандайдир унга нотаниш, онгига етиб бормайдиган нарса қаттиқ ҳаяжонга солди. Бундан Умарнинг баттар ғазаби ошди.

Эшик аста очилиб, Раҳимат кирди. У ўзини босишга уринар, лекин ич-ичидан титрар эди.

— Бечорани яшин урмай омон қолганига шукур,— қўрқа-писа товуш чиқарди у.

— Ургани яхши эди,— тишининг орасидан деди Умар, сўнг қўшиб қўйди.— Мен уни қоя тагидан топиб олганимни ҳеч ким билмасин. У бошқа хонада ухлаб ётган экан-ку, биз билмай ваҳима қилиб юрибмиз, дегин.

— Яхши, Умар, яхши,— шошилиб рози бўлди Раҳимат.

— Ойимга ҳам айтиб қўй. Бўлмаса сиз хотинлар зағчадан ҳам баттарсиз.

— Айтаман, Умар. Хафа бўлма, Сидрат яхши қиз, ёмон йўлга кирмайди.

— Сендан яхши-ёмонми, деб сўраётганим йўқ. Овозингни ўчир,— силтаб ташлади Умар.

Хат ва сурат топганини ҳозирча у ҳеч кимга айтмади. Кечаси билан ўрнида ағанаб чиқди.

— Айб ўзимда,— койиди у ўзини,— бекор айтишмаган экан, бўйи етган қиз асов дарё деб. Агар вақтида ўзанига буриб юбормасанг тошиб кетади. Уни эрга бериш керак. Шунда бу жулдурвоқини унутади.

Шундай аҳд қилгач, тинчиб кўзи уйқуга кетди.

Орадан ҳафта ҳам ўтмай Сидрат отаси билан Раҳимат холасининг суҳбатини эшитиб қолди.

— Мен қизимни Ҳожига беришга ваъда бердим. Улар ишни чўзишмоқчи эмас. Тайёрлигини кўравер.

— Вой, нималар деяпсан? Шошишнинг нима кераги бор. Қизингга бир оғиз айтмай қандай сўз бердинг?

— Ишинг бўлмасин. Айтганимни қил. Сўз бердимми, тирик эканман, қайтиб олмайман.

— Вой, билмадим. Тўғри иш қилаётганмикансан. Уйлаб кўр. Биттаю битта қизинг бўлса. Ҳозир замон ҳам бошқача.

— Қанақа замон? Нима, энди ота керак эмасми? Шундай демоқчимисан?

— Йўқ, лекин ҳозир ҳамма қизининг розилигини олади. Сен эса эски замондаги каби ўзинг ҳал қилипсан. Мана, қўшнимиз Субайбат ҳам қизимизни Рашидга сўраяпти. Сидрат уни севади. Рашид ҳам бизга ўғиллик қиларди.

— Мен қизимни уйлантираётганим йўқ, эрга берайпман. Ҳожи эркак, Рашид эса мишиқи.

— Нега Рашид сенга ёқмайди? Яхши оиладан. Улар энг яхши қўшнимиз. Мана, неча йил бўлди, бир-биримиз билан «сен-мен»га борганимиз йўқ. Сидрат ҳам уни севади.

— Яна қандай севги? У кимни севиши кераклигини мен биламан. Айтдим-ку, Ҳожи эркак, Рашид мишиқи.

— Оҳ, билмадим, Умар. Бу ишингга қўшилолмаман. Умуман, Сидратни эрга беришга ҳали эрта, у мактабда ўқийди-я. Кейин, балки кўп қизларга ўхшаб шаҳарга ўқишга кетар.

— Мактабни у яқинда битиради. Институтни эса эри билан ҳал қилсин.

— Билмадим, билмадим, Умар.

— Сен билмасанг мен биламан,— суҳбатни тугатди Умар.— Тўй тайёрлигини кўравер.

...Сидрат додлаб юбормаслик учун оғзини қўли билан маҳкам ушлаб турар эди. «Ота, мени ҳалок этма. Севмаганимга берма»,— деб отасига ёлворгиси, илтижо қилгиси келарди. Лекин қимир эта олмасди: ахир отасининг феълени жуда яхши биларди.

Сидрат уйда тура олмади. Севимли макони ёнғоқтагига югуриб кетди. «Ундан кўра ўлганим яхши», ши-

вирларди унинг лаблари. Уни болалигидан билган дароҳт эса бўғиқ шивир билан жавоб берарди: «Бўш келма, Сидрат. Ўз тақдирингни ўзинг ҳал қил».

Қийин кунлар бошланди. Сидрат озиб-тўзиб кетди, кўзлари тагида қора доғ пайдо бўлди. Раҳимат хола-си билан бувиси унга оғир касалга қарагандек хавотирланиб қарашар ва секин шивирлашарди.

— Вой-вой, қизим-ей. Суратни тушириб қўйганингни қара-я,— дерди бош чайқаб Раҳимат.

— Шундай бўлишини билибманми, Раҳимат хола. Қайта ўша куни мени яшин урса ҳам майли эди.

— Вой, олтин қизим, бундай дейиш гуноҳ. Балки отанг ўз қароридан қайтар. Ахир кўнгли шунчалик қаттиқ эмас-ку. Нима учун у Рашидни шундай ёмон кўриб қолганингни? Қандай йигит-а? Хушмуомала, ширинсўз. Мен ҳам уни яхши кўраман,— деди Раҳимат кўзларини артиб.

— Менга энди барибир. Ўлимдан баттари бўлмас. Отам мени бахтсиз қилиб яйрай қолсин.

— Вой-вой-ей, юрагимни эзма. У билан гаплашиб кўришга уринаман.

— Бундан иш чиқмайди,— умидсиз жавоб берди Сидрат.

У болалигидан итоаткор руҳда тарбияланди. У Раҳимат ҳам, ойиси ҳам отаси келганида титраб-қақшашларини, у борида шивирлашиб гаплашишларини кўриб турарди.

Умарга уйда ҳамма унинг қадам товушидан қалтираши ёқарди. Сидратнинг онаси ичидагини ташига чиқармаса ҳам, сўзсиз бўйсунса ҳам уни шу хусусияти учун ёмон кўрарди.

Бу хонадонга келган Умарнинг иккинчи хотини Раҳимат ҳам дарҳол унга бўйсунди. Фақат энди, биринчи марта ўгай қизининг ёнини олиб, унга гап қайтаришга журъат этди.

Лекин уни кўндиришга уринишлари ёрдам бермади. У эшитишни ҳам истамди. Ор-номус ҳақида унинг ўз тушунчаси бор эди. Шу туфайли у Ҳожига берган сўзида маҳкам турди.

Рашид шу ерда бўлганида эди, у бирор йўл топган бўларди. Ахир ўшанда майсазорда «доим сенинг суянчиңинг бўламан», деган эди-ку. Лекин севгилиси узоқда эди.

Вир куни Сидрат бошини эгиб чашма бўйига сувга бораётган эди, Ҳусайнга дуч келиб қолди. Бу гал у ҳа-

зил ҳам қилмади, кулмади ҳам. Қизга таъна билан қараб турди.

«У мени қоралаяпти,— ичидан эзилди Сидрат,— ўзи розилик берган деб ўйласа керак-да,— унинг Ҳусайдан жаҳли чиқди,— у ҳам мени тушунмайди», Сидрат четлаб ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин Ҳусайн уни қўлидан тутди.

— Хат бор сенга, Сидрат.

— Бор бўлса бермайсанми,— деди Сидрат лоқайдлик билан.

Ҳатто севиклисининг мактуби ҳам уни қувонтирмасди.

— Бермайман. Сен унга арзимас экансан. У сенга ишонади, сен эса унинг устидан куласан.

— Майли, эй худо, сенинг юрагинг ҳам бугун менинг юрагим қандай яйраётган бўлса шундай яйрасин,— Сидрат ўзини тутолмади.

— Ким мажбур қиляпти сени?— Ҳусайн ҳалиям ишонмай кесатди.

— Отам...

Шунда Ҳусайн чидаб туролмади.

— Сени қояга олиб чиқиб, жарга ташлаб юборишса ҳам жим тураверар экансан-да. Шундай қуён юрагинг билан ботир солдат йигитга тегмоқчимисан? Даррўв айтмайсанми, қўрқоқман, деб. Мен бўлсам...

— Бас, Ҳусайн,— тўхтатди уни Сидрат,— ярамага туз сепма. Менга шундай ҳам осон эмас.

— Майли, ола қол хатларни,— бўшашди Ҳусайн,— яна учтаси йиғилиб қолган. Жаҳлим чиққанидан бермаётган эдим. Кеча Рашиддан телеграмма олдим. Касал бўлиб қолдингми, деб хавотир оляпти.

— Оҳ, ўлсам ҳам яхши эди,— Сидрат хатларни бағрига босди.

— Етуклик аттестати олдингми,— ишбилармонлик билан сўради Ҳусайн.

— Бугун оламан,— бўшашиб гапирди Сидрат.

— Тўй пайшанбада-я.

— Шунча тезми? Қаердан билдинг? Бўлиши мумкин эмас,— деб юборди ҳайратдан Сидрат. Бу тасодифда қўлидаги кўзани ташлаб юборди.

— Бугун мен сенинг қайлиғинг Ҳожиникида бўлдим,— деди Ҳусайн,— у билан гаплашиб, «дўстим севган қизни тинч қўй», демоқчи эдим. Мен тоғлиқ билан гаплашяпман, деб ўйласам, у қўйнинг ўзи экан. \*Мен ҳам,— дейди,— севаман ва уйланаман»,— Ҳусайн

Ҳожини масхара қилди.— Лермонтовнинг «Бэла»си эсингдами?

— Нима эди?

— Унда Азамат Бэлани Печорин учун ўғирлайди-ку. Мен эса сени Рашид учун ўғирлайман.

— Сени қара-ю,— қўл силкиди Сидрат.

— Йўқ, жиддий гапиряпман. Поездга ўтқазаман-да, Рашидга, қимматбаҳо юкни кутиб ол, деб телеграм-ма бераман.

— Вой!

— Нима, рози эмасмисан? Сен мени қизиқ устида айтяпти деб ўйлама. Ҳаммасини калламда пишириб қўйганман. Гап фақат сенда. Бўл тезроқ ўйла.

Ҳусайн қизга кўсини олмай тикиларди. Умид уч-қунлари ялт этиб кетган Сидратнинг кўзларига яна ғам чўкди.

— Отам ўлдиради.

— Отангми? Бақиради-чақиради, кейин кечиради. Нима ҳам қила оларди. Хўш?..

— Мен нима қилишим керак, Ҳусайн...— Сидратнинг овози титраб кетди. Унда ҳам умид, ҳам қўрқув бор эди.

— Мана бу бошқа гап,— севинди Ҳусайн. Шу пайт-гача ишонч билан гапирётган бўлса ҳам ҳар ҳолда иккиланаётган эди,— режамни эшит,— қизишиб шивирлади у.— Эртага кечқурун катта йўлга чиқ. Йўловчи машиналардан бирортасини тўхтатамиз-да, шаҳарга жўнаймиз. У ердан поездга чиқамиз. Пул менда бор.

— Шундай, бирданига-я,— ишонқирамай сўради қиз.— Ҳеч ким билан хайрлашмай-а? Ундай қилол-майман.

— Унда ўзингдан кўр,— Ҳусайн кескинлик билан шундай деди-да, жўнаб кетди. У ўгирилиб қараганида Сидрат ҳамон йўл устида турар ва Ҳусайн ортидан тикиларди.

— Кутаман,— деди у ва жавоб кутмай тепаликдан овулга олиб борадиган йўлга сакраб тушди.

Сидрат ёлғиз ўзи қолди. Унинг борлиги ҳаяжонга тушиб остин-устун бўлиб кетган эди. «Бир қарорга кел»,— дерди ички бир овоз, бошқаси эса: «Бувинг-чи, Раҳимат холанг, отанг-чи?»— дерди.

Шу тун ўйлай-ўйлай у ухлай олмади. Гоҳ кўз ўнги-да узун поезд пайдо бўларди. Мана, у вокзалга етиб келди. Ойна ортида одамлар орасида Рашиднинг шод чеҳраси. Гоҳ бу ғазабдан олайган ўзга чеҳра билан ал-

машар ва отасининг даҳшатли овози ваҳшат-ла бўки-  
рарди: «Сен мени шарманда қилдинг. Ўлдираман се-  
ни!»

Болалигидан кўриб юрган, деворда осифлиқ туради-  
ган ва ҳеч қачон қинидан суғурилмаган ханжар тепа-  
сида пайдо бўлар эди. Сидрат бақириб юборди ва юзи-  
ни қўллари билан яширди.

— Нима бўлди сенга, қизгинам? — бувиси қўрқиб  
кетиб, оёғини осилтириб ўтириб олди.

Сидрат бувисининг ёнига отилгиси, болалигидаги  
сингари ёнига кириб бағрига суқилиб, ҳиқиллаб-ҳиқил-  
лаб, сўнг овуниб, ҳаммасини айтиб бергиси келди. Ле-  
кин бундай қилса бувиси албатта йиғлаб-сиқтайди, ке-  
йин Раҳимат холаси билан иккалалари уни ҳеч қачон  
уйдан чиқаришмайди.

Шунинг учун Сидрат бувисига жавоб бермади. Ўзи-  
ни ухлаганга солиб, нафасини ичига ютганича, бувиси-  
нинг яна уйқуга кетишини кутди.

Қоп-қоронғи хонада ўрнида ётиб, у бирдан онаси  
ҳақида ўйлади. Мана шу кунларда она унга шундай  
керак эдики...

«Э, унга Алибулатдан бошқа ҳеч ким керак эмас.  
Отам мени зўрлаб эрга бераётганини билмайди ҳам».

Агар ойиси ёнида бўлганида Сидрат шундоқ унинг  
тиззасига бош қўярди-ю, йўнғичқа иси анқиган этак-  
ларига бурканиб ҳаммасини айтиб берар эди. Кейин  
улар мисоли икки опа-сингилдек қучоқлашиб ўтирар-  
дилар. Сўзлашмасдилар ҳам — фақат шундай ўтирар-  
дилар, онанинг елкаси қизниқидан сал баландроқ,  
шунда ҳаммаси ойнадай равшан бўларди. Балки бу-  
тунлай тескариси юз берармиди. Балки онаси йиғлаб,  
хонада чарх урар, Сидрат кичкиналигидаги каби Умар-  
дан қизига раҳм қилишини илтижо қилар, лекин Умар  
барибир уларни ажратиб юборармиди. Онасининг ёл-  
ворган кўзлари ҳамон Сидратнинг ёдида. Бу ёлвориш-  
га белсанд қараган отасининг кўзларини ҳам унутма-  
ган... Сидрат онасига ачиниб, раҳми келиб кетди.  
Нима бўлса ҳам уни кўргиси келди. Каравотида  
ёнбошлади. Қулоқ солди: сукунат. Ўрнидан туриб,  
елкасига рўмолини ташлади, аста айвоннинг эшигини  
очди.

Ҳовли қоронғи эди. Янги туғилган ой осмонни  
тарк этди. Фақат юлдузлар эринибгина бир-бирларига  
кўз қисадилар. Қаердадир, қояларда сайраган бойқуш-  
ларнинг овози эшитилди.

Қиз қўрқиб кетди. Эшик олдига боргунича тиззалари қалтирай бошлади. У тоғлардан келаётган бу товушни эшитмасликка уринди, лекин у гўё: «Сидрат, эҳтиёт бўл!» — деб огоҳлантираётгандек қулоғига кирверди.

Қўшни ҳовли олдидан ўтар экан, Рашид билан хайрлашган ўша тунни эслади. Болалиklarини, дўстлашганларини эслади, ёнгинасида унинг овозини эшитди: «Нега қоронғидан қўрқасан? Кун билан туннинг нима фарқи бор? Ҳаммаси ўша-ўша, фақат тунда қуёш ухлайди». «Чиндан ҳам, — ўйлади Сидрат, — мана девор олдидаги дарахт, у ҳам кундузи қандай бўлса ўшандай-ку. Фақат сояси қалинроқ. Девор ҳам ўшандай. Фақат оқроқ. Бу атроф қоронғи бўлгани учун. Ўтлар ҳам ўшандай. Фақат совуқ ва ҳўл. Бу шудрингдан ва қуёш йўқлиги учун». Сидрат эгилиб бир чимдим ўт юлиб олди-да, оғзига солиб чайнади ва анча хотиржам тортиб, дадил қўшни овулга қараб кетди.

Лекин Алибулатнинг уйига қанча яқинлашгани сари, дадиллиги шунча камаё борди. Гўё юргани сари дадиллиги тушиб қолаётгандай эди. Маана, у излаб келаётган уй. Боғдаги ўт устига уй ойнасидан тўртбурчак ёруғлик тушиб турибди. Демак, ҳали ухлашмаган.

Сидрат бунга суюнди-ю, лекин бирдан хаёлида шундай ҳолат намоён бўлди: Алибулат тахтада ялпайиб ўтириб, онасининг ўзига тегиб турган сочларини силаётир.

Бундай хаёлдан Сидрат ҳатто кўзларини юмиб олди. У ўгирилди-ю, ҳўл бута устидан сакраб, орқасига қарамай қоча бошлади. Унинг юраги гурсиллаб урарди.

Лекин уйдан анча нари боргач, ўгирилиб қараганида, узоқдан чироқ кўринмади. Балки йўлдаги дарахт уни тўсиб қўйгандир. Балки ётишиб, чироқни ўчиришгандир. Бундан Сидратнинг кўнгли чўкиб, юраги ҳувиллаб қолди.

«Ойим ҳовлига чиқса нима қиларди. Агар сигир маъраса албатта чиқарди», — деб ўйлади Сидрат. Сўнг яна алам булути юрагини қоплаб олди. «Балки отам ҳақдир. Ойим Алибулатни жуда яхши кўрса керак», — бу фикрдан яна отасига меҳр уйғонди. У отасини ўзгача: қаҳрли, қайсар эмас, бахтсиз ва ёлғиз тасаввур этди.

Навқирон ой булутлар ортида ором олиб бўлиб, осмон ўртасига виқор билан сузиб чиқди, у гўё кул би-



лан ювилгандек ярқирар эди. Овул эса дарҳол ўзгариб кетди, у боягидек бефайз кўринмасди.

Сидрат зинадан кўтарилиб, секин отасининг хонасига кирди. У доимо ўз хонасида ёлғиз ухлар эди. Бу хонанинг деразаси айвонга қарагани учун жуда қоронғи эди. Шунинг учун Сидрат аввалига ҳеч нарсани кўрмади. Кейин кўзлари қоронғига ўрганди. У каравот ёнига келди. Отасининг қоядан болта билан йўнилгандек даҳшатли ва дағал юз тузилиши кўринди. Унинг катта боши ярим ёстиқни эгаллаган эди. Боши сип-силлиқ бўлиб ялтираб турарди, отаси соч қўйиш чинакам тоғлиққа муносиб эмас, деб ҳисоблар ва доимо сочини тоза қирдириб олдираар эди.

Катта, томирлари бўртган, қоялардаги дарзга ўхшаб ёрилган қўллари кўрпа устида оғир ётарди.

У отасига шундай ачиниб кетдики, ҳамма аламларини унутди. «Агар мен кетсам, у ўлиб қолади. Овулда қанча гап-сўз бўлади. Унинг мағрур боши ҳам бўлади...» Йўқ, йўқ, ундан кўра ўлгани яхши, севмаганига теккани яхши.

Шундай қилиб Сидрат уйда қолишга ва отасининг продасига бўйсунушга қарор қилди.

\* \* \*

У уйғонганида, айвонга офтоб тушган эди. «Ухлаб қолибман-ку»,— деб ўйлади Сидрат. Отаси ҳам, Раҳимат холаси ҳам йўқ эдилар. Далага кетишган бўлса керак.

Офтоб тушиб турган айвонда эса Сайгибат ўтирар ва жун чувир эди: у Сидратнинг сепини тайёрламоқда эди. Буни кўриб, қиз ҳаммасини эслади, назарида офтоб яна булут ортига яшириниб, айвон қоронғилашиб кетгандай бўлди.

Шунда у бирдан ҳовли ўртасидаги девор устида турган ва қандайдир имо-ишоралар қилаётган Субайбатни кўриб қолди.

— Бориб ноқларни тераман,— деди Сидрат буви-сига ва тогорани кўтариб айвондан тушди. Субайбат турган девор ёнига яқинлашар экан, икки юзи оловдек ёнаётганини ҳис этди.

Субайбат ҳеч нима демай, қизни уйига бошлади, Сидрат унинг кўзларида гина аломатларини кўрди.

«Балки у ҳам Ҳусайнга ўхшаб менга ишонмаса керак. Ўз хоҳиши билан эрга тегяпти, деб ўйлашади».

У худди айбдордек хонага кирди ва кутилмаган тасодифдан чўчиб кетди. Стол олдида ойиси ўтирарди. Унинг чеҳраси жиддий ва сипо эди.

— Қизим,— деди Зулҳишат ўрнидан туриб,— нима, сен мени бутунлай унутиб юбордингми? Ҳатто тақдиринг ҳал бўлаётган пайтда ҳам маслаҳатлашмайсан,— Зулҳишат хўрсинди.

— Ойи, дадам шуни истаяпти,— деди Сидрат эзилиб. Сўнг чўчиб, Субайбатга қаради.

Лекин Субайбат кўзини олиб қочди.

— Мен бунга йўл қўймайман,— деди Зулҳишат.

Сидрат бундан лол қолди: ойисининг овози жуда дағал чиқди. У мулоғим ва меҳрибон ойисининг шундай зардали бўлиши мумкинлигини билмас эди.

— Етар,— давом этди Зулҳишат,— отанг ўзининг аҳмоқона ғурури билан менинг ҳаётимни мажруҳ қилди. Энди сени ҳам шундай қилмоқчи... Мен фақат бугун билдим. Алибулат ишдан ғазабланиб қайтди. У замонлар ўтиб кетган, дейди. Энди бундай иш учун суд қилишади.

— Сизлар менинг отамни суд қилмоқчимисизлар?— хитоб қилди Сидрат эшикка томон тисарилиб.

— Нима, сен ҳали отангнинг сўзига кирмоқчимисан?— ўз навбатида ҳайрон бўлди Зулҳишат.— Эй худо, менинг қизимни нима қилиб қўйишибди-я. Қўйининг ўзгинаси.

— Қизим, нега Рашидни алдаяпсан, уни адо қиласан-ку,— гапга аралашди шу вақтгача жим турган Субайбат.

— Мени адо қилишмаяптими? Менинг ҳақимда биров ўйладими...

Шу оғир кунларда юрагида тўпланганларининг бари, қачонлардан бери ичида тўпланиб ётган дард-ҳасрати ер ости сувидек ёриб чиқди. Сидрат ҳўнграб онасига отилди. Ана шундай қилиб Зулҳишат қизини ўз орзусидаги Сидратга айлантирди: қизнинг бошини кўтариб, гўё ҳимоя қилгандек ўзига тортди. Шунда Сидрат болалигидаги таниш йўнғичқа исини тотди. Ойиси бошини силар экан, гўё ғир-ғир шамол эсган баҳор кунда музлар эриб, бошидан қишлоқ рўмоли елкага тушган кунларда қуёш нурлари сочларини сийпалаётгандек бўлди.

Субайбатнинг уйдан Сидрат бошқа одам бўлиб чиқди. Энди онаси уни тушуниб, мадад беришга шайланганида ўзини ёлғиз ҳис қилмади. Зулҳишат унга

ҳеч қачон «овулдан қочиб кет», деб айтмасди. Агар ҳозир унга айтса борми, даҳшатга тушар эди. Лекин буни қандай амалга оширишни билмаса ҳам Умар уни зўрлаб эрга беришга йўл қўя олмас эди.

«Ойим бир нима қилмоқчи, — ўйларди Сидрат, — менга қандай ёрдам бераркин, отамга қандай таъсир қилар экан?» — шунда суд ҳақидаги фикр миясига яшиндек урилди. «Энди бунинг учун суд қилишади». деди ойиси.

Сидрат отасини кўчадан олиб бораётганларини, бутун овул томоша қилиш учун кўчага ёғилганини ва у сип-силлиқ бошини эгиб бораётганини тасаввур қилди, қўлидаги занжир жаранг-журунгини эшитди.

Шунда у даҳшатдан юзини қўллари билан яширди: йўқ, фақат бундай эмас. Яхшиси, қочиш керак...

\* \* \*

Бу кун маъюс тушга ўхшарди. Сидрат ҳамма ерда бўлди: дугоналарини бориб кўрди, мактабда бўм-бўш синфдаги ўз партасида ўтирди, ёнғоқ тагига борди... У севган барча нарсалари билан унсиз хайрлашди. Қоронғи тушгач, қўлига тугунчасини олиб, ҳеч кимга кўринмаслик учун пасқам йўллардан юриб, шартлашилган ерга келди. Атроф қоп-қоронғи ва жимжит эди. Ярим ой кўкда нафис товланади. У ер-бу ерда юлдузлар жимирлаб, гўё: «Қўрқма, Сидрат. Оқ йўл», — дерди. Тоғлар эса сиполик билан сукут сақлайди. Улар гўё қизга таъна қилади ва олиб қолмоқчидек, атрофидан ўраб олаётгандек туюлади. «Нима қиляпман ўзи?» — деб юборди қиз. Юраги ғалати тепиб, оёқлари бўшашди. Ерга ўтириб олди. Атроф қоронғи ва ҳувиллаб ётар, фақат пастда, тоғ этагида овул чироқлари ёқимли милтиллар эди. У ерда одатдаги ҳаёт давом этарди: хотинлар ўчоққа олов ёқишар, чудуда сузма аралаштиришар, эркаклар эса айвондан бири-бирига гап ташлаб, бошмоқларини ямашар ёки бирор нарсани тузатишарди. Раҳимат холаси ҳам кечки овқат учун уринаётгандир. Бувиси унга қарашаётгандир... Уларнинг ҳали ҳеч нарсдан хабарлари йўқ. «Меҳрибонларим, мени кечиринглар. Кечир, бувижон. Сен ҳам, Раҳимат хола. Сен ҳам, отажон, кечир...»

Сидрат тугунига бошини қўйди, унинг йиғлагиси келарди. Лекин кўзларида ёш йўқ эди. Шунда қоронғилик қаъридан Ҳусайннинг овози эшитилди.

— Сидрат-а-ат, шу ердამисан? Юр, тез. Машина топдим.

У қизнинг қўлидан ушлаб, пастга, катта йўлга олиб тушиб кетди. Сидрат нуқул орқасига ўгирилиб қарарди. Ҳусайн «бирдан айниб қолса-я», деб ўйларди.

— Сен йиғлашинг эмас, ўйнашинг керак,— жаҳли чиқиб тўнғиллади у.

Тун кира бошлади. Овулда чироқлар камая борди. Тоғлар устида юлдузлар кўпайди. Оғир юк машинаси эса қоп-қора йўлдан вағиллаб вокзалга қараб борарди.

Бу пайтда Рашид Қрим тун оқиб кираётган ойна олдида тор солдат койкаси устида чўккалаб, ўз Сидратига навбатдаги мактубини ёзарди.

Ҳусайн Сидратни тунда поездга ўтқазди. Хайрлаша туриб, қўлига китоб ва егулик солинган тугунча берди, сўнг купега назар ташлаб сўради:

— Қрим томонга борадиганлар борми?

— Мен, Севастополга,— деди ўрта яшар, ҳайрон қоларли даражадаги оппоқ аёл.

— Жуда соз,— севиниб кетди Ҳусайн,— менинг синглим биринчи марта кетяпти. Унга қараб кетинг, уёқда эса кутиб олишади.

— Хотиржам бўл,— жилмайди аёл ва зийрак, кулиб турган кўзларини Сидратга тикди,— синглингни омон-эсон етказиб бораман.

Табассумдан унинг муаллимларникага ўхшаш жиддий юзи юмшаб, ёқимли тус олди.

— Майли, яхши етиб бор,— Ҳусайн купе эшигидан яна бир марта мўралади-да, чиқиб кетди.

Сидрат унинг орқасидан югуриб бориб, қўрқаётганини, уйдагиларни, тоғларни соғинаётганини айтмоқчи бўлди-ю, лекин нимадир уни тўхтатди ва эзилиб жим ўтираверди. Аёл Сидратнинг аҳволини тушунди шекилли, ўзини унга эътибор бермаганга солди. Бир оздан сўнг оддийгина қилиб:

— Менинг исмим Ольга Петровна,— деди.

— Мен эса Сидратман.

— Русчасига Соня бўладими?

— Билмадим...

\* \* \*

Поезд узун йўлдан, мисоли аждаҳодек елади. Ольга Петровна ухлаб қолган. Сидрат эса ҳамон тугунини тиззасига қўйганича, пешонасини қсра ойнага тираб боради.

Аввалига ойна ортида зим-зиё тун эди, кейин у аста-секин чекина бошлади: туманни тарқатиб, бутун кенг борлиқ бўйлаб тонг ота бошлади. Тонг сезилмай отди. Сидрат ҳайратдан қотиб ўтирарди. Дераза ортидан Қрим манзаралари бир-бирини қувиб алмашинар, бу бир куни клубда фильмдан олдин кўргани — кино-журналга ўхшаб кетар эди. Фақат у ерда қора-оқ рангда эди. Бу ерда эса... Қиз Доғистоннинг яланғоч тоғларида ҳеч қачон бундай гўзалликни кўрмаган эди: ахир илгари дунёда бизнинг тоғлардан чиройли тоғ бўлмайди, деб ўйларди-да.

Ҳозир эса унинг поезддан сакраб тушгиси, субҳидам шудринг қўнган нам майсалар устидан тиззасига-ча ҳўл бўлиб югуриб кетгиси, ҳув анови ёнбағирда очилган пушти гулни узиб олгиси келди.

Лекин поезд филдираклари тобора тезроқ тақилларди. Ҳар бир тақиллаш билан эса Рашидни яқинлаштирарди.

Ана шу ёруғ тонг, ойна ортидан кенгликлар, бўлажак учрашув умиди Сидратнинг қалбига қайноқ оқим билан қувонч бўлиб кирди. Туманни тарқатган тонг-мисол қувонч қўрқувни эритиб ташлади, қолган-қутганларини юрагининг бурчак-бурчакларига қувиб юборди. Энди қизнинг назарида поезд тез юрмаётгандек туюлди. Унинг сакраб тушиб, поезддан олдин югуриб кетгиси келди.

Қизнинг кўнгли армонга тўла эди. Севгиси келар, ўқишни орзу қилар ва бахтли бўлишни истарди. Жуда яшагиси келарди.

Сидрат ўз орзусини эслаб, ўзини врач қиёфасида тасаввур этди. Уйда у ёлғиз қолганида кўпинча оппоқ чойшабга ўраларди-да, ойна олдига бориб, ўз аксидан: «Хўш, қаеринг оғрияпти?» — деб сўрарди. Кейин Рашиднинг бир куни: «Сенга оқ халат жуда ярашади», — деганини эслади. Эслаб туриб жилмайди. Юзлари негадир қизиб кетди.

Эрталаб чой беришди. Чойдан сўнг Сидрат Ольга Петровна билан гаплашиб, унинг врач эканлигини билиб олди. Қиз ҳамроҳини тинглар экан, унга ҳавас билан тикилар ва «йўқ, мен удалай олмайман», деб ўйларди. Сўнг шу заҳотиёқ фикран Рашидга мурожаат этарди. «Сен менга ўргатасан-а, тўғрими?» Унинг назарида Рашид ҳар бир ишнинг урдасидан чиқарди.

Филдираклар тарақлайди. Ойна ортида эса осмон ва майсалар. Кенглик шундай бепоёнки, тижилсанг,

бошинг айланади. Қаердадир қўшни купедан кулги овози эшитилди. Тор йўлакдан патнис кўтариб проводник аёл ўтди: стаканда қошиқлар нафис жиринглайди. Купе эшиги очиқ эди. Шунинг учун Сидрат дам у ойнага, дам бу ойнага қарарди.

Бирдан ойна олдини тўсиб йўлакда одамлар тўпланиб қолишди. Уларнинг ҳаракатларида қандайдир ваҳима бор эди, қиз қўрқиб кетди. «Уруш», деган сўз қулоғига кирди. Қандай уруш? Шу маҳал уни итариб, купедан Ольга Петровна чиқди. Сидрат ҳайрон бўлиб ўрнидан туриб, унинг кетидан юрди.

Йўловчилар репродуктор ёнида тўпланишди.

— У нима ҳақда гапиряпти? Қандай уруш? — шивирлади Сидрат репродукторни кўрсатиб.

— Гитлер бизга ҳужум қилибди, — нотаниш қиз шивирлаб жавоб берди.

Ольга Петровна энди оқара бошлаган сочлари орасига қўлини тиқиб, худди Раҳимат холаси бирор кори ҳол рўй берганида қилганидек уёқдан-буёққа бошини чайқаб, нималарнидир гудранар экан, Сидрат ҳали ҳеч нарсани тушунмаган ёш боладек қараб турар эди.

— Костя жўнаб кетган бўлса керак, — аста сўзлади Ольга Петровна унга кўзларини нурсиз тиқиб.

— Костя ким?

— Костя — менинг эрим. Ҳарбий врач.

— Йўқ, йўқ! — Қичқириб юборди Сидрат даҳшатга тушаётганини сезиб ва ундан қочишга интилиб, — у мени гул кўтариб кутиб олади, деган эдингиз-ку.

— Э, гулмиш-а, — қўл силкиди Ольга Петровна, сўнг ўйчан қўшиб қўйди, — энди Костяни тополмасам керак.

Сидратни бирдан ток ургандек бўлди. «Рашид ҳам шундай бўлса-чи? Йўқ, мумкин эмас». Бунга ишониб даҳшатнинг ўзи эди.

Бу орада поезд вокзалга етиб келди. Йўловчилар чамадонларини кўтариб, тор йўлакда қатор туриб олишди. Улар бир-бирларини туртишар, ҳар бирининг ҳам ўз одамларини тезроқ кўргилари келарди. Ойна ортида тўда-тўда одамлар. Сидрат умрида бунчалик кўп одамни кўрган эмас. Тўй ёки азада ҳам шунчалик кўпчилик бўлмас эди.

Ҳамма гўё ўт кетгандек югурар, бақириб-чақирарди. Ольга Петровна ойнага ёпишиб олди. Кўзлари болаларини йўқотган қушмисол перрон бўйлаб аланг-жа-

ланг қиларди. Сидрат ҳам худди шундай оломондан кўз узмасди.

— Ольга Петровна, Рашид йўқ, энди нима қиламан? — қичқирди у бармоқларини қайириб.

— Костя ҳам, — жавоб берди, Ольга Петровна уни перронга бошлаб кетар экан.

Мана, перрон ҳам бўшаб қолди. Платформада фақат икки аёл — Ольга Петровна билан Сидрат қолди. Улар атрофга аланглашар, кетишга қўрқишар, ҳамон кутишарди.

— Кетдик, — деди ниҳоят Ольга Петровна чамадонини кўтариб.

— Қаёққа?

— Менинг уйимга. Вокзалда қололмайсан-ку. Кейин бир йўлини топармиз. Рашидни қидириб кўрамиз.

Сидрат уйга қандай етиб қолишганини эслай олмайди: нимагадир тушишди, қандайдир майдонлардан, ҳовлилардан ўтишди. Ольга Петровна эшикни очганида эса Сидрат лол бўлиб қолди. У ҳеч қачон бундай гўзалликни кўрмаган эди. Сидрат калта-калта тахта-лардан қоқилган, ялтираб турган полга тикилар, унга оёқ қўйишга кўрқар эди.

— Кир, киравер, Соня, — жилмайди Ольга Петровна.

У чамадонини даҳлизга ташлаб, хонага хат қидиргани кириб кетди. Хат ёстиқ устида ётар эди. Ольга Петровна унга тезгина кўз югуртирди-ю, шилқ этиб каравотга ўтириб қолди.

— Бир нима бўлдимиз? — Сидрат энгашиб сўради.

Ольга Петровна жавоб бермади. У гўё саволни эшитмагандек эди. Қиз полдан хатни олиб, столга қўйди. Хат имзоси кўзига ташланди. «Сенинг қўрқмас пионеринг Костя Орлов». Нега пионер? — ҳайрон бўлди у.

— Ахир пионерлар — болалар-ку. Ёки шаҳарда бошқачамикан? — у бу ҳақда Ольга Петровнадан сўрамоқчи эди, лекин ботина олмади.

Хатнинг пастроғида эса сиёҳ билан шўх, худди тоғдагига ўхшаш дарё сурати чизилган, дарё бўйида — аёл. Унинг тепасида бургутга ўхшаш катта қуш.

«Рашид қаерда экан? Наҳот, у ҳам Костяга ўхшаб жўнаб кетган бўлса?» — Сидратга ўз аҳволи шундай аянч туюлдики, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Соня, нима бўлди?— ўзига келди Ольга Петровна. У хатни олиб яна бир марта ўқиб чиқди.— Биласанми,— деди у таъсирланиб,— биз Осетияда яшаганимизда у ернинг одамлари мени «оқ ёлли тойчоқ», деб аташарди. Бу Костяга жуда ёқарди. Ушандан бери у мени шундай атайди.

Ольга Петровна ўйчан сўзлар, кўзлари ғамгин жилмаяр, овозидан меҳри товланиб тургани сезиларди. Ҳозир жудаям хотираларга берилгиси келаётгани кўриниб турарди.

— Биз Осетияда танишганмиз. Мен у ерга техникумни битириб, ишга келган эдим. Костя эса врач бўлиб ишлар эди. У жуда қувноқ, лекин ишда жиддий эди. Жуда ботир эди: ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмас эди. Ҳамма уни яхши кўрарди. Мен у қаерда бўлса ўша ерда бўлишни истардим. У навбатчилик қилганида, қизлар билан ўрин алмашардим. У мендан анча катта эди, шунинг учун мен ундан уялар, туйғуларимни яширар эдим. Балки юз ўгирса-чи, деб қўрқардим. Ахир умид билан яшардим-да, унда умид ҳам қолмайди. У ҳеч нарсани сезмасди. Палата-палата юрар, ҳуштак чаларди. Бир куни биз у билан Терек қирғоғида учрашиб қолдик. Костя мени кўриб ашула айтди:

Терек тўлқинлари узра  
Кабутарлар чарх урар.  
Унинг устида бургут  
Беармон гир айланар.

Мен юрак ютиб: «у бургутнинг кўзлари яхши кўрмайди шекилли», дедим. У мени дарҳол тушунди: «Менинг кўзим,— деди,— бургутникидан ҳам ўткирроқ». Ольга Петровна хотираларга берилиб, жим бўлиб қолди.

— Кейин нима бўлди?— сўради Сидрат қизариб.

— Кейин биз турмуш қурдик. Бу ерга келдик. Костя мени яна ўқишга мажбур этди. Медицина институтини тугатдим. Аспирантурага тайёрланаётган эдим. Энди ҳаммаси тамом бўлди. Уруш. Костя, мана у,— Ольга Петровна девордаги сурат олдига келди.

Ольга Петровнанинг ҳикояларини тинглаб, Сидрат Костяни ҳам Рашид каби ёш, чиройли тасаввур қилган эди. Лекин суратдан унга бурни пучуқ, япалоқ чеҳра қараб турар, қайрилма қошлари қалин, жуда ғала-



ти, кўзлари мўғулларникига ўхшаш қисик, оғзи ёнида  
икки чуқур ажин.

— Эрим чиройлими, Соня?

— Чиройли,— ишончсиз жавоб берди Сидрат.

Ольга Петровна уни тушунди.

— Юзи эмас, қалби чиройли унинг. Қўллари ол-  
тин. Шунақаям тиниб-тинчимаски... Баъзан уйда ҳам-  
маёқни остин-устин қилиб ташлайди. Аккердеонни  
шунақаям яхши чаладики... Рақс тушишини кўр-  
санг...

— Вой, Рашид ҳам рақс тушади,— севиниб кетди  
Сидрат. Лекин қувончи дарров қайғу билан алмашин-  
ди: «Ҳозир қаерда экан у? Улар кўришишармикин?»

— Юринг, Рашидни қидирамиз,— ялинди у.

— Энди кеч бўлди. Эртага эрталаб қидириб кўра-  
миз,— тинчлантирди уни Ольга Петровна.

Овулдан кетиш олдидан ухлай олмаган Сидрат яна  
тунни бедор ўтказди. Машиналар сигнал бериб ўтар,  
уларнинг чироқлари хона деворларида югурарди. Кенг  
ойнадан ой нури тушиб турар, чироқни ўчиришган  
бўлса ҳам хона кундуздек ёруғ эди.

Қушча биринчи марта қанот чиқарганида, фақат  
осмону қуёшни кўради. Агар у булут момақалди роққа  
дуч келса-чи, унда қандай йўл топади?

Сидрат биринчи мустақил қадамида бўронга дуч  
келди. Нега шундай бўлди экан? Балки ойисининг ўзи  
йўлга отлантириб, «оқ йўл, қизим», деб эркалаб жў-  
натмагани учундир. Балки бувиси «бахт учун», деб  
дарвоза олдида сув тўла кўзани кўтариб турмагани  
учундир. Балки оллоҳнинг ўзи уни итоатсизлиги учун  
жазолаётгандир...

Тун яримлаб, қоп-қоронғи бўлиб қолди. Ой булут  
ортига яширинди шекилли... Сидрат ҳамон ўй сурар-  
ди...

Мана, у уйда, овулда, занжирни тимироскилаб  
эшикни очади. Оёгининг тагидаги қуруқ барглар ши-  
тирлайди. Шу заҳоти анчадан бери кутиб турган Раҳи-  
мат холаси қоронғилик қўйнидан чиқиб келади. «Вой  
қизим-ей, қаерда қолдинг? Шундай хавотир олдимки...  
Ойингнинг олдида кетдингми, деб қўшни овулга ҳам  
телефон қилдик. Эй худо, сени тирик кўрганимга шу-  
кур. Ҳусайн ҳам бир неча марта келди. Ана, яна кел-  
япти», — Раҳимат кўчани кўрсатди. Ой чиққан, унинг  
нури йўлини ёритиб ва ундан Ҳусайн тез-тез юриб  
келарди. Мана, у ҳовлига кирди.

— Нима бўлди? — деб сўрайди Сидрат дам Ҳусайн, дам Раҳимат холасига қараб.

— Рашид, — дейди Ҳусайн ва бошини эгади. Раҳимат эса кўзини олиб қочади.

— Айтсангиз-чи, Рашидга нима бўлди? — ўзини йўқотиб қичқиради Сидрат. Сўнг уйғониб кетади...

## ОЛТИНЧИ БОБ

Эрталаб Ольга Петровна билан Сидрат Рашиддан хабар топгани комендатурага югуриб кетишди. У ерда Рашидларнинг қисми кечаси фронтга жўнаб кетганлигини айтишди. Қай томонга? Ҳарбий кийимдаги оддий деҳқонбашара киши қўлларини ноаниқ ёзди. У стол устида турган икки аппарат орқали қаёққадир телефон қилмоқчи бўлди, лекин натижа чиқмади. У ҳар гал номер териб, бармоқларини диск бўйлаб айлантирар экан, Сидрат лабларини қонатгундек тишлар, гужанак бўлиб олар, сўнг дони тўкилган қопмисол бирдан бўшашиб қоларди. «Нега кеча кирмадик-а? Кирганимизда топардик. Бунга у айбдор», — деб ўйлар Ольга Петровна ҳақида ва юрагидагини сезди-маслик учун қарамасликка тиришарди.

Улар қуёш ёғдуси тўкилиб турган кўчага чиқишди. Лекин бу шаҳарни осойишталик тарк этган эди. Одамлар уёқдан-буёққа юришарди. Мана машина тўхтади ва кўчадан бир рота солдатлар ўта бошлади. Одамлар тўхташди, уларга ҳам ташвишланиб, ҳам ачиниб тикила бошлашди.

Солдатлар янги, ҳали тердан унниқмаган, лекин энди тахи бузилгани учун сал ғижим гимнастёркаларда, яхшилаб тозаланган, ҳали қийшаймаган, чанг қўнмаган ялтироқ этикларда дадил олға борар эдилар... Уларнинг бошларида акац дарахтлари шовуллар, милтиқларининг учлари гоҳо шохлар орасига кириб қоларди.

«Нега кеча келмадик, кеча келганимизда топардик», — азоб чекарди Сидрат.

Солдатлар ўтиб кетишди, йўл дарҳол бўшаб қолди. Сидрат эса ҳамон уларнинг ортидан қараб турарди. У нима қилсин энди? Қаёққа боради? Овулга қайтсинми? Лекин отаси-чи? Уйга киритармикин? Йўқ, яхшиси, шу ерда қолгани маъқул. Ахир ҳарбий киши Рашиднинг қисми қаерга кетганини билиб бермоқчи

бўлди-ку. «Нега кеча келмадик-а? Кеча уни топган бўлардик». Бу пушаймон унинг нақ юрагига қоқилган миҳдек кўнглида қолиб, яшашига халақит берарди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Ҳар куни эрталаб, худди хизматга боргандек Ольга Петровна госпиталга, Сидрат гоҳ вокзалга, гоҳ портга югурарди. У одамлар орасида туртиниб юрар, ҳамманинг башарасига тикилар, бирортасини ўхшатиб қолса орқасидан югурарди. Вокзал чанг, тупроқ эди, лекин буни ҳеч ким сезмасди. Порт эса денгиздан шамол эсиб тургани учун тозароқ. Сидрат айланиб юраверар, уйга кетишга қўрқарди. Борди-ю, худди шу пайтда Рашид келиб қолса-чи.

Бомбардимон бошланди. Ольга Петровнанинг уйидаги кенг деразаларни адёл билан тўсишди. Энди хона худди уларнинг овулдаги уйларига ўхшаш қоп-қоронғи бўлди-қолди. Лекин бу қоронғилик бошқача эди. Ольга Петровна госпиталда узоқ ушланиб қолар, дастлабки ярадорларни олиб кела бошлашган эди.

Сидрат энди Рашидни топишдан умидини узган, вокзалга шунчаки, уйда ёлғиз қолмаслик учун борар, ҳар ҳолда одамлар орасида енгил тортарди. Фақат гоҳо юраги гупиллаб кетар ва муштдек бўлиб томоғига тикилиб қоларди. Унга анави оломон орасида... Лекин бу хаёлнинг алдови эди. У ўзини бу безовта шаҳарда, умуман, ёруғ дунёда ортиқча, ҳеч кимга кераксиз ҳис қиларди. У фронтга кетишга аҳд қилди.

— Ольга Петровна, мен фронтга кетаман,— деди у бир куни кечқурун.

— Нима учун?

— Уша ердан қидираман... умуман... жанг қиламан.

Ольга Петровна унинг қўлидан нима иш келишини чамалагандек бошдан-оёқ разм солиб туриб деди:

— Соня, сен шаҳардагилар жанг қилмаяпти, деб бекор ўйлайсан. Биласанми, бизнинг госпиталга бор. Бизда одам етишмаяпти.

— Қўлимдан нима келарди,— деди эзилиб Сидрат.

— Бизларга қарашасан, кечқурунлари ҳамширалар курсида ўқийсан.

— Майли,— рози бўлди Сидрат.

Шундай қилиб у ҳамшира бўлди. Ана шу тарзда унинг ҳаёти янги бурилишга етди ва ундан янги нота-ниш йўл бошланди.

Уруш шаҳарга ҳам етиб келди. Ярадорлар шаҳарга сиғмай қолди ва мактабларни ҳам госпиталга айлаштира бошлашди.

Сидрат билан Ольга Петровна дам олиш нималигини билишмас, чарчоқни ҳам ҳис этишмас эди. Кўпинча зарурат маълум вақтгача чарчоқни ҳис эттирмайди. Тунлари ухлашмас, наридан-бери овқатланишарди. Костяни ҳам, Рашидни ҳам деярли эслашмасди, улардан ҳалигача хабар йўқ эди.

Касалларни эса тинмай келтиришарди. Энди деярли иккала аёл ҳам госпиталга кўчиб ўтишган эди. Сидрат биринчи марта бу ерга келганида бурнига кирган қон ва тер ҳидидан кўнгли кетиб йиқилишдан зўрға ўзини ушлаб қолди. Энди у ҳидларга ўрганиб қолган, операциядан кейин тоғораларни бемалол олиб чиқарар эди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Ярадорни столга ётқишиди. Ольга Петровна фақат кўзини очиқ қолдириб, ниқоб кийди. Сидрат эса пахтани сувда ҳўллаб, унинг кўзини артди.

«Пинцет, босим, тампон!» — команда берарди врач. Овози қисқа-қисқа эшитиларди. Дастлабки пайтларда қиз асбобларни чалкаштириб юборарди, энди эса ўрганиб кетди. У Ольга Петровнанинг қўлидан кўзини олмай турарди. Операция столи оқ чойшаб билан тўсилган эди. Унда Сидрат бирдан кимнингдир каттакон соясини кўрди. Кимдир чойшаб четини очди (Сидрат барлари очиқ шинель ва жуда ҳам таниш чехраникўрди), жилмайди ва эшикни аста ёпиб оёқ учида юриб чиқиб кетди.

«Нима учун бу чехра таниш? Қаерда кўрганман уни?» — Сидрат эшлашга уринарди. Ольга Петровна эса кирган одамни пайқамади. Операция тугагач, Сидрат даҳлизга мўралади. Барлари очиқ шинель кийган одам ярадорлар орасида ўтирар эди. Лекин ҳамширани кўриб, дарҳол ўрнидан турди.

— Узоқ чўзиладими? — деб сўради у эшикка ишора қилиб.

Сидрат жавоб бермоқчи бўлиб оғзини очганича қолди. Кейин у тисланди, орқаси билан эшикни итариб, «Константин Александрович!» — деб юборди.

— Тес! — эркак бармоқларини лабларига қўйди. — Қичқирманг. Келинг, аввал аниқлаб оламиз, сиз мени қаердан танийсиз?

— Ахир мен Сидратман-ку,— ҳайрон бўлди унинг танимаганига, кейин шошилиб тушунтирди,— Ольга Петровна менга сиз ҳақингизда гапириб берган. Мен ҳозир у билан бирга тураман.

Сидрат девордаги суратга солиштириб, унга синовчан тикилди.

— Соња,— операция хонасидан овоз эшитилди.— Нега қолиб кетдинг? Бу ерда ярадор бўлса, сен эса...— Ольга Петровна ўгирилиб, остонада қотиб қолди.

— Яраландингми?— бу унинг биринчи сўзи бўлди.

— Ўқ менадан қўрқади. Бўл тайёр, доим тайёр, сенинг интизомли пионеринг Костя Орлов!— Эркак фоз туриб унга честь берди.

Ольга Петровна уларга қизиқсиниб қараб турган ярадорларга эътибор бермай, юзини унинг шинелига босди.

— Ҳеч қаяққа юбормайман,— дея шивирлади у қучоқлаб. Эркак эса унинг бошини силаб, нуқул «Оленька, Оленька», дерди. Унинг хунук, шамолда дағал тортган, чуқур ажин босган юзи юмшаб итоаткор бўлиб қолди.

Столга эса янги ярадорни келтириб ётқизишди. Сидрат Ольга Петровнанинг енгидан тортди.

У эса: «Ҳозир, ҳозир», дерди-ю, эрига тикиларди.

Кейин у ярадорнинг олдига келди, унинг жонсиз, кўкариб кетган оёғини ушлаб кўрди ва бош чайқади.

— Бунга эркак қўли керак. Ёрдамлашасанми?— гуноҳкорона мурожаат этди у эрига. Эри соатига қараб хўрсинди-да, тез шинелини ечди. Шинель бари полга тушди. Ярадорлардан бири уни меҳр билан кўтариб олиб, тахлаб, стулга ташлаб қўйди. Гўё бу билан қўлидан келадиган иш сал эътибори билан эр-хотиннинг озгина холи қолишига ҳам халал бергани учун узр сўрагандек, ўз ҳурматини билдирмоқчи эди.

Операция хонасида Константин Александрович ярадорни кўриб, қўлига асбоб олди. Унинг бармоқлари калта, япалоқ, ҳаракатлари аниқ ва ишончли эди.

Ярани очиб, хотинига қаради, у эса кўзлари билан жавоб қилди ва скальпелни олиб узатди. У этни суриб қўйиб, маслаҳат сўрагандек унга қаради. Ольга Петровна жимгина бош силкиди. Улар шундай кўз орқали гаплашардилар. Сидрат улар бир-бирларини тушунишлари учун шу кифоя эканлигини кўриб турарди.

«Ҳозир бирдан эшик очилса-ю, Рашид кириб келса-я», деб ўйларди у. Сўнг унга айтадиган энг новик, энг ғаройиб сўзларни танлай бошлади.

Ниҳоят операция тугади. Константин Александрович хотинини елкаларидан қучди.

— Қани, эринга йигирма минут вақтингни ажрат!

— Костя! Кетасанми?— У эрининг кетишига ишонгиси келмасди.

У қовоғини солиб, яна соатига қараб қўйди.

— Оля, сен ахир ёш бола эмассан-ку,— деди эркалаб,— уруш уруш-да.

Улар ҳовлига чиқишди. Сидрат уларнинг дарахтлар орасида ғойиб бўлганларини деразадан кўриб турди.

\* \* \*

Қирқ иккинчи йилнинг майи келди. Бу Доғистон тоғлари яшил либосга бурканадиган, муз асирлигидан қутулган дарёлар далаларга қуйилиб оқадиган, Сидрат бокира сирларини ишониб тўкадиган ёнғоқ дарахти жажжи оч яшил барглар чиқарадиган пайт.

Лекин бу ерда, Қримда урушнинг биринчи майида Сидрат дарахтлар қачон барг ёзганини сезмади. Кўп дарахтлар қоп-қора бўлиб турар, кўмирга айланган эди. Сидрат ўтадиган хиёбонда бомба тушган жойлар қоп-қора бўлиб кўринар, энди бу ерларда узоқ йиллар ҳеч нарса ўсмас эди.

Эндиликда Сидрат фақат госпиталь врачига кўмаклашмай, ярадорларни олиб келиш учун жанг майдонига ҳам борар эди. У дала бўйлаб ярадорлар ёнига югурар экан, ўқлар нақ қулоғи тагидан ҳуштак чалиб ўтарди. Гоҳо кўкда душман самолётининг овози эшитилар, қиз эса бехос ерга ётиб оларди. Баъзан худди урушдан олдинги пайтлар сингари осойишталик ҳукм суларди. Лекин унда қайта қўрқинчлироқ бўларди. Гўё душман яшириниб кузатаётганга ўхшарди. Бунга ўхшаш туйғуни Сидрат кичиклигида ҳам бошидан кечирган эди: бир бола билан уришиб қолган, унинг қўлидан қутулиб, ўз-ўзидан елкаларини қуништириб кетар экан, ҳозир орқамдан тош отади, деб қўрққан эди. У қочиб кетиши, қайрилиб қараши мумкин эди. Лекин бунга ғурури йўл қўймас эди. Шундай, кўринишдан осойишта, лекин қўрқувдан зириллаб кетган эди.

Ярадорлар кўп эди. Сидрат бирини олиб чиқса,

иккинчиси чақирарди: «Сингилжон, мени ҳам ола кет». Қизнинг унга раҳми келиб, юраклари ачишиб кетарди.

Шаҳарда аҳвол борган сари оғирлашар эди. Қурол-яроғ, дори-дармон, озиқ-овқатларни олиб келиш деярли мумкин бўлмай қолди. 30 июлда эвакуация эълон қилинди. Госпиталь бир сутка ичида отланиб, йўлга чиқиши керак эди. Тўс-тўполон бошланди. Шундай бўлишини кутишган бўлса ҳам ҳамма саросимага тушди. Ярадорларни йўлга отлантириш керак эди.

Ниҳоят, йўлга чиқишди. Сидрат Ольга Петровна билан бирга оғир ярадорлар жойлаштирилган машинада борарди. Йўллар ўйилган, бомбалар ўнқир-чўнқир қилиб ташланган, шофёр қанча уринмасин, машина ўнқир-чўнқирларда сакраб-сакраб борарди. Сидрат кеча операция қилинган ёш украин йигитнинг бошини ушлаб борарди. Ольга Петровна энгашиб, кузовда юрар, бировга укол қилар, бошқасига сув, дори ичиради.

Қишлоқлар ёнидан ўта бошлашди. Ёндирилган далалар, томсиз уйлар, чўлтоқ дарахтлар, портлаган кўприк ва қирғоқлар бир-биридан айрилган одамларга ўхшарди.

Ҳовлиларнинг бирида, бутун бошли уйдан қолган ягона девор олдида сариқ мушук ўтириб олганича аянчли миёвларди.

Наҳотки қаердадир осойишта овул ва унда айвонли, ясси томида олмақоқи ёйилган уй бор бўлса. Уёқдан, томдан тоғлар, у сувга борадиган булоқ шундоқ кўриниб туради. Энди сувга ким бораётган экан? Раҳимат холаси борса керак. Ҳусайн унга ва отасига қаерга кетганини айтганмикин? Ёки ҳали ҳам беҳабармикинлар? Балки у тирик эмас, деб ўйлашаётган бўлса керак. Ота! Қизини кечирганмикин у? Ҳозир қаерда экан? Балки Рашид каби у ҳам фронтдадир.

Машина сув олиш ва қаршидан келаётган юк машинасини ўтқизиб юбориш учун тўхтади, Сидрат эса вайрона уйларни кўриб хотираларга берилди. Энди меҳрибонлари кўзига бошқача кўринишарди. «Отажоним, — фикран мурожат этарди отасига, — кечир қизингни. Раҳимат хола, сени кам севганим учун кечир. Эртақларда ҳамма ўгай оналар баджаҳл бўладилар. Мен, сен ҳам шунақасан, деб ўйлаган эдим. Бизнинг уйимизга келганингда сени тан олгим келмас, гап қайтарардим, сени кўришни истамасдим. Мен тентак эдим. Сени бир марта ҳам ўпганим йўқ. Сен эса меҳр-

га қандай ташна эдинг. Агар ҳозир қайтсам, сени, «ойи», деб атардим.

Унинг хаёлини Ольга Петровна бўлди.

— Соня, сен қайси госпиталга кетаётганимизни биласанми?

Сидрат бош чайқади. Ҳазича «барибир эмасми», деб ўйлади.

— Соня,— деди тантанали равишда Ольга Петровна,— биз унинг госпиталига кетяпмиз.

— Ростданми? — деб юборди қиз. У гап ким ҳақида кетаётганини тушунди ва «Бугун Ольга Петровна бошқача-я», деб ўйлади. Чиндан ҳам унга қараб, дунёда ҳеч қанақа уруш йўғу Ольга Петровна осойишта баҳор кунда севган киши билан учрашувга кетяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

Сидрат уни, койкалар орасидаги тор йўлқадан оппоқ узун халат кийиб келаётган ҳолда тасаввур этди. «Костя», деб чақиради уни Ольга Петровна ва госпиталь осойишталигини бузишдан ҳам қўрқмай, этигини дўқиллатиб унга томон югуради. Ҳар бир койқадан эса унга ҳайрон, «шовқинини қара-ю», дегандек ўпкалаган, кейин юмшаб, ёришган кўзлар тикилади.

«Мен ҳам бир кунмас бир кун шундай кунга етармикинман», — деб ўйлади у юраги сиқилиб.

Машина қишлоқлардан ўтиб, очиқ йўлга чиқди. Унинг икки томонида далалар ястаниб ётибди. Уфқда кечгача анча совиган қуёш буғдойзорга бош қўяяпти. Сидратнинг боши узра булут аста сузарди, яна у сийраклашиб, ундан осмоннинг зангор ранги кўринди. Сўнг унинг назарида уруш бирданига, ҳамманинг тушига баб-баравар кирганга ўхшади.

— Кечаси етиб борамиз,— деди Ольга Петровна, унинг ҳорғин кўзларининг ич-ичида севинч порларди.

Шу он тинчликни бузиб, осмонда душман самолётларининг овози эшитилди. У тобора яқинлашарди. Кузовда ўтирган Ольга Петровна кабина ойнасини тақиллата бошлади.

— Машинани бутазорга ҳайда,— у самолётлар товушини босишга уриниб қичқирарди,— эшитяпсанми, анови ерга, бутазорга,— у қўли билан оролдек турган яшил жойни кўрсатарди.

Машинадан сал нарида бомба портлади, ярадорлар бақириб-чақиринди, ер титради. Буғдой бошоқлари устига қора тутун ёпирилди.



Сидрат кафтлари билан оғзини ёпганича қимир этмай ўтирарди. Лекин атрофда бўлаётган воқеалар онгига аниқ етиб борарди.

Яна портлаш юз берди. Машинани силкитиб, улоқтириб ташлади. Қоп-қора чанг булути орасида шофёр сакраб тушди.

— Тезроқ, тезроқ, — бақирди у. — Тушинглар!

У ярадорни кўтариб, бутазорга югурди. Сидрат ҳам шундай қилди. Қоқилиб, эгилиб, улар машинадан бутазорга, ундан орқага югурардилар. Ольга Петровна эса уларга машинадан ярадорларни узатарди.

— Бак ёняпти, тезроқ! — қичқирди шофёр.

Сидрат чарчоқдан чўккалаб, ярадорни ерга қўйдида, кейингиси учун югурмоқчи бўлиб ўгирилди. Лекин кўзига аста чўкаётган қора тутун устун кўринди, холос.

Сидрат қичқириб юборди ва ҳозиргина машина турган ерга югурди. Лекин кимдир уни қўлдан ушлаб, оғзини маҳкам ёпиб (чунки у додлаётган эди) олиб кетди. Уларнинг тепаларида юнкерслар пастлаб учиб юрарди.

Бирдан ҳаммаёқ тинчиб қолди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек эди. Сидрат бу тинчликдан қўрқиб кетди, ўзига келганда эса ерда ётганини, оғзига тупроқ тўлиб қолганини сездди.

У бошини кўтарди: сал нарида шофёр ётарди. У ёнбошлаб ётар, қулоғидан гимнастёркасининг ёқасига қон оқар эди.

Сидрат эмаклаб унинг ёнига борди, елкасини қимирлатиб, чақирди. У миқ этмади. Қиз уни ўзига ўгирди: ўнг юзида худди ямоққа ўхшаб ўт изи тушиб қолган эди. Ҳали ҳеч нарсага тушунмай, лекин юраги увушиб у ярадорнинг биллагидан ушлаб кўрди, томири урмаётган эди.

Юнкерслар қайтиб кетди. Тезда яна ҳаммаёқ тинчиб қолди. Портлаш, ўқ товушлари ҳам йўқ. Фақат бугдой денгизи ичида бутазор оролча ва ўнта оғир ярадор қолган. Бунинг устига ҳеч вақо йўқ, на озиқ-овқат, на дори-дормон, фақат ўзи қолган.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Инсоннинг икки ҳаёти бор Бу бугунгиси ва ўтмиши — хотираларда яшайдигани. Хотиралар — бизнинг иккинчи ҳаётимиз. У ҳар доим биринчиси билан ёнма-

ён, гоҳ сўниб, гоҳ янги куч билан ёниб яшайди. Сидрат ҳам шундай эди. Уйига қинғир-қийшиқ кўчалардан қайтар, тоғларнинг бўй-басти, паст-паст порлаётган юлдузларни эмас, теп-текис далалар ва бўм-бўш йўлни кўрарди. Ортидан боғлар қорайиб кўринган гиштин деворларни кўрмас, ўзини ярадорлар орасида ҳис қилар ва аста-аста кириб келаётган тунни ўйларди. Сидрат хаёлларга берилиб, уйга қандай етиб келганини ҳам сезмади. Тун яқинлаб қолган эди. Энди эшикни очиши билан Раҳимат холасига дуч келди. У анчадан бери кутиб турган экан.

— Қаерда қолиб кетдинг, қизим? Ҳусайн сени сўраб келди. Бир неча марта. Ана, яна келяпти,— Раҳимат йўлни кўрсатди. Сидрат ой ёруғида Ҳусайнни кўрди. У шошиб келарди.

— Нима бўлди?— деб сўради Сидрат, гоҳ Ҳусайнга, гоҳ Раҳиматга хавотирланиб қараб, шу билан бирга қачон у шу ҳолатга тушганини эслашга уриниб. Ушанда ҳам тун, дарахтлар, Раҳимат нақ тун қаъридан чиқиб келган, ой бутутлар ортидан мўралаб унинг ёруғида Ҳусайн кўринган эди. Ушанда ҳам юраги тобора қайғуга чўкиб борган эди.

...Туш. Албатта, бу туш эди. Бу тушни у овулдан қошиб шаҳарда Ольга Петровнанинг уйида биринчи марта тунаганида кўрган эди. Ушанда ҳам Ҳусайндан Рашид ҳақида хабар эшитаман, деб Сидратнинг бутун вужуди қулоққа айланган эди.

— Чакарнинг мазаси йўқ,— бўгилиб сўзлади Ҳусайн.

— Анчадан берими?— сўради Сидрат ўзига келиб.

— Беш соатдан бери.

— Тез юр,— деди Сидрат. Уйга кирмай, у яна тун қўйнидан кўчага отилди.

... Ҳамшира бемор ёнида кислород ёстиғини ушлаб турар, қўллари титради. Бу ёшгина қиз Чакарга эмас, қаёқларгадир узоқларга, хона бурчагига тикилган эди.

Ун беш ёшли Осиёт ойисининг оёқларини қучоқлаганича додлаб йиғларди. Онасининг эркатойи Муса эса кўз узмай онасига тикилган. Унинг қошлари чимирилган, икки қош ўртасида чуқур, катталарникидек ажин кўринар, катта кўзларида ёш ҳалқаланиб турар эди. У олти ёшли укасини қўлидан ушлаб олган, гўё унга «қўрқма, ёнингдман-ку», деяётгандек эди.

Фақат энг кичик Жамила, ўзининг чақноқ қоп-қора кўзларини гоҳ унисига, гоҳ бунисига қизиқиб югурти-

рарди. У нега ҳамма йиғлаётганини тушунмас, у йиғлаганида овутишганидек, дам унисини, дам бунисини овутмоқчи бўларди. Лекин унга ҳеч ким эътибор бермас эди.

Унинг каравотини ўраб олган аёллар ўрнидан туриб Сидратга йўл беришди.

— Чакар,— деб чақирди у беморнинг устига энгашиб.

Лекин Чакар унга катта очилган, аммо ҳиссиз кўзлари билан қараб турарди.

— У оламдан ўтибди,— деди Сидрат қаддини ростлаб.

Ҳусайн кўз ёшларини яшириб, ўзини хотинининг кўкрагига ташлади. Фақат унинг елкалари титраётгани кўриниб турарди.

Шу маҳалгача ўзларини босиб турган аёллар йиғлаб, додлай бошладилар. Бу шовқин Жамилани чўчитиб юборди ва одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб, Сидратнинг бағрига кирди.

— Шидлат хола, қўрқяпман. Юр, кўчага.

— Муса, тез Али билан Жамилани Розанинг олдига обориб қўй,— буюрди Сидрат.

— Шидлат хола, сен билан бирга бораман,— йиғлаб юборди Жамила.

У Сидратнинг этагига ёпишиб олди. Муса эса уни ажратиб ололмас эди...

\* \* \*

Чакарнинг кенжаси, кичик қизи Жамила Сидратнинг эркатойи эди. Тўрт йил бурун у ўшандаёқ бетоб бўлган Чакарни туғдирган эди. Қиз соғлом туғилди. Ҳусайннинг уйида меҳмондорчилик бўлди. Болага исм қўйишни Сидратдан илтимос қилишди.

— Ҳурматингиз учун раҳмат,— эгилиб таъзим қилди Сидрат ва болани қўлга олиб,— «Жамила», деб атай қолайлик, агар қарши бўлмасангиз,— деди.

— Жамила, Жамила,— қичқиришди болалар уларнинг атрофида айланиб.

Уларга Ҳусайн ҳам қўшилди, рақс туша кетди. «Жамила, Жамила»,— деб сакрар эди у ёлғиз қўли билан тиззасига уриб. Кейин Чакарни ўрнидан турғазиш учун унга қўлини чўзди. Лекин у бош чайқади.

— Яхшиси, Сидратни таклиф эт.

Ушанда болаю катта хонани бошларига кўтаргудек айланишганда қандай кулишган эди. Баланд ёстиққа суяниб ётган Чакарнинг бахтли, чуқур нам кўзлари уларга қандай шод боққан эди... Ушанда ким шундай бўлади, деб ўйлаши мумкин эди...

Бугун Сидрат азадан қайтаётир. Унинг назарида тўрт боланинг онаси вафотига еру кўк йиғлаши керак. Лекин табиат ҳеч нима бўлмагандек баҳорга кулиб боқар эди. Қушлар сайрар, майсалар кўкка бўй чўзар, дарахтлар барг ёзар, бошоқлар офтобга интилган болалармисол етилиб борарди. Қаердадир қўзичоқ маъради. Адашганми, эркаланияптими... Ойисини чақиряпти шекилли... «Қаёққа кетган онаси?» — деб ўйларди Сидрат атрофга аланглаб, унинг адашиб қолган қўзичоққа раҳми келди. Агар пода билан тоққа кетган бўлса келади, ҳеч қаёққа кетмайди», — сўнг ўзини тинчлантирди у.

У боғларга кўмилган уйлар орасидан борарди, қўзичоқнинг нолиши узоқда қолди. Энди унинг қулоғига онасига йиғлаётган Жамиланинг овози эшитила бошлади.

Брач бўлсангу шундай ожизлик қилсанг. Сендан мадад кутаётган кўзларни кўриб турсангу ҳеч нима қила олмасанг. Лаънати рак. Қани энди сени ёввойи ўт каби таг-тугинг билан юлиб ташланса. У ёғлиқ, сурбет ўсимтани тепиб-тепиб ташлагиси келди.

Унинг қаршисида Чакарнинг урушгача бўлган чеҳраси намоён бўлди. Ахир улар бирга ўсишган. Бирга мактабга боришар, далага бирга ишга чиқишар эди. Сидрат юрагидаги муҳаббатидан энг аввал уни воқиф этган эди. Тўғри, ичларида бир-бирларининг ҳуснларига, кийим-кечакларига ҳавас қилишарди. Лекин она бўлганларидан сўнг бу ҳам қолиб кетди.

Сидрат қизи билан фронтдан қайтганида Чакар қандай севинган эди. Унинг келганини эшитиб, ёмғирда сарпойчан, биргина калишнинг ўзида югуриб келган ва шошганидан (Сидрат буни эслаб жилмайди) бир пой калишини боғда йўқотиб қўйган эди. Чакар энди йўқ. Энди Жамилани етаклаб касалхонага келмайди, деразани тақиллатиб, имлаб чақириб, қулоғига овул янгиликларини тез-тез шивирлаб айтмайди.

Унинг дардини жуда кеч билишди. Махачқалъада қилинган операция унинг ҳаётини фақат бир йилга чўзди. Охирги пайтларда нафасининг сиқиши ухлашига ҳам халал берарди. У туну кун ўрнида ёстиққа суя-

ниб ёнбошлаб ўтирар, касал уни қаритиб юборган эди.

Дугонаси билан хайрлаша олмагани ҳақидаги фикр уни қийнади. Бунинг устига, хотинлар Чакар уни жуда кутганини, ўлими олдидан унга нимадир демоқчи бўлганини айтишди.

Йиғлаётган Осиёт, лабларини тишлаган, тошдек қотган Муса Сидратнинг кўз ўнгида дам-бадам пайдо бўларди. Қулоқларига Жамиланинг «Шидлат хола, қўрқяшман», деган заиф овози эшитиларди.

Ана, чўнтагига солиб қўйишни унутганидан бир энги ғарибгина осилиб турган, елкалари титраётган Ҳусайн. Тақдир уни аямади: уруш, ярадорлик, кейин хотинининг касали уни қаритди. Наҳот ўша унга Рашиддан хат олиб келадиган, агар унинг ўрнида бўлсам сени олиб қочиб кетардим, дейдиган шўх, жасур йигит шу бўлса...

Наҳот бу, уни уйдан усталик билан қочириб юборган ўша Ҳусайн бўлса. Чакка сочлари оқарган, кўзининг атрофини дарахт танасидаги айланалармисол ажинлар ўраб олган. У айланаларга қараб дарахтнинг ёшини белгилайдиганлар, ажинларга қараб инсоннинг азоб-уқубатларини белгилаш мумкин.

Болалар-чи! Тўртта етим. Энди у уларни нима қилади? Ахир унинг ҳам, Чакарнинг ҳам онаси аллақачон дунёдан ўтишган. Чакар Мусанинг агроном, Осиётнинг врач бўлишини қандай орзу қиларди. Нега, нега ахир ёшлар ўлишади?

\* \* \*

Кечаси Сидрат алаҳлаб чиқди. У зўрға уйғониб, яна ухлашдан қўрқиб, тонг отишини кутиб ётди.

Ўрнидан эрта туриб, туз тотмай ишга кетди. Касалхона дарвозасига етганида тоғ ортидан юмалаб қуёш чиқиб келди. У шундай улкан, тантанавор эдики, Сидрат ҳайратланганидан тўхтаб қолди.

Ҳеч нарса ўзгармабди-я. Биров ўлар, биров туғилар экан. Туғуруқ бўлимидан чақалоқ йиғиси эшитилди. Яқин-яқинларгача тоғ аёли уйда туғар эди. Касалхонага келиш номус ва уят ҳисобланар эди. Энди эса энг узоқ овуллардан ҳам эрлар ўз хотинларини хоҳаяёв, хоҳ аравада, хоҳ машинада, ишқилиб, олиб келишади. Вақтидан олдин олиб келишади-да, врачдан қабул қилишини, уйга қайтариб юбормасликни илтимос қилишади. Кейин кечгача дераза тагидан нари кетиш-

майди ёки телефон қилаверишади. Ҳаммаси ўғил кутишади. Албатта, ўғил. Ҳали бу сарқит сақланиб қолган. Лекин у ҳам йўқолади.

Бу саҳар чоғи беморлар ҳали ухлашарди, Сидрат ёлғиз қолиш учун боққа ўтди.

Шудринг ҳали қуримаган, дарахтлар худди ёмғир ёғиб ўтгандек ҳўл эди, ялтираб турарди. Сидрат олма дарахти олдида тўхтади. Унинг танаси иккига ажралган, қачондир яшин урган эди. Аммо олма қуриб қолмади. У яна барг чиқарди, лекин жилға устига энгашиб ўз қисматидан сўзлайдиган бўлиб қолди. Боғ қояга бориб туташарди. Бу қоянинг қоқ ўртасида сув лойқаси бир умр қотиб қолган. Унда тоғ аёлининг рухсоридагига ўхшаш майда, йирик ажинлар... Шу тобда қотиб қолган сув навқирон кунга ўз кексалиги ва ҳаракатсизлигидан ҳасрат қиларди. Сидрат инсон ва табиат тақдиридаги ўхшашлик ҳақида ўйлаб қолди. Табиатда ҳам ўтмиш излари инсон юрагидаги дарду алам изларига ўхшаб сақланиб қолар экан.

Болаларнинг қўлидан чиқиб кетган улкан, сап-сарик шарга ўхшаш қуёш тоғ чўққиларидан узилиб, юқорига сузиб чиқди.

Касалхона айвонига ходима аёл пақир ва латта кўтариб чиқди. Дераза очилгани эшитилди. «Вақт бўлди», деди Сидрат ўзига ва боғдан чиқди.

Беморларни эрталабки кузатиш пайтида Сидрат ҳаммага бирор сўз билан тасалли бергиси келар, лекин назарида сўзлар жонсиз чиқаётгандек, ишонтиролмаётгандек туюларди. «Нима бўлди ўзи менга,— хафа бўларди ўзидан,— урушда озмунча ўлим кўрдимми. Урушдан кейин-чи... кўзим пишиб, юрагим тош бўлиб кетди, деб ўйлаган эдим».

Дераза тоқчасида бурнини ойнага тираб турган Жамила кўринди, уни олти ёшли Али ушлаб турарди.

— Шидлат хола, нега бизникига келмайсан?— деди Жамила унинг оёқларини қучоқлаб.

— Бугун бормоқчи эдим,— деди Сидрат унинг сочларини сийпалаб.

— Менга нима олиб қўйдинг?— бижирлади Жамила.

— Уни уйда олиб туролмаяпман,— гуноҳкорона деди Али.

— Келганларинг яхши бўлди, бизникига борамиз,— деди Сидрат.

Учалалари бирга Сидратларникига келишди. Уйга кириши билан Роза унинг бўйнига осилди.

— Нима бўлди, ойижон, рангинг кетиб қолибди,— деди у унинг афти ангорига тикилиб,— нуқул бошқаларни ўйлайсан. Узинг-чи?

Роза ойисини қучоқлаб, айвонда айлантира бошлади.

— Вой, йиқиламан, нима қиляпсан ўзи,— қувониб қизига қарар экан, ундан қутулмоқчи бўларди Сидрат.— Узинг қалайсан, олтингинам?— кейин ўзича ўйлади: «Розанинг келгани қандай яхши бўлди-я. Ҳафта бўлмай келибди-я.

Ахир эски одатлар қандай қаттиқ эди. Қиз бола тўйдан кейин фақат бир ой ўтгач, ота-онасини кўргани келиши мумкин эди».

— Шунақаям иш кўпки,— деди Роза ва Сидрат қизининг ранги сал кетганини пайқади,— кечқурунлари дафтар текшираман. Бугун педсовет. Мен эса бормадим. Мен учун ҳам, ўзи учун ҳам Мажид кетди,— у шодон кулди.

— Кеча тўй бўлиб, бугун ишга боряпсизларми?— хайрон бўлди Сидрат.

— Бирга бориб келяпмиз. Зерикмаймиз-да... — Роза бахтини яшира олмай, яна кулди.— Кейин имтиҳонлар яқин. Уйда ўтириш ноқулай,— сўнг Жамилага ўгирилиб, унинг ёнига чўққайиб ўтирди.— Кўйлагинг мунча чиройли! Сени ким бундай ясантирди?— деб қўйди.

— Осиёт.

— Бизнинг Осиёт ҳамма ишни билади, кўйлакни ҳам ўзи тиккан,— опасидан гурурланиб деди Али.

— Кир ювишни ҳам билади,— қўшилди Жамила ҳам Розанинг маржонини ўйнар экан.

— Осиётнинг ҳам мунчоғи бор,— деб қўйди Али.

— Мени зиягим бор. Яшш-и-и-и,— мақтанди Жамила, сўнг ўйлаб турди-да, хафа бўлиб қўшиб қўйди,— фақат Осиёт бермайди-да. Катта бўлганимда тақсан, дейди.

— О, қандай чиройли қизсан-а. Агар зирак тақсанг борми, ҳамманинг эси оғиб қолади,— кулди Роза қизалоқни кўтариб стулга ўтқизар экан.

— Менга эса дадам папка билан камар олиб бермоқчи,— деди Али овозини кўтариб.

— Мақтанма,— деди Жамила оёқларини лиқиллатиб.

— Менга эса алифбе олиб беришди,— бўш келмасди Али ҳам.

— Қани, болалар, меҳмон бўлинглар-чи.

Сидрат тарелкага печенье солди-да, болаларга узатди.

— Вой, эсимдан чиқибди,— деб юборди Роза,— мен чучвара олиб келган эдим-ку.

— Гўштлими?— севинди Сидрат... Эндигина қорни очганини ҳис қилди: ахир кечадан бери оғзига ушоқ ҳам солгани йўқ-ку.

— Гўшт ҳам олиб келдим,— деди Роза,— Мажиднинг дадаси кеча тоғдан битта қўйнинг гўштини олиб келди.

— Яхши одамлар,— деб қўйди Сидрат қизининг кўнглига қараб.

— Дадам шунақа ҳазилкашки,— суюниб гапириб кетди Роза,— уйда бўлганида, байрам бўлади. Ойим эса ювош. Қўй оғзидан чўп олмаган.

Роза оқшом тушгунча ойисиникида ўтирди. Уй аввалгидек файзга тўлди. Кейин Мажид келди-да, бирга кетишди.

Сидрат болаларни каравотда ўз ёнига ўтқазиб, эртак ўқиб бериб ўтирди. Сездирмай Ҳусайн кирди.

У Сидратни чордана қуриб, оёқлари устига китоб қўйиб, бир қўли билан Жамилани қучоқлаб ўтирган ҳолда кўрди. Али эса девордаги гиламга суяниб, оёқларини узатганича диққат билан қулоқ соларди. Бу осойишта ҳолат Ҳусайнга йўқотган нарсасини янаям аниқроқ эслатди.

Сидрат кимнингдир чуқур хўреинишидан бошини кўтарди.

— Ҳусайн!

— Дадам келди,— қичқирди Жамила унинг ёнига югуриб борар экан.

— Болаларим, неча марта айтганман-ку, Сидрат холагизнинг сизсиз ҳам иши кўп, деб,— деди Ҳусайн ҳорғин ва Жамилани кўтариб олди.

— Нега ундай дейсан, Ҳусайн, мен уларни соғиниб қоламан,— эътироз билдирди Сидрат,— ўтир, биз билан.

— Мен эса, дада, бугун Шидлат холам билан ухлайман,— тантанали равишда эълон қилди Жамила.

— Шуниси етмай турувди. Кечаси ҳам уни тинч қўймас экансан-да,— бош чайқади Ҳусайн. Кейин айбдорона қўшиб қўйди:— Уйда тургиси йўқ-да. Тўғри,



уйимиз ҳувиллаган. Устунсиз айвонга ўхшайди. Ҳеч ким тириклигида хотинининг қадрига етмас экан.

— Авлодларимиз ота хонадоннинг меҳмони, дейишарди. Лекин бу сенинг ҳақингда эмас. Сен хотининг-ни парвариш қилдинг. У доим «эрим овозини кўтариб гапирганини билмайман», дерди. Шунинг учун сени айблашнинг ўрни йўқ.

— Ҳаммадан ҳам болаларимнинг катталарига ачинаман,— деди Ҳусайн бошини эгиб.— Кечқурун ишдан келаман, Осиётнинг кўзлари қизарган бўлади. Муса бошини ҳам кўтармайди: ерга тикилгани тикилган. Ахир Чакар уни ҳамма болаларидан ортиқ яхши кўрарди.

— Нима қиламиз энди, Ҳусайн. Пешонанг шу экан, қочиб қутулолмайсан. Вақт ўтади — болалар катта бўлади.

Сидрат унга тасалли бермоқчи бўлар, лекин сўзлари қовушмас эди.

Ҳусайн болаларини бағрига тортди.

— Уйга бориш керак. Кеч бўлиб қолди.

— Мен бугун шу ерда қоламан,— туриб олди Жамила отасининг қўлидан чиқиб.

— Олтин қизим, сени жон деб олиб қолардим. Борди-ю, мени кечаси касал кўргани олиб кетишса-чи... Раҳимат хола бугун уйда йўқ. Бир ўзинг қўрқасан...

— Сидрат холанг кечаси касал кўргани бориши керак,— Жамилани бошини силаб тушунтирди Ҳусайн,— қайтишида албатта сенинг олдинга киради,— дея унинг қўлидан етаклаб олди.

Жамила қўл силкиб хайрлашди.

— Яхши ётиб тур, Шидлат хола. Менинг олдимга кириш эсингдан чиқмасин.

— Хўп, хўп. Яхши ухлагин, тиллагинам.

Ҳусайн эшик олдида ўтирилиб, «безовта қилганимиз учун кечир,— деди,— жонингга ҳам тегиб кетдик». Сўнг чиқиб кетди.

Сидрат ойнадан уларнинг кетаётганини кузатиб турди. Ҳусайн қизчани кўтариб олган, Али уни тирсагидан ушлаб борарди.

Сидрат ойна олдида узоқ туриб қолди. Ҳусайн болалари билан муюлишдан бурилиб кетди, у эса ҳамон йўлга тикилиб турар эди. Чироқни ўчириб ётганидан сўнг эса юраги сирқиради. Бу унга ўша яйдоқ бутазор оролчада бир ўзи ярадорлар билан қолган пайтларини эслатди. Ушанда кеч кира бошлаган эди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Сидрат ярадорлар билан ўрмонда икки кеча-кундуз қолиб кетди. Ариқ топиб, уларга сув ичирди. Мева териб овқатлантирди. Лекин бундай аҳволда узоқ чидаб туриш мумкин эмас эди.

Учинчи кечаси қиз мотор товушини эшитди. Хайрият, бу ўзимизникилар экан. Машина кабинасидан ҳарбий кийимдаги аёл қаради. Сидратнинг бўлиб-бўлиб айтган гапларини эшитиб, у шофёрга нимадир деди ва учалалари бутазорга қараб кетишди.

— Тез, тез,— зарда билан команда берди аёл,— вақтим йўқ.— Унинг овози эркакларникига ўхшаш ҳокимона ва кескин эди.

Ярадорларни ортиб, аёл Сидратга кабинага ўтиришни буюрди-да, ўзи кузовга чиқди.

Ҳолдан тойган Сидрат эрталаб мотор овози тинган ва силкиниш тўхтаганидан кейингина уйғонди. Кўзини очиб, атрофга назар ташлади. Машина ёғочдан қурилган қишлоқ мактаби олдида тўхтаган эди. Мактабнинг ўймакор часпакли ойналари топ-тоза, йилтирарди. «Госпиталь»,— деб ўйлади Сидрат.

У машинадан енгил сакраб тушди-да, бино олдидаги терак кучалалари тўшалган боғчадан югуриб ўтиб пешайвонга чиқди. Унинг шундоқ қаршисида эшикка «3-б» деб ёзилган эди. Сидрат уни аста очди. Синфда унга орқасини ўгириб, калта халатда баланд бўйли эркак турарди. Кечаги аёл эса паст товуш билан сўзларди.

— Йўлда ярадорларни оливолдим. Жуда оғир...

Синф бўш эди. Афтидан, парталарни олиб чиқишгану койкаларни олиб киришга улгуришмаган шекилли. Деворда бир учи илиниб турган кўпайтириш жадвали осилиб турар эди.

— Ҳозир уларни бориб кўраман,— деди эркак ва жадвални қўли билан силади.

Шунда Сидрат унинг юзини кўрди. Аъзойи бадани музлаб кетди. «Костя! Костеньқа»,— қулоқларида Ольга Петровнанинг қувонч тўла овози янгради.

Синфга Сидратни четга суриб, ярадорни олиб киришди ва жадвал тагидаги полга қўйишди.

— Зоя Александровна, қараб туринг, койкаларни олиб киришсин. Менинг операциям бор,— деди эркак ва эшикка қараб юрди.

— Мен сизга янги ҳамшира олиб келдим.

— Бу қилган ишларингизнинг энг оқили бўлибди. Қани кўрсатинг-чи, ҳатто ишонмайди одам.

— Мана у «Кавказ фарзанди».

— Қани менинг ўн етти ёшим,—кулди Константин Александрович ва шу он қизга қараб кўзлари сузилиб кетди. Юзидан аста-секин қон қочиб, ёноқлари яна ҳам бўртиб кўринди.

— Қаердаги госпиталда ишлагансан?— деб сўради даҳшат билан.

— Севастополда,— деди секин Сидрат, ўзи ҳам ўз овозини эшитмади.

— Ольга Петровна қани?— қичқирди у.

Сидрат бошини эгди.

— Сендан сўраяпман, қани Ольга Петровна?— у қизни елкасидан ушлаб силкита бошлади.

— Билмайман,— йиғлаб юборди Сидрат.

— Ростини айт.

Шунда ойнадан ташқарига, офтобга ва шамол терак кучалаларини учуриб тўплаётган томонга тикилар экан, у бақуриб юборди.

— Ҳа! Ҳа! Ҳа!— Сўнг эшикни орқаси билан очиб, даҳлизга чиқиб кетди.

\* \* \*

Уруш Сидратни қишлоқдан-қишлоққа улоқтирарди. «Душман яқинлашяпти. Госпитални ичкарига кўчириш керак» ёки «Шаҳар озод қилинди. Госпитални қайтариш керак»— деган сўзлар энди уни саросимага солмас эди. Сидрат солдат тревога чақуриғига ўрганиб кетгандек уларга кўникиб қолди.

Озгина бўш вақти бўлса, у уйига хат ёзар эди. Мана бугун ҳам энди ярадорлар тинчиши билан қиз графинни нари суриб, тумба ёнига ўтирган эди, санитарка чақуриб қолди.

«Соня, ярадорларни олиб келишди». Сидрат юрадиган беморга ўгирилди.

— Толя, қараб тур. Хўпми? Бирор гап бўлса, дарров чақир.

— Ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрман,— рапорт берди йигитча ва ҳамшира чиқиб кетгач, бу бахт кимга nasib этаркин, деб хўрсинишдан ўзини тия олмади. Ахир Шарқ аёллари севишни биладилар.

— Уруш тугасин, Кавказга қайлиқ қидириб бора-

ман, — унинг фикрини уқиб деди қўшниси Анатолийга, ўйноқи кўзли, бошига боғланган оқ дока ичидан сариқ сочи ҳурпайиб кўриниб турган йигит.

Кимдир: «у ерда сени кутиб туришган бўлса керак. Сепкиллари билан», — деб луқма ташлади.

— Нима қилибди менга. Йигит деса йигитдекман, — ўзини хафа бўлганга солди сепкилли ва ҳурпайган сариқ соч йигит.

Палата қаҳқаҳадан гулдуреди. Ҳатто дераза токчаларида турган ёронгул барглари титраб кетди.

— Йўқ, дўстим, — гапга аралашди жинчиروқда папиросини тутатаётган учинчи жангчи, — менинг орзуим бундай эмас. Соня жуда ғамгин. Мен қувноқ, шўх қизларни ёқтираман. Кўнглинг яйрасин-да бундоқ.

— Мен эса ўйчанларни ёқтираман, — деди Анатолий. — Сен унинг кўзларига қарагин-а. Унда қанча сир бор. Улар денгиз каби жозибали. Сен Сонянинг кулишини тасаввур эта оласанми? Мен эса тасаввур этолмайман. Лекин унинг маъюслиги нақадар гўзал, — Анатолий хаёлчан сўзларди.

— Соня оёғингни даволабди-ю, юрагингни яралабди-да, — ҳазиллашди кимдир.

— Мана мен севган қиз... — деб қолди бирдан сепкилли, — расмини кўрсатайми?

Унинг қўшниси эса койкасидан энгашиб, тумбани очиб, ўз севгилисининг суратини ола бошлади. Яна кимдир расм қидиришга тушди.

Ярадорларни бирин-кетин операция хонасига олиб кира бошладилар. Сидрат ўн икки соатдан бери тик оёқда эди. Кўз олдида ҳалқалар пайдо бўла бошлади. Яна бир оз турса чидай олмайдигандек, йиқиладигандек эди.

— Охиргиси қолди, — шипшиди санитарка. — Шунанаям сержаҳлки... Қони қетиб, ҳоли қолмаганку, наркозсиз операция қилинглар, деб талаб қиляпти.

— Алаҳлаётган бўлса керак, — деди Сидрат бепарво. Тезроқ ҳаммаси тугай қолсайди.

— Қанақасига алаҳлайди? Ҳатто Константин Александрович ҳайратда. Бундай йўлбарсни биринчи кўришим, деяпти.

Ярадорни олиб кириб, операция столига ётқизишди. Сидрат қўлида шприц билан яқинлашди. Қаради.

Столда лабларини тишлаганча отаси ётарди.

Сидрат қўлини туширди: отаси билан баҳслашиш бефойда. Яраси оғир эди. Лекин операция пайтида бирон марта ҳам инграмади.

Сидратдан ўзга ҳамма ҳайратда эди. Ғалати бемор ҳақидаги хабар бутун госпиталга тарқалди. Паҳлавонни кўриш ниятида у ётган палата эшигини очиб мўра-лашар эди.

Фақат Сидрат бунга ҳайрон бўлмас эди: у отасининг мустаҳкам феълени, ўжарлигини, ғайриинсоний саботини яхши билар эди. У болалигидан шундай эди. Бувиси бу ҳақда гапиришни яхши кўрарди. Сидратнинг хотирасида бир воқеа айниқса яхши сақланиб қолган.

Умар беш ёшга кирганида унга ғозлар галаси хужум қилади, ғазабланган қушлар тумшуқлари билан уни шундай чўқиб ташлайдиларки, боланинг соғ жойи қолмайди.

Бир йўловчи ғозларни қувиб юборади ва болани кўтариб: «Ғозлар талаганида нега бақирмадинг?»—деб сўрайди. Унга беш ёшли Умар: «Дадам ҳақиқий эркак ҳеч қачон йиғламайди, деган», деб жавоб беради.

Умар ўзига келгач, қизини чақирди:

— Сидрат қизим, бизга шундай кўришиш насиб этади, деб сира ўйламагандим.

Унинг чуқур тушган қора кўзлари ёнарди. Улар қизига киприк қоқмай тикиларди. Сидрат у нима ҳақда ўйлаётганини билмасди. Шу билан бирга ўйлар Умарга тинчлик бермасди.

Фронтга келгач, Умар қизини тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Хотираларни эмас, у доим ҳозиргисини ўйларди. Она тупроғидан узоқлашгани сари қаттиқроқ азоб чекар эди. Уруш аста-секин, оғишмай, унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборди. Тоғларда тасодикий кўчки, бир ерда юз йилдан бери ётган ва ер юзида бундан бошқа жой йўқ, деб ўйлаган пўпанак босган тошни ана шундай суриб ташлайди.

Умар одамлар қандай ҳалок бўлганини кўрди. Одам ҳозир ёнингда кулар, қўшнисидан махорка сўрар, гулхан ёнида ёнбошини иситарди-да, бир маҳал қарасанг ерда чўзилиб, ўлиб ётар эди.

Дунёда уни тирилтира оладиган куч йўқ эди.

Умар жанг майдонида қизларни ҳам кўрди. Улар эмаклар яраддорларни олиб чиқишар, атрофларидаги

ер снарядлардан ларзага келарди. Аввалига Умар уларни менсимас, шу билан бирга ачинарди: «Э, тен-таклар, зарурмиди сизларга. Уйда ўтирсангиз-ку бўларди-я...» Гоҳо хаёлида хавотирли фикр пайдо бўларди.

«Борди-ю, Сидрат ҳам қаердадир шундай...» Лекин у бундай хаёлларни дарров қувиб юборарди.

У операциядан кейин дастлаб кўзини очиб, ёпида Сидратни кўрганида, «қизим кўргани келибди», деб ўйлади. Сидрат урушнинг қоқ ўртасида қайдан пайдо бўлиб қолганлиги, унинг ярадорлигини қаердан билганини Умар ҳали ўйламаган эди. Лекин аста Сидрат уни кўргани келмаганини, шу ерда ишлаётганини тушунди. Бу кашфиёт уни бутунлай лол қилди: «Қандай, шунча эркаклар орасида-я?» Ойлар давомида юрагида тўпланган меҳр тутундай эриб кетди. Юраги аламга ожиз қаҳру ғазабга тўлди. У ётган жойида қизининг эркакларнинг ярасини боғлаши, орқасига қўлини қўйиб турғизиши; болалардек қошиқдан овқатлантириши ва... кўйлагини кўтариб, ўзи укол қилишини кўришга тоқати етмай, тишини-тишига қўйиб ётар эди.

Умар бу беномусликни кўрмаслик учун орқасини ўгириб, деворга қараб олар эди.

Лекин беморлар Сидратни сира қораламасдилар, орқасидан бирор ҳақоратловчи сўз айтмас эдилар. Аксинча, миннатдор бўлиб, «сингилжон», деб эркалаб чақирар эдилар. Тузалиб яна фронтга қайтар эканлар, кўзларида қанча меҳру муҳаббат акс ётар эди. Қандай ҳурмат билан қўлини қисиб қўяр эдилар. Лекин ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилмас эди. «Йўк, булар ҳаммаси эсини йўқотган»,— деб ўйлар эди Умар ҳеч нимани тушунишни истамай.

Сўнг кўз олдида қўй кўз, малла соч толалари пешонасига тушган бошқа бир сиймо пайдо бўлар эди. У кўп қон йўқотиб, ҳушидан кетиб, «энди тамом», деб ўйлаб ётганида ана шундай ёшгина, нимжон рус қизи жанг майдонидан олиб чиққан ва медсанбатгача кўтариб борган эди. «Унга мени кўтариш қийин бўлгандир»,— энди эсига келди Умарнинг, кейин яна: «Ахир у Сидрат билан тенгқур эди-ку», деб ўйлади.

Кейин яна бир воқеа эсига тушди: фронтда танишган бир ўртоғи, партбилетининг ичидан қизининг сурадини олиб, фахрланиб кўрсатган эди: «У фронтда. Ҳамшира. Бир юз йигирмата ярадорни олиб чиқибди. Болалигида шунақаям кўрқоқ эдики».

«Нимасига суюнади,— гаши келиб ўйлаган эди

ушанда Умар.— Нимага фахрланади? Шунча эркакнинг ичида бир ўзи бўлса. Қандай шармандалик».

Ҳеч нарсадан хабари йўқ ўртоғи эса сўраган эди: «Сенинг ҳам қизинг борми?» «Йўқ»,— шарт кесган эди Умар. Умрида биринчи марта ёлгон сўзлагани уни қийнар эди. Балки бу ёлгон ҳам эмасдир. Ахир унинг қизи борми? Ахир у ўша уйдан қочиб кетган тунда унинг учун ўлмаганмиди? Уни деб қанча таъналарга чидади.

Қизиқ, Умар ўзини қизига қарши қанча чийламасин юрагида олдингидек ғазаби йўқ эди. Ҳатто денгиз ҳам юволмайдиган алами, одамлар гами, қайғуси ичига чўкиб йўқолиб кетди. Унинг ўрнини Сидратдан хавотирланиш туйғуси эгаллади. Умарни доим уни тирик кўриш орзуси азоблар эди.

Мана, ниҳоят анча улғайган, сипо Сидрат унинг ёнида.

Унинг юрагига аллақандай илиқлик югурди. Қизининг номини атаб, у билан ширин гаплашгиси келди.

— Сидрат, қизим...

— Нима, дада...

У гўё эшик орқасида кутиб тургандек чақирган заҳоти кириб келди. Ёнига ўтириб қўлини унинг қатта, дағал қўлининг устига қўйди. «Жудаям ойисига ўхшаб кетибди-я». У Зулҳишат ҳақида, Сидратнинг онаси, биринчи хотини ҳақида ўйлаб кетди. Охирги йиллар давомида балки унинг ҳақида биринчи марта ўйлашидир: у қиз туққанида аразлаб икки ой гаплашмаганини эслади. Қиз катта бўлиб ўзи унга гапирмагунича бешигининг ёнига яқинлашмаган ҳам эди.

Гўё трактор ернинг авра-астарини ағдариб ташлагани сингари унинг юрагида ҳам аллақандай ўзгаришлар бўлаётган эди.

— Мен у билан рози-ризалик тилаша олмадим,— деди у бўғилиб.

Сидрат ҳаммасини тушунди.

— Дада, оймга нима бўлди?— қўрқиб сўради у.

— Сен эшитгансан, деб ўйловдим,— ўзини йўқотиб қўйди Умар. Умрида биринчи марта бировни хафа қилганидан қўрқиб кетди. У эзилиб, қизини ўзига тортди.

— Менинг айбим катта, қизим. Сенинг олдиндаям, унинг олдидаям. Ййлов ва отаримдан бошқа ҳеч нимани билмас эканман.— У сўзлар экан, дағал қўли билан қизининг бошини силар эди.

— Ойим нимадан ўлди?— деб сўради Сидрат ва бу сўзни тилга олганидан ўзи ҳам қўрқиб кетди.

— Уруш бошлангач, у меҳнат армиясига, окоп қазигани чиқа бошлади. Ўша ерда ичбуруқ бўлиб қолибди ва... Менга Алибулат айтди.

Бирдан Сидрат онасини аниқ тасаввур этди. У Алибулат билан қандай бахтли эди. Овулда уларни Тоҳир ва Зухра дейишарди. Одамлар уларни кўришганида «Худо уларни қовуштирмаса бўлмасди ҳам-да», деб қўйишарди. Алибулат эса одамларнинг айтишича, доим ҳазиллашар экан: «Шундай хазинани менга бергани учун Умарга раҳмат, Зулҳишат, Умарга адашган қўзичоқдек янглишиб тегиб қолган экансан-да».

Шуларни эслар экан, Сидрат бехос отасидан ўзини тортди. Бир он бу одам унга бегона туюлди. Умар кўлини тортганини итоаткорона сезди, бу итоаткорлик унинг юрагини эзиб юборди. У энгашиб отасининг кўкрагига бошини қўйди.

Хотиралар яна Сидратга уйқу бермади. Ўй сурмаган одам одамми. Лекин унутолмаган одамга ҳам қийин. Ҳувиллаб қолган уйда Сидрат ҳар куни кечаси ўз ҳаётини бир-бир эсларди. Бундай кечалар эса кўп эди. Ёзда ҳам, кузда ҳам шу. Мана, тоғдаги овулга оқ бурка кийган, хуржунига совуқ ва шамолни солиб олган меҳмон — киш келди.

## ТУҒҚИЗИНЧИ БОБ

Қаҳратон киш офтоби ярқираб чиқиб турибди. Қор унинг нурида тоза артилган ойнадек ялтирайди. «Офтоб чиқиб турса ҳам совуқ-а»,— деб ўйлади Сидрат ҳовлига чиқиб. Қуёш нурлари қор устида синиб, кўзни қамаштиради. Сидрат бехос кўзларини юмди.

— Сидрат, уйқуни ўринлатасан-а,— қўшнисининг овози эшитилди. Содиқ том кураётган эди.— Томингни қара.

— Сиз ҳам менга ўхшаб тонг отай деганда ётсангиз, ухлаб қолардингиз,— деб қичқирди Сидрат. У бошини кўтариб томига қаради-да, томи қори куралганини кўрди.

— Кундузи ишлаш, кечаси эса ухлаш керак. Сен эса тескарисини қиласан,— насиҳат қилди қўшниси.

— Врач — солдатдек доимо постида ҳушёр туриши керак,— Сидрат эътироз билдирди-да, қўлқопини силкиди.— Томимни кураб қўйганинг учун раҳмат.



— Менга эмас, куёвингга «рахмат», де. У тонг отар-отмас курак кўтариб келиб, кураб кетди.

— Албатта, Мажиддан бошқа ким ҳам эсларди мени.

— Ахир у сендан шундай хазинани олган-да,— Содиқ, афтидан, уни кетказмоқчи эмас эди.— Ахир мен сенинг отангга куёв бўлганимда, том экан-ку, унинг юрган йўллари кураб юардим.

— Вой, яхши одамлар, қаранглар, менинг отам қандай куёвни қўлдан чиқарган экан-а,— кулиб юборди Сидрат.

— Мен ҳозир ҳам қарши эмасман-а,— очилиб кетди қўшниси.— Манави эзма Ҳалимат бор-да. Кейин ўзим ҳам аввалгидек эмасман. Қарилик қурсин. Қани энди ўттиз ёшга ёшарсам. Шунини дориси йўқми?— Содиқ Сидратга айёрона кўз қисди.

— Нималар деясан, Содиқ. Наҳотки ўзингни қари деб ҳисобласанг. Ҳали қўлтигингга тирик каптарни қиссанг кабоб бўладиган пайти-ку,— жавоб қайтарди Сидрат, қуёш нурларидан кўзини яшириб.

— Қани энди шундай хотин ёнимда бўлса-ю, доим «ёшсан», деб турса. Менинг Ҳалиматим бўлса «қариб қолдинг», деб мингирлашдан бошқасини билмайди,— ҳазиллашиб хўрсинган бўлди Содиқ.

— У атайлаб айтади. Шунини тушунмайсанми? Бошқа аёлларга оғиб кетма, дейди-да.

— О, оллоҳ, Сидрат, сен менга дори бердим, деб ўйлайвер. Ёшараётганимни сезяпман...

Эрталабки ҳазил-мутойиба — гимнастиканинг ўзи. Кечгача тетиклик бахш этади. Сидрат кайфияти кўтарилиб касалхона томон борарди. Ҳусайннинг уйи олдидан ўтаётиб, бирдан қандайдир фарёдни эшитди. Осиёт айвон панжарасидан энгашиб дод соларди.

— Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!

Ғам ёлғиз юрмас экан. Нима бўлди яна уларникида? Сидрат Ҳусайннинг уйи томон югурди.

Қўшнилар уни қувиб ўтишди. Хона тутундан қорайиб кетган эди. Полда ётган юмалоқ нарса кўзга зўрға чалинарди. Ундан куйинди иси келарди. Сидрат эгилиб, Осиётни кўрди, у буркани полда уёқдан-буёққа юмалатар эди.

— Нима қиляпсан, Осиёт?

— Унда Жамила бор. Учиряпман,— деди Осиёт.

— Тез буркани кўтар!— бақирди Сидрат.

— Вой, ўчиролмаяпман!— Осиёт ўкраб йиғлаб юборди.

Сидрат буркани тортиб олди.

— Тентак, ёлиб, тез олиш керак-да.

Жамиланинг кўйлаги тутаб ёнарди.

— Вой, сени юборган худодан айланай. У тирикми?— сўради қўшниси.

Жамила ҳаракатсиз ётарди.

— Тирик, тирик, фақат ҳозирча беҳуш...

— Бечора ойиси бўлганида шундай бўлармиди,— йиғлаб гапирарди қўшни хотин,— етим энди улар, кимга кераги бор,— у хўрсиниб деворлари кўчиб тушган ифлос айвонга назар ташлади.

— Ҳусайн уларга ҳам отанинг, ҳам онанинг ўрни ки босмоқчи,— гапга қўшилди бошқа бир кампир,— эркак кишининг қўлидан нима ям келарди?

— Осиёт ҳам қандай дастёр бўлсин. Ўзи она сути оғзидан кетмаган бола, ўртоқлари билан қўғирчоқ ўйнайдиган маҳали,— яна хўрсиниб қўйди қўшнилاردан бири.

Қўрқувдан оқариб кетган Осиёт воқеани гапириб бера бошлади.

— Мен, Сидрат хола, кир юваётган эдим. Бирдан йиғи овозини эшитиб қолдим. Югуриб келиб қарасам, Жамила ёняпти. Яхшиямки, анча сув олиб келиб қўювдим. Кир юваётувдим-да. Челакни олдим-да, Жамиланинг устидан қўйдим.

— Сув қўйиш керак эмас эди,— деди аста Сидрат қизчанинг қўйган жойларига балиқ мойи сураб экан.

— Наҳотки керак бўлмаса?— ҳайрон бўлди Осиёт,— мен эшитган эдимки... Сидрат хола, у ўлмайдими?

— Ҳеч нарса қилмайди. Уни даволаймиз. Фақат касалхонага ётқизиш керак бўлади,— деди Сидрат ўзини тетик тутиб, сўзларига ўзи ишонмаса ҳам.

— Энди дадам нима дейди? Мен ҳам ойим билан бирга ўлсам бўлмасмиди,— Жамилага қараб Осиёт яна йиғлай бошлади: синглиси ҳамон ҳушсиз ётар эди.

Сидрат буларни тушда кўраётганга ўхшарди. У қизчанинг ҳаёти хавф остида эканлигини биларди: унинг яралари катта, ўйилиб кетган эди.

Эшик олдида «Тез ёрдам» машинасининг овози эшитилди. Сидрат Жамилани кўтариб машинага ўтирди.

Ҳусайн кечқурун касалхонага келди. У ҳозиргина яйловдан қайтган ва бу ерга югуриб келган эди. Унинг кўриниши жуда ҳорғин эди.

— Худо ҳаққи, Сидрат, ҳеч нарсани яширма,— илтимос қилди Ҳусайн уни даҳлизга чақириб.

Сидрат ўйланиб қолди.

— Унинг аҳволи оғир. Лекин қорнидаги яралари унча қўрқинчли эмас. Умид қиламиз-да...

— Мен бошимдан кўп нарсаларни кечирдим. Урушда ҳам... Нимасини айтай, ўзинг ҳам биласан,— деб туриб Ҳусайн қўл силкиди,— лекин бугун у мени ҳовлида қаршилаб, югуриб келиб бўйнимга осилмади...

— Ҳусайн тўхтаб қолди, орақасини ўгирди.— Тагин эрталаб, тоққа кетаётганимда, «менга қўзичоқ олиб кел», деган эди.

— Нима?— деди Сидрат ўз хаёли билан бўлиб.

— Қўзичоқ олиб кел, деган эди, деяпман...

Ҳусайн кўзини қўли билан яшириб аста юриб эшикка чиқиб кетди. Сидрат унинг кетидан югуриб бормоқчи, тасалли бермоқчи бўлди-ю, аммо уддалай олмади...

...Жамила соғая бошлади. Фақат биргина тери улаш қолди. Сидрат бу ҳақда ҳамширага айтган эди. Эрталаб ишга келганида тўпланган одамларни кўриб ҳайрон бўлди. Шунча одам қаердан келиб қолди? Касалхона ҳовлиси, даҳлиз қизлар билан тўла эди. Улар бу ерга Жамила учун бир парчадан териларини бергани келишган эди.

Сидрат кўп операциялар қилган, бундан қийинларини ҳам уддалаган эди. Лекин ҳеч қачон бундай ачинмаган эди. У қизни жуда авайларди. Жамила каравотда маъюс ётар, ҳар бир ҳаракатидан жони азоб чекар эди. Тери улаш яна бир азоб. Сидрат ҳарбий госпитални, ёниб кетган учувчи аёлни олиб келишганини эслади. Ушанда уни Константин Александрович операция қилган эди. Сидрат унга ўз терисидан берган эди. Ҳозир ҳам ўнг қўлининг тирсагидан сал пастроқда тўртбурчак ямоқдек чандиқ изи бор.

Сидрат Константин Александрович қандай операция қилганини эшлашга уринди... Кўзларини юмиб, хотирасида унинг ҳаракатларини жонлантиришга уринди... Ҳаммаси тайёр бўлгач, Жамилани яна бир кўргани операция хонасидан чиқди. Йўлда Ҳусайнга дуч келди.

— Илтимос, Сидрат,— деди Ҳусайн, унинг афт-ангори унниқиб кетган эди,— агар умид бўлмаса, уни қийнама. Бекор қийнашнинг нима кераги бор?

— Үзингни бос. Сенинг қийналишингдан ҳеч қандай фойда йўқ,— деди Сидрат жаҳл билан.

— Ҳар ҳолда... Ҳаммаси бекор бўлса-чи...— ўзиникини маъқуллади Ҳусайн.

— Қизчанинг юзи тоза. Фақат баданида чандиқ изи қолади,— деди Ҳусайннинг сўнгги сўзларига эътибор бермай Сидрат ва тез юриб кетди.

\* \* \*

Бинт билан боғлаб ташланган Жамила каравотда ёстиққа суяниб қўғирчоқ ўйнаб ўтирар эди.

— Катталарга қулоқ солиш керак. Олов билан ўйнаш мумкин эмас,— у жиддий оҳангда қўғирчоғига уқтирарди. Латта қўғирчоқ қалам билан солинган чақчайган кўзларини уна тикиб турарди.

— Салом, қизим,— деди Ҳусайн қувноқ, палатага кирар экан,— қара, даданг сенга қандай маржон олиб келди.

— Вой, маржон,— севиниб кетди Жамила қўлларини чўзар экан.— Уни қандай тақаман? Бўйним яра-ку,— сўнг ўйлаб туриб, қўшиб қўйди.— Қўғирчоғимга тақаман.

— Дадангни соғиндингми, жажжи қизим?— сўради дадаси чойшабни суриб ўтирар экан,— овқатингни нега емадинг?

— Шидлат холам печенье, нон, асал олиб келдилар. Кейин яқинда уйга кетасан, дедилар.

— Вой Ҳусайн-е, яна тартибни бузаясанми,— деди чапак чалиб Сидрат,— халатни сенга стулга ташлаб қўйиш учун беришмаган-ку.

— Тартибли бўлишга шунча уринсам ҳам яна қўлга тушдим-а,— Ҳусайн ўрнидан туриб халатни елкасига ташлади.

— Бугун бизда шанбалик,— деди Сидрат стулга ўтириб рўмоли билан юзини елпир экан,— пойдевор учун жой очяпмиз. Келгуси йил баҳорда бу ерда янги касалхона қурамиз.

— Агар ёрдам керак бўлса тайёрман,— деди дарров Ҳусайн.

— Мен ҳам,— деди уларнинг гапларини эшитиб турган Жамила. У балиқ мойи шимдирилган дока билан боғланган қўлларини чўзиб Сидратнинг бўйнидан қучоқлади. Унинг юзидан бир неча марта ўпди.— Шидлат хола, Шидлат хола, энди сира ҳам оловнинг

ёнига бормаيمان. Дада,— деди қийшайиб дадасига, сўнг ўпкалаб гаширди,— агар мени Шидлат холамни-кига юборганинга куймас эдим.

— Тўғри, Жамила, меникига келганинга яхши бўларди, жонгинам... Энди эса ухла, кўзларингни юм,— Сидрат унинг устини ёпиб қўйди.

— Болаларим сеи улардан бошқа ишинг йўқ, деб ўйлашади,— хўрсинди Ҳусайн,— сенга ўрганиб қолишларини истамайман,— унинг овози кутилмаганда кескин эшитилди, сўнг юмшаб қўшиб қўйди.— Сен тўғри тушун, кейин менга қийин бўлади.

Сидрат елкасини қисиб қўйди.

— Мен дунёнинг нариги чеккасига кетмоқчи эмасман.

— Кеча Мусадан хат олдим,— деди Ҳусайн,— ишонмайсан, хатининг ярми сенинг ҳақингда.

— Лекин Осиёт мен билан очилиб гаплашмайди,— деди Сидрат қизариб.

— Уни тушуниш мумкин. У бир нарсадан қўрқади...

— Нимадан, Ҳусайн?

Лекин шу пайт ташвишланган ҳамшира югуриб кириб, Сидратни касал ёнига чақирди.



— Қарагин, Жамила, сен касалхонага тушганинга даладарда қор бор эди. Анави анҳор муз тагида ухларди. Дарахтлар ялангоч, совқотишаётган эди. Қимир этмасди. Ана, кўрялсанми баҳор келди. Ҳаммаёқда баҳор. Манави ариқнинг шошишини қара. Сен улар қаёққа шошяпти, деб ўйлайсан? А? Денгизга! Худди сен уйингга шошаётганингдек. Дарахтлар эса янги кўйлакларини кийишган. Худди сенга ўхшаб,— дерди Сидрат Жамилани етаклаб борар экан. Улар далани иккига бўлган сўқмоқдан борардилар. Ёнгиналарида ариқча оқар ва ўзининг шодон куйини куйларди.

— Шидлат хола, менинг кўйлагим ҳам яхши. Янги,— деярни Жамила этакларига бармоқларини текказиб.

— Рўмолинг эса шундай мовийки, нақ осмондан бир парча кесиб олингандек.

— Туфлигим-чи. Муса юборган.

— Вой, қандай туфли-я!

— Нега дадам мени олиб кетгани келмади? — деди Жамила бирдан тўхтаб, Сидратга хавотирланиб қарар экан.

— Даданг отарни кутгани кетди. Бугун қўйлар қишки яйловдан қайтади.

— У менга қўзичоқ олиб келадими? — Жамиланинг эсига тушиб қолди. — Бизнинг сигиримиз туғипти. Мен сенга бузоғимни бераман. Хоҳлайсанми? Осиёт менга энди бизнинг ўн учта жўжамиз бор, деди, — Жамила тинмай гапирарди.

— Ўн учта жўжа, ўн учта жўжа. Кимга керак ўн учта жўжа, — деди Сидрат уни кўтариб осмонга отар экан.

Йўл қабристон четидан ўтар эди. Бу ер салқин ва ҳувиллаган эди. Жамила Сидратни ўша ёққа торта бошлади.

— Биз уйга боришимиз керак, тилла қизим, — уни чалғитмоқчи бўлди Сидрат.

— Йўқ, боргим келмаяпти, — ўжарлик билан такрорлади қиз ва Сидратнинг қўлидан торта бошлади. — Менга Али айтган, агар гўрнинг паст томонида турсак, ойим бизни кўраркан. Биз доим уйда дадам билан Осиёт йўғида шу ерга келамиз.

— Яхшиси, эртага, — яна қаршилиқ билдирди Сидрат.

— Мени ҳозир киргим келяпти. Ойим мени шу чиройли кўйлагимда кўрсин.

Сидрат қабристонга бурилишга мажбур бўлди. Улар янги ва ўт босган маъюс тепачалар ёнидан ўтишди. Мана, Чакарнинг қабри. Жамила оёғи тагидаги ерга қараб бориб тўхтаб қолди ва бирдан қабр устига ётиб аста йиғлади.

«Бошиқа йўлдан юрсак бўлар экан», афсусланиб ўйлади Сидрат. Улар қизча аллақачон ҳаммасини унутган, деб ўйлашган эди-да.

— Жамила, йиғлама, ақлли қизсан-ку ўзинг, — қизни овутмоқчи бўлди.

Қизча жим бўлиб қолди. Сидратга қараб, ниманидир ўйлади-да, қовоғини уйиб гапирди:

— Нега ойимни менга ўхшаб тузатмадинг?

— Жамила, қара, қандай чиройли гул экан. Гулчамбар тўқиб берайми?

Гул териб, улар аста-аста Чакарнинг қабридан узоқлашдилар. Сидрат бирдан ўз онасининг қабрини кўриб қолди. Бу ерда у қачондан бери бўлмаган эди. Қабр

қаровсиз, тошларини моғор босибди. Ҳозир онаси уни ҳам кўриб турганига жуда ишонгиси келарди.

Сидрат ҳам боя Жамила турганидек қабрнинг оёқ томонида тиз чўкди. Сап-сарик кашалак қабр тошига қўниб, учиб кетди. «Нима бўлди менга?!» — титраб кетди Сидрат. Унинг аъзойи бадани музлаб кетди.

— Сенинг ҳам ойинг бормиди? — у ҳайратланган гўдак овозини эшитди.

— Ҳа, шу ерда менинг ойим ҳам ухлаб ётибди, — деди у аста қизалоқни қучоқлаб.

— Сени ўзинг ойи эмасмисан? — янаям ҳайрон бўлди Жамила, у ойиларнинг ҳам ойиси бўлишини сира тушуна олмас эди.

— Мен ҳам онаман, тиллагинам.

Бу кашфиёт Жамилага жуда қаттиқ таъсир қилди. Кечаси, дадасининг ёнида ётар экан, у сирли шивирлаб ҳикоя қилди:

— Биласанми, дада, Шидлат холамнинг ҳам ойиси бўлган экан. У ўлипти. Дада, ке, битта қўзичоқни Шидлат холамга берамиз.

— Ухла, ухла. Кеч бўлиб қолди.

Ҳусайн қизчанинг касалхонадан чиққач, яна ҳам калта бўлиб қолган сочларини силади.

Унинг миясида ташвишли фикрлар уя қура бошлаган эди. Гоҳ у Сидратга уйланмоқчи бўлганлардан ғазабланар эди. Назарида худди унинг энг азиз, қонуний нарсасини тортиб олаётгандек эдилар. Лекин унинг қандай ҳуқуқи бор? Нима учун? Сидрат бирор марта бўлса ҳам бирор ҳаракати билан имо-ишора қилганмидики, умидвор бўлса. Лекин бундай бўлгани йўқ-ку. Ҳамма «болаларга она, уйга одам керак», деяпти. Лекин қачон бу ҳақда ўйласа, кўз олдида Сидратнинг чеҳраси пайдо бўлади. Лекин бу жуда ҳорғин чеҳра. Бундай хаёлларидан Ҳусайннинг ўзи ҳам қўрқиб кетди. Бўлмаган нарсани ўйлашнинг нима кераги бор? Унинг менга кўзи учиб турибдими? Бир қўлсиз, яна шунча юк билан... Лекин у менинг болаларимни яхши кўради. Хўш, нима бўпти, яхши кўрса нима? Ачинганидан яхши кўради. Агар унинг фикрини билиб қолса борми, хафа бўлади, юз ўгиради. «Бу тентакликни миянгдан чиқариб ташла»; — деб уқтирарди у ўзига. Лекин фикрлари фақат Сидратнинг атрофида чарх урарди. Болалигини, кейин ўсмирлигини эсларди: ўшанда қиз унга қандай ёқар эди, лекин дўстини севишини билгач, ўз туйғуларини юрагида кўмиб ташла-

ган эди. Ушанда ўзингни босишга кучинг етган эди. Энди-чи? Ёки ёшлиқдагига нисбатан ҳозирги муҳаббат кучлимикан?— Ўз-ўзини масхаралади у. Ёки қариб, ўзингга кучинг етмай қолдим. Ушанда сен энди барг ёзган куртакларни эзиб ташлаган эдинг. Нега энди деярли бутун ҳаётингни яшаб бўлиб қолганингда у яна ниш уряпти? Илдиз яна кўкариш учун уни қуёш или-тиб, ёмғир сугориши керак. Ахир Сидрат сени умид-вор қилганмиди? Йўқ,— дерди у дағаллик билан,— йўқ ва яна бир марта йўқ. Сидрат ўз меҳри ва муҳаб-батини одамларга беради, эвазига ҳеч нима талаб қил-майди. У — бошқача одам. Сен эса виждонсизсан. Ча-карни шундай тез унутишга қандай журъат этдинг?! У ўлганида, энди ўзга биронта аёлга қайрилиб боқ-майман, деб ўйлаган эдинг. Энди бўлса ёш йигитдек уйланишни орзу қилиб қолдинг? Болалар билиб қо-лишса-чи! Улар бундай отадан нафратланиб юз ўги-радилар. Ҳусайн ўзини-ўзи койир эди.

У яқинда уйга кеч қайтганини эслади. Тозалаб йи-ғиштирилган хонада Осиёт хиргойи қилиб дазмол бо-сар эди.

— Келдингларми?— суюниб кетди у Жамилани кўтариб олган отасини кўриб,— қаерларда қолиб кет-динглар?

Лекин уларнинг Сидратникида эканликларини эши-тиб, қиз маънос тортди. У дазмол устига энгашиб олди, Ҳусайн эса қўрқиб сўради:

— Нима бўлди сенга, Осиёт? Биров хафа қилдимми?

У бош чайқади-да, кейин йиғлаб туриб гапирди:

— Шундай. Ойим эсимга тушиб кетди.

Шунда Ҳусайн папирос тутатди. Шундай қаттиқ тортдики, тутун томоғини ачитиб юборди. Лекин ўзи-ни босиб, ҳатто ҳазиллашиб гапирди:

— Агар кўз ёши ёрдам берса, биз ҳозир учаламиз биргалашиб йиғлаган бўлар эдик.— Лекин ҳазил чиқ-мади. Осиёт бошини даст кўтарди. Қотиб қолган ёш пардаси ичидан, кўзойнак тагидан кўрингандек кўз-лари қорайиб кўринар эди. У отасининг қўлларини ик-ки қўли билан ушлади:

— Ойимни ҳеч қачон унутмасликка ваъда бер.

— Ким сенга мен уни унутишим мумкин, деб айт-ди?— ғалати бўлиб кетди у.

Осиёт унинг қўлини қўйиб юборди.

— Мен қўрқаман... борди-ю, биласанми, борди-ю, бошқа бир аёл... Мен бизнинг уйимизга келишни ис-тамайман.



Осиёт ҳиқиллаб, тутилиб, керакли сўзларни зўрга топиб гапирарди. Кейин бирдан ўзини тўхтатди.

— Кечир, дада, бўлмағур гапларни гапиряпман.

Шуни эслаб, Ҳусайн бутунлай хафа бўлиб кетди. Ухлаётган Жамилага қаради, кўрпасини даҳанига етказиб ёпиб қўйди. Жамила кўрпа тагидан қўлини чиқариб, отасини қучоқлади.

— Дада, Шидлат холамнинг дадаси йўқми?

— Ҳалиям ухламадингми?— Жаҳли чиққанга солди ўзини Ҳусайн,— яна қанақа дада?

— Нима, сен тушунмайсанми? Ҳамманикидақа дада.

— Ухла, ухла,— ўзи эса алам билан ўйларди: «Сидратга ўрганиб қолди. Худди ўз онасидек яхши кўради...» Сўнг яна хаёли Осиётга қайтди: у бундай қийналмаслиги учун нимадир ўйлаб топиш керак.

## УНИНЧИ БОБ

Осиёт Ҳусайннинг иккинчи фарзанди эди. Чакар тўнғичи Мусани жон-дилидан севар, қизи эса даладаги майсамисол дориломон ўсар эди. Лекин у атак-чечак юра бошлаб, сал тили чиқиши билан ўз ҳақини талаб қилиб қолди. Онаси ва акасини кузатгач, Осиёт аҳволни тезда пайқади ва юрагида кучли рашк пайдо бўлди. Чакар Мусанинг ёнига бордимиз, Осиёт қичқириб йиғлар ва онасининг этагига ёпишиб олар эди. Агар Муса беписанд ойисининг тиззасига ўтириб олгудек бўлса, у чинқириб, икки қўли билан тортқилаб туширарди.

Ҳамманинг эркатойи бўлган Муса ўз ҳақини ҳимоя қила билмас ва бурнини торта-торта чор-ночор ҳовлига чиқиб кетар эди. Осиёт то ойиси келиб ёнига ўтирмагунча овқат емасди. Фақат онаси билан бирга ухлар, агар айри ётқизмоқчи бўлишса айюҳаннос солиб додларди. Онаси унинг бундай додлашидан қўрқар, дарров ёнига оларди. Шундай қилиб, Осиёт Мусани сиқиб чиқарди ва ота-онасини қизлари ҳам борлигини бир зум бўлса-да, унутмасликка мажбур этди. Улғайган сари ҳар ишда ойисига тақлид қиладиган бўлди. Оила аъзолари кечқурунлари ўчоқ олдида тўпланишиб ўтиришар экан, у оёқларини ойиси қандай узатса, шундай узатиб ўтирар эди. Печдаги оловни оташкурак билан худди ойиси каби қавлаштирар, ўтинни ҳам худди ойисидек тиззасига қўйиб синдирар эди.

Уч ёшга тўлганида эса у:

— Муса дадамнинг ўғли, мен оймнинг қизиман, — дейдиган бўлди.

Албатта, бу аҳволда баъзи ота-оналар меҳрларини болалари ўртасида тенг бўлолмаган оилалардаги сингари ака билан сингил ўртасида душманлик пайдо бўлиши мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Шуниси қизиқки, Осиёт акасига жуда садоқатли эди. У билан фахрланар, дугоналари олдида акасининг қаҳрамонликларини айтиб мақтанарди. Бир куни Муса бир бола билан муштлашганида эса Осиёт дарҳол унинг ёнига тушди ва бўри боласидек душманининг қўлига тишлари билан ёпишди. Боланинг дод-войига ота-онаси югуриб чиқишди ва уни Осиётдан зўрға ажратиб олишди. Улар шундай ҳайратда эдиларки, нима дейишларини ҳам билмасдилар. Осиёт эса ранги оқариб, сочлари тўзғиган, кўзлари ёнган ҳолда, «Менинг акамга тегмасин», дерди холос.

Биринчи синфга борганида эса Осиёт танаффус пайтида нуқул Мусанинг ёнига югурарди. Болалар Мусани масхара қилишар, у эса сингисини: «Нега менга ёпишиб олдинг? Бор, қизларнинг олдига!» — деб қувларди. Осиёт хафа бўлдими ёки акасининг ўғил болалик ҳуқуқини тан олдими, ишқилиб, унга гап қайтариб ўтирмади. Мактабда қайта акасининг олдига бормади, лекин дугоналари билан ўйнар экан, барибир акасига кўз-қулоқ бўлиб турарди: қаерда у? Нима қиляпти?

Осиёт ўктам ва дадил қиз бўлиб ўсди. У ҳеч нарсадан қўрқмасди. Қоронғи тушганида ўтинхонадан ўтин келтиришдан ёки қишнинг биринчи оқшомида гулхандан сакрашдан, тоққа бир ўзи чиқишдан чўчимасди. Лекин онасининг касали уни эзиб қўйди. У асабий, камгап бўлиб қолди. Гоҳ бекордан-бекорга Жамилани шапатилар, гоҳ дарс пайтлари мактабдан ойсининг олдига қочиб келар эди.

Ҳусайн уни бир неча марта кўзлари ёш ҳолда кўрди. Лекин гаплаша олмади, эркалашларидан эса Осиёт ўзини олиб қочарди.

Ойиси ётиб қолгач, Осиёт уй бекасига айланди. У сигир соғар, пол юварди. Овқат пиширар ва укаларини ювиб-тарарди. Чакар унинг болалиги бундай тез тугаганига ачинар эди. «Тузалиб олай, — орзу қиларди Чакар, — пичан ўргани борамиз. Муса чалгимизни чархлаб беради, мен қатлама пишираман. Эрталаблари май-

салар муздек, нам, қуёш эса ҳали баландда бўлади. Мазза...»

Шунда Осиёт ойисининг ёнига келар, каравот чеккасига ўтириб жимгина қўлларини силар, кўзларида эса ёш ҳалқаланар эди.

Бир куни кечаси Ҳусайн енгил шитирлаш овозидан уйғониб кетди. Хотини касал бўлганидан буён жуда сергак ухларди. Ҳусайн Чакар туриб дори олмоқчи шекилли, деб ўйлади. У хотинига ёрдам бериш ниятида ўрнидан турди, лекин Чакарнинг ухлаб ётганини кўрди. У атрофга синчиклаб қаради, Осиётнинг ўрни бўшлигини кўриб, ҳайрон бўлди. Дераза ёнига бориб ҳовлига кўз ташлади ва туфлисини қўлига олиб секин-секин зинадан тушаётган Осиётни кўрди. У бошига ойисининг рўмолини ташлаб олган эди. «Нима қилмоқчи у?» Ҳусайн тез кийинди-да, сездирмай қизнинг ортидан жўнади. Кўчага чиқиб олгач, Осиёт туфлисини ерга қўйиб кийди ва дарё томон югуриб кетди. «Нима қилмоқчи у?— яна ўйлади Ҳусайн,— дарёда нима қилади? Наҳотки тунда чўмилмоқчи бўлса? Албатта, ўзини сувга ташламоқчи эмасдир».

Шундай бўлса ҳам «буёғи нима бўларкин», деб орқароқда бораверди. Осиёт қирғоқ бўйлаб кетди. Кейин тоғ томонга йўл олди ва қоялардан бирининг тагига етгач, тиз чўкди.

Тун зим-зиё, кўкда милт этган юлдуз кўринмайди. Тоғдан оғир булут сузиб чиқа бошлади. Ҳусайн ғалати бўлиб кетди: ҳатто чўчиб ён-верига қараб ҳам қўйди. Осиёт қўлларини осмонга чўзиб, шивирларди: «мўмжон, меҳрибоним, азизим, ойимнинг дардига шифо бер». Унинг овози ингичка: қўрқа-писа эшитилар, ҳатто акс садо ҳам уни илиб ололмас эди.

Ҳусайн чидаб туролмади.

— Осиёт, нима қилипсан бу ерда? Момонг нима-си?— қичқирди у қизи томон интилиб.

Осиёт ўгирилиб, ўрнидан турди. Кўзи отасининг кўзи билан тўқнашгач, бошини эгди.

— Ҳеч кимга айтмайман,— деди шошиб Ҳусайн,— айт менга, нима бўлди сенга? Қандай момони айтгачсан?

У гўё Осиётнинг бу ерга ярим тунда келиб, қандайдир ғалати сўзларни айтишида айтарли ҳеч гап йўқдай, ҳаммаси одатдагидай, кунда бўладиган ҳодисадек, сира ҳайрон бўладиган жойи йўқдек, иложи борича осойишта сўзлашга уринди. Ўзи эса қўрққанидан

аъзойи бадани музлаб кетди: нима бўлган унга? Касал бўлиб қолмадимикан?

Осиёт ерга қараганча жим тураверди. Кейин, ўйлаб туриб, деди:

— Биласанми, бувим айтадиларки, тоғ чўққисида уч кампир ўтирармиш. Бири жуда меҳрибон, доим кулиб, жун тарармиш. Иккинчиси ҳам меҳрибон, ўша жундан ип йигирармиш. Учинчиси эса ёвуз — бу ипларни узармиш.

— Ахир бу эртақ, қизим,— деди Ҳусайн уни эркалаб.

— Айтишларича, биринчи кампир ҳаёт ато этармиш, иккинчиси уни созлармиш, яъни яхши, осойишта қилармиш. Учинчиси эса узармиш. Мен ундан ипни узмаслигини илтимос қилмоқчи эдим. Шунда меннинг ойим...— Осиёт сўзларини тугата олмади.

Ҳусайн шу он қизини қучоқлаб, у билан бирга йиғлагиси келди. Лекин унда қизи унинг кўнгли бўшлигини сезса, аҳвол бундан ҳам баттар бўлар эди. Чунки қизи ҳам тинмай кўз ёши тўккан бўларди. Шунинг учун ўғитомуз деди:— «Сен шундай нарсаларга ишонасан, деб сира ўйламаган эдим. Тағин мактаб ўқувчисисан-а». «Э, йўқ, дада,— афтини буриштирди Осиёт,— мен умуман ишонмайман. Лекин ойимнинг касали оғир. Ўйловдимки... ахир, наҳотки тушунмайсан?»— Осиёт унга ўкинч билан қатъий тикилди. Ҳусайн чидаб туролмай, кўзларини олиб қочди.

Чакарнинг вафотидан сўнг ҳаммадан Осиётга қийин бўлди. Муса ўғил бола, ўйин билан овора, Али билан Жамила ҳали гўдақ, тезда Сидратга ўрганиб қолишди: улар кимнидир севишлари керак эди.

Фақат Осиётгина ойисини унутолмас эди. Гўё шахсан унга онаси хотирасини сақлаш васият қилингандек эди. Шунинг учун Ҳусайн Сидратни ўйлаётган чоғларида қизи унга қараб турганини пайқаб қолса, гўё бирор гуноҳ иш устида қўлга тушгандек уялиб кетар эди.

Шунинг учун ҳам икки хил туйғу исканжасида қолди. Бир томондан, Осиёт уни қийнаб, азобларди. Иккинчи томондан, у ҳаётининг Чакар билан бирга кечган дамларини эслатар эди. Шунда катта қизи унга яна ҳам яқинроқ, қадрдонроқ бўлиб қолар эди.

Жамила тузалганидан бери бир ой ўтди. Касалхонада ҳаммаёқ тинчлик. Қисқа осойишталик даври келган эди. Сидрат кўм-кўк ялангликдан аста одимлаб борарди. Қуёш ботаётир. Унинг ёйиқ нурлари дарахтлар танасини эмас, шохларининг учини ёритарди. Ялангликдаги ўт-ўланларни эса қуёш нурлари қиясига кесиб ўтган. У бундай онларни, касалхонадан уйига бўлган бу йўлни, ҳеч қаерга шошилиш керак бўлмаган ва фақат соф ҳаводан нафас олиб, томоша қилиб, юмшоқ, майин ерда аста одимлаб борадиган дамларини ёқтирарди.

Яқинда касалхона қуришади. Балки Осиёт ҳам техникумни тугаллар ва шу ерга ишга келар. Роза эса фарзанд кўради. Сидрат яқинда буви бўлади. Наҳотки умри ниҳоясига етаётган бўлса... Лекин бу фикр унга оғир ботмади. Ялангликнинг нариги томонида бир ўғил бола унга қўл силкиди. Сидрат ҳам унга қўл силкиб жавоб берди ва яқиндашганида у Али эканлигини кўрди.

Али ялангликни кесиб югуриб келарди. Сидрат уни тутиб олиш учун қўлларини кенг очди.

— Қани, йигит, каникуллар қалай ўтаётир?— деди у Али бағрида қувноқ айланар экан.

— Сидрат хола, юр бизникига.

— Нима, Осиёт тансиқроқ овқат пиширдимми?

— Йўқ, Осиёт йиғлаб ўтирибди, дадам уришди.

Шундагина Сидрат боланинг чехраси ташвишли эканини кўрди.

— Нега уришди?

— Билмадим.

Сидрат Ҳусайннинг уйига кирганида Осиёт ўзини ҳеч нима бўлмагандек тутди. Лекин шишган кўзлари уни фош этиб турарди. Сидрат энди нима бўлганини сўрамоқчи, сўраганида ҳам Осиётни чўчитиб юбормай, бор гапни, бутун дардини тўла айтадиган қилиб сўрамоқчи бўлиб турган эди, қаердандир оёғи тагида Жамила пайдо бўлди.

— Осиёт ўқишга бормади,— хабар берди у.

— Осиёт, жоним, нега бормайсан?— ташвишланди Сидрат. У шунинг учун йиғлаган экан-да. Наҳотки Ҳусайн рухсат бермаса?

— Ана, қизлар кетишяпти. Бугун ҳужжатларини эсунатишди. Мен эса...

Осиёт энди ўзини тутолмади ва кўз ёшларидан ҳам уялмай қўйди.

— Шошма-шошма, ке, бирга ҳал қилайлик. Сени отанг юбормаяптими?— сўради Сидрат у билан кара-вотга ёнма-ён ўтирар экан.

— Э, йўқ, дадам ҳужжатларимни юбормаганимга уришди... Лекин мен уларни қандай ташлаб кетаман,— Осиёт алам билан Жамила томонга қўл силтади,— Али-ку, майли, мактабга боради. Манави бўлса...

— Ундай бўлса, сен қачон ўқимоқчисан?— сўради Сидрат жиддий.

— Болалар катта бўлгач.

— Лекин сен бу пайт давомида ёшармайсан. Йиллар олдинга югуради, орқага эмас.

— Демак, умуман, ўқимайман,— деди Осиёт жаҳл билан,— энди менга ҳеч нима керак эмас.

Сидрат бош чайқади, уни қандай йўлга солишни билмай, ўйлаб қолди.

— Сен ҳали кичкинасан, ҳаётни билмайсан,— деди ниҳоят у,— эсимда, фронтда Рашиднинг ўлганини эшитганимда, ойинг менга ёзган эди, мен додлаб, юз-кўзимни юлиб, нақ ўқ ёмғири ичига ўзимни урдим. Константин Александрович мени тутиб олди ва роса уришди. Кейин бир ривоятни сўзлаб берди.

Мана, неча йил ўтиб кетди, мен эса ҳамон эслайман, балки ҳеч қачон унутмасман ҳам. Балки мени ўшанда қутқарган ҳам шудир. Айтиб берайми?

Осиёт жимгина бош силкиди.

— Хўш, демак шундай. Оламда бир бахтли одам яшаркан. Ҳамма нарсаси муҳайё: соғлом, бой-бадавлат. Севимли хотини, яккаю ягона ўғли бор экан. Хўш, бир куни уруш бошланибди-ю, ўғли ҳалок бўлибди. Она эса чидай олмай ётиб қолибди. Шу ётганча кўксини захга бериб ётаверибди. Охири кўзларини очолмай қолибди. Эри табибларни чақирибди. Лекин улар унга ёрдам беролмабдилар. Шунда у донишмандларни чақирибди. «Табиб уддалай олмаган ишнинг уддасидан донишманд чиқади», дебди у.

Донишмандлар узоқ кенгашибди ва ниҳоят биттаси, энг кекса ва доноси шундай дебди: «Ҳалок бўлган жангчининг онасига дунёда на ғам, на ташвишни билмаган одамнинг ич кийимини кийдириш керак».

Беморнинг эри суюниб кетибди: «Энди у албатта оёққа туради», дебди ва дунёнинг турли чеккаларига чопарлар жўнатибди.

Шундай қилиб, ташвишсиз ва ғамсиз кишини излаш бошланибди: шаҳарларда бўлишибди, қишлоқларни кезишибди, бормаган жойлари қолмабди. Лекин кимга мурожаат қилишмасин, ҳар кимнинг ҳам ўз ташвиши, ўз ғами бор экан. Улар умидларини бутунлай узишган бир пайтда катта шаҳарнинг катта майдонидан чиқиб қолишибди ва оломонни кўриб тўхташибди. «Бу ерда нима бўляпти?» — сўрашибди ҳайратга тушган чопарлар.

Оломон четланибди ва улар ерда чордона қуриб ўтириб олиб, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаётган кишини кўришибди. Унинг ҳикояларидан одамлар қоринларини ушлаб, қотиб-қотиб кулишармиш.

«Ниҳоят, излаганимизни топдик», — севинишибди чопарлар. Қувноқ кишига улар билан бирга юришни буюришибди: ахир кўйлагини бир майдон одамнинг ичида ечиб олишмайди-ку. Лекин ҳикоячи жавоб ўрнига оёғи устидаги пўстинни кўтарибди. Шунда чопарлар унинг икки оёғи йўқлигини кўришибди.

Чопарлар хафа бўлиб, яна йўлларига равона бўлишибди. Шаҳар ташқарисига чиққанларида най овозини эшитишибди. Овоз келаётган томонга бораверишибди ва бир чўпонга дуч келишибди. У най чалар ва бир қўлида таёқ кўтариб олганча, «Лезгинка»га рақс тушаркан. «Мана у ҳақиқий бахтли одам», деб ўйлашибди чопарлар ва: «Сени сира ташвишнинг ва ғамнинг йўқ-мидики, шундай қувноқ куй чалиб, рақсга тушясан?» — дея сўрашибди.

«Ниманинг ташвишини қилай? Ер олло-таолоники, пода хонники бўлса?» — жавоб берибди чўпон бепарво.

Чопарлар кимни излаётганларини айтиб кўйлагини ечиб беришни илтимос қилишибди.

Чўпон жавоб ўрнига камзулини бағрини очиб кўрсатибди, ичида ҳеч вақо йўқ, фақат бадани кўринибди.

Шунда чопарлар уринишлари беҳуда эканлигини тушунишибди: бу дунёда ғамсиз, ташвишсиз одамнинг ўзи йўқ. Улар чуқур хўрсинишибди-ю, ортларига қайтишибди.

Қайтиб келиб, ҳалок бўлган жангчининг онасига шундай дейишибди.

— Биз ғамсиз, ташвишсиз одамни топа олмадик.

— Яхши қидирмагансизлар,— дебди у.

— Биз бутун ер юзини кезиб чиқдик,— дейишибди чопарлар.

— Демак, донишмандлар мени алдашибди-да,— деб қичқирибди ҳалок бўлган жангчининг онаси. Сўнг нима дер экан, деб эрига қарабди. Эри донишмандларга қарабди. Донишмандлар эса бош донишмандга тикилишибди. Бош донишманд чопарларга қарабди ва йўлда кўрганларини ҳикоя қилишларини илтимос қилибди.

Шунда чопарлар икки оёғи йўқ бўлса ҳам одамларни кулдириб, улар билан бирга ўзи ҳам кулаётган одам ҳақида сўзлашибди. Шундай қашшоқки, кийишга кўйлагига ҳам йўқ, лекин найи ҳаёт шодликларини куйлаётган чўпон ҳақида айтиб беришибди. Яна шундай жуда кўп учрашувлар ҳақида ҳикоя қилишибди.

Шунда ҳалок бўлган жангчининг онаси бош донишманднинг мақсадини тушунибди ва бош эгиб таъзим қилибди.

Шу кундан бошлаб бирор кимса ундан нолиш эшитмабди. Ёки ғам-аламларига бардош беришни ўрганибди, ёки шу кунига ҳам борига шукур қиладиган бўлибди. Кун сайин тузала бошлабди ва тезда соғайиб кетибди.

— Шундай, жонгинам Осиёт,— тугатди Сидрат ўз ҳикоясини,— ҳаммасини тушундингми, қизалоқ?— У маънос тортиб қолган Осиётни бағрига тортди.— Қани, ҳужжатларингни менга бер-чи. Ўзим техникумга жўнатаман. Жамиладан ташвишланма. Ўзим олиб чиқиб кетаман уни.

— Шидлат холам мени олиб кетади,— айраб кетди Жамила.

— Фақат гувоҳномам бор,— бўнашиб бошини эгди Осиёт.

— Медицина справкасини ўзим ёзиб бераман. Қолганларини ўзинг тайёрла,— деди Сидрат ва ўрнидан турди.

Осиёт сакраб туриб йўлини тўсди.

— Сидрат хола, биз билан овқатландинг.

— Афсуски, қололмайман. Зарур ишим бор. Розаям кечқурун кириб ўтмоқчи эди,— Сидрат эшик занжирини ушлаб туриб, яна деди:— Хуллас, эрталаб ҳужжатларингни олиб касалхонага кир. Яхши ётиб туринглар,— у болаларга бир жилмайиб, чиқиб кетди.



...Ярим тунда Сидрат Роза билан Мажидни кузатётган эди. Дарвоза олдида Ҳусайнга дуч келди. Қоронғида кўрмай қолибди. Ҳусайннинг қўлидаги кастрюль тушиб кетишига сал қолди.

— Қизи қайсию онаси қайси, ажратиб бўлмайдими-я,— деди у қувноқ.

— Ёшлар билан тенглаштиришса бирам ёқадими,— ҳазиллашди Сидрат ҳам.

— Хайрли тун, ойи. Бўлмаса Ҳусайн амаким кастрюлнинг оғзини очмайди,— Роза Ҳусайнга айёрона кўз қисди.

— Юринглар. Жигар ҳаммага етади. Осиёт бериб юборди. Бор, дада, Сидрат холамга олиб бор, деди.

— Юр, Ҳусайн, сенга бир маслаҳатим бор,— деди Сидрат.

«Қанақа маслаҳат бўлдийкин? — қўрқиб ўйлади Ҳусайн. — Балки менинг мўлжалимни пайқадимикин? Уришса-я».

У ўнғайсизланганидан терлаб кетди.

— Гап бундай, Ҳусайн,— деди Сидрат уйга киришгач, сенга анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрувдим. (Ҳусайннинг кўйлаги тагидан тер доналари оқиб тушганини сизди.) Хабаринг бор, Субайбат уйини Розага васият қилиб қолдирган. Шуни колхоз яслисига берсакмикан?

Ҳусайн анча енгил нафас олди.

— Намунча хўрсинасан? — ташвишланди Сидрат.

— Йўқ, ўзим,— нима дейишни билмади Ҳусайн,— Роза-чи? У розими? Ахир уй энди уники-ку.

— Менинг қизимга иккита уйинг нима кераги бор.— Сидрат қўлларини ёзди,— у эрининг уйида яшайди. Раис эса яқинда бу йил ясли қуриб тугатолмаслигидан шикоят қилди. Топган-тутган маблағи касалхонага кетибди. Шунда, мен ҳайҳотдай ҳовли бўш ётибди-ку, деб ўйладим. Соя-салқин, мевали дарахтлар...

— Бечора Субайбат. Худди ҳозиргидек эсимда: қишлоқ Советига кириб келди-да, «Кўзим очиқлигида, уй-жойимни набирамнинг номига ўтказиб қўйинглар», деди. Розани қандай яхши кўрарди. Ундан ҳеч нарсани аямасди. Олижаноб аёл эди. Бундай жасорат ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди,— шундай деб Ҳусайн бошини чайқаб қўйди.

— Қандай жасорат? — сўради Сидрат ранги оқариб.

— Қандай бўларди... Нимаси бўлса ҳаммасини набирасига берди,— ўзини йўқотиб қўйди Ҳусайн, «Жин урсин, лақиллаб қўйдим», деб ўйлар экан алам билан ўзи ҳақида.

— Йўқ, Ҳусайн, сен бундай демоқчи эмас эдинг,— бўш келмади Сидрат,— бошладингми, энди айтавер. Нинани киритдингми, ипини ҳам тортавер.

Ҳусайн қошларини чимирди. Унинг сўзлари тош кўчага отилган тошлардек тарақлаб туша бошлади.

— Нимани айтай мен, Сидрат? Рашид то ҳалок бўлгунича онасига хат ёзиб турган. Менга ҳам ёзган. Унинг хатларидан Субайбат сизлар ҳеч қачон учрашмаганингизни билган. Мен армиядан майиб бўлиб қайтганимда ҳам у ёзиб турарди. Сенга адресини ёзиб юборишни сўрарди. То ўша хабар келгунича...

— Нима қилиб қўйдинг-а, Ҳусайн? Нега илгари айтмадинг менга? Нега Субайбат тириклигида айтмадинг менга? У менинг ҳақимда нима деб ўйлади? Мен бўлсам, у Розани Рашиднинг қизи эканлигига ишонади, деб ўйлабман. Мен унга неча марта айтмоқчи бўлдим, лекин тилим бормади, уни нобуд қилишдан қўрқдим. Демак, у ҳаммасини билган ва Розани яхши кўрган...— Сидрат бўғилиб қолди. Ички бир фарёд томоғига келиб тиқилди. Гўё Ҳусайннинг бўғиқ овози узоқ-узоқлардан келаётгандек эди.

— Сидрат, қизингнинг отаси кимлиги менга барибир. Бу сенинг гуноҳинг эмас. Уруш нималигини билман.

— Вой,— фарёд қилди Сидрат,— вой, шўрлик Субайбат, ахир у ҳам шундай ўйлагандир,— у айтилмай қолган сўзнинг оқибатига энди тушунди.

— Демак, Розани набирам деб, Субайбат мени таъналардан, маломатдан сақлаб қолмоқчи экан-да. Худойим-ей, нега мен унга бор ҳақиқатни айтмадим? Нега бу сирни асраб юрдим?

Сидрат бошини қўллари билан чангаллаганича у томондан-бу томонга бориб келарди.

— Қанақа сир?— энди ҳайратланиш гали Ҳусайнга келди.

Сидрат чаккасидан қўлларини олиб, бошини кўтарди. Нигоҳлар учрашди. Сидрат шунча йилдан бери сақлаган, аллақачон унутгандек бўлган воқеаларни хотирлади...

## УН БИРИНЧИ БОБ

1943 йилнинг ноябрь оyi эди. Киев учун жанглар борарди. Кучли шамолдан яланғоч дарахтлар чайқалади. Қотиб тошга айланган ернинг фақат у ер-бу ерида қуруқ қор туз сепилгандек оқарган.

Лекин Сидратнинг кўнгли шод эди. Уйилиб, ағдартўнтар бўлган ер устида сўфитўрғай сайраётганидек унинг юрагида ҳам нимадир куйлар эди.

Табиатда шундай бўлади: совуқ ҳали қишдаги сингари қаттиқ, ҳали қор қалину ҳавода сезилар-сезилмас апрель ҳиди кезади. Қор тагида майсалар жонланиб қолган.

Яқинда Украина озод қилинади. Кейин Белоруссия, сўнг бутун мамлакат. Ана шунда баҳор келиб, ер юзидан қон доғларини ювиб ташлайди. Янги ўт-ўлан ва дала гуллари яраларни даволайди.

Ҳозирча замбараклар овози янгарди. Солдатлар ҳалок бўлганларни ортда қолдириб жангга кирардилар.

Сидрат ярадорнинг ёнига эмаклаб борди-да, касал болани авайлагандек, бошини авайлаб тиззасига қўйди, флягасидан сув ичира бошлади. У инграр, тишлари флягага тегиб тақиллар, сув гимнастёркасининг ёқасига оқиб тушар эди. Кейин уни қўлтиқлаб олди-да, ўнқир-чўнқир йўлларда қоқилиб-суқилиб, ерга энгашганича санитар машинасига олиб кетди. Сўнг иккинчиси, учинчисини... Кўзлари олдида тутун пардаси, ўқлар эса нақ қулоғининг тагида ҳуштак чалиб учади. Сидратнинг юзи куйгандек бўлди. Юзини пайпаслаб кўрган эди, иссиқ, ёпишқоқ нарса қўлига ёпишди. Қўлидан қорга қон томди. Кўз олдида қора ҳалқалар пайдо бўлди. Қорга қора томчилар томади, кўз олдида қора ҳалқалар... Ниҳоят улар аста-секин кўздан йўқола бошлади. Сидрат эса нафис гуллар очилган тоғларни кўрди. Саклаларнинг лой томлари, катта, оғир харсанглардан қад кўтарган деворларни, қоя ёриқлари орасида ўсган ўтларни, ўзини кўрди. У олдин папкасини ташлаб, кейин ўзи девордан ошиб қўшни ҳовлига — Рашид яшайдиган ҳовлига тушди.

Лекин бу кўринишни тутун ўраб олиб кетди. Тутун тобора қуюқлашди, қуёш нурлари ундан ўтишга борган сари қийнала бошлади. Сўнг Сидрат операция хонасини кўрди. Оқ эмалли, таги пачоқ операция тоғорасини, унинг тагидаги катта икки қўлни, бармоқлари

эгилювчан иккита кучли эркак қўлларини кўрди. Константин Александровичнинг операция олдидаги қўллари. Мана, у жаҳл билан, дўқ қилиб чақирди.

Сидрат бор кучини йиғиб бир қадам ташлади, иккинчисини... шафақ ёритган қора осмон уфқда чайқалиб кетди, тўнтарилиб, унинг устига ағдарилиб тушди. Сидрат қор устида, қўлларини ёйганича ётарди.

...Олтинчи ноябрь куни Москва осмонига салют юлдузлари сочилиб кетди. Бу Киев озод қилиниши муносабати билан берилган салют эди. Лекин Сидрат буни билмади. • Олтинчи ноябрь куни азобланган, ҳушидан кетган ҳолда у Равенсбургдаги фашист концлагерига ташланган эди.

Тиканли сим ортидаги ҳаёт асари кўринмаган дала: ундан электр токи ўтказилган. Тиканли тўсиқ ортида худди соат механизмидек бир меъёрда юриб турувчи озгин узун соқчи. Кескин, силтаб сўзлашлар...

Улкан дарвоза унинг ортидан ёпилди. Жонсиз дала. Паст, ер бағирлаган бараклар. Унда одамлар. Йўқ, одамлар эмас, соялар... Шундай бўлса ҳам Сидратни баракка ташлашганида, у қандайдир ҳаракатни сезди, соялар ғимирлаганини кўрди. Унинг атрофида турли тилларда сўздашув эшитилди. Кейинчалик у баракда француз, венгер, чех... ва ҳатто немис аёллари борлигини билди.

Сидрат бошидан яраланган эди. Лахталанган қон сочини қотириб, тундек қоп-қора қилиб юборган. Унинг атрофида аёллар тўпланишди. Дағал, йўл-йўл кийимларда, кўпларининг сочлари қирилган ҳолда улар ҳолдан кетган эркакларга ўхшар эдилар. Уларнинг ҳар бири ўз тилида нималарнидир сўзларди. Қимдир бир парча латта топиб келди. Ярасини боғладилар.

Тиканли сим билан дунёдан ажратилган бу моғор босган баракларда тундаги тилла қўнғизмисол бир ёруғ нур бор эди. Бу умид ва ишонч нури эди. Бу ҳолдан тойган аёлларнинг табассумларида, хотинларга тунука товоқларда овқат олиб кирадиган оддий немиснинг ҳаракатларида намоён эди. Бу немис камгап эди. Лекин асирларнинг қўлига секингина гоҳ қалам, гоҳ бир парча қоғоз, гоҳ дорн, гоҳ бир бўлак пишлоқ тутқазиб кетар эди.

Азоблардан қутулиш учун ўлимни кутган, умидсизликка тушган Сидрат бирдан ўзида янги куч пайдо бўлаётганини сезди.

Лагерда бир аёл бор эди. Уни ҳамма ҳурмат қилар, авайлаб-асрар эди. Унга ўзининг арзимас улушидан илиниб, озгина-озгина орттириб қолдирар эдилар.

Уни гавдалари билан немислардан пана қилишарди. У немис аёли эди. «Қизиқ,— ўйларди Сидрат,— немисни немисдан яширишади-я. У нима қилган экан? Нима учун уни бундай яхши кўришади?»— деб сўради бир куни Сидрат. «Бу Роза Тельман-ку»,— ҳайрон бўлиб қарашди унга. Кейин фахрланиб қўшиб қўйишди: «У немис халқининг доҳийси Эрнст Тельманнинг хотини. Ҳамма немислар ҳам душман эмас. Фашистларни биз каби ёмон кўрадиганлари ҳам бор. Шунинг учун фашистлар уларга тинчлик беришмайди. Улар Роза Тельманни дуч келган пайт ўлдиришлари мумкин».

Концлагерда оғир ва ғамнок оқшомлар кўп бўларди. Лекин биттаси бир умр хотирасидан жой олди. У аллақачон битган ярага ўхшайди, лекин сал тегсанг— қонай бошлайди.

Шу куни барак яқинида узуқ-юлуқ бақир-чақирлар эшитила бошлади. Соқчи эшикни тепди. Сўнг қоронғилик қаърида улар кичкина чолларга ўхшаб қолган болаларни кўришди. Бу асир болалар эди.

Уруш одамларга мислсиз даҳшатларни ҳада қилди. Бу қийноқларни тинч пайтларда энг ўткир ақл эгаси ҳам тасаввур қилиши қийин эди. Лекин асир болалар!.. Бу урушнинг даҳшатли башараси эди. Болалар — асирликда шишиб кетган, улар қолдан тойганларидан йиғлай олмас ҳам эдилар.

Улар полга, бир-бирларининг устига йиқилар эдилар. Соқчи эса энг охиригисини итариб кирғизиб, эшикни ёпиб тамбалади. Уларнинг орасида биттаси жуда кичкина эди. Ялангоёқ, кир, пахмоқ сочлари пешонасига тушган. У ҳуркитилган ҳайвондек ер остидан қарар, ўзига узатилган қўлни тишлашга тайёр эди. Кўп аёллар уни кўтармоқчи бўлишди, лекин у ҳеч бирини яқинига йўлатмади. Сидрат боланинг бу танг ҳолатини кўриб чидай олмай йиғлаб юборди. Қизча унга қаради. Унинг хира, лоқайд кўзларида бирдан нимадир йилтираб кетди. Гўё қаердадир чироқ ёқишди-ю, унинг узоқдан келган ожиз нурининг акси унинг қорачиғида кўринди.

— Ойи!— дея у бақриб, Сидратга ташланди.

— Қизгинам!

Аёллар қотиб қолишди. Булар чиндан ҳам она-бола шекилли, деб ўйлашди.

Сидрат шу кундан бошлаб она бўлиб қолди. Қизча исмини эслай олмас эди. Сидрат уни Эрнст Тельманнинг хотини шарафига Роза деб аташга аҳд қилди. Роза Тельман эса буни эшитганида: «Мен чин қалбимдан унга ўз исмимни бераман. Шу билан бирга тақдиримдаги барча бахтимни, орзуимдаги барча ёруғ ниятларимни бераман. Барча бахтсизлик ва қийинчиликларим эса ўзимга қолсин»,— деди.

Сидрат баҳорни ҳам эслайди. Тутқунликдаги иккинчи баҳор эди у.

Табиат эрксизликдан қутулган қул кишанларини синдирганидек музларни қарсиллатиб синдирар, қорларни эритар эди.

Могор босган баракларга офтоб нури кирди. У ойнадан, ёриқ жойлардан кириб, полга узун йўл бўлиб тушиб, деворларда ўйнай бошлади. У тиканли симларни писанд қилмади. Уни асирлардан тўсиб бўлмади. Уни бировга нур сочиб, иккинчи одамга нур сочмасликка мажбур қилиб бўлмади. Унинг йўлини тўсиб, отиб, итга талатиб бўлмади. У — Қуёш эди!

Одам суяклари ва каллалари, печларда ёқилган оналар ва болаларнинг кулларидан иборат ахлатхонада қуёшли бир тонгда қизил гул бош кўтарди. Чинакам гул. У болалар байроқчаси каби шамолда ҳилпиради. Шунинг учун ҳам Биринчи Майни эслатди.

Кунлардан бир кун Сидрат тош ташиётган эди. У огир тошларни қорнига босиб энгашиб борарди. Бир тош қўлидан оёғига тушиб кетди. Сидрат оғриқдан тўхтаб қолди. Шунда бир асирга кўзи тушди. У тепаликка эмаклаб борар эди. Мана, жуда яқин қолди, чўзилган қўли гулга етай деди. Сидрат қўрқиб, титраб, раҳми келиб ва қойил қолиб унинг қўлларига тикилди: чўзилган теридан ҳар бир суяк аниқ кўриниб турар эди. Мана, қўли гул новдасига етди ва узиб олди. Лекин шу пайт ўқ овози эшитилди. Қотма, малла немис бошини орқага ташлаб хахоларди. У отиш учун атайлаб худди шу онни кўтиб турган шекилли. Асир гўё бу ким эканлигини кўрмоқчи бўлгандек ўгирилди. Қўли титраб кетиб, ерга ётиб қолди. Бармоқлари ёйилди. Ёнида эса узилган гул ётар эди. Шамол унинг япроқ-

ларини бепарво ҳилпиратарди. Лекин барибир бунда қандайдир ҳаёт, абадийлик бор эди.

Солдат озодликка чиқишдан беш кун олдин ҳалок бўлди. Шу ҳодисадан беш кун кейин Қизил Армия кириб келди. Равенсбург ўлим лагери сифатида тугатилди. Лекин у бутун даҳшатларнинг хотираси мисол, инсоният такрорлашдан қўрқиши керак бўлган хотира мисол сақланиб қолди.

Сидрат қизи билан озодликка чиқди. Қушларнинг баҳорги чуғурни эшитилиб турган тиканли сим-ла тўсилмаган ерга озодликка чиқди.

Лекин улар шунчалик ҳолсиз эдиларки, юришга мадорлари йўқ эди. Улар бир ой госпиталда ётдилар. Касалхонадан чиқишган куни радиодан Левитаннинг тантанали овози янгради.

«Диққат! Диққат! Совет Иттифоқининг барча радиостанциялари ишлайди!»

Буюк, уқубатли, инсоният кўрган урушларнинг энг даҳшатлиси бўлган беш йиллик уруш тугади.

Солдат шинелида, эркакча эски этик кийган, елкасига рюкзак осган, анча улғайган, сочлари оқарган, кўп нарсани бошидан кечирган, қанча ўлимларни кўрган, ўлган, лекин барибир яна тирилган Сидрат ўз овулига қайтарди.

Тун чоғи эди. Тоғларнинг соф, зим-зиё тун. Улар чорраҳада йўловчи юк машинасидан тушиб қолиб, яёв кетишди.

Равенсбург дўзахидан кейин бу оромбахш, юлдузли май тун. Портлаш ҳам, ўқ товушлари ҳам йўқ. Эмакламай тўғри, енгил қадам ташлаб юриш мумкин. Эгилмай, сергак тортмай бемалол боравериш мумкин. Осмондан ҳам, ердан ҳам, ҳеч нарса сенга ҳавф солмайди. Тоғларда юлдузли тун! Бу шундай ғаройиб, афсонавий эдики, тушга ўхшарди. Тоғлардаги осойишта тун! Жаҳонда ундан ортиқ гўзаллик бормикан?

Сидрат бахтдан, ҳаётдан, томоғига тиқилиб келаётган кўз ёшидан, тутундан айнамаган соф тоғ ҳавосидан энтикиб борарди.

— Роза, қизим, қара. Ана осмон, юлдузлар, тоғлар...

— Мени осмонга от, ойи, юлдузларни оламан. У жудаям паст...— илтимос қилди қизча. У кулди. Тинчлик қўйнидаги бу кулги бирдан Сидратни сергаклантирди. «Уйда нима гап экан?— ўйлади у.— Улар тирикмикан? Отам қайтганмикан? Икки йилдан бери у ота-

сидан дарак эшитмаган эди. Кўз олдида Раҳимат холасининг, бувиси, бувасининг қиёфалари пайдо бўлди. У урушда ана шу оромбахш, илиқ сўзлардан ҳам чиқиб кетган эди. Тезроқ уйга етса эди.

— Ойи, энди биз ҳеч қаёққа бормаймиз-а? Мен сен билан бирга уйда яшашни истайман,— хавотирланиб сўзлади қизалоқ.

— Албатта, албатта уйда. Мана етиб келдик. Сидратнинг юраги қаттиқ урганидан тўхтаб қолгандек бўлди. Муюлишдан кейин овулнинг ясси томлари кўринди. «Одамга уй қандай керак-а,— юрагидан ҳис қилди у.— Оламда энг зарур нарса...»

Тун. Ҳеч қандай говуш ҳам, милт этган чироқ ҳам йўқ. Қизчасини қўлидан ушлаб, у овулнинг тўғри кўчаларидан кўтарилиб борар эди.

Мана уйи. Отасининг эски уйи. Сидрат дарвоза олдида тўхтаб қолди. Унинг ёшга тўлган кўзлари яхши кўрмас эди. У дарвозанинг бир тавақаси бузилиб, занглаган ошиқ-мошиғида зўрға илиниб турганини пайқайди. Иккинчиси эса бутунлай йўқ эди. Демак, отаси ҳали қайтмабди. Сидрат бир қадам қўйди-ю, ҳовлисида пайдо бўлди. Унинг оёқлари титрар эди. Сукунат. Қоронғилик. Ҳеч қандай ҳаёт асари йўқ. Сидрат бугунги келишини, шунча йиллик айрилиқдан кейинги бу қайтишини ҳеч қачон унутмайди.

Ҳовли бирдан ёришиб кетди. Булут ортидан ой сузиб чиқди. Сидрат газета ёпиштирилган деразаларни кўрди. Ойна соладиган одам йўқ-да,— эзилиб ўйлади у. У айвонга қаради — сувоқлари кўчиб кетган, унинг парчалари ерда сочилиб ётибди. Унинг кўз олдида бир зумгина беш йил бурун чиқиб кетган уй пайдо бўлди. Топ-тоза, тош терилган ҳовли, дид билан бўялган дарвоза. Пол-чи! Овулда Раҳиматнинг поли тарелкадан ҳам тоза, унда овқат ейиш мумкин, дейишар эди.

Аёл эшикни тақиллатишга юраги дов бермай, туриб қолди. У қўлини кўтарди-ю, қўрққанидан яна туширди; борди-ю, ҳеч ким чиқмаса, уй бўм-бўш бўлса-чи... Сўнг, ниҳоят, қўрқа-писа эшикни тақиллатди.

— Ким? — Бу Раҳиматнинг овози эди. Сидрат титраб кетди. У дағ-дағ қалтирар, тишлари такиллар эди.

— Ойи, бу — мен! — бақариб юборди у.

— Ким? — эшик ортидаги овоз титраб кетди. У таниган, таниган эди-ю, ишсизлишга қўрқар эди.

— Ойи, бу мен, Сидратман.



Раҳиматни биринчи марта «ойи», деб чақиришди. У ўзига қаратилган бу сўзни ҳаётида биринчи марта эшитди. Қоронғиликда, маҳкам беркитилган эшик ортидан кимдир уни «ойи» демоқда!

— Сидрат?!— ўзига ишонмай қичқирди Раҳимат. Сўнг яна жимлик чўкди.— Сидрат!

— Ойи, мен, қизингман.

— Ҳозир, ҳозир. Вой, занжирни тополмаяпман. Нега бундай занжирлаб ташлашибди-я. Очолмаяпман.

Ниҳоят занжирлар тушди. Эшик ғижирлаб очилди. Раҳимат ўзини йўқотиб қўйди. Ой нури солдат шинелидаги кимсанинг бўй-бастини ёритар эди. Раҳимат уни эркак деб ўйлаб, ўзини орқага ташлади.

— Ойи,— деди эркак Сидратнинг овози билан. Сўнг уни қучоқлаб олди.

— Вой, тиллагинам, ёлғизгинам,— йиғлаб юборди Раҳимат. Кейин уйни соядек чарх айланиб, куймана бошлади.— Вой, худойим-ей, бу чироқ қаёққа кетди-я.

Деразани ой нури ёритар эди. Полда ойнинг ғамгин нури узун тушиб турипти.

— Бувим қани?— сўради Сидрат.

— Бувинг, қизим, вафот этганига анча бўлди. У сенга, отангга куйиб кетди.

Сидрат хона ўртасида турар эди. Этиги ойнинг оқ йўлини босиб, мисоли хасдек синдирди.

Раҳимат алоҳа чироқни топди, энди гугурт қидира бошлади.

— Менда гугурт бор,— деди Сидрат ва чўнтагини кавлаб, унга гугурт қутисини узатди. Раҳимат пиликни чиқариб ёқди. Сўнг қўлида чироқни кўтариб, Сидратнинг олдига келди. Энди хонада икки чизиқ, икки нур: оқ ва сариқ нурлар бор эди. Сўнг Раҳиматни кўрди. У жуда қариб кетган эди. Бошдан-оёқ қора кийинган. Кўнгли нохушликни сезиб, юраги уриб кетди.

— Отам қани?— шошиб сўради у.

— Уч ойдан бери хабар йўқ. Мана охирги хати,— у жавондаги юмалоқ монпансье идишини олиб, ундаги четлари титилган учбурчак солдат мактубини қизига узатди. Лекин унинг узатилган қўли ҳавода муаллақ қолди. Оғзи эса ҳайратдан очилиб кетди. У қизчани кўрган эди.

— Бу менинг қизим,— деди оддийгина қилиб Сидрат ва гўдакни қўлига олди.

Раҳимат ниҳоят тилга ырди. Дамбани ёриб ўтган кучли оқим каби сўзлар қуйилиб кела бошлади.

— Вой, худога минг қатла шукур, қизгинам. Мен ҳатто эшитмаган ҳам эдим. Хаёлимга ҳам келмаган эди. Вой, вой-ей! Қандай янгилик-а? Субайбат қандай суюнар экан ҳали. Ўғли учун йиғлайвериб кўзлари кўрмай қолди. Энди бўлса худо унга набира етказди. Қандай бахт!

— Роза, бу сенинг бувинг,— деди ўзини йўқотган Сидрат.

«У Рашиднинг қизи деб ўйлаяпти. Тўғриси айтсаммикан ёки айтмасаммикин?»

— Даданг қизингни биладими?— унинг хаёлини бўлди Раҳимат. Унинг кўзларида хавотирли савол қотиб қолди.

— Ҳали билмайди!— жавоб берди Сидрат. У Раҳимат бу саволни бекорга бермаганини билар эди. Бу: «Отанг бунга қандай қарар экан?»— деган маънони билдирадди. Ахир, мусулмонлар одатига кўра у қизини Рашидга ўзи бериши керак эди-да. Ундан олдин боланинг пайдо бўлиши эса гуноҳ. Бунинг устига, у Рашид билан учрашмаганини отаси билар эди. Сидрат қўрқиб кетди. Розани Рашиднинг қизи дейиш хаёлида ҳам йўқ эди. Лекин уни ўз боласи эмаслигини тан олгиси ҳам келмас эди. Овулда ҳамма Розани унинг қизи деб ўйлаши керак. Нима қилиш керак?

Агар боланинг отаси ким, деб сўрашса нима дейди? Улган, десамикин?..

— Қандай шодумонлик,— дерди Раҳимат ертўладан кўзадаги ёғни олар экан.

— Мана тиллагинам, шу кунга атаб қўйган эдим. Янги сузма ҳам бор. Ҳозир чуду ёпаман.

Сидратнинг қўлидаги хат эсига тушиб, уни очди. Тез кўз югуртди.

— Бу хат Берлинга яқин жойдан ёзилган экан,— деди у.

— Ундан кейин ҳеч нима келмади,— хўрсинди Раҳимат.

— Бизнинг овулдан ким қайтди? Кимлар ҳалок бўлди,— Сидрат аёлнинг эғнидаги мотам кийимига қараб хавотирланиб сўради.

— Ҳалок бўлганлар кўп. Дараксиз кетганлар ҳам кўп. Менинг укам Муҳаммад ҳам... Биринчи йилининг ўзидаёқ қорахат келган.— Раҳимат бошини эгди. У сузма қораётган тоғорачага кўз ёшлари тез-тез оқиб тушди.

— Нималар деясан!— Сидрат уни қучди. Улар

хувиллаган, қайғу кириб ўтган уй ўртасида қучоқлашиб, сўзсиз, фақат бир нарсани ўйлаб турар эдилар, чироқ эса суриб қўйилган сузмали тоғорани ёритар эди.

— Вой, нима бўлди менга. Ахир сизлар очсизларку,— шошиб қолди Раҳимат. У ёруғроқ бўлсин, деб пиликки кўтарди-да, овқатга унади.

Розани овқатлантириб ва ётқизиб, аёллар тонг-отаргача гаплашишди. Уларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари кўп эди. Лекин ҳаммадан кўп улар ўзларининг қадрдонларини — бувиси, отаси ва Рашидни эслашди.

— Ҳусайннинг келганига ҳам бир йил бўлди. Бир қўлсиз қайтди,— деди Раҳимат.

— Бечора!

— Йўқ, қизим, бечора эмас. Қўлсиз, оёқсиз бўлса ҳам тирик-ку. Ҳусайннинг қўлини кесиб ташлашибди, деб хабар келганида, одамлар энди Чакар унга тегмайди, дейишган эди. Лекин у бу ғийбатларни гўё пичоқ билан кесиб ташлади. Биринчи бўлиб ўзи борди. Ҳусайннинг ойиси ўғлининг қўлсиз келганига йиғлаганида Чакар шундай деди: «Ойи, у ахир тўйга эмас, урушга, душман билан жанг қилгани борган. Лочин у». Боплаган. Бир ҳафтадан кейин тўйлари бўлди.

Эрталаб Раҳимат омбордан бурнига катта қулф солинган чамадонни кўтариб чиқди: унинг анчадан бери очилмагани кўриниб турар эди.

— Мана, қизим, бу ерда сенинг кийимларингни асраганман. Кийиниб ол. Ҳали замон одамлар келиб қолишади.

Сидрат уришиб қулфни очиб, чамадон қопқоғини кўтарди. Уйиб тахланган, чамадон қопқоғи эзган кийимлар устида икки ўрим узун соч ётар эди.

— Соч. Менинг сочларим,— деди у ҳайратланиб, уларни авайлаб қўлига олар экан. Ундан болалик иси келар эди,— бу ерга қайдан келиб қолди у?

— Отанг юборган эди. Анови расм билан сочларни,— деди Раҳимат айвонда идиш-товоқларни тарақлатиб, у нонушта тайёрламоқда эди.

Сидрат бошини кўтарди. Девордаги тарелкалар орасидан унинг сурати кўриниб турар эди. Аниқроғи, унинг сурати чиққан газета парчаси эди у. Тагида: «Меҳрибон қўллар» деган ёзув. Сурат Севастополда, у ярадорларнинг ярасини боғлаётган пайтда олинган эди.

...Урушда сочни парвариш қилишга имкон йўқ. Шунинг учун Сидрат сочларини кесиб ташлаган эди. Афтидан, отаси госпиталдан кейин умикида тунаганда, чамадонидан олган ва уйга жўнатган эди.

У отасининг — бадқовоқ, баджаҳл тоғ эркагининг фақат болта ва белкурак ушлашга ўрганган, кейинчалик урушда милтиқ тутган ғадир-будур бармоқлари билан бу навқирон сочларни авайлаб латтага ўраганини, кейин қаламни ҳўллаб, қийналиб унга овул адресини қандай ёзганини кўз олдига келтирди. Поезд составлари уруш тугунлари ва ваҳшатлари узра унинг уйига икки ўрим қора ва майин сочини олиб кетаётиб қандай ҳайқирган экан. Ота! Дарғазаб тоғ эркаги умрида бирон марта тишининг оқини кўрсатмаган, қизини катта қилиб, бошини бирон марта силамаган одам... Мана, қандай экансан-а? Сидрат отасини энди кўраётгандек ўйланиб қолди.

Раҳимат, у кесилган сочларига ачинапти, деб ўйлаб:

— Ачинма, қизим,— деди,— тезда янгиси ўсади. Бизда сув ҳам, ҳаво ҳам ажойиб.

— Ўсмай қўя қолсин, ойи. Ёшлик даврим ўтиб кетди,— деди Сидрат ёш тўла кўзларини кўтариб.

Раҳимат уни овутиш ниятида ёнига келди-да, бирдан чўчиб кетди.

— Бу қандай даҳшатли чандиқ, қизим?— у унинг юзини силади.

— Ўқнинг изи, ойи,— ғамгин жилмайди Сидрат.

У қора, нафис рўмолини олди-да, энди чамадонни ёпмоқчи бўлган эди, кўзи марказет кўйлагига тушиб қолди. Таги оқ, устида қизил нўхат гуллари бор. «Наҳотки шу кўйлагига Рашид билан учрашувга борган бўлса?»— Сидрат зудлик билан чамадонини ёпди, гўё шу билан ўз ўтмишини беркитиб ташламоқчи бўлди. Раҳимат қизи чамадондан ҳеч нима олмай суриб қўйганини кўриб, деди:

— Мана, қизим, менинг ёшлигимдаги кийимларим. Келинлик кўйлагим яп-янги. Булар ҳаммаси сеники, киявер.

— Менинг ёшлигим, ойи, урушда қолиб кетди,— деди яна Сидрат.

Раҳимат у билан тортишиб ўтирмади. Кўзани кўтариб, сувга кетди. Қувончини бутун овулга ёйгиси келарди. Энг аввал Субайбат кампирникига кирди.

— Субайбат!— чақирди у қўшнисининг эшигини

очиб.— Буёққа чиқ, тезроқ. Эшитяпсанми, Сидрат билан Рашиднинг қизи келди.

— Нима дединг? Сидрат? Қизим!— севиниб кетди Субайбат ва худди ёш қизлардек ғишт девордан Умарнинг ҳовлисига сакраб тушди. У айвон зинасидан югуриб чиқди-да, шанғиллаб Сидратга ўзини отди.

— Менинг тиллагинам, бебаҳо хазинам! Сени шундай яхши кўраманки... Ахир ўғлим сени қандоқ севар эди. Сен уни деб овулдан кетдинг. Вой худойим-ей, қандай ўзгарибсан-а,— у Сидратнинг юзини силади.

— Утир, Субайбат, ўтир,— деди ёш аёл уни қучоқлаб стулга бошлар экан. У Субайбатнинг шу беш йил ичида қандай ўзгариб кетганини кўриб ҳайрон қолди. Унинг бир маҳаллар қорамойдек ялтирайдиган сочлари қорли чўққига ўхшаб қолган эди. Унинг ўчоқдаги оловмисол ўткир, чақноқ кўзларини туман пардаси босган. Қўлининг томирлари дарахтнинг ер тагидан чиқиб қолган илдизларига ўхшаб, бўртиб чиққан: уларда тимқора қон юриб турибди.

— Менинг бошимга тушган ғамдан хабаринг бўлса керак, қизим,— деди кампир унинг нигоҳини тутиб.— Иккимизнинг қайғумиз бу. Наҳотки у ҳалок бўлган? Ишонмайман, ишонишни истамайман ҳам,— у умид билан Сидратга тикилди.— Айт-чи, сен уни қасрда қолдирдинг?

Сидрат ҳуши учиб, эзилиб, нима жавоб қилишини билмай турар эди. Лекин шу пайт даҳлизда оёқ товушлари, одамларнинг овози эшитила бошлади. Хонага бирин-кетин одамлар кириб келишди. Улар Сидратга отилиб, уни қучоқлашар, ҳам йиғлашар, ҳам кулишар, ўзларининг фронтдан ҳали қайтмаган эрлари, ўғилларини эслаб, уларни кўрган-кўрмаганлигини сўрашар эди.

Бирдан қўшни хонадан бола товуши эшитилди.

— Ойи! Ойи!— Роза шовқиндан уйғониб, бегона жойни кўриб, ётсираб, Сидратни чақираётган эди. Сидрат унинг олдига кириб кетди: «Ойинг шу ерда, ойинг шу ерда», шундай деб у қизини кўтарди-да, меҳмонлар ёнига олиб чиқди.

Ҳамма устидан сув қуйилган асаларимисол тинчиб қолди. Фақат кўзлар савол билан боқар эди. Ҳатто Субайбат ҳам иккиланиб қолди.

Қизча онасининг қўлидан тушди-да, мушукни қувиб кетди. Мушук Субайбат ўтирган стул тагига яши-

ринганди, қизча унинг олдига югуриб келди. Кампининг юраги уриб кетди. Балки у Рашиднинг болалиги ва ўзининг ёшлик чоғларини, уни суйиб ўйнатган пайтларини эслагандир. Балки унинг анчадан бери ҳеч кимни эркаламаган, қоқшол қўллари бола қўмсагандир. Нима бўлса ҳам оғир сукунат ичида у эгилди-да, Розани қучоқлаб, унинг юзлари, сочлари, кўйлақларини ўпа бошлади:

— Вой менинг оромижоним! Юрагимнинг дармони! Рашиднинг қизини бағримга босадиган кун ҳам келади, деб сира ўйламаган эдим. Рашидга қандай ўхшайди-я,— дерди у қизчага синчиклаб тикилиб,— отасининг ўзгинаси.

Келганлар чуғурлашиб кетишди, гулга ёпишган арилардек қизчанинг атрофини ўраб олишди. «Чиндан ҳам Рашиднинг ўзи-я. Пешонаси, кўзлари... Буларга худди кичкина Рашид қараб турганга ўхшайди-я...»

«Тўхтанглар! У Рашиднинг қизи эмас!» — деб қичқиргиси келди Сидратнинг. У бу сўзни овозини бори-ча айтмоқчи бўлиб, бир қадам ташлади ҳам. Лекин бу сўзлар томоғига тиқилиб қолгандек эди. Балки у овулдошлари таъналаридан, уларнинг ёмон кўз билан қарашларидан қўққандир. Балки Субайбатга ачингандир. Балки шу сонияда кўз олдида бир зум Розанинг келажаги акс этгандир. Агар Рашиднинг қизи эмаслигини билишса, овулдагилар унга қандай қарашар экан? Қабул қилишармикин уни? Ёки бегона деб ётсирашармикан?..

...Ушандан бери кўп йиллар ўтди. Роза ўсиб, бўйи етди.

Унинг тўйини ўтказдилар. Бу сир эса ҳамон Сидратнинг қалбида сақланарди. У шундайлигича ўлиб кетсам керак деб ўйларди. Бирдан Ҳусайн бундай деб қолди... Демак, Ҳусайн Роза Рашиднинг қизи эмаслигини биларкан. Унинг учун фақат бир нарса сир: Сидрат ҳам Розанинг онаси эмаслиги.

Шу йиллар давомида Ҳусайн турли-туман хаёлларга борди. Бундай жавобсиз саволлар жуда кўп эди. «Сидратнинг қизини отаси ким? Қандай қилиб шундай жиддий, сипо тоғ қизи Сидрат фронтдан бола орттириб келди?» Ҳусайн Сидратни оқлашга уринарди. Уруш. Урушда нималар бўлмайди! Рашид билан Сидрат фронтда учрашмаганлари Субайбатга маълум эди. Буни Ҳусайн билар эди. Лекин у Розани қандай меҳр билан ардоқларди. Субайбатнинг хатти-ҳаракати

Ҳусайнни доимо ҳайратлантирар ва қойил қолдирарди.

Ҳусайн энди бор ҳақиқатни билгач, Сидратнинг қаршисида бош эгди.

— Мени кечир, Сидрат. Сенга бу ҳақда гапириб аблаҳлик қилгандим. Қандай оғзимдан чиқиб кетганини билмайман.

— Менга кеч айтдинг, Ҳусайн,— осойишта ва маънос сўзлади Сидрат.— Бир нарсага ачинаман: мен ҳатто Субайбатга миннатдорчилик ҳам билдира олмадим. У менинг ҳақимда нима деб ўйлаган экан?!— хўрсинди у,— жуда бошқача аёл эди. Унинг бу қилган иши — чинакам жасорат.

— Қандай айтиб юбордим-а?— куюнарди Ҳусайн.— Сирни неча йил сақладиму бирдан... Эзма чол... Кечир мени, Сидрат,— Ҳусайн аёлниг қўлини силади. Сидрат жим эди.

Ойна ортида тун чўкди. Қоронғилик мисли қора дарёдек уйга оқиб кириб, уни кўма бошлади.

— Кеч бўлди,— шошиб қолди Ҳусайн.— Мен борай. Хайрли тун.

У оғир қадам босиб чиқиб кетди. Сидрат эса ҳамон икки қўлини стулга тираганича турар, гўё бир муҳим нарсани кўраётгандек қоронғилик қаърига тикилар эди.

Столда қовурилган жигар совиб, ёғи қотиб борар эди.

— Оҳ, Субайбат, мана, сен қандай экансан-а!— сўзлади Сидрат қоронғиликка қараб туриб, гўё Субайбат уни эшитадигандек.

## УН ИККИНЧИ БОБ

Субайбат Аваристондаги таниқли ҳофиз Асҳабнинг қизи эди. Уларнинг уйдан музыка, рақс, ўйин-кулги аримас эди. Ҳар оқшом меҳмонлар келишар, Асҳаб пандура чалар эди. Хотини, икки қизи қўшиқ айтишарди. «Бу уйда яшаган одам ҳеч қачон қаримайди», дейишарди одамлар.

Овулда Асҳабнинг оиласини яхши кўришарди. Тўйларда ва бошқа оилавий тантаналарда уларни тўрга ўтқазишарди.

Унинг икки қизи — каттаси Обидат ва кичиги Субайбат бир-бирига ўхшамай ўсишди.

Обидат — босиқ, ўзига бино қўйган, тўнг, Субайбат эса аксинча қувноқ, чаққон, шинаванда қиз эди. Гўё унинг овози фақат куйлаш учун, оёқлари рақс тушиш учун яратилгандек эди. Дугоналари унга зимдан ҳавас қилишар, йигитлар унинг номини эшитсалар хўрсинишар эди.

Қизлар тўпланишиб жун чувийдиган ва йигитлар билан ҳазил-мутойиба айтишадиган жойларда энг кўзга кўринган йигитлар унинг атрофида гирдикапалак бўлишарди. Лекин ҳеч ким унинг кўзларида бирор мойилликни пайқаган эмас. У ҳеч кимга алоҳида қулиб боқмас, ҳаммага баравар ширин муомала қилар эди. У пайтларда тоғларда қизларни эрта эрга беришар эди. Обидатни ўн бешда узатишди. Субайбатга ҳам харидорлар кўп эди, лекин ота-онаси ўзларининг энг сеvimли фарзандларисиз бу уйда ёлғиз қолишни тасаввур ҳам эта олмас эдилар. Уларнинг ғала-ғовур уйлари унинг қўнғироқдек овозисиз ҳувиллаб қолади-ку. Субайбатнинг ўзи ҳам эрга тегишга шошилмас эди. У муҳаббат ҳақида ашулалар айтса, ҳам севги ҳали унинг юрагини титратмаган эди.

Ниҳоят, бир кун...

Бу унинг ўн саккизинчи ёзи эди. Овулда, паҳлавонлар келибди, деган хабар тарқалди. Улар энг катта хирмонга устун қоқиб, арқон боғлашган эмиш. Уларнинг кийимлари бошдан-оёқ тилладан эмиш. Уларнинг орасида бир ёш паҳлавон бор эмиш, ашула айтганида қизларни дарҳол ўзига ром этар эмиш.

Одамлар тўпланган жойга Субайбат ҳам етиб келди.

Қадди-қомати камон ўқидек тик, камалак иписимон таранг, юзлари сутдек оқ, катта кўзлари ёздаги кўл сувидан ранг олган ёш паҳлавон дор устида юрганида Субайбатнинг юраги «жиз» этиб кетди. У атрофдаги ҳеч нимани кўрмас, кўзлари фақат паҳлавонга тикилган эди. «О, оллоҳ!» — деб юборди Субайбат уни илоҳий бир мавжудотга ўхшатиб.

Чиндан ҳам у овулдаги бирорта йигитга ўхшамас эди. Улар унниққан афти ангорлари, қўпол ҳазиллари билан унга тенглаша олармидилар.

У сирли табассум билан дор устида енгил юриб борар, табассуми қизларни ўзига тортар эди.

Субайбат берилиб кетганидан, жом кўтарган киши унинг олдида тўхтаганини пайқамай қолди. Фақат унга тушган танга товущини эшитганида чўчиб қаради-ю, ёнида пули йўқлиги эсига тушиб уялиб кетди. «Сенга



жарима солишга тўғри келади, гўзал қиз,— деди у жилмайиб,— қўшиқ айтиб бер».

Рад этиш мумкин эмас эди. У оёқлари бўшашиб, уч қадам олдинга чиқди-да, унинг қўлидан жомни олди. Узун, ингичка бармоқлари билан жомни чертиб ашула бошлади. Шунда паҳлавонга боққан кўзлар ундан узилиб, қизга тикилди.

Аввалига ишига халал берганлари учун паҳлавоннинг жаҳли чиқди. Унинг навқирон ёш чеҳрасида нозилик пайдо бўлди. Аммо кейин, қизнинг майин овозига бўйсуниб, у қўшиқ оҳангига мос, тез-тез юра бошлади. Назарида товонлари қушнинг панжалари новдаларни қучганидек арқонни қучар эди. Субайбат қўшигини тугатгач эса, арқондан сакраб тушди-да, у ҳам ашула бошлаб юборди.

У қиздан кўзини узмай куйлар эди. Йигит унга қараб тўймасмиди ёки қизни одамлар орасида йўқотиб қўйишдан қўрқармиди, ишқилиб унга тикилгани тикилган эди.

Лекин бу дунёда ҳамма нарсанинг ниҳояси бор: яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам. Худди шундай бу қўшиқ ҳам тугади, оқшом ҳам. Субайбат дугоналари билан уйига кетди. Эртаси куни у паҳлавонлар қўшнилари уйига жойлашишганини билди. Кундузи овулларга кетишар, кечқурун шу ерга қайтиб келишар эди.

Улар бир-бирлари билан қачон сўзлашишган, қачон учрашишган, қайси дарахт уларни ўз шохлари билан яширганлигини биров билмайди. Лекин тез орада овул бўйлаб Субайбат паҳлавонга тегар эмиш, деган овоза тарқалди.

Воқеа бундай бўлган эди. Ота-онаси қизларининг кўз ўнгиларида сўлиб бораётганини сезиб қолдилар. Унинг ёноқларидаги қизиллик йўқолди. Кўзидаги нурлар сўнди. Албатта, қизларининг келгиндига бўлган муҳаббати беташвиш юрган Асҳаб ва унинг хотинига оғир тушди.

Овулда бегонага қиз бериш номус саналар эди. Лекин қизларининг азоб чекишини кўриб, улар унинг йўлига ғов бўла олмадилар.

Субайбат кетаётганида бутун овул қайғурди. Йигитлар эса аламларидан пешоналарига уриб: «Бу муттаҳамни келган куниёқ тош билан уриб ҳайдаш керак эди», — дейишди.

Лекин орадан икки йил ўтгач, Субайбат қўлида тўрт ойлик чақалоғи билан ўша кетган йўлидан қайтиб кел-

ди. Унинг афти ангори худди безгак касали билан оғригандек сап-сариқ ва қаримсиқ эди. Ота-онасиникида қолишни рад этиб, сепини сотди-да, овул четидан кичкинагина жой сотиб олди.

Овулда унинг қайтиб келишига ҳар ким ҳар хил муносабатда бўлди. Биров жуда ачинди, биров суюнди. Лекин ачинганлар ҳам, суюнганлар ҳам Субайбатни овулга қайтишга нима мажбур қилганлигини билиш иштиёқида ёнар эдилар. Бу борада овулда турли мишмишлар тарқалди. Баъзилар паҳлавоннинг хотини, бола-чақаси бор экан, узоқ овулдан унинг хотини келибди, дерди. Бошқалар эса дордан йиқилиб, ўлибди, дейишарди. Учинчиси эса, Субайбатнинг ўзи унинг дайди ҳаётига чидай олмабди, дерди. Тўртинчиси...

Лекин булар ҳаммаси фақат тусмол эди. Анигини эса ҳеч ким билмас эди. Субайбатнинг ўзи паҳлавон билан ўтган ҳаёти ҳақида ҳеч кимга гапирмасди. Фақат одамлар гоҳ-гоҳда унинг йўлга тикилаётганини ва кўзлари кимнидир кутаётганини кўриб қолишарди. Балки одамлар буни ҳам тўқиб чиқаришгандир.

Икки йилдан кейин Субайбат ўзига келиб, яна очилиб кетди ва тез-тез совчилар келадиган бўлиб қолди. Лекин ҳамма ҳайрон, у барчага рад жавобини берарди. Афтидан, унинг юрагига муҳаббат уруғини сочишнинг уддасидан ҳеч ким чиқа олмади шекилли. Унинг бирдан-бир овунчоғи Рашид эди. У уни ўзи орзу қилганидек тарбиялади. Рашид виждонли ва хушфёъл бўлиб ўсди.

Рашиднинг ҳалок бўлгани ҳақида хабар олганида у даставвал эсини йўқотаёзди. У жинни бўлиб қолади, деб қўрққан қўшнилари ҳар куни галма-галдан унинг ёнида қараб ўтиришди. Лекин у ўзига келди, тирилди, эсини йўқотмади. Кундузи ҳамма қатори далада ишлар эди. Кечқурунлари ўғли ҳақида ўйлар, хатларини қайта-қайта ўқир эди. Аста-секин унда умид пайдо бўла бошлади. У одамлардан, баъзан ўлган деб ҳисоблаганлар ҳам қайтиб келаётганини эшитди. Сўнг Рашид ҳам қайтиб келади, деб ишонди. «Балки янглишишгандир, балки асирликдадир», деб ўйлар эди у. Субайбат ана шундай умид билан яшар эди. Ҳаётининг маъноси шу эди. Бу вайтга келиб ота-оналари дунёдан ўтишган, ўзига бино қўйган, тамагир опаси ва унинг ўғиллари билан бир умр чиқшмас эди. Онаси ўлганида Субайбат аёллар билан унга аза тутганида, Обидат онасидан қолган нарсаларни уйга ташиш билан овора

бўлди: Субайбат ҳам ўз ҳақини талаб қилади, деб қўрқди.

Субайбат эса ота-онасининг уйидан игна ҳам олмади. «Битта уйим бор. Иккинчисини нима қиламан. Бир қушга бир уя бўлса, бас», деди. Обидат эса буни тушунолмай узоқ қийналди. «Синглим аҳмоқми ёки айёрми?» — деб ўйлади. Лекин умрининг охиригача ҳам бунинг тагига ета олмади.

Рашид ҳалок бўлгач, Обидат синглим узоққа бормайди, ўлганидан кейин бор дунёси менга қолади, деб тама қилди: ахир Субайбатнинг бошқа қариндошлари йўқ-да. Лекин «бу тентак кампир бирор нарса ўйлаб чиқармасин», деб ҳар эҳтимолга қарши унга яхши гапира бошлади. Синглисининг набираси пайдо бўлганида Обидат қандай аҳволга тушди денг. У дарров Сидрат мерос талаб қилади, деб ўйлади-да, жанжал бошлади.

Субайбат Розадан жонини ҳам аямас эди. У аввалдан Сидратни яхши кўрар, ўғли уни танлаганида жуда суюнган эди.

Тўғри, баъзан ёлғиз қолган онларида унинг юрагида шубҳа пайдо бўларди. Шунда у сандиқдан ўглининг хатларини олар, ҳар бир қаторини ёддан билса ҳам кўзларига яқин келтириб, қайта-қайта ўқир эди. Шунда юрагини қаттиқ оғриқ чангаллар, нафас олишга қийналар ва деразани тезроқ очиш учун дераза олди-га зўрга етиб борар эди. «Наҳотки Сидрат Рашидни тез унутган бўлса, — алам билан ўйларди у бундай дамларда, — лекин ким билсин, балки улар, у бу хатни ёзганидан кейин учрашишгандир. Уруш уруш-да. Уруш-да ҳар нима бўлиши мумкин».

Албатта, у Сидратдан Рашид билан учрашган-учрашмаганини очиқ-ойдин сўраб билиши мумкин. Лекин у Сидрат «йўқ», деб жавоб беради, деб қўрқар эди. Унда у ким учун яшайди? Шу тарзда у Роза ўзининг набираси эканлигига ўзини аста-секин ишонтириб борди ва унга набирасидай жуда ўрганиб қолди.

\* \* \*

Субайбат ўзгариб кетди. Сидрат билан Роза келишганидан сўнг, худди унинг ўғли Рашид фронтдан қайтгандек тетикланиб қолди.

Унинг музлаган сувдек қотиб қолган юзи юмшади. Яқингинада хира тортган кўзларида шодлик учқунлари чақнади. Кечагина судралиб қолган оёқларига қувват кириб, ёшлардек тез-тез юрадиган бўлиб қолди.

Уғлидаш қорахат олганидан бери унинг келинига атаб қўйган нарсалари сандиқда нафталин сепилганича ҳидланиб ётар эди. Энди Субайбат сандиқнинг қуйма қопқоғини осонлик билан олиб ташлади-да, нафталиннинг ўткир ҳидидан бурнини олиб қочиб, нарсаларини ола бошлади. У рўмоллар, ёпинғичларни олиб, қоқиб шамолласин, деб айвонга ёяр эди.

— О, менинг бриллиантимнинг тилласи,— эркаларди у Розани, эрталаб, кечқурун бирор нима кўтариб чиқиб.

— Ойи, бувим билан ётгим келяпти. Майлими? — Роза ойисини ҳол-жонига қўймас эди.

Сидрат рози бўларди:

— Бора қол, қизим. Лекин бувингнинг айтганларини қил.

«Ҳар бир дарднинг давоси бор. Набираси вақтида келди-да, кампирни асраб қолди»,— дейишарди овулдагилар. «Набираси топилгани қандай яхши бўлди-я. Бўлмаса Субайбат оллойи таолога омонатини аллақачон топширган бўлар эди».

Фақат Субайбатнинг ўзига эмас, унинг уйига ҳам жон кирди. Сақлани ер билан баробар қилишга урингандек ўт босган том тозаланиб, силлиқ бўлиб қолди. Субайбат чим илдизларини юлиб, томини сувади. Сувоғи кўчган, резги тахталари кўриниб қолган айвон энди оқариб кетганди. Субайбат айвонни бутунлай бошқатдан суваб, оқлаб чиқди. Уй янгиланди, кекса аёлнинг юраги ҳам янгиланди.

Лекин овулда Роза билан Сидратни ҳамма ҳам очиқ юз билан қарши олмади. Бахтиёр Сидратга қараб ҳамма ҳам хурсанд бўлмади. Ютуқлардан сўнг ташвиш келади. У қарғанинг қанотида эмас, ҳасадгўйлар ва ғийбатчиларнинг тилида келади. Ёз кунларининг бирида Сидрат Розани чўмилтирмоқда эди.

— Бу тилла, бу офтобни олиб келганинг қандай яхши бўлди-я,— дерди Раҳимат қизчанинг устидан кўзадаги илиқ сувни қуяр экан.— Субайбат қайтадан дунёга келди. Мен ўзим ҳам билмайман, илгари сизларсиз қандай яшаган эканман. Билиб айтишар экан: «Боласиз уй — мозор», деб.

Розани совун кўпиклари момиқсимон булутдек ўраб олган эди. Унинг атрофида пуфакчалар пайдо бўлиб, ёрилар, уларнинг ҳар бирида қуёш камалаги чақнар эди. Қуёш қизнинг тимқора кўзларида акс ётар эди. Қуёш иккала аёлнинг кўзларида сузар эди.

Раҳимат кўзани тўлатди-да, Розанинг устидан қўйди. Оппоқ совун кўпиклари қизчанинг силлиқ баданидан осонгина сурилиб тушди. Роза қийқириб кулар, тоғора тўла кўпикни оёғи, қўллари билан чапиллатар эди. Кўпик тошиб, айвонга парча-парча бўлиб тушар, Сидратнинг чиройли юзларига, Раҳиматнинг оппоқ сочларига сачрар эди.

— Секинроқ, қизим, қара, ойингнинг кўзи ачишиб кетди-ку, — дерди Сидрат этаги билан кўзини артиб.

— Менинг ҳам кўзим ачишди, мени ҳам, — шодланарди Роза оёқларини баттар шапиллатиб.

— Ҳамма болалар чўмилаётганида шундай қилишади, — куларди Раҳимат, — қўявер, жонига теккунча қуй.

— Бўлди, бўлди, Роза, чиқ, — кескин деди Сидрат қўлида сочиқни тайёрлаб.

— Яна озгина. Охирги марта, — ҳаяжондан қичқирар эди Роза. — Совунни бер! Сув қуй!

— Биласан-ку, ишга шошиляпман. Қани, чиқ! Тез!

— Қўй, Сидрат. Майли, бола яйрасин, — Розанинг ёнига тушди Раҳимат.

— Майли, қаптарларим, ғувғувлашинглар. Сизларга гап уқтириб бўлармиди.

Сидрат ўрнидан туриб, фартуғини ечди-да, чиқиб кетди.

Субайбатнинг уйи олдидан ўтаётганда, ўз исмини эшитиб, сергак тортди. Субайбат билан опаси Обидат жигиллашишмоқда эдилар.

— Кўза синса уни кўтарган жавоб беради. Сендан маслаҳат сўраб бормайман. Мен ўз ақлим билан яшайман, сен ҳам ўз ақлинг билан яша. Қуш ҳам, кичкинагина боши бўлса-да, бировдан ақл ўрганмайди. Мени ўз ҳолимга қўй, — ҳаяжонданиб гапирар эди Субайбат.

— Сенда ақл нима қилсин! Лақма кампир. Бўлмаса Сидрат сени бундай алдаёлмаган бўлар эди. Пўстинни ким йиртган бўлса ўша тиксин. Сидрат йиртганми, ўзи тикиши керак. Сенга нима зарур? — бақирарди Обидат.

— Алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ! Худога шукурки, мени кексайганимда ёлғиз қолдирмади. Менга набира берди, — жавоб берди Субайбат.

— Вой, ушла мени, бўлмаса йиқилиб тушаман, — белини ушлаб хахолади Обидат, — агар у сенинг набиранг бўлганида, ҳозир гапириб ўтирармидик. Сен

унинг кимданлигини биласанми? Балки сенинг ўглингни ўлдирган немисдан бўлгандир. Сенинг молу мулкингни деб у қизчани ўртага тикди. Яна Рашиднинг қизи, дейди.

— Худодан қўрқ, Обидат,— Субайбат ўрнидан туриб бақириб юборди.

— Мен нимадан қўрқаман. Сени мен алдаётганим йўқ-ку. Мен сенга синглим деб айтяпман: ўйлаб кўр. Сени алдашларига йўл қўйма. Бу қиз менинг томоғимга суякдек тиқилди.

— Нега тиқилади? Бу менинг набирам. Набирам, эшитяпсанми? У энди менинг бирдан-бир қувончим! Тушундингми?

— Агар сен бирор болани олиб тарбияламоқчи бўлсанг, туғишган синглингдан олгин эди. Бегонага хизмат қиляпсан.

— Сенинг болаларингга хизмат қилишим мумкину набирамга мумкин эмасми? Шунақами, Обидат? Шундай демоқчимисан? Шунинг учун бу мараз гапларни гапиряпсанми?

— Вой,— ингради Обидат,— жуда бўлмаса «набирам», дема. Бошимдан олов чиқай, дейди-я.

— Обидат, агар сен шундай десанг, кейин одамлар гапира бошлайди. Бу менга жуда оғир ботади. Худо ҳаққи, агар менинг набирам ҳақида ҳозир менга айтганларингни битта одамга ҳам айтсанг, менга опа эмас, душманамсан.

— Вой-вой, синглим ақлдан озибди. Аҳмоқни учратмаса ақлли боймас, деб бекор айтишмаган,— Обидат жавраб зинадан туша бошлади.

Сидрат, дарвозага суяниб, дағ-дағ титрарди. «Демак, одамлар шундай дейишар экан-да». Унинг қулоғида Обидатнинг сўзлари жарангларди. «Балки қиз немисдандир...»

У бу ҳасадгўй билан рўбарў туриб, исбот талаб қилмоқчи бўлди. Лекин кейин яна ўз фикридан қайтди, яхшиси, бундайлар билан тенг келиш керак эмас.

Сидрат иш куни қандай ўтганини билмади. Унинг тўзитилган ари инидек миясида қайғули фикрлар чарх урар эди. У узоқ ўйлаб, ҳаммасини Рашиднинг онасига очиқдан-очиқ айтиш керак, деган фикрга келди.

...Бу урушдан кейинги биринчи йил эди. Сидрат медпунктда ишлар эди. Касаллар кўп — эртаю кеч тиним билмас эди. Мана бугун ҳам чиқиб кетиб, қаергадир яшириниб, ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб, тўйиб-тўйиб йиғ-

лагиси келди. Лекин касалларнинг кети узилмас, мед-пунктда унинг ёлғиз ўзи эди.

Мана, Сидрат энг сўнги беморни кўриб бўлди. У аста овул бўйлаб борар, ҳамқишлоқлари билан уч-рашмасликка ҳаракат қилар, нуқул ўйларди. Субайбатнинг кўнглини огритмай, қандай айтиш мумкин. Мана чиройли, ҳаворанг панжарали Субайбатнинг айвони. Бу ерда осойишталик ҳукм суриши шундоқ сезилиб турибди. Яқин-яқинларда ҳам шундай эдими? Сидратнинг юраги зирқираб кетди. У энг майин, энг ширин сўзларни топиб, зинадан кўтарилди ва айвон эшигини очди. Уша пайтлардан бери... Субайбат қанча таклиф этса ҳам бу остонага қадам қўйишга унинг юраги дов бермаган эди.

Мана, айвоннинг Рашид қизчага ўзи ясаган машина ва самолётлар кўрсатган бурчаги. «Наҳотки шундай бўлган эди-я... Бўлган ва ўтиб кетди...» Сидратнинг кўз олдига Севастополь, қоп-қорайиб кетган вокзал ва ярадорларнинг инграши келди. Оёқлари титради. Унинг зинага ўтириб, кўзларини юмиб олгиси ва ҳеч нарсани ўйлагиси келмади. Лекин шу он қулоғига бола кулгиси эшитилди. Кулаётган Роза эди. Сидратнинг уйга киргиси келди. Лекин кирмай, секин юриб айвонга қараган дераза олдига борди.

— Қуён келяпти, тулки келяпти, бўрсиқ келяпти ва сени «ҳап-ҳап»... — эшитилди унга. Субайбат Розани ўйнатиб шундай деяётган эди.

— Яна, буви, яна,— хахолаб унга ёпишарди Роза.

Ҳозир Субайбат жуда бахтиёр эди. Агар ундан набирасини тортиб олсанг, тамом, унинг учун ҳаёт тугайди.

— Вой, қизгинам-ей, сут тошиб кетгандир,— Субайбат шошиб ўрнидан турди.— Кел, менинг какликкинам, бувингга қарашиб юбор. Манави докани ушлаб тур, сутни сузайлик.

— Буви, менга сузма берасанми? — сўради докани қаттиқ ушлаб Роза.

— Нимага бермас эканман. Ҳозир бераман,— у тарелкага сузма солиб, устидан сариёғ қуйди, қизчага узатди. Кейин унинг нозик, майин, калта сочли бошини қучиб куйлади:

Олтин-олтин сочларим  
Тўдғанар тўлқин-тўлқин.

Сидрат муздек дераза ойнасига юзини тираганича жим турар эди. «Йўқ, йўқ, минг марта гуноҳкор бўлай, лекин ҳеч қачон Роза Рашиднинг қизи эмас, деб айтмайман. Роза Субайбатнинг уйида момоқалдироқдан сўнг чиққан камалак. У унинг музлаб қолган юрагини эритди. Унинг кексалик йилларига илиқлик бахш этди. Мен унга қандай қилиб шундай зарба бера оламан? Қандай қилиб нақ юрагига ханжар ура оламан». Сўнг Сидрат айвондаги палос устидан авайлаб ўтиб, эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Кечқурун Сидрат ва Раҳимат овқатга уннашаётган пайтда, Субайбат билан Роза чиқишди.

— Сидрат, қизим, ҳали ҳам умидим бор, худо ёрлақаса ҳеч гап эмас. Ахир беному нишон кетганларнинг кўпи қайтиб келишди-ку. Балки Рашид ҳам тирикдир. Йўқса, набира бергани учун ҳам худога минг марта шукр. Шунинг учун сенга бир нарсани айтмоқчиман. Рашиднинг уйи ҳам, нарсалари ҳам сеники. Мен бирпас Розасиз туролмайман. Қаерга борсам, нима иш қилсам ҳам набирам борлигидан суюниб юраман. Шунинг учун агар Рашид қайтмаса, ёш умриггни хазон қилма, дейман. Ҳали ёшсан, уй қилишинг мумкин. Ҳозирча эса биз ҳар хил ғийбатларга қарамай бирга туришимиз керак, — деди Субайбат ва «нима деркин», — деб Раҳиматга қаради.

— Меҳрибончилигинг учун раҳмат, — деди Сидратнинг кўнгли бузилиб. — Гарчи алоҳида-алоҳида уйда турсак ҳам бир оиладекмиз. Агар отам келгунича сеникига чиқиб кетсам, онам Раҳимат ёлғиз қолади. Шунинг учун... мени кечир...

— Вой, Субайбат опа, бундай гапларни гапирма. Агар қизим сеникига чиқиб кетса, мен қандай яшайман. Агар ишида бир оз ушланиб қолса, юрагим қинидан чиқай дейди-ку, — сапчиб тушди Раҳимат.

— Эй, худо, сенинг гапинг ҳам ҳақ, — кўна қолди Субайбат. — Мен ҳам инсофсизлик қилибман. Набирам бор, яна Сидратни тортиб олмоқчиман. Гоҳо, ўғлим эмас, уни ўзим яхши кўрганман, деб ўйлайман. Вой, кўзимнинг оқу қораси, Раҳимат, Розага қарагин. Отасига қандай ўхшайди-я: бурни, пешонаси, даҳани... худди икки томчи сувдек. Баъзан ўйлайман, Рашид-



нинг кўзлари ҳам шунақа эди-ю, кейин ўзгарган эди-да, деб,— Субайбат Розани кўтариб, тез-тез ўла бошлади.

... Кейин эса шундай воқеа содир бўлдики, у Сидратнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бир куни у одатдагидек, медпунктда эди. Субайбат ўтиб кетаётиб, уни деразадан кўрди-да, касаллар йўғида бир оз гаплашиб ўтирай, деб кирди. Шунда бирдан эшик тақиллаб қолди.

— Мумкинми?— деб сўради таниш эркак овози ва уларнинг суҳбатларини бўлиб қишлоқ Советининг раиси Ҳусайн билан бирга район ижроия комитетининг раиси Ҳамид кирди.

— Марҳамат, марҳамат,— очиқ қарши олди уларни Сидрат ва хонадаги бирдан-бир бўш табуреткани суриб қўйди. Хона бирдан тиқилинч бўлиб кетди.

— Шу сизнинг медпунктингизми?— ҳайрон бўлди Ҳамид кичкинагина хонани кўздан кечириб.

— Агар бирдан икки касал келиб қолса, менга тикка туришга тўғри келади,— деди Сидрат.

— Булар ҳаммаси арзимаган гап. Уруш тугаганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Вақти келиб, катта касалхона қурамыз. Ҳозир эса биз сени институтга ўқишга юбормоқчимиз.

— Мени-я?— ҳайрон бўлди Сидрат.

— Ҳа, сени.

Сидрат гарангсиб гоҳ Ҳусайнга, гоҳ Ҳамидга қарар эди.

— Боришинг керак,— тасдиқлади Ҳусайн.

— Медпунктдан ташвишланма,— деди Ҳамид.— Ҳозирча ўрнингга одам топамиз... Бизга врач керак, Сидрат. Ана шу врач сен бўласан.

— Йўқ, йўқ, нималар деяпсизлар ўзи. Бир-икки йил мен ҳеч қаёққа боролмайман. Қизим кичкина, оймга қарашим керак.— Сидрат шундай деб, негадир Субайбатга ўгирилди. У эса гўё гап нима ҳақида бораётганини тушунгандек, деди:

— Сен Роза ҳақида ўйламай қўя қол. Мен уни шундай асрайманки, бошига бир томчи ёмғир ҳам томмайди. Раҳимат ҳам, худога шукур, мункайиб қолгани йўқ. Бировнинг ёрдамига муҳтож ҳам эмас, оёқ-қўли бут.

— Вой, билмадим,— ўйланиб сўзлади Сидрат,— бу-ку, менинг эзгу орзуим. Лекин ҳар ҳолда ўзим ҳал қилолмайман. Бугун ойм билан маслаҳатлашаман,—

унинг кўзларида умид чақнади: «Наҳотки унга ўқишга боришини таклиф этишяпти? Наҳотки бир умрлик орзуси ушалади? Наҳотки бунинг иложи бўлса?»

— Рози бўлавер, ўйлашнинг кераги йўқ,— деди қатъий Субайбат,— Раҳимат «йўқ», дермиди, у сенинг йўлингга гов бўладиганлардан эмас. Ҳамид сенга оталик қилиб, бор, деяпти. У сенга ёмон маслаҳат бермайди. Хуллас, ҳамма ишингни ташла-ю, йўлга отлан,— хулоса чиқарди Субайбат.

— Қойил,— уни қувватлади Ҳамид.— Тўғри айтасан. Ахир ўн бош ғўра узумдан кўра бир бош пишганини еган афзал, дейишади-ку. Бир ўқимишли калла йигирма ўқимаган калладан афзалроқ,— Ҳамид ўз ҳазилига ўзи хахолаб кулди.

Шундай қилиб овул медрпунктида бир йил ишлагач, Сидрат шаҳарга ўқишга кетди. Роза эса ундан жонини ҳам аямайдиган икки бувиси билан бирга қолди.

Субайбат ана шундай аёл эди! Она-Ер унга парқудек юмшоқ бўлсин. Эсиз, фақат у Розанинг тўйини кўра олмади...

## УН УЧИНЧИ БОБ

Сидрат Розани узатгач, Субайбат унга совға этган уйини яслига бермоқчи бўлганида Обидатни бутунлай унутган эди.

Ишдан қайтаётган Сидрат уват четида уни кўрди-ю, ўтиб кетишини кутиб турмоқчи бўлди: бу шунчалик ёқимсиз учрашув эди.

Лекин бунинг иложи бўлмади. Обидат, афтидан, уни кутиб турган эди.

— Ишдан келяпсанми? — меҳрибонлик билан сўради у Сидрат унинг олдига етиб келгач,— чарчаган кўри-насан? Ҳалиям ишляпсанми?

— Ҳар кимнинг ўз иши бор,— Сидрат истамайгина жавоб берди.— Сиз пичан ўргани чиқдингизми? — У ўтиб кетмоқчи бўлди.

— Сени кутаётган эдим, тилло қизим,— Обидат унинг йўлини тўсди.— Кел, уватда ўтириб, гаплашамиз.

— Бу йил ўт қандай яхши-я,— деди Сидрат майсалар устига ўтирар экан, уни сийпаб.

— Ўт ўт билан-ку, менинг сенга жиддий гапим бор. Одамлардан эшитиб қолдим, сизлар менинг синглимининг уйини текинга қишлоқ Советига бермоқчи эмишсизлар. Албатта, мен бунга ишонмадим. Сидрат эслиқушли хотин, бундай қилмайди, дедим,— узиб олди

Обидат, — лекин ҳар ҳолда юрагим ачиди. Ке, бориб ўзидан сўрай-чи, деб ўйладим.

— Синглингиз уйини набирасига қолдирган, набира-сининг эри эса уй-жойли йигит. — Сидрат ўзини босиб гапиришга уринди — шунинг учун у ўзиникини қишлоқ Советига ясли учун беришга аҳд қилди. Мен сиз ҳаммасини тушунгандирсиз, деб ўйлаган эдим, сиз бўлса яна ўзингизникини маъқуллаяпсиз, — Сидрат ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Мусулмонлар, — чийиллади бирдан Обидат. — Кўряпсизларми, эшитяпсизларми? — у ўзининг ширин-сўз бўлиши ҳақидаги режасини унутган эди, — дўхтирман, деб кўнглингга келганини қилаверасанми. Билиб қўй, ёлғон билан қурилган уйни фалокат босади. Синглим шўрлик, сени алдашди, қандайдир насли насаби номаълум бир қизни Рашиднинг қизи, дейишди. У тентак бўлса ҳамма нарсани сизларга қолдирди. Бизга, қонуний меросхўрларга эса ҳеч нарса йўқ. Хўш, бундан сиз қандай фойда кўрдингиз. Ўзингизга ҳам йўқ, бошқаларга ҳам. Ҳеч ким текиннинг қадрига етмайди. Ҳамма нарсани сотдингиз. Пулни нима қилдинглар? Хотинларга ачинганмиш, овулга сув олиб келишганмиш. Сизлар атайлаб қияпсиз, ишқилиб, бизга тегмаса бўлгани. Шариат бўйича уй менга тегишли. Менга бировнинг нарсаси керак эмас. Ўзинг биласан, Сидрат, мен художўй хотинман, агар йўлда олтин ётса олмайман, гуноҳдан қўрқаман. Нақ шайхнинг олдида тўғри яшашга ният қилганимни ҳамма билади. — Сидрат гўё Обидат унга гапирмаётгандек, эътибор бермай юриб борар эди. Лекин унинг сўнгги сўзлари кулгисини қистатди.

— Сенинг гуноҳ ва ният ҳақидаги гапларинг менга бир тикувчининг кирдикорларини эслатди, — мийиғида кулди у.

— Бунга тикувчининг қандай алоқаси бор? — қўл силкиди Обидат.

— Алоқаси бор. Жуда қадим замонда бир уста бичиқчи яшаган экан. Лекин мижозлари олиб келган мовутдан ўғирламаган гали бўлмас экан. Бир куни бичиқчи касал бўлиб қолибди-ю, тушида ўғирлаган матоларидан тикилган байроқни кўрибди. У байроқни ушламоқчи бўлибди. Лекин байроқ оловга айланиб, қўлини куйдирибди. Бичиқчи сал ўзига келгач, уни парвариш қилаётган одамга, агар худо дардига шифо берса, ҳеч қачон ўғирлик қилмаслигини айтибди. Оллоҳ

унинг сўзига ишонибди. Бичиқчи тузалиб кетибди. Лекин биринчи иш келиши билан ундан ўзи учун қай бир парчани кесиб олишни ўйлай бошлабди. Шунда ҳалиги одам унга ваъдасини эслатибди. Хўш, тикувчи нима деб жавоб берибди? У: «Ахир у байроқдаги мовутнинг ранги бундай эмас эди-ку», деб жавоб берибди. Ушанга ўхшаб сенинг ҳам гуноҳу савобинг араллашиб кетган.

Бу ривоят Обидатнинг жонини ҳалқумига келтирди.

— Сенинг қўлингдан ҳар иш келади,— ўзини йўқотиб қичқирди у.— Илоё худонинг ғазабига дучор бўлгин.

— О, агар сен ўша худо бўлганингдами...— яна кулди Сидрат.

— Худо хоҳласа биронта тирик жон синглимнинг уйи эшигини очмайди,— тантанавор деди Обидат икки қўлини кўкка чўзиб.— У шунча нарсани таги пастлар учун йиққан эмас. Ҳар кимнинг ташвишини ўз ота-онаси қилсин.

Лекин Сидрат бир оғиз сўз айтмади. Бу эса Обидатнинг ғазабини баттар қўзғади. Сидрат ўз уйига етгач, ҳовлисига кирди-да, дарвозани ёпмоқчи бўлиб ўгирилди.

— Нима, шундай қилиб сен менга ҳеч нима демайсанми?— шошиб қолиб бақирди Обидат.

— Ҳеч нима. Сендай кучли хотин билан олишишга менда куч қайда дейсан?— Сидрат шундай деди-да, дарвозани беркитди.

— Юзсиз,— Обидат қўшнилари ҳам эшитсин, деб қичқирди.— Кўряписизларми, гапиришгиси ҳам келмайди. Тошдек, миқ этмайди.

Сидрат айвонга чиқиб кетди. Лекин анчагача қулоқлари тагида Обидатнинг сўзлари жаранглаб турди.

«Тўғри қилдимми?— ўйлади у,— ахир уй меники эмас-ку»,— сўнг шу ондаёқ ўзига-ўзи жавоб берди: «Ҳа, тўғри».

\* \* \*

Сидрат эрталаб касалларни кўриб бўлиб, касалхона ҳовлисига чиқди. Юзига тоза ҳаво урилди, лекин бундан унга енгил бўлмади. «Шунчалик чарчоқ қайдан пайдо бўлди-я,— ўйлади у,— кун энди бошланди-ку ахир. Наҳотки, ўтган йиллар таъсири бу... Ёки Обидат билан бўлган кечаги учрашув хафа қилдими мени?»

У бўм-бўш ҳовлига кўз югуртирди, нигоҳи янги

касалхона қурилиши керак бўлган жойда тўхтади. Сўнг боши дарҳол тиниқ ишлай бошлади, чарчоқни бутунлай унутди.

Тирноғини тишлаб, кўзини қисиб, қурилишга қанча маблағ кетишини ҳисоблай бошлади. Кўзлари эса энди шамол занглаган консерва банкасини учуриб юрган бу бўм-бўш саҳни эмас, баланд пешайвон, топ-тоза ойналар, дераза токчаларидаги гулларни кўра бошлади. У гўё бу жойни узоқдан кўрмоқчи бўлгандек ўзини орқага олди, кейин бирор нарсани ҳал қилгандек, тез касалхонага қайтди.

— Умагани, уйга чақирганлар борми?

— Ҳозирча йўқ, доктор.

— Мен райижрокомга бораман. Агар битта-яримта уйга чақириб қолса ўша ёққа телефон қил.

Сўнг Сидрат халатини ечиб, пешайвондан тушди.

У дала бўйлаб борар эди. Кечаси ёмғир ёққан, жўхори поялари ялтирар эди.

Ёмғир бўлиб ёға олмаган бир хафагазак булут осмонда осилиб турар, унинг қанотлари орасидан қуёш шодон боқар эди.

Сидрат райижрокомга етиб келганида, очиқ ҳавони иккига кесиб камалак кўринди. У гўё бир планетадан иккинчисига ташланган уч хил осма кўприкдай турар эди.

Сидрат, худди болалигидаги сингари, қувониб, ҳайратланиб тўхтаб қолди.

— Қачондаң бери кўзингни шира босиб қолди? — бу ҳолатни кимнингдир овози бўлди. Ҳамид унга пешвоз келарди.

Сидрат уни гўё қандайдир гуноҳ иш устида тутиб олганларидек ўнғайсиз аҳволга тушди. Ўз аҳволидан эса ўзининг жаҳли чиқди.

— Нега жаҳлинг чиқяпти? — сўради Ҳамид.

— Агар бунинг уддасидан чиқсам эди...

— Ҳар ҳолда сен бугун биз билан уришгани келганга ўхшайсан, афтингдан кўриниб турибди, — Ҳамид ўзининг топағонлигидан хурсанд эди.

— Уришишга мажбур қилманг...

— Хўш, биз нега бу ерда турибмиз. Юр, қайтиб кираман. Омадинг бор экан, агар уч минут кеч қолганинда...

— Хўш, нимадан бошлаймиз? — сўради Сидрат

паришонхотирлик билан Ҳамиднинг қаршисидаги креслога ўтирар экан.

Унинг кўзларида ҳамон бояги мусаффо осмондаги камалак акси турар ва Сидрат ҳеч ишчанлик ҳолатига туша олмас эди.

— Нимадан бошлашни сен билишинг керак. Хужум сендан, — Ҳамид креслога ўрнашиброқ ўтириб олди, — мен эсам ўзимни ҳимоя қилишга уриниб кўраман.

— Балки бугун хурсанд қиларсан мени?

— Афсуски, йўқ. Ҳали аниқ бир қарорга келингани йўқ. — Лекин унинг юзида умидвор этувчи табасум пайдо бўлди, — маблағ ажратишимиз мумкин, деган умид бор.

— Нима, охиригача ҳал этиш учун вақтингиз етишмайдими?

— Вақт-ку, қанча десанг бор. Фақат ҳозирча пул йўқ.

Сидрат, ҳозир чекиниш керак эмаслигини сезиб, хужумга ўтди. Янги касалхонанинг бўлиши ёки бўлмаслиги унинг қатъийлиги ва ишончига боғлиқ эди.

— Пулни топиш керак, — деди у кескин. — Касалхона менга эмас, одамларга, районга керак.

— Сен ҳар доимгидек ҳақсан. Мени бу масалада сендан кам манфаатдор деб ўйлама. Лекин бирдан ҳаммасини қилиб бўлмайди. Эсингда борми, сен дастлаб иш бошлаган пайтларингда, сизларда фақат йигирмата койка бор эди, энди бўлса бутун бошли касалхона.

— У пайтлар бошқа эди, — тез қаршилиқ билдирди Сидрат. — Бирорта тоғ аёли бу ерга туққани келмас эди. Бу номус ҳисобланар эди. Касалхонага ётқизади, деб қўрқиб, колхоздан ҳомиладорлик отпускасини ҳам олишмас эди. Доя, ҳамширани кўришса, рўхатга тушиб қолмайлик, деб яшириниб олишар эди. Куптиятнинг эрининг масаласини партия бюросида кўрганимиз ёдингдами. У ҳатто хотинини касалхонада туққани учун қўйиб юборган эди. Биласанми, уларни ўргатгунча, бу сарқитни мияларидан чиқариб ташлагунча қанча қийналган эдим. Энди бунга эришганимда, тоғ аёллари менга ишонишганида «йўқ, уйингизга қайтиб кетинг, жой йўқ», дейишим керак.

— Сен бекорга таъна қиляпсан. Мен ҳаммасини тушунаман, шароитни биламан. Лекин, афсуски, бундан бизнинг маблағимиз кўпайиб қолмайди-да.

— Унда мен нима қилишим керак? Касалларга қаёққа борсангиз бораверинг, дейишдан бошқа иложим йўқ. Бир маҳаллардагидек полиздами, дуч келган жойда туғаверинг, ўтган пайтлар қайтиб келди, дейманми?— қизишиб қичқириб юборди Сидрат.

— О, Сидрат! Сенинг қаршингда бош эгаман. Биламан, сенга жуда қийин: ҳам хирург, ҳам терапевтсан. Яна койка қўядиган жойинг ҳам йўқ. Лекин озгина сабр қил,— Ҳамид сўзлари унга аниқ эшитилишига умид қилгандек стол узра энгашди.

— Врачлар хусусида ташвиш қилма. Бу соҳада ютуқларим катта. Мана ўқи, бу соғлиқни сақлаш министрлигидан келган мактуб,— Сидрат хатни узатди.

— Табриклайман, табриклайман,— деди Ҳамид хатга кўз югуртириб. Биздан яшириб юрган экансанда. Қувончимга шерик бўлишмайди, деб ўйлагансанда.

— Нимасига қувонаман,— хафа бўлди Сидрат.— Терапевтни қаерга қўяман? Менда терапия бўлими йўқ-ку. Хирургия ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

— Сен одамларни кесмасанг туролмайсан-да.

— Ахир шу уларни ҳаётга қайтаргандан кейин...

— Сен сўзни бировдан қарз олмайсан.

— Тилим ҳали пенсияга чиққани йўқ.

— Бўйсунаман,— Ҳамид икки қўлини кўтарди.— Мен енгилдим, асирингман, Сидрат.

— Яхши, агар асирим бўлсанг — мен сенга буюришим мумкин.

— Буюр, мен тайёрман. Сирли таёқчамни ерга урсам бас.

— Янги касалхона керак.

Ҳамид жиддийлашди, унинг қошлари юқорига кўтарилди.

— Яхши,— деди у,— уч кундан кейин бу масала бюрога қўйилади. Ваъда бераман... Агар ўлмай етсам...— қўшиб қўйди у ҳорғин.

— Раҳмат, Ҳамид. Биламан, сен бир гапни бекор айтмайсан.

— Сен мени яхши билиб олганга ўхшайсан.

— Сенга бу шунчалик таъсир қилади, деб ўйламаган эдим. Яна озгина қўшишим мумкин.

— Бўлмаса-чи... Сен бу ҳақда менинг хотинимдан сўра. У мени кўриши билан мақтаб, эркалай бошла-

дими, дарров, «Ўзингни қийнама, нима керак? Айта қол»,— дейман.

— Мен ундан маслаҳат оламан.

— У албатта маслаҳат беради. Мен ҳам уни яхши биламан.

— Яна бир марта раҳмат, Ҳамид. Сени ортиқ ушлаб турмайман. Лекин унутма, сенинг эркаклик сўзингга ишондим.

— Энди сўзимнинг устидан чиқмаганимдан кўра, ўлганим яхшироқ,— уни эшиккача кузатиб ҳазиллашди Ҳамид.

Бу ташриф шундай тугади. Шу тарзда Сидрат тезда ўз орзусига етди. Ҳамид сўзида турди. Бир неча ойдан сўнг бурганлар ўсиб ётган, шамол занглаган консерва банкасини учириб юрган хароба ерда бўлажак касалхона учун пишиқ гишт уюмлари пайдо бўлди.

\* \* \*

Тоғларда сахий ёз ҳукмрон эди. Буғдой бўлиқ етилган. Дарахтларнинг оғир шохлари эгилган, мевалари ер билан битта. Йирик-йирик, эрталабки шудрингдан ҳўл олмалар ўт устига тап-тап тушади. Ҳар бир уйнинг томи, ҳовлисидаги кичик-кичик тахталар устида, айвонларда олмақоқилар қуриydi. Уйларнинг ҳаммаёғида ипга терилган қоқилар маржондек осилган.

Далада иш қизғин. Ҳавода янги ўрилган пичанинг хушбўй, ўткир ҳиди анқийди. Буларнинг ҳаммасига осмон катта-катта очилган кўзлари билан қараб турарди. Бу ёрқин, ёз бўйи оқариб кетган август осмони эди.

Сидрат яқинда ўрилиши керак бўлган баланд ўтлар орасидан юриб борар эди. Ўтлар оёғига ўралишар, юришига халақит берар, нақ билаклари ёнида шаффоф гултожихўрозлар силкинади. «Чиу-чи-чиу-чи», деб оёғи тагидан тўрғай осмонга кўтарилди. Сидрат чўчиб энгашди. Ўт орасини очди. У ерда қушнинг ини бор эди. Уч полапон жиш бўйинларини чўзиб, қўрқиб, унга қараб турар эдилар. «Кечир мени, тўрғайжон, кечир. Бу ҳаво, бу ўт-ўлан исидан бошим айланиб қолди шекилли. Шундай айланибдики, сенинг уягни пайқамай қолибман. Агар сенинг полапонларингни босиб олганимда ўзимни бир умр кечирмас эдим. Мен сенга душман эмасман, тўрғай. Хўш, бунча қич-



қирасан? Қўрқма мендан. Хоҳласанг узоқ-узоқларга уч. Мен бу ерда туриб, болаларингни қўриқлаб тураман».

Лекин тўрғай қичқиргандан-қичқирарди. Уяси тепасида чарх уриб айланарди. Полапонлар эса бошларини чўзиб, осмонга иложсиз мўлтираб қарар эдилар.

Шунда Сидрат тушунди: уларнинг истаклари фақат битта: унинг тезроқ кетишини кутишяпти. У ўрнидан туриб, баланд ўсган ўтлар орасидан, юксак осмон тагидан юриб кетди. Мана у болалигидан таниш товушни эшитди: бу чалғининг ҳуштак чалиб ҳавони кериши эди.

— Сидрат, Сидрат!— уни кўриб қичқаришди хотинлар.— Кел, агар чалғи ушлашни унутмаган бўлсанг, бизга ёрдамлаш.

— Иложим йўқ, хотинлар. Жуда шошиляпман. Қайтишимда қарашарман,— деди Сидрат қувноқ оҳангда.

— Доим шошиласан. Тўққиз ой ойингнинг қорнида қандай ётган экансан-а,— бўш келишмади аёллар.

— Вой, вой, вой, ўламан,— Содиқ қорнини ушлаб инграй бошлади. У ўт устига ўзини ташлаб, даҳшатли оғриққа чидай олмаётгандек, уёқдан-буёққа юмалай бошлади.

— Вой, ишни ўйламасанг ҳам бизни ўйласанг-чи,— хотинлар хахолаб унинг ёнига думалаб тушишарди.

— Қани, қорнингни кўрсат-чи,— деди Сидрат овози жиддийлашиб, кейин ушлаб кўрди, деди:— Касалинг оғир. Зудлик билан операция қилиш керак.

— Ма, дўхтир,— хотинлардан бири унга ўроқ узатди.

— Олиб кел! Агар ўткир бўлса скальпелдан қолишмайди. Биласизларми, унинг қандай ичагини олиб ташлаш керак. Ишёқмасини!

— Аллақачон шундай қилиш керак эди.

— Вой, керак эмас, дўхтир. Қўлинг тегиши биланоқ тузалиб кетдим,— деди Содиқ ўрнидан туриб, ўйинга тушиб кетар экан.

— Ҳа, қўрқдингми,— Сидрат жилмайди.

— Мени операция қилишнинг кераги йўқ. Фақат биз билан бирпас ўтирсанг бўлди. Чақирсак келсанг,— Содиқ тоғорачага ўрик солиб, кўзадаги сувдан қуйиб чайди-да, Сидратга тутди,— бу дўхтирлар ювилмаган ўрикни ейишмайди.

— Ҳа, бугун сизларда чинакамига байрам экан,— деди Сидрат маза қилиб ўрик данагини шимар экан.

— Бизда ҳар куни шундай. Қани, кимда нима бўлса, ўртага қўйинглар-чи. Овқат пайти бўлди. Қорним қўзғолон кўтаряпти,— жаврарди Содиқ.

— Агар сенга қарасак, бир кунда икки марта тушлик қилишга тўғри келади, Ҳалимат, сен эрингни яхши боқмайсан шекилли,— кулишарди хотинлар.

— Вой худо, эгачилар, энг ёғлигини унга бераман. Сидрат унинг кўричагини олиб ташлагач, яна ҳам кўпроқ овқат ейдиган бўлди.

— Нима бало, унга чўзиладиган ичак улаб қўйганмисан,— хотинлар ҳамон кулишар эди.

— Кулинглар, кулаверинглар,— Содиқ ўзини хафа бўлганга солар эди.

Соёга қўйилган тоғорача, кўзаларни олиб келишди. Кўм-кўк ўт устида бир зумда пиширилган янги картошка, сузма чудуси, яхна гўшт бўлаклари пайдо бўлди.

— Турмушингиз ёмон эмас,— деб қўйди Сидрат.— Энди ҳар куни бу ерга келаман.

— Биламиз сени... Агар Содиқ алдамаганида ҳозир ҳам қолмас эдинг. Манави ҳолвани тотиб кўр. Қизим шаҳардан олиб келди.

— Содиқ, кўзингнинг таги нега шишган? Ҳалимат билан уришганинг йўқми ишқилиб?— деб сўради Сидрат ҳолвадан тишлаб.

— Ҳа, яна мени кесгинг келиб қолдимми?

— У қандай худога шак келтирганини, худо эса бунинг қандай таъзирини бериб қўйганини эшитганинг йўқми?— деб сўради Ҳалимат эрига айёрона боқиб.

— Йўқ.

— Айтиб бер, Содиқ.

— Айтадиган нимаси бор буни?— Содиқ эриниб, пичан ғарамига суянди.— Қара, Сидрат, бу хотинлар мени масхара қилишяпти.— У Сидратга бўза солинган кўзани узатди.

— Ҳар ҳолда айтиб бер, Содиқ,— деди Сидрат кўзани олар экан.

— Э, ҳазиллашишяпти улар. Мен шунчаки бир оз нафасимни ростлаб олай деб, ҳув анави дарахт тагида ётган эдим,— у колхоз боғи томонга ишора қилди,— шу тепага қараб ётиб, нега катта дарахтларнинг

меваси майда-ю, ер бағирлаб ўсадиган ингичка новдаларда шундай катта қовоқлар етилади, балки бу оллоҳнинг хатоси бўлса керак, деб ўйладим. Шу хаёл бошимдан кечишини биламан, тепамдаги дарахтдан бир нок узилиб, нақ мана шу еримга тушса бўладими. Шунда мен худонинг донолигига қойил қолдим. Унинг ҳам ўз вақтида пешонаси ғурра бўлган бўлса керак-да, катта дарахтга майда меваларни осган. Агар нок дарахтида қовоқ пишганида борми, менинг бошим омон қолмас эди.

— Вой, ўламан-ей,— деди кулгидан ёшланган кўзларини артиб Ҳалимат,— Содиқ, энди бу ҳодисани ҳаммага айтиб беришингга тўғри келади. Бўлмаса, хотини урибди, деб гап тарқатишади.

— Биз у билан бор-йўғи бир марта уришганмиз. Униям бутун овулга овозаси кетган,— тўнғиллади Содиқ.

— Мен эшитмаган эканман-да. Ёки эсимдан чиқибдими-а,— яна бир қизиқ ҳикояни эшитишга шайланиб деди Сидрат.

— Ёшлигимизда,— бошлади Содиқ,— Ҳалиматим жуда рашкчи эди. Тўғриси, ўзим ҳам кўзга яқин йигит эдим-да, қизлар қарайверишар эди. Бир куни бозорга кетдим, Ҳалимат уйда қолди. Бундоқ қарасам чиройликкина қиз қоракўл териси сотяпти. Менга-ку, қоракўл керак эмас эди, лекин қиз жуда чиройли экан-да. Қоракўлни кўраётгандай бўлиб, қизга қараб туравердим. Бир маҳал кимдир орқамдан чиғиллаб қолди-ку. Бундоқ қарасам — Ҳалимат. Уни бозордан зўрға олиб чиқиб кетдим. Одамларнинг олдида уялиб кетдим. Уйга келдик, у эса менга қайрилиб қарашни ҳам истамайди. Нарсаларини тугиб, онамникига кетаман, дейди. Лекин бир кун ўтди, икки кун ўтди — Ҳалимат уйда, фақат менга яқинлашмайди, бўлак ётади. Бу менинг жонимга тега бошлади. Тентак хотинга учраган эканман, деб ўйлайман. Бир куни эса кечаси Ҳалиматнинг ўзи олдимга келиб қолди. У титраб, менга ёпишар эди. Ҳа, дейман, бечора эрини соғинибди-да. «Худонинг ўзи сени бағримга ташлади, жонгинам»,— деб шивирлайман унга. «Ўғри, ўғри»,— деб шивирлайди у бўлса.

Шунда мен уйда қандайдир шитир-шитирни эшитиб, ўғри тушганини пайқадим. Албатта, Ҳалимат ўз хоҳиши билан ёнимга келмагани менга сал алам қилди. Лекин барибир суюниб кетдим. «Эй, ўғри,— деб қич-

қирдим,— сен менга хотинимни қайтардинг. Уйимдан нима хоҳласанг, шуни ол!» Албатта, ўғри тортиниб ўтирмади. Ҳалимат тайёрлаб қўйган тугунни олиб жўнаб қолди. Шундан бери Ҳалимат мен билан уришмайдиган бўлди. Бу жанжал унга қимматга тушганини тушунди-да, тентак.

Ўт устига ёзилган оқ матода бўш тоғоралардан бошқа ҳеч нарса қолмагач, аёллардан бири ёшгина қиздан илтимос қилди:

— Бирор нарса айтиб бер.

Қиз қизариб, ерга қаради.

— Кун бўйи ашула айтавериб, қулоқни битирган эдинг. Энди айтмайсанми? Дўхтир учун айтиб бер.

Қиз бошини орқага ташлади, унинг нозик бўйни таранглашди. У гўё тўрғайни излагандек, осмонга тикилди. Кейин қўшиқ дала бўйлаб кенг ёйилиб кетди. Сидрат жимгина тинглаб, хаёл сурарди. Кейин чўккалаб ўрнидан турди. Ёпишган ўтларни қоқиб-суқиб хотинлар билан хайрлашиб уйига кетди. Қўшиқ эса бояги тўрғайга ўхшаб, орқасидан келиб овулгача кузатиб қўйди.

Муюлишда у кичкинагина гавдани кўрди. Бу Жамила эди. У бир оёғида сакрар эди. Сидратни кўргач, унга қараб югурди.

— Шидлат хола, Шидлат хола. Осиёт эртага шаҳарга дўхтирликка ўқишга кетади. У ҳам сенга ўхшаган бўлади. Биз дадам билан уйда қолдик,— бижиллаб гапирар эди у.— Мен ҳам яқинда мактабга бораман. Ана, дадам келяпти,— у Ҳусайн келаётган томонни бармоғи билан кўрсатди.

Ҳусайн бир қўлини силкитиб, тез юриб келар эди: иккинчи томондаги энги пиджагининг чўнтагига текислаб тиқиб қўйилган. У етиб келиб, бир қўли билан қизини чаққон кўтарди.

— Яна кузатиш пунктингга келиб олибсан-да?— деди қизига, сўнг Сидратга қараб сўзлади.— Нуқул сенинг уйингга югуради... Вақтли қайтадиган бўлиб қолдинг. Нима, касаллар камми?

— Ҳусайн, сен ҳам кузатувчанликда Жамиладан қолишмайсан.— Сидрат қизариб кетди.

— Сен эса, аксинча, сира ҳам кузатувчан эмасан,— деб қўйди Ҳусайн.

— Энди менга анча осон бўлиб қолди. Ёрдამчим бор.

— Осиёт ўқишга боришига ёрдам берганинг учун сендан шундай миннатдорки, Сидрат...

— Бу ерда менинг хизматим кам. Унинг учун имтиҳонларни мен топширганим йўқ.

— Ҳа, катта болалар уяларидан учиб кетишяпти.

— Қандай учишади?— гапга аралашди Жамида.— Қанотларидами?— У яйраб қўлларини қанотга ўхшатиб силкитди.— Мен ҳам уча оламан.

— Албатта. Биз сени ойга учирамиз,— Сидрат унинг майин сочларини силар экан, кулди.

— Хўш, нима қилиб турибмиз? Бизникига борамиз. Осиёт кетиши олдидан... шундай овқат пиширганки...

— Нима, менинг иккита ошқозоним борми? Ҳозиргина даладан келяпман. Уроқчилар қорнимни шундай тўйғизишдики, энди уч кун овқатланолмасам керак.

— Уримда ҳозир худди тўйдагидек шодиёна,— деди Ҳусайн ва негадир хўрсинди. Сидрат у нега хўрсинганини ўйлаб, жавоб ҳам бериб улгурмади, уларнинг ёнларида машина тўхтади. Шофёр тез эшикни очди.

— Хариколо яқинида заводнинг машинаси жарга қулаб кетди. Биттаси ўлди. Еттитаси яраланган,— деди ҳовлиқиб шофёр.

— Кетдик!— Сидрат шундай деди-ю, машина орқасида чангни тўзғитиб кўздан ғойиб бўлди.

...Сидрат кўп оғир кунларни бошидан кечирган. Лекин ҳозир шошиб қолди. Касалхона ингроққа тўлиб кетган эди. У остонадан ичкари кириши билан бурнига қон ҳиди урилди. Яқинда институтни битириб келган ёш врач қиз ўзини йўқотиб, уёқдан-буёққа югурар эди.

Сидрат бошини ушлаб туриб қолди. У қайсинисидан бошлашни билмасди. Тўрттасидан деярли умид йўқ эди. Уларнинг кийимлари қон ва чангга булганган.

— Мен унга қўл теккизишга ҳам қўрқяпман,— деди қиз Сидратни улардан бирининг олдига бошлаб бориб,— ҳаммаёғи дабдала бўлган,— у касаллар эшитиб қолиб, ожизлигимдан ранжишмасин, деб секин гапирар эди.

Чиндан ҳам унинг юз-кўзи кўкариб, моматалоқ бўлиб кетган эди. Сидрат уни кўтариб, қонга ботган, тагида ғижимланган кийимини текисламоқчи бўлганида у инграб, бўш чипта қопдек каравотга ағанади.

— Унинг умуртқа погонаси синган деб қўрқаман,— деди Сидрат,— тезда рентген қилиш керак.— У йигитнинг юзига ёпишиб қолган сочларини текислай бошлади. Бу сочларда қандайдир унга таниш, унутилган нарса бор эди. Сўнг шундайгина чеккасида, юмилган кўзларида; унинг қўли тагида нимадир титради. Шунда бир фикр яшиндек миясига урилди: ... Наҳотки ўша!

Сидрат ўзини қўлга олди: хотираларга берилишнинг пайти эмас эди. У кўзигача юзини яшириб ниқоб кийди. Оқ қалпоқ кийиб сочлари ва қошини яширди. Энди унинг фақат кўзлари очиқ қолган эди. Икки оқ йўл орасида икки кўмирдек қора, ўткир, жиддий кўз...

«Агар у ўзига келиб, мени таниб қолса ҳаяжонланади»,— хаёлидан ўтди унинг.

Операция тўрт соат давом этди. Бемор кўп қон йўқотди. Сидрат тахмин қилгандек умуртқаси дарз кетган экан.

Операциядан кейин Сидрат уйига кетмади. У навбатчи ҳамширанинг тор койкасида ўтириб чиқди. Эрталаб, ғира-шира тонг отганда сакраб ўрнидан турди-да, бемор ётган палатага кирди.

У кўкка қараб, лекин юзини ойнага буриб ётар эди. Буғдойранг юзи таг-тагидан оқарган. Сидрат унинг қўлини ушлаб, томир уришини текшириб кўрди. «Ушандан бери кўп ўзгармабсан,— фикран сўзлашарди у,— елканг кенгайибди, чеҳранг кескинлашибди.

Яна чакка сочинг оқарибди. Лекин барибир ўша ўшасан...»

## УН ТЎРТИНЧИ БОБ

Улар Махачқалъада танишган эдилар. Сидрат Розани икки бувисига қолдириб, хотиржам ўқишга жўнаб кетди. Ҳаёт бирдан инсофга келиб, ёшлигида тортиб олган нарсасини қайтариб берди.

Сидрат иккинчи марта овулни ташлаб кетди. Фақат биринчи сафар у эзилиб, мавҳумлик бағрига ўзини отган, ота-оналари билан хайрлашмай жўнаб кетган, аниқроғи, отасининг уйдан қочиб кетган эди.

Бу сафар бутунлай бошқача бўлди. Раҳимат билан Субайбат уни йўлга кузатиб, турли-туман нарсалар ёпишди. Ғилдираклар енгил тарақлар, уй ва дарахтлар орта қолар эди.

Лекин унда ёруғ дунёда Рашид бор эди, энди эса йўқ, бўлмайти ҳам.

Студентлик ҳаёти Сидратни ўзининг қувноқ гирдобига тортиб кетди. Унинг курсдошлари турли-туман эди. Бу ерда эндигина мактабни битирган қизлар бор эди. Улар эндигина сочларини қирқтиришган, шамолда ҳилпираган калта сочларини ғурур билан силкитиб эркин юришар, унар-унмасга хахолашар, кўзлари ҳеч қандай кечмиш сир-асрорини яширмас эди. Уларнинг атрофларида тепа лаблари устида майин мўй толалари қорайиб кўринган, кўзойнак таққан, кичкина, ҳали бола елкаларини тор пиджаклари сиқиб турган йигитчалар парвона бўлишар эди. Бу ўсмирлар ўзларини жиддий, ғамгинроқ тутишар, катта кишилардек кўришишга уринишар эди.

Агар шу қувноқ тўда орасида оқарган гимнастёркалар кўриниб, бошқа, йўгон овозлар эшитилиб қолмаганида Сидрат балки бу ғўр ёшлар орасида ўзини моқулай сезган бўлармиди. Булар фронтдан қайтганлар эди. Улар ҳам Сидратга ўхшаб жанг қилган, окопларда музлаган, танкларда ёнган одамлар эди. Энди бой берилганларнинг ўрнини тўлдирмоқ ниятида қўлларига ручка олишган, фронтда шундай жасурлик кўрсатган бу қўллар имтиҳонларда қалтирар эди.

Энди гўё ҳеч нарса — бомбалар остидаги операциялар, азиз кишиларнинг ҳалокати, концлагернинг занглаган тиканли симлари бўлмагандек эди. Бўлган бўлса ҳам у кўрмаган, Сидрат ўзини яна қиз боладек ҳис этар эди. Студентлик унга ёшлигини қайтарган эди.

Баҳорда қуриган ўт илдизлари қайта кўкарганидек унинг қалби ҳам қайта ёшарган эди. Бутун умрга қуриб қолгандай бўлган туйғулари яна яшнаб, барг ёзган эди.

Яна севгиси ва суюкли бўлгиси келарди.

Ана шунда у Зоҳид билан танишди. Бу уруш қатнашчилари учрашуви кечасида рўй берди. Минбарга гавдали, қорача, кўзлари дадил, ҳатто сал беандишароқ бир йигит чиқди. Унинг туриш-турмушидан кучқувват, ўзига ишонч ёғилар, ҳатто мўйлови ҳам қипқизил лаблари устида алоҳида мардона тиккайиб турар эди.

У минбарга чиқмади, шу ернинг ўзида, стол ёкида туриб, катта, метиндек муштлари билан байрам дастурхонига уриб-уриб сўзлади.

Сидрат унинг нима ҳақда гапираётганини эшитмас, фақат унинг кучи, завқ-шавқидан кўз узолмай томоша қилар эди. У ҳаяжонланиб кетган, кўзлари ёнарди: Қандайдир куч уни ўрнидан тургазди. Унинг сўзлагиси, у билан ўша стол ёнида бирга тургиси, ўзи ҳақида, овули ҳақида гапиргиси келди. Лекин, албатта, бунга журъат этолмади.

Тантанали қисм тугагач, рақсга тушиш учун жой бўшатиб, залдан стулларни олиб чиқа бошлашди. Кимдир унинг қўлидаги стулларни енгилгина тортиб олиб, деди: «Ёрдам беришга рухсат этасизми?» Сидрат бошини эгиб, итоаткорона стулларни тутқазди-да, негадир ўзи унинг кетидан юрди.

— Фронтвичкамисиз?

У бош силкиди.

— Қайси фронтдан?

Улар сўзлаша бошлашди. Кечадан қочиб чиқиб, қоронғи кўчаларда дайдиб юришди. Шу-шу, ҳар оқшом Зоҳид — йигитни шундай деб аташар эди — ётоққа уни чақириб келадиган бўлди.

Сидрат шаҳарнинг машъаладек ёритилган, нам асфальт узра чироқлар сузиб юрган кўчаларида у билан сайр қилишни, унинг ёнида эканлигини ҳис этиб, бу турли рангдаги доғларга қадам қўйиб юришни ёқтирар эди. Унинг фронт ҳақидаги ҳикояларини тинглашни севарди. Бундай пайтларда улар қон билан бир-бирларига туташгандек бўлиб кетар эдилар. Ўзи ҳам сезмай Сидрат тез-тез унинг ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди, уни кўрмаса соғинаётганини пайқар эди. Илгариги, қиз болалигидаги туйғулари, ўлиб қолгандек бўлган туйғулари секин-аста тирилиб борарди. Кўзлари порларди. Ҳатто овози ҳам ўзгарди, майинлик, оҳангдорлик касб этди.

Ундаги сиқиклик қаёқларгадир йўқолди. У бошини орқага ташлаб қулар, оғзидан аллақачон унутилган шўх сўзлар ўз-ўзидан отилиб чиқар эди. Унинг кўнгилхушлик қилгиси, рақс тушгиси, овозини чиқариб куйлагиси, йигит билан кинога боргиси, агар кеч қолиб киришса, унинг иссиқ қўлини ушлаб, туртиниб-суртиниб жойини топиб ўтиргиси келар эди.

Лекин Зоҳид уни уёқ-буёққа камдан-кам таклиф этар эди.

Бир куни унинг институтида кечага тайёргарлик кўришаётганини эшитиб, Сидрат синамоқликка деди:



— Мен Зоҳид қачон кечага таклиф қилади, деб пойлаб ўтирибман.

— Қанақа кеча?— сўради Зоҳид.— Мен эшитганим ҳам йўқ.

Унинг назарида Зоҳид довдираб қолганга ўхшади.

— Буни сеч билишинг керак. Ахир у сизларнинг кечангиз. Бизнинг қизларга таклифнома беришди. Ёки қалбакимикин? Биз билан ҳазиллашишганимикин,— бўш келмасди Сидрат.

— Менинг ҳар хил концертлар, кечаларга ишқибозлигим йўқ,— деди қуруққина Зоҳид, лекин Сидрат хафа бўлганини кўриб, юмшади.— Биласан-ку, мен фақат сен билан бўлишни истайман. Фақат сену мен, бошқа ҳеч ким.

Шу оқшом улар яна шаҳарни айланиб юришди. Денгиз бўйига боришди. Денгиз осуда ва тимқора эди. Фақат вақт-вақти билан прожекторнинг ёйиқ нурлари бўшлиқдан чиқиб келар ва уларнинг устида тўқнашар эди. Ёш аёл эса Зоҳиднинг кенг, ёйилиб кетган соясига қараб ўйлар эди:

«У мен билан гавжум жойларда бирга бўлишни истамайди. Мендан уялармикин? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. У фақат мен билан ёлғиз қолишни истайди».

Бу ажойиб оқшом эди. Лекин барибир унда аллақандай ғусса бор эди.

Улар тўсатдан «Комсомол» кинотеатри олдидан чиқиб қолишди. Касса олдида одамлар тўпланишган, Ёруғ лампочкалар маржони афишани ёритиб турар эди. «Фотима» қўйилаётган эди.

— Кўрамизми?— таклиф қилди Сидрат.

— Икки соат димиқиб ўтиришнинг нима кераги бор,— асабий жавоб берди Зоҳид.

— Агар доим сенга қараб ўтираверсам менинг ҳам жонимга тегади,— ҳазиллашди Сидрат.

Лекин ўзи негадир сиқилди: ғалати-я. Негадир худди шу он унинг кўз олдида Рашиднинг чехраси пайдо бўлди. Сўнг қоронғилик қаърига сингиб кетди. У ўгирилиб Зоҳидга қаради. Биринчи марта йигит унга ожиз кўринди.

— Бошим оғриб кетди,— дея Сидрат уйи томонга бурилди.

Ётоқхона гавжум ва сершовқин эди. Чироқлар чарақлар, коридорда қизлар югуриб юришар эди. Эшик тақиллади.

— Юр, биз билан кинога,— дейишди қизлар унинг хафалигини кўриб.

— У биз билан борармиди. «Мўйлов»идан қўрқадим,— деди қизлардан бири.

Шунда Сидрат қизлар билан кинога боришга аҳд қилди. Таъсирчан аёл кинодан кейин анчагача ўзига келолмади. Осетин аёлни катта, маъносиз кўзлари, ёйилган сочлари кўз олдидан кетмас эди. Унинг қичқирғидан зал титраб кетди: «Ўғлим! Ўғлимни беринглар менга!»

Бу кўриниш унинг хаёлида бошқа бир воқеани, кинода эмас, уруш пайтида Киев кўчаларининг бирида юз берган воқеани эслатди. Жулдур кийимли бир украин аёл ўтган-кетганларга гап ташлаб борарди. Унинг қўлида жонсиз бола. «Қаранглар, боламнинг тирилганини қаранглар», дерди у ҳар бир одамнинг кўзига қараб. Кейин у йўл устида ўтириб олиб, ўзининг сочларини юла бошлади. «Унинг қўлидан боласини олиш керак»,— деди отряд командири кескин ва юзини ўгириб олди. Солдатлардан бири унга яқинлашди, лекин аёл унга тилини чиқариб кўрсатди ва кутилмаган чаққонлик билан ўрнидан сакраб туриб: «Ўғлимни бермайман! Ўғлимни бермайман», деб қочиб қолди.

«Фотима» унга ана шу воқеани эслатган эди. Сидрат эзилиб, бу кинони кўрганга афсусланиб, «Ундан кўра Зоҳид билан айланиб юрсам бўлар экан», деб ўйлаб борарди. У ҳам балки бир ўзи зерикаётган бўлса керак. У иккалалари бирга бўлганларида қандай яхши бўлишини миннатдорона эслади.

— Сен шунинг ҳаммаси тўғри деб ўйлайсанми? Буни таъсирлироқ бўлсин деб режиссёр ўйлаб топган,— деб ишонтирмоқчи бўлишарди дугоналари. Сидрат бошини чайқарди, холос. Унинг ҳозир урушда кўрганларини дугоналарига айтиб бергиси келмас эди.

Шу пайт унинг қулоқлари тагида қаттиқ кулги эшитилди. У жаҳл билан ўгирилди, ёнида, йигитлар орасида Зоҳид борар эди.

— Хўш, Осетия гўзали сенга ёқдимми?— сўради ундан йигитлардан бири.

— Ундан чиройлироқларини кўрганман!— Зоҳид хахолаб кулди.

— Бўлмасам-чи, битта кинони ҳам кўрмай қолмайсан-ку, ахир.

— Қизлар ва кино — менинг эрмагим,— Сидрат қулоқларига ишонмас эди.

— Ҳзингни қўлга ол, — турткилашар эди дугоналари. — Ахир кинога бундай куйиш мумкин эмас. Сен нима учун кинога тушмаслигингни энди тушундик.

— Қизлар, бораверинглар. Мен сизларга етиб оламан, — деди секин Сидрат. Сўнг Зоҳид бораётган қувноқ йигитлар тўдаси ортидан кетди. Уни ғазаб бўғар эди.

— О, зиёратлар қабул бўлсин! — у қаршисидан келаётган йигитга қўл чўзди. — Овулдан қандай хабарлар бор?

— Ҳаммаси яхши. Фақат хотининг хафа бўляпти, кам хат ёзади, дейди. Ҳўлинг салом деб юборди.

— Раҳмат, дўстим. Хат ёзишга йўқман. Нима ҳам қилиб бўларди. — Зоҳид жилмайди. Унинг тишлари қоронғида ялтиради. «Бориб, шу кулаётган лабларига урайми ёки йўқ — башарасига тупурайми?» Лекин Сидрат ўгирилиб, тезда ётоқхонага қайтиб кетди.

Сидрат гўё қизиган печь устида ётгандек туни билан уёқдан-буёққа ағанаб чиқди. Умида биринчи марта тақдиридан нолиди. Отаси уни Рашиддан ажратмоқчи бўлганида ҳам, Рашид энди бу дунёда йўқлигини билганида ҳам, концлагернинг могор босган баракларида ҳам пешонасидан нолимаган эди. Энди эса у тақдирини лаънатлар эди. «Нима учун? — деб сўрарди у. — Мен нима ёмонлик қилдим? Наҳотки менинг ҳам бошқалар сингари озгинагина бахтга эга бўлишим мумкин эмас?»

Қоронғиликдан Рашиднинг чеҳраси чиқиб келар эди. Рашид унга таъна ва афсус билан қараб турарди. Кейин у бошқаси билан алмашинар эди. Унга беҳаё кўзлар жилмайиб, мўйлови чираниб тиккаярди.

Ётоқда ҳамма ухлаган. У қизларнинг уйқуда нафас олишларини эшитар, адёл тагидан чиқиб қолган қўлларини кўриб турар эди. «Уларга яхши, — бирдан аламли ўкинч билан ўйлади у, — менинг бошимдан ўтганларини улар тушларида ҳам кўришмаган. Улардан менинг қаерим кам?»

Чойшаб уни куйдирарди. У ортиқ ёта олмади. Урнидан туриб, қоронғида кийинди-да, стулларга қоқилиб, эшикка отилди: тезроқ ҳавога чиқиш керак.

... Денгиз қўрғошинсимон эди. Денгиз узра кулранг осмонда оғир булутлар аста сузиб юрибди. Тонгга яқин шамол кўтарилди ва тўлқинлар қирғоққа урилиб шовуллай бошлади. Улар ўкириб Сидратнинг оёғи та-

гига етиб келар ва ғазаб билан шариллаб ортга қайтар эди.

У бирдан енгил тортиб кетди, сўнг тўлқинлар кетидан бир қадам ташлади — бир он ва ҳаммаси тугайди.

Тўлқинлар ўз қурбонини тезроқ қабул қилишга шошилгандек яна қирғоққа урилдилар. Совуқ сув унинг бошигача кўтарилди ва оёғида тўхтаб қолди: атрофга сув зарралари сачради.

Шунда Сидрат бирдан ўзига келди. Кўз олдида уни соғиниб йиғлаётган Роза пайдо бўлди. «Нега бу ерга келдим?» — миясидан шу фикр ўтди. У қочиб бориб, денгиз силлиқлаб ташлаган кулранг тошга ўтирди.

Улкан, ниҳоясиз денгиз эса унинг қаршисида ястаниб ётар эди. Тўлқинлар ҳамон гувиллар, энди денгиз уни тушунаётгандек, овутишга уринаётгандек бўлиб туюлар эди. Ожизлик онлари ўтиб кетди. Энди у ўз-ўзидан уялар эди. «Наҳотки ўшанда мея шунинг учун тирик қолдим? Энди мана шундай қандайдир бир аблаҳнинг қасрига ўлиб кетиш учун ўшанда хотинлар уни даволаб, бир бурда нонларини у билан бўлишишган бўлса? Наҳотки бу азоб фашист ўқидан кучлилик қилса?»

Сидрат тош устида узоқ ўтирди. Кулранг осмон энди садаф тусини олди. Қаердандир, пастдан, денгиз тубидан чиққандек қуёш кўтарилди. Қўллари тегиб турган денгиз тинчлана бошлади. Унинг шовуллаши тина бошлади. Сидрат тош устига чиқиб, атрофга аланглади: шаҳар уйғонмоқда эди. Денгиз мовийлаша бошлади. Сарик қум устига Сидратнинг сояси узун бўлиб тушиб турибди. «Энди ҳеч қачон бировни севмайман. Бу менинг қўлимдан келмайди. Менинг қизим, дўстларим, ишим бор, етади».

У асфальтдан тақиллаб юриб почтага кетди. Бу саҳар чоғи жуда осуда ва кимсасиз эди. Сидрат учта чиройли откриткани таялаб олди-да, Роза, Раҳимат ва Субайбатга жўнатди.

Кечқурун, одатдагидек ётоқхонага Зоҳид келганида, унга ҳайрон бўлиб қаради: у ҳатто Зоҳиднинг келишини унутган ҳам экан.

— Юр, айланиб келамиз, — деди йигит жилмайиб.

Улар ётоқхона эшигидан чиқишди.

— Кеча менсиз зерикдингми? — гўё ҳеч нарса бўлмагандек сўради Сидрат.

Зоҳиднинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди.

— Яна сўрайсан-а! Ухлай олмадим, — деди у Сидратнинг қўлидан тутиб.

Сидрат ўзини четга тортди. У ҳеч нарсадан — овозидан, кўзларидан ҳам сездирмади. Лекин ўзини тортмай тура олмади.

— Зерикдингми?

Улар, яна, худди кечагидек «Комсомол» кинотеатри ёнидан ўтишди. Афишалар худди кечагидек турли-туман лампочкалар ёруғида яшнаб турарди. Кечагидек касса олдида одам кўп. «Фотима» қўйилаётир.

— Яхши картина, дейишяпти. Кирамизми?

— Узинг яхшисан,— деди Зоҳид унинг қўлини қисиб.

— Лекин барибир кино яхши,— деди Сидрат қўлини тортиб олиб.

— Сен кўрдингми?

— Кеча мен кинога тушдим,— деди қиз осойишта уни кўзи билан кузатиб.

— Ёқдимми? — сўради у овози ўзгариб.

— Жудаям! Сенга-чи?

Зоҳид энди ҳаммасини тушуниб, жимиб қолган эди.

— Мен сени ҳам кўрдим,— давом этди Сидрат,— кинодан ўртоқларинг билан бирга чиқдинг. Менга эса қайрилиб ҳам қарамадинг. Сенга хотининг билан ўғлингдан салом айтишганини эшитдим.

— Мен хотинимдан ажрашаман. Уни яхши кўрмайман,— деди шошилиб Зоҳид. Сўнг қўлини қаёққа қўйишини билмай, мўйловини бурай бошлади.

— Сен ўзингдан бошқа ҳеч кимни севмайсан. Мен сени одам деб ўйлаган эдим, сен эса... Мўйлов эса мушукда ҳам бор, — у тўсатдан шундай деди-да, бурилиб ётоқхонага қайтиб кетди.

\* \* \*

...Ўшандан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Сидрат Зоҳид билан яна учрашиш насиб бўлади, деб ўйлаган эди. Умуман, ҳеч қачон у ҳақда ўйламасди ҳам. Яраси тез битиб кетган эди. Бу муҳаббатдан ҳеч қандай из қолмади.

Мана энди йигит унинг олдида, ожиз, бошдан-оёқ бинт билан боғланган ҳолда ётар эди. Унинг ёноқ суяклари бўртиб, оқариб кўринади. На мардоналик, на ишонч бор. Энди у фақат врач ёрдамига муҳтож ҳолсиз бир бемор.

Эшик ғийқиллаб, навбатчи ҳамшира мўралади:

— Зоҳиднинг хотини билан болалари келишди,— деди шивирлаб,— уни кўришни илтимос қилишяпти.

— Киришсин,— деди Сидрат.

Палатага гавдали, чеҳраси очиқ аёл кирди. Ундан кейин каттагина ўғли ва қизи киришди. Аёл эшик олдида ноқ эрини кўрди ва койка олдига бориб унсиз йиғлаб юборди.

— Ойи, бўлди, биз сенга уйда тайинлаган эдикку,— деди ўғли афсусланиб. У ойисининг худди ўзи, чеҳраси очиқ ва соддадил эди. Ойисига ҳам, дадасига ҳам ўхшамаган қизи эса ҳайратланиб ва қўрқиб қараб турар эди. «Қандай ажойиб болалар. Бу ўшанда салом айтиб юборган ўғли бўлса керак»,— беҳос ўйлади Сидрат.

...Хотиралар нақадар яшовчан бўлади. Ҳаммаси аллақачон унутилгандек эди, лекин кўнгил торлари сал чертилиши билан худди кеча содир бўлгандек қайта жонланди.

Лекин кимнингдир қичқариши унинг хаёлини бўлди. Бугун энди ўз овулига қайтаётган Сидрат чўчиб тушди. У уйига қараб борар, бир аёл унга томон югуриб келар ва нималардир деб қичқирарди. Етиб келиб, тез-тез сўзлади:

— Сидрат, илойим юз йил умр кўргин, нариги дунёда жаннатнинг энг тўридан буюрсин сенга, қишлоқ Советига бор, бечора Нупайсатга бир сенгина ёрдам бера оласан, бу муттаҳам Мухтор яна ундан қизини тортиб олди.

Сидрат овулда кимнинг бошига ташвиш тушса, унга мурожаат этишига ўрганиб қолган: сигир соғдирмаса ҳам унга, уйни тузатиш керак бўлса ҳам унга, оилада келишмовчилик чиқса ҳам унга мурожаат этишарди. Овулдошлари назарида врач ҳамма касалликларни, инсон жисми ва шу билан бирга кўнгилни даволаши керак эди. Сидрат ҳам қўлидан келганича улардан ёрдамини аямас эди.

Мана, бугун ҳам у итоаткорона қишлоқ Советига йўл олди.

...Ҳусайннинг кабинетига қўрқиб кетган қизини бағрига босганича йиғидан шишган Нупайсат ўтирар эди. Гулдор қора шолрўмол ичида ёйилган сочлари кўриниб турарди.

— Менга унинг пули керак эмас,— Нупайсатнинг кўзлари алам билан ёнарди,— қизимни тинч қўйсин. Қачон пул тўлайдиган пайти келса, қизимни ўғирлаб,

қайларгадир яшириб қўяди. Шунақасини ҳеч кўрган-мисыз?

— Неча марта бир гаплашиб қўяман, деб уни чақирдим. Лекин ҳеч келмайди,— Ҳусайн Нупайсатдан кўзларини яшириб ўзини оқлар эди.

— Уни ҳозир ўзим олиб келаман,— деди Сидрат ва кескин ўгирилиб чиқиб кетди.

«Қандай одам ўзи, — деб ўйлади Сидрат Ҳусайнга ачиниб,— фронтда жанг қилган. Бу ерда эса кесиб ташлай олмайди. Яхшилиқни эса ҳамма ҳам билавермайди. Баъзилар бир умр яхши одамнинг елкасига миниб олиб кун кечиради. Йўқ, бу Мухторга ўхшаганлар билан бошқача гаплашиш керак».

...Мухтор ўзининг янги хотини билан овқатланиб ўтирар эди. Тоғорачадан чиқаётган иссиқ бугдан унинг юзи туман орасида турганга ўхшар эди.

— О, дўхтир, азизим,— Мухторнинг хотини ўрнидан сакраб турди.

Сидрат Мухторга юзланди:

— Мен сенга келдим. Қишлоқ Советида сени кутишяпти.

— Нима, яна биринчи хотиним ҳунар кўрсатди-ми?— деб сўради Мухтор иккита тилла тишини ялтиратиб тиржайиб. Лекин кўзлари Сидратнинг нигоҳи билан тўқнашгач, шошилиб ўрнидан турди ва қоракўл папахини бошига қўндириб, унинг кетидан чайқалиб уйдан чиқди.

— Гап бундай, Мухтор,— деди Сидрат қишлоқ Советига етиб келиб, Ҳусайннинг ўрнига ўтиргач,— боланинг отаси ҳам, онаси ҳам бўлиши керак. Лекин сен ўз уянгни бузишга аҳд қилибсанми, энди марҳамат қилиб, совет қонунига бўйсун, бола, онаси билан қолади, сен эса уни таъминлаб туриш учун пул тўлайсан. Биз ҳозир сен билан ўзимиз, айтайлик, ўз оиламизда гапиришяпмиз. Лекин сен яна Нупайсатни безовта қилсанг,— Сидратнинг қошлари бирлашиб, узун чизиқ пайдо қилди,— мен ўзим район Советининг депутаты сифатида ишингни судга бераман.

— Менга унинг пули керак эмас,— қўрқа-писа гапга аралашди Нупайсат,— фақат қизимни тинч қўйсин.

— У сенга эмас, болага тўлайди пулни,— кесиб ташлади уни Сидрат. Кейин жаҳл билан қўшиб қўйди,— ҳозир у замонлар эмас... Энди аёлларда ҳам

эркакларда қанча ҳуқуқ бўлса шунча бор. Сизлар эса ҳеч ўргана олмайсизлар.. Одам ўзини ҳимоя қила би-лиши керак. Ахир айтишади-ку, жудаям ширин бўлма, дарров ютиб юборишади, жуда аччиқ бўлма, дарров туфлаб ташлашади, деб...

Сидрат Нупайсатга еб қўйгудек бўлиб қаради-да, индамай қишлоқ Советидан чиқиб кетди.

Сидрат уйига келиб, касаллик тарихини ёзиб ўти-рар экан, хонага сездирмай Раҳимат кирди. Раҳимат қизининг ишига катта ҳурмат билан қарар ва ишлаёт-ганида ҳеч қачон безовта қилмас эди. Мана ҳозир ҳам жим турар, Сидрат фақат унинг бир меъёрда нафас олишинигина эшитар эди.

— Нима гап, ойи?— эркаланиб сўради у.

— Обидат келган экан, сенга илтимоси бор эмиш,— деди Раҳимат айбдорона овозда.

— Кира қолсин, ойи,— деди Сидрат хушмуомала-лик билан, ўзи эса ёқинқирамай ўйлади: «Яна Субай-батнинг мероси ҳақида гап бошласа керак».

— Хайрли кеч, азизим,— деди тилини чучук қи-либ, у таъзим билан эгилар экан, кўзлари таманно-ларча сузилди.— Сенинг олдинга келяпману, ўйлай-ман, одам бор нарсасининг қадрига етмас экан-да. Шу кичкинагина овулимизда ўзимизнинг дўхтиримиз бор-лиги қандай бахт. Яна қанақа денг. Олтин дўхтир. Қа-чон келсанг йўқ демайди.

— Хайрли кеч, Обидат,— Сидрат унинг галини бўл-ди,— ўтир, меҳмонимиз бўл.

— Раҳмат. Олтин қизим,— яна ҳам ялтоқланди Обидат стул четига илинибгина ўтирар экан.— Ма-хачқалъага ишга кетмаганинг қандай яхши бўлди-я. Сени биздан олиб қўйишади, дейишганида бутун овул йиғлади. Ўша куни кечқурун биз, Муҳаммад пайғам-бар номи билан онт ичаман, ўчоққа ҳам олов ёққа-нимиз йўқ.

— Шаҳарда менга нима бор, иш шу ерда ҳам етарли. Яқинда ўз врачларимиз етишиб чиқади...

— Кавсаратнинг ўқишга жўнашига ёрдамлашган эмишсан, ростми, Сидрат? Ахир отаси уни юбормоқчи эмас эди. Ҳатто: «Сидрат, балки унга тажрибасини ўргатмоқчидир, эҳтимол унга отасиз туғилган бола билан қайтиб келишни ҳам ўргатар», деган эди. Одам-ларнинг тили илонникидай ...

— Нега яна менга гийбатларни етказяпсан?— де-ди Сидрат ичидан жўшиб келаётган нафратини босиб.



— Рост, дўхтир, рост,— эси жойига тушди Обидатнинг,— ўзим ҳам гийбатни ёмон кўраман.

«Шунинг учун тинмай гийбат қилар экансан-да»,— деб ўйлади Сидрат, Обидатдан эса сўради:— Хўш, уйингизда нима гап? Ҳеч ким касал эмасми?

— Худога шукур, ҳамма соғ-саломат! Севиниб юрибмиз.— Обидат тилини такиллашди.— Қизимизни эрга беряпмиз.

— Нуцалайними? Ҳали жуда ёш-ку.

— Нега энди, Сидрат, фақат бўйи кичкина-да. Аслида эса, Муҳаммад номи билан оит ичаман, нақ узатадиган пайти. Ўн саккизга кирди. Куёв ортиқ кутиб туролмайди. Онасини кўмди, бечора. Эркак кишига аёл киши қараб турмаса қийин,— Обидат энги билан кўз ёшларини артди.— Онаси бечора менинг Нуцалайимни келин қилишни қандай орзу қилган эди...

Обидат гўё рўмолчасини олмоқчидек, тиззасида олиб ўтирган сумкага қўлини тикди, лекин қайтиб олмади. Кўзлари ўйнаб турарди. Қўли эса сумка ичида ниманидир тимирскилаб қимирлар эди.

— Тўйга айтасанми?— сўради Сидрат.

— Албатта, албатта. Дўхтирсиз тўй тўй бўладими. Фақат кўролмайдиганлар Нуцалай ҳали ўн саккизга тўлмаган, дейишади. Бировнинг бахтига ҳаваслари келади. Тоҳирни ўзлари илиб кетишмоқчи. Бўлмаса-чи, унинг уйи уй эмас, нақ саройнинг ўзгинаси, сигир, эчки... яна,— Обидат шошиб қолди, унинг кўзлари яна ҳам аланг-жалаң бўлиб қолди, сумканинг ичига тикилган қўллари яна ҳам тезроқ қимирлай бошлади — бизга нима, овулда обрўйимиз ўзимизга яраша. Камбағалларнинг эса оғзиларининг нақ суви келяпти. Камбағаллар ўзи шунақа, доим бировнинг нарсасига кўз олайтиришади... Сен энди бизга Нуцалай вояга етган, деб справка бера қол. У аллақачон ўн саккизга кирган. Фақат метрикасида ногўғри ёзилган.

— Нима ҳам дердим,— деди Сидрат.— Майли, эртага касалхонага келсин.

— Сенинг шундай адолатли аёл эканлигингни билар эдим,— Обидат Сидратни қучоқлаб ўпа бошлади.— Вой, ҳалиям шу зил-зимбилни тақиб юрибсанми,— у Сидратнинг қўлидаги эркакча соатга ишора қилди.— Сен, қизим, иккала қўлингда тилла соат тақиб юрсанг ҳам арзийди.

— Демак, арзимабман,— кулди Сидрат, Обидат

таъзим қилганича, жаврай-жаврай эшикка тисарилиб борди.

— Бизнинг бебаҳо олтинимиз, қизгинам менинг...

Эшикка чиққач, Обидат яна сумкасига қўлини тикиб, хурсанд кулиб қўйди.

— Яхшиям бермадим. Бу тентак шундоқ бекорга ҳам бераверади справкани.

Эрталаб Обидат қизини касалхонага олиб келди. Нуцалай келинлардек ясантирилган эди. Зирагининг оғирлигидан қулоғи чўзилиб, йиртилиб кетай дерди. Худди макаронга ўхшаш ингичка оёқлари баланд пошна туфлида дам уёққа, дам буёққа қийшайиб кетар эди.

У ўн беш ёшдан ошмаган эди. Нуцалай ҳозир мени текширишади, деб бурчакда ғужанак бўлиб ўтирар, докторга ёлвориб тикиларди. Бирдан Сидратнинг шўхлиги тутди.

— Бор, ўйна, — деди у қизга.

Нуцалай қўрқиб, ойисига қаради, кейин врачга, сўнг яна эсанкираб қолган онасига тикилди.

— Шошма, нима деяпсан, сен, — Обидат ниҳоят ўзига келди. — Справка қани?

— Ҳеч қандай справка берилмайди.

Обидатнинг башарасидаги хушомадгўй табассум газаб билан алмашинди.

— Нима, сен бизни масхара қилмоқчимидинг? — бақирди у, — врачман, менга ҳаммаси мумкин, деб ўйлайсанми? Агар синглимга етти ёт бегона болани олиб келиб тиқиштирган ва игнасигача тортиб олган бўлсанг, энди мени лақиллатиш мумкин, деб ўйлайсанми? Йўқ...

Лекин Сидрат унга қулоқ ҳам солмай, кабинетига кириб, эшикни бекитди. Обидат унинг кетидан югурмоқчи эди, лекин тўхтаб қолди, «Бош врач» деган ёзув таъсир қилди шекилли.

Уйга қайтгач, у ўзини-ўзи койий бошлади: «Тентакман, тентак, ўшанда нафсига соатни уришим керак эди. Справка ҳозир чўнтагимда бўлар эди. Борди-ю, соатни олиб справкани ёзиб бермаганида-чи? Кейин уни исботлаб бўпсан... Ёки олмасмиди...»

Бу фикрлардан Обидатни ҳатто тер босди. У сандиқдан қутичани олиб очиб, эри Германиядан келтирган ўлжаси — кичкинагина соатни узоқ томоша қилиб ўтирди.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Ёзнинг охири эди. Нақ касалхона олдидан ўтлоқ бошланар, у ерда ҳали янги пичан ғарамлари сарғайиб кўринар эди. У ер-бу ерда аёлларнинг оқ дурралари липиллаб қолар, улар пичанни тезроқ йиғиб олишга шошилишар, ёмғирли кунлар яқинлашиб қолган эди. Ҳозирги яхши ҳавога ишониб бўлмасди. Бугун ҳаво очиқ, тоғ томон тоза, гўё бадбахт булутлар ҳеч қачон пайдо бўлмайдигандек туюлади. Эртаси куни қарасанг, бутун осмон булут билан қопланиб, бу ерда ҳеч қачон қуёш чиқмагандек кўринади.

«Мен балки чалғи ушлашни унутгандирман,— ғамгин ўйлар эди Сидрат деразадан қараб.— Уйни ҳам, даладаги ишни ҳам бечора Раҳиматга ташлаб қўйдим. Бугун ишга тез бориб келаману, дарров далага чиқиб, Раҳиматга қарашвораман».

Сидрат ёзнинг бу пайтини яхши кўрар эди: етилган бугдой тўлқин уриб чайқалади, ҳали кўм-кўк ўтлоқнинг у ер-бу ерида ўрилган ўтлар қурийди ва бундан ёқимли ис ҳеч қаерда бўлмайди. Қуёш ёқимли иситади, ҳаво юзингга майин урилади, гўё ёзни чўчи-тиб юборишдан қўрққандек ҳамма нарса тўхтаб қолган.

Сидратнинг юраги ширин ҳаприқиб, дала билан учрашув тотини олдиндан ҳис этиб, касалхонадан чиққанда скамейкада ўтирган бир эркак унга пешвоз ўрнидан турди.

— Менгами?— деб сўради Сидрат ёқмаганини яширишга уриниб.

— Шундай, боришингизни илтимос қилишди.

Сидрат тикилиб туриб, қўшни колхоз раисининг шофёрини таниди.

Сидрат дарвоза олдида турган «Газик»ка индамайгина ўтирди.

Бу овул узоқ эмас, яёв бориш ҳам мумкин эди. Сидратнинг овулидан уни фақат кичкина сўқмоқ ажратиб турар эди. Сидрат у ерга ҳам касалларни кўргани тез-тез борар, кўчада кимни кўрса саломлашар, ҳамма уни танир эди.

«Шу пайтда машина юборишти, демак, муҳимроқ гап бўлса керак-да. Балки касални шаҳарга олиб бориш керакдир,— деб ўйлади у, ҳозир ҳар бир машина ҳисобда эканлигини эслаб,— раиснинг машинаси ҳам банд. Уни ҳадеганда районга чақириб туришибди».

Шофёр янгитдан кўк рангга бўялган таниш дарво-за олдида тўхтаганида, Сидрат айвонда бир талай одамларни кўриб, қўрқиб кетди. «Болога бир нарсa бўлганмикан?» Ахир у бу хонадонни «Ўғил!» деган хушxabар билан шод этганига бир ой ҳам бўлгани йўқ. Раиснинг тўрт қизи бор эди, ўғилни улар узоқ кутган эдилар.

Машина товушини эшитиб, айвонга раис билан Содиқ чиқди.

— Мана, дўстлар, айтган эдим-ку, — эълон қилди Содиқ тантанали равишда. Раис эса яйраб кулиб, гўё уни қучмоқчи бўлгандек қўлларини кенг очиб зинадан тушиб келарди.

— Азизим Сидрат, — дўриллаб сўзлади у, — сен албатта мени кўрпа-ёстиқ қилиб ётган ҳолда кўришни истаган бўлсанг керак.

— Мен-ку, буни истаганим йўқ, лекин мени чақирибсан, демак, сен истаган бўлсанг керак, — деди Сидрат айвонни тўлдирган одамларга ҳайрон бўлиб қараб. Одамларнинг қувноқ чехрасига қараб, у энди «хатар» йўқлигини тушунган, лекин нега чақиришган экан, деб ҳайрон бўларди. «Бу албатта Содиқнинг иши бўлса керак», — жаҳли чиқди унинг, «ҳазил қилишяпти», деб ўйлаб.

— Худо танини соғ қилгур Содиқ айтиб қолди, — деб раис Содиқнинг елкасига қоқди. — Бизни-ку, эсимизга ҳам келмас эди.

Сўнг Сидратнинг ҳамон ҳайронлигини кўриб, тушунтирди.

— Фақат ўғлимизнинг соғлиғи учун биз билан бир шох бўза ичишингни истаган эдик. Агар шундоқ таклиф этганимизда, албатта рад этар эдинг. Вақтим йўқ, дер эдинг. Биз сени биламиз, — раис меҳмонларга қараб шўх кўз қизиб қўйди. — Ёки ёлғон гапиряпманми?

Унинг чехраси табассумдан очилиб кетган эди. У ҳаммаси шундай яхши тугаганидан хурсанд эди: ўғли ҳам соппа-соғ, бекаму кўст бешигида ухлаб ётибди, уй меҳмонлар билан тўла, ёмғир йўқ, райондагилар ундан хурсанд, Сидратга қилган ҳазиллари ҳам муваффақиятли чиқди, мана у айвонда, кулиб турибди. Раис эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган ва бир хонадонга ҳадеб омад келавериши-ю, бир чехрага ҳамиша табассум насиб этавериши камдан-кам юз берадиган ҳодиса эканлигини яхши билар эди.

Шуни тушунгани учун ҳам ҳозирги оннинг қадрига етиб, шодлана олар эди.

Сидрат Содиққа кўз ташлаб, бош чайқади.

— Сени бир марта хурсандчиликка таклиф эта оламизми, йўқми? — ўзини оқларди у.

— Йўқ, яхши қилибсизлар, — деди бирдан Сидрат, — таклиф қилганингиз учун раҳмат. Уйингизда энг қайғули кун шу бугунгидек бўлсин, — Сидрат шундай деб уйга йўналди, аёллар унинг кетидан эргашдилар.

...Кенг уйнинг ўртасида баланд беланчак турар эди. У камалаксимон уч рангга бўялган эди. Усти ҳаворанг адёл билан ёпилган. Беланчак ёнида бувиси ўтирар ва аста тебратар эди. Девор тагидаги стулларда, тахта сўрида ва шундоққина ернинг ўзида меҳмонлар қатор ўтиришарди. Сидратни кўриб, ҳаммалари, унинг ёшидагилар бунга муносиб бўлмасаларда, ўринларидан туришди.

— Доктор, келганинг яхши бўлди-да, биз қўрққан эдикки... — дейишди улар деярли бир овоздан.

— Ўтиринглар, ўтиринглар, — қўлини силкитди Сидрат. У ҳар доим ўзини ҳаддан зиёд ҳурмат қилганларида ўнғайсиз аҳволга тушар эди. — Мен ўғилчани бир кўрай. Бу кунларда қандай ўсди экан. — Сидрат беланчак олдига келиб, унинг устига энгашди. Бола ҳиди унга Розанинг болалигини эслатди. Дарҳол, бир маҳалнинг ўзида ҳам кўнгли эриб кетди, ҳам дилига аллақандай гусса чўкди. Бу орада боланинг бувиси каравот тагидан ҳолвайтар толқони тўлатилган лаганни олди: унда ўнлаб бармоқ излари бор эди.

— Шомил, — деди кампир унга лаган узатиб.

— Шомил, — такрорлади Сидрат, — зўр исм. Ишқилиб у бу номга муносиб бўлсин. Юрагига Шомилнинг жасурлиги, кучи ва адолатпарварлиги жо бўлсин, — Сидрат шундай деб қўлини силкитди ва толқон устига тап этиб урди: оппоқ чанг кўтарилиб кўзига кирди.

— Тoшга ургандек урдинг-а, — кулишди хотинлар унинг атрофини ўраб, — қаранглар, қўли қандай ботир бўлиб кетибди-я, ҳамманикидан чуқур. Айтганинг келадиганга ўхшайди.

— Омин! Омин! Илоҳим, айтгани келсин, — уч аёл ҳолвайтар кўтариб, беланчак устидан уч марта айланиб чиқдилар.

— Хўш, энди бўлди шекилли,— деди кампир,— бориб меҳмонлар тотиб кўришлари учун ҳолвайтар тайёрлай.

Аёллар яна беланчак атрофини ўраб олишди, кампир эса айвонга чиқиб, лаганни столга қўйди-да, қандайдир дуо ўқиб, толқоннинг ўртасига қўлини тикиб айлантира бошлади. Шу заҳоти кимдир човгумда сув келтириб, қўя бошлади.

Кампир қўли куйганидан ҳавода силкита-силкита, ҳолвайтарни тез-тез айлантира бошлади.

Ҳолвайтарнинг ёқимли иси ҳаммаёққа тарқаб, унинг бурчакларига етиб борди. Унинг исидан меҳмонлар янада жонланиб кетдилар.

Кампир ҳамон пичирлаб айлантирарди. Ҳолвайтар қумоқ-қумоқ бўлгач, у ичкаридагиларга буюрди:

— Асални олиб келинглар!

Шу он, худди кутиб тургандек икки қўллаб кўза кўтарган Содиқ пайдо бўлди. Кўзанинг қопқоғини очиб, столга қўйди.

— Содиқ, сен эркакларга тортасан, мен аёлларга,— деди кампир байрам таомини кичик-кичик бўлакларга бўлар экан.

— Яхшиси сен эркакларга, мен аёлларга. Энди, уларни кўрганда қараб туролмаيمان-да,— кулди Содиқ,— яхшиси доктордан бошлайман.

У тайёр бўлган бўлакчаларни асалга булаб, «Шомил ҳам одамларнинг юрагига шундай ширин бўлиб кирсин»,— деб Сидратнинг оғзига тутди.

— Омин!— дейишди одамлар.

Сидрат озгина тишлаб олди-ю, афти буришиб кетди. Бармоқларидан асалнинг сариқ томчилари оқиб туша бошлади. Атрофидаги аёллар эса чувиллашар эди:

— Тишлаш мумкин эмас. Бирданига ейиш керак, бўлмаса одамларга унинг фақат ярим юраги очиқ бўлади.

— Уни қаранглар, мени эркакларни овқатлантиришга мажбур этипти,— деди кампир меҳмонлар орасида юриб, уларнинг ҳар бирига асал томиб турган ҳолвайтардан узатар экан.

Энди, ҳамма ўз улушини олиб, одатга кўра навбатдаги меҳмондорчиликка ўтиш мумкин бўлганида меҳмонлар ерга тўшалган гиламли, турли нозу ньематлар билан тўла бошқа уйга кирдилар.

Кексалар биринчи бўлиб чордана қурдилар. Энг мўътабар ўринларни улар эгаллашгач, эркаклар чет-даниб, аёлларга йўл бердилар.

— Буни қаранглар, қандоқ кунларга қолдик-а. Аёллар ўтириб, эркаклар турса. Кейин нима бўларкин. Ишонтириб айтаманки, улар бизни қул қилиб олишади. Бутун юмушларни бизга қилдиришади,— деб қичқирди Содиқ.

— Ҳо, бўлмасам-чи. Одамларнинг кўзига одобли-сизлар, уйда-чи...— уни гапиришга қўймади Ҳалимат. У бугун айниқса хурсанд эди, сабаби укасининг хоти-ни ўғил туққан эди-да.

Раис гапга аралашди:

— Биз бу ерга конституцияни муҳокама қилгани йиғилганимиз йўқ-ку. Ахир айтишади-ку, «ҳар қандай суҳбатдан хинкал яхшироқ», деб,— деди у шовқин-су-ронни босиб,— қадаҳларга бўза қуйинглар.

— Шошма, шошма,— Содиқ уни тўхтатди.— Мен олдин бир одатни бажаришим керак,— у камалак ипи-ни тортиб туриб ўқни қўйиб юборди. Ҳамма жим бў-либ қолди. Камалак ўқи ҳуштак чалиб ҳавони кесиб бориб, нақ раиснинг каравоти устидаги харига қадал-ди.

— Шомил шу ўқни харидан суғуриб олишга ета-диган кучга эга бўлсин,— деди у тантанали равишда.

— Қойил, Содиқ, эски одатларни унутмайсан-а,— шовқин солишди меҳмонлар.

— Ҳа-а, гап жияни ҳақида кетар экан, у ҳеч нар-сани унутмайди. Менинг ўғлимнинг ақиқасида негадир сен бу одатни эсламаган эдинг,— хафа бўлди меҳмон-лардан бири.

— Хўп ўхшатдинг-да. Сенинг еттинчи ўғлинг ту-ғилган эди. Меники биринчиси,— Содиқнинг ёнини ол-ди раис.

— Менга сўз беринглар,— деди боядан бери жим ўтирган Ҳусайн.

«У ҳали шу ерда экан-да. Нега олдинроқ кўрмадим экан?»— ўйлади Сидрат.

— Мен ҳозир шуни айтмоқчиманки, дўстим учун жуда хурсандман. Узоқ кутилган ўғил айниқса катта бахт. Унинг қалби қоялардек мустаҳкам, гулдек нозик бўлсин. Ишқилиб, у оиласининг таянчи ва фахри бўл-син. Мени тўғри тушунишингизни сўрайман. Энди тоғ-лиқ учун ўзга давр келди: ўғилми, қизми — нима фарқи бор? Агар қиз туғилса, қора кийиладиган пайт-

лар ўтиб кетди. Энди қўшнилар босқинини тор-мор этиш, ўз қавмини ҳимоя қилиш даврлари ўтиб кетди. Бизнинг қизлар эса эркаклардан қолишишмайди (у Сидратга қаради), ҳа, Ватанни ва ўз номусини ҳимоя қилишда эркаклардан ортда қолмайдилар.

— Худо ҳаққи, сен ҳақсан,— қичқирди Ҳалимат, остонада палов тўла лаган билан пайдо бўлиб.

— Сен нима демоқчисан? Мендан қолишмайман, демоқчимисан,— Содиқ унга ўғирилди.— Барибир, эркак сўзи икки қисмдан «эр» ва «как» қисмларидан иборат,— Содиқ эркакларга кўз қисиб қўйди.

Лекин бўш келиш аёлларнинг хаёлларида ҳам йўқ эди.

— Мана, Сидрат сизлар билан баравар жанг қилди,— деди Ҳалимат,— айтишадикки, унинг отаси Умар, жойинг жаннатда бўлгур, хотини қиз туққани учун у билан бир ой гаплашмаган экан.

— Шундай яхши кунда урушни эслашнинг нима кераги бор,— гапга аралашди Сидрат.

— Рост. Келинглр, ичайлик,— уни қувватлади уй эгаси.

Бирин-кетин қадаҳлар кўтарилди. Яна ўғилчага, унинг ота-оналарига, бутун уруғларига сиҳат-саломатлик тилашди. Сўнг, ҳамма товушларни босиб, қўшиқ янгради. Чилдирмани бармоқлари билан чертиб, кўзлари қоп-қора, чақноқ аёл чиқиб келди.

Вино тўла қадаҳни  
Симиргин охиригача.  
Агар қадаҳ тўла бўлмаса  
Бўларди парча-парча.

Бас, энди кўз ёшидан  
Хира тортмас нигоҳлар.  
Майли, ўткир май бўйдан  
Сархуш кўнгил куйлагай.

Шомилни шу қўшиқ уйғотди шекилли. Ёки уйғонадиган пайти бўлдимиз, ҳар ҳолда чираниб қичқира бошлади.

— Эшитяписизларми, дўстлар. Шомил тўполон қил-япти. Қўшиққа қарши чиқяпти. Унда адашининг қони оқаётгани дарров билинди,— деди кимдир.

— Нима, Имом Шомил қўшиқни ёмон кўрганми-ди?— ҳайрон бўлди Сидрат.



— Сен билмайсанми ҳали? У фақат аёлларга эмас, эркакларга ҳам қўшиқ айтишни ман этган эди.

— Наҳотки?

— У қўшиқ айтишга журъат этган одамни хивич билан савалашни буюрган. Айтган қўшиғида неча сатр бўлса, шунча калтак урилган,— тушунтирди оппоқ соқоли, мўйсафид, янги чақалоқнинг бобокалони.

Шунда Сидрат унинг тоғ юрти жуда бой бўлган афсоналардан бирини эшитди. Бу ривоятлар ўлмайди. Боболар уларни ўғилларига айтиб беришади, ўғиллар набираларга. Балки бугун ана шу стол атрофига ўтирган кексалар, балки худди ана шулар тарихни асровчилардир. Уларнинг узоқ яшашлари ва кўп нарсани эсларида сақлашлари қандай яхши.

— Бир гал муваффақиятсиз жангдан сўнг,— оҳиста гап бошлади кексалардан бири,— Шомил ўз муриди билан уйига қайтар эди. Тун яримдан ошган ва Шомил онасини безовта қилмаслик учун мачитда тунамоқчи бўлди. Шунда ўз уйининг олдидан ўтиб кетаётиб, қўшиқ овозини эшитди. Қўшиқ мунгли эди. Шомил ғазабдан титраб кетди: ким унга бўйсунмасликка журъат этди? Ёз,— буюрди у мудирига,— қўшиқда неча сатр бор экан?

Шу ҳолда у қўшиқ тугагунча қоронғилик қўйнида тураверди. Кейин уйга кириб, мотам кийимидаги аёлларни кўрди. Уларнинг орасида ўз онаси ҳам бор эди. Шомил ойисининг олдида тиз чўкиб, бошини эгди. Кейин ўрнидан турди-да, барчага даҳшатли назар ташлаб, сўради:

— Ким ашула айтди?

Аёллар жим эдилар.

— Ким менинг уйимда қўшиқ айтди? — тақрор сўради Шомил. Шунда Шомилнинг онаси олдинга чиқиб, кўз ёшларини қора рўмолининг учи билан артиб, «Мен», деди.

— Онажон, ахир сен мен қўшиқ айтишни ман этганимни билмасмидинг? — сўради ундан Шомил.

— Билар эдим, ботир ўғлим,— жавоб берди онаси.— Агар қўшиқ бўлмаганида сен ҳозир мени кўмаётган бўлар эдинг. Қўшиқ менга ўлимни енгишга ёрдам берди. Синглинг, менинг қизим, душман қўлига тушмаслик учун болалари билан ўзини қоядан тошқин дарёга ташлади. Ўғлингни душман гаровга олиб кетди. Сенинг танангда латта куйдириб босилган ўн иккита яра...

— Қўшиқда нечта сатр бор экан?— деб сўради Шомил муридга ўгирилиб.

— Элликта,— дея мурид ерга қаради.

Шомил ундан қоғозни тортиб олди ва ўзи санаб чиқди.

— Саксон учта! Сен, она, йиғлама. Биров ўлади, бошқалари ўсиб етилади. Лекин эркимизни ҳеч ким тортиб ололмайди.— У муридига хипчинни тутқазди, қуролини олиб, айвонга чиқди.— Ўз онамни уришга ҳаққим йўқ. Унинг жазосини мен тортаман. Саксон уч марта ур.

Муриднинг қўли титрар эди. У ўн иккита ярасидан қон сачраётган баданни яхшилаб савай олмас эди.

Қутуриб кетган Шомил даст ўрнидан турди ва муридига «ёт», деб буюриб икки қамчи урди. Муриднинг орқасида дарҳол узун қизил йўл қавариб чиқди.

— Мана бундай уриш керак,— деди Шомил ва орқасини қамчига тутиб яна ётди.

— Буни мен эшитганман,— деди иккинчи кекса.— Лекин мен бошқа бир афсонани ҳам биламан. Болалигимда бувам айтиб берган эди. Мусофирликда Шомилнинг севимли қизи вафот этибди ва у ҳеч кимга кўринмаслик учун кечаси уйдан чиқиб кетибди. Лекин хотини сездирмай унинг кетидан борибди. У баланд тоққа етибди, харсангнинг устига чиқиб, ашула айта бошлабди. Бу қаноти кесилган ва қайта учолмайдиган бургут ҳақидаги қўшиқ экан. Шунда унга пандура торлари эмас, кўз ёшлари жўр бўлибди. Кўз ёшлар унинг чуқур ажинли юзларидан оқиб тушар, оппоқ, қуюқ соқоли ичига сингиб кетар экан. Хотини эса бошқа бир тош ортига яшириниб олиб йиғлар экан. Бирдан у Шомил турган тош кичрая бошлаганини кўриб қолибди. У оловда эриган металлмисол Шомилнинг қайноқ кўз ёшларидан эриётган экан,— мўйсафид сўзини тугатди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси қачонлардир яшаб ўтган, ўйнаб-кулган ва йиғлаб-сиқтаган, севган, болаларга ҳаёт бахш этган, жанг қилган, бўза ичган бу одамнинг улуғворлиги қаршисида лол эдилар. Энди улардан фақат афсоналар қолган эди.

— Демак, кўриб турибмизки, Шомил қўшиқдан бутунлай юз ўгирмаган экан,— жимликни Содиқ бузди ва қизга қараб, «айт», деб бош силкиди.

Яна доира чалиниб қўшиқ бошланди. Сўнг уй бекаси ноз-неъматлар тўла лаганлар билан даврани айла-ниб чиқа бошлади, қадаҳ сўзлари янгради.

Меҳмонлар фақат тонгга яқин тарқала бошладилар. Содиқ шу ерда қолди. У шундай маст бўлган эдики, Ҳалимат уни олиб кетолмади.

Сидрат билан Ҳусайн меҳмондорчиликдан бирга қайтишди.

— Кечир мени, Сидрат, — деди Ҳусайн, — мен сал мастман. Одам маст бўлганида юрагидагини тўкиб солади. Шунинг учун яхшиси мен гапирмайман.

— Ўз-ўзини танқид, Ҳусайн, яхши нарса, — деди Сидрат уни қўлтиғидан олиб, — бугун эса вазият сал бошқачароқ, шунинг учун айбга буюрмайман.

Шунда Ҳусайн тўсатдан олдинга бир қадам ташлаб, унинг йўлини тўсди. Чеҳрасида ғалати ифода пайдо бўлди, бундан Сидрат чўчиб орқага тисарилди.

— Нима бўлди ўзи сенга?

— Менга қийин, Сидрат, жуда қийин, — деди у бўғилиб. Сўнг жим бўлиб қолди. Унинг ҳозиргина журъатга тўлиб турган кўзлари хиралашди, қўли бўшашиб осилиб қолди, соч толалари нам пешонасига осилиб тушди.

— Бутун овулга бош бўлган одам, қишлоқ Советининг раиси, — деди Сидрат тетикланиб, — ўз туйғуларини жиловлай олади деб ўйлайман, — сўнг шу заҳоти суҳбатни бошқа мавзуга кўчирди. — Болалар қалай?

Лекин унинг тетиклиги Ҳусайнга таъсир қилмади.

— Болалар нима? — деди у маъюс, — болаларга онасиз қандай бўлиши мумкин, — сиполик билан қўшиб қўйди, — улар-ку, катта бўлишади, ҳар бири ўз уясини қуради. Мен-чи?! — У деярли қичқириб юборди ва Сидрат яна унинг кўзларида боя қўрқиб кетгани — дадилликни кўрди, — мен ўзимни гўё денгиз ўртасидаги бир парча ернинг четида тургандек ҳис қиламан, сув эса тобора кўтарилиб боради. Авваллари менинг қувончим ёки қайғум бўлса уйга, улар билан дардлашгани югурар эдим. Энди эса уйим ҳувиллаган, кўчалар ҳам ҳувиллаган, ҳаммаёқ ҳувиллаган.

«Унга, қадрдоним, менинг ҳам ёлғизлик жонимга тегди, десаммикан. Кечқурун ишдан уйга қайтиш жуда оғир. Ҳамма уйига шошилади, нақ югуради, мен эса атайлаб секин юраман... Сенга қандай суянгим келади, кўзимни юмсам, ҳеч нарсани ўйламасам, ҳеч нарсани эсламасам...»

Лекин бунинг ўрнига у ўғитомуз сўзлади.

— Ҳусайн, вақт энг яхши дори. Яраларни фақат у даволайди. Унга суян.

Сўнг бирдан даҳшатга тушиб ўйлади: «Нима деяпман ўзим? У барча номусни йиғиштириб қўйиб, менга кўнглини очяпти, бу эркак кишига, айниқса тоғлиққа қандай оғирлиги маълум. Мен эса бундай онларда айтиладиган одатдаги, миси чиққан гапларни айтяпман. Тагин ўқитувчи ўқувчига насиҳат қилаётгандай...»

— Чакар ўлганида, — бўғиқ овозда давом этди у, — мен энди фақат болаларни деб яшайдигандек эдим. Менга бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ эди. Лекин ҳаёт, у жуда айёр, ўз йўлида давом этар экан.

Сидрат жим эди. У Константин Александрович билан Зояни эслади. У ундан ўшанда нақадар нафратланган, Оляни унутгани учун нақадар қоралаган эди. Лекин унутмаган эди. Фақат у ерда, ана шу дўзах ичида ортиқ чидаш мумкин эмас эди. Бу инстинкт, ўз-ўзини сақлаш инстинкти эди. Ушанда у, «Сен, ҳали боласан, Соня», деган ва ортиқ ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмаган эди. Тушунтирмай тўғри қилган ҳам экан. Ахир сўзлар ниманидир тушунишга ёрдам берармиди? Фақат ҳозир Сидрат уни тушуниб турар эди.

У ғалати аҳволга тушиб қолган эди: юрагида қўрқув билан қувонч олишарди. У Ҳусайнга жавоб беришга қўрқар эди. Бирдан сўзлари яна бошқача чиқса-чи... Лекин ўша ягона сўз-чи?.. Нега унинг лаблари буни айтолмайди?

Ҳусайн унинг сукутини ўзича тушунди.

— Мен билган эдим, сен мен билан гаплашишни ҳам истамаслигингни билган эдим, — деди у. Унинг овози эса гўё бу кўргиликка ҳам кўнгандек осойишта эшитилди.

— Мана, мен уйимга етиб келдим, — деди Сидрат эшикни ушлаб. У яна умидсизланиб ўйлади: «Нималар деяпман? Мана ҳозир кетса ҳаммаси тамом. У ортиқ бу суҳбатни бошламайди, ғурури йўл қўймайди».

— Мен сени тушундим, — кулимсиради Ҳусайн. — Хайрли тун, — сўнг орқасига қарамай жўнаб қолди.

Сидратнинг унинг орқасидан «Ҳусайн, тўхта!» — дегиси, мана шу тонгги нам ўтлар устидан югургиси келди. Балки ўшанда...

Лекин бунинг ўрнига у эшикни итариб, дарахтлар қоронғи қилиб юборган ҳовлисига кирди. Ҳусайн эса муюлишга етгач, ўгирилди, лекин ҳеч кимни кўрмади. Нигоҳи ўзининг бир қўлсиз соясига тушди. «Тентакман, тентак, — деди у ўзига-ўзи алам билан, — шу аҳ-

волда унга керагим борми? Майиб... яна тўртта болам бўлса...» У яна ғарибона жилмайди.

Сидрат ҳам айвонга чиққач, орқасига ўгирилди, лекин у ҳам ҳеч кимни кўрмади. Шунда у эшикни ёпди-ю, эшикка бошини тиради. У ўзини-ўзи тушунолмас эди: балки ачиниш уни Хусайн сари судраётгандир? Лекин ачинишнинг унга кераги йўқ. У мағрур. Ёки ёлғизликми? Муҳаббат-чи? «Мен ўз-ўзимни тушуниб олишим керак,— ўйлади у,— уни алдаёлмайман, ҳаққим йўқ. У мени севади, қачондан бери севади».

\* \* \*

Хусайн темирчи оиласида ўсди. Унинг отаси Наби овулда катта ҳурматга эга эди. У колхоз раиси ҳам эмас ёки раиснинг қариндоши ҳам эмас эди. Қўйларининг гўшти ҳам фақат қишнинг ярмигача етар эди. Ашула айтишни ҳам билмас эди. Борди-ю, маст бўлганида ашула айтгудек бўлса, ҳамма қулоғини бекитиб олар эди. Нотиқликда ҳам ном чиқармаган, баҳсларда доим адашиб кетар эди.

Лекин овулда тўй бўлиб қолса, Набини айтмайдиган биронта ҳам оила йўқ эди. Байрам столи атрофида ҳурматли жойлардан бирига ўтқозишар, вино узатишар эди.

Наби осойишта бўза ичар, жимгина қўй гўшtidан тамадди қилар, қўшниси билан ўрим ҳақида, яйловлар ҳақида, ҳосил ҳақида босиқ суҳбатлашар эди.

Одамлар Наби сўзамол бўлмаса ҳам бекорчи гапларни гапирмаслигини билишар эди.

Меҳнатга ўрганган одамлар меҳнатнинг қадрига етишади. Наби темирчи эса ҳаётини ўз ҳунарисиз тасаввур эта олмас эди. Тонг отганидан кун ботгунича у устахонасида ишлар эди. Унинг қўллари кўмирдек қорайиб, оғирлашиб кетган, бели эса у қўлида эгадиган тақадек букилган эди. Овулдаги ҳар бир киши унинг болға уришини тинимсиз эшитиб турар, бу товуш уларнинг ҳаётига шундай сингиб кетган эдики, агар эшитилмай қолса, гўё шамол эсмай қўйгандек ёки чашмадаги сув қуриб қолгандек барча ҳайратга тушар эди.

Албатта, овулда Набисиз ҳеч кимнинг иши битмас эди. Ер ҳайдаш учун омов керак. Ўт ўриш учун ўроқ, олманинг тагини юмшатиш учун белкурак керак. Шунинг учун одамлар гоҳ омов, гоҳ чўкич сўраб келишар,

гоҳ янгисини олишса, гоҳ эскисини тузаттиришар эди. Баъзан шундай бўладики, нақ ўрим пайтида ўроқ ўт-наслашиб қолади ёки омов синиб қолади. Шунда яна Набига югуришади. Темирчи ҳеч кимга йўқ демайди. Керак бўлса кечаси соат учда туради, соат бешга омовни тайёр қилади. У ўзганинг вақтини, ўзганинг меҳнатини қадрлай олар эди.

Кўпинча хотини: «Нега майда иш оласан,— деб уришар эди,— бировнинг қуруқ раҳмати деб белингдан ажраласан!» Наби эса: «Ҳечқиси йўқ, ҳар бир чўкичга бир болға, ҳар юракка бир учқун», дерди.

Хотини Гварша унга сира ўхшамас эди. Далада унинг рўмоли камдан-кам кўринар, ўроқ ёки белкурак ушлашни унча ёқтирмас эди. Лекин овқат пишириш жону тани эди. Тоғлиқларнинг севимли ширинликлари махух, патух ва ҳолвани ҳеч ким ундан яхши пишира олмас эди. Бу ширинликларсиз байрам байрам бўладими? Шунинг учун ҳам кўп нарсада уни кечирешар эди. Кўпинча аёллар орасида шундай суҳбат бўлиб ўтар эди:

— Сендан ёрдам сўраб келдим, Гварша, шаҳардан каникулга қизим келяпти. Олдига қўядиган тузукроқ нарсам йўқ,— деб узоқдан гап бошлади қўшниси.

— Ундай бўлса ҳолва пишириш керак,— дерди Гварша хамир қора туриб (у албатта нимадир пишираётган бўлар эди),— ҳолвани яхши кўрса керак.

— Яхши кўрганда қандоқ,— суюниб кетарди қўшниси,— ҳатто посилка қилиб юборинг деб хат ҳам ёзган эди.

— Бандман. Кўрмаяпсанми?— дерди Гварша.

— Ахир ўзинг ҳозиргина...

— Сенга ваъда бердимми?— гапиртиргани қўймасди Гварша зарда билан хамирни муштлаб.

Қўшни маъюсланиб қоларди.

— Қарашворар эдим,— энди юмшоқроқ давом этарди Гварша.— Яхши одам учун ҳар қанча қилсанг арзийди. Лекин ҳали ўт ўришим керак экан. Кеча раис ишга чиқмадинг, деб яна уялтирди.

— Нималар деяпсан, Гварша, сенинг ўрнингга ўзим ўраман. Бунинг ташвишини қилмай қўя қол,— ялиарди қўшниси.

— Агар унақа бўлса...— рози бўларди Гварша гўё истамагандек.

Суҳбат шу билан тугар эди.

Гварша уйда, Наби устахонада хўжайин эди. У ўғли ҳам темирчилик ҳунарини эгаллашни истаган эди. «Дунёда бундан муҳимроқ иш йўқ,— деб тез-тез такрорлар эди у,— омовч бўлмаса ер ҳам туғмайди».

Ҳусайн отасининг бақувват қўлларидаги темирнинг оловга айланишини, унинг нуридан отасининг чеҳраси ҳам, болға, унинг қўллари ҳам, устахона деворлари ҳам кўзни қамаштирадиган даражада қизариб кетишини томоша қилиб ўтиришни яхши кўрарди. Отаси болгани олар, оловланган темирни урар ва олтин учқунлар юлдузлар чақнагансимон фақирона устахонани ёритар эди. Кейин у темирни мисоли мумдек эзар ва хоҳлаган шаклига солар эди. Баъзан эса Наби ўғлига болға тутқазар эди. Шунда Ҳусайн темирни кучининг борича урар, лекин бирорта учқун чиқаролмас эди. «Ҳечқиси йўқ,— далда берарди отаси,— куч пайдо бўлади. Меҳнат қилишни истасанг бас».

Куч келганида эса Ҳусайн фашистлар билан жанг қилгани кетиб, бир қўлсиз қайтди. Ана шундай қилиб, у отасининг ишини давом эттира олмади. Лекин овулда барча Ҳусайнни темирчининг ўғли сифатида танир эди. Доим: «Бу ҳалиги темирчининг ўғлими?» — дейишар эди.

Ҳусайннинг тасаввурига устахона яллиғими ёки оловланган металлнинг юлдузли учқунлари таъсир қилганми, ишқилиб, у қуёшнинг тоғ ортидан кўтарилиши, сўнг дарё ортига ботишини, оқшом чоғи бирдан гўё уйда ёнғин бўлаётгандек ойнада нимадир порлаб, кейин осмонда катта жонли юлдузлар пайдо бўлишини кузатишни яхши кўрар эди.

Бир куни кечқурун Ҳусайн тоғлар орасидан осмон қорайиб кўринган ялангликка чиқди. У чўмичсимон Катта Айиқ юлдузини яхшилаб кўрмоқчи бўлди: ўқитувчи бу ҳақда жуда қизиқарли ҳикоя қилган эди.

Ҳусайн қулай жойни топиб олиб, энди Катта Айиқ юлдузини қидирмоқчи бўлиб турган эди, орқасида шитирлаш товуши эшитилди. У чўчиб ўгирилди: оёқлари узун-узун қизалоқ яланглик бўйлаб қочиб борар эди. Ҳусайн Сидратни таниди. «Бу ерда нима қилаётган экан? Балки у ҳам юлдузларни томоша қилгандир? Ёки йиғладимикан? Айтишларича, отаси унинг онасини ҳайдаб юборган эмиш. Ғалати қиз. Бошқаларга ўхшамайди». Уша кундан бошлаб, ўз-ўзидан Сидратга қарайдиган бўлиб қолди. Қизалоқ ҳаммага ўхшаб арқондан

сакрар, копток ўйнар, тиззасининг кўзи йиртилиб юрар эди. Лекин рангпар юзидаги кўзлари шундай каттаки... уларда қандайдир қайғу яширинган эди. Яна бу кўзлар дарахтларга, шохларда ўрмалаб юрган капалак қуртларига, тоғларга қараганда уларда нимадир кўринар эди... Хаёлчанлик эдими бу?

Ҳусайн турли йўллар билан Сидратнинг эътиборини тортишга интилар эди. Гоҳ унинг олдида айланар, гоҳ оёғини осмонга қилиб, то бошига қуйилган қондан кўзи тиниб кетгунича турар эди. Гоҳ узун оёқларини осмонга кўтариб, қўли билан мактаб ҳовлисида юриб қолар эди. Лекин ҳаммаси бекор эди: қиз уни сезмас эди. Шунда Ҳусайннинг жаҳли чиқиб кетди: қарамаса қарамас! Кейин маъюс тортиб қолди. Кейин унинг мактабга Рашид билан бирга келганини кўрди. Агар бошқаси бўлганида-ку, Ҳусайн унинг таъзирини бериб қўяр эди-я. Лекин бу бошқа одам эмас, Рашид эди. Қадрдон дўсти. Ҳусайн чекинди. У Сидратга эътибор бермай қўйди. Ҳатто далада бошоқ теришганида ёнмаёن тушиб қолишса ҳам унга қайрилиб қарамас эди. Фақат бир марта, бутун овул қишнинг биринчи кунини байрам қилганида, энг баланд тоғда гулхан ёқилганида у қизни кўтариб гулхандан сакрагани. Ушанда Рашид унга қандай қараган эди. Ҳусайн дарров кўрқиб кетган ва Сидратни Рашиднинг ёнига қўйишга шошилган эди.

Ҳусайн яна бир марта сир бой бериб қўйди. У Сидрат ҳақида ўйламасликка қанча интилмасин, баттар ўйлайверар эди. Ниҳоят у қизга хат ёзишга аҳд қилди. Хатни то титилиб кетгунича ўн кун ёнида олиб юрди. Беришга юраги бетламади. «Билинтирмай дарслик китоби ичига солиб қўйсаммикан? — ўйларди у. — Лекин дарслик дугонасининг қўлига тушиб қолиши мумкин, унда бутун мактабга масхара бўлади. Дафтарнинг ичига солсинми? Бирдан ўқитувчи текшириш учун йиғиб олса-чи... Кейин ота-онасини мактабга чақиришади. Шундай олдига бориб, қўлига тутқизсинми?» Лекин бу фикрдан қулоқларигача қизариб кетди.

Тасодифнинг ўзи унга ёрдам берди. Бир гал у мактаб ҳовлисидан ўтиб бораётиб, Сидратнинг синфи физкультура қилаётганини кўриб қолди. Четдаги хода устида қизларнинг рўмоллари турар эди. Мана, Сидратнинг таги қора, сариқ гулли рўмоли. Ҳусайн ҳар эҳтимолга қарши дам олиш учун ўтирган киши бўлди, атрофга олазарак бўлиб рўмолининг учига хатни боғла-



ди. Кейин, жасорат кўрсатгандай ўзидан мамнун бўлиб, нари кетди.

Ҳусайн бечора. У тақдир доим севишганларнинг пайига тушишини қайдан билсин!

Буни қарангки, куни кеча Сидратнинг бувиси кир ювган, Сидрат эса бувим мени кўриб: «Кел, рўмолингни ювиб берай, тилла қизим, унгача сен оқ рўмолингни ўраб тур», дермикин, деб атрофида ўралашган эди. Кунни кечагина эса, Чакарнинг дадаси шаҳардан хотинига совға қилиб таги қора, сариқ гулли рўмол олиб келган ва шу ерда айланиб юрган Чакар уни кўриб: «Вой, қандай чиройли рўмол», деб ўраб кўрган. Урагач эса, ечишни истамай қолган эди.

Шундай тасодифлар бўлар экан-да. Доимо шундай: бировнинг шодлиги — бировнинг қайғуси.

Қизлар ҳарсиллаб бу бадбахт ходанинг олдига югуриб келишганида, Чакар, албатта, хатни дарҳол топди. Тугунча ечилмабди, шамол учуриб ҳам кетмабди. Шошиб қолганидан Чакарнинг юраги дукуллаб кетди.

— Вой, қизлар,— бақирди у,— кимдир менга хат ташлаб кетибди.

У шу заҳотиёқ овозини чиқариб ўқий бошлади.

Қизлар фақат бировларнинг эмас, ҳатто ўзларининг сирларини ҳам сақлашни билишмайди. Бир кун ҳам ўтмай, Ҳусайннинг севиб қолгани бутун овулга ёйилди.

Ҳусайн хатнинг кимгалигини ёзмаган эди ва ҳамма уни Чакарни севиб қолган, деб ўйлади. Энди уни кўрганида Чакар кулиб қочиб кетар эди. Кейин негандир у тез-тез Ҳусайннинг кўзига кўринадиган бўлиб қолди.

Ҳусайн унинг сочлари жозибали эканлигини пайқади: ҳатто Сидратникидан чиройлироқ, узун ва қалин эди. Кўзлари ўйчан бўлмаса-да, шўх, ёниб туради: юрагингни ёндиради, қочиб қутула олмайсан. Энди Ҳусайннинг назарида унга доимо Чакар ёққандай фақат Сидратгина юрагини ўртантиргандай туюла бошлади.

Бироқ ўз туйғусини тан олишга журъат этмас эди. Агар бир ҳодиса юз бермаганида балки ҳеч қачон журъат этмас эди.

Ўша баҳор бутун овул тоғ этагида гул байрамга тўпланди. Бу йил йигит ёшига етган ўсмирлар мусобақага тайёрланишар эди. Тортинчоқ Ҳусайн мусобақада қатнашмоқчи эмас эди. Бирдан қўшниси кеса-

тиб қолди: «Яхшиямки, Ҳусайн биз билан бирга қатнашмаяпти. Бўлмаса, албатта бизни қолдириб кетар эди»,— хахолаб ёш боладек унинг елкасига қоқиб қўйди.

Ҳусайн индамади. Агар бошқа бир йигит бу ҳазилни илиб кетмаганида, у томошабинлар ичида тура-верар эди:

«Ҳусайн, қараб тур, тагин менинг гулдастам сенинг севгилингга тушиб қолмасин».

Ҳусайннинг юраги ғалати бўлиб кетди. У гангиб, атрофга аланглади ва ёниб турган икки кўзни кўрди. Бу кўзларда таъна бор эди: «Мана, Чакар ҳам мени кўрқоқ деб ўйлаяпти,— хаёлидан ўтди унинг,—яхшиямки, бу ерда Сидрат йўқ».

Қандайдир куч уни итаргандек бўлди. Ҳусайн келиб, мусобақага тайёрланаётган йигитлар ёнига турди. Уларнинг қаршиларида осилиб турган улкан қоя осмонга тегай дерди. Гўё одам зоти унга чиқа олмай-дигандек. Қаердадир ўша қоялар устида биринчи баҳор гуллари очилган. Ҳозир тоғ этагида қатор бўлиб турган йигитлар ўша гулларни олиб келиб, севгилилари оёғига ташлашлари керак эди.

Бу севги изҳор қилиш эди. Гул олган қиз шу кундан эътиборан қайлиқ ҳисобланар эди. Биринчи бўлиб гул ташлаган йигит мусобақа ғолиби ҳисобланар эди.

Йигитлар қатори таранг камалак ипидай диққатни бир жойга тўплаб, мусобақага сигнал берилишини кутар эди. Ниҳоят, ҳавони титратиб ўқ овози эшитилди. Тоғ акс садоси кетма-кет уни такрорлади. Йигитлар сафи титраб, бузилиб кетди. Мана, улар қояга етдилар, унинг поғоналарига ёпишиб, тез юқорига кўтарила бошладилар. Улар борган сари узоқлашиб, юқорилашиб борар эдилар. Мана, улар қоялар орасидаги нуқталарга ўхшаб қолдилар.

Одамлар эса бошларини орқаларига ташлаб, тоғ этагида қотиб қолган эдилар. Томошабинлардан ҳеч ким энди биринчилик ҳақида ўйламайди. Фақат сирғаниб кетмаса, қўли чиқиб кетмаса бўлди, деб ўйлайди. Қоянинг тагида жарлик бўридек жағини очиб турибди.

Йигитчалар эса тобора юқори кўтариладилар. У ерда чўққилар яқинида улар бургутга ўхшаб кўринадилар. Мана, биринчиси кўтарилди, қаддини ростлади, зангори осмон қўйнига сингиди, унинг кетидан иккин-

чиси, учинчиси... Тоғ ўркачлари уларни яшириб, қояда ҳеч ким қолмади.

Кутиш чидаб бўлмайдиган даражада узоқ туюлди.

Мана, оломон энгил нафас олди, чайқалди ва бирдан ҳамма бараварига «О-о-о-о!» деб юборди.

Йигитлар бирин-кетин қояда кўрина бошладилар. Энди улар қайтишга, тоғ этагига ошиқишар эди... Мана, кимдир ўтлоққа сакради. Ким экан у? Темирчининг ўғли эмасми у? Наҳотки ўша? Худди шу онни кутиб турган дўмбира билан сурнай тилга кирди. Бутун овул чапак чалиб, ғолибни қаршилар эди. Боягина қўрқувдан қотиб қолган чехралар юмшаб, ёришди, худди ҳозиргина қоядан сакраган йигитча уларнинг ҳар бирининг кўзига қуёшдан узиб олинган нур парчасини ташлагандек кўзларида қувонч порлади.

«Гулни кимга ташлар экан у?» — ҳаяжонланади барча.

«Гулни кимга ташлар экан у?» — такрорлайди қоя ва адирлар.

Лаҳза ўтди — гулдаста ҳавога учди. Гуллар сочилиб Чакарнинг оёғи тагига тушди.

У қизариб кетди, гуллардан бирини илиб олди ва уялиб аллақачон Ҳусайннинг рақс тушаётган оёқлари липиллаётган даврага чиқди, йўқ, сузиб кирди.

Сурнай ва ногора овози яна қаттиқроқ янгради. Оёқлар яна ҳам чаққонроқ ҳаракатга тушди. Юраклар қаттиқроқ тепа бошлади. Уларнинг атрофларида осмон ва қоялар, қуёш ва булоқлар, одамлар ва даҳатлар яна ҳам чирпирак бўлиб айлана бошлади...

...Лекин бахт кетидан ташвиш, ташвиш кетидан бахт шошиб етиб келади. Табиатда бу алмашинув абдий.

Шундай қилиб, Чакарга ўзининг тўйида рақсга тушиш насиб бўлмади. Уруш халал берди. Кейин эса хурсандчиликнинг пайти бўлмай қолди. Ҳусайн урушдан қайтгач, тўй қилишган бўлса ҳам, лекин стол атрофида фақат аёллар, бунинг устига, уларнинг кўпчилиги мотам кийимида бўлса, куёвнинг бир бўш энги камарига тиқиб қўйилган бўлса қандай тўй бўлсин.

Овулда эркаклар деярли қолмаган эди. Ҳусайн дарҳол ҳам колхоз раиси, ҳам қишлоқ Советининг раиси бўлди.

У бутун кучини колхоз ишига берди, фронтчилар оиласидан ёрдамини аямади. Лекин буларнинг бари-

ни у сездирмай, миннат қилмай, миннатдорчилик кутмай бажарар эди. У одамларга хизмат қилишга доим тайёр ва бирор яхшилик қилса ўзини гўё у эмас, унга яхшилик қилаётганлардай тутар эди.

У гўё сокин дарёга ўхшар эди, шовуллаб эътиборни тортмас эди-ю, лекин саратонда сув ичириб, чанқоқликни қондираар эди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Сидрат йўл тайёрлигини кўрар эди. Бу гал унинг сафари Ленинградга, хирурглар съездига эди. Сидрат гўё қанот пайдо қилгандай ҳис этар эди ўзини. У уйини биринчи марта юракни сиқувчи хавотир туйғусидан холи тарк этмоқда эди. Қариндошлар ва дўстлари уни дарёгача кузатиб қўйдилар. Раҳимат холаси кузатди. Роза эри ва кичкина Рашид билан кузатди. Касалхонанинг ёш врачлари, қўшнилари ва икки ҳамшира кузатдилар.

Дарё бўйига етганида тўхтаб, ҳамма билан хайрлашиш пайти келганида, у бирдан ташвишланиб қолди. «Саодат усиз нима қилар экан, ҳам ёш, тажрибасиз».

Лекин шу заҳоти ўзини-ўзи койиди: «Нима бўлди ўзи менга ёки ёш бўлмаганмидим ўзим? Ахир одамлар менга ишонган эди-ку. Ёшларга ишонмай қўйдим, қарияпман шекилли». Шундай деб ўйлар экан, унинг нигоҳи Саодатда, унинг лоладек гулгун чеҳрасида, чит қўйлагининг очиқ ёқасидан кўриниб турган таранг бўйнида, қоп-қора, тетик кўзларида тўхтади. «Яхши қиз,— хотиржам бўлиб ўйлади Сидрат,— тажриба орттирса мендан яхши ишлайдиган бўлади».

Дарё шовқин солиб тошларни юмалатар эди. У шундай енгил ва қувноқ эдики... Балки шунинг учун ҳам овулликлар орасида шу ерда хайрлашиш одат тусига киргандир.

Сидрат бошини орқасига ташлади.

— Хўш...— у қўлини Саодатга узатди. Кейин Раҳимат холасини қучди. Кичик Рашидни бир оз қўлида кўтариб турди. Бола пардек юмшоқ ва енгил эди.

— Хайр, олтингинам менинг,— бир зум унинг кўз олди қоронғилашди, унда соғинч ва афсус бор эди. «Сен йўқсан, азизим, ёлғизим. Фақат номинг қолди — Рашид, Рашид, Рашид...»

Энг охири қўлини Ҳусайнга узатди. У гўё ёш йигитдек қизариб кетди, бир оз унинг қўлини ушлаб турди.

— Хайр, Ҳусайн. Жамилани эҳтиёт қил,— деди у қўлини аста бўшатиб.

\* \* \*

Махачқалъада у поездга ўтириши керак эди. Бу ерда Мусани кўриш учун бир кун қолмоқчи бўлди. Умуман, бу шаҳарда, анча-мунча хотиралари билан боғлиқ бўлган шаҳарда қолиб, унинг кўчаларида айлангиси келди... У автобусдан тушиши билан бирдан эсанг шамол сочларини тўзитиб, кўйлагини шиширди. «Бу ерда шамол ҳамма нарсани бузади»,— деб ўйлади у афсусланиб, бир қўли билан сочини, иккинчи қўли билан кўйлагини ушлаб.

Автобус кечқурун келди. Шаҳар чироқлари гўё куз осмони ерга тушиб қолгандек чарақлар эди. Сидрат бу ерда ўқиган чоғларини эслади. Унда ҳали чироқлар кам, фақат марказий кўча ёритилар, зим-зиё тор кўчалар одамни қўрқитар эди. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ — уруш тугаганига энди бир йил бўлган, электр энергиясини аяш керак эди. Шаҳар марказидаги кинотеатр чироқлари уни қандай қувонтиргани Сидратнинг эсида. У ерда улар Зоҳид билан кўп сайр қилар эдилар. Шу ерда, шу чироқлар ёруғида у тасодифан Зоҳиддан юз ўгиришига мажбур бўлган гапни эшитган эди. Шуниси қизиқки, энди бу хотиралар кўнглини ранжитмас эди. Энди гўё ақлини таниган одам ёшлиқнинг шўхликларини эслаб кулгандек кулар эди. «Шаҳар қандай ўзгарибди, қандай улғайибди»,— деб ўйлади у порлаган кўзлари билан баланд иморатлар, бахмал пардалар тутилган пешайвонлар, рекламаларга маҳлиё тикилганча милтиллаётган қирғоқ ёритилган хиёбонлардан борар экан.

Сидрат қоронғиликда бирдан янграган кулгидан, гугурт чақилганида кўриниб қолган бегона чехрадан, қирғоқ бўйидан оҳиста ва виқор билан бораётган болалар аравачасидан яйраб борар эди.

Ҳозир унда бегона шаҳарга келиб қолган одамда бўладиган, ясениб-тусаниб олган тумонат одам ичида ўзини ёлғиз ҳис этадиган юрак увушиши йўқ эди. Анави сувга энгашиб аста сўзлашаётган, у ўтганида жи-

миб қоладиган йигит билан қизга ҳасади ҳам келмас эди.

Сидрат юришдан, хотиралардан, бу шаҳар таассуротидан чарчади. Лекин қараса барча скамейкалар банд экан. Бўш жой кўп эди, аммо ҳар бир скамейкада жуфт-жуфт бўлиб ўтиришар, Сидратнинг эса уларга халал бергиси келмас эди.

«Балки Муса ҳам шу ердадир?» Унинг миясига кутилмаган фикр келди ва Сидратнинг ўзи бунга ҳайрон бўлди. У дунёга келган кунни эслади.

У буни худди кечаги эмас, лекин куни кеча деб гапириладиган ўтган воқеалардек аниқ эслар эди.

Ҳусайн уйғотганида у нега келганини дарҳол тушунди ва «Бошландими?»— деб сўради. Ҳусайн бош силкиди. «Балки Чакар мени район касалхонасига олиб боради, деб қўрқиб, қутулиб олгач чақиргандир»,— деб сўради у. Ушанда Ҳусайннинг нима деб жавоб бергани сўзма-сўз эсида! «Мен сиз аёлларнинг ишингизни тушунмайман. Айтган заҳоти келдим». Сидрат сув қайнатаётиб, Ҳусайнни ҳайдаб чиқаргани, бармоғини куйдириб олгани эсида. Эсида, ўшанда тун тугаб хонага қуёшнинг илк нурлари тушган, нур Чакарнинг қўлига етиб борганида, гўё у таъсир қилгандек, Чакар бирдан чойшабни чангаллай бошлаган эди. Узун тушиб турган нурда чанг зарралари қандай титрагани эсида. Улар шундай кўп эдики, Сидрат Чакарнинг ўрни ёнида ўтириб шунча чанг қаёқдан пайдо бўлдикин-а?— деб ўйлаган эди.

Чакар ўғил туғди. У сочлари тердан ҳўл бўлган бошини Сидратга ўгириб, беҳол сўзлади: «Бор, Ҳусайнга «ўғил», деб айт. У Содиқникида».

— Сенинг олдингда одам бўлиши керак. Бирор кишини юбораман,— деди шунда Сидрат. Чакар эса қаршилиқ билдирди.

— Йўқ, фақат ўзинг. Агар бошқа одамни юборсанг, мен хафа бўламан.

Сўнг Сидрат Содиқникига югуриб кетди. Ахир у бунинг нақадар муҳимлигини, ким биринчи бўлиб хушхабар олиб келиши жуда муҳимлигини яхши билар эди.

Айвонда, оғзига папиросни қистириб, Ҳусайн асабий одим ташлар эди. Эшик гийқиллаши билан у тўхтади, Сидратга ёлворган кўзларини тикди.

— Уғил!— деб қичқирди у ҳарсиллаб.

— Уғил!— қичқириб юборди Ҳусайн ҳам. У боши-

дан шапкасини олиб, шифтга отди.— Содиқ, эшитяпсанми, мен ўғил кўрдим. Оллоҳ отамни олиб, менга ўғил берди.

Сидрат унга меҳр билан қараб турар эди. У шундай қувонар эдики... Нақ боладек. У шундай тўлиб-тошар эдики, Сидрат бехос унга завқланиб тикилар эди. Кейин Ҳусайн Сидратнинг олдига келиб чўнтагидан узук олиб, унга узатди. Узукнинг жажжи тоши осмон парчасидек зангори эди.

— Мен буни шу хабарни олиб келган одамга бермоқчи эдим. Ол, Сидрат.

— Йўқ, нима қилияпсан,— у қўлларини орқасига яширди.— Чакарга бер.

— Наҳотки, сен мени уни унутган деб ўйлаяпсан?— У яна битта шунақа узук кўрсатди.

— Ундай бўлса раҳмат, Ҳусайн. Сира ечмай тақаман. Ўғлинг катта бўлиб уйланганида, келинга совға қиламан.

Чакар илгари ҳам Сидратнинг дугонаси эди, энди гўё қондош бўлдилар, қўлларидан олмай тақадиган бир хил узуклари эса гўё бу қондошлик ипини яна ҳам мустаҳкамлади.

Лекин ўша кун воқеалари бу билан тугамади. Сидрат узукни энди бармоғига тақиб, томоша қилиб турган эди, ҳовлиқиб Содиқ югуриб келди. Унинг қўлида йўғон арқон бор эди.

— Суюнчи. Лекин кичкина эмас,— деб қичқирди у Ҳусайнни арқон билан устунга боғлаб.

— Қўлга тушдим,— ёлғондан ялинди Ҳусайн,— Сидрат, қутқар, дўстим Ҳазамининг ёнига югур, унга бир қўй келтиришини буюрган эдим. Яна ертўлада турган кўзадаги бўзани ҳам унутмасин.

...Тўнғичи туғилиши билан Чакар дунёдаги барча нарсани унутди. У деярли кўчага чиқмас, гапирса фақат ўғли ҳақида сўзларди. «Бугун Муса менга жилмайди,— бахтдан энтикиб ҳикоя қилар эди у Сидратга,— кир юваётган эдим, кейин унинг олдига бордим, қарасам, ухлаб ётибди. Кейин бирдан буни қарагин-а, кулди. Кўзлари эса юмуқ. Менинг келганимни билди шекилли...»

«Муса «ойи», деди, полиздан келсам, у пешайвонда ўтирган экан. Мени кўриб, қўлини чўзди, аниқ қилиб «ойи», деди. Ҳусайнга айтсам, ишонмади. Мусанинг тиши чиқди. Мен буни тўсатдан билиб қолдим. Ширгуруч едираётсам, бирдан қошиқ қаттиқ нарсага тег-

ди, «тиқ» этди. Қарасам, милки оқариб турибди. Дар-ров билдимки, бу тиш...»

У Сидратга шундай ҳикоя қилар, Сидрат эса дугонасининг бахтига чин юракдан шодланар эди.

Тезда Чакар Осиётни, сўнг Алини, кейин Жамила-ни туғди ва бу ажойиб қувончлар энди унга таъсир қилмай қўйди. Бунинг устига ҳали белги бермаган бетоблик тинкасини қуритмоқда эди. «Шундай чарчайманки,— Сидратга ҳасрат қилар эди у,— эрталаб дарё бўйига кир чайгани борган эдим, зўрға қайтиб келдим. Негадир тоғора шундай оғир туюлдики... Кеча клубда янги кино қўйишган эмиш-а. Мен эса Осиёт туғилганидан бери бир марта ҳам кинога тушганим йўқ. Болаларни ташлаб қаёққа борасан?.. Ҳусайн эътиборсиз бўлиб қолдинг, деб мендан ўпкалайди. Қандай қилиб эътиборли бўлай, кечгача олмахондек тиним билмасам, каравотга ётсам, худди жарга қулагандек бўлман...»

Мана, ҳозир Сидратнинг қулоғи тагида унинг овози,— аввалига ёқимли, илиқ, ҳаёт завқига тўлган, кейин ҳорғин, нолийдиган овози янграб турарди.

«Етар энди, хотиралар», хаёлини бўлди Сидрат. Сўнг ёп-ёруғ шаҳар бўйлаб, ўша, бир маҳаллар Зоҳид ўқиган институт ётоқхонасига қараб юриб кетди.

У бир йигитдан Мусани чақиришини илтимос қилди-да, ўзи қуюқ шохли дарахт тагидаги скамейкага ўтирди.

Муса чиқди, Сидрат ёритилган подъезддан йигитчанинг югуриб чиққанини, атрофга аланглаб, тўхтаб қолганини кўрди. Унинг ҳаракатларида фақат ўсмирларга хос бўлган енгиллик бор эди. Агар одам бир амаллаб ажинларини йўқотиб ва оқ сочларидан қутулса ҳам барибир у ёшлар билан тенглашолмайди: ҳаракатларидаги чаққонлик ва эркинликни сақлаб қола олмайди.

Сидрат бир он уни завқланиб кузатди, сўнг овозини кўтариб, «Муса», деб чақирди. Мусанинг чехрасидаги эсанкираш шу заҳотиёқ қувонч билан алмашинди.

— Сидрат хола, сизмисиз?..

— Катта йигит бўлиб қолибсан, Муса. Агар кўчада кўрсам, сира ҳам танимас эдим. Лекин ҳайрон бўладиган жойи йўқ... институт шарафини ҳимоя қиладиган



полвон...Жамила ва Али сен билан қандай фахрланишларини билсанг эди.

— Хўш, улар қалай? Отам-чи? Овулда қандай янгиликлар бор?

— Ҳаммаси яхши. Ўзингнинг ўқишларинг қалай?

— Эркакчасига, ўртача,— сал олифталик билан жавоб берди Муса.

— Бундан яхши бўлиши ҳам мумкин эди,— Сидрат ўпкаламай тура олмади.

— Биласиз-ку,— деди Муса бепарво,— мен беш билан ҳеч чиқишмасдим.

— Биладан, биладан,— кулди Сидрат Чакар билан Ҳусайн уни ўқишга қизиқтираман, деб не-не ҳунарларни ўйлаб топишмаганини эслаб.

Лекин уларнинг ҳаммаси бир куни унинг уйдан қочиб кетиши ва фақат иккинчи кунигина тоғда тинч ухлаб ётган ҳолда топилиши билан тугаган эди. Унинг ёнида кўзада сув ва қотган нон бор эди.

Шундан сўнг уни ўқи, деб ортиқ жонига тегишмади. Аммо спортда у биринчи, мактаб шарафини доимо ҳимоя қилиши мумкин эди, бунинг эвазига уни кўпинча кечирар эдилар.

— Мен Осиётни ҳам кўрмоқчи эдим,— деди Сидрат Муса билан тўйиб гаплашиб олишгач.

— У ҳозир йўқ, уларни картошка тергани олиб кетишган,— деди Муса.

..Барча янгиликлар айтиб бўлинди, улар хайрлашдилар. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган, эртаги кун Сидрат учун анча оғир эди. Бу шаҳарни тарк этар экан, бу ерларни яна қачон кўрар эканман, умуман кўраманми, йўқми, деб эзилиб ўйлади.

\* \* \*

Съезднинг иккинчи куни эди. Сидрат университетнинг Катта мажлислар залида ўтириб, мамлакатнинг ва бутун дунёнинг машҳур хирурглари сўзини тингларди. Юзлаб одамлар билан тўла зал салқин ва жимжит эди. Микрофон қўйилган, шунинг учун сўзловчиларнинг овозлари залнинг бурчак-бурчакларигача етиб борарди.

Сидрат танаффусдан кейин эгилиб жойига ўтиб борар экан, қулоғига жумланинг сўнгги сўзлари кир-

ди: «...профессор Константин Александрович Орловга». Сидрат сесканиб кетди, юзига, пешонаси, бўйинларига қон урилганини ҳис қилди.

— Кечирасиз,— ёнидаги одамга ўгирилиб, ҳаяжонланган ҳолда сўради,— фамилиясини эшитмадингизми?

— Орлов!— қўлини оғзига тутиб жавоб берди у.

— Нима, ким, фамилияси-чи?— яна сўради Сидрат. У ҳамон ўз қулоқларига ишонмас эди.

Қўшниси, «йўқ, эшитмадим», дегандек бош чайқади.

Сидрат стулда ўтирганича орқа-ўнгига алангларди: яна кимдан сўраса экан? Унинг бошқа тарафида муҳожир киши ўтирар эди. У албатта айтиб беролмаса керак.

Лекин бу пайт минбарга профессор Орлов кўтарилди.

Сидрат уни айниқса узоқдан таний олмасам керак, деб ўйлар эди. Лекин катта очилган мўғулнусха кўзларидан, уларда доимо жилваланиб турадиган ҳайрат аксидан уни дарров таниди. «Константин Александрович, тирик экансиз, қандай бахт!»— деб қичқиргиси келди.

У залдагилар унинг сокин овозини диққат билан, олдинга эгилганича эшитаётганини кўрди. Лекин ўзи ҳеч нимани эшитмас эди, чунки қулоқларида бошқа овоз янграрди: Ольга Петровнанинг умидсиз ва сўниб бораётган овози эшитиларди: «Костя, Костенька!..» Кўз олдида эса ҳарбий госпиталь, операция хонасини тўсиб турган оқ чойшаб ва унинг бир чеккасидан қараётган шинелли киши пайдо бўлган эди.

Константин Александрович узоқ гапирди. Сўзини тугатгач, залдагилар уни ўринларидан туриб олқишлашди.

«Бу ахир жаҳон миқёсидаги кашфиёт — юракни операция қилишдаги янги усул-ку»,— ҳаяжонланиб қаттиқ шивирларди Сидратнинг ёнидаги киши.

— Вой, вой, тентакман-а,— Сидрат пешонасига урди,— ҳиссиётга берилиб, обидийда қилиб ўтириб, энг муҳимини ўтказиб юборибман-а.

Танаффус эълон қилишди. Залдагилар қимирлаб, шовур-шувур қилиб қолишди. Сидрат оёғининг учида кўтарилиб, кўзлари билан Константин Александровични излай бошлади. Ана у, залнинг нариги томонида,

одамлар даврасида турибди. Сидрат кимларнингдир оёғини босиб, бунинг учун ундан ўпкаланган нигоҳларни пайқамай, туртиниб-суртиниб, одамлар орасидан ўтиб борди ва сакраб, унинг орқасидан бўйинини қучоқлаб олди.

— Нима бу? Бу қандай ҳужум?— деди у тушунолмай, ўгирилиб қарашга уриниб.

Шунда Сидрат қўлини туширди ва юраги дукиллаб, олдинга ўтар экан:

— Бу ахир мен, мен...— деди.

Аввалига у танймай, бир оз тикилди. Кейин унинг ҳайрат акс этган кўзларида нимадир йилтиллади, тилга кирди ва оғриққа айланди.

— Эй, худо, Соня. Кечир чолни. Соғ-омонмисан, азизим?— Унинг овози сокин жаранглар, лекин Сидрат бунинг замиридаги қувончни сезиб турар эди,—Вой, соҳибжамол-ей, қани мен сени бир кўрай-чи,— у Сидратни ҳар томонга айлантира бошлади. Унинг катта қўллари Сидратнинг елкасида турар эди.

— Менинг эримни қанақа гўзаллар ўраб олишди ўзи?— майин аёл овози эшитилди. Сидрат Зоя Александровнани, ўшанда уни ярадорлар билан бирга ўрмондан олиб чиқиб, госпиталга ётқизган ўша аёлни таниди. «Демак, улар турмуш қуришибди-да»,— маъюс деди ичида Сидрат.

— Бу ахир Соня-ку, Соня. Қара, қандай улғайибди,— деди Константин Александрович хотинига.

— Сира ҳам танимаган бўлар эдим,— деди у Сидратни қучиб.

Уларнинг ёнига фотоаппаратлар осиб олган одам югуриб келди. «Агар янглишмасам, қуролдош дўстларнинг учрашуви бу»,— тез сўзлади у ва фотоаппаратларидан бирини тўғрилаб.

— Соня,— бу пайт унинг елкаларидан қучиб, сўзлади Константин Александрович,— ўзинг қалайсан? Эрга тегдингми? Балки болаларинг катта бўлиб қолишгандир?—у табассум қилди.

Сидрат жимгина кўзларини олиб қочди.

— Костя, бирданига шунча савол бериш мумкинми ахир,— аралашди унинг хотини.

— Ҳа, ҳа, албатта. Соняни бизникига таклиф қил. Биз албатта учрашишимиз керак, ҳалиги айтадиларку, уй шароитида.

— Ҳа, албатта. Биз жуда хурсанд бўламиз,— деди

Зоя Александровна бўшашиброқ. Унинг кўзларида бевозталиқ акс этди. Шундан Сидрат бирдан унинг бу учрашувдан чўчиётганини тушунди.

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

Поезд Махачқалъага яқинлашиб келар эди. Сидрат ойнадан узоқларга, ҳадемай тоғлар кўринадиган томонларга тикиларди.

Улар доимо бирдан, гўё йўқликдан ясалгандай, ҳавога қараб, гоҳ туман қўйнида, гоҳ аниқ пайдо бўлар эдилар. Улар кўрингач эса Сидрат ўзини уйда ҳис этар эди.

Ҳаётда шундай бир-бирига уланиб кетмайдиган, айрим-айрим оролчалардек ажралиб турадиган кунлар ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам уларни бир умр эслаб юришади. Сидратнинг Ленинградда ўтказган кунлари шундай бўлади. У ерда Сидратнинг эшитганлари жарроҳликда янги гаплар эди, Константин Александрович билан учрашуви эса ҳаётида ўтмишни жонлантирган эди.

Энди эса уйини, овулини соғинган эди. Сидрат энди гўё уни кутаётган барча беморларни тузатиб юборишга қудрати етадигандек шодланар эди. Гўё у уларга узоқ йилларга етадиган соғлиқ олиб бораётгандек эди.

Поезд юришини секинлатиб перронга кириб келди. Дарҳол тўс-тўполон бошланди. Чамадонларини кўтариб олган одамлар қатор бўлиб турган поезднинг тор йўлакчасидан туртиб-суртиб юк ташувчилар ўтишди. Перронда турган аёл қизчасини қўлига кўтарди. Кутувчилар перрон бўйлаб югуриб бошларини кўтариб, керакли вагонни излардилар.

Сидрат тушишга тайёрланди-ю, лекин одамлар тушиб бўлсин, деб кутмоқчи бўлди, чамадонига оёқларини тираб, яна ўз жойига ўтирди. Деразадан паришон тикилар экан, бирдан... Кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Муса билан Осиёт перронда гулдаста кўтариб турар эдилар.

«Келишимни қаёқдан билишибди?» — ҳайрон бўлди Сидрат ва тушишга шошилди. Муса уни кўриб, истиқболига пешвоз югурди.

— Сидрат хола, сиз келадиган кунингизни айтма-сангиз ҳам барибир биз билиб олдик. Чамадонингизни менга беринг.

— Сафарингиз қутлуғ бўлсин,— деди соддагина қилиб Осиёт, гулдастани узатаркан.

— Раҳмат, меҳрибонларим!— Сидрат юзини гуларга теккизди, улардан сўлиш онларининг қайғули бўйи тараларди.

— Сизнинг расмингизни газетада кўрганимда,— «Сидрат холамни қаранглар», деб ҳаммага кўрсатдим,— деди Муса.

— Вой, ростданми?— суюнди Сидрат ҳам... кейин сал ўнғайсизланди,— суратимизни съездда олишган эди.

— Хўп, сизлар гаплашиб туринглар, мен такси топаман,— деди Муса, у аниқ-таниқ ўзини катта киши ҳисоблаб, аёлларга ғамхўрлик қилар эди.

\* \* \*

Эртаси куни Сидрат яқинда янги қурилган касалхонада Саодат билан бирга палаталарни айланиб юрар эди.

— Сидрат, ўша кеча қандай қўрққанимни тасаввур ҳам этолмайсан,— ҳаяжонланиб сўзлар эди Саодат,— уни ҳеч қачон унутмайман. Худди атайлаб қилгандек худди сен кетган кунинг шундай бўлди-я.

— Сен уни яхши операция қилибсан, баракалла. Мен кўрдим, яраси битяпти. Уч-тўрт кундан кейин уйига рухсат бериш мумкин,— унинг учун қувониб деди Сидрат.

— Институтда ўқиб юрган пайтларимда, аппендицит нима бўлибди, деб ўйлардим, осон операция. Лекин уни столга ётқизиб, Умагани менга скальпелни узатганида... Ишонасанми, Сидрат, менинг ҳатто юзларим терлаб кетди. Кейин шундай қўрққаним учун ўзим уялиб кетдим.

— Бошқалар операция қилаётганида томоша қилиш осон,— жилмайди Сидрат.— Энди мен бемалол ҳар ёқларга кетишим мумкин.

— Вой, Сидрат, фақат кетишнинг кераги йўқ.

— Баъзан керак. Ҳатто жуда зарур. Биласанми, менинг бу сафарим қандай фойдали бўлди. Қанча янгиликларни билдим. Қандай одамлар билан учрашдим. Яна... ўқи-чи, қандай қувончли хабар олиб келдим,— Сидрат шундай деб, қизга пакет узатди.

Саодат пакет ичидаги қоғозни олиб, тезгина кўз югуртирди.

— Наҳотки шу рост бўлса, Сидрат? Энди бизнинг чинакам шифохонамиз бўладими? Худди шаҳардаги-дек-а?— унинг чеҳраси очилиб кетди.

«Яхши қиз»,— яна худди жўнаб кетаётгандаги каби ўйлади Сидрат, бу ёш, очиқ чеҳрага қараб.

— Яна икки врач ва уч ҳамшира,— таъкидлади у.

Шу пайт кабинетга ҳамшира Умагани мўралади.

— Сидрат, Зоҳид унинг олдига киришингни сўраяпти,— деди у.

— Вой, эсимдан чиқибди,— деб юборди Саодат,— Бу Зоҳид ўзи сал ғалатиноқми дейман. Бир кунда «Сидрат қачон келади?»— деб юз марта сўрайди. Мен унга «бир ҳафтадан кейин», дейман. У эса ярим соат ўтмай яна сўрайди.

— Ҳозир бораман олдига,— деди Сидрат,— тузукми ўзи?

— Емон эмас. Мен ўтиришга рухсат бердим. Лекин у фақат сени сўрайди. Бир зумда тузатиб юборасан, деб ўйлайди,— Саодат хўрсинди...

...Сидрат палатага кирганида, Зоҳид ёстиққа ёнбошлаб ўтирар, бошқа бир ёстиқ тирсагининг тагига қўйилган эди. У мудрарди, лекин эшик ғичирлаши билан кўзини очди, олдинга интилди: унинг тирсаги тагидаги ёстиқ эзилди.

— Салом, Зоҳид,— деди Сидрат оддийгина қилиб.— Аҳволлар қалай?

— Раҳмат!— у ерга қараб, йўталиб қўйди.— Яхши келдингми?

— Раҳмат!— ўз навбатида миннатдорчилик билдирди Сидрат.

Жимлик чўкди. Фақат дераза ортидан арра овози эшитилар, қишга ўтин тайёрлашар эди.

— Нима бўлган эди ўшанда?— деб сўради ниҳоят Зоҳид. Унинг овози бўғиқ эшитилди.

— Оқибати яхши бўлганидан хурсандман,— деди Сидрат қувноқ.

— Улай агар, менинг муносабатим чин юракдан бўлмаган бўлса,— қизгин сўзлади Зоҳид.

— Бундан ёмон бўлиши ҳам мумкин эди...— давом этди Сидрат.

— Уни айтаётганим йўқ, Сидрат.

— Яқинда «Лезгинка»га рақс тушишинг мумкин, Зоҳид.

— Лекин... Сидрат.

— Яна қандай рақс тушасан дегин, Зоҳид.

У унга далда бериб жилмайди, кейин кетиш учун ўрнидан турди. Зоҳиднинг қичқиргиси, ортидан югургиси келди, лекин аёлнинг бепарво кетиб боришидан уриниши беҳуда эканлигини тушунди.

\* \* \*

...Раҳимат Жамиланинг сочини тарар, Али уларнинг ёнида ўтириб қалин табобат китобини варақлар эди.

— Неча марта айтганман, ойи,— деди Сидрат келиб келиб, Алидан китобни олар экан.

— Ниҳоят, сени кўрадиган он ҳам бор экан-е, қизим,— суюниб кетди Раҳимат.— Кўзим тўрт бўлди-я. Бугун овқатинг совимасдан, вақтли келарсан, деб ўйлаган эдим. Шаҳардан қайтганингдан бери бундай ўтириб, кўнглимизни бўшатиб гаплаша олмаймиз ҳам.

— Тун бизники, кун беморлар учун,— ҳорғин жавоб берди Сидрат.

— Тун бўлса ҳам майли эди-я. Эшик тақилласа, сенга келишмадимикан, деб сакраб тураман.

— Вой, менинг Жамилам, қандай озода, яхши қизсан-е,— Сидрат суҳбат мавзуини ўзгартирди. Қизчанинг ёнига келиб, унинг ҳўл, ялтиллаб турган сочларини силади.

— Раҳимат холам мени ҳам чўмилтирдилар,— унга эътибор беришларини истаб, Али ҳам гапга ара-лашди.

— Сенинг сочинг узун эмас,— деди Жамила кўзларини ўйнатиб.

— Ўғил болаларнинг сочи узун бўлмайди,— деб кулди Раҳимат. Али эса гангиб, калта сочини қўли билан силади.

— Овқат едингларми, болалар?— деб сўради Сидрат.

— Едик!

— Едик!

— Мен аввалига сени кутдим,— деди Раҳимат,— кейин бир Ҳусайнни кига чиқай-чи, болалар қандай ўтиришган экан, деб ўйладим. Бориб қарасам, Ҳусайн

уларни чўмилтирмоқчи бўляпти. Улар эса шўхлик қилиб, ким биринчи чўмилади, деб сочиқ талашияпти... Қараб туролмадим. Буёққа олиб келдим уларни, Ҳусайн ажойиб одам-да. Шундай яхши одаму ҳаётда омади юришмади-да,— Раҳимат хўрсиниб қўйди.— Агар ёшроқ бўлганимда шундай одамни сира қўлдан чиқармаган бўлар эдим!— у айёрона Сидратга кўз ташлаб қўйди,— сен бир умр ёлғиз ўтишинг керак, деб ким айтган? Худога шукур, Роза ҳам ўз бахтини топди. Жуда бўлмаса, энди ўзинг ҳақингда ўйла.

— Энди қариганимда-я... Одамлар нима дейди?

— Одамлар,— Раҳимат чапак чалди.— Эрларининг бағрида ўтириб, бошқаларни гап қилиш осон,— у Сидратнинг ёнига келиб, эркалаб қучди.— Сен эр фақат ёшликда керак, деб ўйлама. Қайта кексайганимда кўпроқ керак. Бир-биринга суянасан, маслаҳатлашасан, зерикмайсан. Бу дунёда энг ёмони ёлғизлик,— кейин муғамбирона қўшиб қўйди,— кўп аёллар Ҳусайнни мўлжалга олишяпти, хабарим бор. Лекин унинг юраги бизнинг уйда. Агар унинг кўкрагидан итарсанг, кейин афсусланасан. Эркак кишининг иши осон, қизим.

— Роза нима дейди, ойи?— Сидрат Раҳиматга қараб шивирлади.

— Мен у билан гаплашганман,— севиниб кетди Раҳимат,— у рози. Ойим бахтли бўлса бас, дейди. Ҳусайннинг болалари-чи? Улар сени туққан онасидек кўришади. Жуда бўлмаса болаларга раҳм қил. Уларга онасиз осон дейсанми?— Раҳимат тез ва ёниб гапирар эди. У бу гап очилганидан хурсанд, қизи, мана мана, рози бўлишини ҳис қилар, бирор ўринсиз сўз халал беришидан чўчир эди. Шунинг учун Сидратга ҳам умид, ҳам қўрқув билан тикилар эди.

— Уйлаб кўриш керак, ойи,— деди ниҳоят Сидрат, ўзича эса: «Раҳимат менинг фикрларимни қандай билдийкин-а? Яхшиямки, бу гапни ўзи бошлади»,— деб ўйлади. Бўлмаса у айтолмасди ҳам.

— Уйлашнинг нима кераги бор, қизим,— яна ҳужум бошлади Раҳимат.— Ҳозир мен тирикман, мен билан дардлашиб кунинг ўтади. Мендан кейин-чи? Йўқ, йўқ, йўқ. Кўзим тириклигида ҳаётингни йўлга қўйишингни истайман.

— Менинг Розам бор-ку,— деди Сидрат.

— Розанинг ўз уйи бор,— кесиб ташлади Раҳимат.



— ...Кичкина Рашид,— қўшиб қўйди Сидрат ишончсизроқ.

— Болалар қушмисол. Қанот чиқаришса бас — инларидан учиб кетишади.

Сидрат жим бўлиб қолди. Ҳа, энди у Раҳиматга нима ҳам дея олар эди. У ўзига ўша азиз кишисини қандай қўмсашини, бахтиёр ва қийин онларида у билан хаёлан суҳбатлашини, ким унинг хотирасида умрбод қолганини айтсинми. Лекин барибир унинг Рашидга бўлган муҳаббати жуда ёрқин ва қизгин эди. Унинг қалби фақат шундай туйғуни кутган эди. Лекин ақли бу ҳол ҳаётда фақат бир марта бўлишини айтиб турар эди. «Лекин Ҳусайн-чи? Нега унда у?..» — деб савол берар эди ўзига у. Шу заҳоти, жавобни босиб болаларнинг товуши — Алининг йўғонроқ, Жамиланинг тили чучук овози эшитилар эди. Кўз олдида Чакарнинг ёстиқдан сал кўтарилиб турган чехраси пайдо бўларди. «Ушанда у ўлими олдидан менга нима демоқчи эди? Нимани айтиб улгурмади у?..»

Сидратнинг тўсатдан тоққа, бир маҳаллар Рашид билан учрашган жойга боргиси келди. Балки яхшилаб ўйлаб кўриш учун, балки ўз хотирасини синаб кўриш учундир... Балки Рашид билан видолашиш учун, олисдаги, сокин, акс садомисол ёшлиги билан хайрлашиш учундир.

Лекин у кетишга улгурмади. Ҳусайн келди. Ҳусайн одатича сўзларини айтиб остонадан ҳатлаб кирди:

— Жуда уяламан-да. Болалар сизларникига югуришгани югуришган. Бошқа жойга боришмайди. Нима қилсам экан уларни? — у «бефойда», дегандек қўл силкиди.— Юринглар, болалар, уйга. Қоронғи бўлиб қолди.

— Мен бугун Шидлат холам билан ухлайман,— деди Жамила унинг қўлидан чиқиб Сидратнинг олди-га келар экан.

— Шунақа қилади-да,— Ҳусайн бош чайқади.

...Сидрат хона ўртасида турар, Жамиладан Ҳусайнга, Ҳусайдан Алига қарар эди. Миясида минг хил фикрлар чарх урарди. Юрагида минг хил туйғу бири бири билан олишар эди.

— Юр, Жамила. Мен сизлар билан бораман,— деди у ниҳоят.

— Сен бизникида ётиб қоласан,— буйруқ берди Жамила.

— Яхши, қизалоғим. Бугун ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам.

— Ура!— деб қичқирди Али ва уларнинг атрофларида ҳақкалай бошлади.

— Кечаси ҳам, кундузи ҳам,— деди Сидрат Жамилани қўлидан ушлаб, кўтарар экан.

Ҳусайн ўзини йўқотиб қўйди. «Нималар деяпти у?»

— Бу ҳазилми ё чин?

— Сидрат ҳазиллашишни билмайди,— деди Сидрат ғамгин ва болаларни қучиб, ҳовлига чиқди.

Уларнинг кетидан Ҳусайн судралиб борар, елкасига теккан ҳўл шохлардан томчилар ёқаси ичига тушарди. Лекин у буни сезмас, бошига тушган бахтини ҳам ҳис этмас эди. Бу ҳаддан зиёд кутилмаган бир нарса эди.

Тепадан, айвондан уларга Раҳимат қараб турар, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артар эди.

Тонг отди. Бу улар бирга кутиб олган биринчи тонг эди. Ҳусайн газета ўқир эди. Сидрат ошхонада куйманарди.

— Сидрат, Сидрат,— чақирди у,— буёққа кел. Қарагин-а, бу ерда нима деб ёзишибди. Табриклайман сени,— у қўлида очиқ газета билан хотинининг олдига келди.

— Нима билан табриклайсан мени, Ҳусайн. Балки газетада кеча сенинг хотининг бўлганим ёзилгандир?

— Йўқ, бу ҳақда ҳозирча ёзишмабди,— унинг ҳазилига қўшилди Ҳусайн,— гарчи бу воқеа ёзишга арзиса ҳам. Бу ерда.— Ҳусайннинг овози титради,— Умарова Сидратга республикада хизмат кўрсатган врач унвони берилгани ёзилган.

— Бундай ҳазилкашлигингни билмас эдим, Ҳусайн.

— Э, йўқ, чиндан.

— Ростданми?— Сидрат ўғирилди. Унинг кўзлари эрига ҳайрат-ла боқар эди. У хамир ёпишган қўллари билан газетани олди ва яна ишонқирамай Ҳусайнга қаради. У бармоқлари билан жимгина Сидратнинг фамилияси ёзилган жойни кўрсатди.

— Наҳотки рост бўлса?— яна сўради у.— Ҳусайн, наҳотки мен шунга лойиқ бўлсам?— ва у эрининг елкасига юзларини яширди.

— Сен...сен қандайлигингни билмайсан,— деди Ҳусайн таъсирланиб.

— Жамиладан, Алидан сўра. Улар гўдак. Улар хушомадгўйликни билишмайди...

Сидрат ўзига келди.

— Бўлди, етар мени мақташ,— деди у қатъий.— Биласанми, нимани ўйладим. Бугун дам олиш куни. Болалар билан тоққа борамиз. Менинг қачон қувончим ёки қайғум бўлса,— деди у астагина,— тоққа бориб, у билан дардлашар эдим.

— Албатта борамиз,— уни қувватлади Ҳусайн,— болалар, ўйнагани борамиз,— қичқирди у ҳовлига қараб.

...Ҳусайн билан Сидрат тоғ ёнбағрида ўтирар эдилар. Пастда дарё шовуллар, кекса ёнғоқ дарахтининг барглари шитирлар, ўтлоқ кимхобдек товланар эди. Бу ўтлоқда Али билан Жамила гул терар эдилар.

Сарғиш яшил барг дарахтдан узилиб, ерга тушишни хоҳламай, ҳавода узоқ учиб юрди, қуёш ёқимли, осмон мусаффо, булут ҳам йўқ. Олтин кузнинг очиқ кунларидан бири эди.

— Олтин куз,— деди аста Сидрат.

— Кузнинг бундай гўзаллигини билмаган эканман,— жавоб берди Ҳусайн.

— Мен ҳам. Мен доим баҳорни яхши кўрар эдим. Аслида энг яхши фасл куз экан. Нега шундай экан-а?

— Уруғ баҳорда унади — бошоқ кузда етилади. Орзулар баҳорда пайдо бўлади, кузда амалга ошади. Балки шунинг учундир,— аста жавоб берди Ҳусайн.

Сидрат қўлини чўзиб, кафтини тошга қўйди. У илиқ эди. Унга қоялар бадқовоқ ва совуқ эмасдек туюлди. Улар қуёшга ўхшаб иссиқлик таратадилар.

Шунда у вужудида қандайдир буюк бир нарса пайдо бўлганини, у юрагига сигмаётганини ҳис этди. Шунда у бу туйғуни тоғлар ва осмонга бермоқ учун ва оёғи тагида ётган бутун оламни кўрмоқ учун, бутун олам уни кўрмоғи учун ўрнидан турди.

Олдинда қуёш ёритган ўтлоқ жилванади. У ерда тоғлиқ аёл эгилиб ўт ўради. Ёнида тоғлиқ эркак ғарам уяди. Дарё бўйида она гўдагини эмизади. У тугмаларини ечади ва унинг таранг, буғдойранг кўк-

рагига бола қўлчаларини қўяди. Сўнг бирдан у кўкракни қўйиб юборади ва юмуқ кўзлари билан жилмаяди. У қовоқларини илитган қуёшга, атрофда оқётган, уни эркалаётган ҳавога табассум қилади. Гўдак улғаяди. У одамларга ва дарахтларга табассум этадиган бўлади. Лекин бу юмуқ кўзлардаги беғубор жилмайишдан гўзалроқ нарса бормикан? Ҳеч кимга ва ҳеч нимага аталмаган табассум. Ҳаёт сари табассум. Унинг лаби бурчларида эса она сутининг оппоқ кўпиғи қотиб қолган. Икки парқу булут осмонда аста сузиб келиб, унинг устида тўхтадилар. Нарироқда яна бошқа булут парчалари... Улар ер юзига ёйилиб кетдилар. Бу қўй сурувлари. Шамол уёқдан чўпон найининг майин садосини олиб келди.

— Йўқ, бу туш эмас,—деди бирдан Ҳусайн гўё ўз ўйларига жавоб бергандек,— бу ҳаёт,— шунда гўё унинг сўзларини тасдиқлагандек қояга Жамила билан Али югуриб чиқишди.

— Менинг гулдастам чиройли-а? — деди Жамила Сидратга гулларни узатиб.

— Йўқ, меники. Меники каттароқ,— эътироз билдирди Али Сидратга дала гуллари дастасини узатиб.

— Иккалангизники ҳам чиройли,— деди Сидрат келишувчан оҳангда.

— Сен дадамга бер, мен Шидлат холамга,— бижирлади Жамила Алини итариб.

— Сен ўзинг дадамга бер, мен Сидрат холамга,— қаршилик қилди Али.

— Ҳа, майли,— жилмайди Ҳусайн,— иккалангиз ҳам Сидрат холангизга бера қолинг. Мен хафа бўлмайман.

— Биз сенга ҳам териб келамиз,— ваъда беришди болалар.

Сидрат уларнинг ортидан қараб қолди. Улар қоя ортига ўтиб кетишгач, уларнинг атрофларида фақат қуёшу тоғ ва ёнғоқ дарахтининг учларигина қолгач, у сочлари оқара бошлаган бошини Ҳусайннинг кўкрагига қўйди. «Раҳмат сенга, куз. Баҳор беролмаган бахтни сен олиб келдинг».

Пастда эса дарё шовуллар, шиддат билан тошларни юварди. Худди кечагидек, юз йил бурунгидек югургилаб оқарди. Сидрат кичкиналигида, Зулҳишат билан бирга кир чайгани келган пайтларидагидек шошиларди...

Мана бор гап шу, тоғ дарёси. Мен сенга бир ҳаёт тарихини, фақат бир тақдирни сўзлаб бердим. Биламан, сен денгизга шошасан. Йўлинг олис. Сен бургутлар уя қурган, осилган қоялар тагидан, сенинг муздек сувингни мириқиб ичадиган қўй сурувлари ўтлаб юрган тизза бўйи ўтлоқзорлардан, шаҳар ва овуллардан ўтасан.

Сенинг қирғоғингга кўза кўтариб келган аёлларга ҳам, сувингни сачратиб чўмиладиган болаларга ҳам, йиғим-теримдан сўнг чайир қўлларини сенда ювадиган эркакларга ҳам бу қиссани, менинг овулимдан чиққан аёл қиссасини сўзлаб бер...

## М У Н Д А Р И Ж А

Тақдир, <i>Жўрахон Умарова</i> таржимаси . . . . .	3
Булоқбоши, <i>Шоира Юсупова</i> таржимаси . . . . .	165

На узбекском языке  
Библиотека дружбы  
Проза народов СССР

---

Фазу Алиева

СУДЬБА

РОДНИКИ РОЖДАЮТСЯ В ГОРАХ

Повести

Перевод с изданий издательства «Советский писатель», Москва, 1966  
и издательства «Советская Россия», Москва, 1971

Редакторлар: *Ҳ. Тўрабеков, М. Аҳмедова*

Серия расоми *И. Кириакиди*

Расом *А. Кива*

Расмлар редактори *И. Кириакиди*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректор *Ш. Соатова*

ИБ №1802

Босмахонага берилди 19.03.82. Босишга рухсат этилди 3.2.83. Фармати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғоз № 3 Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 19,32+0,52 вкл. Нашр л. 20,67+0,64 вкл. Тираж 30000. Заказ №1476. Ваҳоси 1с. 60т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700127. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Алиева, Фазу.**

Тақдир. Булоқбоши: Повестлар/ [Редкол.: С. О. Азимов ва бошқ; Русчадан Ж. Умарова ва Ш. Юсупова тарж.]— Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.— 368 б.—(Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари прозаси.)

Машҳур асар адабаси Фазу Алиеванинг ушбу повестларида оддий аёлнинг тақдири, унинг муҳаббати, оила ва жамиятдаги ўрни тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу асарларда адиба ўз қаҳрамонларига нисбатан улкан муҳаббат, қадрдон ўлка, унинг одамларини тасвирлашда чуқур самимият намойиш эта билган.

**Алиева, Фазу. Судьба; Родники рождаются в горах: Повести.**  
С (Доғ)